

Алоуддин Атомалик  
ЖУВАЙНИЙ

# ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО



ISBN 978-9943-398-69-6



9 789943 398696

# ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО

Алоуддин Атомалик  
ЖУВАЙНИЙ

Алоуддин Атомалик  
ЖУВАЙНИЙ

# ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО

*Жаҳон  
фотиҳи  
тарихи*



*“Ёшларни тарихий билимлар  
ва тарих ҳақиқати билан  
қуроллантириш керак”*

**Ислом КАРИМОВ**

АЛОУДДИН АТОМАЛИК ЖУВАЙНИЙ

## ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО

*Жаҳон фотиҳи тарихи*



Тошкент  
«MUMTOZ SO‘Z»  
2015

иди.  
рос-  
гла-  
и ўз  
тинг  
тинг  
ти-  
ман-  
рих-  
даи  
рак.  
ита  
шга,

алик  
има-  
идан  
та-  
шига  
даги)  
та-

تارىخ

y John

Öztürk.  
Kaynak

УЎК: 821.512.133(092)  
КБК 83.3(5Ў)6

Марказий Осиё тарихининг қонли саҳифаларидан бўлган мўғул истилоси даври ҳақида санокли манбалар мавжуд. Бу давр ҳаётини акс эттирган Насавийнинг “Сийрати Султон Жалолиддин”, Рашидиддиннинг “Жомеъу-т-таворих” каби тарих китоблари қаторида Жувайний асари эсланади. Айни шу манба номлари тилга олинган ва кейинги даврларда яратилган тарихий асарларга бирламчи ҳужжат бўлиб келган. Ушбу тарих китоби билан танишиш тарих ҳақиқатини билишга ва уни холис тиклашга ёрдам беради.

Назарбек РАҲИМ таржимаси

Масъул муҳаррирлар:

филология фанлари доктори, профессор

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ;

Филология фанлари номзоди

Маҳкам МАҲМУДОВ

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор

Баҳодир ЭШОВ;

тарих фанлари номзоди, доцент

Неъмат ПОЛВОНОВ

83.3(5Ў)6

Ж 76

Жувайний, Алоуддин Атомалик.

Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи) / Алоуддин Атомалик Жувайний; масъул муҳаррирлар Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – 504 б.

УЎК: 821.512.133(092)

КБК 83.3(5Ў)6

ISBN 978-9943-398-69-6

© Жувайний, 2015

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2015

## ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ

Инсоният тарихни ўрганиш орқали келажакка пойдевор қўяди. Агар бу пойдевор қайсидир маънода чала ёки тўла илмий асосланмаган бўлса, у ўз вазифасини адо этмай туриб нураши, келажакка асқотмай қолиши мумкин. Айни ҳолат шўро даврида ўз “тажриба”сини кўрсатди. Тарихнинг айтилмаган, яшириб қолинган қисмлари бора-бора тўпланиб, бир долга ҳосил қилдики, унинг натижасида дунёга баркамоллик тимсоли сифатида кўрсатилган мамлакат барбод бўлди. Шунинг учун ҳам тарихий манбаларни ўрганганда уларни чала-ярим ҳолида ёки айрим тарихчилар тавсия этганидек талқин ҳолида эмас, балки аслида қандай бўлса, ана шундай тарзда ўрганишга ҳаракат қилмоғимиз керак. Шу маънода бирламчи манбалар, тарихий воқеаларда бевосита ўзи иштирок этган муаллифларнинг асарларини топиб ўқишга, таржима ва нашр қилишга эҳтиёж тугилади.

Юзлаб тарихий китобларда тилга олинган Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” асари қандай эди, унда нима-лар ёзилган? деган саволга шўро мафкурачилари томонидан тайёрланган талқинларни ўқиш орқали жавоб изладик ва табиийки, бундай иккиламчи йўл тарих ҳақиқатини тўла англашга ёрдам бера олмади. Ниҳоят, мазкур асарнинг асл (форс тилидаги) нусхаси<sup>1</sup> ва таржима (инглиз<sup>2</sup>, турк<sup>3</sup> тилларидаги)лари билан та-

<sup>1</sup> تاریخ جهان کشای جوینی. عطاملك علاالدين بن بهالدين محمد بن شمسالدين محمد جوینی. سنه ۶۵۸. جلد ۳-۱. تهران، ۱۳۷۰.

<sup>2</sup> Ata-Malik Juvaini, The History of the World-Conqueror. Translated from the Persian by John Andrew Boyle. Cambridge, 1958.

<sup>3</sup> Alaaddin Ata Melik Cüveynî. Tarih-i Cihan Güşa. 1.Cild. Çeviren: Doç.Dr. Mürsel Öztürk. Ankara: Kaynak Eserleri Dizisi, 1988; 2.cild. Çeviren: Doç.Dr. Mürsel Öztürk. Ankara: Kaynak Eserleri Dizisi, 1988.



нишиши орқасида ушбу қимматли тарихий асар замиридаги чин воқеаларни англашга ҳаракат қилдик. Бу жиҳатдан аввал тарихий манба муаллифини таниши ва танитиши йўлини тутсак, мақсадга яқинроқ келамиз, деган умидда муаррихнинг таржимаи ҳолига назар ташлаймиз.

Алоуддин Атомалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад 1226 йилда Ғарбий Хуросоннинг Жувайн вилояти Озодвор қишлоғида таваллуд топган. Хуросондаги мўғул ҳукмдорларидан Қирқўз, амир Аргун ва Ҳулогу саройида соҳибдевор бўлиб хизмат қилган. 1247–53 йилларда Қорақурум (Мўғулистон) шаҳрида, сўнгра Бағдодда Элхонларнинг ноиб (1259–83, танаффуслар б-н) сифатида иштирок қилган. Ниҳоят, 1283 йилда Арронда вафот этган. Отаси Баҳоуддин Муҳаммад Жувайнӣ даврининг таниқли шахсларидан бўлган, акаси Шамсиддин бир муддат укасининг давлат идораларида тикланишига ёрдам берган бўлса, Алоуддин Атомалик ўз навбатида, акасининг бошига ташвиш тушганида ёрдам бериб, унинг ва оиласининг ҳаётини сақлаб қолган. Бироқ салтанат ишларида қатнашиши хавфли бўлгани каби амир Аргуннинг ўлими баҳонаси билан, мўғул ҳукмдорлари уларни ўлимга маҳкум этиб, оиласини қириб ташлаган.

Алоуддин Атомалик Жувайнӣ Марказий Осиё ва Эрон, Мўғулистон ва Хитойнинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ақс эттирган «Тарихи жаҳонгушо» (1260) асари билан шўрат қозонган. Асар 3 жилддан иборат бўлиб, 1-жилд мўғуллар тарихи, Чингизхоннинг давлат тепасига келиши ва истилочилик юришларидан то Куюкхон даври (1246–48)гача кечган воқеалар, шунингдек, Жўжихон, Чигатой ва авлодларининг тарихини ақс эттиради; 2-жилд Хоразмшоҳлар тарихи ва Мовароуннаҳр ва Хуросондаги мўғул ҳукмдорлари (1258 й.гача) кечмишига бағишланган. 3-жилдда Ҳулогухоннинг Эронни забт этиши (1256–58), Исмоилийлар давлати тарихи батафсил баён этилган. Ўрта Осиё тарихи учун асарнинг 1–2 қисмлари алоҳида қимматга эга.

Муаллиф ўз асари хусусида ёзаркан, унинг мавзу ва материали, номланиши ҳамда тарихий объекти ҳақида шундай дейди: “Мовароуннаҳр, Туркистон, Мочин (Жанубий Хитой) каби Чингизхон ва унинг ўғиллари томонидан забт этилган жойларнинг ҳаммаси китобимга мавзу бўлди. Ҳикоя қилган баъзи воқеаларни ўз кўзим билан кўрдим, баъзиларини эса гаплари ишончли бўлган

кишилардан тингладим. Бир қисмини эса тўғри эканлигига қатъий ишонч билан қаралган тарихий манбалардан олдим. Вафодор ва узоқни кўра оладиган дўстларимнинг талабини рад этиб, ушбу китобни ёзмасликнинг имкони бўлмади. Ҳақиқий, асл хабарларга таянган ҳолда қаламга олинган бу асар “Тарихи Жаҳонгушои Жувайнӣ” деб номланди”.

Алоуддин Атомалик Жувайнӣ қаламга олган давр воқеалари хусусида бир қатор тарих китоблари ёзилган<sup>4</sup>. Улар “Тарихи жаҳонгушо” асарини нашрга тайёрлаб, изоҳлари билан чоп эттирган эронлик олим Муҳаммад Қазвинийнинг таснифига кўра, “Ғазон ва Ўлжайтунинг вазири Рашидуддин Фазлуллоҳ томонидан ёзилган “Жомеъу-т-таворих” (710/1310-11), Абдуллоҳ б. Фазлуллоҳ аш-Шерозийнинг “Тарихи Вассоф” номи билан танилган “Тажзияту-л-амсор ва тазжияту-л-осор” номли китоби (728/1327), “Жомеъу-т-таворих”га назира ва қўшича тарзида ёзилган Ҳамдуллоҳ Абу Бакр б. Аҳмад б. Наср ал-Муставфӣ Қазвинийнинг “Тарихи гузида”си (730/1329), яна ўша муаллиф томонидан “Шоҳнома” тарзида ёзилиб, 25 минг байти араб тарихи, 20 минг байти Эрон тарихи, 30 минг байти мўғул тарихини қамраб олган 75 минг байтлик “Зафарнома” номли манзум тарих китоби (735/1334), Абу Сулаймон Довуд б. Абул Фазл Муҳаммад ал-Банокатийнинг “Тарихи Банокатий” номи билан танилган “Равзатули-л-албоб фи тавориху-л-ақобир ва-л-ансоб” (717/1317), “Тафсири Байзовий”нинг муаллифи Носириддин Абу Саъид Абдуллоҳ б. Умар б. Али ал-Байзовийнинг “Низому-т-таворих” (674/1275), Муҳаммад б. Али Муҳаммад б. Муҳаммад б. Ҳусайн б. Абу Бакр аш-Шабонарийнинг “Маҷмаъу-л-ансоб” (733/1332) каби китоблардан иборат. Албатта, эронлик олим, биринчи навбатда, форс тилидаги манбаларни назарда тутган, агар биз бу асарлар қаторига Шаҳобиддин Насавийнинг “Сийрат ал-Жалолиддин Манкбурни”, Ибн ал-Асирнинг “ал-Комил фи-т-тарих”, Абул Фиданинг “Ал-Мухтасар фи ахбор ал-башар” каби араб т.даги тарих асарларини ҳам қўшсак, “Мўғуллар истилоси” деб номланган давр ҳақида маълумот берувчи манбалар талайгина эканини тасаввур қилиш мумкин. Булар ўз даври ҳодисотларини

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Тошев Н. Жувайнӣ ва унинг “Тарихи жаҳонгушо” асари // Шарқшунослик. 1995. 6-сон. Б.60-67; Хорзамшоҳ Жалолиддин Мангуберди (даври, маданий ҳаёт, манбалар). Т.: Фан, 1999.



бевосита гувоҳи бўлган, ўша даврда яшаб, замон талотумларини муаррихлик нигоҳидан ўтказган асарлар холос. Кейинги даврларда те мурийлар ва хонликлар даврида Туркистонда ёзилган тарих китоблари (маълумки, уларнинг ҳар бирида маълум маънода мўгуллар тарихи қисқа акс этган) ва Ҳиндистонда бобурийлар даврида яратилган тарихий манбалар рўйхатининг ўзи бир китобга жой бўлиши мумкин<sup>5</sup>. Бироқ мутахассислар айнаи давр хусусида сўз кетганда кўпроқ “Тарихи жаҳонгушо”, “Жомеъу-т-таворих” ва “Сийрати Жалолиддин Манкбурни” каби китобларга урғу беришади. Чунки уларнинг муаллифлари Алоуддин Жувайний, Рашиддин Фазлуллоҳ ва ан-Насавий тасвирдаги воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, уларда қайсидир маънода иштирок этган ва тарих воқеаларига имкон қадар холис кўз билан қараб, мушоҳада юритилган. Бу асарларнинг фақат сўнггисигина ўзбек тилида (рус тилидаги таржима асосида) чоп этилди холос. Бу тарихий манбаларни етарли даражада ўзлаштирмай туриб, жаҳон тарихининг ўта мураккаб ва аянчли даври ҳақида илмий хулосага келиш қийин. Уларни ўзбек китобхонига етказиш, “ёшларни тарихий билимлар ва тарих ҳақиқати билан қуроллантириш керак” (И.А.Каримов)лиги ҳақидаги талабни жиддийан ҳис этсак, тарихчи олимлар, ноширлару адиблар олдидаги масъулият янада ортади.

Ана шу мақсадда Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг мазкур тарих китоби нашрга тайёрланди. Китобнинг бевосита Марказий Осиё тарихи билан боғлиқ ҳодисотлар акс этган 1- ва 2-жилдлари мазкур нашр орқали ҳавола қилинмоқда. Уларда гарчи оғир бўлсада, халқимиз бошига тушган машаққатли кунлар тасвирланган. Муаллиф мўгул ҳукмдорлари талаби билан қалам юритган бўлса ҳам улар томонидан амалга оширилган қатли омлар, қиргинбарот жанглариға холис назар билан қараб туролмайди. Очиқ сўз билан айта олмаган фикрларни назмий парчалар воситасида китобхонларга етказлади. “Шеър: [Билимсизлар белини ёстиққа суяган кунни билимли кишиларнинг беллари синди]. Олимлар хайрли ишлар билан машғул бўларкан, улар кун кечирши қайғусига тушиб қолдилар, жоҳиллар эса неъматлар ичида сузмоқдалар. Ҳур кишилар озиқсиз, йигитлар сургунда, келиб чиқишига кўра аслзодалар эришганларини қўлидан олдирган, ҳисоблилар ўз ҳисобларидан адашган, ақл-

<sup>5</sup> Қаранг: Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I жилд: Энг қадимги даврдан XIX аср ўргаларигача. Т.: Янги аср авлоди, 2014.

лилар фалокат ҳудудига тушиб қолган, тадқиқотчилар ўз мавзуларининг асири бўлиб қолган, билимдонлар жоҳилнинг хизматиға кирган, етук баркамол кишилар разиллик касалиға дучор бўлган, мақом соҳиблари гафлатда қолиб залолат йўлиға кириб кетган, яхшини ёмондан фарқлай оладиган кишилар виждонсиз, разиллар кўлиға асир бўлиб тушган давр эди”.

Англашиладики, асарда бундай назмий парчалар билан бир қаторда Куръони мажиддан келтирилган ояти карималар, ҳадислардан намуналар ҳам талайгина. Улар орқали муаррих тарих тили билан айта олмаган фикрларни бадиий адабиёт воситасида ўқувчиларға ҳавола қилади, китобхонни мушоҳада қилишға, тарих ҳақиқатини бутун кўлами билан ҳис қилишға ундайди.

Мазкур тарих тадқиқотчиси Муҳаммад Қазвинийнинг “Махсус муқаддима”сида Жувайнийлар хонадони ва улар билан яқин алоқада бўлган шоирлар, хусусан, хоразмишохлар саройида ижод қилган Рашидиддин Ватвотдан тортиб машҳур Шайх Саъдийгача тасвирдаги давр ижодкорлари хусусида ҳам сўз юритилади. Ушбу лавҳаларни ўқиган китобхон мазкур тарихий манба адабиётимиз тарихини ўрганиш учун ҳам жуда зарур эканини тушуниб етади ва ундан адабиёт тарихини ўрганиш учун ҳам муҳим иқтибослар ва фикрларни ола билади. Тарих китоблари Султон Санжар ва Хоразмишох Отсиз ўртасидаги жангу жадаллардан сўз юритса, тазкираларда Ҳазорасни қамал қилган Султон Санжар саройи шоири Анварийнинг бир рубойиси келтирилади:

Эй шоҳ, ҳаме мулки замин ҳасби турост,  
Ва-здавлату иқбол жаҳон касби турост.  
Эмруз ба як ҳамла Ҳазорасп бегир,  
Фардо Хоразму сад ҳазор аспи турост.

Таржимаси:

Эй шоҳ Санжар мулки жаҳон мавжудот сенгадир,  
Тақдир ва толей ёр бўлса, коинот ҳам сенгадир.  
Бир ҳамла ила бу кун Ҳазорасни ол,  
Эртаға буткул Хоразму юз минг от сенгадир.

Унга жавобан Рашидиддин Ватвотнинг ўз ҳукмдори қудратини васф этиб ёзган:

Гар хасми ту эй шоҳ шуд Рустам гард  
Як хар зи Ҳазорасп ту натавонад бўрд<sup>6</sup>

байтини ўқиймиз. Бироқ биздаги китоблардан бу байт “Хоразмшоҳимиз Рустами дoston кабидир бешак, Шу сабаб Ҳазораспга киролмаган ҳеч бир эшак”<sup>7</sup> каби таржима қилинганини учратамиз. Жувайний тарихида эса, Анварийнинг юқоридаги мактубига жавобан айтилган байт мазмунан [Эй шоҳ, сенинг рақибинг Рустам каби паҳлавон бўлса-да, Ҳазораспдан ҳатто бир эшак ҳам ололмайди] кабидирки, бу юқоридаги таржимадан кўра аниқроқ. Мазкур тарихда келтирилган форсий байтнинг таржимаси ҳам мантқиқан тўғри, ҳам бадиий санъат – таносуб нуқтаи назаридан биринчи мисрага уйғун. “Тарихи жаҳонгушо”да бу каби аниқлик билан айтилган ҳикмат ва назмий намуналар талайгина. Айни тарих бағридаги адабий парчаларнинг илмий муомалага киритилиши адабиёт тарихимизни бойитишига ҳам ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

**Асл манба наири:** Тарихи Жаҳонгушои Жувайний. Атомалик Алоуддин бинни Баҳоуддин Муҳаммад бинни Шамсиддин Муҳаммад Жувайний. Сана 658 (1260). 1-3 жилд. Техрон, 1370.

Мазкур наишр уч жилддан иборат бўлиб, унинг биринчи жилди Муҳаммад бинни Абдулваҳҳоб Қазвинийнинг “Махсус муқаддима”-си билан очилади. Муқаддима сўнгида мазкур асарнинг 7 та қўлёзма нусхаси ва уларнинг тавсифлари берилган. Муқаддима ёзилган сана – ҳижрий 1330 (милодий 1912) кўрсатилган. Сўнгра “Тарих...”нинг 1-жилди (232 саҳифа), арабча ёзилган шеърларнинг изоҳ ва таржималари, расмлар изоҳи, ниҳоят Эрвард Г.Броуннинг 1912 йил 4 август санаси кўрсатилган сўнгсўзи (инглиз тилида, 93 саҳифа) келтирилган. Иккинчи жилд ҳам Муҳаммад Қазвинийнинг “Махсус муқаддима”си билан очилади. Унга ҳижрий 1333 (1915) санаси билан имзо қўйилган. Матндан сўнги изоҳлар (ҳошия) ҳамда индекс (кўрсаткич) берилган. Учинчи жилднинг “Махсус муқаддима”сига имзо қўйилмаган. Жилда аввал фикрист, сўнгра матн ва индекс берилган. Китоб сўнгида эса Э.Денисон Роснинг ихчам

<sup>6</sup> تاریخ جهان کتابی جوینی. عطاءالله علاءالدین بن بهالدین محمد بن شمسالدین محمد جوینی. جلد ۲، ص. ۸.

(Тарихи Жаҳонгушои Жувайний. Атомалик Алоуддин бинни Баҳоуддин Муҳаммад бинни Шамсиддин Муҳаммад Жувайний. Техрон, 1370. 2-жилд. Б.8.

<sup>7</sup> Раҳимов Ж. Ватаннинг шерюрак баҳодири. Т.: O'qituvchi-Talqin, 2015. Б.39.

сўнгсўзи “Э.Ж.Гибб мемориал” наишрлари рўйхати келтирилган. Техронда чоп этилган ҳар уч жилд ҳам ҳижрий-шамсий 1370 санаси билан босмадан чиққан.

**Таржимага асос қилиб олинган манба:** Alaaddin Ata Melik Süveynî. Tarih-i Cihan Güşa. 1.Cild. Çeviren: Doç.Dr. Mürsel Öztürk. Ankara: Kaynak Eserleri Dizisi, 1988; 2 cild. Çeviren: Doç.Dr. Mürsel Öztürk. Ankara: Kaynak Eserleri Dizisi, 1988. Мазкур асар алоҳида-алоҳида китоб ҳолида наишр этилган. Ҳар икки жилд ҳам таржимон Мурсал Ўзтуркнинг кичик сўзбошиси билан очилади ҳамда Муҳаммад бинни Абдулваҳҳоб Қазвинийнинг “Махсус муқаддима”-си биринчи бўлим сифатида, “Тарих...”нинг матни эса иккинчи бўлим сифатида тавсия этилган. Таржимон сўзбошиси 1,5 саҳифани ташкил қилса, Муҳаммад Қазвиний “Муқаддима”си 76 саҳифадан иборат.

**Мазкур наишр хусусида.** Ушбу наишр таржима асари бўлгани учун ундаги воқеалар баёни ва унинг ўзбек тилидаги ифодасига эътибор қаратилди. Таржимон сўзбошиси ва “Махсус муқаддима” айнан сақланди. Туркча таржимада аниқ ифодасини топмаган ўринлар форсча матн асосида тартибга солинди. Шеърлар матнида араб ва форс тилларида берилгани учун таржимада унинг насрий баёнини бериш билан чекланилди. Саҳифа остидаги изоҳлар, асосан, таржимон Мурсал Ўзтуркка тегишли бўлиб, уларнинг ҳавола рақамлари сақланди. Айрим таржимон ва таҳририятга тегишли изоҳларга (тарж.) ёки (таҳр.) тарзида ишора берилди.

Таржимон асарни аслиятдан эмас, балки воситачи тилдан таржима қилгани учун уни Техрон наиши билан солиштириб чиқишга тўғри келди. Айрим воқеалар шарҳига аниқлик киритилди, исмлар, жой номлари унификация қилинди. Шунга қарамай таржимадаги тартиб сақланиб, изоҳлар саҳифа остида берилди. Таржимон томонидан орттирилган бир қатор иловалар: Буюк хонлар (Чингизхон, Ўктой, Тўрагана хотин, Куюкхон, Мангу хоқон) ва Элхонлилар (Хулогу, Абока, Такудор, Арғун, Гайҳатий, Байду, Ғазон Маҳмуд, Ўджайту, Абу Саид); Чингизхон сулоласи, Библиография (асосан, инглиз ва олмон тилидаги манбалар), Индекс ва Хариталардан иборат эди. Уларнинг асосий қисмини сақлаган ҳолда хариталар нисбатан янгилари билан алмаштирилди, Хоразмшоҳлар сулоласини беришда Ж.Раҳимовнинг “Жалолиддин Мангуберди” китобидаги шажара ва айрим суратлардан фойдаланилди.

Мазкур нашрни амалга оширишда беминнат хизмат қилган таржимон Назарбек Раҳимовга, таржимани қайта-қайта манбалар билан солиштириб, унинг сайқалланишида заҳматини аямаган олим Маҳкам Маҳмудовга ҳамда ушбу китоб ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган тақризчилар тарих фанлари доктори, профессор Баҳодир Эшов ҳамда тарих фанлари номзоди, доцент Неъмат Полвоновга нашриёт ўз миннатдорчилигини билдиради.

**Филология фанлари доктори,  
профессор Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ**

## СЎЗБОШИ

Буюк тарихчи ва давлат арбоблариданбири ҳисобланган Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонгушо” номли асари XII ва XIII аср турк-мўғул тарихининг энг муҳим манбаларидан биридир. Муаллиф узоқ йиллар мўғуллар давлатида муҳим вазифаларда ишлагани, исмоилийларга қарши бўлган жангларда иштирок этгани ва ўз кўзи билан кўрган воқеалар ёки ишончли ёзма ҳамда оғзаки манбаларга таянгани сабабли бу тарих катта шуҳрат қозонган эди. Асар хоразмшоҳлар, мўғуллар ва исмоилийлар тарихларини мавзу қилиб олган барча китобларга асосий манба бўлиб хизмат қилган. XIX аср бошларидан Оврўпа тилларига (парча ҳолида) таржима қилинган, 1958 йилда Кембрижда таржимон Жон Андри Бойл (John Andrew Boyle) томонидан инглиз тилида икки жилд ҳолида нашр қилинган эди.

Биринчи жилдда – Чингизхондан Куюкхонга қадар ҳукм сурган мўғул хонлари, иккинчи жилдда – хоразмшоҳлар тарихи, учинчи жилдда – Мангу хоқон, Ҳулогухон ва Исмоилийлар тарихлари ёритилган. “Тарихи Жаҳонгушо” муаллифи ўз асарида сўз гўзаллигига аҳамият берган, узун жумлалар, қофияли сўзлар, тушунилиши қийин бўлган ўхшатишлар, туркча ва мўғулча сўзлар, шу билан бирга Қуръони каримдан олинган оятлар, ҳадислар, мақол ва маталлардан фойдаланган. Асар *санъатли наср* дейилган бир тил билан ёзилган, унинг таркибида арабча ва форсча шеърлар учрайди, 1911 йилдан эътиборан Лейденда Мирзо Муҳаммад Қазвиний томонидан уч жилд қилиб тўла ҳолда нашр этилган, кейинчалик Эрондаги барча нашрларга Қазвинийнинг нашри асос қилиб олинган эди. Ушбу таржиманинг биринчи жилди Қазвинийнинг батафсил Кириш сўзи, асар матни ва Е.Г.Броун (E.G.Browne) таржимасига илова қилинган шеърлар, шахс, географик ва асарлар номлари кўрсаткичларидан майдонга келган. Биз бу ерда “Жаҳонгушо”нинг ёзма нусхаларидан фойдаланишдан ташқари ушбу нашрга мўғул ва Элхоний подшоҳларига алоқадор бўлган хронологик лавҳа ва библиография илова қилдик. Мўғул хонадонининг насабнома-шажараси вахариталар Бойл (Boyle) китобидан олинди, ушбу нашрга қиртилди.

*Таржимон доктор Мурсал Ўзтурк*



## Мирзо Муҳаммад ибн Абдулвахҳоб Қазвиний

### МАҲСУС МУҚАДДИМА

Исломиятдан бугунги кунга қадар майдонга келган муҳим воқеа, балки бутун даврларнинг муҳим ҳодисаси мўғул истилосини майдонга чиқарган кўрқинчли воқеалардир. Мўғуллар ҳужумлари ҳижрий VII (милодий XIII) асрнинг бошларида Шарқ заминидан бошланган, 30-40 йил ичида Чин (Хитой) денгизи соҳилларидан Сурия ва Миср чегараларига, Дашти Қипчок, Русия, Польша ва Можаристондан Басра кўрфазига ва Уммон денгизига қадар тарих гувоҳ бўлган жуда кенг ҳудудни қамраб олган. 656 (1258) йилга келиб илдизи қадимги замонларга бориб тақалган аббосийлар халифалигини ҳам қулатган.

Ўша зиддиятлар ва фитна долғалари майдонга чиққан ҳалокат вақтида бу ваҳшийларнинг ўт қўйишлари ва катли омларига энг кўп нишон бўлган ўлка бу бахтсиз Эрон (ва Марказий Осиё)дир. Мўғулларнинг жаҳондаги давлатларнинг катта зарарларга сабабчи бўлган шиддатли тўфони Эроннинг ҳамма томонларини остин-устун қилди, бу балонинг дунёни қовурган олови Эронни бутунлай ўтга тутди, ўша ҳодисалар пайтида миллионлаб айбсиз кишилар ўлдирилди, шаҳарлар, қасабалар ва қишлоқлар батамом йўқ қилиниб, қаттиқ дўл остида қолиб кетган боғу боғчаларга айланди. Илм ва адабиёт марказлари йўқ қилинди, санъат саройлари ва мол-мулк омборлари қарға ва бойқушларнинг маконига айлантирилди, олим ва фозиллар бир ерга тўпланиб, оммавий тарзда қўйсурувлари каби бўғизландилар, кутубхоналар китобхоналари билан бирга йўқ қилинди.

Эронда мўғул истилосининг кўрсатган ёмон фалокати илм ва адабиётни бутунлай йўқ қилолмаса-да, энг паст савияга тушиб қолганидадир. Исломиий илмларни ва адабиётни бироз билган киши мўғул истилосидан аввал ва сўнгра ёзилган китобларни таққослай олса, орадаги жуда катта фарқни тушуна олади. Шунинг билан бирга адабиётнинг хусусий бир бўлими ҳисобланган тарих илмининг мўғуллар даврида ҳам илгариллаши ва ривожланиши ҳайрон қоларли ҳолдир. Бугунга қадар ёзилган тарих китобларининг энг яхши-

ларидан бири бўлган, биз мавзу килиб олганимиз 658 (1259) йилда ёзилган Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонгушо”-си, Ғазон ва Ўлжайтунинг вазири Рашидуддин Фазлуллоҳ томонидан 710 (1310/11) йилдан ёзила бошланган “Жомеъу-т-таворих” номли тенгсиз ва кенг қамровли тарих китоби<sup>1</sup>, 728 (1327) йилда ёзилган Абдуллоҳ б. Фазлуллоҳ аш-Шерозийнинг “Тарихи Вассоф” номи билан танилган “Тажзияту-л-амсор ва тазжияту-л-осор” номли китоби<sup>2</sup>, “Жомеъу-т-таворих”га назира ва илова тарзида 730 (1329) йилда ёзилган Абдуллоҳ Абу Бакр б. Аҳмад б. Наср ал-Муставфий Қазвинийнинг “Тарихи гузида”си<sup>3</sup>, яна ўша шаҳс томонидан 735 (1334) йилда “Шоҳнома” тарзида ёзилган 25 минг байти араб тарихи, 20 минг байти Эрон тарихи, 30 минг байти мўғул тарихини қамраб олган 75 минг байтлик “Зафарнома” номли буюк тарих китоби<sup>4</sup>, 717 (1317) йилда Абу Сулаймон Довуд б. Абул Фазл Муҳаммад ал-Банокатий томонидан ёзилган “Тарихи Банокатий” номи билан ҳам танилган “Равзатули-л-албоб фи тавориху-л-ақобир вал ансоб”<sup>5</sup>, 674 (1275) йилда машҳур “Тафсири Байзовий”нинг муаллифи Носириддин Абу Саъид Абдуллоҳ б. Умар б. Али ал-Байзовийнинг Эрон султонлари ҳақида қисқа шаклда ёзган “Низомуъ-т-таворих”<sup>6</sup>, Абу Саъиднинг салтанати даврида 733 (1332) йилда Муҳаммад б. Али Муҳаммад б. Муҳаммад б. Хусайн б. Абу Бакр аш-Шабонарийнинг “Мажмаъу-л-ансоб”<sup>7</sup> каби китобларининг ҳаммаси мўғуллар даврида ёзилган эди.

Юқорида санаб ўтган китобларимиз орасида энг муҳимлари “Тарихи Жаҳонгушо”, “Жомеъу-т-таворих”, “Тарихи Вассоф” эканига ҳеч бир шубҳа йўқдир. Буларнинг орасида ёзилиш тарихи ва қиммати жиҳатидан “Тарихи Жаҳонгушо” нариги иккаласидан ҳам янада устун ҳисобланади. Эронда ҳукм сурган мўғулларнинг бир қисми бўлган мўғул тарихи ҳақида ўша даврда бу учта тарих китобидан янада мўътабарроқ бирор тарих китоби ёзилмаган. Шунинг билан бирга “Тарихи Жаҳонгушо”нинг муаллифи

<sup>1</sup>Rieu, S.74(Rieu. Ch.Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Museum, 3 Bde, London, 1927-1939.

<sup>2</sup>Ўша асар. Б. 161-163.

<sup>3</sup>Ўша асар. Б. 81.

<sup>4</sup>Ўша асар. Б. 172-174.

<sup>5</sup>Ўша асар. Б. 80.

<sup>6</sup>Ўша асар. Б. 824.

<sup>7</sup>Ўша асар. Б. 83-84.

АлоуддинАтомалик Жувайнийнинг мўғуллар давлатида эришган юксак мақом ва зиммасига юклатилган хизмат вазифалари туфайли (деярли 15 йилга яқин мўғуллар томонидан бутун Эрон, Гуржистон, Онадўли ва бошқа ўлкаларни бошқариш учун тайинланган амир Арғун Аконинг ёзишмаларини бажарган, Хулогунинг Эронга келганидан кейин унинг энг сеvimли котибларидан эди. Ундан сўнг ўғиллари Абока ва Аҳмадноми билан танилган Такудор томонидан Бағдоднинг ва бутун Араб Ирокиннинг хокими қилиб тайинланган ва бу вазифада 24 йилга яқин ишлаган муаллиф бу китобда ёзилган ҳодисаларнинг кўпчилигини ўз кўзи билан кўрган ва уларга гувоҳ бўлган эди. Кейинроқ янада атрофлича тўхталмокчи бўлганимиздек, “Жомеъу-т-таворих”нинг муаллифи Рашидиддин Фазлуллоҳ б. Абдулхайр б. Али Ҳамадоний аввал Абоканинг пифокори, кейин эса 20 йилга яқин Ғазоннинг ва укаси Ўлжайтунинг вазирлигини бажарди. Бу муддат мобайнида мўғул давлатининг идоравий тизгинларини ўз қўлида тутди. “Жамоуъ-т-таворих”да ёзилишича, асар Ғазоннинг амри билан бошланиб, Ўлжайтунинг даврида тугалланган. Рашидиддин бу кадрли китобда баён қилган воқсаларнинг деярли ҳаммасида узоқ муддат мўғул подшоҳларининг амри остида ишларкан, ё ўша пайтда орттирган билим ва тажрибаларига, ёки мўғул подшоҳларининг саройида тўп-ланган уйғур, хитой, тибетлик, ҳинд, турк, араб, яҳудий, насроний каби ҳар хил ирқ, дин вақиллари бўлган олим, файласуф, мунажжим, тарихчилардан эшитган, улар қолдирган таржима китобларидан олган билимларига таянади. Бу бебаҳо китобнинг аҳамияти ҳаддан зиёддир. Уларнинг ҳаммасини бу ерда англишти Кириш сўзининг тор қолишларига сизмайди. “Жомеъу-т-таворих” кўпчиликнинг ўйлаганидек, фақат мўғул тарихи бўлмасдан, балки бошлангичдан муаллифнинг давригача бўлган воқса-ҳодисаларни мавзу қилиб олган, умуман, миллатлар ва давлатлар тарихидир. Бу жуда қимматли китобнинг ҳажми тахминан “Тарихи Жаҳонгушо”нинг беш баробаридир.

“Тарихи Вассоф”нинг муаллифи Шаҳобиддин Абдуллоҳ б. Иззиддин Фазлуллоҳ Шерозий “Жомеъу-т-таворих”нинг муаллифи Рашидиддин Фазлуллоҳ ва ўғли Ҳожа Ғиёсиддин Муҳаммаднинг замондоши бўлиб, “Девони истифо”да хизмат қилди. У ҳам китобида тасвирлаган воқса ва ҳодисаларни шахсан ўз кўзлари билан кўрган ёки мўғул давлатининг катталаридан эшитган. “Тарихи

Вассоф”нинг мавзуси ҳам “Тарихи Жаҳонгушо”нинг мавзуси каби мўғул тарихи бўлса-да, у асарда ўша даврда ҳукм сурган бошқа подшоҳлар ҳақида ҳам сўз юритилган. “Тарихи Жаҳонгушо”даги воқса-ҳодисалар 655 (1257) йилда яқунланади. “Тарихи Вассоф” эса шахсан муаллифнинг “Жаҳонгушо”га илова тарзида ёзган сўз-бошисида кўрсатганидек, 656-728 (1258-1327) йиллар орасидаги воқсалар, яъни Хулогунинг Бағдодни фатҳ этганидан мўғулларнинг сўнгги ҳукмдори Абу Саъид султонлик йилларининг ўрталарига қадар бўлган ҳодисалардан баҳс қилади. Эронда ва бошқа Осиё ўлкаларида ҳукм сурган мўғулларнинг бу 70 йиллик тарихи уларнинг замондоши, маъмури, энг кўзга кўринганларидан бири томонидан ёзилганлиги билан ниҳоят даражада муҳим. Бу ҳол китобнинг қимматини оширади. Шу билан бирга “Тарихи Вассоф”да ифода борасида ортиқ даражадаги сунъий ташбиҳлар, киёслашлар, услубидаги оғирлик, муаллифнинг ҳамма жойда сўзнинг гўзал ифодасига аҳамият бериб, маънога старлича аҳамият бермаслиги бу китобнинг аҳамиятини, кадрили нариги иккита китобга қараганда камайтирган хусусиятлардан ҳисобланади.

Бу учта китоб орасида ҳозиргача нашр қилинган ва ҳамманинг фойдалана олиши мумкин бўлган аҳволдагиси фақат “Тарихи Вассоф” бўлиб, бу китоб 1269 (1852) йилда Бомбайда тошбосмада чоп этилган эди. Лекин вақт нуқтаи назаридан анча аввал ва кадр-қиммат жиҳатидан янада устун ва услуб ҳамда тушунарли бўлиши жиҳатидан эса, янада содда ва равон бўлган “Жаҳонгушо” ва “Жомеъу-т-таворих” кунимизгача кутубхона бурчакларида қўлёзма ҳолида қолиб кетган. Улардан фақат кутубхоналарга бора олиш имконларини топганларгина фойдалана олганлар, холос. Яъни халқ оммаси ўқий оладиган ҳолатга келмаганди<sup>8</sup>. Аммо шуни мамнуния билан маълум қиламизки, охириги пайтларда Гибб вақфи (Memorial Gibb) ҳар иккала қимматли асарнинг нашр қилишни ва уларга қайта ҳаёт бағишлашини ўз зиммасига олди<sup>9</sup>. Мана шу тарз-

<sup>8</sup> Ҳозиргача “Жаҳонгушо” фақат биринчи жилдининг баъзи бўлимлари (Ч.Шефер) томонидан “Форс мажмуаси” (Chrestomathie Persane) номли китобнинг иккинчи жилди таркибида нашр қилинди. Унинг нашр қилинган қисми (106-169- сах.) 63 саҳифа бўлиб, “Жаҳонгушо”нинг қўлингиздаги нашрининг 58-140 саҳифаларини эгаллаган. Ч.Шефер нашр қилган форсча матнга французча қайдлар ва изоҳлар ҳам ёзган (Chrestomathie Persane 1-жилд. 155-193 сах.) (Ch. Schefer. Chrestomathie Persane. 2-жилд, Париж, 1885).

<sup>9</sup> Жаноб Гибб ўз ҳаётини Шарқ тилларини ва адабиётларини ўрганишга бағишлаган ва кичик ёшда вафот этган бир инглиз шарқшуносдир. Онаси ўтлига бўлган бениҳоя севгиси туфайли фарзандининг номини абадийлаштириш учун маълум бир маблағ ажратиб,

да форс адабиётшунослари билан овруналик шарқшуносларнинг зиммасига жуда буюк вазифани юклади. “Жомеъу-т-таворих”ни нашрга тайёрлаш ишини Париж Миллий кутубхонасининг маъмурларидан бири бўлган жаноб Блоше (Mr. Blochet)га топширди. Ҳозир бу асар биринчи жилдининг 2-қисми (Ўқтой хокондан Темур хоконгача) тугалланиш арафасидадир<sup>10</sup>.

Номи зикр қилинган вақфнинг бошқарув ташкилоти аъзолари проф. Эдвард Броуннинг таклифига кўра, “Тарихи Жаҳонгушо”-нинг нашрга тайёрланиш ишини менга бердилар. Мана энди буюк Аллоҳнинг ёрдами билан “Тарихи Жаҳонгушо”нинг биринчи жилди нашр қилинди<sup>11</sup>. Пари каби кўзлардан йироқ бўлган ёпишчи

унинг фойдаларини шарқшуносларни идора қиладиган бир вақфга юборган ва ўшандан бери бу вақф туркча, арабча ва форсча ёзилган муҳим асарларни нашр қилиш билан машғул. Ҳозиргача ҳаражатлари бу вақф томонидан қопланган 20 та китоб босилди.

<sup>10</sup> Бугун кўлда мавжуд бўлган “Жомеъу-т-таворих”нинг асли икки жилддир. 1-жилд мўғул тарихини, 2-жилд эса, умумий тарихни ўз ичига қамраб олади. Рашидиддин бу икки жилдга мамлакатлар ва шаҳарларни таништириш учун яна бир жилдни қўшишни ўйлаган бўлса ҳам буни амалга ошира олмаган. Чунки ҳеч ким ва ҳеч бир китоб бу жилднинг мавжуд эканлигидан сўз очмаган. Биз яна ўзимизнинг мавзумизга қайтайлик: юқорида айтганимиздек, 1-жилд мўғул тарихини ўз ичига қамраб олади. Бу жилд Э.Блоше тарафидан нашр қилиниш арафасидадир. Э.Блоше 1-жилдни уч жилд ҳолида нашр қилмоқчи (Уч жилдга ажратиш фикри асар муаллифининг фикри эмас, балки Э.Блоше китобнинг янада яхшироқ тушунилишини таъминлаш мақсадида қилган). Биринчи жилд турк ва мўғул кавмларининг тарихини, Чингизхоннинг ҳаёти ва фатҳларини мавзу қилиб олади. Рус шарқшуносларидан И.Н.Березин бу жилднинг баъзи бўлимларини русча таржимаси билан биргалликда 1861-1888 йилларда Санкт-Петербургда нашр қилдирди. Иккинчи жилд Ўқтой хокон, Жўжи, Чигагой ва Тўли каби Чингизхоннинг тўрт ўғли, Қуюқхон б. Ўқтой хокон, Мангу хокон Тўли б. Чингизхон, Қубилой хокон б. Тўли Темур хокон б. Чим Ким б. Қубилай хоконнинг тарихларидан сўз юритади. Бу жилд Блоше томонидан нашрга тайёрланган бўлиб яқинда босилажак. Учинчи жилд эса Эрон заминиде ҳукм юритган Хулогу б. Тўли б. Чингизхон, Абока б. Хулогу, Султон Аҳмад номи билан Тақудор б. Хулогу, Аргун, Абока, Кайхату б. Абока, 703 (1304) йилда вафотига қадар Ғазон хокон б. Аргуннинг тарихларини мавзу қилиб олади. Бу жилд ёлғиз Хулогунинг тарихи бўлимини Кватремер 1836 йилда французча бир таржима ва кенг қўламли изоҳ билан Парижда нашр қилдирди. Умумий дунё тарихи ҳақидаги “Жомеъу-т-таворих”нинг 2-жилди ҳозирча қўлёзма ҳолида мавжуд, уни нашр қилишни ўйлаган бирор кимсанинг борлигидан хабардор эмасмиз. [Рашидад-дин Фазлulloҳ. Жомеъу-т-таворих, И.Н.Березин наشري ва русча таржимаси, Санкт-Петербург V (1858), VII (1861), VIII (1868) XV (1888); Е.Блоше наشري, Лондон, 1912; А.А.Хетагуров русча таржимаси. Москва, 1952; Е.Катрмер наشري на французчага таржимаси, Histoire des Mongols de la Perse. Paris, 1836; Аҳмад Оташ наشري Султон Махмуд ва даврнинг тарихи II/4. (Турк Тарихи Куруму, III/4) Анкара, 1957].

<sup>11</sup> Эслатма: Овруналикларнинг кенг ёйилган одатларига кўра, саҳифа рақами эмас, варақ рақами қўйилишини кўзда тутиб, биз ҳам бу ерда саҳифага эмас, вараққа ҳавола қиламиз. Ҳар бир варақнинг икки саҳифаси бўлишига кўра, варақнинг 1-саҳифасини кўрсатиш учун варақ рақамининг ёнига “а”, 2-саҳифасини кўрсатиш учун эса “б” қўйдик. Яъни 69а

орқасида яширинган бу гўзал келин энди гўзаллигини кўрсатиб, олимларнинг голдида саломга бош эга бошлади.

Муаллифнинг ҳаёт ҳикоясига ўтмасдан аввал бу китобнинг охирида исмлари инглизча ёзилган туркча, арабча ва форсча илмий ва адабий бир қанча асарлар каби унинг ҳам нашр ҳаражатларини таъминлаган, турк, араб ва эронлик олимларнинг бениҳоя шукроналарига, миннатдорчиликларига сазовор бўлганларни Аллоҳ доимо мана шундай фойдали ишларда муваффақиятли қилсин, Гибб вақфи бошқаруви аъзоларига, кейин эса ўша вақфнинг раҳбари Кембриж университети Шарқ тиллари профессори, таниқли шарқшунос Э.Броунга миннатдорчилик билдираман. Э.Броуннинг хоҳиши, хоҳ адабий жиҳатдан Эронга қилган хизматлари менинг ва мен каби олимларнинг узундан-узок мадҳ қилишимга эҳтиёж сезмайдиган даражада юксакликларга етишган. Унинг кенг билими ва юксак сифатларини бутун эронликлар ёқтирадилар ва сўнгги йилларда Эроннинг мустақиллиги ҳимоя қилиниши йўлида кўрсатган жидду жаҳдлари (каттаю кичик, илмли ва жоҳил) барча кишилар томонидан ҳис қилинди, шу сабабли эронликлар унга ҳурмат кўрсатиб, юракларининг энг тубларидан бу инсонга жой бердилар. Аллоҳ унинг умрини узун қилсин ва дунё тургунча унинг номини эсланишига мушарраф қилсин. Сўзим якунида Париж Миллий кутубхонасида мавжуд бўлган “Тарихи Жаҳонгушо”нинг ёзма нусхаларидан фойдалана олишим учун кераклича ёрдам кўрсатган “Тарихи Жаҳонгушо”нинг баъзи бўлимларини қиёслашим учун ҳали босилиши тугалланмасданок “Жомеъу-т-таворих”ни менга бериб турган ва бошқа ёрдамларини ҳам аямаган жаноб Э.Блошега ўз миннатдорчилигимни билдиришни бурчим деб ҳисоблайман.

Энди асосий мавзумизга қайтайлик. Бу китобга ёзган сўзбошини уч бўлимга ажратдик:

I. Муаллифнинг таржимаи ҳоли.

II. “Тарихи Жаҳонгушо”.

III. Баъзи араб тарихчиларининг муаллиф таржимаи ҳоли билан алоқадор айтган фикрлари.

ни кўрсатган бўлса, бу 69 варақнинг илк саҳифаси, 69б эса, 2-саҳифаси демакдир (Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. Мирзо Муҳаммад Қазвиний наشري, 3-жилд: Leiden and London, 1912; II жилд: Leiden and London, 1916; III жилд: London, 1931; инглизча таржимаси: John Andrew Boyle. The History of the World – Conqueror, Cambridge, 1958).



## 1. Муаллифнинг таржимаи ҳоли<sup>12</sup>

Соҳибдевлонлар оиласи Эроннинг энг насл-насабли ва танилган оилаларидан биридир. Булар салжукли, хоразмшоҳлар ва мўғул давлатида доимо муҳим хизматда ва юксак макомда бўлганлар. Кўп вақт соҳибдевлонлик вазифаси (бу вазифа ўлканинг молиявий ва солиқ ишларини бошқариш бўлиб, тахминан Эрон яқин тарихида *муставфийу-л-мамолик* дейилиб, ҳозирги кунимизда эса молия вазирлигига тўғри келади) уларга ҳавола қилинган эди. Шу сабабли бу оила аъзоларининг кўпчилиги “соҳибдевлон” лақаби билан танилганлар. Булардан баъзилари соҳибдевлон бўлмасалар ҳам соҳибдевлон сифатида эсланганлар. Масалан, Абока б. Хулогу замонида бош вазир бўлган ва ўлканинг бошқарувини ўз қўлида тутган соҳибдевлонлик мансаби иккинчи даражадаги вазифаларорасида бўлган Атомалик Жувайнийнинг акаси Шамсиддин Муҳаммад Жувайний ҳам соҳибдевлон сифати билан эсланади. Яна шундай мавзуимиз боиси Алоуддин Атомалик Жувайний ҳам Абока замонида Араб Ироқининг бош волийси қилиб тайинланишига ва соҳибдевлонлик мақоми унга берилмаган бўлишига қарамадан соҳибдевлон сифати билан танилган. Бу оиланинг насл-насаби аббосий халифаларнинг таниқли мобайнчиси (мобайнчи – подшоҳнинг алоҳида қошонасига киришга рухсат қилинган яқинлари) Фазл б. ар-Рабийга бориб тақалади<sup>13</sup>. Имом аллома Шамсиддин Муҳаммад б.

<sup>12</sup> Таниқли француз шарқшуносларидан марҳум Куатремер ўша давр шарқшуносларидан бир ғуруҳи 1809 йилда чиқарган “Mines d’Orient” номли журналда муаллифнинг ҳаёт хикояси ҳақида кенг маълумот берган (Б.220-234). Унинг ўша жойда билдирилган маълумотлари гарчи камчилик ва хатолардан холи бўлмаса-да, бу мавзуда ҳозиргача ёзилган асарларнинг энг қамровли ва фойдалисидир. Куатремернинг ва ундан кейинги француз шарқшуносларидан марҳум Ч.Шефернинг 1885 йилда “Chrestomathie Persane” номли асарининг 2-жилдида (Б.134-154) муаллифнинг ҳаёти ҳақида берган маълумотларида хато қилган деб ҳисоблаганим баъзи нуқталарга тегинмайман. Бу икки маълумотни эътиборга олманган деб ҳисобланмасин. Менинг бу ерда истагим шуки, агар менинг ёзганларим Куатремер ва Шефернинг ёзганлари орасида фарк бўлса, мени уларни ўқимаган деган хулосага бормаслиги учундир.

<sup>13</sup> Қози Нуриддин Шуштарийнинг “Мажолис-у-л-мўъминун”ида ва марҳум Ҳидоятнинг унга суяниб, “Мажмаъу-л-фусаҳо”сида айtilган бу оиланинг насл-насаби машҳур имому-л-харамайнга бориб тақалиши мутлақо хатодир. Чунки муаллифга замондош тарихчилар унинг насли ҳақида ёзганларининг ҳеч бирида имому-л-харамайн Жувайний (Абдулмалик б. Абдуллоҳ б. Юсуф б. Абдуллоҳ б. Муҳаммад б. Хаййўйа. Қаранг: Ибн Холликон, кўрсатилган асар) номи зикр қилинмайди. Балки қози Шуштарий ҳар иккисининг исмлари охирида ҳам Жувайнийнинг борлиги туфайли бу хатога йўл қўйган бўлиши мумкин (Ризоқулихон Ҳидоят. Мажмаъу-л-фусаҳо, II жилд. Тасҳрон, 1295 (1878); Ибн Холликон. Вафоёт ал-аён ва анба абнау-з-замон. Муҳаммад Мухйиддин Абдулхамид нашри, VI жилд. Қоҳира, 1948-1949.

Аҳмад аз-Заҳабий буюк асари “Тариху-л-ислом”да Атомаликнинг шахсий тарихчиси Имом Абулфазл Абдураззоқ б. Аҳмад ал-Гутийнинг фикрларига таяниб, муаллифнинг насл-насабини Фазл б. ар-Рабийга бориб тақалишини шу сўзлар билан нақл қилади<sup>14</sup>: Бош вазир яна садри аъзам соҳибдевлон Алоуддин Абул Музаффар Атомалик, Кайсон ўғли Исҳоқ ўғли Аҳмад ўғли Муҳаммад ўғли Али ўғли Муҳаммад ўғли Юнус ўғли ар-Рабий ўғли Фазл ўғли Айюб ўғли Исҳоқ ўғли Муҳаммад ўғли Али ўғли Муҳаммад ўғли Муҳаммад ўғли Баҳоуддин ўғли<sup>15</sup> Шамсиддин<sup>16</sup> Муҳаммад ўғли Баҳоуддин Муҳаммаднинг ўғлидир. Унинг бобоси учинчи халифа Усмон б. Аффоннинг озод қилган қули, Абу Фарва номи билан танилган Кайсон Муқаннадир. Атомаликнинг бошқа оталари Рабий б. Юнус ва унинг ўғли Фазл б. ар-Рабий<sup>17</sup> таниқли шахслардан эди. Умуман, Аббосий давлатининг вазирлик ва мобайнчилик мақомларига уонила аъзоларидан бири тайинланарди. Рабийдан аввал Мансур (136-158/753-774)нинг мобайнчиси, сўнгра вазири, ундан кейин эса Маҳдий (158-169/774-785) мобайнчиси, энг сўнгида эса Ҳодий (169-170, 758-786) вазири бўлди. Ўғли Фазл б. ар-Рабий эса Мансур, Маҳдий, Ҳодий ва Хорун ар-Рашид (170-193, 786-809) саройида мобайнчилик қилган. Кейинчалик эса Хорун ар-Рашид ва Амин (193-198, 808-813) замонида вазирлик лавозимига кўтарилди. Тарих ва адабиёт китоблари уларнинг аббосийлар саройида қилган ишлари ва айтган гаплари билан алоқадор маълумотларга тўладир. Бу ерда уларнинг ҳаммасини такрорлашга зарурат йўқ. Фақат мавзуимиз билан яқиналоқадор бўлган мана бу хусусиятларга мурожаат қилмасдан иложимиз йўқ: баъзи тарихчиларга кўра, Рабийнинг насли ёмон бўлиб, буларнинг баъзилари кўчада

<sup>14</sup> Қуйидаги наслнома Заҳабийнинг “Тариху-л-ислом”ининг Лондондаги Британия музейида мавжуд бўлган нусхасидан олинган (Заҳабий. Тариху-л-ислом ва табақату-л-машоҳир ва-л-аълом, 6-жилд. Қоҳира, 1958).

<sup>15</sup> Бу лақаб Заҳабийда йўқ. Фақат муаллиф асарнинг 1-жилди “Нишопур фатҳи” бўлимида (134 саҳифа)да қўллаган.

<sup>16</sup> Бу лақаб ҳам Заҳабийда йўқ, бунини муаллиф хоразмшоҳлар тарихи бўлимида (А нусха 69а арақ) тилга олган.

<sup>17</sup> Муаллифнинг насабномаси шу ергача, яъни Рабийгача Заҳабийнинг “Тариху-л-ислом” номли асаридан олинган. Рабийдан кейингиси умумий тарих китобларидан топилмакда. Масалан, Ибн Холликон, Рабий ва Фазлнинг ҳаёт хикояларини билдиради. Ибн Тиктиканинг “Мунйату-л-фузало”сида Мансур Аббосийнинг ҳаёти хикояси ҳақида маълумот берилади. Бу ерда Фазл б. Рабийгача Атомаликнинг боболари 16 та бўлиб, уларнинг орасида етти Муҳаммад, икки Али, битта Аҳмад, битта Исҳоқ ва битта Айюб бор (Ибн Тиктика. Мунйату-л-фузало. Олворс нашри, 1860; Деренбург нашри, 1895).

бўлганлигини ва отасининг номаълум эканлигини айтиб, мана буларни ҳикоя қиладилар: бир куни Ҳошим ўғилларидан бири Мансурнинг ҳузурда гаплашаркан, тез-тез “Аллоҳ раҳмат айласин, отам мана шундай дерди, Аллоҳ раҳмат қилсин, отам бундай қиларди” шаклида гаплар айтарди. Бунга тоқати тоқ бўлган Рабий унга юзланиб, “Яна қанча вақтгача мўъминларнинг амири ҳузурда отангнитилга олиб, уни хайрли ёд этажаксан”, деб дилига озор етказганидан кейин Ҳошимий ҳеч ўйланмасдан: “Эй Рабий, сен буни гапирганингда ҳақлисан. Чунки сен отангнинг нима деганини билмагансан. Ва унинг севгисини ҳеч ҳис қилмагансан”, деб жавоб берди. Бу жавобдан Рабий кўп уялди. Баъзилари Рабийнинг Юсуфнинг ғайримашруъ, яъни ношаръий фарзанди эканлигини айтадилар<sup>18</sup>. Янада кўпроқ Фахрий номи билан танилган “Мунйату-л-фузало фи тавориху-л-хулафо ва-л-вузаро” номли китобида Ибн Тиктика лақабли Сафиъддин Муҳаммад б. Али б. Муҳаммад б. Таботабату-л-Алавийга кейинроқ янада кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Алоуддин Жувайнийга бўлган душманлиги туфайли мобайнчи Рабийнинг ҳаётини ёзаркан, вазиятни ғанимат билиб, Рабий наслини шиддат билан танқид қилади ва юқорида тилга олинган ҳодисани каттартириб, ундан ташқарига чиқа олмайдиган вазиятга келтириб, Алоуддинмансуб бир сулолани кўрсатади. Номи келтирилган китобда унинг насл-насаби ҳақида айтилганларнинг баъзилари мана булардир<sup>19</sup>: Соҳибдевон Атомалик Жувайнийнинг ўзини

<sup>18</sup> Ибн Холликон. Рабийнинг ҳаёти ҳақида қаранг: Ибн Тиктика. Мансурнинг ҳаёти ҳақидабошқа тарих китобларида ҳам маълумот бор.

<sup>19</sup> Ибн Тиктиканинг “Манийату-л-фузало ва тавориху-л-хулафо ва-л-вузаро”си чаҳорёр, умавий ва аббосий султонлари билан уларнинг вазирларини мавзу қилиб олган жуда муҳим бир китоб бўлиб, “ал-Фахрий” номи билан Олмониянинг Готха шаҳрида Оксвард ва Франциянинг Чалонис шаҳрида Дорсбург томонидан икки нашри ва улардан нусха кўчирилиб, Мисрда бир неча марта чоп қилинди. Лористон отабекларидан (696-733/1296-1332) Отабек Насриддин Аҳмад б. Юсуфшоҳ б. Алп Аргун б. Хазарасф замонида Ҳиндушоҳ б. Санжар б. Абдуллоҳ ал-Кирмоний ал-Наҳживоний бу асарни “Тажорибу-с-салаф” номи билан ва унга баъзи иловалар қилиб, тушунилиши осон тилда форсчага ўгирган эди. Париж Миллий кутубхонасида эскирган, хароб ҳолга келган бир нусхаси ва Техрон кутубхоналаридан жуда ажойиб нусхалари мавжуд бўлган бу асарнинг сўзбошисиди Ибн Тиктиканинг китобидан “ал-Фахрий” номи билан эмас, “Манийату-л-фузало фи тавориху-л-хулафо ва-л-вузаро” номи билан атайди. Китобнинг бу номи Оврўпанинг икки нашрида ҳам мавжуд. Чунки бу китобни нашрга тайёрлаганлар Ибн Тиктиканинг давридан ёки ундан кейин бир вақтдан сўнгра қилинган бундай бир муҳим асарнинг таржимасидан хабардор бўлмаганлар [Ҳиндушоҳ б. Санжар б. Абдуллоҳ ал-Кирмоний ал-Наҳживоний. Тажорибу-с-салаф. Иқбол Аштиёний нашр., Техрон, 1345/1966].

Фазл б. Рабийнинг наслидан деб ҳисоблашини эшитдим. Шунчалик даражада билимли, фазилати ва турли илмлардан чуқур хабардор бўлгани ҳолда қандай қилиб Фазл б. Рабийнинг наслидан эканлигини айтиш мумкин? Агар у ўша наслдан бўлмасдан унинг номини ўғирлаган бўлса, бу бир разолатдир. Агар бу сулолаҳақиқатан ҳам унингсулоласи бўлса, уҳолда ақли жойида бўлган одам уни сақлаши учун жиддуҷаҳд қилиши керак эмасмиди? Чунки бу сулоладан ҳам янада пасткашроқ, тубанроқ бирор бир сулола йўқ. Фазл б. Рабий ҳамма вақт ҳам машруъ бир ўғил эмас, балки бир валади зино (яъни никоҳсиз туғилган фарзанд) сифатида танилади. У ҳар қанча юксак мақомларга кўтарилса ҳам унинг насл-насаби носоғлом экани ҳақидаги ҳақиқатни ўртадан олиб ташлай олмайди. Унинг кўчадан топилгани ва ношаърий туғилган бола эканлигини ҳамма билади, лекин у учинчи халифа Усмон б. Аффон (23-35/644-656) кулининг наслидан эканлиги билан фахрлана олади. Агар бу тўғри бўлса, бундан ҳам уятлироқ нарса йўқ. Чунки Абу Фарва, аввало, Маккада гўрковлик билан машғул бўлган ва эътиборсиз ҳисобланган Хориснинг кули эди. Хорис ҳам Усмон б. Аффоннинг кули бўлганлигидан Абу Фарва, Усмон б. Аффоннинг эмас, унинг кулининг қулидир. Бунинг ёнида Абу Фарва энг изтиробли кунларда Усмонга қарши турган эди. Бу ҳам унинг нақадар пасткаш ва тубан эканлигини кўрсатади. Мана бу сулоладан янада тубанроқ бўлган бир сулолани топиш мумкин эмас. Соҳибдевон Алоуддиннинг бундай бир сулоладан эканлигини айтгани учун унинг ҳолига вой. Афсуски, атрофида унга ҳақиқатни тушунтирадиган бирор дўсти йўқ эди<sup>20</sup>.

Биз яна ўз мавзуимизга қайтсак. 558(1192) йилда Султон Такиш б. Эларслон б. Отсиз Хоразмшоҳ (589-596/1193-1200) салжуқлиларнинг охирги подшоҳи Султон Тўғрул билан жанг қилиш учун Ройга кетаркан, йўли Жувайнда бўлган Азадвор қасабасига тушди. У ерда муаллифнинг бобоси Баҳоуддин Муҳаммад б. Али Султон Такишнинг ҳузурига борди. Орада ал-Муаййад ал-Котиб ал-Бағдодий ҳам ўша ерда эди. Султон Такишнинг кўз ўнгида икки Баҳоуддин шеър айтиш мусобақасига киришдилар. Султон диққат билан уларни тингларди. Вазирининг ташвиқи билан муаллифнинг бобоси мана бу рубоийни ўқиди:

<sup>20</sup> Ибн Тиктика, Дорсбург нашри. Б.239-241.

[Сенинг шарафинг гўзаллигини аниқлаб бўлмайди, у бебаҳо инжу, дуру гавҳарни сояда колдиради. Қўлинг очиклиги олдида Жайхун дарёсининг жилвалари сўниб қолади. Агар сен рухсат берсанг, хурматинг осмонида мавжуд бўлган беҳуда маъносиз севгини бир зумда олиб ташлайди]\*

Султон Такиш бу шеърни эшитгандан кейин туннинг ярмисига-ча шароб ичиб йиғлади. Баҳоуддинга катта эътибор кўрсатиб, унга ҳадялар берди<sup>21</sup>. Юқорида айтганимиз, Баҳоуддин, яъни муаллифнинг 4-наслидан бобоси Баҳоуддин Муҳаммад б. Алининг тоғаси Мунтажибиддин Бадиу-л-котиб ал-Жувайний Султон Санжарнинг энг эътиборли одамларидан эди. Ва унинг давлатида ёзишма бошқармаси раҳбарлиги вазифасини бажарган эди. Ҳаёт ҳикояси ҳақида Авфийнинг “Лубобу-л-албоб” номли асарининг 1-жилдида маълумот бор<sup>22</sup>. Ёзган китоблари орасида “Рукуату-л-калом”<sup>23</sup>, “Атабаи катаба”<sup>24</sup> ва букун Санкт-Петербургда Шарқ тиллари идораси кутубхонасида мавжуд бўлган “Рисолалар мажмуаси” бор<sup>25</sup>. Иншо ёзишма турларининг энг гўзалидир. Бу Мунтажибиддин, Рашид Ватвот ҳаётининг авф этилишини Султон Санжардан (521-551/1127-1156) шафоаттилаган кишидир. Бу ҳодиса “Тарихи Жаҳонгушо”нинг 2-жилдида<sup>26</sup> ва яна бошқа тарих ҳамда тазкира китобларида<sup>27</sup> тасвирланган бўлиб, қисқача мана бундай тарзда бўлган эди: Султон Санжар 543 (1138) йилда Султон Отсиз билан жанг қиларкан, Хоразмдаги Ҳазорасп қалъасини камал қилган пайт-

\* Шеърларнинг мазмуни шундай шаклда, яъни [ ] қавс ичда берилди.

<sup>21</sup> Жаҳонгушо, 2-жилд, 69а варақ.

<sup>22</sup> Авфий, Лубобу-л-албоб. Лейден нашри. Б.78-80.

<sup>23</sup> Ўша асар. Б.78.

<sup>24</sup> Ўша асар. Б.78. Бу ерда хато қилиб “Ибрату-л-қатиба” шаклида ёзилган. Саъдиддин Варовиний “Марзбоннома” номи асарининг сўзбошисидан бу китобни мадҳ этиб, уни асрининг иншо қилинган энг муҳим китобларидан бири сифатида ганитади (Саъдиддин Варовиний. Марзбоннома. Мирзо Муҳаммад нашри (Гибб. Мемориал, VIII). Лейден, 1909).

<sup>25</sup> Les manuscrits persans de l'Institut des langues Orientales, decrits par le Baron Victor Rosen, st. Petersbourg, 1886. Б.147-159. Розен бу ўринда мажмуадаги рисоалардан бири ҳақида сўз юритмоқда. Мен бу мажмуани кўрмаганим учун унинг “Атабаи катаба”ми ёки бошқа бир рисоалар мажмуаси эканини аниқ билмадим.

<sup>26</sup> Варақ 646-65а.

<sup>27</sup> Отсиз Хоразмшоҳнинг тарихи ҳақида қаранг: “Тарихи Гузида”, “Тазкираи Давлатшоҳ” Лейден нашри. Б.90-91 (Ҳамдуллоҳ Муставфий Қазвиний. Тарихи Гузида, E.G.Browne нашр., Leiden and London, 1910 (Gibb, Memorial series. XIV/1); Тазкираи давлатшоҳ/Edvard G.Browne нашри, London and Leiden, 1901; туркча таржимаси: Нажотий. Лугал, Икки жилд, Анқара, 1963, 1967).

да Султон Санжарнинг ёнида бўлган Анварий мана бу рубойни ёзди ва буни бир аскар ўқининг учига тақиб, қалъанинг ичига отди:

[Эй шоҳ, бутун ер юзи сенга тегишли. Дунёнинг давлатига ва иқболига сен эришдинг. Букун бир ҳужум қилиб, Ҳазораспни ол. Эртага Хоразм ва мингларча от сеники бўлади]

Ҳазорасп қалъасида Отсизнинг ёнида бўлган Рашид Ватвот ҳам унга жавобан қуйидаги байтни ёзди ва қоғозни ўқининг учига тақиб, Санжар томонга отди:

[Эй подшоҳ, сенинг рақибинг Рустам Паҳлавон бўлса ҳам сенга тегишли бўлган Ҳазораспдан ҳатто битта эшак ҳам ололмайди]

Рашид Ватвот аввалроқ Отсизнинг тахтга чиқиши муносабати билан илк байти қуйидагича бўлган қасида ёзган эди:

[Султон Отсиз мамлакат тахтига ўтиргач, салжуқли сулоласи ва давлати тамом бўлди]

Султон Санжар шу шеърлари туфайли Рашид Ватвотдан жуда дарғазаб эди. Уни қўлга туширган пайтдаёқ етти аъзоларини бир-биридан ажратиб ташлашга амр қилган эди. Ҳазорасп Султон Санжар томонидан фатҳ қилинган, Рашид Ватвот қочди. Жонини кутқариб қолиш учун Санжарнинг маъмурларидан қайси бирининг химоясига бормасин, унинг ғазабидан қўрққанликлари учун ҳеч бири Ватвотни химоя қилмади. Энг сўнгида Мунтажибиддиндан химоя истаб борди. Иншо девони бошлиғи ёнида подшоҳнинг надимлик мансаби билан вазифалантирилган Мунтажибиддин Султон Санжар билан суҳбатлашаркан, қулай бир фурсатни топиб: “Ватвот заиф ва ачинарли ҳолдаги бир қушдир, у етти парчага бўлина олмайди, рухсат беринг уни икки парчага бўлсинлар” деди. Бу сўзларга Султон узок кулди ва Ватвотнинг гуноҳидан ўтиб, уни авф этди.

Муаллифнинг бобоси Шамсиддин б. Муҳаммад б. Муҳаммад б. Али Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (596-617/1200-1220) молия идорасининг бошида турарди<sup>28</sup>. Кейинчалик эса Султон Муҳаммаднинг ўғли Султон Жалолиддиннинг (617-628/1220-1231) бошқаруви даврида ҳам молиявий ишларнинг бошида бўлди.

<sup>28</sup> Ҳабибу-с-сияр. Б.3 (Хондамир Ғибсиддин Муҳаммад. Ҳабибу-с-сияр фи ахбори афроди-л-башар. Техрон, 1271 (тошбосма); Barbier de Meynard нашри, Bombay, 1273 (1876).

<sup>29</sup> Жаҳонгушо, 1-жилд. Б.134.



Муаллифнинг отаси соҳибдевон Баҳоуддин Муҳаммад б. Муҳаммад Чингизхоннинг фатҳлари бошланган тарих билан Хулогунинг Эронга келиши тарихи орасидаги 35 йилга яқин муддат мобайнида Мўғулистондан араб ўлкаларининг умумий ҳоқими қилиб тайинланган кишиларнинг ёнида хизмат қилди. 630(1232) йилларда Ўктойхоқон томонидан Хуросон ва Мозандарон ўлкаларининг бошқарувига тайин қилинган Чин Темур, амирларидан Калбўлотни катта бир қўшин билан Султон Жалолиддин номидан Нишопур амирлигини бажарган ва атрофдаги мавжуд бўлган мўғулларга тўсатдан ҳужумлар уюштирган Қоража ва Тўғон Шункурни йўқ қилиш учун Нишопурга юборди. Ўша пайтда Нишопурда бўлган муаллифнинг отаси Баҳоуддин Нишопурнинг кўзга кўринган олимлари билан у ердан кочиби, Тусга кетдилар ва ўша ернинг бошқарувчиси Тожиддин Фаризонидан химоя истадилар. Калбўлот Қоражани енганидан сўнг Тусга келди. Тожиддин Фаризоний уларни Калбўлотга юборди. Калбўлот Баҳоуддин Муҳаммад билан бошқа Нишопурнинг буюкларини катта бир эътибор билан кутиб олди. Ҳар хил ваъдалар бериб, уларни Чин Темурнинг ҳузурига олиб борди. Чин Темур ҳам уларга яхши муносабатда бўлди ва қисқа бир муддатдан кейин Хуросон ва Мозандарон ўлкаларининг дафтардорлик вазифасини Баҳоуддинга берди. Ундан икки йил сўнгра эса 633(1235) йилда Баҳоуддинни Қирқўз билан<sup>30</sup> биргаликда хабарчи сифатида Ўктойхоқонга жўнатди. Баҳоуддин билан янада эътиборлироқ бўлиб, унга пайза<sup>31</sup> ва қизил рангли қоришма билан босилган бир муҳрдан иборат ёрлик<sup>32</sup> бе-

<sup>30</sup> Қирқўз бир муддат Чин Темурнинг хизматида ишлади, кейинчалик эса Хуросон, Мозандарон ва бошқа ғарб ўлкаларининг бошқарувига тайин этилган уйғур кишисидир. Жаҳонгушо. 2-жилд. Б.116-120.

<sup>31</sup> Ёки пайзо – устида Тангриноми ва подшоҳнинг нишони ўйилган, шахсларнинг мартабаларига кўра фарқли бериладиган бир қафт кенглиги ва бир бармоқ узунлигидаги олтин, кумуш ёки бошқа металдан тайёрланган тахтача (пластинка). Мўғул подшоҳлари пойизани қахрамонлик кўрсатган қўмондонларга берган. Арслон бошли пойиза: устида арслон расми туширилган қийматли метал (Қаранг: Жомеъу-т-таворих. Катрмер нашри. Б.177-179; Блоше нашри. Б.246.

<sup>32</sup> Ёрлик – подшоҳ фармони ва ёхуд ҳукми маъносини билдиради. *Олтамеа* – қизил муҳр демақдир. Бу муҳр ҳукмлар ёки расмий мактубларнинг устига қўйилади. Арғун ва Ўлжайтунинг Франция қироли Филип лс Белга юборган ва бугунги кунда “Миллий архив”да сақланаётган мактубларга ҳам шундай қизил муҳрлар босилган. Мен бу мактубларни кўрдим. Ҳар бирига 34 муҳр босилган. Иккаламактубдаги муҳр қора шаклда бўлиб, Арғуннинг мактубидаги мавжуд муҳрнинг айланаси 15 см. Ўлжайтункидаги эса 13 см. дир. Арғун мактубининг узунлиги 2 метр, кенглиги эса 27 см. Ўлжайтунки эса 3 метр, эни 48 см. бўлиб, ҳар иккаласи ҳам тумор шаклидадир (Қаранг: Voyages de Marco

риб, мамлакатнинг молия ишлари бошқарувини унинг қўлига топширди<sup>33</sup>.

637 (1239) йилда<sup>34</sup> Хуросон, Мозандарон ва бошқа ўлкаларнинг бошқарувчиси Қирқўз ўзини Ўктой хокон ихтиёрига топшириш учун вакили сифатида Баҳоуддинни қолдирди.<sup>35</sup>

643(1245) йилда<sup>36</sup> Қирқўздан сўнг Эроннинг ғарбий ўлкаларига<sup>37</sup> бошқарувчи қилиб тайинланган амир Арғун Эрондан Куйукхоннинг қароргоҳига кетаркан, Баҳоуддинни Озарбойжон, Гуржистон ва Онадўли ўлкаларининг бошқарувига вақил қилиб қолдирди<sup>38</sup>. 644 (1246) ёки 645(1247) йилда<sup>39</sup> пойтахтга келган иккинчи сафарида Баҳоуддинни ўзи билан бирга олиб кетди. Арғун давлат марказига 648(1250) йилда<sup>40</sup> қилган учинчи сафарида Баҳоуддинга Амир Хусайн исмли бир кишини вақил этиб тайинлади<sup>41</sup>. 651(1253) йилда Арғун пойтахтга қилган тўртинчи сафаридан қайтиб Хуросонга келгунча Баҳоуддинни Наимтой<sup>42</sup> исмли бир мўғул билан бирга Ироқ ва Язд ўлкалари волийлигига тайинлади<sup>43</sup>. Ўша пайтда 60 ёшларда бўлган Баҳоуддин умрининг қолган қисмини девон ишларидан ташқарида ўтказишни хоҳлаганлигига қарамасдан<sup>44</sup>, мўғул амирлари хизмат вазифасини давом эттиришни қаттиқ

Polo, Pauthier нашри.Б.775-781). Мўғуллар қоришмали олтин сувидан бўлган муҳрга ҳам “қора тамға” дер эдилар (Қаранг: Жомеъу-т-таворих. Блоше нашри. Б.247).

<sup>33</sup> Жаҳонгушо, варақ 1146, 116а.

<sup>34</sup> Кўрсатилган асар, варақ 116а, 1196.

<sup>35</sup> Кўрсатилган асар, варақ 1176.

<sup>36</sup> Бу тарих аниқланмаган бўлиб, тахмин йўли билан чиқарилган. Чунки Куйукхон 643 йил Рабийу-л-аввал (1245 йил, июл) ойида тахтга чиққан эди (Жомеъу-т-таворих. Блоше нашри. Б.240-245). Мўғул йили эса куёшнинг Дав буржига кирган пайтдан бошланади. Жаҳонгушо, 1-жилд. Б.114. Куйукнинг тахтга чиқиши 643 (1245) йилнинг охирида ёки 644 (1246) йилнинг бошларида бўлиши керак. У Рашидиддин ёзганига кўра, (Жомеъу-т-таворих. Блоше нашри. Б.250) бир йилдан ортиқ подшоҳлик қилмаган. У ҳолда унинг вафот этган санаси 644 (1246) йилнинг охири ёки 645 (1247) йилнинг бошларидир. Бу сана унинг сафарда Арғуннинг Куйукхон ҳузурига борган вақтига (Жаҳонгушо, 1216 варақ), яъни 643 (1245) йилнинг бошига тўғри келади.

<sup>37</sup> Яъни Хоразм, Эрон, Гуржистон, Рим, Мусул ва бошқа Жайхуннинг ғарбидаги ўлкалар.

<sup>38</sup> Жаҳонгушо, варақ 1216.

<sup>39</sup> Бу тарих тахмин йўли билан чиқарилган. Чунки Арғун бу сафари вақтида Тарозга боргач, Куйукхоннинг вафот қилганлиги хабарини эшитди (Жаҳонгушо, варақ 1226). “Жаҳонгушо” Куйукхоннинг вафоти тарихи сифатида 644 (1246) ёки 645 (1247) йил бошларини кўрсатади.

<sup>40</sup> Ўша асар, варақ 1226.

<sup>41</sup> Ўша асар, варақ 123а.

<sup>42</sup> Ўша асар, варақ 1246.

<sup>43</sup> Ўша асар, варақ 125а.

<sup>44</sup> Заҳабий асари, варақ 66.

талаб қилганликлари туфайли иложсиз Ирокка равона бўлди, лекин Исфаҳонга боргунча 651(1253) йилда вафот қилди<sup>45</sup>.

Ўз даврининг олимларидан ҳисобланган Баҳоуддиннинг ажойиб арабча ва форсча шеърлари бор. Бу шеърларнинг баъзилари “Тарихи Жаҳонгушо”да, баъзилари эса “Тарихи Вассоф”да, баъзилари эса Қози Низомиддин Исфаҳонийнинг “Шурафи айвони баён фи шарафи байти Соҳибдевон” номли асарида нақл қилинган.

“Тарихи Жаҳонгушо”нинг муаллифи АлоуддинАтомалик Жувайний эса 623(1226) йилда дунёга келди. Шахсан ўзасарининг сўз бошисида кўрсатганидек, ёшлигининг илк йилларидаёқ девонда хизмат қилиб, Амир Арғуннинг энг яқин кишилари орасидан жой олди. Амир Арғун 641(1243) йилда<sup>46</sup>Хулогунинг Эронга келиши 654(1256) йилгача мўғул подшоҳлариномидан Хуросон, Мозандарон, Ҳиндистоннинг бир қисми, Ирок, Форс, Кирмон, Лур, Аррон, Озарбойжон, Гуржистон, Мўсул, Халаф<sup>47</sup> каби Жайхуннинг ғарбидаги ўлкаларнинг умумий ҳокимлиги вазифасини бажарди. Хулогунинг Эронга келишидан кейин унинг амирлари орасида ўз ўрнини эгаллади. Кейинчалик 623 йил зулҳижжа ойининг 25 куни(1275, 21 июн) Тус яқинидаги Родугонда вафот этди<sup>48</sup>.

Ғазонхоннинг мусулмон бўлишида катта меҳнати сингган амир Наврўз худди мана шу амир Арғуннинг ўғлидир<sup>49</sup>. Амир Арғун Эрондаги ҳукмдорлиги пайтида унга тобеўлкалар солиқларини тўлаш ва рақиблари айблашларидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида бир неча маротаба мўғул подшоҳлари кўп вақтларини ўтказадиган мамлакатнинг пойтахти бўлганҚорақурумга борди. Бу сафарлар давомида Алоуддинни ҳам ёнида олиб орди. Алоуддин умрининг ўн йилга яқин қисмини ўша сафарларда ўтказди. Бу мавзуда “Жаҳонгушо”нинг сўзбошида мана бундай дейилади: “Фазилат ва илм соҳиблари гапимдаги қусурларни авф этсинлар. Чунки ўн йилдан бери оёғимни ғурбат йўлига қўйдим. Билим олишдан орқада қолдим, китобларимсаҳифаларининг устига ўргумчак ин курди” (булар ҳақида яна сўз юритамиз). Муаллиф “Жаҳонгушо” асарининг ёзилган вақти 650 (1252) йил атрофида, туғилиш тарихи эса

<sup>45</sup> “Жаҳонгушо”, варақ 121а.

<sup>46</sup> Амир Арғун Ако Хулогу келгунча Эронни бошқариб турди. “Жомеъу-т-таворих”, Блоше нашри. Б.342.

<sup>47</sup> Жаҳонгушо, варақ 121а, 144а.

<sup>48</sup> Жомеъу-т-таворих, Блоше нашри. Б.559.

<sup>49</sup> Наврўзнинг исломни қачон ва қандай тарзда қабул қилганлиги маълум эмас.

623(1226) йилдир. У ҳолда 17-18 ёшларида Амир Арғуннинг хизматига кирган ва унинг билан бирга сафар қила бошлаган бўлиб чиқади.

Муаллифнинг Амир Арғунга сафар йўлдоши сифатида Мўғулистонга келиши 644(1246) ёки 645(1247) йиллардаги<sup>50</sup> иккинчи сафарига тўғри келади. Муаллиф отаси Баҳоуддин Муҳаммад ҳам бу сафар пайтида улар билан бирга эди. Ўша пайтда Тарозга борганларида Куйукхоннинг ўлганидан хабардор бўлди ва бироз муддат шу ерда тургач, сўнгра бу ердан Эронга қайтиб кетдилар<sup>51</sup>. Яна Арғуннинг 647(1249) йилда ўзини ҳимоя қилиш учун пойтахтга қилган учинчи сафарида ҳам муаллиф унинг ёнида эди. Арғун бу сафар узоқ муддат пойтахтга қолиб кетди. Ўзининг ҳақ, душманларининг ноҳақ эканлигига “ёрғу”<sup>52</sup>да ҳукм чиқарилишига эришгач, Эронга қайтиб кетди<sup>53</sup>. Унинг бу сафари Куйукхоннинг вафоти 645(1247) билан Мангу хоконнинг тахтга чиқиши 649(1251) орасидаги даврга тўғри келади. Маълум бўлганидек, ўша йилларда бошқарув Куйукхоннинг хотини Ўғилтоймиш хотуннинг қўлларида эди. Муаллиф бу сафарда Ўғилтоймиш хотуннинг саройидан кайтаркан, 649(1251) йилда<sup>54</sup> Чиғатой давлатининг ҳукмдори Ясу б. Чиғатой б. Чингизхоннинг хузурига борди. Арғуннинг 649(1251) йилда<sup>55</sup> пойтахтга қилган учинчи сафаридан кейин дарҳол Мангу хоконнинг қурултойида<sup>56</sup> катнашиш учун қилган тўртинчи сафарида ҳам муаллиф унинг ёнида бирга эди<sup>57</sup>. Арғун Мангу хокон хузурига борган вақтида қурултой ниҳоясига етиб, қатнашчиларнинг барчаси ўлкаларига қайтиб кетган эдилар<sup>58</sup>. Бу сафарда Арғун ва ёнидагиларнинг Қорақурумга бориш тарихи 650 йил сафар

<sup>50</sup> Ғарб мамлакатларининг бошқарувчиси вазифасига тайинланганидан кейинги иккинчи сафари ёки бошқарувчиликка тайин қилинмасдан аввал ҳам пойтахт (Қорақурум)дан Эронга ва бунинг аксича яна учта сафар қилган бўлиши мумкин (Жаҳонгушо, варақ 121а).

<sup>51</sup> Жаҳонгушо, варақ 122б.

<sup>52</sup> Ёрғу – мўғулчада адлия, қонун; ёрғучи эса қози ёки ҳоким маъносини билдиради.

<sup>53</sup> Жаҳонгушо, варақ 122б-123а.

<sup>54</sup> 647 (1249) йилда Ўғилтоймишнинг қароргоҳидан кайтаркан, Ясунинг ёнида бўлган Амир Арғуннинг хузурига чиқди. Жаҳонгушо, 1-жилд. Б.231.

<sup>55</sup> Жаҳонгушо, варақ 123а.

<sup>56</sup> Қурултой – хонадондан бирининг хонликка сайлаш учун мўғул шахзодаларининг ва давлат катталарининг йиғилиши.

<sup>57</sup> Мангу хоконнинг тахтга чиқиш тарихи, 649 Раббийу-л-охир ойининг 9 куни(1251, 28 май)дир. Жаҳонгушо, варақ 137а.

<sup>58</sup> Жаҳонгушо, варақ 144а.

ойининг 20 куни; (1252, 2 май)<sup>59</sup>, у ердан кетиш тарихи эса 651 йилнинг Ражаб ойидир<sup>60</sup>. Шунга кўра муаллиф бу сафарда 1 йилу 6 ойга яқин Мангу хоқоннинг қароргоҳида қолди. Ўзининг “Жаҳонгушо” асарининг кириш сўзида кўрсатганидек, Мангу хоқоннинг саройида қолган пайтда подшоҳнинг ҳузурига осонгина йўл топган, сафардаги ҳордиқларига ўртоқ бўлган. “Вафоли дўстлари менга унинг гўзал асарларини ва феъл-атвори, табиати, юксак даражадаги хислатларини абадийлаштириш учун қайсарлар ҳақида айтилган гўзал, ажойиб гапларни ортда қолдириб, Хусравлар ҳақидаги ривоятларни унуттирадиган бирор асар ёзишим кераклигини сездирдилар”<sup>61</sup>. Лекин муаллиф аввал ўша пайтда илм ва санъат бозорининг касодга учраганлиги, иккинчидан, ўзи бундай бир ишнинг уддасидан чиқа оладиган даражада илмли ва фазилатли эмаслигини айтиб, уларнинг таклифларини қабул этишга рози бўлмади. Шунинг билан бирга мўғул қавмлари тарихи ҳақида ҳужжат ва маълумотга эга бўлган жуда кам кишилардан эканлигини айтади. Чунки у бир марта роппа-роса 10 йил ҳеч тўхтамасдан<sup>62</sup> мўғул тувроқларидан турли ўлкаларига кетган Мовароуннахр, Туркистон, Чинва Мочинга қадар Мўғул ҳамда Уйғур ўлкаларига бир неча марта сафар қилган эди<sup>63</sup> ва ўша пайтда майдонга келган муҳим воқеа-ҳодисаларнинг кўпчилигини ўз кўзи билан кўрди. Иккинчидан, Мўғул давлатида юксак бир мақом соҳиби бўлиши сабабидан уларнинг кўзга кўринганлари билан доимо алоқада бўлган, мўғул қавмлари ҳақида улардан эшитган, тинглаган ривоятлар ва ҳикоялар уни бу мавзуда сўз соҳиби қилган эди.

<sup>59</sup> Ўша асар, 144а; Рашидиддин “Жомеъу-т-таворих”да ёзганига кўра, уларнинг пойтахтга боришлари 650 йил муҳаррам ойининг (1252, март) илк кунларида эди. Фақат “Жаҳонгушо”нинг бир жойида (1236) Амир Арғуннинг Қорақурумга борган тарихи сифатида 649 йил сафар ойининг ўртаси (1252, апрел) деб ёзилган. Бу охириги тарих мутлақо хатодир. Бу хатолик ва муаллифнинг ёки котибнинг эътиборсизлигитуйфайлидир. Чунки муаллифнинг айтганига кўра, (Жаҳонгушо, 123а) Арғуннинг Хуросондан Мўғулистон томонга ҳаракати тарихи 649 йилнинг жумадилоҳир (1251, август) ойида эди. Ўша йилнинг сафар ойида Қорақурумга бориши имконсиздир.

<sup>60</sup> Жаҳонгушо, варақ 346; Жомеъу-т-таворих, Блоше наشري. Б.341. Бу тарих Арғуннинг эмас, муаллифнинг Қорақурумдан кетиш тарихидир. Чунки у отасининг соҳибдеволикка тайинланишини кутиб, бир оз муддат Қорақурумда қолди. Куатмерси Атомаликнинг ҳаёти ҳикоясини ёзarkan, “Жаҳонгушо”нинг ва “Жомеъу-т-таворих”нинг юқорида маълум қилганимиз саҳифалардаги айтганларига қарамасдан, Атомаликнинг Қорақурумдан кетиш тарихи маълум эмаслигини ёзди.

<sup>61</sup> Жаҳонгушо, 1-жилд. Б.2,3.

<sup>62</sup> Ўша асар. Б.6,7.

<sup>63</sup> Ўша асар. Б.40, 42, 192.

Буларни назарда тутган Алоуддин бироз муддатдан кейин дўстларининг илтимосини бажариб, эшитганлари ва кўрганларини ёзувга кўчириб, бу китобни юзага келтирди<sup>64</sup>. Кейинроқ яна сўз юритмоқчи бўлганимиз Алоуддин Атомалик “Тарихи Жаҳонгушо”ни 650 (1252) йил атрофида бошлади ва уни 658(1259) йилда тамомлади.

Энди эса асосий мавзумизга қайтайлик. Атомалик Қорақурумда қолган муддат ичида Ўқтойхоқоннинг амри билан йиқилган катта хароба устига қурилган Қорақурумда Уйғур шаҳарларидан Ўрдубаликнинг эски харобаларига оид мавжуд расмлар ва тошбитикларни ўрганди ва уларни фавқуллодда бир усталик билан тасвирлади. 651(1253) йилда Атомалик Қорақурумга қилган сўнгги сафаридан қайтганидан кейин яна амир Арғуннинг котиблари орасидан жой олади. Хулогу Эронга келган 654 (1256) йилнинг бошларида Арғунхали Мангу хоқоннинг қароргоҳига йўл олмасдан аввал Балх атрофидаги Шафурконда ишларнинг бузилмаслиги учун ўгли Тирой Малик, амир Аҳмад Битикчи<sup>65</sup> ва Алоуддин Атомаликни Хулогунинг хизматида вазифа билан таъминлаб, Эрон, Хуросон ва Мозандарон ўлкалари бошқарувини ҳам уларга топширди<sup>66</sup>. Ўша тарихдан эътиборан муаллиф Хулогунинг энг кўзга кўринган маъмурларидан ва ишончли котибларидан бирига айланди. Унинг кундан-кунга мақом ва мавқелари юксалди, Маждулмулк унинг қасдан номини булғаб то юлдузи сўнгунгача роҳат-фароғатда кун кечирди. Хулогунинг Эронга янги келган пайтларида ғарб ўлкаларининг бошқаруви ўзига берилган Жамолиддин Хос Ҳожиб исмли амир Арғуннинг душманларидан бири Арғун идораси остидаги амирларва давлат катталарининг номларини ўз ичига олган айбдорлар рўйхатини тузиб, Хуросонда турган Хулогуга етказди ва “Менинг барча бошқарувчилар ҳақида айтадиганларим бор, уларга даво қилмоқ учун Мангу хоқоннинг ҳузурига боришим керак”, деди. Хулогу рўйхатда Атомаликнинг номини кўргач, “Унинг айби нима? Бизга тушунтирки, бунинг заруратини қилайлик”, деди. Жамолиддин қилган ишидан пушаймоң бўлиб узр сўради<sup>67</sup>. Бу ҳодисадан Алоуддин Атомаликка нисбатан бўлган ҳурмат-иззати даражасини тушуна оламиз.

<sup>64</sup> Ўша асар, варақ 1476.

<sup>65</sup> Битикчи—асли туркча сўз: котиб, ёзувчи маъносини билдиради.

<sup>66</sup> Жаҳонгушо, варақ 135а, 1476.

<sup>67</sup> Ўша асар, варақ 125а.



Хулогу Исмоилия қалъаларини фатҳ этиш учун йўлга чиққанида Хобушон қасабасига йўли тушди. Мўғулларнинг илк маротоба у ердан ўтган вақтидан ўша 654(1256) йилгача барча уйлари йиқилган. катта жомеъ масжидининг деворларидан бошқа тик турган биронта бино қолмаган, ариқлари қуриб қолган эди. Муаллифнинг ободончиликка бўлган муносабатини бир инсоний вазифа деб билиб,<sup>68</sup> Хулогуга шаҳар аҳволини тушунтирганида мўғул хокони у ерни обод қилиш, бузилган иншоотларни қайтадан таъмирлаб сув чиқариш ва у ерни тарқ этган инсонларни қайтариб олиб келишига буйруқ берди ва уларга юк бўлмасин деб қилинадиган барча харажатларни ўзининг хос хазинасидан нақд тўлади<sup>69</sup>.

“Жаҳонгушо”да очик кўриниб турганидек, Алоуддин Атомалик исмоилийларнинг ўртадан олиб ташланишининг ҳар лавҳасида Хулогу билан бирга эди. Мўғул аскарлари Исмоилия бошқарувчиларининг доимий истиқоматгоҳлари бўлган Оламутнинг соғлом қалъаси Маймундизни қамал қилган пайтларида Атомалик Хулогунинг амридан кейин қалъадагиларнинг қандай шартлар билан таслим бўлиши кераклигини ўз ичига олган фармон ёзиб, қалъада бўлган Оламутнинг сўнги Исмоилия бошқарувчиси Рукниддиншоҳга юборди<sup>70</sup>.

645(1247) йилда<sup>71</sup> Оламут забот этилиб, исмоилийларнинг наслнасаби кириб ташлангандан кейин Атомалик шон-шухрати дунёга ёйилган Оламут кутубхонасининг талон-тарож қилинмаслиги ва бебаҳо асарларнинг тамоман йўқ бўлиб кетмаслиги учун Хулогунинг ҳузурига бориб, “Оламутдаги китобларнинг қимматларини зое қилмаслик лозим” дегач, Хулогу<sup>72</sup> Алоуддинга уларнинг 70 йил давр мобайнида тўплаган китобларини ўз ичига олган кутубхонаси ва хазинасини ўрганиб, ўзига лойиқ деб топганларини танлашга амр қилди<sup>73</sup>. Шундан сўнг муаллиф кутубхона ва хазина синчиклаб ўрганиб чиқиб, у ерда мавжуд бўлган Қуръони каримнинг нусхалари, қимматли деб ҳисоблаган ҳар хил китоблар, расадхо-

нага оид бўлган асбоблар ва нужум китобларини олди<sup>74</sup>. Фақат нужумга алоқадор асбобларни сақлагани ҳолда исмоилия мазҳабининг усул ва шўъбаларига оид бўлган барча китобларни ўтга ёқди<sup>75</sup>. Алоуддин Атомаликнинг исмоилия мазҳаби билан алоқадор, лекин ёқиб юборилмаган китобларидан бири Ҳасан Саббоҳнинг ҳаёт ҳикоясини мавзу қилиб олган “Саргузашти Саййидина” номли китобдир. Бу китобнинг қисқа бир хулосаси “Жаҳонгушо”нинг 3-жилдида<sup>76</sup>, Рашидуддин Фазллуллоҳнинг “Жомеъу-т-таворих” номли асари 2-жилдининг Оламут Исмоилияси<sup>77</sup> бўлимида кенгроқ хулосаси бор. Бу икки хулоса ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, у ердаги маълумотлар ҳеч бир китобда йўқ.

Хулогунинг 655(1257) йилда Исмоилия масаласини ҳал қилиб Бағдодни забот этиш учун Мустаъсим Биллоҳ (1242-1258) билан қилмоқчи бўлган жангга чиққан пайтида муаллиф ҳам унинг ёнида эди. “Жомеъу-т-таворих” буни шундай тушунтиради: “Хулогу 655 йил муҳаррам ойининг илк кунларида марказда Мўғулқул деган аскарлари бўлган бир қўшин билан Бағдодни забот этиш учун Кирмоншоҳ ва Хилвон устидан ҳаракат қилди. Ўша пайтда Илка, Эркату, Аргун Ақо каби амирлари билан Қоратой, бош котиб

<sup>74</sup> Ўша асар, варақ, 1736; Quatremere (Mines d'orient, S.224); Муаллифнинг бу мавзуда айтганларини тўғри аниқлашдан унинг фақат нужумга алоқадор асбобларни ёқтирганлиги гапирилган эди.

<sup>75</sup> Мавзунинг муҳимлиги туфайли “Жаҳонгушо”нинг икки жойида қайд этилганларни бу ерда ҳикоя қилишни маъқул кўрдик. Бир ўринда (варақ 1596-160а) шундай дейилади: “Буюк Аллоҳ, жаҳон шахзадаси Хулогунинг азим ва ғайрати билан у маълунларнинг шаҳарлари ва қалъаларини ер билан яқсон қилиб шарафларини даф қилиб, Оламутни забот қилингач, бу саргларнинг муаллифи Оламут хазинаси ва кутубхонасидаги ишга яроқли нарсаларни ажратиб олиши учун буйруқ олди. Мақсад эса уларнинг йиллар мобайнида бирлаштирган инсонларни йўлдан чиқарган ўз мазҳаблари билан алоқадор бўлган китоблардан Қуръони карим ва бошқа фойдали китобларни “Ўлимдан ҳаёт чиқади” ҳукмида бўлганидек, ажратиб олиш эди. Уларнинг орасида Ҳасан Саббоҳнинг ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Саргузашти Саййидин” номли китобни олиб, унда ёзилганларни ўзи ёзган бу тарих китобида ҳикоя қилди”. Бошқа бир жойда ҳам мана буларни ёзди: “Ломмасор тоғи этагида шон-шухрати донғи дунёга кетган Оламут кутубхонасини ўрганиб чиқиш истагим ва у ерда бўлган ишга яроқли китобларга зиён етказилмаслиги кераклиги ҳақидаги суҳбатим подшоҳни мамнун қилди. Буйруғидан кейин кутубхонага бордим ва “Ўлимдан ҳаёт чиқаради” каби у ердаги фойдали ва нафис китобларни ажратиб чиқдим. Расадхонага оид асбоблар, нужум китоблари, бутуң ва ярим устурлобларни ва бошқа асбобларни ҳам фойдали китобларнинг ёнига қўйгандан кейин нақлга таянмаган, ақлга уйғун бўлмаган ва телбалик фикрларини қабул қилдиришга оид нимаки нарсалари бор бўлса ҳаммасини ёқдим”.

<sup>76</sup> 4596 варақнинг охириларидан бошлаб 463 нинг охиригача тўртта катта варақдир.

<sup>77</sup> 65а варақдан бошлаб 89а гача 24 варақдир. Бу нусха (1364) Париж Миллий кутубхонасида мавжуддир.

<sup>68</sup> Ўша асар, варақ 148а.

<sup>69</sup> Ўша асар, варақ 152а.

<sup>70</sup> Ўша асар, варақ, 148а-б.

<sup>71</sup> Ўша асар, варақ, 173а.

<sup>72</sup> Ўша асар, варақ, 173б.

<sup>73</sup> Ўша асар, варақ, 159б.

Сайфиддин Битикчи, Хожа Носириддин Тусий, соҳибдеворон Атомалик каби котиблар ва Эрон мамлакатининг барча султон ва маликларининг хизматида эдилар<sup>78</sup>.

Бағдод забт қилинганидан бир йил кейин, яъни 657(1259) йилда бу ўлкалар бошқаруви Хулогунинг қўлига топширилганлигини Атомалик “Таслийатъу-л-ихвон”<sup>79</sup> номли рисоласида баён қилади: “Сен мулкини хоҳлаганингга берасан, хоҳлаганингдан тортиб оласан” ҳукми диққат-эътиборини тортгач, Аллоҳ Ироқ, Бағдод ва Хузистон мамлакатларини аббосийлар халифаларидан олиб, жаҳон подшоҳи Хулогуга таслим қилди. У ҳам 657(1259) йилда, яъни Бағдоднинг забт қилинганидан бир йил кейин ўша мамлакатлар бошқарувини ушбу сатрлар муаллифига топширди ва унга барча ишларда мутлақ ваколат берди<sup>80</sup>. Рашидиддиннинг “Жомеъу-т-таворих”ида баъзи тарих китобларида ёзилишича, “Хулогу Бағдод бошқарувини АлоуддинАтомаликнинг қўли остига 661 (1262) йилда, яъни амир Сайфиддин Битикчи<sup>81</sup> қатл этилишидан бир йил сўнгра топширди. Амир Сайфиддин Бағдодни забт қилгандан кейин мўъминларнинг амири Али ва унинг наслидан бўлганлар қабрларини муҳофаза қилиш учун Насафда юз мўғул аскарини сақлаши ҳақида Хулогуга ёлворганлигини биламиз. Кейинги йилларда Хулогу Дашти Қипчок ўлкаси ва Жанубий-Русиянинг ҳукмдори Берке б. Жўжи б. Чингизхон билан жангга кетаркан, Дарбанднинг Шаброн атрофларида душманларининг улар ҳақидаги тухматларига ишонди. Фармонга кўра 661 йил муҳаррам ойининг бошларида (Амир Сайфиддин Битикчининг ҳаёт ҳикояси Тангрибердининг “Ал-Манҳалъу-с-софий” номли асарида берилган) қатл этилиб, муаллифнинг акаси Шамсиддин Муҳаммад Жувайнийга берган йилда юз берди,<sup>82</sup> деб ёзган бўлса ҳам бу тўғри эмас. Чунки

<sup>78</sup> Жомеъу-т-таворих, Катрмер нашри. Б.264.

<sup>79</sup> Бу рисола ҳақида кейинроқ сўз юритилади

<sup>80</sup> “Таслийатъу-л-ихвон”, Париж Миллий кутубхонаси нусхаси (сулл. перс., 1556) варақ 223а (“Таслийатъу-л-ихвон”, доктор Аббос Моҳёр. Техрон, 1361 ш. (1982))

<sup>81</sup> Амир Сайфиддин Битикчи Баҳодир б. Абдуллоҳ Хоразмий-Хулогунинг вазири ва давлатининг ишларини юритган киши. Хулогунинг хизматида қачон киргани маълум эмас. Лекин уни 653(1255) йилда Хулогунинг Эронга келган вақтдан эътиборан унинг ёнида кўрамиз (Жаҳонгушо, варақ 1486, 1496).

<sup>82</sup> Хулогу Сайфиддин Битикчининг шахид этгач, соҳиб Шамсиддин Муҳаммад Жувайнийни ёнига олди. Мамлакатнинг соҳибдеворонлик макомини унга берди ва мамлакат ишларининг счилиши ва масалаларнинг ҳал қилиниши масаласини кучайтирди. Бағдод ўлкаларининг бошқарувини ҳам укаси Алоуддин Атомаликка топширди (Жомеъу-т-таворих, Катрмер, Б.394, 402).

Атомалик ўз бошидан кечирганларини бошқалардан яхши билиши табиийдир.

Атомалик Хулогу ўлгунича Бағдоднинг бошқарувини ўз қўлида тутди. Хулогунинг 663 йил рабийулохир ойининг 19 куни (1265, 8 феврал)да ўлганидан кейин<sup>83</sup> ўша йили рамазон ойининг учинчи кунида (19 июн) ўгли тахтга чиққач<sup>84</sup>, у анъанага кўра вазирилик макомидан яна Шамсиддин Муҳаммадни қолдирди. Бағдод ва форс ўлкаларининг бошқарувини ҳам буюк мўғул амирларидан Сунжак Акого<sup>85</sup> берди. АлоуддинАтомаликни эса Амир Сунжак Аконинг Бағдод ўлкасига ёрдамчи мансабига тайинлади<sup>86</sup>. Исфаҳонни ва Ажамни Ироқ ўлкаларининг катта қисми идорасини Шамсиддин Муҳаммад Жувайнийнинг ўгли Баҳоддин Муҳаммадга топширди<sup>87</sup>. Ун етти йилга яқин давом этган Абоканиннг салтанати мобайнида (663-680/1264-1281) Атомалик кўринишдан Амир Сунжак Аконинг ёрдамчиси, лекин аслида эса Бағдод ва Араб Ироқининг яқка ҳокими эди. Бошқарувчилиги пайтида бутун кучини мамлакат ободончилиги, халқнинг фароғат ва мўл-кўлчиликда яшашига сарфлади. Қишлоқ аҳолиси ва деҳқонларига юкланган солиқларнинг кўпчилигини бекор қилди<sup>88</sup>. Ғарбда мавжуд бўлган Омбор шаҳридан бошлаб Куфа ва Нажафгача туташган бир канал қазирди. Бу ишни амалга ошириш учун юз минг қизил олтиндан ҳам кўпроқ пул сарфлади<sup>89</sup>. Ҳар икки каналнинг соҳилига юз элликта кишлоқ қурдирди. Мана шундай тарзда ҳеч қачон деҳқончиликка эриша олмаган Омбор ва Нажаф орасидаги ҳамма ерларни ям-яшил экин майдонларига айлантирди. У ерлар дарахт шохлари бир-бирига чатишиб кетган қалин ўрмонзорга айланди. Мўъминларнинг амири Али шаҳид бўлган Нажафда бир рабоб<sup>90</sup> барпо қилдирди<sup>91</sup>.

<sup>83</sup> Жомеъу-т-таворих, Катрмер нашри, 416 варақ.

<sup>84</sup> Жоми уът-таворих, Париж Миллий кутубхонаси нусхаси (сулл. перс., 209) варақ 296а.

<sup>85</sup> Бу шахснинг номи Вассофда (Бомбай нашри. Б.55) *Сунгунжок*, Қози Байзовийнинг “Низому-т-тавориҳи”да эса *Сунгунжок* сифатида берилди (Вассоф, Абдуллоҳ б. Фазлуллоҳ Шерозий. Тарихи Вассоф. Ж. фон Хаммер Пургшталл, ed and tr. Geschichte Wassaf's, Vienne, 1856; Китоби Мустатоби Вассоф (тошбосма), Бомбай, 1269/1852-53; Муҳаммад Иқболнинг ҳошияси билан, Лоҳур, 1929), (Қози Байзовий, Низому-т-тавориҳ, ҳаким Саййид Шамсуллоҳ Қадрий нашри. Ҳайдаробод, 1930)

<sup>86</sup> Жомеъу-т-тавориҳ (suppl.pers. Б.209), варақ 298а.

<sup>87</sup> Заҳабий, 6а.

<sup>88</sup> Вассоф, ўша асар. Б.59.

<sup>89</sup> Заҳабий, ўша асар, варақ 6а.

<sup>90</sup> *Рабоб*—бу сўз қарвонсарой маъносидан бошқа яна суфийлар маскани, хонақоҳ ва тақия маъноларини англатади. Бу ерда кейинги икки маъноларидан бирида қўлланилган.

Мўғул босқинларинатижасида ер билан яксон бўлган Бағдодни ва араб Ироқини шошилич тарзда обод қила бошлади. Халқни бутун экин-тикин ишларига қаратди. Ироқнинг даромади бир неча маротоба ошди. Шаҳарлар ва қишлоқлар обод бўлди. Тарихчиларнинг айтишларича, Бағдод Атомаликнинг бошқаруви даврида аббосий халифалари давридагидан ҳам обод гуллаб-яшнаган бир ҳолга келди. Унинг бошқаруви пайтида бир куни насронийларнинг бош роҳиб<sup>92</sup> анча аввал Бағдодда насронийликдан Мусулмонликка ўтган бир кишини ушлатиб, Дажла дарёсида чўктириб ўлдиришни буюрди. Буни эшитган халқ унга ғов бўлиш учун Алоуддин Атомаликка мурожаат қилди. Алоуддин бир неча маротоба яқинларини роҳибга юбориб, ўша одамни ўзига таслим бўлишга ундаган бўлса ҳам бош роҳиб бунга рози бўлмади. Бундан кейин эса Бағдод халқи тўпланиб, бош роҳибнинг уйига ўт қўйиш, унинг ўзини тилка-пора қилиш учун уйнинг атрофини ўраб олди. Буни эшитган Алоуддин дарҳол одамларини юбориб, бош роҳиб уйдан Дажла дарёси томонга қараб очилган яширин дарчадан чиқариб олиб, саройга келтирди ва уни ўлимдан қутқариб қолди<sup>93</sup>.

Бу ҳодисадан икки йил ўтгач, бир кун Атомалик от устида шаҳардан ўтиб борар экан, мулхидларнинг хужумига учради. Бир нечта жойидан ханжар жароҳати олди. Лекин яралар унча чуқур бўлмаганлиги сабабли тезда соғайиб кетди. Халқ мулхидлар (исмоилийларнинг тарафдорлари)ни ушлаб олиб, бурдалаб ташлади<sup>94</sup>. Алоуддин Атомалик 657-663 (1258-1264) йиллар орасида Хулоғу замонида бйил, кейин 663-680 (1264-1281) йиллар орасида ҳукм сурган Абока замонида 17 йил, 680-681 (1281-1282) йиллар

<sup>91</sup> Заҳабий, ўша асар, ғарқ 76; Шефер, ўша асар. Б.139; Шефер бу ерда Ҳазрат Алининг шахсияти маъносидаги "машҳад" сўзини Хуросондаги Машҳад шаҳри билан адаштирган.

<sup>92</sup> Шарқда насроний роҳибларнинг раисига *каталикос* дейилади.

<sup>93</sup> Мароғада яшаган ва Атомаликнинг замондошларидан бўлган яҳудий насронийларидан Абу Фараж б. ал-Ибрий, сурёнийча умумий бир тарих китобини ёзган (Bar-Hebraeus, Chronicon Syriacum). Quatremere (Mines d'Orient. Б.225-226). Бу мавзу ўша китобда ҳикоя қилинган (Barhebraeus, E.A. Wallis Budge, ed. and tr. The Chronography of Gregory Abu'Faras, the Hebrew Physician commonly known as Bar Hebraeus, 2 Vols. Oxford and London, 1932).

<sup>94</sup> Абул Фараж б. ал-Ибрий. Тарихимухтасару-д-Дувал. Байрут нашри. Б.497. Абул Фаражнинг бу асари юқорида зикр қилганимиздек, сурёнийча асар бўйича шахсан ўзи қилган арабча хулосадир (Абул Фараж ал-Ибрий. Тарихи мухтасару-д-Дувал. А.Салихоний нашри, Байрут, 1890; туркча таржимаси: Шарафиддин Ёлғоқ, Истанбул, 1941).

орасида Султон Аҳмад номи билан танилган Такудор салтанатининг илк йилларидан бир йилни ҳам ўз ичига олган ҳолда тахминан 24 йил Бағдодни бошқарди. Бу давр ичида рақиблари, душманлари бир неча маротоба унга тухмаглар уюштириб йиқитишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам оиласига мансублар мўғул давлатидаги юксак мавқеларда бўлгани туфайли мақсадларига эриша олмадилар.

Атомаликка қилинган тухмаглардан бири мана бу эди: Мўғуллар томонидан Бағдодга зобит қилиб тайинланган Қора Бўки ёрдамчиси Исҳок Арманий билан келишиб бир бадавий арабни топдилар. Уни "Атомалик менга уни Сурияга олиб боришим учун йўл бошловчилик қилишимни айтди. У оиласи ва хизматчилари билан биргаликда Сурияга кўчиб кетмоқчи" деган хабарни тарқатиш учун ёлладилар. Ўша пайтда мўғул подшоҳлари билан мамлуклар номи билан танилган Миср ва Сурия подшоҳлари орасидаги душманлик охиригача чегара нуқтасида эди. Ҳар иккала томон ҳам бир-бирларининг фурсатини қутаётган эди. Эронда энг катта айб Миср ва Сурия султонларига мактуб ёзиш, Миср ва Сурияда эса мўғуллар билан мулоқотда бўлганлиги эди. Шунинг учун арабнинг гапларига ишониб, Атомаликнинг уйини ўраб олдилар. Уни ушлаб араб билан биргаликда Абока хоннинг қароргоҳига олиб бордилар. Урилган қалтак таёқлари ва берилган азоблар натижасида бу ишнинг тухмаг эканлигини Исҳок Арманийнинг ташвиқи орқали аңглатдилар. Шундан сўнг Исҳок Арманийнинг ҳам, арабнинг ҳам ҳаётига яқун ясадилар.

Атомаликнинг ҳаётини таҳликага солган воқеа-ҳодисалардан яна бири шуки, ўша пайтда Ироқнинг таникли бойларидан ҳисобланган "Китобу-л-Фаҳрий"нинг муаллифи Сафиуддин Муҳаммад б. ал-Тиктиканинг отаси Тожиддин Али б. Муҳаммад б. Рамазон ал-Хассоний ал-Алавий давлатнинг ер майдонларини ижарага олиб катта бойликка эришди, кундан-кунга мавқеи юксалиб боргач, Атомаликни ўзига рақиб деб билди ва Абока хонга бир мактуб ёзиб, уни Бағдод бошқарувчиси вазифасидан олиб ташлашни хоҳлади. Бу мактуб Абоканинг бош вазири ва Атомаликнинг акаси Шамсиддин Жувайний қўлига тушгач, Ибн Тиктиканинг мактуби билан биргаликда мана шу байт билан бирга укасига жўнатди. *Шеър*:<sup>95</sup>

<sup>95</sup> Ибн Тиктика билан алоқадор бўлим "Умлату-т-толиб" номли асардан олинган. Бу ерда Ибн Тиктиканинг бу байти Абокагами ёки Атомаликнинг акаси Шамсиддингами

[Сенинг уйкуга кетган кўзларингни неча маротоба очдим? Уйгонгандан кейин бир оз сўнгра яна юмилади ва қайтадан яна ухлайди. Бундай ҳолда сен тебратгандан кейингина ухлаган гўдакдексан гўё]

Оғаси ёзган бу мактуб Атомаликнинг қўлига етгунча Ибн Тиктикани ўртадан олиб ташлашга қарор қилди. Унинг ўлдирилганидан хабар топган бир неча киши олдиндан белгиланган бир ерда сақланар эди. Атомалик уларнинг олдига аскар юбориб, ҳаммасини қатл эттирди. Сўнгра Ибн Тиктиканинг молларига қўл урди<sup>96</sup>. “Китобу-л-Фаҳрий”нинг муаллифи бўлган Тиктика ўғлининг Атомаликка бўлган душманлигининг сабаби мана шу ҳодисадир. Унинг китобида Атомалик ҳақида ишлатган ҳар бир сўзида унга қарши душманлиги кўринади. Китобининг касрида Атомалик исмини эсласа, албатта, уни ёмонлаш ва обрўсизлантириш учун хотирлайди. ТиктикаАтомаликнинг насл-насабини ёмонлаши сабабини сўзбошидаёқ ёзган эдик<sup>97</sup>. Атомаликка қилинган энг таҳликали

ёзганлиги жуда аниқ англашилмагандир. Аммо мен унинг Шамсиддинга ёзилганлигига ишонаман.

<sup>96</sup> Бу бўлим Жамолиддин Аҳмад б. Али б. Ақоба ал-Ҳасанийя-л-Алавий (ваф. 828/1425)нинг “Умдату-т-толиб фи ансоби Али б. Абу Толиб” номли китобининг Париж Миллий кутубхонасида мавжуд бўлган (Ақоба, 1021. варақ 108) нусхасидан олинган. Ҳоҳ Олворс, ҳоҳ Деренбург томонидан нашр қилинган бўлса ҳам буларнинг Шарқда нодир ҳисобланиши туфайли бизбу бўлимни “Умдату-т-толиб”нингтоқорида зикр этганимиз ёзма нусхаси бўйича айнан ҳикоя қиламиз. “Улардан, яъни Рамазон ўғилларидан ибн Тиктика номи билан танилган нақиб (бирор қабила ёки қавмининг бошлиғи) Тожиддин Али б. Муҳаммад б. Рамазонга толе ёрдам қилди, кўп миқдорда мону мулкка эга бўлди. Бу йилда тўплаган донни уйига олиб кетди. Ҳисоблаб кўриб давлат солиғини бергандан ҳам унга жуда кўп миқдорда бугдой қолди. Ўша пайтда бир шиддатли қаттиқ очарчилик бўлди. Халқ паришон бўлди. Бундан кейин эса, нақиб Тожиддин ўз қўлидаги мавжуд бугдойни сота бошлади. Бугдойни аввал пул, кейин ер, сўнгра эса кўчмас мулклар эвазигаберди. Очарчилик туфайли ғалланинг қимматлашиши мақолбўлди. Ундан бошқа ҳеч кимнинг сотаганидан ғалласи йўқ эди. Тез орада Тожиддинуининг деворлари ёрилиб тўкила бошлади. Ёриқларни таъмирлашни истаганлигига қарамасдан халқнинг ҳужумига учраши сабабли бу ишни уддалай олмади. Бундай тарзда ғалланинг бир миқдоринисотди, деворнинг ёриқларидан оқиб тушган бир қисмини халқ талаб кетди. Охири барча ғаллани қўлдан бой бериб, ишни шу даражага етказдики, Султон Абока б. Хулоуга Атомаликни олиб ташлаш учун мактуб ёзди. Бу мактуб Атомаликнинг акаси вазир Шамсиддин Жувайнийнинг қўлига тушгач, икки байт ёзиб, Ибн Тиктиканинг мактуби билан биргаликда Алоуддинга юборди. Акасининг мактубини олгандан кейин Алоуддин Ибн Тиктикани йўқ қилиш учун чора излай бошлади. Бир кеча ёллаган одамларни унинг ўлдиришга юборди. Қотиллар ишларини битирганларидан кейин Атомалик билан аввалдан келишиб қўйган жойига яшириқдилар. Атомалик аскар юбориб, уларнинг ҳаммасини ўлдиртирди. Кейинчалик эса Ибн Тиктиканинг барча молларига қўл урди...”

<sup>97</sup>Китобу-л-фаҳрий, Деренбург нашри. Б.22-23,75,148,239-241.

тухмат Маждулмулк Яздийнинг қилган туҳматидир. Уни тафсилотларини куйида ҳикоя қиламиз.

### Маждулмулк Яздийнинг туҳмати ва умрининг охирларига яқин муаллифҳаёт гарзининг бузилиши

Бу насл-насаби тоза оила Абока салтанатининг яқини Маждулмулк Яздийнинг туҳматига учради. Ундан кейин уларнинг кўпчилиги мўғулларнинг ўқларига нишон бўлди ва ўчоқлари тамоман сўнди. Бу қонли воқеада Маждулмулк ҳам бошидан айрилди. Буларнинг ҳаммасини хулоса сифатида куйида нақл қиламиз: Маждулмулк Яздди эди. Язд отабекларининг вазирлигини бажарган отасига ҳам Сафиулмулк дейиларди. У аввал Исфаҳон бошқарувчиси бўлган Хожа Шамсиддин Муҳаммаднинг ўғли Хожа Баҳоуддин Муҳаммаднинг хизматида бўлди. У ердан эса Хожа Шамсиддиннинг хизматига ўтди. Шамсиддин уни тарбиялаб бирикки маротаба муҳим вазифалар берди<sup>98</sup>. Буларнинг бири Гуржистон ўлкаси аҳолисининг нуфузи эди. Бу вазифалар пайтида унинг ҳолуҳаракатларидан ишончли одам эмаслигини англади ва унга нисбатан бўлган эътиборини камайтирди. Унинг бу эътиборсизлигини кўрган Маждулмулкрухсат сўраб, Яздга қайтиб кетди. Кўп ўтмасданок қайтадан Хожа Баҳоуддиннинг хизматига кирди. Ўша пайтда бир куни тасодифан Атомаликнинг ёрдамчиси Маждиддин б. ал-Асир билан йўл сафаридида бирга бўлди. Сухбатлашарканлар Маждиддин Миср подшоҳининг буюклиги, қудрати ва кўшинининг кўрқинчли эканидан гап очди. Маждулмулк бунинг тўғрисида давомли тарзда гапириб, дарҳол Ясу Буқа Турконнинг хузурига чиқди. Унга Атомалик акаси Шамсиддин билан бирга мисрликлар билан келишиб, шаҳарни таслим қилиш учун уларни Бағдодга чақирганларини айтди. Ясу БўкиТуркон ҳеч вақтни бой бермасдан бу гапларни Абокаҳонга етказди. Бундан сўнгра Абока амр, буйруқ берди. Маждиддин б. ал-Асирни келтириб, уни азобладилар. Унга беш юздан ортиқ дарра ўрсалар ҳам ўзлари истаган нарсани айттира олмадилар. Бунинг туҳмат эканлигини тушунган Абока Маждулмулкни Хожа Шамсиддинга таслим қилди. Хожа Шамсиддин таҳликали эканлигини тушунганлиги туфайли ўзига бирор зарар келмаслиги учун унинг кўнглини олишга ҳаракат қилди. Шунинг учун уни Сивоҳ ҳокимлигига тайинлади. Бойлиги оз

<sup>98</sup> Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, варақ 312 а.



эканлигини билгач, унга бир ҳамён олтин ва қимматли жавҳар, олмосдан бошқа Онадўли умумий волийсига бир мактуб ёзиб, унга юз минг динор тўлашни амр қилди. Лекин Маждулмулк аввалданок қилган ёмонликлари туфайли Шамсиддинга ишонмасдан Ясу Бўки Турконнинг хизматига кирди ва уерда қолган вақтда Хожа Шамсиддинга ва укаси Хожа Алоуддинга қандай зарар етказиш режаларини тузди<sup>99</sup>.

678 йилда зулқаъда ойи (1279, апрел)нинг илк кунларида<sup>100</sup> Абокахон Табриздан Хуросонга ҳаракат қилди. Қазвинга етиб боргач, шаҳзода Арғун б. Абока уни кутиб олишга келди. Ўша пайтда Маждулмулк Арғуннинг яқинларидан Обожи исмли кишининг воситасида Арғуннинг хузурига чиқиб, шуларни гапирди: “Бир йилдан ортиқ вақт бўлдики, сизга бирор нарсаларни айтишни хоҳлайман. Сизга етиша олишим учун амрларингиз ва яқинларингизнинг воситачи бўлиши учун уларга ялиндим. Лекин ҳар сафар соҳибдевор аҳволдан хабардор бўлди, мени сиз билан учраштирмаслик учун мурожаат қилган кишиларга пул берди. Амирларининг подшоҳ яхшилиққа бўлган нарсаларни пул воситасида амалга оширганини кўргач, шаҳзодаларнинг ўз истиқболлари ва саломатларини, тинчликларини таҳликага туширадиган, нарсалар пулга алмашмаслигини ўйлаб шахсан сизга мурожаат қилдим. Соҳибдевор мулкларининг фойдаси подшоҳнинг бутун мамлакатдан тўплаган солиқларичадир. У Миср султонлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш билан бирга хоинлигини орттирган. Унинг ташвиқи билан Парвона<sup>101</sup>, Бундукдор<sup>102</sup> 675(1276) йилда<sup>103</sup> Онадўлини ёкиб,

<sup>99</sup> Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, варақ 312б.

<sup>100</sup> Жомеъу-т-таворих, бошқа нусхада (сулл. перс.), варақ 197а.

<sup>101</sup> Парвона лақаби билан аталган Муиниддин Сулаймон б. Али б. Муҳаммад оддий бир муаллим ўзининг кўрсатган устун даражадаги ғайратлари билан Онадўли Салжукли давлатининг вазири лавозимига юксалди. Кейинчалик эса идора қилишни ўз қўлига олиб, мўғуллар билан дўстлик ва тинчлик шартномасини тузди. 675(1276-77) йилда Бундукдор номи билан танилган Малик Зоҳир Бейбарснинг Онадўли замиини талон-тарож қилиш ва мўғул амирларининг ва давлат улугларининг кўпчилигини ўлдирганидан кейин Бейбарс билан келишиб, ҳийла ишлатганликда айбландилар. Абоканинг амрига кўра, жиноятчининг шериги деб ҳисоблаган кишилар билан биргалиқда 676 (1277) йилда ўлимга маҳкум этди. Мўғул аскарлари унга нисбатан ҳис қилган ғазаблари сабабли тирик ҳолда экан, унинг аъзоларини бир-бирларидан ажратиб олиб, тўлтини қозонга қайнатиб едилар. Унинг ҳаёт ҳикояси ҳақда Абульмаҳсин Юсуф Тангрибердининг “Манҳалу-с-Софий” (Париж Миллий кутубхонаси, Агабе 2070, 3-жилд, варақ 100а-б) асарида маълумот бор.

<sup>102</sup> Малик Зоҳир Рукниддин Бейбарс, Баҳрия мамлуклари деб танилган Миср султонларидан бўлиб, 658-676/1260-1278 йиллари орасида салтанат юритган эди.

талон-тарож қилган ва у ерда Мўғул қўшинини қаттиқ мағлубиятга учратган одам билан бирлашди. Туку<sup>104</sup>, Тудон Баҳодир<sup>105</sup>, Оркоту<sup>106</sup>, (яъни Онадўлидаги мўғул қўшинининг амирлари) ва аскарлари соҳибдеворнинг хиёнати туфайли йўқ бўлдилар. Укаси Алоуддин Бағдодни ўзи хоҳлаганидек бошқармоқда ва ўзини подшоҳ ўрнига қўйиб, қийматли тошлар билан безатилган тож кийди. Унинг баҳоси ўлчаб бўлмайдиган даражада беҳисоб хазинава фойдали даромадлари бор. Агар подшоҳ бандангизга иноят, ёрдам, лутф кўрсатса (суйурғамиши),<sup>107</sup> соҳибдеворнинг тўрт юз туман, яъни тўрт миллион динор қийматидаги давлат молига эгаллик қилганлиги, бундан ташқари икки минг туман миқдордагина пули, ҳайвонлари ва моллари борлигини исбот қилиб бераман. Бунга қарамасдан, ҳатто Бағдод ва мулкхидларнинг қалъаларидан келганларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда подшоҳнинг хазинасида минг тумандан ортиқ пул йўқдир. Агар айтганларим рост бўлмаса, у ҳолда мени тухматчи ҳисоблаб ўлимга маҳкум қилинг. Бутун мансаб суистеъмолларини билганим сабабли соҳибдевор гапирмаслик улуши сифатида менга Сивос ҳокимлиги билан бирга бир ҳамён олтин берди ва ўн минг динорлик расмий ҳужжатни берди, деб уларнинг ҳаммасини шахзода Арғунга кўрсатди. Бундан кейин Арғун Маждул мулкнинг англаганларини сир тутди: “Шошмайлик. Вазиятни ўргангандан кейин керагини қиламиз“, деди Арғун<sup>108</sup>.

Абока пойтахт Табризга қайтиб келиб, қисқа бир муддатдан кейин кишни ўтказиш учун Арронга кетди. Кишни ўша ерда ўтказиб, ўша йил бошларида (яъни 678/1279) Шервиёзга<sup>109</sup> келди. У ерда

<sup>103</sup> Жомеъу-т-таворих, (сулл. перс., 209), варақ 309а-310а.

<sup>104</sup> Баъзи нусхаларда Туку, баъзиларда эса Тукун номи билан эсланган бу шахс мўғул амирларидан Илко (Элко) нўённинг ўғлидир. (Жомеъу-т-таворих, варақ 309а).

<sup>105</sup> Тудон Баҳодир мўғулларнинг қатта амирларидан бўлиб, сулдуз қавмидан Садун нўённинг ўғли ва машҳур амир Чубоннинг бобосидир. Амир Чубоннинг насабномаси мана бундай: Амир Чубон б. Малик б. Тудон Баҳодир б. Садун нўён б. Жилвоган Баҳодир б. Сургон Шира. Қавми эса Ликендаги мўғул қавмларидан Сулдуздир (Жомеъу-т-таворих, Березин нашри, 1- жилд. Б.224-232; Париж нусхаси (сулл. перс. 209) варақ 50а-51а, 298а, 309а).

<sup>106</sup> Юқорида исми айтилган Илка (Элка) нўён ўғли ва Тукунинг укаси (Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, варақ 309а).

<sup>107</sup> Суйурғамиш – мўғулча бу сўз “ҳадя” маъносини билдиради. Узаги эса “суйурғамок” дир. Бундан ясалган бошқа бир сўз “суйурғол” ҳам ҳадя маъносини билдиради.

<sup>108</sup> Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, варақ 313а.

<sup>109</sup> Шервиёз – сўзининг маъноси тўлиқ англашилмади. Тахминимча, бу ер Зинжон яқинидаги Чамани Султонияга яқин жой ёки Чамани Султониянинг бошқа бир номи дир. Мўғуллар Чамани Султонияга Кўнғур Улон (Кункур Уланг) дер эдилар. Балки Султония

бўлган Работ Муслимда ҳаммомга кирган пайтда Маждулмулк амир Тоғажар ва ёрдамчиси Садриддин Зинжонийдан рухсат олиб ҳаммомнинг уқалаш хонасида Абоканинг хузурига чиқди. Шахзода Арғунга айтганларига яна бошқа нарсаларни қўшиб-чатиб, унга тушунтирди. Соҳибдеводан жуда ғазабланган Абока бу давонинг ўз хузурида кўриб чиқилишини билдириб, соҳибдевод қўл остида бўлган ўлкалар маъмурларини дафтарлари билан биргаликда олиб келишлари учун ўзодамларини юборди. Буни эшитган соҳибдевод Ўлжой хотунга мурожаат қилиб, уни ўз ҳимоясига олиб, ёрдам беришини сўрайди. Хизмат вазифасини бажариш вақтида сотиб олган ҳамма молларини подшоҳнинг ҳаққи эканлигига бир ҳужжат имзолаб унга берди. Ўлжой хотун<sup>110</sup> бу ҳужжатни олиб, Абоканинг хузурига борди. Узундан-узок суҳбатлашиб, уни инсофга келтирди

шаҳрига Қўнғур Улон номи берилгандир. Куйидаги парчалар бу фикримизни тўлдиради: “572 (1176) йилда Салжукли Султон Арслон б. Тўғрул Зинжон яқинидаги Шервиёз ўтлоғига келди (Абу Бакр Муҳаммад б. Сулаймон ар-Равондий. Роҳату-с-судур тариху-с-салжукига. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси (сулп. Перс. 1314) 119а varaк. Робийлохир ойнинг 27-куни (пайшанба) Султон Аҳмад Қўнғур Улонга борди ва Бўкиннинг уйини талон-тарож қилди. Унинг хотини ва боласига ёмонлик қилишни истаган бўлса ҳам Сунжоқ бунга гов бўлди. Эртаси куни отига миниб, Шервиёзни тарк этди (Жомъеу-т-таворих ўша нусха, 3216 varaк). “Қўнғур Улонда вақтни ўтказмасдан у ердан Райга борди” (Жомъеу-т-таворих, ўша нусха, 3036 varaк). Қўнғур Улон ўтлоғида Шервиёз томонда бир шаҳар қурилишига амр қилди. У ерга каналлар орқали сув келтириб, кўп микдорда пул сарфлади. Лекин умри шаҳарнинг қурилиб тамомланишига қадар етмади. Ўлжайту Султон ярим қолган ишни тамомлаб, ўша шаҳарга Султония номини берди (Жомъеу-т-таворих, ўша нусха, 329а varaк). Ўша йилнинг ёзини Ўлжайту Султонияда ва Қўнғур Улон шаҳрида, кишни эса Мугон ва Арронда ўтказди (Абдуллох б. Али Кошоний. Тарихи Султон Ўлжайту, Париж Миллий кутубхонаси нусхаси (сулп. перс 1419) 31а varaк). Султония деб танилган Конкирлон шаҳрини Ғазон барпокила бошлаган эди, битирилиши учун жуда катта ғайрат сарфлаган бўлса ҳам умри унга вафо қилмади. Худобанда чала қолган ишни қўлга олиб, катта бир шавк-ғайрат билан уни битирди. У шаҳар Табриздан ўн кунлик узоқликда Қорақурум қалъасининг ёнида жойлашган (Аҳмад б. Абдулвахоб ал-Курайший ал-Нувайрий, Ниҳояту-л-араб фи фунуни-л-адаб. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси. Агабе 1577. Ж.25, 676 varaк). Худобанда Қазвин яқинидаги Қўнғур Улон номи билан барпо қилинган, Султония шаҳрида вафот қилди (Абул Маҳосин Юсуф б. Тангриберди, ўша асар. Ж.5, 1046 varaк). “Тарихи Вассоф”нинг муаллифи Ўлжайтунинг мадҳи ҳақида ёзган бир қасидада шундай дейди: *Шерь: [Қўнғур Улон, жаҳон тахтининг мавжуд бўлган жойи бўлгач, дунё шаҳарлари орасида устунликка эришди] (Тарихи Вассоф, Бомбай нашри. Б.548). Карегмер бу сўзни, яъни Шервиёзни ўқиблмагани учун уни Табриз деб ўйлаган (Mines d’Orient, s.229; Ровандий Муҳаммад б. Али. Роҳату-с-судур ва ояту-с-сурур. Аҳмад Оташининг туркча тарж., 1-жилд. Анкара, 1957, 2-жилд, 1960); Аҳмад б. Абдулвахоб ан-Нувайрий. Ниҳояту-л-араб фи фунуни-л-адаб. 18-жилд. Қоҳира, 1923).*

<sup>110</sup> *Ўлжай хотун* – Хулогунинг аёли бўлиб, Мангу Темурнинг онасидир. Хулогунинг ўлимидан кейин мўғул одатига уйғун тарзда ўғай ўғли Абокага турмушга чиқди (Жомъеу-т-таворих, ўша нусха, 271а, 272б, 296б varaклар).

ва соҳибдеводни катта бир таҳликадан қутқариб қолди. Элчиларнинг орқага қайтиб кетишлари ва соҳибдеводнинг маъмурларига тегмасликлари ҳақида янги бир фармон чиқарди. Бу воқеадан сўнгра Маждулмулкнинг умидлари сувга тушди. “Подшоҳ соҳибдеводни авф этганидан кейин бир лаҳза ҳам тинч қўймайди. Унинг ёмонлигидан қутулишим учун подшоҳ ё мени амирларининг биронтасининг хизматига берсин, ёки бу ўлкадан кетишимга рухсат берсин” мазмунида бир утук<sup>111</sup> ёзиб, Абокага тақдим қилди. Абока уни “Мен нақадар соҳибдеводни авф қилсам ҳам Маждулмулкка ҳам қўқмиши<sup>112</sup> қилмадим. Ўша қароргоҳда хизмат қилиб, Тоғажор ва Урду Қоя<sup>113</sup> билан мулоқотда бўлсин”, деб жавоб берди.

Подшоҳнинг фармони рағбатлантиргач, қароргоҳида хизмат вазифасига эга бўлган Маждулмулк Садриддин Зинжоний<sup>114</sup> билан бирга пайт пойлай бошлади. 679 (1280) йилда Абокагон Маждулмулк Амударёдан (Жайхун) Миср сарҳадларигача бўлган барча мамлакатларни соҳибдевод билан бирга бошқариши ҳақида бир фармон чиқарди ва бу фармонни шахзода ҳам амирларнинг Мароға бутхонасида тўпланган куни ўқилишини амр қилди. Фармон ўқилгач, у ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси мўғул подшоҳларининг шу пайтгача ҳеч бир эронийга бундай бир ваколат бермаганлиги фикрини билдирди. Ўша йиғилишда ҳамманинг хузурида Абокагон Маждулмулкка юзланиб: “Мамлакат, мол ва хазина<sup>115</sup> ишларида диққатли бўл. Қилинган барча ишлардан ҳабаринг бўлсин. Барча ишларда ёнингда ёрдамчилар бўлсин. Ўзингни яхшилаб тартибга келтир. Ҳеч қачон саройдан кўзингни узма. Агар бироргаси сенга ёмонлик қилишга уринса, жавобни мен бераман”, дейди. Хоннинг бу сўзлари ҳамманинг унга бўлган ҳурматини оширади. Унинг саройи каттаю кичик ҳамманинг бошпанаси бўлди. Бундан кейин соҳибдеводнинг ишлари орқага кета бошлади. Эътиборни йўқотмагандай кўринса-да аввалги ҳолатини бой берди<sup>116</sup>.

<sup>111</sup> *Утук* – воқеа-ҳодисаларни қайд қилинган қогоз ўрама.

<sup>112</sup> Неғизи “қўқимок” бўлиб, *ғазабланмоқ, даргазаб бўлмоқ* мъносини билдиради.

<sup>113</sup> Жомъеу-т-таворих, ўша varaк, 3136.

<sup>114</sup> Бу Садриддин Кайхоту замонида вазирлик мақомида бўлган эди. Қогоз пул чиқарди, лекин бу пул ҳеч қерда мақбул бўлмади. Ғазон замонида Наврўзнинг қатлидан сўнгра мавқеи янада юксалди. Лекин хийлакорлиги ва бузғунчилиги маълум бўлгач, 697 (1297, 5 апрел) йил Ражаб ойнинг 21-кунида қатл қилинди (Жомъеу-т-таворих, ўшанусха, 3216, 322а-б, 365а-б varaклар).

<sup>115</sup> Ўша асар, varaк 3136.

<sup>116</sup> Таслийату-л-ихвон, varaк 2256.

Буни кўрган Маждулмулк мана шу рубойни ёзиб, соҳибдевор олди Шамсиддинга юборди. *Шеър:*

[Сенинг ғамингдин юзага келган ҳажр денгизига тушаман. У ерда ё чўкамон ёки дуру марваридни қўлга киритаман. Сенга ёмонлик қилишнинг таҳликали эканлигини биламан. Лекин мен бу ишни қиламан. Буни ишни қилгач, Ё юзим қизаради, ёки бошим кесилади]

Соҳибдевор Шамсиддин бу шеърни ўқигач, унга жавобан шу рубойни ёзиб юборади. *Шеър:*

[Даъвони подшоҳнинг хузурига олиб бориш яроксиздир<sup>117</sup>. Замоннинг берган азоб-укубатларини ҳам чекмоқ керак. Қилишга интилаётган бу ишинг туфайли ҳам юзинг қизарди, ҳам бўйнинг кесилади]

Маждулмулк соҳибдевор Шамсиддинга ҳеч нарса килолмаслигини тушунгач, укаси Алоуддин олдига қайтиб, унга шиддатли хужум қила бошлади<sup>118</sup>.

Бу ходисалар рўй бераркан, Алоуддин 680 йилнинг рабийулаввал (1281, май) ойида Бағдоддан чиқиб, Абоканинг саройи жойлашган Табризга кетади. Ўзи билан бирга 2 та хазина олиб келиб, ҳамма бир-бирининг жонига кўз тикиб турганини, тухмат, бўҳтоннинг бозори чакқон эканлигини кўрди. Иш бошлаганларнинг кўпчилиги Маждулмулкнинг ташвиқи билан ўзига қарши туриб, турли бўҳтонларда иштирок этаётганликларини аниқлади. Хусусан, ўзига яқин деб билган, ёрдамчиси Мажиддин б. ал-Асирга тикилиб туриб: “Ҳақсиз тарзда фалон ердан шунчага қадар, фалон кимсадан шунчалик олтин...” дейиши уни бутунлай азоблади. Вазиятнинг ўта жиддийлиги учун соҳиб Шамсиддин укасига “Тухматчиларга қарши ўзингни ҳимоя қилишга уринмагинки, токи сенга зарар етмасин. Чункишон-шараф, номус ва диёнат бўлмаган жойда молу дунё барокат қолдирмайди” деб хабар юборди. Алоуддин умрининг охирларига яқин бошига тушган мусибатлар ҳақида икки рисола ёзди. Улардан бирининг номи “Таслийату-л-ихвон” бўлиб, иккинчисининг номи эса аниқ эмас ва уни “Таслийату-л-ихвон”ни тамомлаш давомида ёзган эди. Бахтли тасодиф туфайли ҳар иккала асар рисола ҳам Париж Миллий кутуб-

<sup>117</sup> Таслийату-л-ихвон, варақ 225б.

<sup>118</sup> Жомеъу-т-таворих, ҷша нусха, варақ 313б.

хонасида сақланган<sup>119</sup>. “Уй эгаси ўз уйида нималар бўлганлигини ҳаммадан кўра яхши билади” деганларидек, бу икки рисола Атомаликнинг ҳаёт ҳикоясининг энг тўғри манбасидир. Шунинг учун бундан ортиқ тафсилотларни қўя туриб, ҳар икки рисоланинг хулосасини тақдим этамиз<sup>120</sup>.

“Таслийату-л-ихвон”да мана бундай дейилади<sup>121</sup>: “Душманлар (яъни Маждулмулк ва унинг дўстлари) Бағдоднинг йиллик даромади бўлган йигирма туман олтин (икки юз минг динор)<sup>122</sup> ҳеч бир вақт хазинага кирмайди. Алоуддин ўн йиллик Бағдод волийлиги пайтида тўпланган икки юз туман олтинни (икки миллион динор) ўзига ўзлаштириб олгани шубҳасиздир”. Бу айбашларга жавобан уларнинг менга қилган тухматлари, яъни пулни ўзлаштириб олганим ёлғон эканлигини ҳамма билгани ҳолда у разилларга жавоб беришдан ва улар билан курашишдан хижолат чекканлигим учун ўзимни ва яқинларимни фалокатдан қутқара олиш фикри билан хазинага талабгор бўлганликлари қадар пулни тўлашга рози бўлдим. Уларнинг зиммасида ўзлаштириб олганимни талаб этганларичалик хазинадан оладиган маблағ ҳам бор эди. Уни ҳисобга қўшдим<sup>123</sup>. Тухматчилар бу хийлаларининг иш бермаганлигини ва бу тарзда менга зарар етказа ололмасликларини англаб етиб, бошқа бир йўлга ўтиб олдилар. Абокаҳонга бориб, “669 (1270) йилдан бери 12 йил вақт ўтди. Амирлардан бир гуруҳи Алоуддиннинг ҳисоб-ки-тобларини синчиклаб ўрганиш учун Бағдодга кетди. Бу ўрганиш натижасида унинг ўзига ўзлаштириб олган 250 туман олтин (2.500.000 динор) маълум бўлди. Ҳозиргача ўша пулдан хазинага

<sup>119</sup> Бу икки рисоланинг алоҳида нусхалари йўқ. Булардан “Таслийату-л-ихвон” “Жаҳонгушо”нинг С нусхасида (supl.pers.) 155 варақ, 220б-23а, номи номаълум бўлган бошқа бир рисола эса “Жаҳонгушо”нинг Z нусхасида (перс. 20б варақ. 16-41б) мавжуд. Алоуддин “Таслийату-л-ихвон”ни 680(1281), наригисини эса 681(1282) йилда ёзган эди. Бундан кейинроқ “Атомаликнинг асарлари” бўлимида кенгрок сўз юритамиз.

<sup>120</sup> “Тарих-и Вассоф” билан “Равзату-с-сафо”нинг муаллифлари Атомалик ва акаси Шамсиддиннинг ҳаёт ҳикояларини англатар эканлар, юқорида зикр этганимиздек, Алоуддиннинг икки рисоласидан манба сифатида фойдаланганлар. Лекин Катрмер, Mihes d’Ogientда Атомаликнинг ҳаётини ёзар экан (1809), бу икки рисоладан фойдалана олмаганди. Чунки Париж Миллий кутубхонасида булар йўқ эди. Булардан Шефернинг мулкчи бўлган С (ёки Ж) нусхаси 1898 йилда, бошқаси эса Louis philippe даврида, яъни 1830 йилдан кейин эслатилган кутубхонага олинган эди (Мирхонд Муҳаммад Ховандшоҳ. Равзату-с-сафо. 7-жилд, Техрон, 1271 (1892).

<sup>121</sup> Таслийату-л-ихвон, варақ 226а.

<sup>122</sup> Туман – асли туркча сўз бўлиб, ўн минг маъносини билдиради. Олтин туман эса ҳар бирга динор номи берилган ўн минг раками устига ёзилган олтин танга пулдир.

<sup>123</sup> Таслийату-л-ихвон, варақ 226а.

бир динор ҳам тушмади”, дедилар<sup>124</sup>. Мен бунга жавобан айтаманки: “Кўрсатилган саналарда бошқариш ваколати менга топширилган эди. Ҳамма ерда ҳам сўзи ўтавермасди. Уларнинг ўртага ташлаган фикрини илгари сурган рақамларнинг кўпчилиги уйдирма ва хатодир. Чунки олди деб айтган солиқ халқнинг ва мулк соҳибларида қолган ва унга эришишимкон бўлмаган солиқдир”.

Ўша вақтда (яъни 12 йил аввал) тафтиш учун Бағдодга келган амирлар билан биргаликда мен ҳам подшоҳнинг хузурига чиқдим. Ўзлаштириб олган деб даъво қилинган пуллар ҳақида иш қўзғаб, сўраб-суриштириш ишларини олиб боришни маъқул кўрдилар. Маҳкама натижасида ўша пулнинг олинмаганлиги, менинг у пул билан ҳеч қандай алоқам бўлмаганлигига иқроор бўлдилар. Шахсан Абокахоннинг ўзи менинг ўша пулни олмаганлигимни, агар ўша пулларни халқдан зўрлаб олинишига киришиладиган бўлса, у ҳолда халқ орасида безовталиқ ва тартибсизликлар рўй бериши мумкинлиги, бунинг эса фойдасидан зарари кўп бўлишини маълум қилди ва менга ишимга қайтиб боришимни буюрди. Ўша пайтдан то ҳозиргача бу мавзу ҳеч бир вақткун тартибига қўйилмади. Лекин энди ўша гуруҳ Абокахонга менинг пулларим халқдан зўрлаб тўпланганини, уни уйга олиб бориб, ернинг тагига кўмиб қўйган деб айтган ва уни бу тўхматга ишонтирганди”<sup>125</sup>. Бу ёлгон Абоканинг бошига яхшигина ўрнашиб олган эди. Бу воқеадан сўнг кўп вақт ўтмасдан Абока укаси Мангу Темурнинг кўмондонлигида кучли бир қўшинни Сурияга юборди. Қўшин ҳаракат қилгандан кейин ўзи ҳам ов қилиш ва ҳам дам олиш учун Бағдодга кишлокмасканига бориш ниятида Арбил (Эрбил) ва Мўсулнинг йўлига равона бўлди. У ердан Сурия чўлини кўриш учун ўша томонга от сурди. Ўша ўлкага қарашли Дайр Асир<sup>126</sup> номли бир кишлоқда тўхтаб тунади. У ерда бир неча кун ушланиб ов қилгандан кейин Бағдод йўлини тутди. Кейинчалик ўтган ўлкаларда аскар тўшлаб, аввалдаги кўшинга ёрдамчи куч юборди. Бу сатрларнинг муаллифи ҳам кўшиннинг жойлашадиган ерларини тартибга келтириш учун ва эҳтиёжларини таъминлаш учун 680 йилнинг Ражаб ойида Бағдоддан чиқишга ҳаракат қилдим<sup>127</sup>. У сафардан Бағдодга қайтар экан,

<sup>124</sup> Ўша асар, варақ 226б.

<sup>125</sup> Ўша асар, 227а.

<sup>126</sup> Тарихи Вассоф. Бомбай нашри, 98с.

<sup>127</sup> Таслийату-л-ихвон, варақ 227а.

Маждулмулк<sup>128</sup> менинг ўзлаштирган пулларим ҳақидаги мавзунини Абокага эслатди. Абоканинг буйруғига кўра, ўша пулларни олиш учун бир неча амирга вазифа юкланди. Улар менга Такритда етиб олдилар ва Абоканинг фармони билдирдилар. Бу мавзуда мен Алоуддин шундай дейман<sup>129</sup>: “Вазиятнинг жиддий эканлиги, ғаразғўйларнинг гаплари подшоҳнинг зеҳнида чуқур из қолдирганлиги, келганларнинг уйимда ҳовузлар тўла пуллар бор, деган хаёлга борганлигини тушундим. Улар билан бирга Такритдан Бағдодга келдим. Уйга келгач, хазинада ва уйдаги намгарчилик ҳали қуримаган эди. Олтин, кумуш, жавоҳир билан ишланган идиш-товоклар, газлама – ҳамма нарсаларимни уларнинг олдига қўйдим. Уйларим, қулларим, ҳайвонлар, мол-мулкимда нимаики бўлса, ҳаммасини, ҳатто хотуним ва болаларимни ҳам<sup>130</sup> сотиб, пулларини уларга кўрсатишга рози бўлдим. Кейин кўмилган ёки сақлаб қўйган, яшириб қўйган бир дирҳам олтиним ошқор бўлса, ҳар қандай жазога розиман, деб қатъий фикр айтдим”<sup>131</sup>.

Подшоҳнинг вазири акамбошимга тушганларни кўргач, менга бўлган меҳри туфайли чидамасдан Абокадан рухсат олиб, Бағдодга келди. Сўралган пулларни йиғиш учун ҳаммадан кўра кўп ғайрат кўрсатди. Подшоҳни рози қилиш ва жуда чигал масалани ечиш мақсадида иложи борича кўп пул йиғишни истаётган эди. Акам ўзида бор бўлган ва ўғилларидаги олтин-кумушлардан нимаики бор бўлса, ҳаммасини олиб келди. Мен ҳам ёрдамчиларимни ва ишончли одамларимни чақириб, улардан қанча имконлари бўлсалар, ўшанчалик қарз олдим. Уларнинг ҳаммасини бир жойга тўпладим. Эндийиғиб пуллашнинг энг охири чегарасига етган эдим. Бундан бошқа бирор нарсақилишимнинг ҳеч қандай имкони қолмаган эди. Ўша пайтда подшоҳ Дужайлга келган эди. Марваридлар, либослар ва газламалар, олтин ва кумушлардан олиб бориш мумкин бўлган ва подшоҳга тақдим қилинадиганларини олиб, Абоканинг хузурига олиб бордим. Олиб борганларимнинг қиймати менинг бойлигим ҳақида подшоҳга айтганларининг ўндан бири

<sup>128</sup> Тарихи Вассоф, Бомбай нашри. Б.98.

<sup>129</sup> Таслийату-л-ихвон, варақ 227а.

<sup>130</sup> “Алоуддин нимаси бор бўлса бериб, ҳатто хотини ва боласини ҳам сотиб қўлига тушган пуллар билан бирга “бундан кейин ёнимда, уйимда бир дирҳам топилса, ҳар қандай жазога розиман” деб қатъият билан даъво қилди” (Жомеъут-таворих. Ўша нусха, варақ 314а)

<sup>131</sup> Таслийату-л-ихвон, варақ 227б-228а.



ҳамэмасди. Шунинг учун подшоҳ мамнун бўлмади. Аллоҳ умрини узун килсин, акамнинг подшоҳга ялиниб-ёлворишлари ҳам ҳеч бир натижа бермади. Бундан сўнгра Абोकанинг амри билан Тогажар Йорғужи ва Маждулмулк<sup>132</sup> солиқ тўловчи амирлар билан биргаликда уйимдаги барча сандиқлар ва кўмилган хазиналар, бошқа қимматбаҳо жавоҳирларни чиқариб олиш учун Бағдодга келдилар. Менинг қўл остимда ичкари ва ташқарида хизмат қилувчиларни бир жойга тўплаб, сўраб-суриштириш чораларини кўрдилар. Мени эса одамларимдан ажратиб олиб, ёлғиз ўзимни уйга қамаб қўйдилар. Ундан сўнгра яқинларимва ишончли одамларимни, идорадаги пул ишларига қаровчи кишиларимни азобга солдилар. Уларга бир неча кун мобайнида азият етказдилар: занжирларга солдилар ва айри ёғочларга боғладилар. Кейин эса бир-икки марта фарзандларим ва яқинларимнинг кўмилган жойи бўлган Бағдодда қурдирган такия (тариқат мансубларининг диний маросим ва зикр қиладиган жойи) ва мадрасага кетдилар. У ерларни ҳам қазиб, узоқ вақт (хазина) изладилар. Бор деб ўйланган, ернинг тагига кўмиб қўйилган деб тахмин қилинган хазинани топа олмадилар. Мақбараларнинг устларидаги масжидларда ва такияда мавжуд бўлган гилам, шолча, жойнамоз ва қийматли ашёлар ҳамда газламаларни сотиб пулга айлантirdилар<sup>133</sup>. Қидирадиган жой қолмагач, уйимдаги эски-янги либосларни, еб-ичадиган ҳамма нарсаларимни сотдилар. Мени ҳибсга олиб қўйган уйдан чиқариб, расмий қамокхонага қамаб қўйдилар. Қўлларимдаги темиркишанни ечиб, ўрнига икки айри ёғоч тақдилар. Дикқат билан излаганликларига қарамасдан, аввалги айтганларимдан бошқа ҳеч нарса топа олмадилар. Қилган бунча азият ва азобларидан ҳеч бир натижа чиқмади<sup>134</sup>.

Охирида ҳеч нарса топа олмаганларини тушунгач, қўлларига нимаики (озу кўп) тушса, олиб подшоҳнинг ҳузурига бордилар ва вазиятни арз қилдилар. Ўша пайтда уерда ҳозир бўлган шаҳзода ва хотунлар мени авф этишларинисўраб, подшоҳнинг олдида тиз чўкдилар<sup>135</sup>. Эргалаб окшом пайтида ялиниб-ёлворган мавзулари ҳа-

<sup>132</sup> Жомсъут-таворих, ўша нусха, варақ 314а; Алоуддин иккала рисоласида ҳам Маждулмулкнинг ҳатто номини ҳам тилга олмайди.

<sup>133</sup> Таслийату-л-ихвон, варақ 228б.

<sup>134</sup> Ўша асар, варақ 229б.

<sup>135</sup> Кўп урмоқ – тиз чўмоқ маъносини билдирган ва мўғулларнинг тилида энг катта ҳурмат кўрсатилиши сифатида қабул қилинган бу ҳагги-ҳаракат тиззалардан бирини ерга

қида қайтагап очдилар. Уларнинг орасида аёллардан Булугун хотун<sup>136</sup> ва шаҳзодалардан Конкўратой<sup>137</sup> жуда катта фидойилик кўрсатдилар. Уларнинг ялиниб-ёлворишига бардош бера олмаган подшоҳнинг буйругига кўра, 680 йил<sup>138</sup> Рамазон ойининг 4-хуни (1281, 7декабр) маҳкумият занжиридан ва қийинчиликларидан қутилдим.

“Таслийату-л-ихвон” рисоласи мана шу ерда тамом бўлади. Воқеа-ҳодисаларнинг бундан кейингиларини бу муаллифнинг номи номаълум бўлган бошқа бир асаридан билиб оламиз. Бу рисола-нинг ички моҳияти “Таслийату-л-ихвон”ни яқунловчи мазмунида-дир<sup>139</sup>.

Мана муаллифнинг айтганлари: “Душман деб ўйлаганлар молларимдан очикда ёки яширин ҳолатдаги ҳеч бир нарсани топаолмаганликлари, ҳеч бир кимсанингмендан шикоятчи эмаслиги ва айбсизлигимни тушунган пайтда ўзларининг қилган ёмонликларива айтган ёлғонлари туфайли мендан кўрқа бошладилар. Қайтадан яна тўпланишиб, узоқ ўйланишганлардан кейин менинг Миср ва Сурия маликлари билан яширин тарзда ёзишмаларим ҳақидаги ёлғонни ўртага қўйиб номусим, шаънимга ёмон иснод келтиришни ва Элхон (Абока)нинг бошини айланттиришни тажриба қилиб кўрдилар<sup>140</sup>. Бунинг учун ёлғончи гувоҳларга ва пасткаш кишиларга эҳтиёж сездилар. Узоқ вақт сўраб-суриштирганларидан кейин ёмон қалбли бир нечта насронийга мол-мулк ваъда қилиб, шайтоннинг йўлига солдилар ва ўзларининг ёмон ниятларига уларни қурол қилдилар. Буларни тамомлаганларидан кейин Хониконда подшоҳ ҳузурига чиқиб, ўзлари тўқиган ёлғонларни унга арз қилдилар. Бу ишни қилгантафтишчиларнинг сўраб-суриштиришлари туфайли уларга тўғрилиқ либосини кийдира олишига ишондилар<sup>141</sup>. Элхон (Абока) шоҳона бир ички сезги, ҳиссиёт билан уларнинг ёлғонини тушуниб етди. Вазиятни ўрганиш учун яқинларидан бирига бу

қўйиш ва кўрсаткич бармоғи билан ерни кўрсатишдан иборат эди (ан-Нувайрий, кўрсатилган асар. Б.26; Жомеъу-т-таворих, изохлар қисми. Б.323).

<sup>136</sup> Абोकанинг севиқли хотинларидан (Жомеъу-т-таворих, варақ 296).

<sup>137</sup> Абोकанинг Султон Аҳмад номи билан танилган Тақудорнинг укаси. Султон Аҳмад тахтга чиққанидан кейин 683(1283) йилда уни ўлдиришди (Жомеъу-т-таворих, варақ 318а).

<sup>138</sup> Таскийату-л-ихвон, варақ 229б.

<sup>139</sup> Аввал айтганимиздек, бу рисола “Жаҳонгушо”нинг Париж Миллий кутубхонасидаги Z нусхасида мавжуд (Б.206, варақ 16–416).

<sup>140</sup> Ўша асар, варақ 3б.

<sup>141</sup> Ўша асар, варақ 4а.

вазифани топшириб, далиллар тўплагандан кейин ўз тарафдорлари билан муҳокома қилажагини маълум қилди. Душманларим подшоҳнинг одами билан бирга Бағдодга келдилар. Менинг иш бошида турган вақтимда ҳеч кимни алдаб, ўзларининг тузоқларига тушираолмасликларини англадилар. Бу ишга жуда каттик киришдилар. Ўзлари хоҳлаганларидек маълумот тайёрлаши лозим бўлган подшоҳодамига Бағдод ҳокимлигини ваъда қилдилар. Кейин эса шиддат билан жабр-зулм қила бошладилар. Энди уларнинг нияти мол эмас, жон эди. Чунки ҳаммаси йўқотилган мол-дунёни олиш орқали энди менга ҳеч қандай ёмонлик қила олмасдилар<sup>142</sup>. Мана шу тарзда сўраб-суриштиришга келганларни бир ойча муддат давомида Бағдодда тутиб турдилар. Уйдирган ёлгонларини ёйиш ва унга гувоҳ топиш учун халқ орасида дайдиб юрган ахлоқсиз кишиларга мурожаат қилсалар ҳам уларнинг ичидан ўзлари излаётган нарсаларини топа олмадилар. Бундан кейин эса у ердаги мўғул зобитлари ва амирлари билан тил бириктириб, аввал бир неча марга амирларга хабарчи сифатида юборганим икки-учта арабга пул ваъда қилиб, уларни ёнларига олдилар. Арабларга элчи юборишнинг сабаби шу эди: (680) 1281 йил бошларида Бундукдор<sup>143</sup> ўлими туфайли Миср амирлари орасида қарашларда фарқлар юзага чиқди. Сунғур Ошкор Баҳрий турк амирларидан бир гуруҳи бирлашган, Сурия ва Байрутнинг амири Исо б. Муҳанно ҳам уларга қўшилган эди. Букун ўша диёрни идора қилаётган Алфий<sup>144</sup> ҳам Шомда улар билан бўлажак урушга ҳозирлик кўраётган эди. Ўша пайтда жуда катта бир Миср кўшинлари Фрот соҳилларига ҳужум қилиб, баҳрий туркларидан бир жамоанинг Ана ва Ҳодиса яқинларига келганлиги ҳақидаги хабари менга етишгач, ҳамма вақт хийла ишлатиб, жуда катта ишларга белбоғлаган Сунғур Ошкор ва амир Исонинг ниятларини билиш ва уларни подшоҳга бўйсундириб, унинг хизматиغا киришни ташвиқ қилиш учун бир элчи юбордим. Юборган элчим уларнинг ёнига етиб бормасдан аввал улар Алфийдан енгилган эдилар. Менинг элчимни кўриб жуда мамнун бўлди-

лар. Амир эса элчининг ёнига укаси ва Сунғур Ошкорни ҳам қўшиб Бағдодга юборди. Мен ҳам уларни Элхон(Абока)нинг ҳузурига жўнагдим. Подшоҳ Сунғур ва амир Исонинг укасига жуда катта эътибор кўрсатиб, уларга олтин ва чопонлар бериб, яна қайтадан уларни Бағдодга юбордилар. Бу хатти-ҳаракатим туфайли давлатнинг сояси бўлган мени ҳам мадҳга тўла гаплар ва совғасаломлар билан шарафлантирди<sup>145</sup>. Худди мана шу хоинлар энди зобитлар ва ҳарбий кўмондонларнинг розилиklarини олиб, Амир Исога элчи қилиб юборган ўша кишини ҳатто унинг ёрдамчилари ва отбоқарларини ҳам олиб келиб, ўзларининг қилмоқчи бўлган ишларига шерик қилишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам умидлари пучга чиқди. Улар менга эмас, ўзларига қарши гувоҳлик бердилар. Кўп пул бериб, алдаб, ишонтирган бир нечта мақсадсиз одамлар ҳам худди ўша ишга ярайдиган қуни ғойиб бўлдилар<sup>146</sup>. Гапнинг қисқаси, Зулҳижжанинг хилоли кўрингач<sup>147</sup>, сўраб-суриштириш учун келган Элхоннинг элчиларидан аввал ҳузурига бориш учун йўлга чиқдим. 680 йил зулҳижжа ойининг 20-куни (пайшанба) Асадободдан ўтгач, подшоҳяқинларининг гуруҳига дуч келдик. Улар душанба куни кечкурун давлатнинг катталари билан биргаликда яширин мажлисда тухмат туфайли қамалганларни озодликка чиқарилиши ҳақида қарор қабул қилганликларини айтдилар<sup>148</sup>. Яна биров йўл юрганимиздан кейин Ҳамадон қалъасининг дарвозасига бормасданок саросимага тушиб, ўнгу сўлга чопишиб юрган элчиларни кўрдим. Орамизда ҳеч кимнинг вазиятдан хабари йўқ эди. Ҳамадонга боргач, катта фалокатдан хабардор бўлдик<sup>149</sup>. Халқ худди чўлда адашган қўйлардек, ҳаяжондан гангиб қолган эди. Ундан икки кун кейин Ҳамадонда бўлган амирлар, шаҳзода ва аёллар билан бирга аввалданок белгиланган кунда Мароғада бўлиш учун йўлга чиқдилар, уларнинг орасида мен ҳам бор эдим. Кўп ўтмасданок амирларнинг баъзилари тухматчилар гапига ишониб, янги подшоҳ сайлангандан кейин эркин юришим тахликали бўлишини ўйлаб, мени қайтадан яна Ҳамадонга олиб келиб, у ерда

<sup>142</sup> Ўша асар, варақ 56.

<sup>143</sup> Яъни ал-Малику-з-Зоҳир Бейборс.

<sup>144</sup> Яъни Баҳрия мамлуклари номи билан ҳам хотирланган султонлардан Алфий деб танилган малик ал-Мансур Сайфиддин Коловун. Ёшлигида амир Алоуддин Оксунгур уни минг динорга сотиб олганлиги учун Алфий лақаби берилган эди. Алфий 678-689 (1279-1290) йиллар орасида ҳукмронлик қилган (Ан-Нувайрий, ўша асар, ж.29, варақ 1056-140а-б).

<sup>145</sup> Жувайнийнинг номи номаълум бўлган рисоласи, варақ ба.

<sup>146</sup> Ўша асар, варақ ббдан варақ 27а гача "Кўнгиш, ақл ва сабрнинг мунозараси" сарлавҳаси остида мавзуга алоқасиз бўлган бир парча бор. Биз уни бу ерда келтирмадик.

<sup>147</sup> Ўша асар, варақ 27а.

<sup>148</sup> Ўша асар, варақ 28б.

<sup>149</sup> Яъни Абсоҳон 680 йил зулҳижжа ойининг 20-куни, (1282, 3март)да Ҳамадонда вафот этди (Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, варақ 314а).

ўзимни ёлғиз қолдирдилар<sup>150</sup>. Эй азизлар, биродарларим, агар дунёнинг турли бурчакларидагимусулмонлар фақат ўзларини ўйлайдиган бўлсалар, “Мени даъват қил” дуосини тилга олганларида эди, “дуонгни қабул қилдим” деган гапни эшитардилар. Кутилмаганда “эшиқлар очилди” деган гап оламда юзага чиқади. Хушхабар келтирган элчилар етиб келдилар<sup>151</sup> ва султонлар султони, хонлар хони Султон Аҳмад<sup>152</sup> тахтга чиқиши ва мени қўйиб юборилишимнинг хушхабарини етказдилар. Ҳозирги подшоҳ аввал бошимга тушган фалокатларни билар ва менга қарши қилинган ишларга қарши эди. Мамлакат унинг қутлуғ борлиғи билан безангандан кейин унга менинг мурожаат қилмасимданок ва ҳеч ким эслатмасдан Сулаймон Худхудни излаганидек излаб, аламли ҳолимга эътибор қилди ва мени ёнига чақиртирди. Элчилар зудлик билан Ҳамадонга келиб, мени рухий ва жисмоний азоблардан қутқардилар. 681 йил

<sup>150</sup> Алоуддин Жувайнийнинг номи номаълум бўлган асари, варақ 29а.

<sup>151</sup> Ўша асар, варақ 30а.

<sup>152</sup> Хулугунинг егтинчи ўғли ва Абоканинги ўкаси 681 йил муҳаррам ойининг 26-кунидан (1282, 7 апрел) 683 йил жумодалаввал ойининг 26-куни (1284, 12 июл)га қадар ҳукмронлик қилди. Бу подшоҳнинг асл исми Такудор бўлиб, кейинчалик мусулмон бўлгач, Султон Аҳмад номини олган эди. “Такудор” сўзи форсча тарих китобларининг кўпчилигида “Нскудор” сифатида ёзилган бўлса ҳам, тўғриси, Такудордир. Чунки Абока ва ундан кейин келган мўғул подшоҳларининг даврида яшаган, Ғазонхон қўшинида хизмат қилган ва унинг барча жангларида иштирок этган Хайтон исмли бир армани мўғулларнинг тарихи ҳақида 705 (1305) йилда ёзган ва кейинчалик лотин тилига ўгирилган ва лотинчаси ҳамда французча ҳамда бир неча марта Оврупада нашр қилинган асарда “Такудор”нинг исми “Тангодар”, “Танжасдар”, “Тагодар” ва “Жаногодар” тарзида ёзилган (Historiens Armeniens. Academie des Inscriptions. Paris, 1906. Tome II, pp. 185, 312)/ Француз ва лотин алифболарида араб тилидаги “т” ҳарфи билан “н” ҳарфи бир-бирига қоришмаслиги туфайли асарнинг муаллифи подшоҳнинг исмини бошқалардан эшитган ёки ўқимаганлигига кўра, ўша исмининг бошидаги ҳарфнинг “н” эмас, “т” эканлигини қатъият билан айта оламиз. Бундан ташқари Такудорнинг замондоши бўлган ан-Нувайрий (ваф. 732/1331) “Нихоят-ул-адаб” асарида (қаранг: Париж Миллий кутубхонаси, Agabe 1577. Ж.25, варақ 376-39а) Такудорнинг тарихини баён қилар экан, егги жойда унинг исми очик-ойдин тарзда “Такудор” шаклида ёзилган. Яна Шаҳобиддин Аҳмад б. Яҳё б. Фазлуллоҳ ал-Дамашкийнинг (ваф. 749/ 1348) “Масолику-л-абсор ахбори мулуки-л-абсар” номи асарида (Париж Миллий кутубхонаси, Agabe 2328, варақ 1216) унинг исми очикча “Такудор” шаклида ёзилган эди. Унинг Аҳмад исмини олишининг турлича ҳикояси бор. Бу мавзуда “Тарихи Вассоф” мана бундай дейди: “Биродорлар ораларидан Искудорнинг, яна ҳам тўғриси, Такудорнинг хон бўлишига қарор қилдилар. Ўша пайтда ислом шодасини бўйнига такканлиги учун уни Султон Аҳмад дедилар (Бомбай нашри. Б.105). “Жомеъу-т-таворих” ва “Масолику-л-абсор...” муаллифлари ҳам тахминан шу нарсани айтганлар. Ибн Тапгриберди эса (кўрсатилган асар, варақ 144а) бу мавзуда мана буларни ҳикоя қилади: “Унинг исми аввал Накудор” эди. Аҳмадия дарвишлари Хулугунинг кўзлари олдида уни қучоқларига олиб, олов ичига кирдилар. Ёнамасдан чиққан пайтларида Хулугу бу қаромаг туфайли унга Аҳмад исмини берди.

сафар ойининг 5-куни (1282, 15 май, пайшанба) келган элчилар билан биргаликда подшоҳнинг ҳузурига бориш учун йўлга чиқдик. Арманияда подшоҳнинг 8 қарвонига қўшилдим.

Подшоҳжамоаси билан бирга келдик. У ерда катта қурултой бўлди<sup>153</sup>. Мамлакатнинг турли ўлкаларидан ҳукмдорлар, шахзодалар, амирлар ўша ерга келдилар. Улар 9 кеча-кундуз завқ ва сафо ичида вақт ўтказдилар<sup>154</sup>. Маросимни ҳоясига етгандан кейин подшоҳ мамлакатнинг муҳим ишларига қўл урди. Шаҳзодаларни мамлакатнинг турли жойларига хизматга тайинлади. Ҳамма ерга ҳокимлар, маъмурларни белгилади<sup>155</sup>. Аллоҳ умрини узун қилсин, подшоҳнинг ҳаммадан кўп эътиборини қозонган биродаримнинг аввал ҳам бошқарувида бўлган Хуросон, Мозондарон, Ирок, Аррон, Озарбойжондан бошқа салжўқли султонлари билан ўртоқ бўлиб Онадўлини бошқариш вазифасини юклади. Акамнинг ўғли Ҳорунни эса Диёрбакр, Мўсул ва Арбил ўлкаларининг бошқарувига тайинлади. Аввалданок ишларини тартибга келтирганим Бағдоднинг аҳволи, менга қилинган бўҳтонлар ва бошимга тушган ишлар туфайли бузилган ишлар ёмон аҳволга тушиб қолган эди. Элхон (Султон Аҳмад), шу жумладан, менга ҳам ёнига борган кунимдан бошлаб тахтга ўтирган кунига қадар Бағдод томонларнинг идораси эътиборсиз қолганлиги, мен у ишларини йўлга қўйишим учун ўша ёққа қайтиб кетишим лозимлигини айтиб, жуда катта илтифотлар кўрсатди. Жўнаб кетишга тайёргарликни тезлаштириш кераклигини айтиб, тўп, чодир, махсус қурол-яроғ ва бошқа нарсалар бериб, менга ҳурмат кўрсатди<sup>156</sup>.

Бу воқеалар рўй берар экан, Маждулмулк ва дўстларининг менадан олган молларини хазинага топширмаганликлари ва уларнинг бу пулларни ўз фойдасига ўзлаштириб олганликлари ҳақидаги хабар подшоҳга арз қилинди. Шундан кейин подшоҳ тортиб олинган моллар менга қайтарилиб берилиши ҳақида фармон<sup>157</sup> юбориб, катта амирлардан бири Сунжоқ билан Уруқ<sup>158</sup> бу иш билан шуғулла-

<sup>153</sup> Атомалик Жувайнийнинг номи номаълум рисоласи, варақ 316.

<sup>154</sup> Ўша асар, варақ 326.

<sup>155</sup> Ўша асар, варақ 346.

<sup>156</sup> Ўша асар, 35а варақ.

<sup>157</sup> Ўша асар, 36 б варақ.

<sup>158</sup> Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, 316б варақ.

нишларига амр қилинди<sup>159</sup>. Зиммасига вазифа юклатилган Сунжок билан Урук, аввало, уларни ҳибсга олиб, барча молларини подшоҳ ҳисобига мусодара қилдилар ва сўраб-суриштира бошладилар. Икки-уч кундан кейин уйлардан қонунга ҳилоф равишда тортиб олинган газлама, либос, жавоҳир каби зебу зийнатларни бўш майдонга қурилган чодирга ташидилар. Подшоҳнинг ҳузурда “бу молларни каердан олдинг”, деб сўраганларида товламачи Маждулмулк жавоб бера олмади. Мендан олганлигини рад ҳам қила олмади. Шундан кейин подшоҳ “сукунат икрор бўлишдир” дея огоҳлантиргач, у ердаги молларнинг менга қайтарилиб берилишини буюрди. Мен ҳам “ҳозирга қадар қўлимга нимаики тушган бўлса, ҳаммасига Элхоннинг лутф ва эҳсони билан эга бўлдим. Қурултойда ҳануз ҳадя тарқатиш ишига киришилмади. Бу мол озгина ва арзимас эдики, уни хазинадорлар халққа тарқатиши буюрилди<sup>160</sup>. Подшоҳнинг амрига кўра, ўша ердаги халқ нимаки бор бўлса, ҳаммасини талон-тарож қилди. Бу иш тамом бўлгач, амирлар газламаларорасида Маждулмулкнинг белбоғ ҳамёнини топдилар. Унинг ичида туморлари бор бўлган қутиларни кўрдилар. Туморларнинг баъзилари устида сарик ва қизил сиёҳ билан ёзилган қоғоздан, баъзилар эса устига иброний ва

<sup>159</sup> Маждулмулкнинг газабга учраши воқеаси “Жомеъу-т-таворих”да мана бундай шаклда тушунтирилади: “Султон Аҳмад ҳибсдаги Алоуддин ва Маждулмулкни олиб келиш учун Ҳамадонга одамларини юборди. Султон Аҳмад ёнида Маждулмулкнинг энг катта кўриқчиси ва суянчиғи Алйажу Аконинг ўгли Ясу Бўкибор эди. Бир пайтлар Ясу Бўки Хожа Шамсиддин билан ораларидаги эски душманликларини давом қилдирабошлаганлигидан ва унинг ҳақида ғийбат ёга бошлаганлигидан вазирлик иши унга берилмоқчи бўлган эди. Буни тушуниб етган Шамсиддин Арман хотунга мурожаат қилиб, ундан папоҳ топди ва унинг қўллаб-қувватлаши туфайли ўзининг эски вазифасини давом қилдирди. Улар Маждулмулк ҳақида ёлғон-яшиқ гаплар чиқардилар. Шундан кейин оғир аҳволда қолган Маждулмулк шахзода Арғунга “Мен сенинг ҳамма вақт содиқ бир қулингман. Соҳибдевон Шамсиддин отанга захар ичириб, уни ўлдирди. Мен бу ҳодисани билганим учун ҳам менинг жонимни олишни истайди. Агар бошингга бир фалокат келса, шу сабабдан келажакни билгайсан”, деб хабар юборди. Маждулмулк укасининг ўғли унинг Арғунга юборган бу хабарини ўрганди. Маждулмулк ўша кунларда унинг айбини топиб, хазинадорлик вазифасидан озод қилган эди. Бу ҳолатда Маждулмулкка зарар етказиш учун у ёқдан бу ёққа бош урди. Соҳибдевоннинг ёнига олиб бордилар. Соҳибдевонга билганларини айтиб бериши учун жуда катта илтифотлар кўрсатилиб, унга Ирок таҳсилдорлиги, яъни пул, солиқ йиғувчи мансаби мақомини беришни ваъда қилди. Бундан кейин Саъдиддин Маждулмулк билан шахзода Арғуннинг ҳамкорликда эканликларини унга бир элчи орқали хабар юборганлигини айтгач, подшоҳ катта амирлардан ҳисобланган Сунчук билан Маждулмулкни сўроқ қилиб, гапларини ёзиб олишларига амр қилди (Жомеъу-т-таворих, ўша нусха. 3166 варақ).

<sup>160</sup> Алоуддин Жувайнийнинг номи номаълум рисоласи, 37а варақ.

бошқа ёзувлари мавжуд бўлган арслоннинг манглай терисидан ишланган эди. Мўғуллар кўптуморларни ўртага қўйиб, уларнинг нима эканликларини сўраган пайтда Маждулмулкжаъоб беришда кийин аҳволга тушди. Шундан кейин бахшийлар<sup>161</sup>, тойин<sup>162</sup> ва камондан<sup>163</sup> иборат бўлган бир ҳайъат ташкил қилдилар. Бу ҳайъат туморларни ва сеҳр-жодуларни сувга ботириб сиқди ва чиққан сувни уларнинг эгаларига ичирган пайтда тумор ва сеҳр-жодуларнинг таҳликаси йўқолишини маълум қилдилар. Фақат Маждулмулкўша сувдан ичишни рад қилди. Бу хатти-ҳаракати унинг сўнгини ҳозирлади ва душманларининг ишига яради. Туморларнинг сеҳр эканлиги ва унинг сеҳр қилинганлиги аниқ бўлгач, Маждулмулкка унинг душманлари қўлига топширилиш жазоси берилди<sup>164</sup>. Маждулмулкнинг душманлари ихтиёрига топширилиш хабари эшитилгач, катта-ю кичик ҳамма узоқ жойлардан тўда-тўда бўлиб келиб, унинг қони тўкилишини кутдилар. Улардан кимдир қиличини яланғочлади, кимдир ўт қўйди. Буларни кўргач, қалбимдаги яхшилик, эзгулик ва ичимдаги марҳамат туйғуси уйғонди. Унинг менга қилганликларига кечирим билан жавоб беришни истадим. Аммо мени ёмонликка ундаган нафс эса, қалбимга “Бу ёвузодамнинг борлиги ҳамма инсонлар учун канчалик зарарли эканлиги маълумдир, унинг учун бунчалик бошни чарчатиб ўйлашга арзимайди. Самимий дўстларинг гапларига кулоқ сол ва фурсатни бой берма. Унинг йиғлаганига эътибор қилма. Аввал ҳам ўлажак пайтида йиғлаб зорланганига чидамай сен ва аканг унга ачиниб, қутқариб қолган эдингиз. Ўша пайтдан эътиборан шу кунгача 20 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу вақт мобайнида яшаган кунлари учун сизларнинг марҳаматингиз ва неъматларингиз учун қарздордир. У ҳатто бир тикон ярасидек ҳам сизлардан зарар кўрмади. Бунинг мукофотини эса бошингга келган балолардан кўрдинг. Қиладиганини қилди. Ундан ёмонликдан бошқа ниманиям кўрдинг? “Синалганни синамоқ фақат пушаймонлик келтиради”,<sup>165</sup> деди. Уни авф этиш ҳақидаги ўй-фикрларимни айтганимда, самимий дўстларим менинг

<sup>161</sup> Бахший—мўғулча бу сўз бутпарастларнинг роҳибни маъносини билдиради (Жомеъу-т-таворих, Катрмер нашри. Б.184, 199).

<sup>162</sup> Тойин—туркча «йўл кўрсатувчи одам», маъносини билдирадиган бу сўзбудпараст роҳиблар учун ишлатилади.

<sup>163</sup> Қаранг: Жаҳонгушой таржимаси, 1-жилд. Б.119.

<sup>164</sup> Алоуддин Жувайнийнинг номи номалум бўлган рисоласи, 37б.

<sup>165</sup> Ўша асар, 38а варақ.



ҳали ҳам воқеалардан тўғри сабоқ чиқармаганимдан қаттиқ аччиқ-ланиб, ёнимдан узоклашдилар. Бегоналар ҳам бу ўй-фикрларим учун мени айблади. Ташқаридаги мўғуллар ва бошқа миллат одамлари унинг қонидан дори тайёрлайдиган кунни сабрсизлик билан кутишаётган эдилар. Балки Маждулмулкнинг укалари ва қариндошлари ҳатто менинг тараддудланган, иккиланган ҳолимга ҳайрон бўлиб қоларлар, ичларидан эса “Кечиктиришда офат бордир”<sup>166</sup> дерлар. Мана шу тарзда нима қилиш ҳақида бир қарорга келаолмаган эдим. Ичимдан келаётган овоз унинг авф этилишини айтarkan, халқ эса унинг ёмонликлари биланбирга йўқ қилинишини истаётган эди. Ниҳоят, бир кун кечаси ярим тундан ўтганда унинг гўштидан зиёфат берганлар тезда бир-бирига ёрдам қўллари унатдилар. Бу борада қариндошлари бегоналарга қараганда янада кўпроқ ғайрат кўрсатдилар. Улар бир режа тузиб, икки-уч мўғулни Маждулмулк қамалиб ётган чодирга юбордилар. Мўғуллар қамокхона назоратчиларига “Марҳум эртага тергов қилинади, ўша вақтгача уни биз қўриқлашимизга буйруқ берилган” деганликлари учун соқчилар танимаган ўша одамлар гапига ишониб, марҳумни уларга топширдилар. Уни қўриқлаган одамлар қалбларига инсоф ёпилиб, нафрат эшиклари очилди. Бирор киши уни қутқаришга уринмади. У ердагиларнинг қалблари ўч олиш ўқларининг нишони бўлди. Уни чодирдан чиқарган пайтда мўғуллар нафаси ва Мусулмонларнинг такбири еру кўкни ларзага келтирди. Ўша ерда иштирок этган ҳар бир отлик ва пиёда унинг ўлимига ўз хиссасини қўшиш учун жуда қаттиқ ҳаракат қилди. Бу тартибсизлик, алғовдалғовда бир қанча одамлар яраланди. Уни сен урасан, мен ураман, деган ғавғо бошланди. Мана шу тарзда қатл қилинган, ўша ердаги турли миллатдаги одамлар унинг гўштини пишириб еб, эрталабгача бақир-чақир қилдилар. Кейин бу жодунинг қолган қисмларини парча-парча қилиб, ҳар парчасини ҳар ёкка юбордилар. Боши Бағдодга, қўли Ироққа, оёғи эса Форс (Эрон)га<sup>167</sup> кетди. Ўша ерда иштирок этганлардан биттаси қалласини қўлга киритган кишидан тилини юз динорга сотиб олиб, Табризга жўнатди. Бу воқеага гувоҳ бўлган шоирлардан бири мана бу шеърни айтди. *Шеър:*

Ёмонлик борасида икки-уч кунгина олдинги навбатни эгалладинг, Мол-мулк ва мақом изладинг, энди вужудинг аъзоларининг

<sup>166</sup> Ўша асар, 386 варак.

<sup>167</sup> Ўша асар, 39а варак.

ҳар бири бир мамлакатни олди. Гапнинг қисқаси, бир ҳафта ичида жаҳон фотиҳи бўлдинг]<sup>168</sup>

Маждулмулк Олатоғ деган жойда ўлдирилишидан аввал<sup>169</sup> насроний ва бошқа диндаги ёрдамчилари Бағдод йўлига равона бўлдилар. Бағдодга киргач, Бағдоднинг маҳаллий халқи ва кўчманчилар уларни тошбўрон қилиб, пичоқ ва қилич зарбалари билан ўлдирди, кейин бозорда уларнинг жасадларини ёқиб юбордилар<sup>170</sup>. Атомалик Жувайнийнинг номи номаълум бўлган рисоласининг қисқача мазмуни мана шудир. Бу рисолада сўз юритилган охириги воқеа Маждулмулкнинг қатл қилинишидир. “Жомеъу-т-таворих”га кўра,<sup>171</sup> унинг қатл қилиниши 1282 йил 14 август чоршанба кунини содир бўлди. Алоуддин ўша йили зулҳижжа ойининг тўртинчи кунини (1283, 15 март) ўлганига қараганда, Алоуддин бу рисолаи ўз ўлимидан олти ой аввал ёзган. Энди эса ёзувчимизнинг ўлими ҳодисасига бироз тўхталиб ўтайлик.

Султон Аҳмад исми билан танилган Такудор б. Ҳулоғу тахтга ўтирганидан кейин у билан укасининг ўғли Арғун б. Абока б. Ҳулоғу орасида ихтилоф пайдо бўлди. Чунки Арғуннинг фикрида салтанат ҳаваси бор эди. Арғун Султон Аҳмаднинг энг яқинлари ва давлатининг энг кўзга кўринганлари ҳисобланган Шамсиддин Жувайний ва укаси Алоуддинга қарши қалби кин ва нафратга тўла эди. Баъзи кишилар Абока ўлимида Шамсиддиннинг қўли бор дейиши, унинг заҳарланиши<sup>172</sup> душманликни янада орттирди. Мана шундай ҳис-туйғуларга тўлиб-тошган Арғун 681 (1282) йилда киш фаслини ўтказиш мақсадида Хуросондан<sup>173</sup> чиқиб, Бағдодга кетди. Бағдодга бориб етмасданок “Отамнинг Алоуддиндан олажақларини олишга келдим” деб Алоуддин яқинларидан бўлган ҳамда бир оз аввал вафот этган Нажмиддин Асфорни<sup>174</sup> қабрдан чиқартириб, унга юборди. Бундан хабар топган Алоуддин жуда қийналди. Бошида қаттиқ оғриқлар бошланди. Шу сабабли 681 йил зулҳижжа ойининг 4-куни (1283, 5март) йилда<sup>175</sup> Муғанда<sup>176</sup> вафот этди<sup>177</sup>.

<sup>168</sup> Вассоф. Бомбай нашри. Б.109.

<sup>169</sup> Алоуддин Жувайнийнинг номи номаълум асари, 396 варак.

<sup>170</sup> Ўша асар, 40а варак.

<sup>171</sup> Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, 316б варак.

<sup>172</sup> Вассоф, Бомбай нашри. Б.119; ан-Нувайрий, ўша нусха, 25-ж. 376 варак.

<sup>173</sup> Жомеъу-т-таворих, ўшанусха, 316б варак.

<sup>174</sup> Ўша асар, 317 варак.

<sup>175</sup> Заҳабий “Тарихи ислом”да ИбнГутийдан нақл қилиб шундай дейди: “Алоуддин отдан тушди ва ўша ерда яралангани туфайли ҳаётдан кўз юмди” (ўша нусха, 317а варак).

Тобутдаги жасадни Табризга олиб бориб, Чарандоб кабристонига дафн қилдилар<sup>178</sup>. Шундан кейин Султон Аҳмад унинг ўрнига хожа Хорун б. Шамсиддинни Бағдод бошқарувига тайинлади<sup>179</sup>. Арғун тахтга ўтирганидан кейин Шамсиддин ва бу оиланинг бошқа аъзолари бошига тушган мусибатларни мавзумиздан ташқарида бўлса ҳам қуйидаги бўлимда қисқа таништирамиз. Бу мавзуда кенг қўламли маълумот олиш учун китобхонларга тарих китобларини ҳавола қиламан.

### Илова. Тарихчининг оиласи ҳақида

Муаллифнинг акаси Шамсиддин Муҳаммад Жувайний Ҳулогу даврининг охирларидан бошлабоқ унинг икки ўғли Абока ва Султон Аҳмад номи билан танилган Такудорнинг бутун салтанат эгалари давомида 22 йилга яқин (661-683/1263-1284) бош вазир бўлиб мамлакатнинг энг муҳим ишларидан хабардор эди. Тўлининг неваралари қўлларига топширилган Эрон, Онадўли ва Ҳиндистоннинг бир бўлаги ва Сурия каби Жайхун дарёсининг ғарбида қолган мўғул ерларининг идора қилиниши унга топширилган эди. Унинг тепасида подшоҳдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Шу даражада кўп бойликка эга эдики, ерларидан тушиб турадиган кунлик фойдаси бир олтин туман, яъни ўн минг динор эди. Унинг ҳаёт ҳикояси, санъатсеварлиги, шеърга бўлган иштиёқи, тарих китоб-

<sup>176</sup> Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, 317а варак; Алоуддиннинг ўлими сифатида берилганбу тарих энг тўғри санадир ва кун, ой, йил ўларок тарихи Вассофнинг кўрсатган санаси билан бир хилдир (Бомбай нашри. Б. 119). Бу тарих Заҳабийнинг “Тарихи Исломи”да Алоуддиннинг шахсий тарихчиси Ибн Гутийдан нақлан (ўша нусха, 7а варак) ва “Тарихи Гузида”нинг (Э. Броун нашри. Б. 586) кўрсатган саналари билан факат ой ва йил ўларок; Ибн Тангрибердиннинг “ал-Манхалу-с-софий” асариди (ўша нусха, 186а варак) кўрсатган сана билан бир йил фарк қилляпти. Факат ан-Нувайрий “Ниҳоят-л-адаб”да (ўша нусха, 25ж, 376 варак), “Китобу-с-сулук”да (Париж Миллий кутубхонаси, Агабе 1726, 3146 варак), Ибн Шокир Кутубий Ибн Холликоннинг қўшимча иловасида (Булоқ нашри, II ж. Б. 45), Абул Фидо “Тарихи Абул Фидо”да Алоуддин Жувайнийнинг вафот этган тарихи сифатида 680 (1281) йилни ёзади; Фазлуллоҳ б. Абул Фаҳрий Сақоий, Ибн Холликоннинг бошқа бир иловасида эса (Париж Миллий кутубхонаси, Агабе 2061, 43а варак) ва Ҳожи Халифа ҳам “Жаҳонгушо” бўлимида Алоуддиннинг 683 (1284) йилда вафот этганини айтгандилар. Энг тўғриси эса, ёзувчиға замондош тарихчиларининг кўрсатган тарих санасидир (Мақризий Тақийдин Аҳмад. Ас-Сулуқ фи маърифати-д-дувал ва-л-мулуқ. Французча таржимаси, Quatremere. 2-жилд, Париж, 1832). АбулФидо (Ибнул-Касир), Тарихи АбулФидо. 4-жилд, Истанбул, 1286 (1869).

<sup>177</sup> Ибнул-Ибрийнинг Chronicon syriacum номли асаридан нақлан Quatremere, Mines d'Orient, s. 231; Вассофга кўра (Бомбай нашри. Б. 119) Арронда казо қилган.

<sup>178</sup> Вассоф, Бомбай нашри. Б. 142-143.

<sup>179</sup> Жомеъу-т-таворих, ўша нусха, 318а варак.

ларида ёзилган. Қисқача айтадиган бўлсак, шарафли ва мўл-кўлчилик ичида умр кечирганидан кейин 683 йил шабон ойида (1284, 16 октябр,) тарихида Ахор яқинида (Озарбойжонга қарашли бугунги Қоражадағ) Арғун б. Абока б. Ҳулогунинг буйруғи билан қатл қилинди. Унинг ўлимидан жуда қисқа муддат ўтгач, ўғиллари Яҳъё, Фаражуллоҳ, Масъуд ва Отабекни ҳам отасининг ёнига жўнатдилар. Кейинчалик набираси Али б. Хожа Баҳоуддин б. Шамсиддинни ҳам 688 (1289) йили Кошонда қатл қилдилар. Унинг дафн қилинган ери бугун мўътабар бир зиёрат жойдир<sup>183</sup>. Алининг ўлимидан сўнгра укаси хафақон касаллигига чалиниб, Кайхатунинг сўнгги даврларида вафот этди. Айнан ўша йили Алоуддин Атомаликнинг ўғли Мансурни Хилладан келтириб, Бағдод кўприги ёнида шаҳид қилдилар. Соҳиб Шамсиддиннинг ўғилларидан ёлғиз Абхазда бўлган Заҳариёгина ўз жонини қутқариб қолди. Бошқаларининг ҳаммаси ўлдирилди<sup>184</sup>.

“Тарихи Вассоф”нинг муаллифи 692 (1293) йилда Табризга келгач, Шамсиддин, Алоуддин ва уларнинг етти ўғиллари қабрларини, яъни Чарандоб кабристонини зиёрат қилди. Ўша даврнинг шоирларидан бири у оилага марсия айтган. Вассофнинг асариди зикр қилинган<sup>185</sup> ўша кучли шеърнинг илк байти мана шундай. *Шеър:*

[Эй Табриз кабрислонларидан ҳисобланган Чарандоб, сени адабий раҳмат ёмғирлари суғорсин]

Шамсиддиннинг ўғилларидан бири ва ўз даврининг билимдонларидан ҳисобланган Шарафиддин Хоруннинг мажлиси доимо олимлар билан лик тўлиб-тошган бўларди. У охирги аббосий халифаси Мустаъсим Биллоҳнинг (640-656/1242-1258) ўғли Абул Аббос Аҳмаднинг қизи ва “Саййидаи Набавийя” номи билан танилган Робияга уйланганди. Унга қалин сифатида юз минг динор қизил олтин тўлади. Бу Саййидадан Маъмун лақабли Абдуллоҳ, Амин лақабли Аҳмад каби аббосий халифаларнинг номлари берилган ўғиллари билан Зубайда деган бир қизи бор эди. Ниҳоят, у ҳам “Тарихи гузида”нинг<sup>186</sup> муаллифи Ҳамдуллоҳ Муставфий амакисининг ўғли Хожа Фаҳриддин Муставфий Қазвинийнинг тухмати натижасида 685 йилнинг жумодилохир ойи (1286, август)да Арғун б. Абоканинг буйруғи билан қатл қилинди. Тасодифан хотуни

<sup>183</sup> Ўша асар, 3256 варак.

<sup>184</sup> Ўша асар, 326а варак.

<sup>185</sup> Вассоф. Бомбай нашри. Б. 142-143.

<sup>186</sup> Тарихи гузида, Э. Броун нашри. Б. 485, 587.

Саййидаи Набавийа ҳам ўша куни вафот этди. Шундай тарзда иккаласи ҳам бир-бирининг ўлимидан хабари бўлмади<sup>187</sup>.

Шамсиддин Жувайнийнинг ўғилларидан бири бўлган Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ҳам Абоканинг хизматида Исфаҳон ва Ажам Ироқининг бошқарувчиси вазифасини бажарди. 678(1279) йилда отаси ҳали ҳаётлиги вақтида вафот этди. Жасур, шафқатсиз, золим ва марҳаматсиз бўлиб танилган Хожа Баҳоуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ҳақида “ТарихиВассоф”да кенг маълумот берилган<sup>188</sup>.

АлоуддинАтомаликнинг кизларидан бири 671 (1272-1273) йилда таникли суфийлардан Шайх Садриддин Абул Мажамиий Иброҳим б. Шайх Саъдиддин Муҳаммад б. ал-Муаййад б. Абу Бакр б. Муҳаммад б. Ҳаммуя ал-Жувайний аш-Шофийга турмушга чиқди ва отаси унга сеп сифатида беш минг динор берди. Бу шайх СадриддинҲаммуя амир Наврўзнинг ёрдами билан 694 (1294-95) йилда Ғазонхон б. Арғун б. Абока б. Ҳулогунни мусулмон қилди. Ғазоннинг мусулмон бўлиши туфайли юз мингга яқин мўғул амирлари ва аскарлари ҳам мусулмон бўлдилар<sup>189</sup>. Ўша тарихдан кейин Эронда ҳукмронлик қилган мўғул подшоҳлари будпарастликни ташлаб,ислом динига кирдилар. Исми айтиб ўтилган Шайх Садриддиннинг Ғазон давлатида буюк ҳурмати бор эди. У 722(1322) йилда вафот этди. Хожа Ҳумомий Табризийнинг у ҳақда машхур бир мадҳияси бор<sup>190</sup>.

<sup>187</sup>Вассоф, Бомбай нашри. Б.60-65. Бу мавзуда Ибн Тангриберди, “ал-Маҳалу-с-Софий” номли асарида шундай дейди: “АбдулАббос Аҳмад б. ал-Мустасимнинг невараси соҳибулмулк Хорун б. Соҳиб Шамсиддин Муҳаммад ал-Жувайнийнинг хотини, ал-Маъмур Абдуллоҳ, ал-Амин Аҳмад ва Зубаднинг оналари “Саййидаи Набавийа” номи билан танилган Робиянинг унвони, салжукли маликаси Хадичанинг Халифа ал-Қосим Биамриллоҳ билан ва ал-Муктарийнинг кизи Зубайданинг Салжук султони Масъуд б. Муҳаммад б. Маликшоҳ билан турмуш қураган, туланган миқдорча, яъни юз минг динор эди. Робия эрининг қатл қилинган куни, яъни 685 йилнинг жумодилохир ойи (1286, июл)да вафот этди. Эр-хотинлар бир-бирларининг ўлимидан хабари бўлмадилар (ўша асар, 776-78а варақ).

<sup>188</sup> Вассоф, Бомбай нашри. Б.69.

<sup>189</sup>Жомсъ-т-таворих, ўша нусха, 3526-354а варақ.

<sup>190</sup> Шайх Садриддин Ҳаммуянинг ҳаёти Ибн Тангрибердининг “Ал-манҳалу-с-Сафий” номли асарининг 1-жилдида “Иброҳим б. Муҳаммад” сарлавҳаси остида ҳикоя қилинган. Қуйидаги сатрлар ўша жойдан қисқача мазмунда олинди: “Ҳаммуя ўғиллари кўп қадим замонлардан бери Нишопурдаги Жувайн қасабасининг таникли ва ҳурматли кишилари эдилар. Буюк суфий шайхларнинг баъзилари бу оиладан чиққан. Ўша оиланинг буюкларидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад б. Ҳаммуя ал-Жувайний ас-Суфий тарикат шайхларининг буюкларидан бўлиб, 530 (1135) йилда Нишопурда вафот этди ва Жувайнга дафн қилинди. Мавзуимиз боиси Шайх Садриддин Ҳаммуянинг отаси ҳам машхур суфий шайхлардан бўлиб, Шайх Нажмиддин Кубронинг энг яқинларидан ва тарика-

## Бу сулолага мансуб бўлган баъзи олим ва шоирлар

Бу оиланинг мўғуллар давлатидаги аҳволи Бармакийларнинг халифалар давридаги аҳволи каби эди. Улар олим, адиб, санъат ва илм-фан дўсти, ҳимматли ва одил кишилар эдилар. Уларнинг мажлислари олим у фозиллар ва шоирларнинг тонишадиган жойи, остоналари эса масалаларнинг ҳал этиладиган мақоми эди. Охирида уларнинг ҳам ишлари Бармакийларникидек тескари кетди ва битта-битталаб қатл қилинди. Уйлари бузилиб, ўчоқлари сўнди. Заҳабий “Тариху-л-ислом” номли асарида шундай ёзади: “Улар номларига китоб ёзган бир кишига нақд юз динор кизил тилла берардилар. Абокашоннинг Бағдодга келган пайтида бу икки оғани уни қаршилаш учун жуда катта тантаналар ташкил қилиб, халққа катта эҳсон бердилар. Олийҳимматликлари туфайли касб-коридан,дин ва миллатидан қатъи назар ҳаммалар уларнинг ёнига бордилар ва номларига қимматли китоблар бағишладилар. Машхур шоирлар мадҳ қилувчи шеърларини умри боқий тарих асарларига қўшдилар. Биз бу ерда уларнинг энг таниқиларидан айримларининг номларини эслаш билан кифояланамиз.

Улар тўғрисида китоб ёзганлардан бири буюк олим ва файласуф *Хожа Носириддин Муҳаммад б. Муҳаммад б. ал-Ҳасаний Тусий*(ваф. 672/1273-74)дир. У валийларнинг феъл-атвори ва суфийларнинг йўли ҳақида форсча “Авофу-л-ашроф” номли асарини Шамсиддин Муҳаммад Жувайний номига, нужум (юлдузлар) ҳақидаги форсча “Таржимаи самараи Бағлимус”ини эса Шамсиддиннинг ўғли Исфаҳон ва Ажам Ироқи бошқарувчиси бўлган Хожа Баҳоуддин Муҳаммад номига бағишлади.

Уларнинг номига асар бағишлаган бошқаси хаттотлик ва мусикада ўз даврининг таникли ва даҳоларидан ҳисобланган буюк устоз *Сафиуддин Абдулмўмин Юсуф б. Фахир ал-Урмавий*дир. У хаттотликда Ибн Муқла ва Ёқут каби буюк хаттотлар орасида эса олинади. Мусикада эса исми зарбулмасалбўлган эди, бу борада устозларнинг устози ҳисобланади ва бир қанча муҳим аҳамиятли асарлар ёзди. ИбнТангриберди у ҳақда мана бундай дейди: “Хорун ар-Рашид (170-193/786-809) ноиби Исҳоқ б. Иброҳим Мўсулийдан кейин ҳеч ким хаттотлик ва мусика санъатида унинг даражасига

тининг вакилларида эди. У 650 (1262) йилда вафот этди. Унинг ҳаёт ҳикояси ҳақида Жомийнинг “Нафаҳот у-л-унс” асарида маълумот бор (Жомий. “Нафаҳот у-л-унс”. Маҳдий Танҳидийтур нашри, Техрон, 1337 (1958).

етиша олмади. Сафиуддин Мустаъсим Биллох (640-656/1242-1258) кутубхонасининг котиби, ашулачиси ва якин суҳбатдоши эди. Мустаъсим унга давлатидан беш минг динор маош тўларди. У Бағдод босиб олинганидан кейин Хулогунинг хизматига кирди. Хулогу ҳузурда тор чалгани учун Хулогу унга тўланадиган маош миқдорини оширди. Бағдоднинг йиллик даромадидан унга ўн минг динор тўлашга буйруқ берилди. Сафиуддин кейинчалик ҳам АлоуддинАтомалик ва акаси Шамсиддин Жувайнийнинг якин суҳбатдошларидан бири бўлиб қолди. Бағдоднинг расмий ёзиш-малар мудирлиги унга берилди. Лекин соҳибдевон оиласи уруғ-аймоғи билан йўқ қилинганидан кейин Сафиуддиннинг ҳам бахтли тақдири тескари қараб кетди. Куни келиб шундай бир аҳволга тушдики, тўлаёлмаган уч юз динор қарзи учун қозининг ҳукми билан қамалди ва 693 йил сафар ойининг 28-куни (1294, 28 январ) ҳибсхонада вафот қилди. Сафиуддин исрофгар ва қўли очик инсон эди. Зиёфат ва вақтичоғлик дастурхонлари учун катта пулларни сарфлаб юборди. Унинг бир зиёфатда фақат егуликлар ва чолғучиларгагина тўлаган пулларининг ўзиёқ тўрт минг дирхамдан ортик бўлганини айтадилар.<sup>191</sup> Устоз Сафиуддин ҳозирда бир неча қўлёзма нусхаси топилган мусиқа ҳақидаги “Рисолаи Шурфия”ни<sup>192</sup> Хожа Шамсиддин Жувайнийнинг ўғли Шамсиддин Хорун номига атаб ёзди.

Яна бошқа бир буюк асар Камолиддин Мисам б. Али б. Мисам ал-Баҳронийнинг (ваф. 679/1280-81) машҳур “Наҳжу”-л-балоға” номли китобига ёзган шарҳидир. Бу асар АлоуддинАтомалик номига атаб қаламга олинган эди.<sup>193</sup>

Буюк олим Қози Низомиддин Исфаҳоний “Шурафу айвони-л-баён фи шарафи байти соҳибдевон”<sup>194</sup> номли асарини бу оиланинг

<sup>191</sup>Сафиуддиннинг ҳаёт хикояси учун қаранг: Ибн Шокир ал-Кутубий. Фавоту-л-валаййот. Булоқ нашри, II ж. Б.18-19; Ибн Тангриберди. ал-Манҳал ас-софий, ўша нусха, IV жилд, варақ 148а; Вассоф. Бомбай нашри. Б.43, 55, 61, 65; Ибн Тиктика. Китаб’у-л-Фахрий. Деренбург нашри. Б.74, 449,451.

<sup>192</sup>Баъзи китобларда номи “Рисолаи Шурфия” сифатида айтиладиган бу рисоланинг бир нусхаси Париж кутубхонасида (Агабе, 2479) мавжуд.

<sup>193</sup>Бу китоб ҳақида қаранг: Ибн Мисам.“Наҳжу-л-балоға” шарҳи. Техрон нашри; Қози Нуриддин Шустарий. Мажолис-у-л-муъминин.Егтинчи мажлис; Ако Муҳаммад Бокир ал-Хунсарий. Наҳжу’-л-балоға. Техрон нашри, IV жилд. Б.142-144.

<sup>194</sup>Қози Низомиддиннинг ҳаёти ҳақида қаранг: Ҳабибу-с-сыйар, III жилд, Б.1; Мажолис-у-л-муъминин. Бешинчи мажлис. Бу китобнинг бир нусхаси Париж Миллий кутубхонасида (Агабе, 3174) сақланмоқда.

мадҳи учун ёзган эди. Ушбу асар соҳибдевон Шамсиддин Муҳаммад Жувайний, унинг укаси Атомалик Жувайний ва уларнинг оталари Баҳоуддин Муҳаммаднинг мадҳидан иборат қасида ва ғазаллар мажмуаси ҳисобланади. Китобда муаллиф юқорида исмлари зикр қилинган кишилар ҳақидаги шеърларга ҳам ўрин берган.

Ибн Сайқал ал-Жазарий номи билан танилган Шамсиддин Муҳаммад б. Насруллоҳ б. Ражаб Ҳаририй эллик мақомадан иборат бўлган “Мақомоти Зайнабийя”<sup>195</sup> номли асарини уларнинг номига бағишлаб ёзган ва бунинг эвазига минг динор ҳадя олган эди.

Бу икки ака-уканинг замондоши ва маддоҳи бўлиб танилган шоирлардан бири Хожа Хумомиддин Табризий ҳисобланади. Хумомиддиннинг девони ушбу оила ҳақида ёзилган мадҳия ва марсияларга тўла. Бундан ташқари унинг ҳазажи мусаддас ва Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”и вазнидаги ошиқона маснавийси ва “Суҳбатнома” номли асари ҳам Хорун б. Шамсиддин Жувайнийга бағишлаб ёзилган эди.<sup>196</sup>

Булардан ташқари машҳур Шайх Саъдий Шерозийнинг ҳам улар ҳақида ёзган ажойиб мадҳиялари ҳам бор. Алоуддин Атомаликнинг ҳақида айтган энг машҳур қасидасининг матлаъси будир. *Шеър:*

[Кўзи бир жойда бўлмаган ва дил хоҳишларини юзига айтолмаган одам ақлсиздир. Мен буни билганим учун унинг юзига солдим. Не ёзукки, унинг бундан хабари йўқ]

Яна Саъдийнинг улар ҳақидаги мадҳларидан бири. *Шеър:*

[Одил, адолатли ва билимдон соҳибдевон бор экан ҳеч кимса (ундан ўзгани) мадҳ этолмас. У мақом ва мавқенинг осмони, марҳамат булути ва раҳмат ёмғиридир. Унинг қўли бунчалик очик бўлиши ва саховати ҳаммага баробарлигига ажабланмаслик керак. Чунки у бир ҳаракати билан Ҳотам ва унга ўхшаганлар номини унуттиради. Эй исми ва амали солиҳ бўлган киши, сенинг адолатли хукминг пайтида Аллоҳ ҳар тарафга раҳмат ёмғирини ёғдирмоқда. Агар минг Саъдий сенга мадҳ ўқиса,ва яна бошқа минг киши мадҳ ёзса мувофиқ бўлур эди]

<sup>195</sup>“Мақомоти Зайнабийя”нинг бир нусхаси Лондонда Британия музейида сақланмоқда (Old Arabic Catalogue of the British Museum, s.319. №. 66.

<sup>196</sup>“Суҳбатнома”нинг бир нусхаси Хумомнинг девониде мавжуд (Париж Миллий кутубхонаси, Supl. pers. Б.1531, 115 6-1276 варақлар); Хумомиддин Табризий. Девон. Муаййад Собитий нашри, Техрон, 1334 ш. (1955).



Яна Саъдийнинг унинг мадҳи учун айтган бир қасидасининг илк байти мана бундай. *Шеър:*

[Қайси боғча дўстларнинг юзига ўхшай олади? Ҳеч ким жаннатнинг бўстонга ўхшашлигига даъво қила олмас]

Яна Саъдий Шерозийдан. *Шеър:*

[Сенинг мутаносиб гўзал юзингни чиркин дея олмам. Сенинг юзинг Элхонли соҳибдеворнинг юзига ўхшайди. У Шарку Фарбнинг ишончи, давлат ва диннинг улугидир. Унинг юксак саройи осмонга ўхшайди. Аллоҳ сенинг ҳимоянгда исломни ёмон ходисаларнинг ўқидан хавфсиз сақласин. Йўкса, фитна тишларини шундай қайраган эдики, агар (сен бўлмаганингда эди) бу диёрда на бирор қалъа ва на бирор уй қолмасди. Инсондан фақат яхшилик ва ёмонликқолишини билган ҳар бир киши яхшилик қилиши лозим]

Саъдийнинг яна бошқа бир мадҳиясидан. *Шеър:*

[Саъдий каби бир шоир, булбул гулга қилганидек давлат ва диннинг улуги ўша одил кишини дуо қилар. У ФарбуШарқнинг вазири, Макка ва Мадинанинг амиридир. Унингчалик динни ҳимоя қилган ҳеч бир ҳукмдор йўқ. Унинг даврида тажовуз қўли фақат гўзалларга узатилди]

Матлаъи мана бундай бўлган бошқа бир қасида. *Шеър:*

[Агар менинг исмиمنى оғзингга олсанг, менга хушхабар келтирганлар оғзига шакар қуяман. Агар мени қабул қилсанг, сени кўриш севинчига жонимни фидо қиламан]

Худди шу қасидадан. *Шеър:*

[Ер юзининг буюги, инсонларнинг олийжаноби, динудавлатнинг улуги, подшоҳлик хусусиятларини ташиган вабир, давлатнинг катталари сенинг фармонингни олар-олмас дарҳол ижро қиларлар. Ироқ учун нақадар бахтки, у сенинг ҳимоянг остида. Сенинггина эмас, Аллоҳнинг паноҳи остидадир. Сенинг идорангостидаги худудларда бўри қўйларга хужум қилмаслигига ҳайрон бўлмайман]

Яна илк байти мана бундай бўлган қасида. *Шеър:*

[Эй гўзал, сенга юзинг ёпинчиғини ким оч деди?

Ой каби юзинг бизни зиғирпоясидек ёқди]

Худди шу қасидадан таҳаллус *байти:*

[Буқун халқнинг орасида латофат коптоғини сен ушлаб олдинг. Чунки кўнгил сенинг қўлингда бамисли бир коптоқдир. Одил ва музаффар қўлинг ўйин майдонидаги коптоқни ушлаб олганидек, дин ва давлат сендек улугининг қўли ҳам менинг қалбимни тутди]

Яна Саъдий Шерозийнинг мадҳ шеъри:

[Мен бу сўзлар билан унинг кадр-қимматини муносиб тарзда баён қила олмадим. Чунки ҳар мавзуда ғайрат кўрсатиш инсоннинг кучи билан мутаносибдир. Мустафо (с.а.в.)нинг кадрини англатишга сўзлар етарли эмас. Фақат буни бажариш учун (ҳар ким) ўз кучи борича ғайрат сарфлайди. Агар бандангизга ўша юксак мақомдан бирор ишорат келмаган бўлсайди, мен бу шакарни (ширинликлари билан машҳур бўлган) Ҳузистонга юбормаган бўлардим. Унинг мени қабул қилиши исмиمنىнг жаҳонга танилишига сабаб бўлди. Менинг мавқеим соҳибдевортуфайли юксалди]

Мана бу эса Саъдийнинг икки байтли машҳур қасидасининг *матлаъи:*

[Фақат биргина севгилига ва ёлғиз бир диёрга кўнгил берма. Чунки инсонлар кўп ва ер юзи кенгдир. Кўчанинг дайди итлари този итлардек овга бормаганлари учун хўрланиб азият чекар]

Иккинчи *матлаъи:*

[У ширинзабон гўзал соллона-соллона қаерга кетяпти? Нечун у менинг кўз ўнғимда юрмайди? Унинг куёшга ўхшаш ёлғизгина бир ўхшашлиги бор: у ҳам бўлса қарашинг биланоқ кўзни қамаштирувчилигидир]

Саъдий мана бу қасидасида муаллифнинг ақаси соҳибдевор Муҳаммад Шамсиддин Жувайнийни мадҳ этмоқда:

[Аллоҳ оқаетган сув устида нақшлар ясаган қимсани азиз қилсин. Чунки у сенинг кўзинг, сочинг, пешонанг ва юзингни шаклантиради. Аллоҳ одамни лойдан яратиб, инсонларга ҳаёт бағишлаганидан бери сенинг сулолангдек биронта ҳам сулола яратмади]

### Шайх Саъдийнинг соҳибдевор Шамсиддин ва Алоуддин билан бўлган муносабатлари

Али б. Аҳмад б. Абу Бакр исмли бир киши 734 (1333-34) йилда Саъдий куллиётининг барча ёзма нусхаларида мавжуд бўлган сўзбоши ёзган эди, бу сўзбошида Саъдийнинг Атомалик Жувайний ва ақаси Шамсиддин билан бўлган алоқалари ҳақида иккита ҳикояни нақл қилади. Биз мавзумизга алоқадорлиги жиҳатидан бу икки ҳикоянинг қисқамазмунини ифодалаган матн парчасини беришни маъқул кўрдик.

Биринчи ҳикоя (нинг қисқа мазмуни): Бир куни Шамсиддин Жувайний Шайх Саъдийга беш юз динор юборди. Пулни олиб борган киши бунинг юз эллик динорини ўзи олиб қолиб, қолганини Саъдийга берди. Саъдий эса пулни кам олиб келганини пайқагач, мана бу байтларни ёзиб, Шамсиддин Жувайнийга юборди:

[Жанобимиз менга шараф ва пул жўнатибди. Мол-дунёси кўпайсин, душманлари йўқ бўлсин. Бериб юборган ҳар бир динор учун умрига бир йил қўшилсин, уч юз эллик йил яшасин]

Кейинроқ эса Алоуддин Атомалик Шерозда бўлган Хожа Жалолиддин Хўтанийга Саъдийга етказиши учун ўн минг динорлик пул олиш ҳақида ишончнома жўнатди. Лекин бу ишончнома Шерозга етиб бормасдан аввал Хожа Жалолиддин вафот этди. Шундан кейин Шайх Саъдий эслатилган сўзбошидаги байтларни ёзиб, Алоуддинга юборди. Хожа Шамсиддин вазиятдан хабар топгач, Шерозда келиб-кетувчиларга таркат, деб Шайх Саъдийга эллик минг динор юборди. Шайх Саъдий Шамсиддин пулни олиши учун берган ишончномаоркали пулларни қабул қилди ва бу пуллар билан Кўҳандўз қалъаси работи, дарвишлар хонақоҳини қурдирди.

Иккинчи ҳикоя (нинг қисқача мазмуни): бир куни Шайх Саъдий ҳаждан қайтиб келаркан, ўзи кўп яхшиликлар кўрган Алоуддин ва Шамсиддинни сўраш учун Табризга борди. Йўлда тасодиф тўфайли Абоканинг карвонини кўриб қолди. Карвон ичида бўлган Шамсиддин ва Алоуддин Шайх Саъдийни узоқдан кўргач, дарҳол отларидан ирғиб тушиб, ер ўпдилар. Кейин шайх уларнинг ёнига келгач, Саъдийни кўрганликларидан беҳад севинганликлариданяна қўлларини ўпдилар. Уларнинг бегона одамга кўрсатган бундай муомалаларини кузагиб турган Абоканинг “бу одам ким?” деб сўраган саволига “Сўзи ва шуҳрати дунёга ёйилган Шайх Саъдий Шерозий” деб жавоб бердилар. Абока “Бу айтганларингни энди шеър билан ифода қил” деди. Саъдий ҳам дарҳол мана бу шеърни айтди. *Шеър:*

[Халқини ҳимоя қилган подшоҳнинг оши ҳалол бўлсин. Чунки унинг меҳнатичўпонлик меҳнати кабидир. Агар у халққа чўпонлик қилмаса, унинг таоми илоннинг захри бўлади. Чунки унинг еган ҳар бир лукмаси мусулмоннинг жузясидир]

Абока бу шеърни эшитгач, йиғлай бошлади ва “Мен чўпонманми ёки чўпон эмасманми?” деб сўради. Шайх Саъдий “Агар чўпон бўлсанг, биринчи байт, чўпон бўлмасанг, иккинчи байт сенинг учундир” деб жавоб берди.

Менингча, бу икки ҳикоя ҳам тўқима ёки камида муболағадан холи эмас. Хусусан, соҳибдеворнинг Саъдийга эллик минг динор юбориши ва уни қабул қилиши учун унга ялиниб-ёлвориши ва қасамёд қилиши, ака-уканинг Абока хузурда оддан тушиб, унинг қаршисида тиз чўкиб, қўлларини кўзга суртишлари мантиққа зид келмоқда. Чунки Саъдий айтган мадҳларва қасидалар услуби, улардан ёрдам истагани ҳикоялар мазмуни билан уйғун келмайди. Бунга намуна сифатида қуйидаги байтларни кўрсата оламиз. Алоуддинга хитоб қилиб ёзган *байти:*

[Сен қўли очикликтоғисан, мен эса фақирлик тўлқинининг ичига тушдим. Фақат сенинг кўрсатажак эътиборинг билангина соҳилга чиқа оламан]

Саъдий бу байтларини ака-укаларга бағишлаган:

[Саъдийнинг сенга яқинлашуви унинг номининг абадийлашувига сабаб бўлажакдир. Сен унга яқинлашиш чопонидан бош чиқарма. Чунки у (Саъдий)нинг сўзи сенсиз унумсиздир]

Ушбу байтни Шамсиддин Жувайнийга бағишлаган. *Шеър* (арабча):

[Қалбим сендан кўра бойроқ эканига аминдир. Бу ҳам мени қуйи туширмакка сабабдир]

Яна бутпараст мўғул подшоҳи Абокага:

[Агар у халққа чўпонлик қилмаса, солиқ унга илон захри бўлур. Чунки бу ҳолда еган ҳар бир лукмаси Мусулмоннинг жузясидир] шаклида хитоб қилиши ақлга мос келмайди. Яна ҳақиқатни яхши билувчи Аллоҳдир.

### Муаллифнинг бошқа асарлари

Атомаликнинг “Жаҳонгушо”дан бошқа иккита рисоласи ҳам бор. Улардан бирининг номи “Таслийату-л-ихвон” бўлиб<sup>197</sup>, унинг

<sup>197</sup> “Таслийату-л-ихвон” рисоласини ҳеч ҳам кўрмаган. Катрмер янгилишган ҳолда унинг арабча эканлигини айтади (Mines d'Orient, B.234). Бу ва номи маълум бўлмаган бошқа рисоласи ҳам худди “Жаҳонгушо” каби таркибида арабча оят, ҳадис, мақол ва шеърлар мавжуд бўлиб, улар форс тилида ёзилган. Шефер “Таслийату-л-ихвон”ни янгилишиб, “Таслису-л-ихвон” шаклида ўқиган ва буни французчага “La Trinite des freres” деб таржима қилган (Шефер, ўша асар, II ж. Б.150). Муаллифнинг бундан бошқаасарлари “Жаҳонгушо” нусхасининг (Бугун Париж Миллий кутубхонасида мавжуд) орқасида бор бўлишига қарамасдан уни кўрмаган, “Таслийату-л-ихвон”ни Шамсиддин Жувайний ёзганлиги ва унинг номи “Табсараи ҳазин” эканлигини, ўзининг ҳаёти ҳақида 680 (1281) йилда ёзилган бу рисолаи Шамсиддин Абокаҳонга тақдим қилиш учун Ўлжой хотунга (Абоканинг хотини) берганини айтади (Шефер, ўша асар. II жилд. Б.153-154). Албатта, буларнинг ҳаммаси хато.

қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасида мавжуд<sup>198</sup>. Бу рисола 680 (1281) йилда Маждулмулк Яздийнинг бўҳтони сабабли унинг бошига тушган фалокатлар билан Абоканинг фармонига кўра, 680 йил Рамазон ойининг 2-куни (1281, 18 декабр)да ҳибсдан озод қилинишигача чеккан азоблари ва бошига тушган укубат-

<sup>198</sup> Аввал ҳам айтганимиздек, бу рисола “Жаҳонгушо” С нусхасининг (Suppl. pers. 1556, варақ 2206-231a) охирида мавжуд. Бу рисоланинг “Таслийату-л-ихвон” эканлигининг биринчи далили куйида бахс қилмоқчи бўлганимиз Алоуддин томонидан ёзилган номи номаълум рисоласининг икки-уч жойида “Таслийату-л-ихвон”нинг номини эслаши, унда мавжуд бўлмаган мавзуларга ва байтларга қўл урганлигидир. Чунки номи номаълум бўлган рисолада ишорат қилинган мавзу ва байтлар айнан “Таслийату-л-ихвон”да ўша даврнинг воқеа-ҳодисалари англашилгач, Элҳоннинг бу бандага кизиқиб қолганлиги, қилган инъомлари қалам тили орқали айтилган. “Таслийату-л-ихвон”нинг мавзусини ҳам юқорида унинг айтган бир неча нуқсонсиз жумлалари билан изоҳланмоқда. Бу рисоланинг “Таслийату-л-ихвон” эканлигининг иккинчи далили эса мана бу: номи номаълум бўлган рисоланинг 126 варағида мана буларни ёзади:

[Эй, кўнгли “Таслийату-л-ихвон”да айтилган байтлар билан ўз сабру саботингни бутун дунёга хис қилдирдинг]

Мана бу икки-уч байт ҳам ўша байтларнинг давоми ҳисобланади:

[Фалакнинг қўшини бир ишга ҳатто зўрлаган пайтда ҳам мени ўз урнимда, собит ва сабри кўрарсан. Ҳодисаларнинг ҳужумларига қарши ҳаракат қиламан. Агар сабр ва ҷидам тоғлари ҳатто нарча-парча бўлиб тарқалсалар ҳам менда ўз ўрнида собитқарор қалбни кўрасан. Сабримда озгина бўлса-да, ғайратсизлик сезсам, азимини сабримга зирх қиламан. Азим билан сабримни синаб, уни бузилишдан химоя қиламан]

[Энди сенга бир ҳужум қилгандаёқ жангдан қочдинг, одамлар орасида номингга иснод келтирддинг, деб айтсалар ўринли бўладими?] байтлари “Таслийату-л-ихвон”да топилмаса ҳам ўша маънога боровчи бошқа шеърлари бор. Бунга намуна сифатида Шамсиддинга хитоб қилиб ёзган мана бу байтларини келтира оламиз: [Агар замона менга душманларча ёки менсимасдан беписанд қараса, у ҳолда мен учун қайгурма. Сенга жонимни фидо қиламан. Аллоҳга ишон ва унга суян, чунки бу ишларда Аллоҳнинг бир сирү синоати бор эканлигини кўриб турибман. Ҳатто фалак мени бирор фалокатта дучор қилса ҳам унга асло аҳамият бермайман. Чунки мен бу фалакни ҳам яхши, ҳам ёмон кўнларимда синадим. Қийинчиликка ва роҳат-фароғатга ҳам кўникдим] “Жаҳонгушо”-нинг С нусхасига илова қилинган рисола “Таслийату-л-ихвон” эканлигининг бошқа бир далили тилга олинган рисоланинг 35a варағидаги мана шу сўзлардир: “Бу сўзбошида айтишни хоҳлаганим мана булар:

[Таслийату-л-ихвон” рисоласида бир бурчакка чекиниб, дунё ишларидан қўл силташга сўз берган, лекин Аллоҳ олдидаги бурчимни бажаришни гапирган эдим. Бу ниятнинг акси ўларок дунё ишлари билан овора бўлдим, девон юмушларини ўз зиммамга олдим ва берган ваъдамга амал қилмадим]

Унинг бу айтганлари “Таслийату-л-ихвон”нинг мавзусига жуда мос келмоқда. Яна у ҳибсдан қутулганидан кейин мана буларни ёзади (“Таслийату-л-ихвон”, 230 а-б варақ):

[Энди агар тақдирим ёрдам қилсаю ушбу шеърда айтганимдек тарзда ҳаракат қиламан: Бундан кейин қўлимиз дўстнинг этағида бўлажак]

Булардан ташқари “Тарихи Вассоф” ва “Равзату-с-сафо” муаллифлари Атомаликнинг “Таслийату-л-ихвон”номли рисоласидан фойдаланган эдилар. Катрмер ва Шефер бу борада хато маълумот берганлиги ва оvrупалик шарқшунослар бу рисоладан хабарлари бўлмаганлиги туфайли гапни бирмунча узайтирдик (ўқувчилар мени маъзур тутишларини истайман).

ларни мавзу қилиб олади. У ҳолда бу рисоланинг ёзилиш тарихи 680 йилнинг Рамазон ойидан (1281, декабр) кейин бўлиши керак.

Атомалик иккинчи рисоласининг номи маълум эмас. Муаллиф уни “Таслийату-л-ихвон”дан кейинроқ ёзган. Мавзуси “Таслийату-л-ихвон”ни яқунлайдиган моҳиятга эга бўлиб, Султон Аҳмад (680-683/1282-1284)нинг тахтга чиқиши ва Маждулмулк Яздийнинг қатл қилинишигача рўй берган воқеаларни ҳикоя қилади. Бу жиҳатдан рисола “Таслийату-л-ихвон”нинг мантикий давомидир. Рисоланинг хатоларга тўла қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда<sup>199</sup>.

<sup>199</sup> Бу рисола олдин ҳам айтганимиздек, “Жаҳонгушо”нинг нусхасининг бошида бор (Suppl. Pers. 206, варақ 16-416). Жаноб Блоше *Catalogue de manuscrits persans de la Bibliotheque nationale* (Б.278-280) хато қилиб, бу рисола кўшган ҳолда “Жаҳонгушо” тўрт жилдан иборат деб ёзади. Эслатишга керакки, уша рисоланинг тавсифи ҳақида бундай дейди: “Жаҳонгушо”нинг тўртинчи жилди 681 (1282) йилгача Эрonda ҳукм сурган мўғулларнинг тарихини мавзу қилиб олади (279 саҳифа)”. Бу очикдан-очик хато. Чунки “Жаҳонгушо”нинг учинчи жилди 655 йилда Исмоилия илдининг йўқ қилиниши воқеасини баён қилиш билан тамом бўлади. Унда баён қилинган сўнгги воқеа-ҳодисалар тарихи билан рисолада айтилган Абоқоннинг ўлими ва Султон Аҳмад 681 (1282) йилда тахтга ўтиришигача йигирма етти йил мобайнида содир бўлган воқеаларнинг ҳеч бири ҳақида бу рисолада ўрин берилмаган. У ерда Алоуддин факат ўзининг бошидан кечирганлари, икки-уч саҳифадагина Абоканинг ўлими билан Султон Аҳмаднинг тахтга чиқишидаги қурултой ҳақида ёзади. У ҳолда бу рисола “Жаҳонгушо”нинг тўртинчи жилди, яъни 655 (1257) йилдан кейинги воқеаларнинг тарихи бўлган муаллиф қайси сабабга кўра, Исмоилиянинг йўқ қилиниши воқеасидан Абоканинг ўлимидан ва Султон Аҳмаднинг тахтга чиқиши тарихига сакраб ўтиб кетмоқда ва ўртадаги мавжуд бўлган йигирма етти йил давомида рўй берган воқеаларнинг тарихидан кўз юммоқда? Агар уни “Жаҳонгушо”-нинг жилдларидан бири деб ҳисоблаш зарур бўлса, Мг. Blochet даъво қилганидек тўртинчи жилд эмас, балки орадаги бир неча жилднинг ғойиб бўлганлигини ўйлаб, уни олтинчи ёки еттинчи жилд деб ҳисоблашимиз керак бўлади. “Жаҳонгушо”нинг учинчи жилдида Исмоилиянинг йўқ қилиниши билан яқун топишига ва ундан кейинги воқеаларнинг ҳеч бири муаллиф асарига мавзу бўлмаганлигининг энг кучли далили “Жаҳонгушо”-га Бағдоднинг фатҳ этилиш ҳақида Хожа Носирдин Тусийнинг (муаллифимизга замондоши бўлиб, Бағдод жангида ҳар иккаласи Хулоғунинг ёнида бўлгандилар) қисқа бир илова ёзганидир. Бу илова “Жаҳонгушо” баъзи нусхаларининг учинчи жилди охириларида бор. Агар муаллиф Исмоилиянинг йўқ қилинигиндан кейинги энг муҳим воқеа Бағдоднинг фатҳ этилишини қаламга олган бўлганида эди, у ҳолда Носирдин Тусийнинг бу иловаси ўринсиз бир иш бўлган бўларди. У рисола “Жаҳонгушо”нинг тўртинчи жилди эмаслигига иккинчи далил-Атомаликнинг замондоши бўлган “Тарихи Вассоф” муаллифи ўз асари сўзбошида айтган мана бу сўзлардир (Вассоф, Бомбай нашри.Б.4): “Маъноси дунёни кўрсатувчи ойна билан Жувайнийнинг “Жаҳонгушо” асари мўғул давлати билан уларга қўшни бўлган бошқа подшоҳ ва султонлар тарихини, жаҳон фотиҳи Чингизхоннинг майдонга чиқишини, Хулоғунинг юлдузларча кўп қўшини билан мулҳидлар мамлакатини фатҳ этишигача уларни навбати билан хонлик тахтига ўтиришларини мавзу қилиб олган”. Бошқа бир далили эса “Тарихи Вассоф” муаллифининг ўз сўзига кўра, “Тарихи Вассоф” “Тарихи Жаҳонгушо”нинг иловасидир ва 656-728 (1258-1327) йиллари орасида рўй берган воқеаларни мавзу қилиб олади. Яъни “Жаҳонгушо”-нинг учинчи жилди тугаган жойдан бошланади. Бу ҳолатда агар 655 (1257) йилдан

Аввал ёзганимиздек, иккинчи рисола Алоуддин вафотидан олти ой аввал ёзилган ва унинг қаламидан чиққан охириги асаридир. Биз бу иккала рисоланинг лозим бўлмаган ва ортиқча жойларини чиқариб ташлаб, уни сўзбошимизнинг бошида қисқача хулосалаган эдик. “Жаҳонгушо” нашрини амалга оширгандан кейин уларни ҳам нашр қилармиз. Булардан бошқа Алоуддин Атомалик каламга олган мактублар, фармонлар ва рисоалар бор. Буларнинг ҳаммаси ҳам аввал ҳаётдан қисқа ҳикоя қилганимиз муаллифнинг катта тоғаси Мунтажибиддин Бадиъу-л-Котиб ал-Жувайнийнинг рисоалар мажмуаси ичида Санкт-Петербург Шарк тиллари институти кутубхонасида сақланмоқда<sup>200</sup>. Барон Виктор Розеннинг тайёрлаганлиги эслатиб ўтилган кутубхона каталогига кўра, Алоуддин иншо қилган асарларидан намуналар мажмуанинг 178а-193а варақлари орасида катта ҳажмда бўлиб, у 30 саҳифани ташкил қилади.

## II. «ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО»

Бу бўлимни ҳам уч сарлавҳа остида тақдим қиламиз:

А. “Жаҳонгушо” ёзилган замонидаёқ шуҳрат қозониши.

В. “Жаҳонгушо”нинг таркиби.

С. “Жаҳонгушо”нинг ёзилиш тарихи.

### А. “Жаҳонгушо” ёзилган замонидаёқ шуҳрат қозониши

Мўғул, хоразмшоҳлар ва исмоилия тарихларини мавзу қилиб олиши, бу мавзуларда ёзилган асарларнинг таяниши ва муаллиф-

кейинги ҳодисалар “Жаҳонгушо” муаллифининг қаламига мансуб бўлганида эди, у ҳолда “Тарихи Вассоф” муаллифи 656 (1258) йил воқсаларидан эмас, балки “Жаҳонгушо”нинг тўхтаган жойидан давом қилиши керак эди. Унинг тўртинчи жилд эмаслигининг бошқа бир далили эса “Тарихи Вассоф” муаллифи “Жаҳонгушо”нинг матнини бошидан охиригача хулосалагани ва уни асарининг тўртинчи жилдига қўшишидир. Бу хулоса ҳам худди “Жаҳонгушо” тутаган жойида, яъни 655 (1257) йилда исмоилия бошқарувининг Хулоғу томонидан йиқилиши ҳодисасининг тушинтирилиши билан яқун топади (Вассоф, Бомбай нашри. Б.558-591). У ҳолда жаноб Блошенинг тўртинчи жилд деган даъвоси мутлақо хато. Бу янглишнинг манбаи рисола охиридаги мана бу ёзувдир: “Тарихи Жаҳонгушои Жувайний” номли бу китоб Аллоҳнинг ёрдами билан тугалланди”. Яна рисоланинг мавжуд “Жаҳонгушо”нинг нусхасидаги рисола матни билан “Жаҳонгушо” матни бир-бирига бирлашган ҳолда ёзилганлигидир, нусхада кўринган кўпсонли хатолар борлиги эса бу нусхани кўчириб ёзган кишининг саводи юкори эмаслигини кўрсатиб турибди. Мана бу нусха кўчирувчисининг хатолари сабабли мавзунини бироз чўзиб юбордик (ўқувчилардан узр тилаймиз).

<sup>200</sup> Les Manuscrits pesans de l'Institut des Langueuse Orientales decrits parle Baron Victor Rosen, St. Petersburg 1886, С.158.

нинг юксак даражадаги истеъдоди каби хусусиятлар бу китобнинг аҳамиятини бениҳоя орттиради. Чунки китоб муаллифи мўғул давлатининг кўзга кўринган арбобларидан бўлиб, узок йиллар мўғул ўлкаларини кезган, ёзганларининг асосий қисмини ўз кўзи билан кўрган ёки ишончли кишилардан эшитганэди. Унинг ота-боболари ва яқинларининг кўпчилиги хоразмшоҳлар ва мўғул давлатларининг муҳим мансабларида ишлаганлар. Исмоилийлар ҳақида берган маълумотлар, Оламути фатҳидан кейин Хулоғунинг амри билан муаллиф ихтиёрига берилган машҳур Оламути кутубхонасидаги мавжуд асарларга таяниши китобнинг аҳамиятини янада бир қарра ошириб, ёзилиши биланоқ катта шуҳрат қозонишига сабаб бўлган ва ҳаммани ишонтира оладиган китоб сифатида эътироф этилган эди. Шу сабабли муаллиф замондоши ёки ундан сўнгра яшаган тарихчиларнинг кўпчилиги бу китобни бирламчи манба сифатида кўрсатиб, унга эътиборли ҳужжат сифатида ёндошганлар. “Тарихи Жаҳонгушо” гатарихий манба сифатида ёндашганлардан биринчиси 699-723 (1300-1328) йиллар орасида ёзилган Абдуллоҳ б. Фазлуллоҳ аш-Шерозийнинг “Тарихи Вассоф” асаридир. У “Жаҳонгушо”нинг ҳар уч жилдини бошидан охиригача тўла ўзлаштирган ва ўз хулосасини китобнинг тўртинчи жилдига қўшган. “Тарихи Вассоф”нинг муаллифи сўзбошида кўрсатиб ўтганидек<sup>201</sup>, “Тарихи Вассоф” “Тарихи Жаҳонгушо”нинг зайли (давоми)дир. Шунинг учун бу асар “Тарихи Жаҳонгушо” тутаган жойдан, яъни 655 (1257) йилдан кейинги воқеалардан бошланади ва 728 (1328) йилгача бўлган ҳодисаларни мавзу қилиб олади. “Тарихи Вассоф”нинг муаллифи китоб сўзбошисида “Жаҳонгушо”дан ва унинг муаллифидан сўз очаркан, мана бундай дейди<sup>202</sup>. *Шеър:*

[Яна ҳатто минг китоб ёзсам ҳам мен бу булутга нисбатан бор-йўғи бир томчиман, холос]

“Жаҳонгушо”дан фойдаланиб ёзилган бошқа бир китоб эса Ғазон (694-703/1295-1304) ва Ўлжайтунинг (703-716/1304-1316) вазири Рашидиддин Фазлуллоҳнинг 710 (1310-11) йилларида ёзган “Жомеъу-т-таворих” номли буюк тарих китобидир. Бу китоб Хуросонда ва Эронда ҳукм сурган мўғул подшоҳлари билан хоразмшоҳлар тарихи каби баъзи мавзулар доирасида Чингизхоннинг (603-624/1206-1227) туғилишидан Ғарб ўлкаларини забт этишигача бўлган тарихи билан исмоилия ва Чингизхон ўғиллари ҳамда на-

<sup>201</sup> Вассоф, Бомбай нашри. Б.6

<sup>202</sup> Уша асар. Б.6.



биралари тарихининг баъзи қисмларини кенгайтириб, Чингизхоннинг Эронда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (596-617/1200-1220) бошқаруви остида бўлган ўлкаларни фатҳ этишлари ва Ўқтой хоннинг (624-639/1227-1241) қилган ишлари баёни кабиларни қискартирмасдан “Жаҳонгушо”дан олиб ёзганидир. “Жаҳонгушо”ни манба сифатида қўллаган бошқа бир котиб Бар Ибрай номи билан танилган бўлиб, умрининг катта қисмини Мароғада ўтказган Атомаликнинг замондоши якубийнасонийларидан Абул Фараж Грегориус б. Ахрун Малатйавий (ваф. 685/1286-87) сурёнийча ёзган<sup>203</sup> умумий тарихдир. Бу асарда Алоуддин китобининг (яъни “Жаҳонгушо”нинг) ўз соҳасида тенгсиз эканлигини кўрсатиб ўтгандан кейин хоразмшоҳлар, исмоилийлар ва мўғул тарихлари ҳақида ўз китобида айрим бўлимларни “Жаҳонгушо”дан олиб ҳикоя қилганлигини айтади<sup>204</sup>. Яна шу кишининг сурёнийча тарихнинг хулосаси бўлган арабча “Тарихи мухтасару-д-Дувал”<sup>205</sup> номли асарида хоразмшоҳлар, исмоилийлар ва 655 (1257) йилгача бўлган мўғуллар тарихи ҳақида бўлимлари мавжуд бўлиб, баъзи бўлимлари манбаси кўрсатилмасдан айнан ёки қисқача хулоса тарзида “Жаҳонгушо”дан олинган.

Ибн Тиктика номи билан танилган Сафиуддин Муҳаммад б. Али б. Муҳаммад б. Табатабай, аввалроқ айтиб ўтганимиз 701 (1301-02) йилда ёзган “Китобу-л-Фахрий” номли асарнинг бир қанча бўлимига манба сифатида кўрсатиб, “Жаҳонгушо”дан сўз очган эди<sup>206</sup>.

<sup>203</sup> “Хроникон Суриакум”нинг Оврўпада иккита нашри амалга оширилган: латинча таржимаси билан Брунс ва Кирч нашри, Лейпциг, 1798; Ле Р.П.Беджан нашри, Париж, 1980 (юқорида Бар Ибрайга қаранг).

<sup>204</sup> Chronicon Syriacum, Leipzig нашри, 74 саҳифадан нақлан Quatremere Mines d'Orient, Б.233.

<sup>205</sup> Ибн Ибрийнинг “Тарихи мухтасару-д-Дувал” номли асари дунё давлатлари тарихини мавзу қилиб олган арабча умумий тарих китоби ҳисобланади. Китобнинг мавзуси Яратилишдан бошланиб, 683 (1284) йилда Арғун б. Абока б. Хулогунинг салтанати тарихи билан тугалланади. Китобда баён қилинган сўнгги ҳодиса Атомаликнинг акаси Шамсиддиннинг қатл этилиши воқеасидир. Бу китоб юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, сурёнийча жаҳон тарихи ҳақидаги катта китобдан шахсан муаллифнинг ўзи қилган арабча хулосавий таржимасидир. Китоб муаллифи мўғулларнинг замондоши бўлиб, улар саройига яқин жойда Мароғада яшаганлиги учун ўз китобида мўғул тарихига кенг ўрин ажратган. Бу асар хулоса бўлишига қарамасдан, жаҳон тарихи, хусусан, мўғуллар тарихи жиҳатидан жуда муҳим ҳисобланади. “Тарихи мухтасару-д-Дувал”нинг аввал 1663 йилда Оксфордда латинча таржимаси, кейин эса ёлғиз арабча матни Байрутда айнан ўзгаришсиз ҳолда (факсимиле) 1980 йилда босилиб чиқди.

<sup>206</sup> Масалан, китобнинг сўзбошиси (Доренбург нашри. Б.75) ва бошқа бир ерда Муовиянинг халифалиги (ўша асар. Б.148) бўлимида.

“Жаҳонгушо”дан манба сифатида фойдаланган яна бир олим Шаҳобиддин Аҳмад б. Яҳъё б. Фазлуллоҳ ал-Котиб ад-Дамашкий (ваф. 749/1348-49)дир<sup>207</sup>. У 738 (1337-38) йилда тарих ва жуғрофия ҳақида ёзган йигирма жилдлик асарининг учинчи жилдида “Жаҳонгушо”нинг баъзи бўлимларини манба сифатида кўрсатиб, арабчага таржима қилган. Масалан, “Чингизхоннинг тахтга ўтириши ва мамлакатларнинг унинг қўлига ўтиши” сарлавҳали қисми (“Жаҳонгушо”. Б.25-29) билан “Масолику-л-абсор”нинг Париж нусхаси<sup>208</sup> айнан бир-бирига мос келмоқда. Яна “Чингизхон тахтга чиққанидан кейин чиқарган қоида ва қонунлар” сарлавҳаси остидаги қисм (“Жаҳонгушо”нинг I жилди, 16-25 саҳифалар хулосаси ўларок “Масолику-л-абсор”дан III жилд, варақ 336-366 дан қисқача хулоса тарзида олинган эди). “Чингизхон ўғилларининг зикри” “Жаҳонгушо”нинг I жилди, 29-32 саҳифалар хулосаси “Масолику-л-абсор”, III жилд, 366-376 вараққа мос келмоқда. Айни шаклда “Тарихи Гузида”, “Тарихи Банокатий”, “Равзату-с-сафо”, “Ҳабибу-с-сияр” ва кейинги вақтларда ёзилган бир қанча тарих китобларининг баъзи бўлимлари “Тарихи Жаҳонгушо”дан олинган. Чунки кейинги давр тарихчилари хоразмшоҳлар, исмоилия ва мўғуллар тарихи мавзусида энг кўп эътибор қилган китоблари “Тарихи Жаҳонгушо”, “Жомеъу-т-таворих” ва “Тарихи Вассоф” ҳисобланади.

## В. “Жаҳонгушо”нинг таркиби

“Жаҳонгушо”уч жилддан иборат<sup>209</sup>.

Биринчи жилд узундан-узун сўз бошидан кейин мўғул урф-одатлари, Чингизхон қонунлари номи билан маълум бўлган қоидалар, Чингизхоннинг майдонга чиқиши ва уйғур ўлкаларини забт этишини ёритади. Бу ерда уйғур қавмлари тарихи, уларнинг урф-одатлари ва эътиқодларидан сўз очган бўлим жуда муҳим ҳисобланади. Бу бўлимдан сўнгра Чингизхон қўшинларининг Мовароуннаҳр ва Эрон мамлакатларидаги фатҳлари, ўша ўлкалардаги катта талафот ва қатлиомлар; хоразмшоҳлар мамлакатининг фатҳ этилишидан Чингизхоннинг (603-624/1206-1227) ўлимигача рўй берган

<sup>207</sup> Йигирма жилдлик “Масолику-л-абсор” номли асарининг фақат бештагина жилди Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Arabe 2325, 184а варақ.

<sup>208</sup> Arabe 2325.

<sup>209</sup> Юқорида Блоше хато қилиб, “Жаҳонгушо” тўрт жилддан иборат эканлигини айтганини эслатган эдик. Баъзилар эса унинг биринчи ва иккинчи жилдларини битта жилд деб ҳисоблаб, икки жилд эканлигини даъво қиладилар.

бошқа ходисалар; Чингизхоннинг ўғли Ўктой хоқоннинг салтанати (624-639/1227-1241), унинг жўмардлиги ҳақидаги хикоялардан, Куйукхоннинг онаси Тўрагана хотуннинг салтанат ноиблигидаври (639-644/1241-1246), Ўктой хоқоннинг ўғли Куйукхон салтанатидан (644-647/1246-1249) кенг кўламли маълумотлар беради. Кейинроқ эса Чингизнинг икки ўғли Жўжи билан Чигатой ҳақидаги жуда қисқа иккита бўлим билан якунланади.

Иккинчи жилд сўзбошисиз бошланиб, бошланғичда сўнгги подшоҳлар даври, жумладан, хоразмшоҳлар тарихини атрофлича тушунтириб беради. 512-608 (1118-1211) йиллар орасидаги салкам тўқсон беш йиллик<sup>210</sup> хоразмшоҳлар даврини тасвирлар экан, Шарқий Туркистонда ҳукм сурган қорахитойлар ва Ғурхонли ҳукмдорлар номлари билан танилган ғайримусулмон турк подшоҳлари сомонийлардан кейин ва мўғуллардан аввал деярли икки юз йилдан ортиқ Мовароуннаҳр ва Туркистонда салтанат сурдилар ва хоразмшоҳ султонларининг ҳам уларга солиқ тўлаганлари, кейинчалик эса мўғул ҳокимиятига кирган Афросиёбли, Хонийя ва Элигхонли ҳукмдорлар номлари билан маълум бўлган мусулмон турк хонадонлари ҳақида берилган маълумотлар ўта муҳимдир. Бу жилднинг охирида Ўктойхоқоннинг замонидан эътиборан Хулогунинг Эронга кириши тарихигача (626-653/1228-1255), Эронга яқин жойларда бошқарувчилик қилган Чин Темур, Нўсол, Қирқўз, амир Аргун каби мўғул амирларива зобитларининг қилган ишларини кенг тасвирлаган бўлимлар бор.

Учинчи жилд Мангу Хоқон б. Тўли б. Чингизхоннинг (647-658/1249-1260) тахтга чиқиш тантанаси билан бошланиб, салтанатининг илк йиллари, Хулогунинг Эронга келиши (653/1255) ва исмоилийлар илдизини қуритиши, Оламути исмоилия ҳукмдорларининг ҳаёт хикоялари, бу жамоатнинг эътиқодларини исмоилийлар сўнгги бошқарувчисива у хонадоннинг Хулогу томонидан йўқ қилиниши тасвирланади (655/1257)<sup>211</sup>. “Жаҳонгушо”нинг сони жуда оз бўлган баъзи нусхаларига Хожа Носириддин Тусий томонидан Бағдоднинг Хулогу томонидан фатҳ этилиши ҳақида ёзган бир бўлим қўшилган.

Муаллифнинг 681 (1282) йилга қадар, яъни исмоилиянинг йўқ қилинганидан кейин йигирма етти йилга яқин ҳаёт бўлишига, Бағдод-

нинг фатҳида ҳозир бўлишига, Хулогу (654-663/1256-1265), Абока (663-680/1265-1282) ва Султон Аҳмад номи билан танилган Такудор (680-683/1282-1284) каби элхонли подшоҳлар замонларида рўй берган муҳим воқеаларнинг жой олиши, қўлимиздаги китобда кўрсатилганидек, муаллифлик иқтидорига қарамасдан ўша давр воқеаларини ёзмай ўтганлиги ҳақиқатан ҳам катта йўқотишдир. Эҳтимол, бунга фатҳ этилганидан бошлаб то вафотигача олиб борган ва вақтини олган Бағдоднинг бошқарувишлари имкон бермагандир<sup>212</sup>.

### С. “Жаҳонгушо”нинг ёзилиш тарихи

Атомалик Жувайний китобини аниқ муддат ичида ёзиб тугатмаганлиги маълум. Балки уни девон ишлари кўпроқ банд қилгани, узоқ жойларга қилган сафарлари, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, аниқ бир жойда кўп қолмаганлиги туфайли китобнинг бир бўлими ёхуд бўлимларини маълум бир тартиб қилмасдан жуда оз фурсатлардагина ёзган бўлиши мумкин. Муаллиф китобда Хуросон шаҳарларининг мўғуллар томонидан фатҳ этилишига ва ўша ўлка-халқининг қатл қилиниб, асир олинишига тўхталиб ўтгандан кейин мана буларни ёзади<sup>213</sup>: “Вақти кўпбўлган кишининг ҳатто бу шаҳарлар бошига тушганларни тасвирлашга кучи етмайди. Ёки бу ишдан дарҳол воз кечади ёхуд бу китоб муаллифи каби ғамга ботади. Бу ожиз банда сафарлардан ва бошқа ишлардан ортган озгина вақтини ҳам дам олиш билан эмас, балки асарининг қоралама нусхаларини ёзиш билан ўтказди” (“Тарихи Жаҳонгушо”, 1-жилд. Б.118). Бу сўзлардан англашилганидек, китобнинг бўлимлари алоҳида-алоҳида ёзилган. Масалан, муаллиф бу китобнинг биринчи ва учинчи жилдини ёзиш пайтида Мангу хоқоннинг (647-658/1249-1260) ҳаёт бўлганлиги маълум бўлади. Мангу хоқоннинг вафот йи-

<sup>212</sup> Ўзининг айтишига қараганда, кўлида “Жаҳонгушо”нинг ёлғиз бир нусхаси (Д нусхаси) бўлган Катрмер (*Mines d'Orient*. Б.223.) “Жаҳонгушо”нинг мавжуд жилдларидан бошқа жилдларнинг ҳам бўлиши мумкинлигига даъво қилган эди, бу идаосини 681 (1282) йилга қадар ҳаёт бўлган “Жаҳонгушо” муаллифи ўз асарини бу шаклда ярим ҳолатда қолдириши ва Хулогу ҳамда Абоканинг салтанатлари даврида рўй берган муҳим воқеалар қаршисида жим қолишини қандай изоҳлаб бўлади? Яна Алоуддин шаҳсан ўзининг айтишига қараганда, “Жаҳонгушо”ни қаламга олишининг асл сабаби Мангу хоқон замонаси асарларини абдийлаштириш бўлиб, ўз уй-фикрларига таянган ҳолда, асарда салтанатининг дастлабки йиллари ачина ўрин берган. Унинг бу даъвоси мутлақо ҳатодир. Чунки қўлда мавжуд бўлган “Жаҳонгушо”нинг барча нусхалари юқорида ҳам гапириб ўтганимиздек, исмоилиянинг илдизи қуритилганидан кейин тугайди. “Жаҳонгушо”нинг ёзма нусхалари учун қаранг: E.Browne, J.R. A/S, Janvier (1904) pp. 37-43.

<sup>213</sup> Жаҳонгушой, I жилд. Б.118.

<sup>210</sup> Жаҳонгушо, 85а варақ.

<sup>211</sup> Жаҳонгушони икки жилд деб ҳисоблаганлар орасида Катрмер ҳам бор.

ли 657 (1259) йилнинг охирлари<sup>214</sup> ёки 658 (1260) йилнинг бошлари ҳисобланади<sup>215</sup>. Холбуки, китобнинг биринчи жилдида (Б.75) Самарқанд ва Бухоронинг фатҳ этилиши бўлимининг охирларида бундай дейилади: “658 (1260) йилда бу ўлканинг ободончилиги баъзи жойларда аввалги пайтлардаги даражага етишди, баъзи жойларда эса ўша даражага яқинлашди<sup>216</sup>. Шу билан бирга биринчи жилднинг икки жойида 651(1253) йилда<sup>217</sup> вафот қилган отаси Баҳоуддин Муҳаммад ҳақида мана бундай тарзда дуо қилади<sup>218</sup>: “У фазилят дарахти доимо яшил бўлиб қолсин ва буюк инсонларнинг нигоҳлари унинг устида бўлсин (эътибори унда бўлсин)”. Бошқа бир жойда эса<sup>219</sup>: “Аллоҳ умрини узун қилсин ва шу билан фалокатлар орасига девор қўйсин”. Ўша бўлимлар ёзилган пайтда муаллифнинг отаси ҳаёт эканлиги маълум бўлади. Холбуки, китоб иккинчи жилдининг охирлари<sup>220</sup> унинг қазо қилганини билдиради. Ҳар ҳолда китобдаги турли мавзуларни муқояса қилганимизда, муаллиф ўз китобини 650 (1252) ёки 651 (1253) йилда ёзишга киришганлиги маълум бўлади. Чунки китоб биринчи жилдининг сўзбошисида (Б.6) айтилганидек, муаллифнинг Қорақурумга Мангу хоқон ҳузурига бориш тарихи 650 (1252) йилдир. У ҳолда бу китобни 650 (1252) йилдан аввал ёза бошлаши мумкин эмас. Бошқа бир далил 651 (1253) йилда вафот этган муаллифнинг отаси Баҳоуддин Муҳаммад китоб ёзила бошланган пайтларда ҳаёт эканлигидир. У ҳолда “Жаҳонгушо” ёзила бошланган тарих 651 (1253) йилдан сўнгра бўла олмайди. Бундан ташқари аввал ҳам айтилганидек, муаллифнинг туғилган тарихи 623 (1226) йил ва сўзбошида (Б.6) ҳам шахсан ўзининг айтишига кўра, китобни ёза бошлаганида йигирма саккиз ёшда эди. Демак, китобнинг сўзбошиси қатъий 650 (1252) ёки 651 (1253) йилда ёзилган эди. Бошқа томондан, эса аввал ҳам кўрсатиб ўтганимиздек, китобда берилган энг сўнги тарих 658 (1259-60) дир<sup>221</sup>. Шунга кўра, китобнинг ёзилиш тарихи

<sup>214</sup> Тарихи Вассоф, Бомбай нашри. Б.11.

<sup>215</sup> Тарихи Гузида, Э.Броун нашри. Б.579; Жомсъ-т-таворих (Блошс нашри. Б. 335) шундай дейди: “Мангу хоқоннинг вафоти 655 (1257) ёки 656 (1258) йилининг бошларидир.

<sup>216</sup> Жаҳонгушо. Б.4.

<sup>217</sup> Ўша асар, 125а варақ.

<sup>218</sup> Ўша асар. Б.4.

<sup>219</sup> Ўша асар. Б.6.

<sup>220</sup> Ўша асар, 12 а варақ.

<sup>221</sup> Катрмер, *Mines d'Orient*. Б.222. “Жаҳонгушо” да қўрилган охириги тарихни 663 (1264) деб ҳисоблаб, бу жиҳатдан шундай ёзади: “Жаҳонгушо” да 663 (1264) йилда бир шахснинг

қатъий ўлароқ 650-658 (1259-60) ёки 651-58 (1253-1259-60) йиллари орасидаги бир муддатдир.

### С. Араб тарихчиларининг муаллиф ҳаёти билан алоқадор фикрлари

Шу ўрингача муаллифнинг ҳаёт ҳикоялари ҳақида кенг камровли маълумотлар берган бўлсак ҳам айтганларимизнинг қисқача хулосаси сифатида Эронда ҳамманинг ҳам топиб ўқий олмаслиги учун арабча ёзилган бешта китобнинг муаллиф ҳақида айтганларини мана шу ўринда айнан келтирамиз.

1. Қуйидаги парча Имом Шаҳобиддин Аҳмад б. Абдул Ваҳҳоб б. Муҳаммад б. Абду-д-Доим ал-Баҳрийу-н-Нувайрий (ваф. 732/1331-32) томонидан ёзилган ўттиз жилдлик “Ниҳояту-л-ираб фи фунунул-адаб” номли катта тарих китоби Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхасининг йигирма бешинчи жилдидан олинган.

“680 йил Ражаб ойининг 14-куни (1281, 29 январ)да Абока томонидан Сурияга жўнатилган мўғул қўшини Малик ал-Мансур Султон Қаловундан мағлубиятга учради. Бу жангда мўғул қўшинига Мангу Темур б. Ҳулогу кўмондонлик қилган эди. Ўша пайтда ар-Раҳбаъда бўлган Абока вазиятдан хабар топгач, пойтахтга қайтди. У ердан Мангу Темур Хумусга қараб ҳаракат қилди. Манзилга боргач, қаршисида ислом қўшинини кўрди, жангнинг илк пайтларида мўғуллар устунликка эга бўлиб, Султон Малик ал-Мансурнинг сўл канотига талафот етказдилар. Ундан кейин мўғуллар жангда ғалабага эришганликларига қатъий ишонч кўзи билан қараб, овқатлана бошладилар. Лекин кўп ўтмасданок, уларнинг устларига фалокат ёғилди. Султон Малик ал-Мансур ҳақидаги бўлимда ҳам айтганимдек, мўғуллар мағлубиятга учрадилар. Мангу Темур б. Ҳулогу Иброҳим оролига қайтиб келгунча яна бир неча маротаба енгилди ва ўша ерда вафот этди. Бу воқеадан аввал Алоуддин Жувайнийнинг Абокага хиёнат қилганлиги ва уни ағдариббошқасини подшоҳ қилишни ўйлаганлиги ҳақидаги миш-мишлар ҳамма ёққа ёйилган эди.

Ўртага чиқиб, ўзини Султон Жалолиддин Мангуберди эканлигини даъво қилганлиги ёзилгандир”. Бу тарих мутлақо хато (Б.82). Чунки ўша ходиса учун 663 (1264) йили кўрсатган Катрмернинг кўлидаги Д нусхасидан бошқа барча нусхалар 633 (1235) йил солнома-сини берадилар. Бундан ташқари “Жаҳонгушо” да (1086 варақ) очик кўрсатилганидек, юқорида зикр қилинган ходиса Хуросон ва Мозонларон ўлкаси ҳокими Чин Темур замонида бўлган эди. “Жаҳонгушо” га кўра, (116а варақ) Чин Темурнинг вафоти 633 (1235) йилдир.

Алоуддин Атомалик Жувайний ал-Жазира зобити Мўъмин Оғога бир мактуб юбориб, Мангу Темурни қатл қилишни сўради. Бундан сўнгра Мўъмин Оғо заҳар ичириб, уни ўлдирди ва дарҳол Жазирани тарк этди. Мангу Темурнинг одамлари вазиятни билгач, унинг кетига тушдилар. Уни қўлга тушира олмагач, у ерда қолган болалар ва аёлларни қатл қилдилар. Мўъмин ёнида иккита ўғли бўлгани ҳолда Мисрга илтижо қилди. Мисрликлар уларга яхши муносабатда бўлдилар, мол-мулк бердилар. Мангу Темурнинг жасадини ҳам Талаъга олиб бориб, у ерда дафн қилдилар. Ўша йили, яъни 680 (1281) йилда соҳибдевон Алоуддин Жувайний ҳам вафот этди. Алоуддин катта бир давлат одами бўлган акаси Шамсиддиннинг кўмаги билан мўғул давлатида юксак мақомга етишди. Абока Мусулмон давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатганлигини билгач, унинг бутун молларига қўл уриб, ундан интиқомини олди. Ўлимидан кейин эса акаси Шамсиддиннинг ўғли Хорун Ироқнинг ҳокими бўлди”.

2. Зайли (давоми) 700 (1300) йилгача бўлган воқеа-ҳодисаларни ўз ичига қамраб олган “Тарихи Заҳабий” номи билан танилган “Тариху-л-ислом” номли буюк тарих китоби йигирма бир жилддан иборат бўлиб, буюк олим ва тарихчи Шамсиддин Аби Абдуллоҳ Муҳаммад б. Аҳмад б. Усмон б. Қаймаз б. Абдуллоҳ ад-Дамашқий (ваф. 748/1347) томонидан ёзилган. Қуйидаги парча Лондондаги Британия музейида сақланаётган китобнинг охириги жилдидан олинган: “Алоуддин Атомалик Жувайний буюк вазир Шамсиддиннинг укаси бўлиб, Абоканинг бошқаруви пайтида катта ваколатларга эга эди. 680 (1281) йилда Маждулмулкнинг Бағдодга келишига қадар мўл-қўлчилик ва дабдаба ичида ҳаёт кечирди. Маждулмулк Ажамий Бағдодга келгач, уни ҳибсга олиб, мол-мулкни мусодара қилди ва яқинларини ҳам жазолади. Мангу Темур Суриядан енгilib қайтиб келаркан, уни ҳам Ҳамадонга олиб кетди. У ерда Мангу Темур ва Абока ўлиб, Султон Аҳмад бошқарувга келгач, Алоуддиннинг ишлари яна қайтадан изга тушди. Абоканинг ўғли Арғун тахтга ўтиргач эса, иккала ака-укани ҳам ўз ҳузурига чақирди. Улар бошларига тушажак балоларни билганликлари учун кўрқиб яшириндилар. Алоуддин яширинган жойида бир ойдан кейин вафот этди. Унинг ўлимидан кейин Лор подшоҳи Юсуф Арғундан рухсат олиб, Шамсиддинни ёнига олиб кетди. Лекин Арғун Шамсиддинни авф этганлиги ҳақидаги Юсуфга берган ваъдасига вафо қилмади.

Алоуддин вафотидан қисқа муддат ўтгандан кейин уни қатл қилдирди. Кейинроқ эса Ироқ ҳокимлигини Саъдиддин Ажамий, Мажид б. ал-Асир ва Амир Али Жакинон кабиларга топширди. Улар ҳокимликка тайинланганларидан бир йил кейин Арғуннинг вазири Урук ўша учта ҳокимни қатл этди. Алоуддин ва акаси қўли очик, одил, яхши бир идора қилувчилар, марҳаматли ва мамлакатнинг фаровонлиги, ободлиги учун хизмат қилган одамлар эдилар. Алоуддин 661 (1262) йилнинг ўрталарида Ироқ идорасини Имодул-Қазвинийдан олгач, дарҳол деҳқонларданоғир солиқларни олиб ташлаб, кишлокларни оёққа турдира бошлади. Қисқа муддатдан кейин Ироқнинг даромади ортди ва ҳаммаёқ гуллаб-яшнади. Амбордан ҳазрати Алининг ётган қабристонга қадар канал қаздириб, Фрот дарёсининг сувини ўша ергача оқизди ва каналнинг икки соҳилига юз элликча кишлок қурдирди.

Баъзи кишилар соҳибдевон Алоуддин даврида Бағдоднинг Халифалар давридаги Бағдоддан янада гулаб-яшнаган ҳолга келганлиги ва халқининг янада мўл-қўлчиликда яшаганлиги, Абоканинг Ироққа келиши вақтида соҳиб Шамсиддин ва Атомаликнинг халққа тарқатган ҳадияларининг минггача эканлигидан сўз очадилар. Бир олимнинг уларга бағишлаб ёзган китоби учун улардан олган пули минг динор эди. Шамсиддин Муҳаммад б. ал-Сайқал ал-Жазарий, эллик мақома мавзуларини ёзиб, Алоуддинга тақдим қилгач, эвазига минг динор олди. Уларнинг олимларга ва дарвишларга нисбатан қўллари жуда очик эдилар. Ўзлари ҳам олим, адиб бўлиб, диндор одамлар эди. Замонамизнинг буюк тарихчиси Абул Фазл Абдураззоқ ибн Ҳамд б. ал-Гутий Алоуддин ҳақида мана шундай дейди: “Буюк инсон Атомалик Жувайний Шамсиддиннинг укаси дир. У Хуросонда таҳсил олган эди. Ёзишни отасидан ўрганди. Турлича мансабларда хизмат қилгандан кейин Имодийдин Қазвиний қатл қилингач, Ироқнинг ҳокими (волийси) бўлди. У ерни фаровон қилгач, халқининг даромадини оширди. Фротдан Нажафга қадар арик қаздириб, кишлоклар барпо қилдирди. Нажафда Ҳазрати Алининг мақбараси ёнида факирлар учун мусофирхона очдирди. Абока б. Хулогу салтанатининг охирида Маждулмулк балосига йўлиққунгача эътиборли бир киши сифатида ўз ҳаётини давом қилдирди. Кейинчалик Султон Аҳмад томонидан Ироқ ҳокимлигига тайинланиб, ўша томонга кетаётганида шошилинч тарзда қўлга олинди. Йўлда отидан тушиб жон берди. Жасади Табризга олиб борилиб,



ўша ерга дафн қилинди. Унинг рисолалари ва шеърлари бор. Бағдодда ҳокимлик даври йигирма бир йил ўн ой бўлиб, вафотининг солномаси 4 зулҳижжа 681 (6 март, 1282) йилдир”.

3. Қуйидаги парча 660-725 (1261-1324) йиллари орасида вафот этган таниқли кишиларнинг исмларини алифбо тартибида қайд этган Фазлуллоҳ б. Абул Фахр ас-Саҳойнинг Ибн Холликон асарининг зайли сифатида ёзган “Васфийату-л-айон”нинг Париж Миллий кутубхонасида мавжуд бўлган нусхасидан олинган: “Алоуддин Бағдодда, Шамсиддин эса мўғул подшоҳларининг ёнида эди. Ўша пайтда Бағдод ҳокимининг ўринбосари бўлган Шамсиддин б. Абдулазиз б. ал-Каввоз, 704 (1304) йилда Бағдоддан ҳажга кетаркан, Шомга бирров кириб ўтганида менга мана буларни англатди: 680 (1281) йилда Мангу Темурнинг кўшини билан Шомга боришидан бир ой аввал Маждулмулк Эрондан Бағдодга келди ва соҳибдевон Алоуддинни ҳибсга олди. Бундан кейин Алоуддин мана шу китъани айтди. *Шеър*:

[Бўлиб ўтган нарса учун қийналма. Балки унда ҳам бир хайр бордир. Қочиб ўз соҳибига бош кўтарган бир кул бор эди. Ҳозир келди ва ҳўжасини тутиб боғлади]

Кўшини Сурияда мағлубиятга учраб, орқага чекинган Абока Алоуддинни ёнига олиб Ҳамадонга қайтди. Ўша йили Абока ва Мангу Темур вафот этдилар. Тахтга Аҳмад ўтирди. Аҳмад соҳибдевон Алоуддин билан акаси Шамсиддинга яқин муносабатда бўлди ва уларни ҳимоя қилди. Уч йилдан сўнг Аҳмад (Такудор) ўлди, унинг ўрнини Абоканинг ўғли Арғун эгаллади. Арғун биродарларини ўз ҳузурига чақиртирди. Шундан кейин Алоуддин ва акаси ундан қочиб яшириндилар. Арғун уларнинг пайига тушди. Алоуддин бир ойдан кейин яширинган жойида вафот қилди. Отабек Юсуф эса Арғундан Шамсиддинни авф этиш ваъдасини олди ва уни ўзи билан биргаликда Лорга олиб кетди. Лекин қисқа муддатдан кейин Арғун ўзининг берган ваъдасида турмасдан Шамсиддинни ўлдиртирди. Ироқни идора қилишни Саъдиддин ал-Ажамий, Маждиддин б. ал-Асир ва Чекинан номи билан танилган Амир Али каби уч кишилик бир ҳайъатнинг ихтиёрига топширди. Ўша пайтда соҳибдевон Шамсиддиннинг ўғли Амир Хорун Арғуннинг вазири ва Ироқнинг молия нозири бўлган Урукнинг хизматига кирди. Бир йилдан кейин Урук ҳисобот бериш учун Табризга келган Ироқнинг ноибларини ва котибларини ўлдиртирди. Бундан сўнгра Арғуннинг ука-

си Кайҳоту Урукни ёнига чақиртириб, жуда ёмон иш қилганини айтиб, уни сикувга олгач, Урук бундан ўзини халос қилиш учун ўша ишни Шамсиддиннинг ўғли Хоруннинг устига ағдарди. Хорунни хотин ва болалари билан биргаликда қатл қилдилар. Алоуддин ва акаси Шамсиддин эҳтиёжманд кишилар мурожаат қиладиган ишончли одамлар эди. Алоуддиннинг шеърларидан. *Шеър* (арабча):

[Эй дўстларим, агар қалбим менинг не холда эканлигимни билганлигингизни билса, чарчокларим менга тотли, ширин (бўларди). Мега етказган алам ва қадарлар менга оғирлик қилгани дўстларнинг мени англамаганлигидандир]

4. Қуйидаги парча алифбо тартибида тузилган Ибн Холликонинг “Вафаяту-л-айон”нинг бошқа бир зайли бўлган буюк олим Муҳаммад б. Шокир б. Аҳмад ал-Кутубий (ваф. 764/1362) томонидан ёзилган “Фавоту-л-вафоёт” номли асари Булоқ нашрининг иккинчи жилдидан олинган: “Хуросонли соҳибдевон Атомалик б. Муҳаммад ва акаси соҳибдевон Шамсиддин Абока замонида катта бир кучга эга бўлдилар. 680 (1281-82) йилда Маждулмулк Бағдодга келиб соҳибдевон Алоуддинни ва яқинларини ушлаб олиб, молмулкни мусодара қилди. Мангу Темур Суриядан кўшинлари талафотга учраб, қайтиб келаётганда Алоуддинни ҳам олиб Ҳамадонга кетди. У ерда Абока ва Мангу Темур ўлдилар. Кейинроқ эса Арғун б. Абоканинг тахтга ўтирганидан кейин икки ака-ука жонларини қутқариш учун яшириндилар. Алоуддин бир ойдан кейин 681 (1282-83) йилда вафот этди. Лор ҳукмдори Арғундан Шамсиддинни авф этишни сўради. Лекин Арғун ваъдасида турмасдан уни қатл қилдирди. Ундан кейин Ироқнинг идорасини Саъдиддин ал-Ажамий, Маждиддин Ибн Асир ва Чекинан исмли амир Алига топширди. Алоуддин ва укаси виждонли, олийҳиммат, қўли очиқ, идора ишида тажрибали, мамлакатнинг ободлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда халқнинг фаровонлиги учун меҳнат қилган кишилар эдилар. Алоуддин идора қилган даврларида Бағдод халифалар замонидагига қараганда янада фаровон, гуллаб-яшнаган, ривожланган эди. Улар олимларга ва адибларга жуда катта эътибор кўрсатдилар ва номларига китоб ёзганларга ҳар бир китоб учун минг динор берардилар. Мана бу байтлар Алоуддинга оид: *Шеър*:

[Эй Араб чўли, мендан узоқда тур. Чунки менинг қалбим маданиятли турклар билан боғланди. Эй оҳу кўзли араблар, бошимдан кетинг. Мен энди бодом кўзли туркларнинг тузоғидаман]

Бу китобнинг бир жойи Хожа Носириддин Тусийнинг ҳаёти бўлимида (2-жилд. Б.187) муаллиф билан алоқадор бир ҳикоя берилади. Унга кўра, бир пайт ҲулогуАлоуддинни ўлдириш учун буйруқ беради. Хожа Носириддин Тусий ҳам бир йўлини топиб, унинг жонини қутқариб қолади. Ҳеч бир тарих китобида мавжуд бўлмаган куйидаги ҳикоя тўқима бўлиши эҳтимолдир. “Носириддин Тусийнинг устун, аъло даражадаги закосидан шундай тарзда ган очадилар: Бир куни ҲулогусоҳибдевонАлоуддин Жувайнийга қаттиқ қаҳр қилди, ғазабини сочди ва уни ўлдиришга фармон берди. Шундан кейин Алоуддиннинг акаси келиб вазиятни Носир Тусийга хабар қилди. Носир Тусий унга “Агар хокон бундай буйруқ берган бўлса, бу қарорни тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ. Айниқса, бу буйруқни бошқалар ҳам эшитган бўлса,” деб ўрнидан турди, кўлида ҳасса, тасбеҳ, устурлоб асбоби, орқасида ичида исириксимон хушбўй тутатқи ва оташ бўлгани ҳолда Ҳулогунинг саройи томон йўл олди. Муҳофизларгаякинлашганда тутатқининг оловини янада орттирди. Устурлобни кўтариб, диққат билан қараб яна қайтадан туширди. Соқчилар унинг бундай ғалати ишлар қилаётганини кўргач, дарҳол хузурига кириб аҳволни Ҳулогуга тушунтирдилар. Соқчилар қайтиб келгач, улардан “Ҳоқон қаерда?” деб сўради. “Ўз хонасида” деган жавобни эшитгач, “бу сафар ҳам “соғ-саломатми?” деб сўраб, “ха” деган жавобни олгандан кейин Аллоҳга шукр қилиб, сажда қилди. Сўнгра тўғриланиб: “Унинг сихат-саломат” эканлигини ўз кўзларим билан кўришни хоҳлайман” деди. Соқчилар ичкарига кириб, аҳволни Ҳулогуга билдирдилар. Шу пайтда ҳеч кимни қабул қилмаган Ҳулогу уни қабул қилди. Носириддин хонага кирар-кирмас ўзини ерга ташлади ва бир оз муддат шундай ҳолда қолди. Сўнгра Ҳулогу “Қандай хабар келтирдинг” деб сўрагач, “Юлдузларнинг кўрсатишларига кўра, хокон устида кўп фалокат айланибди. Буни кўргач, исирикдонни ёқиб ақлимга, хаёлимга келган ҳамма дуоларни ўқидим. Фалокатнинг даф бўлиши учун Аллоҳга илтижо қилдим. Хоконнинг ҳибсда бўлганларни озод қилишинатижасидагина Аллоҳнинг бу фалокатлари унинг бошидан узоқлашишини умид қиламан. Агар бу аҳволда хоконнинг муборак юзини кўзларим билан кўрмаган бўлганимда эди, эҳтимол ҳаёт эканлигига ишонмаган бўлардим”, деди. Шундан кейин Ҳулогу Носириддиннинг айтганини қилди. Ҳибсдан чиққанлар орасида Алоуддин ҳам бор эди. Шундай тарзда у Алоуддиннинг номини

эслатмасдан уни зиндондан қутқарди. У мана шундай бир ақлзаковат эгаси эди. Бу закосининг соясида ўз мақсадига эришди ва халқнинг бошидаги балоларни кетқизди”.

5. Куйидаги парча Ибн Холликоннинг “Вафаяту-л-айон”ининг зайли бўлган Халил б. Ойбек ас-Сафадийнинг “ал-Вофий би-л-вафойот”ига алифбо тартибига кўра зайл тарзида ёзилган Абул Маҳосин Юсуф б. Тангрибердининг (ваф. 874/1469) олти жилдлик “ал-Манхалу-с-софий ва’л-Муставкай би-л-вофий” номли асари Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхасининг тўртинчи жилдидан олинган: Ирокнинг ҳокими, вазир Шамсиддиннинг укаси, давлат ва миллатнинг буюги Атомалик Муҳаммад б. Муҳаммад Алоуддин б. Баҳоуддин Жувайний ал-Хуросоний, кўли очиклиги, олийҳимматлилиги ва қилган хайрли ишлари билан танилган эди. У имом Алининг макбараси ёнига бир мусофирхона қурдирди. 680 (1281) йилда Маждулмулк Ажамий Бағдодга келиб, уни хибсга олиб, мол-мулкни мусодара қилдирди. Унинг яқинларини ҳам жазолади. Мангу Темур Суриядан енгилиб қайтаркан, Алоуддинни ҳам олиб Ҳамадонга кетди. Абока ва Мангу Темур ўша ерда вафот этдилар. Арғун б. Абока тахтга ўтиргач, иккала ака-укани ёнига чакиртирди. Улар эса қочиб кетдилар. Алоуддин қочиб яширинган жойида бир ойдан кейин 681 (1282) йилда вафот қилди. Ундан кейин Лор ҳукмдори Алоуддиннинг акаси Шамсиддин ҳақида Арғундан афв чиқартириб, ўзи билан бирга қароргоҳига олиб кетди. Лекин Арғун сўзида турмасдан укасининг ўлимидан қисқа вақт ўтганидан кейин уни қатл қилди. Уларнинг вафотидан кейин Ирок идорасини Саъиддин Ажамий, Мажд б. ал-Асир ва амир Али б. Чекинанга топширди. Бир йилдан кейин Арғуннинг вазири уларнинг учаласини ҳам қатл қилдирди. Алоуддин ва Шамсиддин очикқўл, олийжаноб, яхши қалбли, марҳаматли ва одил кишилар эди. Алоуддин насрда ва назмда моҳир эди. Куйидаги байтлар эса унга оид. *Шеър*:

[Аллох ёмонликлар хайрини берсин. Чунки ёмонликлар бутун ғам-аламларимни менга тупуқларим билан ичимга юттирди. Ёмонлик келганига ҳам шукр қиламан. Чунки у менга дўстим ва душманимни англади]

\* Ирок идорасига тайинланган амир Алининг нисбаси туркча матнда Чекинан, Шикбан ва Жаҳибон тарзида келган. Улар “Чекинан” тарзида бирхиллаштирилди (*нашр*).

## ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО [ЖАҲОН ФОТИҲИ ТАРИХИ]

Биринчи жилд



Шукур ва ҳамдусано борлиқнинг сабабчиси бўлган Аллоҳгадир. У шундай бир саждагоҳдирки, борлиғи яратилганларнинг ақлига нур беради. У шундай Холиқдирки, махлуқларнинг энг кичик зарраларида ҳам ҳатто Унинг биру борлиғи исботи мавжуд. У шундай бир Етиштирувчидирки, сўзлар ва сифатлар етарли бўлмаса-да, Унинг қилганларига шукур қилиш асл ниятдир. У шундай Сўз берувчидирки, буюклиги туфайли Унинг карамига ишонган ҳам, ишонмаган ҳам неъматларидан ўз улушини олади. У шундай бир Яратувчидирки, яратилганлар Кучининг мукамаллигини кўрсатувчи бир дostonдир. У шундай Буюкки, гўзал овозли булбулнинг хонишлари Унинг бениҳоя битмас-туганмас неъматларини англатади. У шундай Олийҳимматли-дирки, Ўзи яратган бир қатра, озгина буғни баҳор ёмғирига айлантиради. У шундай бир Афв этувчидирки, Унинг эзгулиги илиқ, ёқимли шабадаси ҳар бир нурнинг устида. У шундай бир қаҳруғазаб қилувчики, Унинг дарғазаблик жаллоди мўғулнинг қиличига ўхшайди. У шак-шубҳасиз, шундай Зоҳирки, ақллиларнинг ақлиси ҳам ҳатто унинг буюклиги ва мукамаллиги қаршисида ақли бошидан учиб, талмовсираб қолади. У шундай Ботиндирки, ақл ва ҳис-гуйғулар унинг жалоли, буюклиги ва қудратини ўрганиш борасида етарлича бўлмай қолади. У шундай бир зотки, неъмат водийсида бўлганларнинг ҳам, қўрқув чўлида қолганларнинг ҳам истағи Удир. У шундай бир улуғ зотки, ҳақиқат эшикларининг ҳам, йўлдан озганларнинг ҳам севгилиси Удир.

*Шеър:*

[У яккаю ягонадир ва тснги йўқдир? деб ислом ва куфр Унинг кетидан чопмоқда]

Салом ва сано яратилиш боғчасининг куёши, оламлар кўз корачиғининг нури, пайгамбарлар охиригиси Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га бўлсин. Ундан анкиётган ёқимли, ажойиб ҳидлар, муқаддасликни излаганларнинг димоғига етишади. Унинг малаклар дунёсидан олган ҳаво жаннат боғчаси сокиликларининг устига келади. Унинг олийҳиммат ва покиза руҳи одамларга хайрли дуолар сочиб туради. Ва яна унинг танланган умматларига, суннатига тобе бўлганларга, шайтонга тош отганларга, покизалик ва ростгўйлик нақшлари, хислатлари билан безанган ҳидоят осмонининг юлдузлари бўлган оиласи ва дўстларига саломлар бўлсин.

650 (1252) йилда тақдир кулиб боқди ва бахт-саодат ўзини кўрсатди. Шараф даргоҳининг энг катта мусофири, замину замонга ҳукм қилган жаҳон подшоҳи, хавфсизлик ва жасоратнинг манбаи, барча хонларнинг хони Мангу<sup>222</sup> ҳокон, дин ва давлат душманларининг қаршисида зафар ва забт этиш байроғи уники бўлсин, унинг ҳукмдорлик сояси бутун яратиклар баҳор булутининг йиғлашидан янги етишган дарахтлар ва майса, гиёҳлар севиниб нашьаландилар, шу сабабли қайтадан Аллоҳнинг амирларига бўйин эгдилар ва “Аллоҳнинг раҳмат ёмғири асоратларига боқинг, ерни “ўлгани”дан кейин қандай қилиб уни “тирилтиради?”<sup>223</sup> оятни кўз ўнгига келтирди. Бу оятни ақл кўзи билан синчиклаб ўрганиб шарафландилар ва қулоқларига мана бу сўзларни исирға қилиб тақиб олдилар. *Шеър:*

[Эй ошиқлар, ўша гўзал яна такрор кўринди. Ўз жонингиздан воз кечинг, чунки жонга хузур бағишловчи келди]

Ануширавони одилнинг<sup>224</sup> адолати ҳақидаги хабарлар унутилди. Фаридун<sup>225</sup> ақлли бўлганлиги ҳақидаги гап-сўзлар унинг келиши билан ўртадан кўтарилди. Адолати ва яхши ахлоқининг илиқ шамоли бутун дунёни хушбўй хидларга тўлдирди, порлоқ ва шавкатли куёши бутун инсониятни мунаввар қилди, ўткир қиличнинг оташи душман ҳосилини кул қилди, унга бўйин эккан, кул бўлганлар подшоҳлик чодирини Сурайё юлдузига қурган кучи қаршисида душманлари ўлим шаробини ичдилар. Ақлли, қобил ва кучли таассурот қолдирадиган ҳайбатли қўли исён ва тартибсизликнинг кўзига мил тортганди, ҳайбатининг қаршисида осмон ва юлдузлар лабларига учук тошиб, ўзлари булутлар ортига бекиндилар.

Подшоҳнинг хузурига осонгина йўл топган, унинг сафардаги чарчоқларига ўртоқ бўлган вафодор дўстлари менга унинг гўзал аломатлари, адолатли қарорлари, юксак даражадаги ҳислатларини абадийлаштириш учун султонлар<sup>226</sup> ҳақида гапирилган ажойиб гапларни ортда қолдирадиган, кисролар<sup>227</sup> ҳақидаги ривоятларни унут-

<sup>222</sup> Мангу, монгу, мўнка сўзлари “ўлмайдиган”, “абадий” деган маънони билдиради.

<sup>223</sup> Куръони гарим, Рум сураси, 50-оят (30:50).

<sup>224</sup> Ануширавон ёки Нуширавон “ўлмайдиган, абадий руҳ” маъносини билдирган форсча бу сўз сосонийлар подшоҳи Хусрав I га (531-578) берилган лақаб бўлиб, бу зот форс адабиётида одил, адолатли подшоҳларга намуна сифатида тез-тез кўрсатилиб турилади.

<sup>225</sup> Фаридун Эроннинг афсонавий ҳақрамони. “Шоҳнома”га кўра золим Заҳҳокни ўлдириб, ахоманийлардан аввал Эрон хонадонининг қурувчиси бўлган.

<sup>226</sup> Рим подшоҳларига берилган исм.

<sup>227</sup> Араблар томонидан сосоний (224-651) хонадони подшоҳларига берилган ном.

тириб юборадиган бир асарни қаламга олишим кераклигини маълум қилдилар. Зехни ўткир бўлганлар яхши ёзиш ва суҳбатлашиш, гапириш қобилиятига эга бўлган билимдон ва закий одамлар билдиларки, законинг маҳорати ва аниқ-тиникликка эриша олиши китобатни ривожлантириш орқалигина бўла олади. *Шеър*(арабча):

[Во ажаб, законнинг гўзал ҳамдусаноларга арзишини кўра олармиканман билмайман? Мен ҳам, у ҳам қалбимиздагиларни шикоят этиб ошкор қиламиз. Ҳар иккаламиз ҳам бир-биримизнинг шикоятларимизни биламиз]

Замоннинг ўзгариши, айланувчи фалакнинг таъсири ва ишончсизлиги дунёда ҳеч тугамайдиган тушунмовчиликларни, дарс берилган жойларни вайрон қилди ва дарс берганларнинг илдинини қуритди. Талабаларнинг сабоқ олган синфлари, ёмон ва инсофсиз замоннинг оёқлари остида ер билан бир (яксон) бўлди, илм ва илм излаганлар ёмонлик ва зулмнинг барча турларига мубтало бўлди, кескир қилич қаршисида ё йўқ бўлдилар, ёки тупрокнинг остидан жойларини олдилар. *Шеър:*

[Энди билимдон олимларнинг ҳаммасини тупрокнинг остидан излаш лозим. Чунки барча уламолар (олимлар) тупрокнинг остидан]

Ўтмишда давлатни оёқда тутиб турган нарса билим эди ва у ҳамма томонидан изланиларди. *Шеър:*

[Яшаш гўзал, ёқимли экан, ёшлик сенинг сифатингдир ва замоннинг фалокати сендан юз ўгирган экан, илм ўрган]

Олимлар ва илғор фикрли кишилар дунёдаги гўзалликларни юзага чиқариш учун ғайрат қилдилар, янги одатларни янгидан жонлантириш учун ўзларини бағишладилар. Ақл ва фикрлаш қобилиятига эга бўлганларга маълумдирки, бу дунёда яхши ном қолдириш абадий ҳаётга эришиш демакдир. “Инсоннинг номи ва шуҳрати унинг иккинчи умридир”. *Шеър:*

[Ёш ажали билан дучлашган пайтда уни сўрарсан. Олий даражадаги ҳамдусано бўлмаганда эди, олам яратилмаган бўларди]<sup>228</sup>

Бундан аввал арабу форс шоирлари ва қоғиблариназм ёки наср тарзида ўз даврлари подшоҳлари ҳамулуғлари ҳақида асарлар ёзган эдилар. Ҳозир эса, умуман, ҳамма ва айниқса, Пайгамбар (с.а.в.)нинг “илм бу илдири Маккада ва меваси Хуросонда бўлган бир дарахтдир” деган эзгулик ва гўзаллик диёри, олимларнинг ва хайрли

<sup>228</sup> Мутанаббийнинг шеъри.



ишларнинг манбаи, санъаткорларнинг у ерга чошиб боргани, ақлли ва хунарли кишиларнинг куч олган жойи ҳисобланган Хуросон илмларни юзага чиқарган ва илмни тарқатувчиларнинг борлигидан, санъаткорларнинг гўзал, ажойиб асарларидан маҳрум бўлди. Фақат мана шу ҳукмнинг ишора қилганига мос бўлган одамларгина ўртада кезина бошладилар: “Уларнинг кетидан эса намозни тарк этган ва шахватларга тобе бўлган бир кимса (94) келди”<sup>229</sup>. *Шеър:*

[Ҳимоялари остида яшаган кишилар кетдилар. Мен ҳам бемаза, ярамас одамлар орасида қолдим]<sup>230</sup>

Отам соҳибдевон Баҳоуддин Муҳаммад б. Муҳаммад ал-Жувайнийнинг бу мавзуда бошланиши мана бу икки байт бўлган бир қасидаси бор. *Шеър:*

[Менга ачин, Ҳақ ва тўғрилиқнинг излари ўчириб ташланди. Эзгуликлар илдизи ҳам жар ёқасида турибди. Бизнинг тақдиримиз эса ҳал килинди. Улар қоронғулик ва ёмонлик тақдиридир]

Буқунги кунимиздаги одамлар ёлғон-яшиқ ва иккиюзламачиликни ўрганишни зарур нарсалар деб ҳисоблайдилар, ёмонлик ва хийлани буюклик ва ақллилик деб биладилар. *Шеър:*

[Бир қанча кишилар уни тижорат учун деб ҳисоблайдилар. Диним ва мақомим эса менинг бундай фикрлашимга тўсқинлик қилади]<sup>231</sup>

Уйғур тили ва ёзуви илму хунар ҳисобланган, безори амир, риёкор вазир, ёзишни билмаган котиб, фирибгар солиқ ундирувчи, асли зоти бузук бўлган шайтон девон ноиби, қўлидан ҳеч қандай иш келмаган киши бошқарувчи, талаба муаллим, кўча дайдисси эса ваколатли, бошига салла ўраган олим, туя боқувчи эса туялар сурувининг эгаси, юк ташувчи эса борлиқ ичида сузувчи бўлган замон эди. *Шеър:*

[Наслу насаби ўтмишга бориб тақаладиган қавмлар билан майса каби ердан кўқарган, яшил ҳолга келган қавмлар бир бўлмайди]<sup>232</sup>

*Шеър:*

[Хур, озод кишилар кул бўлиб азоб-уқубат ва кайғудан инграй бошладилар. Билимсизлар белини ёстикқа суяган кунни билимли кишиларнинг беллари синди]

<sup>229</sup> Куръони карим, 19:59.

<sup>230</sup> Лабид б. Робия ал-Амирий шеъри.

<sup>231</sup> Бонс б. Хураис шеъри.

<sup>232</sup> Амр б. Хузайл ал-Абдий шеъри.

*Шеър:*

[Бу замонни кўп ҳамдусанолар айтиш учун нақадар истагандилар. Лекин замон бизни ёмонотлиқ қилиши бизни бу ишдан со-вутди]<sup>233</sup>

Еган шапалоқларидан “Ана ўшалар қалблари, кулоқлари ва кўзларини Аллоҳ муҳрлаб қўйган кишилардир”<sup>234</sup> деган ҳукмнинг кераклигини биладилар. Бир-бирларига қуфр қилиб, ахлоқсиз, имонсизлик қилишларни ва ёмон сўзлар сўзлашни эзгулик деб ҳисоблайдилар. Эзгулик ва олийҳимматлилик етишмаган, кам бўлган бундай бир замонда ёмонлик ва жоҳиллик бозори энг танланган кишиларни ҳам ҳатто ўзига жалб этган ва хоинликнинг ҳамма турлари тўсатдан ҳужум қилиш учун яшириниб ётибди. Олимлар хайрли ишлар билан машғул бўлиш ўрнига кун кечириш қайғусига тушиб қолдилар, жоҳиллар неъматлар ичида сузмоқдалар. Хур кишилар озиқсиз, йигитлар сургунда, зотли аслзодалар эришганларини қўлидан олдирган, ҳисоблилар ўз ҳисобларидан адашган, ақллилар фалокат ҳудудига тушиб қолган, тадқиқотчилар ўз мавзуларининг асири бўлиб қолган, билимдонлар жоҳилнинг хизматига кирган, етук барқамол кишилар разиллик касалига дучор бўлган, мақом соҳиблари ғафлатда қолиб, залолат йўлига кириб кетган, яшини ёмондан фарқлай оладиган кишилар бир виждонсиз, разилнинг қўлига асир бўлиб тушган эди. *Шеър:*

[Кўрдимки, замон асли яхши бўлмаган наслсизларни юксалтириб, шарафли кишиларни эса пастга урмоқда. Денгизнинг дуру марваридларини чўқтириб, ўлган ҳайвонларнинг жасадларини сув юзига чиқариб ташлаганидек, тарози оғир нарсаларни пастга босиб, энгил нарсаларни юқорига кўтаргани кабидир]

Юксакликларга тирмашиш учун ва юксалиш учун ақл ва билим эгалари қандай меҳнат қилиб тиришганликларини ўрганиш керак. “Инсонлар бу даврда ўзларидан кўра кўпроқ оталарига ўхшайдилар” деган ҳукмга мос тарзда девон хизматига кирдим. Девон ишларининг тиғиз, кенг кўламли бўлганлиги сабабли илм олишга эътибор қилмадим. Аллоҳ умрини узун қилсин, ҳар бир танбалнинг қулоғи исирға ва ҳар бир ақлнинг раҳбари бўлиши керак бўлган отамнинг мана шу сўзларига амал қилдим. *Шеър:*

<sup>233</sup> Абул Аъло ал-Мааррий бир қасидасидан.

<sup>234</sup> Куръони карим, 16:108.

[Эй ўғилгинам, илми кўлга киритиш учун меҳнат қилгинки, ўзинг орзу қилган меваларни тўплай оласан. Шахмат тахтаси устидаги пиёдани кўрмайсанми? Қаттиқ аҳд қилиб, катъият билан илгариллаган, олдинга интилган пайтда вазирнинг ўрнини эгаллайди. Ота-боболаримиз бизлар учун шараф биноларини курганлар. Агар ғайрат қилиб, уларни янада юксалтирмасак, Аллоҳга иймон келтираманки, улар йиқилажақлар]

*Шеър:*

[Яхшилик истаганлар насиҳат қиладилар. Фақат бахти очик бўлганлар насиҳатни тинглаганлардир]

Ёшлиқда қилинган ҳаракатларнинг олдига чиққан ақл энди ўзини кўрсата бошлади. Ёшлиқ сабаб бўлган қаттиқ ҳаяжонларга тўсиқ бўлган ёш чизиги юксала бошлади ва у шундай даражага бордики, *шеър:*

[Ёшим еттидан йигирмага яқинлашди. Энди ақлим барча қаттиқ ҳаяжон ва ақлсизлик, руҳий тартибсизликларни тарк этди]

Ўтиб кетган йилларга нисбатан соғинч ҳиссини кечирмагандек, илм оладиган йилларимнинг бой берилганлигига пушаймонлик ҳис қиламан. *Шеър:*

[Афсус-надоматлар бўлсинки, умр ўтиб кетди. Энг қийматли, кадрли умрдан ўттиз йил ўтди-кетди. Шу онда бахтиёрмисан? Агар бахтиёр бўлсанг, юз пиёла шароб ич. Чунки бу кунлар асал ойидек тез ўтиб кетаркан]

Мовароуннаҳр, Туркистон, Мочин<sup>235</sup> Чингизхон ва унинг ўғиллари томонидан забт этилган жойларнинг ҳаммаси китобимга мавзу бўлди. Ҳикоя қилган баъзи воқеаларни ўз кўзим билан кўрдим, баъзиларини ишончли кишилардан тингладим. Бир қисмини эса тўғри эканлигига катъий кўз билан қаралган тарихий манбалардан олдим. Вафодор ва узоқни кўра оладиган дўстларим оёқ тираб туриб олганликлари туфайли бу китобни ёзишни рад қилишнинг имкони бўлмади. Ҳақиқий, асл хабарларга таянган ҳолда қаламга олинган бу асар “Тарихи Жаҳонгушои Жувайний” деб номланди. *Шеър:*

[Ўлка бўшаб қолди. Ҳеч кимга тобе бўлмасдан зиёлилардан бирменгина ёлғиз қолдим. Зиёлиликнинг фақат менгагина қолиши бахтсизликдир]

Илм ва фазилат илдилари фақат олимлар ва фозилларнинг ёрдамлари билангина яшнаб бақувват бўлади. Олиму фозиллар аса-

<sup>235</sup> Мочин – Манзи деб танилган Жанубий Хитой ўлкасига берилган ном.

римизда кўрадиган сўз ва англатиш қусурларини ўзларининг буюқликлари шаънига мос тарзда кўрмаганликка олсинлар. Чунки бегона юртларга қадам қўйганимга, илм ўрганишдан узоқ қолганимга, китобларимнинг устига ўргимчак уя солганига ва илмнинг излари ҳофизамдан ўчиб кетганига ўн йил бўлди. “Сувнинг устига ёзилган ёзув” каби ҳамма нарса хотирамдан ўчиб кетди. Танқидчилар, тақризчилар ҳар бир одамнинг қилиши мумкин бўлган қусурлар, камчиликлар ва хатоларига жиддий эътибор қилмасинлар ва “Ҳар қандай яхши отнинг чанги чиқади” деган гапни кўз ўнгида тутсинлар.

Агар ортиқчалик ва чалалик доирасига кирилган бўлса, у ҳолда “Улар фойдасиз бир нарсага дуч келиб қолсалар, ўша пайтдаёқ юз ўгириб виқор билан ўтиб кетадилар”<sup>236</sup> оятини ўйласинлар. Чунки бу ҳикояларни тасвирлаб беришдан мақсад воқеалар ички томонларининг ёзилиб тушунтирилишидан бошқа дин ва дунё ишларига фойдали бўлишлигидир. Инсофли ва тушунчали бир киши мавзуларга хато излаган ҳасад кўзи билан қарамаса, ёмонни яхши, дағал товарга ипак деб қарайди ва тоқатли кўзини очик тутди. *Шеър:*

[Розилик кўзи ҳеч бир қусурни кўрмайди. Аммо қаҳр-ғазаб кўзи барча ёмонликларини фош қилади]

Ҳеч шубҳасизки, хоҳ диний, хоҳ дунё ишлари нуқтаи назаридан фикрлаштарзининг энг тўғри, мақбул бўлгани ошириб юбормасликдир. “Ишларнинг энг хайрлиси ўртачасидир”. *Шеър* (арабча):

[Мен севгига берилиб алданиб қолиб, ёмонликлардан қутилишга розидурман]

Бу асарда юқорида санаб ўтган тамойилларимизбизга раҳбар ва ўлчов бўлди. Ҳикоя қилганларимиз ҳақидаги шубҳа пардаси кўтарилди, ҳамма нарса инсон заковати ва англаш кучининг ета олиши шаклида тасвирланди. Бу оламда хайрдан, ёмонликдан, фойдадан, зарардан туғилган ҳамма нарса ҳур фикрли ва илмли инсонларнинг тақдир ва қарашларининг маҳсулидир. Ҳар нарсада бир ҳикмат бор. Давлатларнинг қулаши, мамлакатларнинг бир-биридан ажралиши ва ёмонликларнинг тез-тез бошга тушиб туриши каби нарсаларда ҳам бир ҳикмат бор. Улуғ Аллоҳ “Балким, сизлар ёқтирмаган нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши бўлиб чиқар”<sup>237</sup> деб буюрган. Ҳақим Саной<sup>238</sup> эса шундай дейди, *шеър:*

<sup>236</sup> Қуръони карим, 25:72.

<sup>237</sup> Қуръони карим, 2:216.

<sup>238</sup> XII асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва Мавлонони ҳам таъсирлантирган Эроннинг энг буюқ мутасаввиф шоирларидан ҳисобланади.

[Хоҳ севиш, хоҳ қўрқ. Бу дунёда қилинган ёки қилинмоқчи бўлган, бор бўлган ёки бор бўлажак нарсаларнинг ҳеч бирини Аллоҳ бекорга яратмаган]

Бадиуззамон Ҳамадонийнинг<sup>239</sup> бу мавзуда бир ўғитлари бор: “Аллоҳдан мадад сўрангиз ва сабрли бўлингиз; ер У хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берилур”<sup>240</sup>. Сир ҳисобланган нарсаларни билишга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Қайси бир ғаввос сирлар умонида ғаввослик қила оларди, қайси инсон ўша уфқда қанот қоқа олади, қайси ақлуидрок сирлар водийсини кечиш ўта олади? Мен қайдаману мамлакат сирдан сўз айтиш қайда? Ғойибни Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса билмайди”. *Шеър:*

[Сенинг руҳинг бу сирдан хабардор эмас, бу парданинг нариги томонига сен учун йўл йўқ]

Фақат ақл ва нақл билан эришиладиган, англаш ва идрок қилишдан узоқ бўлмаган нарсаларни иккига ажрата оламиз. Улардан биринчиси, Пайғамбар мўъжизаси ва иккинчиси эса сўздир. Мўъжиза сўздан кўринади, янада соғломрок фикрни эшитинг: “Ер юзи кўзларимнинг олдида ёйилди, ястанди, ғарбу шарқ томонлар менга кўрсатилди. Умматимнинг ҳукмронлиги менга кўрсатилган жойга қадар етишажак”. Бу гапларга кўра, бегона бир кўшиннинг Мусулмонлар устидан ғолиб бўла олмаслиги маълумдир. Сувдан намлик, оловдан иссиқлик чиқишига ажабланилмаганидек, куёш нурлари осмонни қоплаши ҳам таажжублантирадиган ҳол эмасдир. Нур қоронғулик воситасида порлайди ва зулмат туфайли янада гўзал, ёқимли бўлса-да, такбир ва азон овозлари қулоқларига завқ бермаган, тупроқларига Лут ва Уззонинг кир оёқларидан бошқа оёқ тегмаган ўлкалардаислом байроғини янада ҳилпираши учун, дин шамчироғининг янада кўпроқ ёниши учун ёлғиз Аллоҳга ишонган мўъминлар, кофирлар яшаётган мамлакатларига йўл олдилар, калъалар ва тепаликлардан ўтиб, Узоқ Шарқнинг энг олис бурчаклари қадар бориб ўша ерларда ватан тутдилар. Ҳунармандчилик, тижорат ва чорвачилик билан машғул бўлган гуруҳ Хуросон ва Мовароуннаҳрдан чиқиб, Ғарбга, аввал Ироқ ва Сурияга, у ердан эса Мағрибнинг энг чекка нуқталаригача кетдилар, борган ҳамма жойларида севги ва шуҳрат қозондилар, ўрнашган жойдаги маҳаллий одамлар билан оила қурдилар, қаср ва кўшклар рўпарасига уйлар, бутхоналарнинг қаршисига эса ислом масжиду мадрасала-

<sup>239</sup> Мақома жанрининг ижодкори ҳисобланган машҳур араб шоири (ваф. 1007).

<sup>240</sup> Қуръони карим, 7:128.

рини бино қилдилар. Бу ерларда олимлар илм ўргатиш билан, талабалар эса илм олиш билан машғул бўлдилар. Гўёки “Илм Чин (Хитой)да бўлса ҳам уни изла” деган гап улар учун айтилган эди. Баъзи мушриклар мусулмонлар воситасида ҳидоятга эришдилар ва ислом билан шарафландилар. Ҳидоят нурининг порлоқлиги “Бас, улар (баъзи диллар) тош кабидир, балки ундан ҳам қаттиқроқдир”<sup>241</sup> оятида айтилганига уйғун бўлган уларнинг тош қалбларига ҳам таъсир қилган, куёш нурларининг тошда юзага келтирган ўзгаришларини ўртага чиқарган жавҳарлар каби диннинг таъсири ҳам улардаги гўзалликларни намоён қилди. Иймон аҳлининг хайр ва баракоти соясида ҳамма томонга яхшилик ёйилди, қоронғуликлар орасида нур кўрина бошлаган эди. Мусулмонларнинг ўша ерларга жойлашишлари билан у ерда эшитилган такбир овозлари туфайли авваллари “Шайтонлар ўз дўстлари (мушриклар)ни сизлар билан баҳслашишлари учун васваса қилурлар”<sup>242</sup> ҳукмига мос тарзда шайтонлар билан суҳбат қурган бутпарастлар энди улар билан бўлган муносабатларини тўхтатдилар ва уларга нисбатан кин, адоваг ҳис қила бошладилар. “Аллоҳ уларнинг оғизларини муҳрлади” ҳукми одамларга нисбатан айтилганди ва “Ҳақиқат (яъни Ислом) келди ва ботил (куфр) йўқолди”<sup>243</sup> ояти-ла айтилганлар жорий бўлди.

Ҳақ муҳаббат нурлари кўринган ҳар жойда, куёшнинг юксалиши билан ғойиб бўлган ерга жуда яқин келган булут каби куфр ва ёмонлик қоронғилиги ҳам ғойиб бўлиб кетади. *Шеър:*

[Ҳақнинг севги сочган тонги келган пайтдаёқ шайтон уфқдан ҳайдалади. Ўша онда инсон ҳамма вақт заҳмат чекмасдан дўстининг юзини кўра оладиган бир жойга етиша олади]

Аллоҳ ва дин йўлида жанг қилганларнинг бир қисми пайғамбарлик мартабасидан сўнгра Аллоҳга энг яқин бўлган шахидлик даражасига эриша олганлар, оғир айб ва гуноҳ иш қилганлар ҳам “Қилич гуноҳларни йўқ қилади” гапининг керакли юқларидан халос бўлганлар. “Аллоҳ йўлида ўлганларни асло ўликлар деб ҳисобламанг. Аслида, улар тирик”<sup>244</sup>. *Шеър:*

[Мен сен тўккан қон билан фахрланаман, қалбим сенга ҳамдусанолар айтади]

<sup>241</sup> Қуръони карим, 2:74.

<sup>242</sup> Қуръони карим, 6:121.

<sup>243</sup> Қуръони карим, 17:81.

<sup>244</sup> Қуръони карим, 3:169.

Кофирлар бошқа орқада қолганларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, булар эса тўғри йўлни танладилар. Ҳар бир одамнинг ўз манфаати учун тақдир ёрдам берган мўғул қўшинининг исботи бўлган ҳодисаларҳақида айтилган ёлғон-яшиқ гапларга кулоқ омаслиги лозим. Чунки мўғул қўшинининг маҳобати ҳеч бир яралмишни шубҳага туширмайдиган даражада очикдир. *Шеър:*

[Бу сўз қиёматга қалар давлат буюклари томонидан унутилиб, қадрини йўқотмасин]

Ҳамманинг юкоридаги байтни эслаб туриши ва Аллоҳнинг буйруғи бўлган “ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз”<sup>245</sup> сўзларини ўзига раҳбар қилиб олиши керак.

Мўғул қонуни ва ахлоқ одатларига кўра, уларнинг ҳукми остига кирган ҳар бир одам ғазабларидан хавфсиз ҳолатда бўлиб, ўз жонларини қутқарадилар. Мўғуллар динга тажовуз қилмайдилар. Хужум қилиши нимаси, аксинча, диннинг кучайиши учун жидду жаҳд қиладилар. Бунинг далили Пайғамбарнинг “Аллоҳ бу динни мана шу динда улуши бўлмаган кишилар билан кучайтиражакдир” деган сўзларидир. Мўғуллар ҳар миллатнинг олимлари, ҳунармандлари, деҳқонлари ва чўпонларини урушдан имтиёзли ва хавфсиз ҳолда сақлайдилар. Ҳануз Чингизхон наслидан бўлган Мангу хоқон замонида дин давлат зийнати бўлган ва унинг идораси остидагиларнинг ҳаммаси дин шарафидан насибаларини олмоқдалар. Ақл эгалари “Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, сиз ҳам мойил бўлинг”<sup>246</sup> шаклидаги Аллоҳнинг гапларига мос тарзда мўғулларнинг амрига бўйин эгиб, уларга итоат қиладилар. Шарият соҳибларининг “Турклар сўзидан воз кечсалар, сиз ҳам улардай воз кечинг, чунки улар жуда кучлидирлар” деб айтган сўзларининг кераклигини ўз ўрнига келтириб, ўз сўзларида қатъий туришдан воз кечадилар, жонларини ва молларини хавфсиз ҳолда сақлайдилар. Чунки Аллоҳ “ўзи хоҳлаган кишиларнигина тўғри йўлга йўллагай”<sup>247</sup>.

Ҳамма даврларда ҳам бандалар ноз-неъматлар ичида фарқ бўлгач, мол-дунё ва роҳат-фароғат ичида яшаб, кибри бўлиб қолади, бундай ҳол Аллоҳ йўлида илгарилашга монелик қилган, исёнларга ва катта зарарларга сабабчи бўлган. Чунки “Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. Бунга сабаб ўзини бой-беҳожат санашидир”<sup>248</sup>.

<sup>245</sup> Қуръони карим, 2:195.

<sup>246</sup> Қуръони карим, 8:61.

<sup>247</sup> Қуръони карим, 2:213.

<sup>248</sup> Қуръони карим, 96:6,7

Ҳар бир қавмни уйғотиб, эътиборли қилиш учун Аллоҳ томонидан уларга берилган жазо уларнинг осийлиги ва иймонсизлиги даражасида бўлган эди. Одамларнинг кадр-қиммаги ҳам гуноҳлари оз ёки кўплигига боғлиқ бўлади. Нуҳ замонида сув тўфони рўй берди, Самуд замонида ҳам Од халқи Аллоҳнинг ғазабига учради. Ҳар бир миллатнинг ўзлари қилган гуноҳлари даражасидаги азобга дучор бўлганликлари тарихий китобларда ёзилган. Хожалик навбати пайғамбарларнинг охиргисига келгач, у Аллоҳдан, аввалги қавмлар учраган фалокатлардан ўз умматини сақлашини тилайди, бу истак Аллоҳнинг даргоҳида қабул бўлган, лекин қилич азобининг йўқ қилиниши истаги қабул бўлмаган эди. Ҳамма нарсани яхши билгувчи Улуғ Аллоҳ “Анъом” сурасида мана бундай деб буюради: “Айтинг: “У сизларга тепангиздан ёхуд оёқларингиз остидан азоб юборишга ёхуд сизларни (турли) фиркаларга айлантириб, баъзингизга баъзилар зарарини тотдиришга (ҳам) қудрати етадиган зотдир”<sup>249</sup>. Расул (с.а.в.)дан мана бу хабарни нақл қиладилар: “Аллоҳдан на юкоридан ва на-да пастдан азоб юбормаслигини истадим, лекин рад қилди. Жаброил менга умматларимнинг қиличдан ҳалок бўлишини билдирди.” Агар қилич таҳдиди давомли тарзда одамнинг бошини банд қилганида эди, у ҳолда инсонлар ҳеч бир ишни қилмасдан ўлим кунини кутар ва дунё ишлари юрмай қоларди. “Султоннинг ясоқ қилган” нарсаларига бўйсунмаган халқ уларга хужум қилади, танланган кишилар изтироб ва балога қоладилар ва “яна биз темирни туширдик. Унда қувват ва одамлар учун манфаат бордир”<sup>250</sup> гапидаги ҳикматни билмайдилар. Қилич бўлмаса “Китоб ва ўлчовни туширдик”<sup>251</sup> ҳукмининг зарурлиги очик-ойдин аён бўлган адолат ва инсоф эшиклари ёпик қоларди ва халқнинг тартиби, тинч жамият ҳаёти бир зумда бузиларди.

600-(1203) йиллар келгач, мол-мулкнинг кўплиги одамларнинг исёнига ва итоатсизлигига сабабчи бўлди. “Албатта, Аллоҳ бирор-та қавм ўзларидаги неъматларга муносабатини ўзгартирмагунча, улардаги ҳолатни (ёмон ҳолатга) ўзгартирмас”<sup>252</sup> оятининг ҳукми аён бўлди. Яна бу мавзуда Раббимизнинг “юртларнинг халқи ислоҳ қилинаркан, ҳақсиз тарзда уларни йўқ қилишмайди, ўша ер

<sup>249</sup> Қуръони карим, 6:65.

<sup>250</sup> Қуръони карим, 57:25.

<sup>251</sup> Қуръони карим, 57:25.

<sup>252</sup> Қуръони карим, 13:11.



халқини саломатликка эриштиради” мазмунида бир оят бор. Шайтоннинг васвасаси уларни тўғри йўлдан чиқарди. *Шеър:*

[Куфр келди, шайтоннинг васвасаси динни олиб кетди. Ошиқ келди, севгилисиз ишваси, нозу карашмасини олиб кетди. Эй охи-рини ўйламаган киши, инсофга кел. Бу умр яхши, лекин сен уни бекорга сарфлашинг мумкин]

“Роббингиз раҳм қилган кишилар бундан мустаснодирлар”<sup>253</sup>.  
*Шеър:*

[Шундай бир хато, қабоҳат, жиноят эдики, уни бу жамоатнинг ақлсиз кишилари қилдилар, жазосини эса бошқалар тортдилар]

*Шеър:*

[Замонадан беҳудага шикоят қилиш нечун? Бизга нимаики ёмонлик келса ўзимиздан келадир]

Улуғ Аллоҳ баъзи қавмларни жазолашининг сабаби уларни ғафлат уйқусидан уйғотишдир. “Инсонлар ухлаган ҳолатдалар, ўлган пайтда эса уйғонурлар”, мақсад – инсонларни жаҳолат сархушлигидан ҳушига келтириш, келажак авлодларни уйғотишдир. Мана шу ергача сўзбошида айтганларимизнинг ўзиёқ одамларга тўғри йўлни кўрсатишдир. Бир табиб ўз хастасига аччиқ дориларни юттириб, уни аввалги соғлом ҳолатига қандай қайтармоқчи бўлса, подшоҳ ҳам низоми бузилган бир жамоатниқайтадан тартибини, осойишта ҳаётини таъминламоқ учун аччиқ тадбирларга мурожаат қилади. “Шубҳасиз, Аллоҳ энг яхши билгувчи ва кўргувчидир”<sup>254</sup>.

## II. ЧИНГИЗХОН МАЙДОНГА ЧИҚИШИДАН АВАЛГИ МЎҒУЛЛАР АҲВОЛИ

Айрим кишиларнинг бошига бахт куши қўнса, баъзиларининг ёқасига ёмон тақдир ёпишади. Булар инсон сифатида бир хил бўлсалар ҳам эга бўлган неъматлари жиҳатидан фарқлидирлар. Уларнинг биринчи гуруҳида бўлганлари давлатнинг юксак чўққисидан, наригилари эса моддий ва маънавий қашшоқликнинг энг куйи нуқтасида турадилар. Бахтли кишининг ўз мақсадига эришишига ўша

<sup>253</sup> Қуръони карим, 11:117.

<sup>254</sup> Қуръони карим, 38:24 (Бу ва бундан кейинги бир неча сура ва оятларнинг рақамлари туркча матнда хато кўрсатилган, улар ўзбекча нашрлардаги асосида қайта рақамланди – таҳр.).

пайтдаги мавжуд шароитнинг ёмонлиги ва имкониятлари оз эканлиги тўсик бўла олмайди. *Шеър:*

[Бахтли бир киши бахтни изламаса ҳам бахт уни излаб топади]

Бахтсиз кишига имкониятлари ва кучининг кўп бўлиши ҳеч бир фойда бермайди. “Инсоннинг чора тадбирлари тақдирга қаршилиқ кўрсата олмайди”. “Албатта, Аллоҳ осмонлар ва Ерни завола топишларидан сақлаб турар. Агар завола юз тутсалар, У зотдан ўзга ҳеч ким уларни сақлаёлмас”<sup>255</sup>. Агар бирор ишда ғалаба қозониш учун фақат мол-мулк, куч-қувват кифоя қилганида эди, у ҳолда давлатлари фойда берган бўларди. Бунга мисол сифатида мўғуллар аҳволини кўрсата оламиз. Уларнинг аҳволи Чингизхон майдонга чиқишидан аввал қандай эди-ю, ҳозир қандай? У ҳокимият тепасига келгандан кейин бахт ирмоқлари нега уларнинг денгизига оқа бошлади? Унинг қаршисида турган дунёнинг энг буюк давлатлари ҳам қай тарзда ер билан яксон бўлди? Замон қандай қилиб мўғуллар кўлида ўйинчок бўлди? Уларнинг даврида дунё асирни амир, амирни эса асир қилди. “Бу Аллоҳга осондир”<sup>256</sup>. *Шеър:*

[Бир қулнинг бошига қўнган тож уни юксалтирар ва гўзал қилиб безайди. Ўша тож озод бир кишининг бошида унинг мақомини туширган бир жисм бўлур]

Тоторлар<sup>257</sup> яшаган, туғилиб ўсган жойлари деҳқончиликка ярамайдиған ерлар ҳисобланади. Улар мамлакатининг узунлиги ва эни етти-саккиз ойлик йўлдан кўпроқдир. Шарқ томонида Шимолий Чин<sup>258</sup>, ғарб томонида Уйғур, шимолида Қирғиз ва Селенгай, жанубида эса Тангут<sup>259</sup> ва Тибет бор. Чингизхонмайдонга чиқишидан аввал тоторларнинг маълум бир раиси ёки бошқарувчиси йўқ эди. Улар мухталиф, турлича қабилаларга ажралган эдилар ва бу қабилалар доимо ўз ораларида уруш қилиб турадиған ҳолатда эдилар. Улар зулм, зўравонлик, ўғирлик, ёмонликни ва хийлани мардлик деб ҳисоблардилар. Хитой хонига тобё эдилар ва унга хирож, солиқ гўлардилар. Кийимлари ит, қаламуш ва турли хил ҳайвонларнинг гериларидан, емишлари эса ит, қаламуш ва бошқа ҳайвонлар-

<sup>255</sup> Қуръони карим, 35:41.

<sup>256</sup> Қуръони карим, 4:34, 167 ва 33:19, 20.

<sup>257</sup> Тотор – эронликлар томонидан, умуман, мўғулларга ва хусусан, Мўғулистоннинг шимолий-шарқида яшовчи бир қавмга берилган ном.

<sup>258</sup> Шимолий Чин – Шимолий Хитой.

<sup>259</sup> Тангут – Хитой (Чин)нинг шимолий-ғарбида ҳукумат қурган Тибет аслии бир миллатдир. Улар ҳукуматининг Чингизхон томонидан йиқитилиши хақида қаранг: R.Grousset, le Conquerant du Monde. Б.233-236.

нинг гўшглари эди. Ичадиган ичимликлари эса ҳайвон сути, ейдиган ягона меваси эса ёввойи писта эди, холос. Жуда қаттиқ совук бўлганлиги сабабли у ерларда ёввойи пистадан бошқа мевали дарахт йўқ эди. Бу дарахт ҳам фақат баъзи тоғлардагина мавжуд эди. Уларнинг энг катта бошқарувчисини бошқа одамлардан ажратиб турадиган ягона хусусият фақат отининг узангиси темирдан эканлигидир. Нақш ва зебузийнат деган нарсаларни билмасдилар. Улар йўқчилик ва қашшокликда яшардилар.

Чингизхон давлатининг байроғи юксалгач, тоторлар торликдан кенгликка, зиндондан гул боғларига, фақирлик чўлидан бахтлилик кўшикка, азобдан жаннатга етишдилар. Ипак ва атласдан кийим кийдилар. “Бошни оғритмайдиган ва айлантормайдиган оппоқ бир майдан тўлдирилган қадахлар, хуш кўрадиган мевалару орзу қиладиган куш гўшглари билан машғул бўлдилар”<sup>260</sup>. Шу сабабли “дунё – бу қавмнинг жаннати бўлди”<sup>261</sup> деб айтилган гап тўғри эканлиги тасдиқланди. Ғарбнинг энг чеккасидан ташиб келинган моллар уларнинг ёнига келтириллар, шарқнинг энг узоқ бурчакларида боғланган юклар уларнинг уйларида счиларди. Кундалик киядиган либосларига ҳатто кумуш ва олтиндан ишлов берилган эди. Бозорларда ва савдо расталарида жавохир ва газламалар шу даражада арзонлашдики, уларни агар ишлаб чиқарилган жойларига кайтариб юборсалар икки баравардан кўпига сотардилар. Тотор (мўғул)ларга ҳада сифатида газлама келтирган киши худди Кирмон зира уммонига сув олиб боргандек бўларди гўё. Чингизхоннинг халққа ер бўлиб бериб, деҳқончиликни тарғиб қилиши туфайли озик-овқат махсулотлари кўпайди, ичимликлари Жайхун ирмоғи каби оқа бошлади. Давлатининг кенгайгани ва борган сари қудратининг ортиши соясида мўғуллар торлик ва қашшокликдан юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, мўл-кўлчилик ва роҳат-фароғатга эришдилар. Унинг идораси остида бўлган бошқа қавмлар ишлари худди шундай шаклда изга тушди. Қўлларида мавжуд бўлган бўз матодан ҳатто кўрпа-тўшак тайёрлашни билмайдиганлар эндиликда олтин ва кумуш халталари ҳисобини қила бошладилар.

Юксак Аллоҳ Чингизхон авлодлари ва тадбирли подшоҳ бўлган Мангу хоқоннинг шон-шуҳратини орттирсин. Мангу хоқонга бахт-

<sup>260</sup> Қуръони карим, 70:12.

<sup>261</sup> Қуръони карим, 83:5, 6.

\* Чингизхон ва ўғилларининг сарқотиби бўлган муаллиф ўз вазифасига кўра мўғулларни шундай шарафлашга мажбур эди – тахр.

лилик ичида яшайдиган ҳаёт берсин ва ўзига тобё барча махлуқотларга шафқат қилсин.

### III. ЧИНГИЗХОННИНГ ДАВЛАТ ТЕПАСИГА КЕЛГАНИДАН КЕЙИН ЧИҚАРГАН ҚОНУНЛАРИ

Улуғ Аллоҳ Чингизхонни ақл ва зако жиҳатидан ўз тенгдошлари, мамлакатни бошқарув жиҳатидан бошқа подшоҳлардан устун қилиб яратди. Шунинг учун у хусравлар ҳақида айтилганлар, фиръавн ва бошқа султонларнинг бошқариш услубларини тарих китобларида ўқимасдан, ўз ақл ва тажрибаларига таянган ҳолда раҳбарликнинг энг ажойиб намунасини кўрсата олди. Забт этишларда душманни қандай енгишни, дўстларга қандай муомала қилишни бошқаларга ўргатди. Агар Искандар ўшандек қобилиятга эга бўлишига қарамасдан Чингизхоннинг даврида яшаганида эди, у ўзининг қилган ишларидан Искандарга сабоқ берарди, калъаларни қандай босиб олишни фақат ундан ўрганган бўларди. Бунинг энг ёрқин далили эса унинг ҳар бири замона фағфури<sup>262</sup> ва давр Хусрави<sup>263</sup> ҳисобланган нуфузли душманларидан кам сонли аскарлари ва қурол-яроғлари билан устун келиб, Шарқда ва Ғарбда ўзига қарши чиққанларни янчиб ўтиши ҳисобланади. Унинг ўзи чиқарган ва ҳамманинг бўйсунганини шарт қилиб қўйган қонунларига кўра, ўзига бўйин эгмасдан қарши чиққанларни болалари, аскарлари, қабилалари ва шаҳарлари билан биргаликда йўқ қилди. Қудсий ҳадисда Аллоҳ “Улар менинг отлиқларимдир, менга исён қилганлардан улар орқали интиқом оламан” сўзлари Чингизхон ва отлиқлари ҳақида айтилганга шубҳа қилмаса бўлади.

Чингизхон давригача дунёда турлича давлат ва қавмлар мавжуд эди, улардаги манманлик, кибрва ҳаддан ошишнинг юқори нуқтасига борганлигига қарши Улуғ Аллоҳ ўзининг эски ваъдасини бажариб, Чингизхонга куч-қувват бериб, уни султонлик мақомига кўтарди. Туркистондан Суриягача ўз куч-қувватига ишониб, унга қарши чиқишга уринган нечта подшоҳ ва амирлар бор бўлса, улар-

<sup>262</sup> *Фағфур* – форсча сўз бўлиб, “Тангрининг угли” маъносини билдиради ва Хитой подшоҳлари учун ишлатилади.

<sup>263</sup> *Хусрав* – араблар томонидан сосонийлар сулоласидаги (224-651) форс ҳукмдорларига берилган фахрий унвон.

ни болачари ва аскарлари билан биргаликда йўқ қилиб, юз минг аҳолини шаҳарларда ҳатто юзта киши қолдирмади. Бу гапларимни ҳозирги пайтда исми бору, лекин жисми мавжуд бўлмаган шаҳарлар тўғри деб исботламоқда.

Чингизхон ўз фикрига кўра, ҳар бир ишга бир қоида, ҳар айбга бир жазо белгилаган эди. У тотор қавмлари ёзуви бўлмаганлиги сабабли мўғулларга уйғур ёзувини ўрганишни буюрди. Истагига кўра белгиланган қонунлар ёзуви ўтказилди. Ичида қонунлар ёзилган қоғоз ўрамларининг ҳаммасини *Буюк Ясо (қонун)лар* деб атардилар ва хон бўла оладиган шахзодалар хазиналарида улардан биттаси мавжуд бўларди. Хон сайламоқчи, қўшин ташкил қилмоқчи ва сафарга чиқмоқчи бўлганларида ёки жанг қилганларида ва ё бошқа муҳим мавзуларда шу қонунларга қараб, уларга мос тарзда қарорлар қабул қилардилар.

Чингизхон ҳали ишга киришган илк йилларида ўзига боғлиқ бўлган мўғул қабилаларининг ёмон ва чиркин одатларини тақиқлади. Улар ўрнига ақлга ва мантиққа тўғри келадиган одатларни келтирди. Чингизхон бир нарсани қабул қилдириш учун кучли подшоҳларни кўрқитиш ва таҳдид қилиш усулини қўлламади. Бирор кишини йўлга солиш учун ёзган шафқатсиз ёзуви “Нима бўлишини биз билмаймиз, Улуғ Тангри билади” шаклида эди. Агар диққат қилинса, бу Аллоҳга итоат қилувчи одамлар томонидангина айтилиши мумкин бўлган гапдир. Масалан, Улуғ Аллоҳ шундай буюради: “Аллоҳга таваккал қилганга У етарлидир”<sup>264</sup>. Бу иноят соясида Чингизхон истаган барча нарсаларига эришган эди.

Чингизхон дини бўлмаганлиги учун одамларни ажратиб бирини бошқасидан устун тутмас эди. Қайси диндан бўлсалар ҳам олим ва зоҳидларга яхши муносабатда бўлар, уларни доимо юксалтирарди.

Мусулмонларга ҳурмат кўрсатгани каби носаро ва бутпарастларга ҳам ҳурмат билан қарарди. Болалари ва набираларидан баъзилари исломиятни, баъзилари насронийликни, баъзилари бутпарастликни танлаганликлари ҳолда, баъзилари эса ҳеч қандай динга кирмай ота-боболарининг йўлини тутдилар. Охири гуруҳга кирганлар сони оз эди. Динлардан бирортасига кирганлари ҳам ўтакетган диндор эмасди. Аслида Чингизхоннинг қонунларидан бири ҳам динлар орасида айирмачилик қилмаслик эди.

Чингизхон чиқарган энг муҳим қонунларидан бири шахзодалар ва давлат катталарининг ташки кўриниши чиройли бўлган кийимларни киймасликлари, дабдабали лақабларни ишлатмаслик эди. Мана шундай тарзда бошқарувчилар халқдан узоқлашиб, уларга тепадан қарашининг олди олинган эди. Бу қонун керагича хонлик мақомида ўтирган киши “хон” ёки “хокон” унвони билан машҳур бўлар, шахзодаларни ҳам кўйиб ҳисоблаган ҳолда хондан бошқа ҳеч ким унвондан фойдалана олмас эди, туғилган пайтларида ўзларига қўйилган исм билан чақирилар эдилар. Фахрий ном, унвон ва лақаблар улар томонидан чиркин ҳисобланарди.

Чингизхон ов қилиш ишига жиддий қараган, бу борада мана бу қонунни чиқарган эди: бирор ваҳший ҳайвонни овлаш фақат ўша ишга масъул бўлган кўмондон рухсати билан қилинади. Овчилар ов пайтида саф тортиб туриши, овни қандай қуршаб, халқа ичига олиши қоидалар билан белгилаб қўйилган эди. Ов қилишга чиқишдан аввал овнинг сонини билиш учун овланадиган жойга одамлар юборилар, овчилар муқаррар тарзда ўкитиларди. Кўмондон ва аскарлар бўш вақтларини ов билан ўтказишлари ташвиқ қилинарди. Бундан кўзланган мақсад эса фақат ов эмас, балки аскарларни машқ ҳолатида тутиб туриш, уларни ўк отишдаги маҳоратини ошириш ва қийинчиликларга чидамлиҳолда ушлаб туриш эди. Қиш фаслининг илк кунларида Хон овга чиқишни хоҳлаган пайтида атрофдаги ва йўлининг устида вазифали бўлган кўмондон аскарлари билан биргаликда ов қилишга тайёргарлик кўришга амр қилинарди. Бу амрғабиноан ҳар бир кўмондон қонун талабига кўра, ҳар ўн кишидан бирини хизмат вазифаси жойида қолдириб, бошқалари билан овга кўшилиш учун тайёр ҳолда кутиб туради. Ов қиладиган жойнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, зарур бўлган қуролларни аниқлаб таъминлаш, ўнг ва чап қанотлар билан ўрта жойни тартибга келтириш катта амирларнинг иши эди. Хон йўлга чиқишидан бир оз аввал аёллари еб-ичадиган озиқ-овқатлари билан биргаликда йўлга чиқариларди. Бир ой, икки ой, уч ой муддат давом этиши кўзда тутилган ҳолда овнинг доираси ва ҳалқаси ташкил қилинарди. Ов ўраб олинган доирадан марказга томон суриб келинарди, биронта ҳам ҳайвоннинг халқадан ташқарига чиқиб кетмаслигига қаттиқ ҳаракат қилинарди. Агар бирор ўлжа ҳаяжондан хавфсираб ўргага учиб чиқса, унинг сабаби ипидан игнасиғача синчиклаб ўрганилар, ҳайвонлар кўп бўлган пайтда эса ўнбоши, юзбоши ва

<sup>264</sup> Қуръони карим, 70:12.

мингбошиларнинг жазо таёқлари зарбалари билан ўлдирилди. Сафни тўғри тутмаганларни бир оёғини ноўрин қўйганларни ўта ортик даражада жазолардилар.

Шундай тартиб интизом ичида бир-икки ой кечаю кундуз ов қилиб, галани суриб боргандан кейин хонга овнинг озу кўплиги, жинси ва ўрни, жойи ҳақида маълумотлар бериш учун элчилар юборардилар. Ҳалқанинг катталиқ кўлами бир-икки фарсах (фарсах-форсларнинг узунлик ўлчови ҳисобланиб, у бир фарсах етти км.ни ташкил қилади) бўлгач, аскарлар оёқда тикка туриб, бир деворни ташкил қилардилар, арқонларни боғлаб, камандлар (хайвонларни тутиш учун ташланадиган сиртмоқлар)ни тайёрлардилар. Ҳалқанинг ичида қолган хайвонлар у ёқ бу ёққа қочишиб,увиллай бошлаганларида “ваҳший хайвонлар бир жойга тўпланиб қолганида”<sup>265</sup> оятининг сири ўртада ошқор бўларди. Бу ҳолатда арслонлар бегона, ёввойи қулон билан дўст, қоплонлар тулкилар билан биродар, бўрилар эса қуёнлар билан тотувликда бўларди. Доира қисқаргач, овнинг охириги даражасига етади, ваҳший хайвонларга чап бериб ўтиш учун ҳеч бир жой қолмасди. Бу вақтда аввал хон ва бошқа давлат катталари ўзларининг отларини ўртага ҳайдаб, бироз муддат ов қилардилар. Хон ов қилишдан чарчагач, ов қиладиган жойда ҳукмдор бир тепалиқда отидан тушар ва шахзодалар ов қилишларини томоша қиларди. Шахзодалар ишларини тугатгач, катта ва кичик амирлар ва аскарлар ов майдонига кирардилар. Мана шундай тарзда бир неча кун давом қилган овдан кейин овланадиган хайвонларнинг сони камайгач, ёши катта ва ҳурмагли ҳисобланган кишилар хоннинг ҳузурига бориб ундан соғ қолган, омон қолган хайвонлар жонларини сақлаб қолишларини ва ов қилиш даврининг ниҳоясига етганлигини эълон қилишига фармон беришини сўрадилар. Хон ов қилишнинг тамом бўлганлигини эълон қилганидан кейин ўлдирилган ўлжалар бир жойга йиғилиб, уларнинг саноғи ҳисоб-китоб қилинарди. Агарда ўлдирилган хайвонлар сони жуда кўп бўлса у ҳолда шер, йўлбарс, қулон каби катта бошли хайвонларни санаш билан кифояланарди. Бир дўстим менга шуларни гапириб берган эди: “Бир йили Хоқоннинг<sup>266</sup> даврида овга чиқилди. Хоқон овни қузатиш учун бир тепалиқда ўтирган пайтида ов хайвонлари ўша тепалиқнинг этагига келиб, у томонга қараб жон-

<sup>265</sup> Куръони карим, 81:5.

<sup>266</sup> Ўқтой хоқон б. Чингизхон.

ларини сақлаб қолишини сўрагандек увиллаша бошладилар. Шу онда Хоқон хайвонларни эркин қўйиб,уларни овламасликка буйруқ берди.

Хоқоннинг амрига кўра Хитой мамлакатида мавжуд бўлган қишга мўлжалланган бир жойда катта ҳалқани ташкил қиладиган шаклда ёғоч ва лойдан девор ясадилар, ов хайвонларининг у ерларга қира олишлари учун деворларнинг маълум жойларига эшиклар қўйдилар. Бундан ўрнак олган чигатойлар Олмалиқ<sup>267</sup> ва Куйош<sup>268</sup> чегарасида барпо қилган бир ов майдонлари бор. Демак, мўғуллар урушда қўллаган услублари овда қўллаган услублари билан бир хилдир. Яъни аввал ўлдирилади, кейин ўлдирилганлар сони санаб чиқилади, ундан сўнгра омон қолганлар ҳаётлари сақлаб қолинади. “уларга кўра ов уруш қилишнинг бир тури эди”, уларнинг хоҳ урушда, хоҳ овда озод қилиб қўйиб юборганлари қариялар ва шол бўлиб қолганлар эди.Лекин Одам Ато замонидан шу кунларимизгача тартиб-интизом жиҳатидан Чингизхон аскарлари даражасига етиша оладиган ҳеч бир қўшинни тарих китоблари ёзмаган. Бирон бир подшоҳга тотор (мўғул) қўшинидек бир қўшин насиб қилмади. Бу қўшин кийинчиликларга кўксини қалқон қилиб қаршилик кўрсатар, ўзларига берилган нарсаларга қаноат қилар, оч бўлсаям, тўқ бўлсаям ўз қўмондонларига итоат қиларди, на маош, на мукофот, на мансабу унвон ва на мол-мулк кутарди. Аслида тартиб-интизомли бир қўшинни тутиб туришнинг энг яхши йўли ҳам шундай. Шерлар оч қолмагунча ҳеч бир жонзотга ҳужум қилмайдилар. Бу мавзудаги ажам мақолида “Қорни тўқ бўлган итдан ов қутилмас”, араб мақолида эса “Итни оч ҳолда қолдирсанг, кетингдан эргашар” дейилган.

Дунёда қайси бир аскар мўғул аскаридек бўла олди? Улар жангда гўё ов ичига тушиб қолиб, наъра тортаётган шерга, тинч пайтда эса сутидан, жунидан ва бошқа нарсаларидан фойдаланилган қўйларга ўхшардилар. Ҳеч қачон ўз ораларида жанжал чиқармаган бу қўшин аъзолари турли касбий гуруҳлардан ташкил топганлиги учун уларнинг қўлларидан ҳамма иш келарди, еб-ичишда, таъминотда, қуролланиш борасида ҳеч қандай кийинчиликка учрамасди.

<sup>267</sup> Олмалиқ – Балхаш кўлига қуйиладиган Или дарёси қирғоғидаги Фулжа шаҳрига яқин бир шаҳар бўлиб, бугунги кунда Хитойнинг Тяньшань ўлкасида жойлашган (Жомеъу-таворих, Блоше нашри. Б.410-411).

<sup>268</sup> Куйош – Чигатойнинг бошқаруви остидаги майдонга кирувчи Олмалиқ яқинидаги ёзги жой.



Мўғуллар гўёки аскарлик учун яратилган эди. Жангпайтида уларнинг энг қатгасидан кичигига қадар ҳаммаси қилич, ўқ ва найза каби қуролларни жуда яхши ишлата оладиган қаҳрамонга айланарди. Давр ниманики тақозо қилса, ўшани қилардилар. Уруш эҳтимоли пайдо бўлганида ҳар хил қурол, от ва туя каби юк ташувчи ҳайвонларини тайёрлаб хизматга қўшардилар. Улар байрам ва маросимларда ҳам худди шундай тиришқоклик ва эътибор кўрсатардилар. Хизмат қилишда нуқсон қилганлар сони озгина бўлса ҳам уларни қаттиқ жазолардилар. Уруш пайтида ҳам ҳеч кимга муҳтож бўлмасдан еб-ичадиганларини ўзлари тайёрлар эдилар. Уйларида қолган аёли ва болалари эса тинч даврларда қилган ишлари қаторида эркакларнинг ишларини ҳам қилар эдилар.

Аскарларнинг йўқламасини аниқлаш учун санаш тизими ўзгартирилди. Бу ишни бажарган давлат идораси йўқ қилиниб, у ерда ишлаган котиблар ишларига яқун ясалди. Бу тизимга кўра бутун халқ аввал ўнта ўнтадан гуруҳларга ажратилар, уларнинг орасидан бир киши бошқа тўққиз кишининг бошлиғи қилиб тайинланарди. Бу ўнлик гуруҳлардан ўнтаси бир жойга келтирилиб, юз кишилиқ бир гуруҳ ташкил қилинар ва уларнинг бошлиғи қилиб юзбоши тайинланарди. Сони мингта бўлган ўнта юз кишилиқ гуруҳнинг бошига битта мингбоши, сони ўн минг киши бўлган ўн минглик гуруҳнинг бошига бир туман қўмондони тайинланарди. Хон ҳар қандай хабарни аввал туман қўмондонига хабар беради, у мингбошига, у юзбошига ва у эса ўнбошига ишни топширарди ва истак мана шундай тарзда қабул қилинади. Ҳамма худди шундай ўлчовда меҳнат қилар ва ишламаган биронта одам топилмасди, мавқе, мансаб ва бойликка аҳамият берилмасди. Аскарлий ҳаракатга зарурат тутилганпайтда фалон кеча ёки фалон кундузнинг фалон соатида фалон жойда тайёр бўлинг, буйруғини олган киши фармонни бажариш борасида “Қачонки, уларнинг мухлати келар экан, (уни) бирор соат кечга ҳам сура олмайдилар”<sup>269</sup> ҳукми кучга кирар, ҳатто эрта ёки кеч келишни хаёлига келтира олмасди. Буйруқларга бўйсуниб жуда муҳим эди. Хато қилган киши ҳатто у туман қўмондони бўлса ҳам хон билан унинг орасидаги масофа шарқ билан ғарб орасидаги узоқлик қадар бўлса-да, хоннинг юборган бир суворийси воситасида унинг ақлини киритиб қўйишар, хоҳласа жони, хоҳласа мулки олинарди. Шундай экан, бошқа жойларда вазият

қандайэди? У ерларда пулига бир неча қулларни сотиб олган, молхонаси ё отхонасида бир-икки ҳайвонлари бор бўлган киши ўзини бирор нарсалиқ деб ҳисобларди. Уларга айтиладиган гапни обдон ўйлаб гапириш керак. Бундан ташқари яна унинг амри остида бир қўшин ва бойлиги бор эканлигини ҳам назарда тутиш керак. У энди гапга қулоқ осадими? Унинг энди қилмоқчи бўлган илк иши бу ўзига мансабни бергандан юз ўгириб, унга қарши чиқиши бўлади.

Жанг пайтларида чакирилган вақтда келиши ойлар ва ҳатто йилларга чўзилиб кетади, келган вақтларида ҳам уларни урушга жалб қилиш учун хазиналар бериш керак уларга. Уларнинг истакларини бериш учун солиқ тўловлари беш-ўн баробар кўнайтирилар, урушга кирган пайтларида саф тутмайдилар ва кўнгилли бўлиб жанг майдонига ташланмайдилар. Бу аскарлар ахволига мос келадиган мана бу ҳикояни ҳам шу ерда нақл қилайлик: Бир сурув ҳисобини қилган солиқ маъмури чўпонга “нечта қўйнинг қолди?” деб сўраганмиш. Чўпон бу саволга “қаерда?” деб савол билан жавоб бергач, солиқ ходими “дафтарда” дебди. Ундан кейин чўпон “шунинг учун сурувда ҳеч нарса қолмади деяпман-да” деб жавоб берибди. Яна бошқа мамлакатлардаги ҳар бир амир ўз эҳтиёжларини ортиқча қилиб кўрсатиш учун аскарлари сонини ҳам кўп қилиб кўрсатарди, ҳисобпайтида эса ҳар хил ҳийлаларни ўйлаб топишарди.

Чингизхоннинг бошқа бир қонунига кўра, ҳеч ким ўз хоҳиш истагига кўра, ўзи мансуб бўлган ўнлик, юзлик, минглик ва ўн мингликлар гуруҳидан чиқиб, бошқа бир гуруҳга қира олмасди, биронтасида сақланиб қололмасди ва ҳеч ким уни яшириб туришга журъат қила олмасди. Бу қонунга хилоф тарзда ҳаракат саналиб, ўз жойини ўзгартирган аскар барчанинг кўзи олдида ўлдириларди, уни кучок очиб қаршилаган одам ҳам оғир жазога тортиларди. Ҳатто шахзодалар ҳам бу қонундан ўзларини сақлаб, бошқа бир гуруҳдан келган бир кишини ўз ёнларига олмасдилар ёки улар авф қилиниши учун орага тушаолмасдилар.

Бошқа бир қонун эса мана шу эди: гўзал қизларни учратиб қолган аскарлар уларни тўплаб ўнбошига, у юзбошига, юзбоши мингбошига, мингбоши эса туманқўмондонига олиб борарди. Туман қўмондони уларни олиб хон ва шахзодаларнинг ҳузурига олиб кетади, маъқул бўлганлари саройда қолдирилади, бошқалари

<sup>269</sup> Куръони карим, 7:34.

эса ҳадялар билан биргаликда келган жойларига жўнатиб юборилади. Саройда олиб қолинганлар эса хотунлар томонидан тарбияланардилар. Хон ёки шаҳзода улардан хоҳлаганларини ўз ётоғига оларди, истамаганларини эса бошқа бирига ҳадя қиларди.

Бошқа бир қонун: мамлакат катталашгач, хабарлар етказиш қийинчиликлари пайдо бўлди. Шунинг учун мамлакатнинг маълум жойларига манзиллар қурилди ва ўша жойларга етарли сонда манзил отлари қўйилди. Ҳар бир манзилнинг вазифаси аниқланиб, уларнинг эҳтиёжлари инсон ва ҳайвон еб-ичадиган нарсалар ва зарур анжомлар билан қондирилди. Уларни бошқариш ваколатлари ўша ўлкадаги туман қўмондонларига берилди. Бундай қўним-гоҳлар соясида элчилар, савдогарлар ва йўловчилар роҳатланардилар. У ерларда мавжуд бўлган нарсаларўғирланиб йўқ бўлишига қарши оғир жазолар ҳукм қилинганди. Буларнинг ҳаммасини тушунтириш учун кўп вақт кетади. Манзилхоналар асбоб-усуқуналари йилда бир маротаба ҳисоб қилинади, агарда камчилик бўлса, ўша ўлкада яшаётган халқдан олиниб, ўз жойига қўйиларди. Бу эса қонуннинг асосий ҳукмларидан эди.

Бошқа бир қонун: ўз идораси остига олинган шаҳар аҳолиси сони аввал санаб чиқилади, одамларни ўнларга, юзларга, мингларга ажратадилар, ҳар бирининг тепасига навбат билан ўнбоши, юзбоши ва мингбоши тайинланарди. Бундай шаклда ҳам аскарий хизматлар ҳамда почта ҳовлиларихизматлари бажарилган бўларди. Уларнинг сарф-ҳаражатлари урушда қўлга киритилган ўлжалардан ёки “купчур” деб аталадиган солиқлар ҳисобидан тўланарди.

Бошқа бир қонун: бирор киши ўлган пайтда хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, унинг меросига ҳеч ким қўл тегиза олмасди. Агарда унинг меросхўри бор бўлса, унга; йўқ бўлса, ёнидаги бирга ишлаганларга бериларди. Мўғуллар ўлган одамнинг мол-дунёсини жуда қийматли бўлса ҳам ўз хазинасига қўшмасдилар ва буни яхшилик белгиси ҳисобламасдилар. Хулоғу мени мерос ишларини тартибга солиш учун Бағдодга жўнатганида Тустар<sup>270</sup> ва Баёт<sup>271</sup> шаҳарчасида қўлланилиб турган мерос ҳуқуқини ўзгартирдим.

Чингизхон чиқарган қонунларининг сони кўп. Ҳаммасини баён қилсак, кўп вақт кетади. Шунинг учун мавзуни шу шаклда мухтасар қилдим.

<sup>270</sup> Хузистондаги бугунги Шустар.

<sup>271</sup> Хузистоннинг бир қасабаси.

#### IV. ЧИНГИЗХОННИНГ МАЙДОНГА ЧИҚИШИ, УНИНГ ФАТҲЛАРИ ВА ҲАЁТИ

Мўғуллар кўп сонли қабилаларга ажралади. Бу қабилалар энг катталаридан бири Чингизхон ота-боболари мансуб бўлган ва раислик қилган қиёт<sup>272</sup> қабиласи ҳисобланади. Чингизхоннинг асл исми Темучиндир. Аллохнинг иродаси билан дунёнинг одамзот яшайдиган жойлари тўртдан бирига эгаллик қилган ерларгача шу исм билан эсланди.

Чингизхон болалиги пайтида қарайит ва сакийот<sup>273</sup> қабилалари раиси Ўнхон<sup>274</sup> ҳукмронлик қилаётган ерлараскарва анжомлар жиҳатидан бошқа қабилалардан устунрок эди. Қабилалар ўзаро уруш ҳолатида эдилар. Чингизхон болалик даврини ортда қолдириб вояга етгач, жангда худди наъра тортган шерга, душманлари қаршисида ўткир қиличга айланди. Чингизхон қабиласи Ўнхонники билан қўшни эди. Шу туфайли тез-тез Ўнхоннинг ёнига бориб турарди. Мана шундай борди-келдилар вақтида уларнинг ораларида дўстлик пайдо бўлди. Ўнхон унинг (Чингизхоннинг) воқеа-ҳодисаларга тўғри қўйган ташхиси ва қабул қилган қарорларининг аниқлиги, жанглардаги жасорати ва йигитларга хос бўлган жасурлигини кўргач, уни янада ёқтириб қолган, юксак қобилиятига ҳайрон қолар, унга бошқаларга нисбатан янада кўпроқ меҳр ва эътибор кўрсатарди. Чингизхон мақоми кундан-кунга тобора ортиб борди; охирида Ўнхон ўлканинг барча ишларини унинг қўлига топширди. Чингизхоннинг устун даражадаги қобилиятини кўрган Ўнхон аскарлари унга янада кўпроқ боғланиб қолдилар. Бундай вазиятда турган Ўнхоннинг укалари, ўғиллари ва яқинлари унга ҳасад қилдилар ва бирор йўлини топиб, эгаллаб турган мақомидан узоклаштиришни истадилар. Улар яширин тарзда Чингизхон меҳрини қозонган халқ билан бирлашиб, давлатни ўз

<sup>272</sup> Қиёт – тезкор ва шиддатли сел оқими маъносини билдирадиган мўғулча сўз, мўғул қабилаларидан бирининг номи. Жомеъу-т-таворих (Березин нашри, II жилд. Б.82). Қиёт номини мана бундай тарзда эслатади: “буюк бир қахрамон бўлганлиги учун Баратон баҳодир номини берган Чингизхон иккинчи отасининг Мўнга, Киён ва Қиёт номли учта ўғиллари бор эди”.

<sup>273</sup> Сокийот – матнда *сокиз* сифатида берилган. У қарайитларнинг бир тармоғи ҳисобланали.

<sup>274</sup> Ўнхон сўзи подшоҳ маъносини билдиради. Бу шахснинг асли исми *Туерул* бўлиб, Урхон ва Тула дарёлари билан Ханкай ва Кантой тоғлари орасидаги ўлкага жойлашган турк ва насроний қарайитларининг подшоҳи эди.

қўлига олмоқчи эканлиги ҳақидаги иғво гапларни яширинча ёя бошладилар. Бу ёлғон гап-сўзлар билан ўзлариниўлканнинг тинчлигини ўйлаётгандек таассурот уйғотишга ҳаракат қилдилар. Бу гаплар Ўнғхон қулоғига етиб келгач, унинг ҳам ичига кўрқув тушди. Чингизхон билан у очиқдан-очик жанг қила олмаслигини билганлиги сабабли ишни ҳийла-найранг орқали бажаришга ҳаракат қилди. ҚодирАллоҳ кучайиб ривожланишига иноят бераётган бир нарсага ҳийла ва зўравонлик билан қаршилик қиламан, деб ўйлади. Ҳамма ётиб ухлаган бир пайтда Чингизхонга кўкқисдан ҳужум қилиб, ундан қутулиш учун Ўнғхон ўзининг одамлари билан келишиб олди. Бу қарорни амалга ошириш учун тайёргарлик кўра бошлади ва бу ишни энг қисқа муддат ичида тугатишни истади. Чунки Чингизхон бахтининг очиқ эканлигини биларди. Бу ҳолатдан хабар топган Қишлик<sup>275</sup> ва Бодо (Бада) исмли иккита бола яширинча Чингизхон ёнига бордилар ва Ўнғхон амалга оширмоқчи бўлган ниятларини унга етказдилар. Шундан кейин Чингизхон вақтни ўтказмасдан дарҳол бутун қабиласи билан биргаликда уйини бўшагиб, у ердан узоқлашди.

Тонг саҳар пайтида кишлокқа ҳужум қилган Ўнғхон уйлардан ҳеч кимни топа олмади. Ҳикоянинг бундан кейинги қисми ҳақида турли ривоятлар бор. Уларнинг бир қисми Ўнғхон орқага қайтиб кетганлиги ва бошқа қисми эса Чингизхонни таъқиб қилганлиги шаклидадир.

Ўнғхон Чингизхонни таъқиб этганлиги борасидаги ҳикоя эса мана шундай: Ўнғхон катта бир қўшин билан Чингизхон кетига тушди. Ўнғхон Болжуна деб аталган бир булок ёнида унга етиб олди. У ерда қаттиқ жанг бўлди. Чингизхон ҳар жихатдан ўзидан устун бўлган рақибларини қаттиқ мағлубиятга учратди. 599 (1202) йилда содир бўлган воқеада у жуда катта ўлжани қўлга киритди. Бу жангда Чингизхон билан биргаликда жанг қилган уруғ бошлиғи, қул, отбоқар, чўпон, турк, тожик, хинд каби ҳар хил қасб ва миллатлардан ҳисобланган одамлар бир дафтарга қайд қилинди. Чингизхон суиқасд ҳақида хабар берган ўша иккита болага “тархон” унвонини берди. Тархонлар ҳар қандай солиқ ва бож тўловларидан озод қилинган кишилар бўлиб, улар жангда қўлга киритилган ўлжалардан ўз улушларини олардилар. Рухсат кутиб ўтирмасдан хоҳлаган пайтларида Хоннинг хузурига кира олардилар.

<sup>275</sup> Матнда *Киллик* деб берилган.

Чингизхон бу икки кишининг ихтиёрига аскарлар ва хизматчилар бериб, бебаҳо, қимматли ҳадялар билан кўмиб ташлади. Улар қандай айб, жиноят қилсалар ҳам уларни жазоламаслик ва бу имтиёздан хатто болалари ҳам фойдалана олишлари ҳақида қонун чиқарди. Ҳозир бу икки кишининг наслидан бўлган кўпгина одамлар бор. Улар ўзлари борган ҳамма жойда хурмат кўрдилар ва подшоҳнинг хизматида муҳим мансабларга эга бўлдилар.

Ўша жангдан кейин Чингизхон аҳволи кундан кунга яхшиланиб борди ва аскарларининг сони ҳам ортиб борди. Янада кучайиб кетмаслиги учун бунинг олдини олиш мақсадида Ўнғхон Чингизхон устига қўшин жўнатди. Қилинган ҳар бир жангда Чингизхон ғолиб бўлди. Охирида Ўнғхон эркагуаёл бутун қавми билан Чингизхоннинг қўлига тушди ва Ўнғнинг ўзи эса ўлдирилди.

Чингизхон ишлари ривожланиб давлатининг юлдузи порлай бошлагач, қўшни қабилаларга ўзининг одамларини юбориб, уларнинг ўзига итоат қилишларини хоҳлади. Унинг бу даъватига ижобий жавоб берган ўйрот<sup>276</sup> ва кўнғурот<sup>277</sup> каби қабилаларнинг кўзга кўринганлари унинг танланган кишилари орасигакириб катта ёрдам олдилар. Гапга қулок осмасдан қарши чиққанларни жазо қилишлари йўлга солди. Охирида барча қабилалар унинг амри остига кирдилар ва яқин атрофида унга қарши чиқа оладиган ҳеч ким қолмади.

Шундан сўнг у янги қонунлар чиқариб, давлатининг асосини қўйди. Зино ва зўравонлик қилиш каби ёмон нарсаларни тақиқлади. Худди ўша пайтда бир шахс майдонга чиқди. Мўғуллардан гапига ишонса бўладиган бировдан эшитишимча, бу шахс ўлкада ҳукмрон бўлиб турган шиддатли совуқда яланғоч ҳолда бир неча кун тоғда ва чўлда айланиб юриб, орқага қайтиб келганида “Тангри мен билан, бутун ер юзини Темучинга ва унинг ўғилларига бердим, Темучиннинг исмини эса Чингиз деб атадим ва Чингизга адолатли бўлишини айт” тарзида гапиришди, деб хабар келтирди. Шу туфайли у кишига Таб-Тангри<sup>278</sup> исмини бердилар. У айтган гаплари рост эканлигини қатъий туриб ҳимоя қилди. Қисқа муддат ичида унга ишонганлар сони кўпайди. Ундан жасоратланган Таб-Тангри

<sup>276</sup> Байкал кўлининг шарқий соҳилидаги ўрмонда яшаган бир қабила.

<sup>277</sup> Чингизхон кўз очиб кўрган биринчи хотини Бўрта мансуб бўлган, Мўғулистоннинг шарқида яшаган бир қабила.

<sup>278</sup> Матнда *Бут Тангри* сифатида келган бу сўз асли исми *Кўжжу* бўлган (Б.125) кишига берилган лақабдир (Қарап: Grousset, Б. 225-228).

кўнглига подшоҳлик савдоси тушди. Бир куни ёш йигит билан байрам куни курашга тушди. Ёш йигит уни шундай қаттиқ срга урдик, у қайта оёққа турмади.

Қисқаси, ўша ўлка исёнчилардан тозаланди. Барча қабилалар Чингизхонга бўйин эгиб, унга аскар бўлдилар. Сўнгра Чингизхон Хитойга элчилар юбориб, орқасидан ўзи ҳам кетди. У ернинг подшоҳи Олтунхон<sup>279</sup>ни ўлдирди ва Хитой ўлкасини ўзига қўшиб олди. Кейинчалик эса бошқа ўлкаларни фатҳ этди. Уларни ўрни келганида баён қиламиз.

## V. ЧИНГИЗХОННИНГ ЎГИЛЛАРИ

Чингизхоннинг хотинлари, ўғил ва қизлари кўп эди. Энг катта хотини Ясунжин Бўки<sup>280</sup> эди. Мўғул одатларига кўра, битта отадан туғилган болаларга эътибор уларнинг онаси хурматига қараб баҳоланарди. Онанинг насли жиҳатидан устунлиги болага ҳам ўтарди. Ясунжин Бўкининг тўртта ўғли бор эди. Муҳим ишларни бошқариш, идора қилиш уларнинг қўлида эди. Улар гўё давлат ва хонлик тахтини ушлаб турган тўртта устун эдилар. Чингизхон уларнинг энг каттаси бўлган Жўжигга мўғуллар томонидан муҳим ва шарафли деб ҳисобланган ишларни бошқариш, ундан кичиги Чигатойга қонунлар бажарилишини назорат қилиш ва қонунларга бўйсунмаганларни жазолаш, ақлли ва узоқни кўра оладиган Ўктойга мамлакатнинг ички ишларини бошқариш, Тулуга қўшинни тартибга солиш, аскарларни тарбиялаш ва уларнинг эҳтиёжини қондириш вазифаларини топширди.

Чингизхон Ўнхон масаласини ҳал қилиб, ўзининг яқин-атрофида бўлган қабилалардан баъзиларини ўз хоҳишига кўра, баъзиларини зўравонлик билан бўйсундирганидан кейин давлатини тўртта ўғиллари орасида бўлиб берди. Бошқа ўғиллари, укалари ва қариндошларига ҳам мос тарзда вазифалар топширди. Шундан кейин ўғиллари ва қариндошлари орасида бир-бирларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатнинг ортиб бориши ва бир-бирларига ёрдамлашиш истагиниянада жонлантириш учун ғайрат қилди. У бир куни ўғил-

<sup>279</sup> Чин императори (қаранг: Grousset, Б.292).

<sup>280</sup> Бу аёл Бурта бўлиши керак, балки Жувайний уни Хулогу ва Абоканинг онаси Жунжин билан алмаштирган бўлиши мумкин.

ларини ҳузурига тўплади. Ўқдонидан битта ўқни чиқариб, уни синдирди. Икки дона ўқни яна чиқарди, иккаласини ҳам бирданига синдирди. Сўнгра бир неча донасини тўплаб, ўзи синдира олмаганидек, ёнида бўлган энг кучли одамларга берди, улар ҳам синдира олмадилар. Шундан кейин ўғилларига юзланиб, шундай деди: “Бу ўрнак учун қилинди. Бир ўқнинг осонгина синиши, иккитасининг бир мунча қийинчилик билан ва кўп ўқнинг синмаганлигини кўрдингиз. Агар ўқлар каби сизлар ҳам бирлашсангиз, душман сизнинг қаршингизда ожиз бўлиб қолади ва сизлар билан курашишдан воз кечади. Душман қанчалик кучли бўлмасин сизни енга олмайди. Агар орангиздан биронгангиз бош бўлиб, бошқа укалар, қариндошлар ва халқ унга бўйсуниб айтганларини қилмаса, у ҳолда сизлар кўп бошли бир илонга айланиб қоласиз. Бу илон тешикка киришни хоҳлаганида тешикка кириш мақсадида бошлар орасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Шу туфайли улар йўқ бўлиб кетадилар. Агарда илон яқка бошли бўлса, ҳатто қуйруклари кўп бўлса ҳам осонгина бошини ва қуйруқларини тешикка сукиб, совуқдан кутилиб қолади”.

Чингизхоннинг бунга ўхшаш насиҳатлари кўп. Буларни у ўғилларига сабоқ бўлсин, деган мақсадда қилди. Тинглаган унинг гаплари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди. Ташқаридан қараганда бутун бошли мамлакат Хон унвонига эга бўлган кишига оиддек бўлиб кўринса ҳам аслида ўғиллари, укалари ва қариндошлари мол-мулкига шерик эдилар. Бунга намунакўрсата оламиз: жаҳон подшоҳи иккинчи қурултойда давлатни ўғиллари, қизлари, укалари ва сингиллари ўртасида бўлиб берди. Чингизхон ўз яқинларининг ҳар бирига тўхтовсиз кенгайган ерларидан юрт деб аталувчи яшаш жойи берди. Укаси Ўтаган нўёнга<sup>281</sup> Хитой ўлкасини, катта ўғли Жўжигга Қоялик<sup>282</sup> ўлкасидан Хоразм, Соксин<sup>283</sup> ва Булгор<sup>284</sup> ху-

<sup>281</sup> “Жомсъ-т-таворих, Березин нашри, II жилд. Б.97. “Чингизхоннинг отаси Ясугой Баходир ва ўғиллари ҳақида мана бундай деб ёзади: “...Тўртинчи ўғли Темуча-Отчигин эди. Бу сўзлардаги Темуча шахсининг исми, Отчигин эса, мулк ва оловнинг соҳиби маъносини билдиради. Энг кичкина ўғлининг исми ҳам Отчигин ва лақаби эса нўёндир... Ясугойнинг юрти Мўғулистон шимолий-шарқи эди ва у сзда улардан бошқа ҳеч бир қавм яшамасди.”

<sup>282</sup> Бугунги Кўполнинг ғарбида жойлашган кичик бир кишлок.

<sup>283</sup> Волга дарёси яқинида жойлашган бир шаҳарнинг номи эди.

<sup>284</sup> Қозондан 115 км жанубда Волга дарёсидан 7 км узоқликда жойлашган бугунги Болгарское деган жойнинг ёнгинасида харобалари мавжуд бўлган бир шаҳар (қаранг: Миновский. Худуд. Б.461).



дудларигача бўлган тотор аскарлари оёғи етган жойларни, Чигатойга эса Уйғур ўлкасидан то Самарқанд ва Бухорога қадар ястанган ерларни берди. Чингизхон қароргоҳи Олмалик яқинидаги Куносада эди. Валиахд ҳисобланган Ўктой отасининг даврида Имил<sup>285</sup> ва Кобок<sup>286</sup> орадаги бир жойда яшаётганди. Хон бўлгандан кейин Уйғур ва Хитой ўлкалари орасида бўлган қароргоҳга жойлашди ва эски юртини ўғли Куйукхонга берди. Тулунинг юрти эса Ўктойники билан қўшни эди. Хоннинг яшаётган жойи давлатнинг ўртасидаги бир доиранинг маркази каби эди гўё.

Чингизхон мамлакатини ўғиллари орасида тақсимлаб берганлиги борасида жуда қисқа тўхталдик. Чунки Чингизхон болалари ва невараларининг сони 10000 дан ортиқ ва улардан ҳар бирига бир юрт берилганди. Буларни тасвирлашимизнинг сабаби Чингизхон оиласи кўпчилик бўлишига қарамадан бир-бирлари билан ҳамжихатликда яшаганликларини кўрсатиш эди. Ҳолбуки, бошқа мамлакатларда ака укани, бола отани ўлдиради, натижада давлат заиф ҳолда қолади ва бошқа бир томондан эса йўқ қилинади. “Талашиб-тортишмангизким, у сушлашиб, куч-кувватдан кетиб қолур”<sup>287</sup>.

Чингизхон авлодлари орасида бир-бирига бўлган меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва ўзаро ёрдам бериш шакллангани туфайли дунёни фатҳ этганлиги ва барча душманларни йўқ қилганликлари ҳамманинг диққат-этиборини қаратиши лозим. Зотан, тарих ёзишдан мақсад ҳам ақлли кишилар ўтмиш тажрибалариниқўллаб олишлари ва улардай ўзларининг аҳиллигини таъминлашдан иборат.

## VI. УЙҒУР ЎЛКАСИНING ФАТҲИ ВА ИДИКУТНИING ТОБЕЪ ЭТИЛИШИ

Уйғур туркларининг амирларига “идикут” дейдилар. Бу сўз давлат эгаси маъносини билдиради, у пайтлар идикут Барчук эди. Қорахитой императори Мовароуннаҳр ва Туркистонни забт этган йили баҳор мавсумида Барчук ҳам бўйин эгиб, ўлпон тўлай бошлади. Бу пайтда Қорахитой императори идикутнинг ёнига Шавкам исмли бир шихнани<sup>288</sup> жўнатди. Шавкам у ерга келиб жойлашгач,

<sup>285</sup> Имил – Россиянинг Сибир ўлкасида мавжуд бўлган бир дарё.

<sup>286</sup> Кўбоқ матнда “кўнок” тарзида берилган. Идилнинг шарқидаги бир дарёнинг номи.

<sup>287</sup> Курони қарим, 8:46.

<sup>288</sup> Шихна – арабча ва форсчада ишлатилган бу сўзнинг туркча маъноси “босқоқ”, мўғулча маъноси эса “доруға” ёки доруғажиридир. Бир подшоҳнинг бирор шаҳарни фатҳ этган

бошида идикут бўлгани ҳолда барча халққа азият етказганидан ҳамма ундан нафратлана бошлади. Чингизхон Хитойни ишғол қилиб шон-шухрати ҳамма томонга ёйилгач, уйғурлар идикутнинг амри билан Шавкамни Қора Хожа<sup>289</sup> деб аталган жойдаги ўз уйида ушлаб қамадилар. Қорахитой императорига қарши бош кўтарганликлари, жаҳон подшоҳи Чингизхонга итоат қилишларини билдириш учун Куталмиш Қоя, Умар ўғул ва Тўрабойни Чингизхонга элчи қилиб жўнатдилар. Чингизхон бу элчиларга яхши муносабатда бўлди ва уларнинг воситасида идикутни ёнига чақирди. Таклифга хайрихоҳлик билан жавоб берган идикутга Чингизхон ҳурмат-иззат кўрсатиб, уни кўп ноёб ҳадялар билан бирга мамлакатига юборди. Чингизхоннинг қўшнисини Кучлукка қарши сафарга чиққач, фармонга кўра идикут ўзининг 300 одами билан биргаликда жангга қўшилди. Мўғул қўшинларига ёрдам берди. Жанг тугагандан кейин мамлакатига қайтиб, ўз идоравий бошқарув ишлари билан машғул бўлди. Чингизхон Султон Муҳаммадга қарши урушга буйруқ берганида идикут ҳам унга қўшилган эди. Чигатой ва Ўктой Ўтрорни<sup>290</sup> фатҳ этган вақтида идикут уларнинг хизматида бўлган эди.

Ўтрор забт қилинганидан кейин Турбой, Ясовур, Жадок, Вахш<sup>291</sup> ўлкаларига қараб тўғри ҳаракат қилдилар. Бу пайтда Чингизхон идикутни шахзодалар хизматида юборди. Ундан кейинги мўғулларнинг тонгуларга қарши юришларида идикут ўз одамлари билан Бешбалиқдан<sup>292</sup> чиқиб, мўғул қўшинига қўшилди. Унинг қилган ёрдамига жавобан Чингизхон уни ҳадяларга кўмиб ташлади ва кизлардан бирини унга никоҳлашга урунди. Лекин Чингизхон вафоти тўйга халақит берди. Идикут ҳам у ердан чиқиб, Бешбалиққа келди.

Ўктойхоқон тахтга чиққач, отасининг васиятини бажариб, синглиси Олтун Бўкини катта бир сеп билан идикутга юборган бўлса

пайтида ўша шаҳарда қолдириб кетган энг биринчи вазифаси солиқ-ўлпон йиғиш бўлган бошқарувчи одам.

<sup>289</sup> Бугунги Шаркий Туркистондаги Шин Жонг ўлкасида Турфондан 45 км шарқ томонда харобалари мавжуд бўлган ва Идикут сифатида эсланган жой (Минорский. Б.271).

<sup>290</sup> Ўтрор – эски номи Фороб бўлган ва бугун харобалари сақланиб қолган бу шаҳар Сайхун дарёси билан Арис тоғининг орасида жойлашган. Хоразмшоҳлар давлатининг шарқидаги энг чекка нуқтаси эди. Тсмур Чин (Хитой) сафарига юришига кстаётганда 1405 йилда ўша жойда вафот этган.

<sup>291</sup> Вахш – бугун Тожикистонда ва Жайхун (Амударё) дарёсининг ўнг томонида мавжуд шаҳар.

<sup>292</sup> Бешшаҳар маъносини билдиради ва бугун Шаркий Туркистондаги Гушан шаҳрининг жанубий ғарбидадир.

ҳам у йўлда вафот этди. Шу сабабли бу воқеадан кейин Ўқтойхон Олачин Бўкини у билан никоҳлади. Лекин бу гал тўйдан аввал идикут вафот этди. Бундан кейин эса ўғли Кўчмас, Ўқтойхон хузурига бориб, идикут сифатида Олачин Бўкига уйланди. Кўп вақт ўтмасданок Кўчмас ҳам ўлди. Қардоши Солиндий унинг ўрнига Тўрағанага<sup>293</sup> хотун амри билан идикут бўлди. Солиндий жуда яхши ва муҳтарам бир инсон эди.

## VII. МЎҒУЛЛАР ҲАЁТ ҲИКОЯЛАРИНИНГ ДАВОМИ

Бу мавзу Мангу хокон тахтга чиқишини ҳикоя қилганимиздан кейин ёзилиши кераклигини режалаштирган бўлсак-да, биз ҳикоянинг бориши жиҳатидан шу ерда баён қилишни маъқул кўрдик. Дунё мулки ҳукмдорлиги Мангу хокон қўлига ўтгач, бир тоифадаги кишиларнинг ёмон ниятлари туфайли бу ҳодиса рўй берди: Уйғурлардан Боло Битикчи<sup>294</sup> бутпараси<sup>295</sup> бўлишига қарамасдан Чингизхон давлатида муҳим бир мансабга қўйилган ҳурматли кишилардан ҳисобланарди. Халқчиллик миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик сабабчисидир, бир-бирларига сўзи ўтар, Битикчи Идикут ёнига қўйилган эди. Идикут Бешбалиқ ва атрофидаги 50 минг мусулмонни жума кунни жомеъ масжидига йиғилганида пистирмадан туриб ўлдиришни режалаштирди. Билганинг яқинларидан Такмиш исмли бек бир ҳафта бу сирни саклаб юрганидан кейин бозорда мусулмонларнинг бири билан жанжаллашиб қолганида “Нимаики қилмоқчи бўлсанг, бир оз аввал қил, чунки атиги уч кунгина умринг қолди”, деди. Ҳодисага гувоҳ бўлган Мусулмонлар бу хабарни дарҳол ўша пайтда Бешбалиқда турган мўғул давлатининг кўзга кўринган кишиларидан ҳисобланган амир Сайфиддинга етказдилар. Амир Сайфиддиннинг ёнига чақирилган Такмиш идикут ва одамларининг қарорларини унга айтди.

Ўша икки кун ичида подшоҳ тахтга ўтиргани хабари ҳамма жойга ёйилди. Идикут ўйлаганларини амалга ошира олмаслигини тушунгач, бу хабар туфайли юзага келиши мумкин бўлган ҳар қан-

дай таҳликанинголдини олиб, жаҳон подшоҳи хузурига бориш учун йўлга чиқди. Бундан хабардор бўлган амир Сайфиддин уни йўлидан қайтариш учун ўз одамларини юборди. Амир уни Такмиш билан юзлаштирди. Такмиш ҳамма нарсани тушунтирди. Шундан кейин идикут ва айбдорнинг ўртоқлари кўркувга тушдилар. Ўзлари учун қутилишнинг бошқа йўли йўқлигини тушунганликлари туфайли рад қилдилар ва у иш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини айтдилар. Узоқ давом этган суриштиришдан кейин қўйиб юборишларини истадилар. Такмиш ҳам аввал айтган гапларини қаттиқ ҳимоя қилиб туриб олди. Бу сўроқ пайтида у ерда бўлган уйғурларнинг кўзга кўринган кишилари “Бу ишни билган одам уни асло айтмайди. Бизларнинг ҳеч биримиз бу ишдан хабаримиз йўқ. Агар бирорта киши чиқиб, бу иш қилинишини айтса, у ҳолда унинг ўзи ўша ишда қўли борлиги англашилади. Чунки бу ишда қўли бўлмаган одамнинг уни била олмаслиги меъёрдаги ҳолатдир. Шу сабабли бу гапларга ишониб, Битикчи идикутнинг ёнига юборилган эди. Битикчи ёмон ниятини амалга ошириш учун беҳисоб ваъдалар қилиб, идикутни ишонтирди. Унинг хоҳлаган иши эса Бешбалиқ ва унинг атрофидаги мусулмонларни ўлдириш, молларини талаш ва болаларини асир қилишдир. Бунинг учун эллик минг кишини тайёрлаб қўйган ва зарур эҳтиёж бўлганида улардан фойдаланмоқчи эди. Бунга уйғур амирларидан Билга Кутий, Бўлмуш Буқа, Соқун<sup>296</sup> ва Идкочдан уларга ёрдам беришлари ҳақидаги ваъдасини олди. Уларнинг қилган аҳдларига кўра, мусулмонлар жума кунни масжидга тўпланган пайтда пистирмадан чиқиб, ҳаётларига яқун ясамоқчи эдилар. *Шеър:*

[Улар масжидни сўндиришни истадилар. Ҳолбуки, уни ёруғликда тутгувчи ва порлатувчи Аллоҳдир. Улар фазилагларни қаймайтиришни истадилар. Ҳолбуки, уни берган Аллоҳдир]

Идикут бу режани амалга ошириш учун Қаймиш<sup>297</sup>, Хожа ва Ноқунинг ёнига кетди ва чодирни саҳрога курди. Уйғурлар ҳам ўша жойда йиғилдилар. Бу пайтда ажойиб бир воқеа содир бўлди. Бир кунни кечаси мусулмонларга қарши тайёрланган фитнадан хабар топган Билга Кутийнинг одамларидан “Такмиш ҳақида маълумот берадиган одам ўз айбини эътироф этсин, унинг моли ва

<sup>293</sup> Ўқтойнинг бева хотини ва империянинг муваққат бошқарувчиси.

<sup>294</sup> “Битикчи” котиб маъносини билдиради. Бу *КотибБолодир*.

<sup>295</sup> Бу китобда бутпараси сўзи буддист ўрнига ишлатилган.

<sup>296</sup> Қорлуқ турклари подшоҳларига берилган унвон.

<sup>297</sup> *Ўғул Қаймиш* – Куйукхоннинг бева хотини, салтанатнинг муваққат бошқарувчиси Хожа ва Ноқунинг оналари.

кони ҳалол бўлади” деб ўзаро гаплашишди. Бу гаплардан кейин Такмиш оёққа туриб “Бу даъво Бешбалиқда юзага чиқмайди. Исён бўлмайди. Жаҳон подшоҳи хузурига борайлик, у ерда катта суд жараёнида<sup>298</sup> ҳамма нарса аниқлансин”, деди. Бу таклифни қабул қилган амир Сайфиддин Такмишни ёнига бир нечта одам қўшиб, подшоҳ ёнига юборди. Подшоҳ воқеани ўрганиб бўлгач, идикут ва одамлар келишига амр қилди. Лекин бир муддат ўтиб идикут келмагач, Такмишни маҳкама олдига чиқарди. У ерда айтганларини рад қилгач, уни онадан туғилгандек яланғоч қилиб ечинтириб, катта дўмбиранинг таёқлари билан ура бошлади. Ниҳоят, жаҳон подшоҳи Мангу хоқоннинг муҳолифлари билан биргаликда қилганлигини тан олди. Воқеани аввалдан айтиб, хабар бергани учун Такмишни қўйиб юбориб, мангу Бўлод исмли бир элчига идикутни топиб келтириш вазифасини топширди. Бундан хабардор бўлган идикут улар келишидан аввал шаҳарни тарк этди. Такмиш кўп аскарлар билан Бешбалиққа боргач, уйғурлар кўрққанидан ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга ҳадялар бердилар. Лекин Такмиш идикутнинг кетидан қолмай, уни таъқиб қилди. Уни тутиб олиб келдилар ва тергов қилиш вазифаси юклатилган Мангасар нўёнга<sup>299</sup> уни топширди. Сўроқ жараёнида ўз айбини бўйнига олмаганлиги сабабли уни қийнай бошлади. Қўлларини орқасига қайириб, қаттиқ боғлади. Арқон жуда қаттиқ тортиб боғланганлиги туфайли тоқати тоқ бўлиб, юз тубан ерга йиқилди ва бошига тахта парчаси санчилди. Қўриқчиси эргашиб тахта парчасини идикутнинг бошидан чиқариб олгач, бунинг жазоси сифатида унга ўн етти марта йўғон таёқ билан урдилар. Айбини бўйнига олмаганлиги учун идикутни Такмиш Буқа билан қайтадан юзлаштирди. Такмишга у тап олишдан кўра рад қилишда давом этгач, Битикчини олиб келдилар. У идикутнинг олдида ҳамма воқеаларни бошдан охиригача айтиб берганидан кейин ҳам унинг ўз айбини бу қадар инкор қилишига ҳайрон бўлиб, “сен ҳеч бир балога ўхшамаган бир балосан” дегач, идикут унга “ҳа” деб жавоб берди. Шундан сўнгра арқонларини ечиб, уни бир четга сурдилар. Ундан кейин эса айбдор ўртоқларидан Билга Қутийни тергай бошлади. Қилинган азобларга чидай олмасдан у ҳам ўз айбини тан олди. Орқада қолган икки-уч

<sup>298</sup> *Ёрғу* – асли туркча бу сўз бу китобда “жазо маҳкамаси” маъносига ишлатилган.

<sup>299</sup> *Мангасар нўён* – Мангу хоқон замонида барча амирлар ва нўёнларнинг раиси (ҳаранг: Жаҳонгушо, варақ 135).

айбдорни ҳам сўроққа тутдилар. Улар тоторлардан қалтак еганларидан кейин ичларида нимаики бор бўлса, ошқор этдилар. Сўнгра ҳамма жиноятчиларни тикка саф тортириб қўйиб, уларни подшоҳга қарши суиқасд тайёрлаганликларида айбладилар. “Шу ҳақиқат ростмиди?” деб сўралганда, улар “Раббимизга онг ичиб айтмизки, ҳақиқат эди” дедилар. Аллоҳ “Бас, бўлганингиз сабабли (мана шу) азобни тотингиз” дейди<sup>300</sup>. Улар ҳаммаси бараварига жиноятларини тан олганларидан кейин ахволни жаҳон подшоҳига маълум қилдилар. Келган амир огоҳлантирилгач, идикут ва дўстларини Бешбалиққа олиб борди. Мўминларни ўлдиришни режалаштирган жума куни Мусулмону бутпарастларни саҳрога тўлдирди. Ўша жойда жаҳон подшоҳи фармони ўқиб эшиттирилди. Амир Ўгинч керакли тарзда қардоши идикутнинг бошини танасидан жудо қилди.

Жиноятчининг ўртоқларидан бўлган Билга Қутий билан Идқочнинг вужудини иккига бўлдилар. Мана шу тарзда улар ўлкани ёмонлик ва хийла уруғлари эканлардан тозаладилар. “Аллоҳга ҳамд бўлсинки, зулм қилган қавмнинг думи киркил”<sup>301</sup>. *Шеър:*

[Ҳақ қарор топиб, қиличлар яланғочланган. Ундан шернинг инидасақлангандек сақланинг.]<sup>302</sup>

Боло Битикчи Қаймишнинг амирларидан эди. У ҳам айбдор деб ҳисобланганлиги учун ҳибсга олинган, ҳаётидан умидини узган эди. Уни ҳам бошқалар билан биргаликда саҳрога олиб боришиб, ўлдириш учун ечинтирди. Мангу Хоқоннинг онаси Бут Баки<sup>303</sup> қайтадан соғлиғини тиклаши учун бошқалардан ажратиб олиб, унинг ҳаётини сақлаб қолди. *Шеър:*

[Осмон у ердагиларга тор бўлиб қолганида қиличлар ва найзалар орасида бир чиқиш жойи топилади]

Битикчининг жони сақлаб қолинган бўлса ҳам унинг мол-мулки ва аёлларига қўл урдилар. Мўғул ҳукмдорларининг бир одати бор эди. Ўлиши муқаррар бўлган киши қандай бир сабаб билан жонини қутқариб қолса, уни ўлсин деб ё урушга, ёки соғ ҳолатда қайтариб юбормасликларига ишониб, исён кўтарган бирор қавмнинг ёнига

<sup>300</sup> Куръони карим, 46:34.

<sup>301</sup> Курони карим, 6:45.

<sup>302</sup> Абу Таммом тарафидан халифа Мустасимнинг мадҳ этилиши ҳақида ёзилган касиданинг дастлабки байтлари.

<sup>303</sup> Бут Бакининг Сурхтун Баки Тулуйнинг бева хотини ва Мангу Хубилой ва Хулоқунинг онаси.

элчи қилиб жўнатардилар, ёхуд касалликдан ўлиб кетишини ўйлаб, об-ҳавоси жуда иссиқ бўлган бир жойга юборардилар. Боло Битикчини ҳам об-ҳавоси иссиқ бўлган Шом (Дамашқ) ва Мисрга элчи қилиб юбордилар. Бу ишда ортиқча роли бўлмаган Соғун эса Ботуга ёрдам берганликда айбланган эди ва бир юз ўн таёқ билан урилиб, жазосини олган эди. Уларнинг суиқасдини фош қилган Такмишга эса ҳадялар берилди. Улуғ Аллоҳисломнинг шарафи билан шарафланганди. Бу воқеа мана шундай тарзда яқунланганидан кейин Ўғунч подшоҳхузурига борди. Подшоҳ уни укаси ўрнига идикут қилди. Бу ҳодиса 650/1252 йилда содир бўлди.

### VIII. УЙҒУР АФСОНАЛАРИГА КЎРА ИДИҚУТНИНГ НАСЛ-НАСАБИ ВА МАМЛАКАТИ

Бундан аввал уйғурлар ҳақидаги китобларда ёзилганларнинг қисқа баёни берилган эди. Лекин уларнинг диний эътиқоди ҳақида эътиборни тортадиган хабарларга ўрин ажратиб, бу мавзуда бир оз гапириб ўтиш пайти келди. Бир уйғур афсонасига кўра, улар дунё юзига чиққан илк жой Ўрхун дарёси қирғоғидир. Бу дарё Қоракурум деган бир тоғдан чиқади. У тоғда Ўктой хон қурдирган шаҳарнинг номи Қоракурумдир. Бу тоғдан бошланадиган дарёлар сони 30 та ва ҳар бир дарёнинг соҳилида бир кавм яшайди. Ўрхун дарёси соҳилида яшаган уйғурлар икки гуруҳга ажралган эди. Улар аҳолиси сони ортгач, бошқа кавмлардек ўзларининг орасидан бир кишини амир қилиб тайинладилар ва унга бўйсундилар. Мана шундай тарзда Бусухон майдонга чиқишига қадар 500 йил ўтган. Бир ривоятга кўра Бусухоннинг бошқа бир исми Афросиёб эди<sup>304</sup>. У ерда бу ном билан аталадиган бир қудуқ ва Қоракурум ёнбағирларида катта бир қоя бор эди. Бу қудуққа Бийжон<sup>305</sup> исмли қаҳрамон ташланган эди. Улардан бошлаб, дарёнинг бўйида эскидан қадимдан Ўрдубалиқ<sup>306</sup>, букун эса Мовубалиқ<sup>307</sup> деб аталган бир шаҳар

<sup>304</sup> Афросиёб – “Шоҳнома”да эронийлар душмани Турон подшоҳи (Турк подшоҳ) деб таништирилади.

<sup>305</sup> Бийжон – “Шоҳнома”га кўра Афросиёб томонидан бир қудуққа камалган афсонавий эронлик қаҳрамон.

<sup>306</sup> Ўрдубалиқ (бошқа бир номи Қорасолоғун) – эски уйғур пойтахти.

<sup>307</sup> Мовубалиқ – сўз мўғулча мову – “ёмон” ва туркча балиқ – “шаҳар” сўзларидан пайдо бўлиб, ёмон шаҳар маъносини билдирди.

бор. У шаҳар яқинидаги мавжуд бўлган қояларга ёзувлар ёзилган<sup>308</sup>. Мен уларни кўрдим. Ўктойхон даврида ўша қоятошларнинг остини қазидилар. У ерда оғзи тош лавҳа билан беркитилган бир қудуқни топдилар. Тошлавҳадаги ёзувларни кўрган хон ёзувларнинг маъносини сўраса ҳам лекин ёнидагилар ўқий олмадилар. Бошқа одамлар ҳам келдилар. Улар ҳеч нарсани тушуна олмадилар. Шундан кейин Хитойдан олимларни чақирдилар. Бу ёзув уларнинг ёзуви эди. Қоятошда мана булар ёзилган эди: “Ўша пайтда Қоракурум дарёлари орасида Тула<sup>309</sup> ва Саланганомли икки дарё бор эди. Бу дарёлар ёнидаги Комлонжу<sup>310</sup> бутунлай афсонавий жой. Ўша икки дарёнинг орасида бир-бирига яқин бўлган иккита дарахт бор эди. Уларнинг бирига “Фасук”<sup>311</sup> дарахтига ўхшайди, меваси ҳам уникадек. Сарв дарахтидек, қишда япроқларини тўкмайди. Нариги дарахтнинг номи эса Турдир. У дарахтлар ёнида иккита катта тоғ бор эди.

Бир куни осмону фалакдан ўша тоғларорасига бир ёруғлик тушди. Шундан кейин тоғлар кундан-кунга тобора катталаша бошлади. Бу ажойиб ғаройиб ҳодисани кўрган уйғурлар ҳайратланиб қолдилар. Улар тоққа катта ҳурмат билан яқинлашганларида у ерда қулоққа жуда хуш келадиган ёқимли куйни эшитдилар. Ҳар куни кечаси ўша ёруғлик атрофида 30 марта чакмоқ чақарди. Уйғурлар яна бир кун ўша жойга борганларида эса у ерда алоҳида қурилган бешта чодирни кўрдилар. Уларнинг ҳар бирида биттадан сут эмадиган ҳали сутдан чиқмаган бола яшарди. Ва чақалоқларни ҳар бирининг рўпарасида уларни тўйдирадиган даражада ичида сути бор бўлган эмизик осиглик эди. Бундан ташқари чодир заминига қумуш тўшалган. Барча қабилалар амирлари билан биргаликда бу ажойиб ахволни кўриш учун ўша жойга тўпландилар. Ҳурмат ва тавозе кўрсатилди. Болалар олдида тиз чўқдилар. Кейин эса уларни олиб, энагаларга омонат қилиб бердилар. Ва уларни боқиш борасида ғай-

<sup>308</sup> Бу балки уйғур подшоҳи Ой Тангри билан Тутғулмиш Алп Билгани мадҳ этиш учун уқтилди (туркча, хитойча ва сўғдча) ёзилган машҳур китобадир. Тошга ўйиб ёзилган (қаранг, Grousset, Empire Steppes, 174) ёзувнинг хитойча таржимаси учун қаранг: Radloff, die altürkischen Inschriften der Mongoli. 268-291 pp. Schlegel Die Chineses Che Inschrift auf dem uighurischen Denkmain Kara Balasagun.

<sup>309</sup> Тугла ёки Тула.

<sup>310</sup> “Маркуваргга кўра (uber das Volkstum der Komänen 59-60с.) Комлонжу томонан бутунлай афсонавий жой. Чунки матнда айтилганидек, Тула билан Саланга бир-бирлари билан бирлашмайди. Хотирланган жой балки бугунги Икки ўқуз шаҳрининг яқинида мавжуд бўлган кичик бир шаҳар бўлиши мумкин.

<sup>311</sup> Фасук – Сибир ноки.



рат қилдилар. Болалар катта бўлишиб, гапаша бошлаган пайтларида ота-оналарини сўрадилар. Улар ҳам ўша дарахтларни айтгач, болаларни олиб ўша жойга кетдилар. Болалар дарахтларга бола ўз ота-онасига қилганидек муносабатда бўлдилар. Уларга нисбатан ҳурмат ва севги кўрсатдилар. Бундай вазиятда тилга кирган дарахтлар: “Тўзал ахлоқлар билан безанган хайрли фарзандларгина ўзларининг ота-оналарига мана шундай тарзда муомала қиладилар. Ота-онанинг ҳурматини сақлаган умрингиз узун, бахтингиз доимий бўлсин” дедилар. Шундан кейин теварак атрофдаги ҳамма қавмлар ўша болаларга худди шахзодаларга қилгандек муомала қилдилар. Қайтиб кетганларидан кейин уларнинг ҳар бирига исм қўйдилар. Уларнинг энг каттасига Сункур тегин, иккинчисига Кўтур тегин, учинчисига Тукел тегин, тўртинчисига Ўр тегин, бешинчисига Буку тегин<sup>312</sup> исмларини қўйдилар. Ўзлари кўрган фавқулодда ҳодиса таъсирида қолиб, уларни Улуғ Тангри томонидан юборилган деб ўйлаб, орасидан бирини подшоҳ қилишга аҳд қилдилар. Букухон ақл чехраси гўзаллиги жиҳатидан бошқасидан устун бўлиши билан биргаликда ҳамма қабилалар тили ва ёзувини ҳам билар, ҳаммаси унинг подшоҳ бўлиши борасидаги бир хил фикрга келдилар. Ва уни қутлаш учун байрам тантанаси ташкил қилдилар.

Букухон тахтга ўтиргач, ўзининг адолат кўргазмаси билан зулм саҳифаларини ёпди. Мол-мулки билан одамларининг сони тезда ортди. Улуғ Тангри унга бутун тиллари билан учта қарға юборди. Бу қарғалар муҳим воқеаларни жойида ўрганиб, унга хабар олиб келардилар.

Бир куни кечаси Буку уйида ухлаб ётганида панжарадан бир қизнинг хаёлий шарпаси кириб уни уйғотди. Лекин у кўрққанидан ўзини ухлаётган қилиб кўрсатди. Иккинчи кеча ҳам яна шу воқеа такрорланди. Вазирнинг берган аҳдига мувофиқ учинчи кеча ўша қиз билан биргаликда Оқтоғ деб ном берилган тоққа кетиб, у ерда тонг шафақиға қадар сухбатлашди. Бу ҳолат 7 йил 6 ой 22 кечакундуз ўша тарзда давом этди. Охирги кеча хайрлашар экан, қиз унга “шарқдан то ғарбгача бўлган ҳамма ерлар сенинг ҳукминг остига киражак, ўз ишингга жиддий бўл ва одамларнинг қадрини бил”, деди.

Шундан кейин Букухон аскарларини тўплади. Улардан 300 минг танланган одамларини Сункур тегиннинг қўмондонлигида мўғул ва қирғиз томонга юборди. Кутур тегин қўмондонлигидаги

<sup>312</sup> *Тегин* – туркчада шахзода ёки бек; қабила, қавм бошлиғи.

100 минг кишини Тонғут томонга, шунча аскар билан Тугал тегинни Тибетга йўллагандан кейин ўзи ҳам 300 минг аскарни олиб Хитойга йўналди. Бошқа бир укасини ўзининг ўрнига қолдирди. Ҳаммаси кетган жойларида ўз мақсадларига эришиб, катта миқдордаги ўлжалар билан қайтиб келдилар. Ҳар мамлакатдан келтирилган жуда кўп одамлар билан Ўрхун деган жойда Ўрдубалик шаҳрини қурдилар. Шарқ томон бутунлай уларнинг ҳукмронлиги остига кирди.

Бундан бир муддат кейин Букухон бир кеча тушида оппок қиёфада кийинган, қўлида бир ҳасса ушлаган одамни кўрди. Кекса одам унга бир қарағайнинг бутаси катталигида яшма, яъни рангдор тошни бериб: “Агар мана шу тошни сақлай олсанг, дунёнинг ҳамма томони сенинг уйғуринг қўл остига киради” деди. Худди ўша кечаси вазири ҳам ўша тушни кўрди. Келаси куни эрталаб аскар йиғиб, бу сафар Шарқда мавжуд бўлган мамлакатларга қараб тўғри ҳаракат қилдилар. Букухон Туркистонга борган пайтида у ерда суви кўк яшилликлар билан ўралган кенг бир текисликка дуч келди. Жудаям ёқтириб қолган ўша жойда ҳозир Куз балиқ дейиладиган Боласоғун<sup>313</sup> шаҳрини қурди. Кейинчалик эса аскарларини теварак атрофга юборди. 12 йил давомида ўша ердаги мавжуд бўлган барча ўлкаларни фатҳ этди. Бунга қарши бош кўтарадиган ҳеч бир давлат қолмади. То ёввойи одамлар мавжуд бўлган жойларигача етдилар. У ернинг наригитомонида одамзод яшай оладиган бирон жой қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, орқага қайтдилар. Қайтиб келаётганларида фатҳ этган мамлакатлар ҳукмдорларини ўзлари билан биргаликда олиб келиб, хонга ҳадя қилдилар. Букухон уларга мос ярашиқлик тарзда ҳурмат-иззат кўрсатди. Лекин жуда хунук бўлгани учун ҳинд подшоҳини ҳузурига қабул қилмади. Ҳар бирига бир қанча солиқлар солиб, уларни ўз мамлакатларига қайтариб юборди. Энди у ерда қиладиган ортиқ иш қолмагани учун у ердан туриб, эски яшаган жойига қайтди.

Уйғурларнинг бутпараст бўлишлари сабаби мана шудир. Ўша пайтда улар сеҳргарлик санъатини ўрганган эдилар. Сеҳргарлик билан шуғулланганларни эса *шомон* деб атардилар. Шомонлар Шайтон бизга бўйсунди, ёнимизга келиб рўй берган ва рўй беражак воқеани бизга хабар қилади, деб катъий ишонтирадилар.

<sup>313</sup> Боласоғун харобалари Тўқмоқдан 24 км шарқда мавжуд. Кузбалик эса (матнда Қир Бальқ) Куз улус ёки Куз Ўрдунинг бир номи бўлиши мумкин (қаранг: Смирнова, Жомеъу-т-таворих, Б.182).

Уларнинг аҳволини кўрган ва эсларида қолган кишилар менга мана шундай дедилар: “Шайтонлар уларнинг чодирлари олдига келиб гаплашишармиш. Баъзиларининг ёмон руҳлар билан алоқаси бор. Шомонлар ишларни энг аъло даражада қила оладиган пайт бу табиий шахватнинг сўнган вақтидир. Бу ишлар билан машгул бўлган одамларни шомон дейдилар. Уйғурлар илмсоҳасида орқада бўлганликлари учун қадимдан бери шомонлар гапларига кўра ҳаракат қилдилар. Ҳозир ҳатто шахзодалар ҳам уларнинг айтганларига ишонадилар. Муҳим бир ишни бошламасдан аввал мунажжимлар ва шомонлар билан маслаҳатлашадилар. Уларнинг фикрларини олмасдан иш бошламайдилар. Шомонлар беморларни ҳам даволайдилар”. Хитойда бир бутпараст бор эди. У хонга бир элчиюбориб, туйин<sup>314</sup> деган дин катталари билан мунозара қилишга даъват қилди. Илгари бўлган мунозара шартига кўрақайси томон мунозарада ютиб чиқса, қарши томон унинг динини қабул қиларди. Туйинлар китобига “нўм”<sup>315</sup> дерлар. Бу туйин сўзларини ўз ичигакамраб олган китобдир. Унда фойдасиз ҳикоялар ва ривоятлар бўлишига қарамасдан жабр, ситам ва зулм қилишдан ўзини тийиш, одамлар ва ҳайвонларга нисбатан яхши муомалада бўлиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш каби бутун барча пайғамбарлар динлари ва шариятларига мос келадиган яхши ўғитлар ҳам бор. Уларнинг динлари ваътиқодлари ҳар хил бўлса ҳам деярли уларнинг барчасида “таносух” инончи ҳокимдир. Бу инончга кўра, одамзот мингларча йиллар аввалўртага чиққан. Улардан хайрли ишларни қилган ва тоат-ибодат билан машгул бўлганлар руҳлари қилган амалларига қараб яна туғилади. Табақаларга ажратилиб, подшоҳлик ва дарвишлик каби мақомларга эришадилар. Одам ўлдирган, ўғирлик қилган, халққа жабр-ситам етказган ёки бошқа ёмон ишлар қилганлар руҳлари ҳашаротлар, йирткич ҳайвонлар шаклига кириб азоб ичида қоладилар. Лекин бу инонч жаҳолатнинг белгисидир. “Ҳақиқат бўлмаган нарсаларни гапирадилар”. Бу мунозарада шомонлар енгилдилар ва қарши томондинини, яъни бутпарастликни қабул қилдилар. Қавмларнинг кўпчилиги ҳам уларга итоат қилдилар. Шарқ томони бутпарастлари ўтамутаассиб бўлиб, улар орасида исломга ўтиб кетган қавм йўқ. Улар Букуҳон вафотигача бахтли

<sup>314</sup> Туркча йўл кўрсатувчи маъносини билдирувчи бу сўз будпараст роҳиблар учун ишлатилади.

<sup>315</sup> Будпарастларнинг дхармаси. Сутлчадан мўғулчага кирган ва ундан уйғур тилига кириб қолган бу сўз мўғул тилида китоб маъносига қўлланилади.

ҳаёт кечирди. Уйғурлар жоҳил инончларидан юздан бириниёздик, холос. Бундан кўзланган мақсад эса ўша қабиланинг илмсизлигини кўрсатиш эди. Бир дўстим менга қуйидагиларни ҳикоя қилди: “Бир китобда ўқиганимга кўра, бир замонлар бир киши бор экан. Юқорида ҳикояқилган иккита дарахтнинг орасидаги бўш жойга бир чодир қурган эди. Ўзи болаларини ўша жойга қўйиб, атрофига чироқлар ёқди. Каромат беазаги берган бу ҳолатни кўрсатиш учун ўша ерга бир неча одам олиб келди. Болалари олдида аввал ўзи тиз чўкиб ҳурмат кўрсатди. Олиб келган одамларига ҳам ўзидек муомала қилишни айтди. У жоҳил гуруҳ унга ишонгандек, болалар олдида ўзларини ерга ташладилар. Сўнгра болаларни олиб, катта ғайрат билан тарбиялаб улғайтирди ва ораларидан бирини хон қилиб кўтардилар”. Бир давр келдики, уйғурлар ва уларга тобе бўлган қавмлар отлар кишинашидан, туялар бақиришидан, ваҳший ҳайвон ва итлар увиллашидан, сигирлар мўрашидан, қўй ва эчкилар марашидан, қушлар сайрашидан, болалар йиғлашидан, бир сўз билан айтганда, ҳамма нарсадан “кўч, кўч” деган овозлар эшита бошлади. Шундан кейин жойларидан узоқлашдилар. Бориб жойлашган ҳамма жойларда ўша овозни эшитавердилар. Ниҳоят бир жойга келганларида ўша овоз тўхтади. Ўша жойда ўрнашиб, беш маҳаллани бир шаҳар қурдилар. Шаҳарга Бешбалик номини бердилар. Шаҳар кундан-кун катталашди. Ўша жойга илк маротаба жойлашган болалар ўша кундан бошлаб, шу жойда амирликқилиб келмоқда. У ернинг амирига идикут номи берилади. Бешбалиқда мавжуд бўлган ҳар бир уйда сеҳрли эканлигига ишонган дарахтнинг бир парчаси бор.

## IX. КУЧЛУГ<sup>316</sup> ВА ТУКТЎҒОН<sup>317</sup> ҲАЁТИ

Чингизхон Ўнхонни енгандан кейин Ўннинг ўгликатта бир гуруҳ билан ўзининг қавмидан қочди. Бешбалик йўлидан Кужо ўлкасига кетди. Бир оз муддат ўша ердаги тоғларда оч, сувсиз ҳолда кезиб юрди. Ёнидагилар уни ташлаб кетдилар. Бу пайтда Гурхоннинг<sup>318</sup> аскарлари уни ушлаб олиб, Гурхонхузурига олиб бордилар. Бир ривоятга кўра, у билан Гурхоннинг ораси бузилди. Шарқдаги амирлар ҳам Гурхонга қарши оёққа туриб, Чингизхонга мурожаат

<sup>316</sup> Кучлуг – Ўнхон эмас. Найманлар подшоҳи Таянч хоқоннинг ўғли.

<sup>317</sup> Туктўғон – бу бўлимда гоҳ ота, гоҳ ўғил тарзида ишлатилади.

<sup>318</sup> Гурхон – қорахитой подшоҳларининг ишлатган унвони.

қилиб, ундан паноҳ истадилар ва Гурхонғазабидан қутилдилар. Шундан кейин Кучлуг Гурхонга “Менинг қавмим кўпчилик. Улар Имил, Қоялиғ ва Бешбалиқўлкаларида тарқоқхолда яшайдилар ва келган-кетганнинг хужумига учрайдилар. Агаррухсат берсангиз, сизнинг амрингиздан ташқарига чиқмайман ва ёнингиздан асло айрилмайман” деб, ялтоқланиб Гурхонни алдади. Гурхон унга бир қанча ҳадялар билан бирга Кучлугхон лақабини ҳам берди. Орадан кўп вақт ўтмасдан Кучлугхон ёйдан ўқ учганидек учди ва Гурхонга қарши исён кўтарди. Кучлугнинг исён кўтаргани хабари ҳамма ёққа ёйилгач, Қорахитой кўшинидаги тарафдорларихам келиб, унинг ёнидан жой эгалладилар. Бундан кейин Кучлуг фатҳга киришиб, ўз ерларини Имил ва Койолиғ чегараларига яқинлаштирди. Чингизхон хавфидан қочган Макрит<sup>319</sup> амири Туктўғон билан бирлашди. Аввал тарқалиб кетган аскарларикайтадан унинг атрофига тўпланиб, у ерларни талон-тарожқилдилар. Аскарлари сони ортиб кучайгач, Гурхонга томон бурилди ва унинг ерларига хужум қила бошлади. Бу пайтда Султон<sup>320</sup> муваффақиятини эшитган Кучлугхонга элчи юбориб, мана бундай таклиф қилди: Султон Гурхонга ғарбдан, ўзи шарқ томондан хужум қилмоқчи эди. Агар Султон аввалроқ ҳаракат қилиб, Гурхонни йўққилса, Олмалиқдан Қашғаргача бўлган Гурхоннинг ерлари уники бўлади; Кучлуг аввалроқ ҳаракат қилиб, Гурхон кўшинини енгиб, Қорахитойни қўлга киритса, у ҳолда Фанокот<sup>321</sup> ирмоғига қадар бўлган ерлар ўзига қолдирилажак эди. Бу мавзуда келишиб олдилар. Икки томондан Қорахитойга қараб ҳаракат қилдилар. Кучлуг эрта келиб, Гурхон кўшинини бузғунга учратди ва Ўзкантда<sup>322</sup> сақланаётган хазинани талади. Сўнгра Гурхонни ушлаш учун Боласоғунга кетди. Синух<sup>323</sup> қирғоғида бўлган жангда Кучлуг енгилди ва одамларининг кўпчилиги асир олинди. Бу жангдан соғ-омон қутулган Кучлуг орқага чекиниб, аскар тўплай бошлади. Гурхоннинг Султон билан қилган жангидан кейин

<sup>319</sup> *Макрит қавми* – китобнинг баъзи жойларида “маргит” сифатида учраган бу қавм мўғулларнинг бир гуруҳи бўлиб, аскарларининг кўпчилик эканлиги, жасур курашчи бўлишлари билан танилган эдилар (қаранг: Жомеъ-т-таворих, Березин нашри, 1-жилд, Б.90).

<sup>320</sup> *Султон* – Мухаммад Хоразмшоҳ.

<sup>321</sup> *Фанокот* (ёки Банокат) – Оҳангарон тоғининг ёнида Сайхун дарёсининг ўнг томонида бўлган бир жой. Балки Жувайний бу ерда сўзни Сайхун дарёси учун ишлатгандир.

<sup>322</sup> *Ўзкант* – Сайхун дарёси бўйидаги Сигноқ билан Жанг орасидаги бир шаҳар.

<sup>323</sup> *Синух* (матяда Хоснух сифатида учрайди). Бу бир дарёнинг ёки тоғнинг ҳам номи бўла олиши мумкин.

сулх тузиб, орқага қайтаётганлигини эшитгач, пистирма киритди. Сўнгра Гурхондан бир қиз истади. Найман қабиласининг кўпчилиги насроний эди. Унга турмушга чиқмоқчи бўлган қиз Кучлугнинг бутпараст бўлишини хоҳлади. Кучлугхон ҳам унинг истағига бўйин эгиб, насронийликдан воз кечиб бутпараст бўлди. *Шеър:*

[Бут шаклига кириб мени қул қилди. Авваллари ҳам бошимга бундай савдолар тушганди. Севги оташи қалбимни ёқиши муҳим эмас. Чунки оташ бутга сиғинган киши ҳаққидир]

Кучлугхон Қорахитой ўлкасига ўрнашиб олгач, Олмалиқ хони Ўзар билан бир неча маротаба жанг қилди. Охирида уни бир ов пайтида ушлаб олиб ўлдирди. Бу пайтда Қашғар ва Хўтан халқи ҳам исёнқўтарди. ГурхонҚашғар хонининг ўғлини қамокқа олган эди. Кучлуг уни асорат занжиридан қутқариб, қайтадан Қашғарга жўнатди. Лекин Қашғар амирлари уни шаҳарга кираётганда ўлдирдилар. Шу туфайли Кучлуг ҳосилларни йиғиш вақтида уларни ёкиб юбориш учун Қашғарга аскар юборди. Аскарлар ҳосилларни ёкиб юбордилар. Уч-тўрт йил омборга кирадиган ҳосилда катта етишмовчилик бўлди. Қаҳатчилик, очарчилик рўй берди. Очарчилик ва қимматчиликдан иложсиз, чорасиз қолган халқ Кучлугнинг амрига бўйсунушга аҳдқилди. Қарордан хабар топган Кучлуг ўзининг қўшини билан биргаликда Қашғарга кетди. Эркак кишиси бор ҳар бир хонадонга аскар юборди. Шаҳар эркакларининг ҳаммасини бир жойга тўпладилар. Уларга зулм қилдилар. Аллоҳга ширк келтирган бутпарастлар барча истак-хоҳишларини бажардилар. Уларнинг истакларига қарши чиқишга ҳеч ким журъат эта олмади. Кучлуг бу ердан чиқиб, Хўтанга кетди ва у ерни фатҳ этди. Бу ўлканинг халқини Мухаммад (с.а.в.)нинг динидан қайтишга мажбур қилди. Насронийлик, бутпарастлик ёки хитойликлар динини танлашларини сўради. Хўтанликлар бошқа танлайдиганлари бўлмаганлиги сабабли чорасиз хитойликлар динини танлаб, унга эътикод қилдилар. Бу мавзуда улуғ Аллоҳ мана бундай буюради: “Заруратан, мажбур бўлса (очлик танлиги юзасидан тановул қилса) унга гуноҳ йўқдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир”<sup>324</sup>. Шундан сўнгра муаззинлар азони, иймон қилганлар дуоси тўхтади. Мадрасаларнинг эшиклари қулфланиб, улар йиқилишга қолдирилди. Кучлук бир куни шаҳар имомларидан кўзга кўринганларини майдонга олиб бориб, уларни ракиблари билан дин мавзусида мунозара қилдирди.

<sup>324</sup> Қуръони карим, 2:173.

Имомлардан Алоуддин Муҳаммад ал-Хўтаний билан Кучлуг орасида тортишув келиб чиқди. Имомнинг берган жавобларига чидай олмаган Кучлуг уни мадраса олдига остирди. Бу ҳодиса ўша ўлкада имомнинг номини доимо хайр билан эсланишига сабаб бўлди. Шундан сўнгра мусулмонлар иши тескари кета бошлади. Аллоҳ бандалари устига зулм ва ёмонлик ёғди. Таъсирли дуолар ҳамма ерда эшитила бошлади. *Шеър:*

[Ё Рабб, фиръавн сенга исён қилган ва одамларни йўлдан оздирган пайтда сен унга лутф қилдинг. Сен ҳамма нарсадан хабардор бўлган лутф қилувчисан. Уни денгизнинг остига олиб ҳалок этдинг. Унга нима бўляптики, ҳозир фақат қилганлари билан хотирланяпти ва даврнинг ўтишидан таъсирланмаяпти? Фалак хоҳлаганини қилади. Ё Рабб, сенинг кучинг-куватинг йўқми? Уни йўқ қил, чунки мулк фақат сеникидир]<sup>325</sup>

Дуо ўқи нишонга тегди. Султонга қарши жангга кетган Кучлугнинг зулм ва ёмонликларини йўқ қилиш учун Чингизхон Хўтанга қўшин юборди. Кучлугмўғул қўшинининг етиб келганлигидан хабар топгач, қўрққанидан қочиб кетишни афзал кўрди. Мўғул аскарлари унинг кетига тушдилар. Мўғуллар Қашғарга киргач, азон, такбирва намозни эркин қилдилар. Ҳар бир одам ўз дини ва урф-одати талабларини бемалол эркин тарзда қила олишлари мумкинлиги ҳақида жарчига айттирдилар. Биз ўша қавмнинг борлигини Тангри раҳматларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Кучлуг қочиб кетганлиги ҳақидаги хабар маълум бўлгач, мусулмонлар уйларига жойлашиб олган қофирлар бир зумда ўша жойлардан қочиб, тупроққа қоришиб йўқ бўлдилар. Мўғул қўшини Кучлуг кетига тушди. Уни қадамма-қадам таъқиб этди. Қутирган итни қувлагандек, уни қувладилар. Кучлуг Бадахшон ўлкасида бўлганида Дараи Дирозий деган бир водийда оққан Сарик Сўпон ирмоғининг қирғоғига боргач, йўлдан адашди. У ерда бемақсад кеза бошлади. Қайтиб чиқиш мумкин бўлмаган бир дарага кирди. Ўша пайтда бадахшонлик овчилар шу атрофда ов қилаётган эдилар. Мўғул қўшини ҳам етиб келди. Дара жуда тор бўлганлиги учун у ерда юриш қийин эди. Буни кўрган мўғуллар овчиларга дарадаги Кучлуг ва унинг одамларини кўрсатиб: “Агар уларни тутиб бизга олиб келсангиз, бу ерда ҳеч бир қиладиган ишимиз қолмайди, сизга

<sup>325</sup> Аҳмад б. Абу Бакр Котибнинг сомониёлар вазири Абу Абдуллоҳ ал-Жайхонийга ёзган ҳажвий қасидасидан.

зарар бермасдан бу ерни тарк этамиз”, – дедилар. Уларга ишонган овчилар Кучлуг ва одамларини ушлаб келиб, мўғулларга топширдилар. Мўғуллар унинг бошини кесиб олиб кетдилар. Бадахшонлик овчилар ҳам Кучлугнинг хазинасига қўл уриб катта ўлжа билан уйларига қайтдилар. Бу ҳодиса яна бир маротаба шуни кўрсатмоқдаки, Муҳаммад(с.а.в.) динига ҳужум қилган киши ҳеч қачон ҳузур-ҳаловат ва бахтлилик юзини кўролмайди. Унинг динига ҳурмат кўрсатган одам ўша диндан бўлмаса ҳам иши ўнгланиб кетади ва мавқеи юксалади. *Шеър:*

[Аллоҳнинг ёкқан чироғини пуфлаганнинг соқоли куяди. “Улуг Аллоҳ шундай буюради: “Улардан аввал неча аср (кишилари)ни ҳалок этганимизни кўрмадиларми? Уларга Ерда сизларга бермаган имкониятларни бердик, устларига осмон ёмғирини ёғдирдик ва остларидан анҳорларни оқизганэдик. Бу гуноҳлари сабаб уларни ҳалок қилдик ва улардан кейин бошқа аср (кишилар)ни келтирдик”]<sup>326</sup>

Худди мана шундай тарзда Султон мамлакатига қадар Қашғар ва Хўтан ўлкалари жаҳон фотиҳи Чингизхон ҳукми остига кирди. Кучлуг қочиб кетганидан сўнгра ундан ажраган Тўктўгон Қамжиқудга<sup>327</sup> кетган эди. Чингизхон Кучлугни ўлдиргандан кейин катта ўғли Жўжиге Тўктўгон балосини йўқ қилиш вазифасини топширди. Жўжи унинг изини ҳам қолдирмади. Жўжи бу сафардан қайтиб келаётганида Султон унинг кетидан эргашди. Жанг қилмасдан у ерни тарк этишни хоҳламаса-да, султон фалокат ва таҳликага ташна бўлгандек жангга кирди. Шу туфайли ҳар икки томон ҳам ҳужумга ўтди. Икки томоннинг ҳам ўнг қанотлари ғолиб чиқди. Аскарлар жуда чарчаган эди. Жўжи бутун кучи билан Султон турган қўшиннинг марказига ҳужум қилди. Султон ушлаб олиниши арафасида ўғли Жалолиддин уни мушкул, оғир вазиятдан қутқариб қолди. *Шеър:*

[Дунёда отасининг олдида қўл қовуштириб, амрини тайёр ҳолда кутиб турган бир ўғлон йигитдан янада яхшироқ нима бор?]<sup>328</sup>

Ўша куни Жалолиддин қуёш ботиб, дунё гуноҳқорлари юзи ва қудуқнинг қаъри каби қоронғулик қоплангунга қадар отасининг ўрнида жанг қилишда давом этди. *Шеър:*

<sup>326</sup> Қуръони карим, 6:6.

<sup>327</sup> Қамчиқ - Мўғулистон шимолида Қирғизистон чегарасида Енисей (Энасой) ирмоғига қўшилган, бугун ҳам ўша ном билан эсланадиган дарё. Қамчиқуд - бу дарёнинг агрофида яшаган қавмга берилган ном.

<sup>328</sup> Шохнома, Вуллери нашри, 1632. 1-жилд. Б.2408.



[Ўтган тунда ер юзи қуёш аскарларини тузоққа туширгач, дунёдаги аҳоли яшайдиган жойлар фақир кулбаси каби қорайди. Тўғри айтдинг, қора бир соя қўланка осмонга томон юксалди]

Оқшом пайти аскарлар қиличларини қинларига солиб, дам олдилар. Эрталаб мўғул қўшини жангни ташлаб орқага чекинди. Жўжи Чингизхонга Султоннинг қўшини канчалик кучли ва кўпчилик эканлигини тушунтириб берди. “Бу билан баробар қаршимизда тура оладиган ҳеч қандай қўшин йўқ”, – деди. Янги бир қўшин тайёрлаб Султоннинг устига юриш қилди. Ўша пайтда Султоннинг мўғуллардан бошқа душмани қолмаган эди. Гурхон бутунлай енгилмаган эди. Лекин унинг ҳам охири яқин эди. Унинг хонлари ва амирлари ҳам ҳаракатлана олмайдиган ҳолатга келгандилар. Ҳар бир ишнинг бир пасайиши ва кўтарилиши бордир. Ундан уёғига ақл бовар қилмайди.

## Х. ЗОҲИД АЛОУДДИН МУҲАММАД АЛ-ХҲҲТАНИЙ

[Аллоҳ раҳмат айласин]

Кучлуг Қашғар ва Хўтанни олгач, насронийликни ташлаб бутпараст бўлди. У шаҳар халқини ҳанафий мазҳабидан чиқариб, тўғри йўлдан адашган бутпараст эътиқодига киритишга, ҳидоят нурлари зиёсидан узоқлаштириб, куфр ва жаҳолат даҳшатига тортишга, раҳмли Аллоҳга итоатни ташлатиб, тошбўрон қилинган шайтонга итоат қилдиришга ҳаракат қилди. Хоҳишининг амалга ошмаганини кўргач, у зўравонлик йўлига ўтиб олди. Шундан кейин чорасиз қолган халқ бутпарастлар бош кийимларини кийиб, улар қиёфаларига киришга мажбур бўлдилар. Намоз ва азон овозлари йўқ бўлди, такбир ва дуо овозлари тўхтади. *Шеър:*

[Ҳақиқатнинг ошқор бўлганидан кейин йўқ қилинишини қутадиларми? Қолбуки, ҳақиқатнинг кучли ва соғлом боғланган бир тугуни бордирки, у ечилмасдир]

Зўравонлик ва зулм билан Муҳаммад (с.а.в.) динига ишонганлар овозини ўчирди ва уларни ўз эътиқодига бўйсунтиришга имкон бермади. *Шеър:*

[Амалга ошириб бўлмайдиган бир ишни қилишни истасанг, кучли бир гирдоб ўртасига иморат қурмоқчидек бўласан]<sup>329</sup>

<sup>329</sup> Абул Ҳасан Али б. Муҳаммад ат-Тихомийнинг ўғлига айтган насиҳат шеърдан.

Кучлуг олим ва фозилларни майдонда тўплаш учун жарчи орқали хабар қилдирди. Майдонга тўпланган уч мингдан ортик одамларга қараб шундай деди: “Мен билан динлар ва мамлакатлар ҳақида тортишувга кириша оладиган, гапларини мендан тортинмасдан айта оладиган, ғазабим ва жазолашимдан қўрқмайдиган бирор кимса бор бўлса, ўртага чиқсин”. У буларни гапирар экан, ҳеч кимнинг ўзи илгари сурган далилларини рад қилиш учун ўрнидан турмаслиги, ғазабдан қўрқиб, ўзини бало-қазо оловига ташламаслиги, аксинча, ҳамма ўзининг қарашларини маъқуллаб, жоҳил қарашни қабул қилдиришни бузук ҳаёлидан ўтказаетган эди.

Фақат у кутганидек бўлмади. Имомлар орасида Ҳақнинг имом ва шайхи бўлган Алоуддин Муҳаммад ал-Хўтаний, Аллоҳ қабрини нурга тўлдирсин, ўрнидан туриб, Кучлугнинг олдига келиб ўтирди. Ҳақиқатни кўрсатиб бериш учун жойини эгаллади. Ниҳоят, динлар ҳақидаги тортишув бошланди. Имом ҳеч тортинмасдан ҳақиқатни гапирди. Бундай ҳолат қаршисида Кучлугнинг овози чиқмади. Охирида Ҳақ ботилнинг, олим жоҳилнингустидан ғалаба қозонди. Хайрли Имом Ҳақнинг раҳматидан қувилган Кучлугни мушкул аҳволда қолдирди. “Ҳақ зоҳир ва порлоқдир. Ботил эса запилдир”.

Ўша гуноҳкор гап-сўзлари ва ҳаракатларида шундай бир қўрқув, саросима ҳукмрон бўлдики, у нима қилишини билмай қолди. Тили тутилиб дудуклана бошлади. Оғзидан Ҳаққа, шариатга сиғмайдиган сўзлар тўкила бошлади. Бундай ҳолат бир оз муддат давом қилди. Унинг бундай ғазабли ҳолати имомни қўрқитмади. Имомнинг кучли далиллари ишончилиги туфайли Кучлугнинг бўш ва ёлғон гапларига кўз юммасдан баланд овозда шундай деди: “Эй дин душмани, маъьун Кучлуг оғзингга тупроқ тўлсин”. Бу оғир гап ўша кибрли мажусий, гуноҳкор кофир, жирканч одамнинг қулоғига етиб боргач, уни ушлашлари, исломдан қайтиб бутпарастлик йўлини танлагунича унга азият етказишларини буюрди. “Сизларга ваъда қилинган нарса жуда-жуда узоқдир”, деди. “Аллоҳнинг нури тушган жой шайтоннинг уйи бўла олмайди”. Уни бир неча кеча-кундуз занжирлаб қўйдилар ва ялғонч, оч ва сувсиз ташлаб қўйдилар. Дунёвий озиқ-овқат ва ичимликларни ундан узоқ тутдилар. Ҳеч шубҳасизки, “Раббимнинг ёнида меҳмонман. У мени тўйдиради ва сув беради” зиёфатига меҳмон эди. Бу мусулмон имом Самуд қавмидаги Жиржиснинг зулм ва азиятига дучор бўлган Солих ва Ёқуб каби эди. Пайғамбар (с.а.в.) шундай буюради:

“Бало, офат аввал пайгамбарларга, сўнгра авлиёларга, ундан ҳам кейин эса уларга ўхшаганларга вакилдир”. Имом худди Айюб каби сабр килди. Юсуф каби зиндоннинг тубида жидду жаҳд килди. У содиқ ва ошиқ одам мусибат тиканини севги бўсаси ўларок қабул килди. Ўзига нисбатан қилинганларни катта бир ўлжа ва ўлчовсиз бир яхшилик деб ҳисоблади. Хоҳ шифо, хоҳ алам келсин, Сендан нимаики келса, хуш келди дейди, севгилининг қўлидан чиқиб жон оғзига етишган ҳар заҳар “Заҳар ёрнинг ҳовучидан ичилар” сўзининг ҳукмига кўра, унга асалдан ҳам ширин туюларди. *Шеър:*

[Дўстнинг қўли билан менга заҳар ичирилса, унинг қўлидан бўлганлиги учун менга у ёқимли таъсир қилади]

Нурли бир қалб илоҳий нурлар билан ойдинланиб чароғон бўлгач, ҳар турли азоб ва исканжа унинг иймонини орттиради. *Шеър:*

[Дўстга қовушишни истасанг, бало-қазога тайёр бўлишни кўзда тут - чунки тикан ва гул бир жойда бўлади. Дўстингнинг қишлоғига боришни истасанг, менлигини ташла. Чунки у ерга бора олиш фақат таҳликани кўз ўнгингда тутиш орқалигина мумкин бўла олди]

Кучлуг адашган қавми динидан қайтариш учун турли ҳийлага қўл урди. Хуш ваъдалар билан таҳдид ва исканжа билан ўз ишларини давом қилдирди. Имом ташқи кўриниши ички дунёсининг ойнаси бўлганлиги учун иймонидан заррача ҳам воз кечмади. Шу сабабли уни Хўтандаги ўзи қурдирган мадраса олдида қўл-оёқларини бутга тортиб михладилар. Чор михга тортдилар. Ўлимидан аввал калимаи такбир ва шаҳодат келтирганидан сўнг ўша ердагиларга мана буларни гапирди: “Бу дунёда сизга берилажак жазолар туфайли динингизни ташлаб ўзингизни абадий қолажагингиз жаҳаннам азобига ташламанглар. Абадий бир нарсдан кўра ўткинчи бир нарсани афзал кўриш жуда катта йўқотиш бўлади. Кичик болаларнинг ўйинчоғи бўлган бу дунёнинг роҳат ва хузурини нариги дунёнинг роҳат ва хузурига шерик қилганлар алданади. Улуғ Аллоҳ шундай буюради: “Бу дунё ҳаёти фақат беҳуда ўйин-кулгудир. Тақволилар учун эса охираат диёри яхшидир.”<sup>331</sup> Шундан кейин у ўз жонини Аллоҳга таслим қилди. Бу дунё зиндонини тарк этиб, жаннат боғларини сайр қилди. Бу пасткаш дунёдан кўтарилиб осмонларга юксалди. *Шеър:*

<sup>331</sup> Қуръони карим, 16:30.

[Дўст дўстга, севгили севгилига қовушди. Дунёда бундан ҳам яхшироқ нима ҳам бўла оларди? Ўз ғоясининг бўйнига маҳкам осилишни истаган киши, ўрни келганда, ўзини бало ўқларининг қаршисига қалқон қила олиши ҳам керак]

Бу воқеадан қисқа вақт ўтгандан кейин улуғ Аллоҳ Кучлугни ўзининг ёмонликлари билан биргаликда бу дунёдан хайдади. Мўғул кўшинини унинг бошига мусибат қилиб юборди. У бу дунёда қилган гуноҳлари, ёмон хатти-ҳаракатларига мос тарзда жазосини олди ва жаҳаннам азобига дучор бўлиш охираатга равона бўлди. *Шеър:*

[Ҳидоят зафар қозонганидан бери динсизлик ҳазрати Иброҳим динини йўқ қила олмаслигини билади]

Улуғ Аллоҳ “Зулм қилганлар яқинда қандай оқибат сари кетаётганларини билиб олулар”<sup>332</sup> деб буюрган.

## XI. ОЛМАЛИҚ, ҚОЯЛИҚ ВА ФЎЛОД<sup>333</sup> ЎЛКАЛАРИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ АМИРЛАРИ

Гурхон даврида бу ўлкалар бошқарувчиси қояликлик Арслонхон эди. Гурхоннинг обрўси туша бошлагач, унга тобе бўлган амирлар бош кўтара бошладилар. Хўтан султони ҳам Гурхонга қарши исён кўтаргач, Гурхон унинг устига юриш қилди. Сафарга чиқишидан аввал Арслонхондан ёрдам сўради. Гурхоннинг аввалдан бери Арслонхонга душманлиги бор эди ва ичида уни ўлдириш йўллари изларди: “Агар у ҳам бошқа амирлардек рози бўлмасдан қарши туриб бош кўтарса, ёрдам кучларини юбормаса, у ҳолда устига юриш қилиб уни йўқ қиламан. Бу даъватга рози бўлсаю, лекин Мусулмонларни ҳимоя қилса ва Хўтанни олиш учун жону тани билан ҳаракат қилмаса, шу сабабли унинг жонини оламан”, – деб хаёлидан ўтказди. Арслонхон Гурхондан олган амрига бўйсуниб, унинг ёнига кетишга тайёрланган бир пайтда аввалдан бери дўст бўлган Гурхоннинг амирларидан ҳисобланган Самур Тайонгу<sup>334</sup> Арслонхонга Гурхоннинг унинг ҳақидаги ўй-фикрларидан хабар

<sup>332</sup> Қуръони карим, 26:227.

<sup>333</sup> Олмон шарқшуноси Бретштейдерга кўра, Обинор қулига куйилувчи Қоратол дарёсининг бир ирмоғи атрофида бўлган водий.

<sup>334</sup> Тайонгу – туркчада сарой назирларига берилган ном.

бериб шундай деди: “Агар у хоҳласа сенинг ўчоғингни ўчиради, ўғилларингни ҳам қатл қилдиради, оилангни қутқаришнинг ягона йўли бу ўзингни ўлдириш ва вафосиз дунёнинг безовталигидан қутилишдир. Сен ўлганингдан кейин мен ўрнингни ўғлингга беришларини таъминлайман. “Арслонхон Гурхондан қутилишнинг бошқа йўли йўқлигини тушунгач, заҳар ичиб вафот этди. Ўз ваъдасида турган Самур Тайонгу унинг мақомини ўғлига бердирди. Миннатдорчилик билдириш учун ёнига келган ёш амирга Гурхон эътибор кўрсатиб, ҳадялар берди. Мамлакатига қайтиб келаркан, ёнига маҳсус бир маъмурни кўшиб юборди. Бу пайтда Чингизхоннинг майдонга чиқиши ҳақидаги хабар ва унинг шухрати ҳамма жойдан эшитила бошлади.

Гурхоннинг Арслонхон ўғлига кўшиб юборган одами халққа зулм ва азият етказганлиги сабабли Арслонхоннинг ўғли уни ўлдирди ва вақтни ўтказмасдан Чингизхондан ҳимоя истаб, унга муружаат қилди. Ундан катта эътибор ва ҳурмат кўрди.

Олмалиқда Қарлуқ-Қуяшда Ўзар исми кўркмас одам бор эди. У сурурлардан от ўғирлаб, йўлтўсарлик қилар ва шунга ўхшаш ёмон ишлар билан машғул эди. Кўп сонли дайди, саёқларни атрофига тўплаб, янада кучайди ва ёмонликларини янада оширди. Ўзига итоат қилмаганлар билан жанг қилиб, уларни зўрлаб ўз амри остига олди. Ўша ўлканинг энг аҳамиятли шаҳарлари ҳисобланган Олмалиқ ва Фўлодни қўлга киритди. Кучлугга қарши курашларда муваффақият қозонди. Шу туфайли Кучлугни енганлигини жаҳон подшоҳи Чингизхонга билдириш учун бир канча ҳадялар билан унга элчи юборди. Бундан жуда хурсанд бўлган Чингизхон қилган ишлари учун Ўзарга қимматбаҳо ҳадялар юбориб, уни Жўжининг қизига никоҳламоқчилигини айтди. Элчи қайтиб бўлган гапларни айтиб бергач, у дарров оёққа туриб, Чингизхон ёнига кетди. Чингизхон унга жуда яхши муносабатда бўлди. Қайтиб кетмоқчи бўлган пайтда ов қилишдан узоқ туришни, ов қилайин деган пайтда ўзининг овланиши мумкинлигини айтди. Кўп миқдорда ҳадя билан биргаликда овдан воз кечиши учун минг бош қўй ҳам берди. Лекин Ўзар Олмалиққа қайтгач, Чингизхон айтганларини унутди. Қайтадан яна аввалгидек ов қила бошлади. Бир куни ов пайтида Кучлуг одамлари беҳосдан бостириб келиб уни ушладилар. Маҳкам боғлаб, Олмалиқ дарвозаси олдига келтирилди. Халқ дарвозани беркитиб, Кучлуг ва унинг одамлари билан жанг қила бош-

лади. Бу пайтда мўғул аскарлари келганидан хабар топган Кучлуг ва одамлари Олмалиқни тарк этдилар ва йўлда Ўзарни ўлдирдилар.

Ўзар жасур, лекин ақлсиз бир одам бўлишига қарамасдан Аллоҳдан кўрқадиган марҳаматли инсон эди. Хирқа соҳиблари, яъни дарвишларга яхши муносабатда бўлар ва уларга ёрдам берарди. Бир куни суфий хирқасини кийган бир одам унинг ёнига келиб “Омборимизда ҳеч нарса қолмади. Бизга қарз бер. Қўлингдан келган ёрдамингни биздан аяма,” – дегач, Ўзарнинг кўзларидан ёшлар тўкила бошлади. Буйруғига кўра, минг коса (коса – беш юз қурушга тенг пул суммаси; қуруш – лиранинг юздан бири) пулни “кам бўлса, бизни авф қил, узр” деб дарвишга берди. Пулни олган дарвиш дарҳол у ердан узоклашди.

Ўзар ўлдирилганидан кейин Чингизхон унинг ўрнига ўғли Сигноқ тегинни тайинлади. Ҳадя ва чопон бериб, уни Жўжи қизларидан бири билан никоҳлади. Арслонхон ўғлига ҳам қизларидан бирини бериб, уни Қояликка юборди. Чингизхон Султонга қарши қилган юришида улар ўзларининг одамлари билан биргаликда Чингизхон қўшинига қўшилиб, катта ғалабалар келтирдилар. Арслонхон ўғиллари ҳозир тирик. Мангу хоқонунинг отаси ҳаққига муҳим аҳамият бериб, уларга жуда катта эътибор кўрсатди. Уларнинг бирига Ўзкантнинг<sup>335</sup> бошқарувини топширди.

Сигноқтегинни ҳам вояга етказиб, Олмалиқ ҳокимлигига тайинлади. Лекин Сигноқтегин Олмалиққа бормасданок йўлда вафот этди. 651/1253 йилда унинг ўрнига ўғли ўтирди.

## ХII. ЧИНГИЗХОННИНГ СУЛТОН [ХОРАЗМШОҲ] МАМЛАКАТИГА ЮРИШ ҚИЛИШИ САБАБЛАРИ

Чингизхон даври охирларида хавфсизлик, ҳузур-ҳаловат ва осойишталик ортган, халқнинг даромади, фойдаси ва бойлиги энг юксак даражага чиққан эди. Йўлларнинг ишончлилиги таъминланган, қароқчилик ва талончилик каби ёмон ҳатти-ҳаракатлар йўқ қилинди. Савдогарлар даромад хиди келган ҳар қандай жойга ҳеч тортинмасдан кета олардилар. Мўғуллар ҳамиша яшайдиган аниқ бир шаҳарлари бўлмаганлиги учун тужжорлар уларга кўп ҳам учрайвермас эдилар, шу туфайли ҳам ҳар қандай газламани жуда қиммат

<sup>335</sup>Сайхун буйидаги Ўзган бўлса керак.

баҳога сотиб олардилар. Улар билан олди-сотди қилишнинг қўй фойдали иш эканлиги ҳамма ёққа ёйилганлиги сабабли Султон мамлакатидан Аҳмад Хўжандий<sup>336</sup>, Амир Ҳусайн ва ўғли Аҳмад Балхий исми учта киши келишиб олиб, ёнларига тилла, кумушлар тақиб тикилган либослар, қимматбаҳо газламалар ва соғиладиган яна бошқа нарсаларни олиб шарққа қараб тўғри йўлга чиқдилар.

Ўша пайтда Чингизхон мўғул қабилалари қўпчилигини тиз чўқтирган, ўша ўлкалар ҳаммасини исёнчи ва қароқчилардан тозалатган, йўлларга қўриқчи-соқчиларни жойлаштирган эди. Бу соқчиларнинг вазифаси йўлдан ўтиб кетаётган тужжорлар хавфсизлигини сақлаш, улар сотган моллари орасида хонга лойиқ бўлганларини олиб, хоннинг ёнига олиб бориш эди. Бу уч тужжор соқчилар турган манзилга етиб борганларида уларнинг молларини текшириб кўрдилар. Соқчилар Балхийнинг товарларини ёқтириб қолдилар ва уни олиб хоннинг ёнига кетдилар. Юклар очилиб, нархлар сўралгач, Балхий ўн ёки йигирма динорлик нарсаларга уч ҳамён истади. Бундан жуда ҳам асабийлашган, ғазабланган Чингизхон “Бу одам бизни ҳечам газлама кўрмаган деб ўйлайдими? Бориб хазинадан газламаларимизни олиб келинг-да, бу одамнинг кўзи газламаларни кўрсин,” – деди. Хазинадан эскидан қолган қийматли газламаларни келтириб, тужжорга кўрсатганидан кейин унинг газламаларини тортиб олиб, бир дафтарга қайд қилдилар. Савдогарнинг ўзини ушлаб қолдилар. Кейин унинг дўстларини ҳузурига олиб келдилар. Улардан бир неча марта қатъийлик билан газламаларининг нархини сўрашларига қарамасдан улар айтмадилар. “Биз буларни хонга совға сифатида олиб келдик”, – дедилар. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатлари Чингизхонга ёқиб қолди. Олтинюритиб тикилган кийимларининг ҳар бирига бир ҳамён тилла, бошқа кийимларининг ҳам ҳар бирига бир ҳамён кумуш беришларини буюрди, кейин эса Аҳмад Балхийни яна қайтадан чақиртирди. Унинг либосларини ҳам худди шундай нархда сотиб олди. Уларга ҳурмат кўрсатди. Ўша пайтларда Мусулмонларга нисбатан ҳурмат-иззат кўрсатилар эди. Мусулмон бўлганликлари туфайли улар учун наमतдан чодирлар қурдилар. Ҳозир эса Мусулмонлар бир-бирларининг тагига сув қуйганликлари учун ўзларининг аввалги ҳурмат-эътиборларини йўқотдилар. Чингизхон бу учта савдогар ўз мамлакатларига қайтмоқчи бўлган пайтда ўғилларига, қўмондонлари ва амирларига ха-

<sup>336</sup> Тожикистондаги шаҳар.

бар юбориб, улар билан биргаликда Султон мамлакатига бориб, у ерда тижорат қилаоладиган одамларни танлашлари, жуда камдан-кам учрайдиган газламаларни келтиришларини амр қилди. Буйруқ олган ҳар бир киши бир-икки одам танлади. Мана шундай тарзда тўрт юз эллик киши тўпланди. Шундан кейин Чингизхон Султонга қуйидаги мактубни юборди: “Сизнинг мамлакатингиздан бу ерга тужжорлар келди. Уларни мамнун қилиб, соғ-саломат юборар эканмиз, улар билан биргаликда мамлакатингизда савдо-сотик, олди-сотди қилиб, гўзал ва камдан-кам учрайдиган газламалар билан қайтиб келсинлар, деб одамларимизни юборяпмиз. Мана шундай тарзда савдо муносабатлари орамиздаги тушунмовчилик ва душманликларни йўқотиб, унинг ўрнига севги ва дўстлик келтиришига, кин ва хусуматнинг давом этишига йўл бермаслигига сабаб бўлажак”.

Чингизхон ва унинг одамлари томонидан танланган тужжорлар ўтторга борган пайтларида у ернинг бошқарувчиси Инолжук<sup>337</sup> эди. Султоннинг онаси Туркон хотун билан қариндошлиги сабабли унга Ғайирхон ҳам<sup>338</sup> дердилар. Мўғуллар юборган тужжорлар орасида бир хинд бор эди. Инолжукхон бу хиндистонликни аввалдан танигани учун уни ёнига чақирди. Инолжук ўзининг наслу насаби ва мавқеига таяниб, ўзини қатта олиб, бошқаларга паст назар билан қараб, хиндга қўпол муомала қилди. Ҳинд тужжор Инолжукдан кўрқмади. Ўз манфаатини кўзлаб, унга ортиқча эътибор ва ҳурмат кўрсатмади. Бундан ғазабланган Инолжук ўша ердаги ҳамма тужжорларни хибсга олиб, молларини мусодара қилди. Тужжорларни жазолаш учун Султондан рухсат олиш мақсадида Ироққа элчи юборди. Султон эса ҳеч ўйламай-нетмай уларнинг ўлдирилиши ва молларини мусодара қилишига рухсат берди. Лекин ўша пайтда бу ҳаракат унинг ҳаётини зиндонга айлантирилиши ва бахт тақдири қанотларини синдиражаги хаёлига келмаганди. *Шеър:*

[Ақли жойида бўлган ҳар бир кимса қилажак ишининг аввали ва охирини ўйлайди]

Ғайирхон олган амрини бажариб, савдогарларни ўлдиртириб, молларини мусодара қилди. У ўзининг бу ҳаракати билан кейинчалик дунёни вайрон қилиб, халқини паришон ва миллатини уйсиз

<sup>337</sup> Инолжук – чигатой туркчасида *итол* “шахзода” маъносини билдиради. Бу сўз унвон бўла олиши билан бирга исм ҳам бўлиши мумкин.

<sup>338</sup> Ғайир – туркманча бўлган бу сўз қудратли маъносини билдиради.



қолдиражагини билмади. Бир неча тужжор қонини тўқкани учун Жайхун дарёсида қон оқди, ўлдирилган одамлари сочинингҳар толаси учун юз мингларча бошлар тоғларда ва водийларда оёқлар остида копток каби думалади. Таланган бир динор учун тонналарча олтин олинди. *Шеър:*

[Молларимиз таланди, умидларимиз йўқ қилинди, аҳволимиз ёмонлашди, ишончимиз мувозанати бузилди. Уловларимиз ва қийматли отларимиз, туя ва қўйларимиз сурувларини суриб кетдилар. Булардан бошқа қийим, нарса, пул ва зийнат - нимаики топсалар таладилар. Фалак одамларга шунча жабр қилди. Бир қавмнинг бошига келган (қулфат) бошқаси бошига келиши мумкин]

Султоннинг амри Ғайрхонга етмасдан аввал тужжорлардан бири йўлини топиб, зиндондан қочиб бир жойга яширинган эди. Дўстларининг бошига тушган қулфатни билгач, дарҳол йўлга чиқди. Заҳмат билан йўл юриб, Чингизхон ҳузурига борди. Бўлган воқеаларни бўлганидек тушунтирди. Бу ҳодиса Чингизхонга шундай таъсир қилдики, унинг сокин бўлишини сақлаб турган тўсиқлар йиқилди. Қаҳру ғазабининг бўронлари сабри ва табиатининг кўзига тупроқ сочди. Ғазаб оташи шундай оловландики, кўзлариданҳатто ёшлар тўкила бошлади. Бу оташни сўндириш учун қон тўкилишдан бошқа чора йўқ эди. Ғазабланган ҳолда ёлғиз ўзи бир тепаликка чиқди. Бошини очиб юзини тупроқнинг устига қўйиб, уч кеча уч кундуз фиғон чекди ва шундай деди: “Тангрим, бу тартибсизликни чиқарган мен эмасман, менга интиқом кучини бер”. Бундан сўнгра тепадан тушди ва жанг қилиш учун керакли тайёргарликларга киришди. Ўша пайтда Чингизхон қўшинининг бир қисми Кучлутхон билан Тўктўғон кетига тушган эди. Дунёга ёйган фитна ва фасодни ўртадан йўқ қилиш учун аввал уларга қарши юборган аскарларини мустаҳкамлади. Айни пайтда Султонга элчи йўллаб, сабабсиз тўққан қонларининг интиқомини олиш учун яқинда унинг устига юриш қилмоқчилигини маълум қилди. Бундан мақсади унинг ҳам тайёргарлик кўришига фурсат бериш, кейинчалик келажакда “Бе-хабар қолиб ушландим, тутилдим” деган баҳонанинг олдини олиш эди. Қуриган кўчатни эккан киши ундан мева кутмаслиги керак. Душманлик тухумини эккан ҳар ким охирида унинг меваси ҳисобланган пушаймонликни териб олади. Бахтиёрподшоҳнинг ичидаги барча ёмон туйғулар ҳаракатга келди. Ўша қилинган зулм жазосини бутун бошли бир насл тортиши керак эди. *Шеър:*

[Агар ёмонлик эксанг, муҳаққақ унинг жавобини кўрасан. Давр кўзи уйқуда эмас. Бижаннинг сурати ҳали ҳам Афросиёб зиндониде мавжуддир]

### ХIII. ЖАҲОН ФОТИҲИНИНГ СУЛТОНГА ҚАРШИ ЮРИШИ ВА ЎТРОРНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Кучлуг билан Тўктўғон чиқарган тартибсизликлар чанг-тўзони тарқалиб, ваҳималар хаёлдан кўтарилгач, Чингизхон ўғиллари, амирлари ва қўмондонларини тўплади, қўшин ҳар бўлинмасини жанг ҳолатига келтириб, унинг икки қанотива илғорқисми учун қўмондон тайинлади. Янги бир қонун чиқариб, 615 (1218) йилда ҳаракат бошлади. *Шеър*(арабча):

[Турк қавмларининг ёш жангчилари қадамининг зарбалари овози осмон гўмбурлашини ҳам орқада қолдирди. Агар улар бир он Қорун хазинасининг олдидан ўтсалар, Қорунни ейдиган нонга муҳтож қиладиган даражада фақирлаштирадилар. Шундай бир ўк отадиларки, ўқлари билан осмоннинг энг юксак нуқтасида учаётган сапсан (йирткич қуш)ни ҳам ерга кулатади. Қоронғу кечада найзасининг учи билан денгиз тубидан балиқ чиқаради. Жанг кунини никоҳ куни деб ҳисоблайди, қилич ярасини бир гўзалнинг бўсаси деб билади]<sup>339</sup>

Шундан кейин Чингизхон Султонга бир элчилар ҳайъатини юбориб, унга урушнинг сабаби тужжорлар интиқомини олиш эканлигини билдирди.

Чингизхон Қояликқа боргач, у ернинг амири Арслонхон унга қуллуқ қилиб, ҳурмат кўрсатди. Ялиниб-ёлворди, пул ва мол бериб, унинг бермоқчи бўлган жазосидан жонини қутқарди. Чингизхон эътибори ва меҳрини қозониб, унинг кўзга яқин қуллари орасига кирди. Аскарлари билан унинг қўшинига қўшилиб йўлга равона бўлди. Бешбалиқдан идиқут ва одамлари, Олмалиқдан ҳам Сигноқ тегин ва одамлари унга қўшилдилар. Қўшин каттариб кучайди. Булар аввало Ўтрорга бордилар. *Шеър:*

[Шундай ҳайбатли эдики, на осмон гўмбурлаши ва на яшин улардек гўмбурлаб овоз чиқара оларди]

<sup>339</sup> Абу Исҳоқ Иброҳим б. Муҳаммад ал-Ғозийнинг турклар мадҳи ҳақидаги машҳур қасидаси.

Чингизхон қароргоҳини қалъа олдиға курдилар. Султон Чингизхон бостириб келганлигини билгач, ихтиёрига эллик минг аскар берган Ғайирхон билан ўн минг кишилик бир қўшиннинг бошида турган сарой соқчиларикўмондонини у ерда қолдириб, қалъа деворларини мустаҳкамлади, етарлича озик-овқат ва курол-яроғлар билан таъминлаганидан кейин у ердан кетди. Мўғул қўшинини шаҳар олдида турган пайтда Ғайирхон қалъа ичидаги тайёргарликни кўздан кечирди ва қўшиннинг жангқилиш учун тайёргарлик кўрди. Бу ишлар тугагандан сўнг қалъа минорасига чиқиб, теварак-атрофникузатганида денгиздек аскарларни кўриб, шошиб қолганидан бироз муддат қўлларини тишлаб, мўғул аскарларини томоша қилди. Зирҳли арава отларининг кишнаши, кийим кийдирилган шерларнинг бўқириши, атрофга чидаб бўлмайдиган кий-чув шовқин-суронни солди. *Шеър:*

[Ҳаво мовий тусга кирди, ер қора бўлди, денгиз жанг дўмбиралари овозидан долғаланди. У бармоғи билан охири бўлмаган бир қўшинни кўрсатди]<sup>340</sup>

Чингизхон аскарлари Ўтрорга келиб, қалъа атрофида ҳалқа курдилар. Мана шундай тарзда кўп сонли ҳалқа майдонга келди. Аскарлар келиббўлгач, Чингизхонвазифаларни тақсимлади. Катта ўглини<sup>341</sup> уста, моҳир чавандозлардан ташкил топган бир неча туманлар (ўн минг кишилик қўшинлар) билан Жанд<sup>342</sup> ва Барчинлигкент<sup>343</sup> томонларга, бир гуруҳ аскарни эса махсускўмондонлик билан Хўжанд ва Фанокат ўлкаларига юборди. Чиғатой билан Ўктойни Ўтрорда қолдирди. Ўзи эса Бухорога қараб юрди.

Ўтрор халқи мўғул қўшинига беш ой қарши тургандан кейин очарчиликка дуч келди. Шундан кейин Қоража қуролларини ташлаб, шаҳарни мўғулларга топшириш ҳақида Ғайирнинг фикрини сўради. Бу уруш сабабчиси ўзи эканлиги ва бу ердан соғ-омон чиқа олмаслигини билса-да, Ғайир таслим бўлишни маъқул кўрмади. “Агарда таслим бўлсак, валинеъматимиз бўлган Султонга вафосизлик қилган бўламиз. Сўнгра бу ишимиз учун қандай сабаб топамиз. Мусулмонлар биз тўғримизда айтажак аччиқ гаплар ва танқидларига нима деб жавоб берамиз?” деб унга кескин жавоб берди. Бу

<sup>340</sup> Шоҳнома, Вуллерс нашри. Б.473; 2-жилд. Б. 633-642.

<sup>341</sup> Тужи (Жужи).

<sup>342</sup> Харобалари Сайхун дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган.

<sup>343</sup> Жанд ва Сигнок орасидаги бир жой.

гаплар олдида Қоража бир нарса демасдан оқшом тушишини кутди. *Шеър:*

[Куёш дунёдан узоқлашгач, қоронғи тун кундузнинг устига ўз пардасини тортди]<sup>344</sup>

Оқшом пайти ҳаво қорайгач, Қоража қўл остидаги одамлари билан биргаликда Сўфихона дарвозасидан чиқиб қочишга уринган бўлса ҳам тотор (мўғул) аскарлари уларнинг устига ташланиб, тутиб олдилар. *Шеър:*

[Шарқда нурли тонгданок бир устун каби узанган йўл қоронғуликни ёриб тарқатиб юборди]

Тонг отгач, Қоражанинг зобитлари билан бирга шаҳзодалар ёнига олиб бордилар. Шаҳзодалар яхшилаб ўйлаб кўрганларидан ва зарур масалаларни суриштирибкўргандан кейин “Сен зиммангда шунча ҳаққи бор бўлган ўз хожанга садоқат кўрсатмаганинг хоинлик бўлади” деб уни ёнидагилар билан бирга ўлдирди. Ундан аввалроқ қочиш учун шаҳар ташқарисига чиққан эркак-хотин, катта-кичик бутун халқни худди қўй сурувлари каби яқин атрофдаги бўш майдонга ҳайдаб бориб, уларнинг мавжуд барча молларини талон-тарож қилдилар. Худди шерлардек жанг қилган йигирма минг одами билан қалъанинг ташқарисида курашган Ғайирни қайтадан яна қалъага чекинишга мажбур қилди. *Шеър:*

[Кичик ва оддий бир истаги ўлимнинг лаззати, катта ва қийин истаги ҳам ўлим лаззатини таътиб кўриш кабидир]<sup>345</sup>

*Шеър:*

[Ёшу қари ҳаммангиз ўлим шарбатини ичдингиз. Чунки дунёда ҳеч ким ўлмай қолмайди]

Ғайир ва унинг одамлари ўлимига рози бўлиб, ўз жонларини фидо қилишга қарор қилдилар. Кўпчилиги навбат билан қалъанинг олдида элликталиқ гуруҳ ҳолида чиқиб, қассоб гўштидек тўғралди. *Шеър:*

[Найзалар оч қолган ҳайвонларнинг фарёди каби уларнинг ва бизнинг вужудимизда овоз чиқарди]<sup>346</sup>

Ғайир ва унинг одамлари сўнгги аскари қолгунча жанг қилишда давом этдилар ва мўғуллар қўшинига катта талафот етказдилар. Бир ойча уларга қаршилик қилиб, сўнгра икки жангчиси билан қол-

<sup>344</sup> Шоҳнома, Вуллерс нашри. Б. 474; 1-жилд. Б.653.

<sup>345</sup> Мутанаббийнинг бир қасидасидан.

<sup>346</sup> Мусаллам б. Рийол ал-Муррийнинг шеъри.

ган Ғайир жон-жаҳди билан курашди, лекин таслим бўлмади. Уни одамлари билан бир уйнинг томига сиқиб, исканжага олдилар. Тириклайин ушланиши буюрилганлиги учун ўлдиришга урунмадилар. Қисқа бир муддатдан кейин икки дўстига шаҳидлик шарбатини ичирганидан сўнг Ғайирнинг қўлидаги қуролни туширган пайтда Ғайиртомга ёйилган сополларини мўғуллар устига отиб, ўзини ҳимоя қила бошлади. Сополлар ҳам тугагач, атрофни тўлиқ қуршаб олган аскарларга ҳужум қилиб, бир нечасини йиқитса ҳам уни асирлик тузоғига туширдилар ва занжирлар билан маҳкам боғладилар. Шундан кейин қалъа ва деворларни ер билан яксон қилдилар. Қиличдан қутилган санъаткор ва айрим мулозимларни ўзларига хизмат қилиши учун олиб кетдилар. Аввалроқ Бухородан Самарқандга кетган Чингизхонга қўшилиб олиш учун йўлга чиқдилар. Қароргоҳда Ғайирга ўлим шарбатини ичириб, абадийлик либосини кийдирдилар. *Шеър:*

[Ўзгарувчи фалакнинг иши мана шундай. Унинг бир қўлида салтанат тожи, бир қўлида эса сиртмокли аркон-дор бор]<sup>347</sup>

#### XIV. УЛУШ ИДИЙ<sup>348</sup> ТОМОНИДАН ЖАНД ЎЛКАСИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Жаҳонфотиҳи Чингизхон атрофдаги ўлкаларнижанг билан эгаллаш учун фармойиш чиқаргач, ўғиллари ва амирлари урушга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. У ҳеч қандай тадбир билан ўзгартириб бўлмайдиган тақдир ва ҳар қандай куч билан енгиб бўлмайдиган ўлим каби йўлга чиқиб, аввало, Жанд ўлкасида бўлган Сигноқ<sup>349</sup> қасабаси олдига келди.

Тужжорлик қилиб юриб, унинг хизматига кирган ўз билими ва тажрибасига ишонган Ҳасан ҳожини элчи қилиб жўнатиб, агарда жонлари ва молларига зарар этишини истамасалар, уларга уруш қилмасдан шаҳарни топширишларини буюрди. Ҳасан хожи

<sup>347</sup> Шоҳнома, Вуллерс нашри, 512. 1-жилд. Б.1234.

<sup>348</sup> “Жомеъу-т-таворих (Березин нашри, III жилд. Б.68-73). Жанд ва Барчинлиқкентни Жўжи билан Улуш Идининг бирга фатҳ этганликларини ёзади. Баъзилар бу исм унинг бошқа номи деб ўйлайдилар.

<sup>349</sup> *Сигнак ёки Сигноқ* – Қозоғистоннинг Туман-Арнқ станциясидан 6-7 мил шимолда. Бугун Сўғноққўрғон номи билан эсланадиган харобалар жойлашган ер (қаранг: Бартольд, Туркистон. Б.179.

Сигноққа борди. Элчилик вазифасини ўринлатиб, насиҳат бошламасдан аввал атрофига тўпланган кўча дайдилари ва тўполончилар унга ҳужум қилдилар. Такбир келтириб, уни ўлдирдилар. Бу ишни қиларкан, катта бир ғазо, яъни ўз эътиқодлари учун муқаддас уруш қилдик, деб ҳисобладилар. Аслида унга ҳужум қиларканлар, катта бир қавмнинг жон томирига ҳужум қилганликларини бутун бошли бир миллатнинг йўқ бўлиб кетишига сабабчи бўлганликларини билмаган эдилар.

“Туянинг ажали етса, кудукнинг ёқасига келади”. Чингизхон элчиси ўлдирилганлигини билгач, барча аскарларини Сигноқ устига бошлади. Қаҳр-ғазабдан титраб, ҳеч тўхтамасдан эрталабдан кечгача жанг қилишга буйруқ берди. Мана шутарзда уруш тўхтовсиз етти кун давом этди. Мўғуллар саккизинчи кунни шаҳар дарвозасини очиб, авф ва шафқат эшигини ёпдилар. Бир кишининг интиқоми учун ўн мингларча кишини ҳаёт дафтаридан ўчириб ташладилар.

Жанг тугаб, шаҳар таслим бўлгандан кейин Чингизхон у ерга амир қилиб марҳум Ҳасан хожининг ўғлини қолдирди. Чеккаларда ва бурчакларда жонини қутқариб қолганларни тўплагандан кейин Ўзкент ва Барчинлиқкентга қараб юрди. Сўнгра Ошноста<sup>350</sup> ҳаракат қилди. Жасур, матонатли ва чекинмас руҳиятли маҳаллий халқ мўғул кўшинига қарши юргининг ҳимояси учун кўп сонли қурбонлар берди.

Мўғул аскарларининг Жанд йўлида эканлиги ҳақидаги хабар эшитилгач, ўша ерни ҳимоя қилиш вазифаси топширилган Султон амири Қутлуғхон кўп сонли аскарлари билан ўзининг бошини сақлаган киши яхши натижага эришади, деган гапга амал қилиб, аскарларини ёнига олиб тунда шаҳарни тарк этди. Жайхун дарёсини кечиб ўтиб, чўл йўлидан Хоразмга қараб илгарилади.

Улуш Иди Жанд шаҳри қўмондони аскарлари билан шаҳарни тарк қилмасдан топширсалар, у ҳолда ҳеч кимнинг жони ва молига тегмасдан зарар етказмаслигини маълум қилиш учун Чин Темурни элчи қилиб юборди. Чин Темуршаҳарга етиб боргач, вазиятни тушунтирди. Олдида ваколатли билимдон одам бўлмаганлиги учун ҳар кимдан ҳар хил гап-сўзлар кела бошлади. Ўша жойдаги халқ

<sup>350</sup> Бугун Асанас сифатида маълум бўлган ва хароба ҳолида қолган Ашнос Қозоғистондаги Барқозон станциясидан йигирма мил ва Сайхун дарёсининг чап соҳилидан ўн етти мил узоқликда жойлашган (Бартольд, ўша асар. Б.179, 114).

Ғалаён кўтариб, Ҳасан хожи каби Чин Темурни ҳам ўлдирмоқчи бўлди. Буни сезган Чин Темур ақлига иш бериб, айтган насихатлари билан одамларни тинчлантирди. Сиғноқ халқининг Ҳасан хожи ўлдирилгандан кейин қандай фалокатларга учраганлигини тушунтирди. Уларга зарар етказмасликлари шарти билан мўғул аскарлари шаҳарга кириши ҳақида келишиб олди.

Чин Темур ўз вазифасини тугатиб, Улуш Иди ёнига қайтиб боргач, унга бошига тушган савдолар, халқ уни ўлдирмоқчи бўлганлиги, қандай қилиб ўз ҳаётини сақлаб қолганини хикоя қилиб берди. Бундан хабардор бўлган Улуш Иди Қорақурумда тунагандан кейин Жандга ҳужум қилиш ҳақидаги аввалдан тузиб қўйган режасини ўзгартирди. Отларни Жандга томон ҳайдаб, у ерни фатҳ этиш учун бутун кучини сарф этишни маъқул кўрди. 616 йил сафар ойининг тўртинчи куни (1219, 22 апрел) мўғул аскарлари Жанд шаҳри ёнига тушиб, ҳандақлар қазий бошладилар ва деворлардан ошиб ўтиш учун нарвон ва мажаник (манжаниқ – кадимги тош отиш қуроли) каби қуролларни зарурўринларга жойлаштира бошладилар.

Жанд халқи бундай вазият қаршисида қалъа дарвозаларини ёпдилар ва бўлаётган воқеани кузатиш учун девор устига чиқди. Халқнинг кўпчилиги уруш кўрмаганликлари учун қалъа деворларига тирмашаётган аскарларни катта саросима билан томоша қилди. Кўприклар қурилди, нарвонлар деворларга таянилди ва манжаниқлар ҳаракатга келтирилди. Манжаниқнинг отган оғир бир тоши қалъа дарвозаси темир зулфинини синдирди. Шундан кейин мўғуллар ҳар томондан ҳужум қилиб, девор ва қалъа дарвозасидан ичкарига кирдилар. Иккала томондан бирор киши ҳам яраланмади. Кейин ҳамма халқни қалъа ташқарисидаги майдонга чиқардилар. Қаршилик кўрсатмаганликлари учун уларга меҳр-шафқат қўлини узатиб, уларнинг жонларини сақлаб қолдилар. Аввалроқ Чин Темурга қарши чиққан бир неча кишинигина ўлдирдилар холос. Тўққиз кеча-кундуз халқни ташқарида ушлаб туриб, шаҳарни талон-тарож қилдилар. Ўз ишини тугатганидан кейин кўп вақтдан бери хизматида бўлиб келаётган ва Бухоронинг Қиздувон<sup>351</sup> маҳалласида туғилган Али Хўжани у ерга амир қилиб тайинлаб, ўша жойнинг бошқарувини унинг қобилиятли қўлларига топширдилар. У ҳам бу ишда катта муваффақият кўрсатиб, ҳурмат ва эътибор қозонди. Ўлғунигача мана шу вазифада қолди.

<sup>351</sup> Қиздувон (матнда Қўрдувон тарзида берилган) – Бугун Ўзбекистон ҳудудида жойлашган қишлоқ.

Улуш Иди Жанд масаласидан қутулганидан кейин Кент<sup>352</sup> шаҳрига бир амир қўмондонлигида аскар юбориб, у ерни ҳам забт этди. Кентга бир бошқарувчини қолдирганидан кейин Қорақурумга ҳаракат қилди. Йўлда кўчманчи туркманлардан ташкил қилинган ўн минг кишилик қўшинни Тайнал нўённинг ихтиёрига Хоразмга юборди. Хоразм йўлида бир неча кун ўтгач, туркманлар аввалда кетган Тайналнинг орқадан келган ҳарбий қисмлари бошлиғи мўғулни ўлдириб, исён кўтарганидан мутлақо беҳабар қолди. Бу вазиятни ўрганган Тайнал исён оловини ўчириш ва қаршиликни бос-тириш учун орқага қайтди. Туркманлардан бир канчаси ўлдирилди. Соғ қолганлар Марв ва Амуға<sup>353</sup> кетиб, ўша ерда жон сақладилар. Ўрни келганида улардан яна гап очилажак.

## XV. ФАНОКАТ ВА ХЎЖАНДНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ВА ТЕМУР МАЛИКНИНГ ҲАЁТИ

Алакнўён Сўйут билан Тўқай амирларига беш минг аскар билан Фанокатни фатҳ этиш вазифасини топширди. Фанокат амири Илатгу малик халқ орасидан олинган аскарлари билан уларга уч кунгина қаршилик кўрсата олди. Ундан ортиқ қаршилик кўрсата олмади. Тўртинчи куни, *шеър*:

[Куёш команди (сиртмоғи)ни юкорига отиб, унга замонни рўпарў қилди]

Куёш чиққач, таслим бўлиш учун одамлари билан биргаликда шаҳарнинг ташқарисига чиқди. Мўғуллар Фанокат халқидан санъаткор, табиб ва ёшларни бир томонга ажратиб олиб, бошқаларни қатл қилди, баъзиларини ўк ёмғирлари билан сийлади. Танлаб олганларини ўлдирмасдан ўн кишилик ва юз кишилик гуруҳлар ҳолида ёнларига олиб, Хўжандга қараб йўлга чиқдилар. У ерга етиб борган пайтда Хўжанд халқи улар келаётганлигидан хабар топиб, балодан қутулиш учун қалъага беркинди. Агар Рустам пахлавон Хўжанднинг амири даврида яшаганида эди у Темур Маликка

<sup>352</sup> Ёки *Янги шаҳар*. Бугун Жаркент харобалари сифатида эсланадиган бу жой Сайхуннинг жанубида Казалскийдан ўн беш мил, Жонқалъадан уч мил узоқликда (Ўша асар. Б. 415-416).

<sup>353</sup> Ёки *Амул* (Мозандаронда бўлган Амул билан адашгирмаслик керак). Жайхуннинг чап соҳилида Марвдан бир юз йигирма километр шимолий шарқда, Туркманистондаги бугун Чоржўй номи билан аталган жой.



отбоқар бўла оларди, холос. Хўжанднинг бундай даражадаги йигити Темур Малик хос жангчилари билан аввалдан Жайхун дарёсидаги бир оролда қурилган қалъага жойлашиб олиб, тайёр холда жангни кутарди.

Мўғул аскарлари оролдаги қалъа олдига келгач, ўқ ва манжаниқлар манзилга етиб улгурмаганлиги учун у ерни осонликча ололмаслигини тушуниб етдилар ва бошқа бир йўлни синаб кўрди. Аввал Хўжанддан олиб келинган ёшларни ўша ёкка ҳайдади. Бу орада Ўтрор, Бухоро ва Самарқанд каби забт этилган жойлардан ёрдам кучлари етиб келди. Шу тарзда у ерда эллик минг янги аскарликка олинган кучлар билан йигирма минг мўғул аскарлари тўпланди. Уларни аскарлар бўлинма ва бир неча аскарлар бўлинмалардан ташкил топган ҳарбий қисмларга ажратдилар. Таркибида турк бўлмаган ҳар бир аскарлар бўлинмалар бошига бир мўғулни қўйдилар. Янги аскарликка олинганлар яёв, мўғуллар от аравада уч фарсах узоқликдаги тоғдан тош ташиб, Жайхунга ташладилар.

Темур Малик ўн иккита кема ясаётган эди. Кемалар ичи сирка ва тупроқ қоришмаси билан сувалган, кигиз билан қопланган ва кигизнинг турли жойларидан тешиқлар очилган эди. Ҳар куни эрталаб бу кемалардан олтитаси бир томонга, бошқа олтитаси бошқа томонга кетарди, ичидаги аскарлар билан қарши томондаги аскарлар орасида оғир жанглар олиб борилди. Юқорида айтганимиздек, ўзига хос тарзда ҳимояланганлиги учун уларга ўқ ўтмасди, сувга бўккан ёқилганининг оловлари кемаларга таъсир қилмасди. Улар тунги хужумлар учун ҳам ишга ярарди. Мўғуллар кемаларни йўқ қилиш учун кўп ҳаракат қилсалар ҳам бирор натижага эриша олмади. Лекин қалъадагилар озик-овқат борасида қийинчиликка учради. Қуёш уфқдан йўқолиб дунё қоронғуликда қолган бир фақир кулбасига ўхшаб қолган, аёлу эркак ва болалар ҳамма ўз ашёлари билан қочишга тайёрланган етмишта кемага миндилар. Одамлари билан алоҳида бир кемага жойлашган Темур Малик дарёга чиқиб, жуда катта тезликда илгарилаб кетди. *Шеър:*

[Қоронғулик ичига кириб кетди. Тун деразасининг эшиклари ёпилди. Чакмоқ чакқач, ўртада ўткир қилич каби бир ёруғлик пайдо бўлди]

Улар дарёда кетиб бораркан, мўғул аскарлари ҳам уларни тақиб қилиб бордилар. Онда-сонда иккала томон орасида тўқнашув бўларди. Темур Малик заиф деб ҳисоблаган нуқталарга томон тўғри

кемасини ҳайдаб, тақдир ўқи каби нишонини йўқотмаган ўқлари билан душманни узоқда тутиб тургани ҳолда кемадагиларга тезликни оширишни буюрди. Мана шундай тарзда Фанокатгача бордилар. У ерда мўғулларкемаларининг ўтишига тўсқинлик қилиш учун сув устига бир соҳилданқарши томонга тортиб қўйилган занжирларга дуч келдилар. Кемалар занжирни узиб, ўз йўлларида давом қилдилар, Жанд ва Барчинлиғ ўлкасига етиб олмасдан Улуш Иди соҳилнинг ҳар иккала қирғоғини эгаллаганидан хабардор бўлган Темур Малик Барчинлиғкентга боргач, керакли ашёларни ёнига олиб, ўз яқинлари билан биргаликда шамолдаги оловдек катта тезлик билан у ердан узоқлашди. Мўғул аскарлари унинг кетига тушдилар. Юк ташиб кетаётган гуруҳнинг узоқлаб кетишини таъминлаш учун Темур Малик онда-сонда орқага қайтиб, мўғул аскарларини чалғитар ва яна аввалда кетаётганларга етиб оларди.

Шундай тарзда бир неча кун йўл юрган Темур Малик одамларининг маълум қисмини йўқотди. Мўғул аскарлари сони унга қарши ўларок тобора ортиб борарди. Темур Малик ёнида одамлари жуда оз қолганига қарамай, қатъий аҳдди тарзда жанг қилар, лекин таслим бўлмасди. Охирида ёнидаги бир неча киши ҳам ўлдирилди. Синган учта ўқи билан битта ёнидан бошқа ҳеч нарса қолмади. Орқасидан келган учта мўғул аскарларидан бирига отган синиқ ўқ унинг кўзини кўр қилди. Бошқаларига қараб “Сизларнинг сонингизча ёнимда ўқим бор. Сизларни эмас, ўқларни йўқотишимга ачинаман. Сизлар қиладиган энг яхши иш орқага қайтиб жонингизни қутқаришдир” деб ҳайқирди, мўғуллар орқага қайтиб кетдилар. Темур Малик ҳам Хоразмга кетди. Хоразмда аскар тўплаб, Барчинлиғ кентга қараб юрди. У ерда мўғуллар томонидан тайинланган зобитни ўлдирди ва яна Хоразмга қайтди. Хоразмни хавфсиз билмагани учун Султон хизматидаги киришга қарор қилди. Унга Шаҳристон йўлида қўшилиб олди. Бир оз муддатдан кейин Султон борган жойга у ҳамборди. Сўнгра ундан ҳам ажралиб дарвиш хирқасини кийиб, Сурияга қараб юрди. Бир оз муддат ўтиб, атроф-муҳит тозаланиб, давр яраларни тузатгач, она юрт соғинчи Темур Маликни ватанига чорлади. Тақдир уни Фарғонага етаклади. У ердаги Ўрс<sup>354</sup> қасабасининг Мазорат маҳалласида бир неча йил яшади. Бир куни нима бўлганини билиш учун Хўжандга борди. У ерда ўғлининг ҳоким бўлганини билиб олди. Боту уни бу мансабга

<sup>354</sup> Қирғизистон Республикаси ҳудудида Сайхун дарёси яқинидаги шаҳар.

тайинларкан, отасининг мол-мулкани ҳам унга берганди. Темур Малик тўппа-тўғри ўғли олдиға бориб, “Отангни кўрсанг танийсанми?” деб сўради. Ўғли эса “Мен отамдан ажралиб қолган пайтимда сут эмадиган гўдак эдим. Уни танимаيمان. Лекин уни танийдиган бир кулим бор”, деб жавоб бергач, ўша кулни чақирдилар.

Кул танасидаги мавжуд белгидан Темур Маликни таниди. Бу хабар дарҳол шаҳарға ёйилди. Аввалдан унга қарздор бўлган баъзи кишилар ўзларини танимасликка олиб, унинг Темур Малик эмаслигини тасдиқладилар. Бундай вазият қаршисида қолган Темур Малик у ердан айрилиб, хоқон ёнига бориш учун йўлга чиқди. Ундан ҳурмат-эътибор кўраман, деб умид қилган эди. У йўлда Кадаконга<sup>355</sup> дуч келди. Ўзини танитгач, Кадакон дарҳол уни ушла-тиб, ҳибсга олдириди ва уларға қарши олиб борган жанглар ҳақида маълумот тўплай бошлади. *Шеър:*

[Мени жангда денгиз, тоғ ва Турон йигитларидан бир гуруҳи кўрди. Қилган ишларимга юлдузлар гувоҳ бўлди. Мардлик бора-сида дунё менинг оёқларим остидадир]<sup>356</sup>

Синик ўк билан кўзидан яраланган мўғул ҳам уни таниди. Сухбатлашаётганида подшоҳга лозим бўлган ҳурмат кўрсатилмагани учун Кадакон ўқиға нишон бўлди. Бу ўк гўё Темур Маликнинг шу найтгача отган ўқларига берилган охириги жавоб эди. *Шеър:*

[Эгилиб-букилиб бир ох чекди. Энди яхши-ёмондан ортиқ хавотири қолмади]<sup>357</sup>

Ўқ унинг жончиқар жойига текканлиги учун бу вафосиз дунёдан абадий ҳаётга кетди. “Ўлимдан қутилиш ва ундан қочиш чораси йўқдир” ҳукмига бўйсунди. *Шеър:*

[Эй дунё, сенинг қилган ишларинг чалакам-чаттидир. Тўғри ҳам, эгри ҳам сендан келмоқда]<sup>358</sup>

## XVI. МОВАРОУННАХР ФАТҲИНИНГ ҚИСҚА НАТИЖАСИ

Мовароуннаҳрда кўп сонли шаҳарлар мавжуд бўлишига қарамасдан улар орасида кўзга кўрингани Бухоро ва Самарқанд ҳисобланади. “Мўжаму-л-булдон”<sup>359</sup> муаллифи Хузайфа б.ал-Яман Марвийга таяниб мана бундай дейди: “Расул (с.а.в.) Хуросонда Жайхун дарёси яқинида жойлашган Бухоро номли бир шаҳарфатҳ этилажак. У ер фаришталарға тўла ва халқи музаффардир. У ерда Аллоҳ йўлида ўз жонларини берган мингларча кишилар ётибди. Бухоро ортида Самарқанд деган бир шаҳарда жаннат булоқларидан бир булоқ, жаннат боғларидан бир боғ, пайғамбар қабрларидан бир қабр бор. Ўша шаҳарўликлари қиёмат кунида шаҳидлар билан бирга тирилажаклар. Самарқанд ортидаги Катвон<sup>360</sup> деган жойда етмиш минг шаҳид ётибди. Уларнинг ҳар бири ўз оиласи ёки қабиласидан етмиш кишини шафоат қилиш кучиға эгадир, деганди”.

Бу иккишаҳар тарихи кейинроқ атрофлича тушунтирилади, лекин ўрни келганида дунёда қилинган ҳамма ишларнинг бир-бирига боғлиқ эканлигиға тааллуқли бўлган мана бу ҳадисни нақл қилайлик: “Баъзи ёмонликлар баъзиларидан яхшироқдир”. *Шеър:*

[Ҳамма вазиятларда ҳам банда шукр қилишиға тўғри келади. Чунки бундан баттари бўлмас]

Чингизхон Мовароуннаҳрға боришдан аввал тотор қўшинининг бало селлари у ерни қоплаган эди. Баъзи шаҳарларда интиқом олиб юракларға сув сепди ва Жайхун дарёсини қонға булғади. Бухоро ва Самарқандни эгаллагач, ҳаддан ортиқ даражада талон-тарож қилинишиға қарамасдан ортиқча одам ўлдирмади. Унга бўйин эгиб, ўз итоатларини билдирган бу шаҳарлар яқинида яшаётганларға тегмади. Хузур ва осойишталикни таъминлаганидан кейин бутун кучини ўша ўлка қурилишиға сарфлади. 658 (1260) йилда ўлка ободончилиги Хуросон ва Ироқ ўлкаларининг аксича, баъзи жойларда ўзининг аввалги даражасиға эришган, баъзи жойларда эса шунга яқинлашган эди. Хуросон ва Ироқдаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқ бир неча марта талон-тарож қилинганлиги учун неча йиллардан бери фалокат изларини ўзларида акс эттирган ва ҳали ҳам акс эттир-

<sup>355</sup> Кадакон – Ўқтойнинг олтинчи ўғли.

<sup>356</sup> Шохнома, Вуллерс нашри, 488; 2-жилд. Б.502-503.

<sup>357</sup> Ўша асар, Б.503; 1-жилд. Б.1155.

<sup>358</sup> Ўша асар. Б.489; 1-жилд. Б.924.

<sup>359</sup> Жувайнӣнинг замондоши машҳур араб жўғрофиячиси Ёқут асари.

<sup>360</sup> Катвон – Самарқанд шарқдаги бир жойда (1141) Султон Санжар қорахитойликлардан енгилган эди.

моқда эди. Бу иккала ўлкааҳолисисони, балки киёмат кунигача аввалги миқдорига ета олмас. Ҳозир харобалар ва вайрона уйлар бу ерда содир бўлган воқеаларга гувоҳлик бермоқда.

Мовароуннаҳр ободончилигига кейинчалик янада эътибор бердилар. Ўлка бошқаруви бош вазир Ялавоч<sup>361</sup> билан унинг ишчан ўғли амир Масъудбекнинг қобилятли кўлларига топширилди. Улар ҳам ўз ақли ва билимлари билан эски яраларни даволашга киришди. “Замонбузганини табиб тузата олмайди” деган гап юзага чиқди. Турли номлар остида тўпланган солиқ юқларидан халқни қутқарди. Ҳозир улар адолатидан юзага келган ҳузур ва ишонч халқнинг юзидан ҳам билинади, уларнинг меҳнат ва ғайратлари самараси бўлган бинолар қад кўтариб турибди.

## XVII. БУХОРОНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ

Бухоро Шарқдаги ислом шаҳарлари ичида энг муҳими ҳисобланади. У Шарқнинг Мадинасидир. Шаҳар қоронғулиги олим ва факихлар нурлари билан ёришган, атрофи буюк одамлар борлиги билан безанган. Қурилганидан бери ҳамма даврларда кўплаб буюк дин олимлари у ердан етишиб чиққан. Бухоро сўзи “бухор”дан олинган бўлиб, бу сўзнинг мажусийлар тилидаги маъноси “илмлар мажмуаси”дир. Уйғур ва хитой бутпарастлари ҳам бутлар жойлашган ибодатхонасига *бухор* дейдилар. Шаҳар қурилган пайтда номи *Бумижкат*<sup>362</sup> бўлган экан.

Чингизхон кўшинларини керакли қурол, аслаҳа билан таъминлаб тартибга келтиргандан сўнгра Султоннинг мамлакатига боргач, катта ўғиллари ва қўмондонларидан ҳар бирининг амирига кўп сонли аскар режадаги жойга юборди. Ўзи ҳам катта ўғилларидан Тулу ва яхши-ёмон демайдиган жанг косасини қаймоқ косаси деб ҳисоблаган, қилич зарбасини шароб қадаҳи деб билган турклардан ташкил топган катта бир кўшин билан Зарнук<sup>363</sup> йўлидан Бухорога қараб ҳаракат қилди.

<sup>361</sup> Бу ерда *Соҳиби аъзам* (бош вазир) Маҳмуд Ялавоч билан унинг ўғли Масъудбекдир. Маҳмуд Ялавоч Ўқтой хоқон томонидан Хитой ўлкасининг Уйғур, Хўтан, Қашғар ва Жайхун соҳилига қадар Мовароуннаҳр ҳокимлигига тайинланган эди.

<sup>362</sup> *Бумижкат* – сўзгача бу сўз пойтахт маъносини билдиради.

<sup>363</sup> *Зарнук* – Сайхун кирғоғида ястанган темир йўлнинг охириги бекати.

Сайёраларнинг шоҳи ҳисобланган куёш Шарқ уфқидан ўз байроғини кўтарган тонгда қаршисидагилардан ҳеч кимнинг хабари бўлмасидан Зарнукшаҳрининг олдига борди. Кеча-кундуз қандай фитна уюштирилишидан беҳабар бўлган шаҳар халқи бирданига атрофни суворийлар билан тўла хавони отлар оёқлари остидан чиққан чанг-тўзон булутлари билан қопланган ҳолда кўргач, хавфсираб саросимага тушди. Қаттиқ кўрқув ва даҳшатга тушиб дарвозаларни ёпдилар. Ташқаридагиларни эса аскардан катта бир сел, ёки қутурган денгизнинг тўлкинлари деб ҳисоблаш мумкин. Буни ўз оёқлари билан балога кириш эканлигини ўйламасдан ўзларини ҳимоя қилишга аҳд қилдилар. Лекин кейинчалик Аллоҳнинг лутфи билан бу фикридан воз кечиб, ҳеч нарса қилмасдан кута бошладилар. Шу туфайли жаҳон подшоҳи ҳар доимгидек донишманд Ҳожибни Зарнукқа элчи қилиб юборди. Унинг вазифаси Жаҳон подшоҳининг келганлигини хабар қилиш ва уларга тўхтатиб қолиш иложи бўлмайдиган бу селнинг остига тушиб қолишдан ўзларини сақлаб қолишни тавсия қилиш эди. Донишманд Ҳожиб у ерга боргач, шаҳар халқидан “Уларни шайтон эгаллаб олиб”<sup>364</sup> оятига кўра ҳаракат қилганлар унга ҳужум қилиб, ёмонликни истадилар.

Шундан кейин донишманд Ҳожиб баланд овозда шундай деди: “Мен фалон кишиман. Мусулмон ўғли мусулмондирман. Аллоҳнинг розилигига эришиш учун Чингизхон олий фармони билан бу ерга элчи бўлиб келдим. Мақсадим сизларни сувда чўкиб, йўқ бўлишдан ва қон кўлига тушишдан қутқаришдир. Чингизхон ташқарида кўп сонли аскарлари билан кутиб турибди. Унга қарши чиқишнинг ҳар қандай йўли ҳам бир соат ичида қалъани ер билан яқсон қилиб, Жайхунни қон дарёсига айлантиради. Агар гапларимни ақл қулоғи билан тингласангиз, унинг буйруқларига итоат қилсангиз, жонингиз ва молингиз хавфсиз бўлиб, саломатлик қалъасида қолади”.

Зарнук халқининг каттаю кичиги унинг гапларини тушунди. Унинг истагини қабул қилди, ётоғини даҳшатли селни тўхтатишга қарши ғов қилиб, тоғлар ва водийлар тебранишига оёқ тираб қаршилик кўрсатишга интилмадилар. Тинчлик билан қутилиш чорасини айтилганларга қулоқ осиб деб билдилар. Таслим бўлганларидан кейин ўзларига бирор зарар етмаслиги ҳақида донишманд Ҳожибдан кафолат олдилар. Хатодан юз ўгириб, тўғрилиқка томон

<sup>364</sup> Куръони карим, 58:19.

йўналдилар. Сўнгра кўзга кўринган бир неча кишиларни сайлаб олиб, қимматбаҳо ҳадялар билан бирга Чингизхон ҳузурига юбордилар. Чингизхон келганлардан кечикиш сабабларини сўраганида улар кўркувдан титрай бошлади. Чингизхон уларга яхши муносабатда бўлиб, кўнгилларини кўтарди ва жонлари хавфсизликда эканлигини айтди. Унинг бу муомаласидан келганлар кўнгли хотиржам бўлди.

Шундан сўнгра подшоҳ буйруғи билан қатгаю кичик, аёлу эркак, бола-чақа ҳаммани шаҳар ташқарисига чиқариб, қалъани ер билан яксон қилди. Аҳолини санаб, ёшларни Бухоро устига юриш қилиш учун кетаётган қўшинга қўшганидан сўнг орқада қолганларга ўз уйларига қайтишга рухсат берди. Ўша шаҳарга Қутлуғ-балиқ номини берди.

Чингизхон у ердан туриб Бухорога кетаркан, ўша ўлканинг йўлларини жуда яхши биладиган бир туркман йўл кўрсатувчиси уни ўтиш қийин бўлган жойлардан олиб борди. Ушбу йўл шу кундан эътиборан “хон йўли” деб аталди. Амир Арғун 649 (1251) йилда Мангу хокон ҳузурига кетаётганда ўша йўлдан фойдаланган эди.

Олдинда Тойир баҳодир бораётган эди. Мўғул аскарлари Нур шаҳрига бормасдан аввал тунда йўлида учраган боғлардаги дарахтларни кесиб нарвонлар ясадилар. Отлар жиловларини тортиб секинлашдилар. Узоқдан Нур қалъаси соқчилари уларни нарвончилар деб ўйлади. Шу тарзда ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан Нур шаҳри олдига бордилар, лекин кўп вақт ўтмасдан келганлар аслида ким эканлигини билган шаҳар халқи кўркувдан муздек қотиб қолди.

Бунга ўхшаш бир хийла Зарқайи Ямонийга нисбатан ҳам ишлатилган эди. Бир китобда ўқиганим ҳикоя мана бундай: “Зарқайи Ямоний қалъа ичида баланд бир минора қурдирган эди. Жуда ўткир кўзлари билан ўзи томонга келаётган душманни узоқ масофадан кўрар ва шунга кўра чора-тадбирини белгиларди. Шунинг учун гурли хийлани қўллаб, унинг устига юриш қилган душманлари ҳар сафар у ердан енгилиб қайтиб кетардилар. Лекин унинг қаршисига бир куни ақлли душман чиқди. Ўша одам буйруқ бердики, одамларнинг ҳар бири бир дарахтни кесиб, унинг орқасига яшириниб, Зарқайи қалъасига томон юра бошласинлар. Зарқайининг “Ғалати бир нарса кўряпман, гўёки ўрмон оёқланиб устимизга қараб келаётгандай” дейишига қарамасдан ёнидагилар “ёки кўриш

қобилиятинг сусайдими, қандай қилиб ўрмон юра олади”, деб унинг гапларига эътибор қилмадилар ва ҳеч қандай тайёргарлик кўрмадилар. Учинчи куни душман аскарлари шаҳарга кириб, уларни енгдилар ва Зарқайини ўлдирдилар.

Мавзуимизга қайтайлик. Нур халқи мўғулларни кўргач, дарвозаларни беркитди. Тойир баҳодир уларга элчи юбориб, жаҳон фотиҳи келаётганлигини, унга қаршилик кўрсатмасдан шаҳарни топширишларини билдирди. Нур халқи бунга жавоб беришда иккиланиб, тараддудга тушиб қолди. Чунки уларнинг бир қисми Чингизхон у ерга келажагини тахмин қилмаганидек, қалъани топширган пайтда Султон унга қиладиган ёмонликдан хавфсираётган эди. Бир қисми эса жанг қилмасданоқ таслим бўлишни ўйлаётганди. Ораларидаги узоқ тортишув ва элчиларнинг борди-келдларидан кейин итоат қилганлигини билдириш учун қимматбаҳо совғалар билан бирга шаҳарнинг кўзга кўринган одамларидан бир гуруҳини Чингизхонга элчи қилиб юборишга қарор қилинди ва вазиятни Тойир баҳодирга билдиришди. Бундай муносабатдан хурсанд бўлган Тойирбаҳодир улардан олган озгина микдордаги озик-овқатига рози бўлиб, ўз йўлида давом этди.

Чингизхон Нурдан келган элчиларни қабул қилиб, уларга эътибор кўрсатди. Олиб келган совғаларини қабул қилиб олганидан кейин элчига қараб: “Субутой қўшини билан илғорда келяпти. Шаҳарни унга топширинг”, деди. Улар ҳам Чингизхон буйруғини бажариб, шаҳарни Субутойга очиб бердилар. Субутойшаҳар халқидан ўзига старли даражада озик-овқат, чорва ва зироати учун зарур бўлган нарсаларни олиб, шаҳар ташқарисига чиқишлари ва бошқа қолган нарсаларни аскарлар томонидан талон-тарож қилиниши ҳақида улар билан келишиб олди.

Аскарлар шаҳарга кирдилар. Ниманики топса олдилар. Берилган буйруққа кўра, ҳеч кимга тегинмадилар. Аҳолининг жонига зарар етказмадилар. Нурликлар орасидан олтмиш кишини танлаб олиб, уларни Нур амири ўғли Элхўжа қўмондонлигида Дабус<sup>365</sup> томонда бўлган мўғул аскарларига ёрдамга юборди.

Чингизхон Нурга келгач, халқ уни кутиб олиш учун кўчага чиқди. Унга қимматбаҳо совғалар берди. Халқнинг бундай муомаласидан таъсирланган Чингизхон уларга кераклича эътибор кўрсатиб, Султон (Муҳаммад Хоразмшоҳ) Нурдан ҳар йили оладиган

<sup>365</sup> Дабус ёки Дабусийа – Бухоро-Самарқанд йўли устида.



солиги миқдорини сўради. Бир минг беш юз динор деб жавоб бергач, ўша пулни ўзига (яъни Чингизхонга) берганлари тақдирда ҳар қандай ҳужумлардан қутилиши айтилди. Нурликлар талаб қилинган пул миқдорининг ярми учун аёллар зеб-зийнатлари, кимматбаҳо кийим-кечакларини йиғиб бердилар, қолган ярмини топиб беришга ваъда бердилар. Халқ шундай тарзда ўзларини тоторлар (мўғуллар) қули бўлишдан саклаб қолди. Узоқ йиллар давомида бахтли ва фаровон ҳаёт кечирди.

Орада Бухоро томонга ҳаракат қилган Чингизхон 617 йил муҳаррам ойининг бошларида (1220, март) шаҳар ёнига келди. *Шеър:*

[Сўнгра подшоҳ чодирини қалъа олдидаги текисликка курдилар]<sup>366</sup>

Чумоли ва чигиртка сурувлари каби мўғул аскарлари бўрон ҳолида келиб, шаҳар қалъаси атрофида жойлашди. Қалъадаги аскарлар сони йигирма мингча эди. Улар бошида бир ривоятга кўра, Чингизхондан қочиб, Султондан паноҳ топган ва шу сабабдан ҳон сифатини олган, аслида мўғул бўлган Кўкхон<sup>367</sup>, Ҳамид Бур<sup>368</sup>, Севинчхон ва Кешлихон<sup>369</sup> бор эди. Окшом тушгач, халқ қочишга уриниб кўрди. Лекин Жайхун дарёсига боришганда мўғуллар илғор қисмлари томонидан ушланиб оммавий тарзда ўлдирилди. *Шеър:*

[Агар қочиш балодан қутилишни таъминлай олмаса, ўтириб қутиш янада тўғри ва оқилона ишдир]<sup>370</sup>

Эртаси куни тонг отиб, қуёш ҳамма ёқни ёритгач, бухороликлар қалъа дарвозасини очиб, жанг дарвозаларини ёпдилар. Шаҳарнинг имом ва олимлари Чингизхонни кутиб олишга чиқдилар. Чингизхон шаҳарни кўриш учун ичкарига кирди. Чингизхон отда катта масжид меҳробига бориб, имом ўша ерда туриб, кетида турган мусулмонларга намоз ўқиттирди. Ўғли Тулу ҳам отдан тушиб минбарга чиқди. У ерда туриб, саҳрода ўт топилмаганлигисабабли оч қолган отларни тўйдиришни халққа буюрди. Шаҳардаги омборларни очиб, бўғдойни ташқарига олиб чиқдилар. Китоб сандиқларини масжид

<sup>366</sup> Шоҳнома, Вуллере напри. 474; I, 651.

<sup>367</sup> Кўкхон ёки Гурхон – Бартольднинг фикрича, бу шахс Чингизхоннинг асосий душмани Жамуқадан бошқаси эмас.

<sup>368</sup> Ёки *Ҳамидтур* – қорахитойлик бўлиб, кирмонли Қутлуғхон қўмондонларидан Бароқ хожибнинг укаси.

<sup>369</sup> *Кешлихон* – тулик исми Ихтиёрдин Кеший ёки Куший, Хоразмшоҳнинг отхоналар бўйича амири (мироҳур). Қаранг: Насавий, Б.62, 80.

<sup>370</sup> Абу Фира ал-Ҳамадонийнинг қасидасидан.

ўртасига олиб келиб, ичидагини ерга тўқдилар. Бўшаб қолган сандиқларни ем тоғораси қилдилар. Кўнгиш очиш учун шаҳардаги чолғучи ва ашулачиларни ўша ерга келтирдилар. Шароб қадаҳлари тўлиб, бўшай бошлади. Мўғуллар ҳам ўзларининг одат, анъаналарига кўра ашула айтиб, бакир-чакир қилдилар. Имом, шайх ва олимларга отхонадаги отлар ва ҳачирларни боқиш вазифаси топширилди.

Бир оздан кейин Чингизхон ўрнидан туриб, ўз чодирига кетиш учун йўлга чиқди. Ёнидагилар ҳам уни кузатиб бордилар. Куръони каримнинг варақлари унинг оёқлари остида топталганини кўрган Мовароуннаҳр олимларидан амирулимом Жалолиддин Али б. ал-Ҳасан ал-Риндий имомларнинг каттаси Рукниддин Имомзодага қараб: “Мавлоно кўриб турганимиз бу не ҳол? Ё Рабб, огоҳимизми ёки туш кўряпимизми?” деди. Рукниддин Имомзода: “Жим бўлинг, бу Аллоҳбиздан рози бўлмаганлиги ишоратидир. Ҳозир буни гапириш мавриди эмас”, деб жавоб берди.

Чингизхон йўли устида намозгоҳга кириб минбарга чиқди. Ўша ердаги шаҳар халқига хитоб қилиб: “Шаҳрингизнинг бойлари кимлар?” деб сўради. Саволга жавобан, маҳаллий халқдан бир юз тўқсонга ва тижорат учун келган беғоналардан икки юз саксонга кишини топиб келтирдилар. Шундан кейин Чингизхон Султоннинг ёмонлик қилиб, ўзига қарши турганлиги ҳақида узундан-узоқ гапиргандан сўнг яқунда шуларни айтди: “Эй кавм, бошда бошларингизда буюқларингиз бўлгани ҳолда жуда катта гуноҳлар қилдингиз. Бу гапни айтишимдан мақсад: мен Аллоҳнинг азобиман. Агар айтганимдек, сизлар катта гуноҳ қилмаганингизда эди, Аллоҳ мендек азобни сизларга юбормаган бўларди. Энди менга ўртадаги бу моллардан бошқа яшириб қўйилган бойликлар жойини айтинг”. Кейин улардан “Сизнинг энг кўп ишонган одамингиз ким?” деб сўради. Ҳамма ишонган одамнинг исмини айтди. Шунга кўра Чингизхон ҳеч ким ўша ишончли одамни безовта қилмаслиги учун буйруқ чиқариб, ундан олинган молларни қайтариб берди ва унинг зиммасидаги солиқни ҳам бекор қилди.

Ҳар куни шаҳарнинг кўзга кўринган кишилари Чингизхон хузурига келар ва ундан топшириқ олар эдилар. Чингизхон шаҳардаги мавжуд Султон аскарларининг ҳаммасини шаҳар ва қалъадан ташқарига чиқаришни истади. Лекин бу шаҳар халқи бажара оладиган иш эмасди. Чунки Султон аскарлари мўғуллардан қочиб, шаҳар ичига беркиниб, жон қайғусида ҳамма нарсани қилиб кўрди-

лар. Тунда хужумлар уюштириб, чиқиб кетиш йўлларини изладилар. Уларнинг бу ҳаракати Чингизхон ғазабига сабаб бўлди. Хон шаҳардаги уйлар бутунлай ўтда ёндирилсин, деб буйрук берди. Уйлар ёғочлардан қурилгани учун тез кунда бутун бошли шаҳар ёниб кул бўлди. Фақат гиштдан қурилган катта масжид билан бир неча саройгина бутун қолди.

Мўғуллар Бухоро халқини қалъадаги мавжуд бўлган Султон аскарларига қарши жангга ҳайдади. Иккала тараф орасида шиддатли жанг бошланди. Қалъа ташқарисидагилар ичкарига манжаниқлардан тош, ёйлардан ўқ ёғдирар, ичкаридагилар эса ташқарига керосин ва нефт шишаларини отардилар. Қисқа бир муддат ичида ҳамма ёқ атрофга учқун сачратиб ёнаётган бир тандирга айланди. Мана шу тарзда жанг бир неча кун давом этди. Қалъа ичидан бир гуруҳжангчи ташқарига чиқар, қахрамонларча курашиб, қалъага қайтиб кириб кетарди. Айниқса, жасурликни эркак шернинг қўлидан тортиб олган Кўкхон бир ҳамла қилганида бир неча душманни бирданига ўлдирар ва хужум қилганларни орқага чекинишга мажбур қиларди. Лекин бу ҳол узок чўзилмади. Уларнинг ишлари борган сари оғирлашди, галабига олиб боровчи нажот йўли қолмади. Охирида Аллоҳ ва унинг яратиклари қаршисида шаҳид бўлиб нариги дунёга кетдилар. Мана шу тарзда шаҳардаги чуқурлар ва жарликлар инсонун жонзотлар жасади билан тўлди. Мўғулларшаҳар деворини қўлга киритиб, шаҳарни қайтадан ёқиб юборди. Даврнинг кўз ва қулоқлари бўлган олимлар оёқлар ости бўлди, фалак гумбазининг бошига ярашган буюк кишилардан баъзилари асир олинди, баъзилари эса йўқлик денгизига фарқ қилинди.

*Шеър:*

[Замон борлиқ билан чавгон тўпи ёки шамол бир сиким туз билан ўйнаганидек ўйнайди. Давр – овчи, инсон эса тўрғайдан бошқа нарса эмас]<sup>371</sup>

Асир олинганларнинг кўпчилигини таёқ ва қамчи билан уриб ўлдирдилар. Санок ниҳоясида ўлдирилганлар сони ўттиз мингдан ортиқ экани маълум бўлди. Кейинроқ сарв каби озод бўлган кичик болалар, катталарнинг хотин ва фарзандлари асир олинди. Шаҳар ва қалъа қаршилик кўрсатганлардан тозалангач, қалъа деворларини ер билан яксон қилдилар. Тирик қолган эркак-аёл, катта-кичик

<sup>371</sup> “Татимату-л-йатимма”да зикр қилинган (Икбол нашри, жилд II, 77 сах.) кози Абул Фазл Аҳмад б. Муҳаммад ар-Рашидий ал-Лавкорий шеъри.

барча шаҳар халқини жомеъ масжидига тўпладилар. Ҳаммасининг жонини сақлаб қолдилар. Улар орасидан аскарликка ярайдиган ёшлар ва ўрта ёшдагиларни танлаб олиб, Самарқанд ва Дабусийани қамал қилиш вазифасини топширдилар. Чингизхон бу ердан чиқиб, тўғри Самарқандга йўл олди. Бухоро халқи бу фалокат туфайли юлдузлардек тарқалиб қишлоқларга кетди, шаҳарнинг ўрни очик майдоншаклини олди. Шу жангдан сўнг Бухородан қочиб, Хуросонга келганлардан Бухоро аҳволи ҳақида сўраганида улардан бири шундай деган эди: “*Келдилар, йиқитдилар, ёқдилар, ўлдирдилар ва кетдилар*”. Буни эшитган илмли одамлар бу ҳодисанинг ундан-да қисқа ва аниқ шаклда англатиб бўлмаслигини маъқуллади. Биз бу бўлимни ўша одамнинг сўзлари билан хулосалаймиз.

Чингизхон Самарқанд фатҳига қадар Бухоро волийлигига Туша Басқоқни тайинлади. У Бухоро ободончилиги учун озгина бўлса ҳам ишлар қилди. Ундан кейинги йилларда бугунги кун Хотами<sup>372</sup> жаҳон подшоҳи Хоқон<sup>373</sup> томонидан Бухоро бошқаруви Маҳмуд Ялавочнинг моҳир қўлларига топширилгач, адолат оҳанрабои у ёқ бу ёққа тарқалиб кетган бухороликларни яна ўз ватанларига жалб қилди. Ялавочнинг юксак даражада кўрсатган гайрати соясида шаҳар қурилиши ишлари ривож кўрсатди. Бўш майдон ҳолига келтирилган жой эндиликда улуг кишилар мазилгоҳига айланди.

636 (1238) йилда асли Бухоро яқинидаги Тороб номли қишлоқдан бўлган ғалвирчи бир киши хирқа кийиб, шайхлик ва пайғамбарлик даъво қилди ва атрофига кўп сонли одамларни тўплади. Шайх ҳалдан ошгач, уни тутиб, ўлдириб ҳақида фармон чиқди. Бош вазир Ялавоч мақбул дуо билан ёмон тақдирни енгганидек, ўзининг ақли ва узокни кўра олиши туфайли тўсатдан пайдо бўлган балони бошидан даф қилди. Торобий йўқ қилинганидан кейин ишлар аввалгидай ўз изига тушиб кетди. Халқнинг юзида секинча ва саодат акс этди.

Ҳозир Аллоҳнинг эҳсои, файзу шафқат ва раҳмат денгизи, адолат ва хузур манбаи бўлган Маҳмуд ва раҳмат денгизи марвариди бўлган Масъуднинг моҳир қўлларида Бухоро шаҳри куёшдек порламоқда. Аҳолисининг нуфузи, олим ва дин арбоблари, талаба-

<sup>372</sup> Хотами Тойий – меҳмондўстлиги ва қўли очиклиги билан шухрат қозонган жоҳилий давридаги араб подшоҳи (Қарант: Nikolson. A literary History of the Arabs, London, 1907. S.85-87).

<sup>373</sup> Хоқон – бу китобда ўқтой хоқон назарда тутилган.

ларнинг кўплиги, фаровон ҳаёти юксаклиги, қисқаси, ҳар жиҳатдан буюк ҳеч бир ислом шахри унга тенг кела олмайди.

Ҳали ҳам у ерда қурилган иккита катта бинонинг дунёда ўхшаши топилмайди. Уларнинг биттаси Сурххўтанний<sup>374</sup> қурдирган Хон мадрасаси, иккинчиси эса Масъудия мадрасасидир. Уларнинг ҳар бирида минглаб талабалар илм оладилар. Мадрасаларда дарс берувчи устозлар ўз даврининг буюк ва тенгсиз олимларидир. Қисқаси, бу икки муқаддас бино Бухоро майдонлари беазаги ва ўша ердаги халқ ифтихор манбаигина эмас, балки бутун ислом оламининг ёруғ юзидир. Улуғ Аллоҳ одил подшоҳ давлатининг давомчилиги ва ҳанафий мазҳабининг ривожини билан дунёни безатсин.

### XVIII. ТОРОБИЙНИНГ МАЙДОНГА ЧИҚИШИ

636 (1238) йилда Қискичбақа буржида икки ёвузлик келтирувчи юлдуз<sup>375</sup> кўринди. Мунажжимлар буни безовталиқ ёки ёлғон пайғамбарнинг пайдо бўлажаги тарзида шарҳладилар.

Бухородан уч фарсах узоқликда Тороб деган қишлоқда ғалвирчи Маҳмуд исмли бир одам бор эди. Айтишларига караганда, ниҳоятда жоҳил бу одам ўзининг пари ва жинлар билан алоқаси борлиги ва улар сирли нарсалардан хабар келтиришини даъво қилди.

Мовароуннаҳр ва Туркистонда, асосан, аёллар жин ва парилар билан машғул бўлувчи парихонлар эди. Бирор кишининг бирор жойи оғриси, бир зиёфат ташкил қилар, жинлар ёки сеҳргарлардан бирини чақирар, келганлар билан рақсга тушар, ашулалар айтар ва яна жуда кўп маъносиз ишларни қиларди. Жоҳил одамлар буларга ишонар эди.

Бир куни Маҳмуд ғалвирчининг синглиси унга сеҳрбозлик қобилиятини аниқлатгач, Маҳмуд бу ишни жуда аъло даражада бажара олишини ўйлади. У ўша оқимга кириб, шу маслақда жуда тез илға-

<sup>374</sup> Сурххўтанний Бўқи – Қарайит қавмлари подшоҳи Унгхон укаси Чақамбунинг кизи. Чингизхон у ерни ўз ҳокимияти остига олганидан кейин уни тўртинчи ўгли Тўлига келин қилиб олиб берди. У Тўлининг энг кўзга яқин хотинлари орасидан жой олди. Бу аёл айни пайтда Тўлининг энг эътиборли ўғиллари ҳисобланган Мангу хоқон, Кубилой хоқон, Хулоғу хоқон ва Ариқ Бўқининг онаси эди (Қаранг, Жомеъу-т-таворих. Березин нашри, 1-жилд. Б. 127; Блоше нашри. Б. 199-205).

<sup>375</sup> Зухал ва Миррих.

рилаб кетди ва қисқа замонда шоп-шуҳратга эришди. Жоҳил халқ унга ишона бошлади, дардга чалинган ёки сурункали касалликка йўлиққанлар унинг кетидан чопа бошладилар. Тасодифан уларнинг бир нечтаси тузалди, бу эса унга бўлган ишончнинг ортишига ва даволанувчи беморлар сони кўпайишига сабабчи бўлди. “Менинг изним билан кўр ва песни тузатдинг”<sup>376</sup>.

Бухорода гапларига ишонса бўладиган бир нечта киши менга “Торобий бизнинг ёнимизда бир неча кўрлар кўзига итнинг ахлатини суркаб пуфлагач, уларнинг кўзлари очилди”, деди. Мен уларга “Аслида бу воқеаларни кўрган одамлар кўрдирлар, бундай мўъжизани фақат Марям ўғли Исогина кўрсата олган. Улуғ Аллоҳ шундай буюради: “Қайта тириладиган кунда (қиёматда) мени шарманда қилмагин! Укунда на мол-дунё ва на фарзандлар фойда бермас. Фақат Аллоҳ ҳузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда бўлур)”<sup>377</sup>. Агар бу ҳолни мен ўз кўзим билан кўрганимда ҳам ишонмасдим. Буни сув чамбарагининг айланиши деб билардим ҳолос”, деб жавоб бердим.

Бухорода Шамсиддин Маҳбубий исмли ўз билими ва насл-насаби билан танилган бир киши бор эди. У бухороликларга ачинганидан Торобий сафига кўшилди ва унга “Отамдан эшитган эдим. У бир китобда Бухоронинг Тороб қишлоғидан бутун дунёни қутқарадиган бир одам чиқажагини ўқиган экан. Унинг китобда ўқиган барча ишоратлари сизда бор” деди. Ақлдан йўқсил бўлган ўша жоҳил Шамсиддин Маҳбубий сўзларини эшитгач, янада илгарилаб кетди. Мунажжимлар ўша йили сохта пайғамбарнинг пайдо бўлажагини сўзладилар, орадаги гап-сўзлар бу ҳолатга мос келгани учун Торобийкундан-кунга кучайиб борди. Барча халқ унга юзланди. Фитна ва тартибсизлик тухумлари урчий бошлади. Давлат катталари бу тартибсизлик оловини ўчириш учун йигилиб, мавзунини муҳокама қилдилар. Вазиятни соҳиб Ялавочга билдириш учун Хўжандга одам юбордилар. Ўзлари ҳам гўё ундан дуо ва маънавий дастаколиш мақсадида Торобга боришиб, унинг қўлини ўтдилар ва Бухорони ўзининг муқаддас оёқлари билан шарафлантиришни сўрадилар. Бу амирлар ҳали аввалданок Маҳмуд ғалвирчинини Бухорога бир неча соқчилар олиб бориши, Вазидон кўпригига етиб бор-

<sup>376</sup> Қуръони карим, 5:110.

<sup>377</sup> Қуръони карим, 26:87.

\* Бу ўринда муаллиф Маҳмуд Торобийни мўғуллар назари билан таърифламоқда (таҳр.).

гач, соқчилар уни ўқ ёмғирига тутиб ўлдиражагини режалаштирган эди. Маҳмуд ғалвирчиуларнинг гапларига ишониб йўлга чиқди. Вазидон кўпригига борган пайтда ўзини дўст қилиб кўрсатган мухофиз соқчиларнинг раиси Тамшога юзланиб: “Ёмон фикрлардан воз кеч, акс ҳолда, инсон қўлига эҳтиёж сезмасданок дунёни кўриб турган кўзингни чиқарадилар” деди. Бу гапдан кейин соқчилар ўзига ўзи “Бизнинг ниятимизни унга ҳеч ким хабар бермаганига шак-шубҳа йўқ. Демак, у айтганларининг ҳаммаси тўғри экан”, дея ундан кўрқиб, хужум қилишдан воз кечдилар. Торобий Бухорога боргач, Санжар Малик саройига тушди. Шаҳарнинг амири ва бошқарувчиси унга нисбатан катта хурмат кўрсатди. Лекин фурсатни топиб, уни йўқотиш фикрини ҳам хаёлидан ўтказди. Ташқарида халқ тўпланган эди. Тўпланган халқ орасида хатто мушук ҳам ўтадиган жой қолмаган. Халқ уни кўриб, хузур-халоват ва шифо топишни хоҳлаётганди. Саройга кириш ёки чиқишнинг ҳам иложи йўқ эди. Бу орада Маҳмуд ғалвирчи саройнинг томига чиқиб, халққа юзини кўрсатди. Уларга хитоб қилаётганида оғзидан сачраган туфуклари устларига тушган одамлар хурсанд бўлишди. Шундай тарзда ўз истакларига эришган халқ Маҳмуд кетиши билан тарқалди. Торобий кароматига ишонганлардан бир киши у ҳақда Бухоро амирларидан бири ёмон фикрдалигини хабар бергани сабабли кечаси яширинча саройдан чиқиб, сарой дарвозаси олдида боғлиқ ҳолда турган отлардан бирини миниб, ёлғиз ўзи тезда у ердан узоқлашиб, Ахфос тепалигига кетди. Унинг йўқ бўлганини эшитгач, шаҳар майдонида халқ тўпланди. Дарров жохилни излай бошладилар. Ҳамма ёққа суворийлар жўнатилди. Улардан бири уни ўша эслатилган тепаликда кўргач, қайтиб келиб аҳволни халққа билдирди.

Қисқа муддат ичида Торобий кушдай учиб, Абуҳафс тепалигига борганлиги ҳақидаги хабар халқ орасига ёйилгач, каттаю кичик ҳамма ҳаяжон ичида ўша тепаликка қараб чопиб кетди ва ўша ерда тўпланди. Торобий шом намози вақтида ўрнидан туриб, халққа юзланиб: “Эй Ҳақнинг қуллари, нима учун қўли боғлангандек кутиб турибсизлар? Дунёни динсизлардан тозалаш керак. Ҳамма қўлига илинган қурол, пичок ва болта, тош ва йўғон таёқни олиб бу ишни бажаришга тайёрлансин” деди. Гапини тугатганидан кейин халққа қўшилиб шаҳарга қайтди. Ўша куни жума эди. У Маликнинг баҳорги саройига тушди. Шаҳарнинг кўзга кўринган олимларини ча-

қирди. У даврининггина эмас, балки бўлажак даврларнинг ҳам буюк олимларидан ҳисобланган Бурҳониддинга халифалик, Шамсиддинга ноибликни берди. Аввалги таниқли кишиларнинг кўпчилигига азият етказди ва ҳақорат қилиб, бир қисмини ўлдиртирди. Уларнинг баъзилари қочиб қутулдилар. Жохиллар ва тўполончиларнинг қўнглини олди. Кейинроқ эса ўша жойдагиларга юзланиб: “Менинг аскарларим икки қисмга ажралди. Уларнинг бир қисми инсон ўғилларидан пайдо бўлган зоҳирий, нариги қисми эса кўзга кўринмайдиган осмондаги фаришталар ва ердаги жинлардир” деди.

Ҳамма унинг кўрсатган томониға кўз ташлади. Улардан бири фалон жойда яшил ва оқ кийимли одам учаётганини кўряпман, деганидан кейин халқ уни тасдиқлади. Ҳеч нарса кўрмайпман, деганларни таёқ зарбалари билан “кўряпман” деб айттирдилар. Шундан кейин Торобий яна сўз олиб, Ҳақ таоло бизга ғойибдан қурол юборди, деган пайтда Шероздан бир тужжор тўртта ҳайвонга юкланган қилич билан ўша ерга келди. Шундан сўнгра унинг рост гапираётганлигига халқда ҳеч қандай шубҳа қолмади. Ўша жума хутбасини унинг номиға ўқидилар. Намоздан сўнгра бойларнинг уйларига одамлар юбориб, гилам ва кигизлар келтириб, Торобий тунаб қолган уйға тўшадилар. Унинг буйруғини бажариш учун юзлаб аскарлар хурмат билан қўл ковуштирдилар. Тўполончилар ва дайдиларнинг қуни туғди. Улар бойларнинг уйларига кириб талон-тарож қилдилар. Окшом пайти бўлар-бўлмас, янги султон ой юзли гўзаллар билан ёлғиз қолди. Ўша кечани завқ ва кайфу сафо ичида ўтказди. Эрталаб ўрнидан туриб, ҳовузда таҳорат қилди. *Шеър:*

[Гўёки иккимиз ҳам гуноҳға ботган каби куч-қувват мендан кетгач, менинг ювинишимға сабаб бўлур]<sup>378</sup>

Шундан сўнгра халқ ҳовузға чоғиб бориб, унинг ювинган сувини ўкка (ўкка -1283 гр) ва дирхам (дирхам -312 гр оғирлик ўлчови) лаб касалларға шифо дори деб, бўлиб бердилар. Кейинроқ эса Торобий турган уйда тўпланган нарсаларни уни ҳимоя қилаётган аскарларға тарқатдилар. Унинг ишонч ва эзгулик чегарасидан чиқиб кетганлигини кўрган синглиси “менинг гапларим билан йўлга чиқиб, йўлдан адашди” деди.

Бухородан қочган амирлар ва шаҳарнинг кўзга кўринган одамлари Карманда тўпландилар. У ердаги мўғулларни ҳам ёнларига

<sup>378</sup> Мутаннабий шеър.



олиб, кўшин билан тўппа-тўғри Бухоро-га юрдилар. Бундан хабар топган Торобий ҳам аскар тўплаб, ёнида кийим-кечак ва севган хотини бўлгани ҳолда аввалги сафдан жойини эгаллади. Иккала томон тўкнашган пайтларида халқ орасида Торобийга қўл кўтарган кишининг қўли синади, деган ишонч кенг тарқалганлиги учун ҳамма унга ўқ отишдан кўрқарди. Лекин қарши томондан отилган бир ўқ келиб, тасодифан унга тегиши билан жон таслим қилди. Бошқа бир ўқ ҳам ёнидаги севгилисини бу дунёдан олиб кетди.

Унинг ўлганидан аскарларининг кўпи беҳабар қолди. Ўша пайтда шиддатли бир шамол кўтарилди, ҳамма ёқни туз-тупроқ қопладик, биров бировни кўриб бўлмайдиган даражада эди. Торобий қаршисидаги аскарлар бу ҳолатни унинг қароматидан деб, қуроллари ташлаб қоча бошладилар. Уларнинг кетига тушган Торобий аскарлари қўлларига тушган болта ва бошқа қурооллар билан, аввало, ушлаган зобит ва маъмурларнинг бошларини кесдилар. Мана шундай тарзда Карманада ўн мингга яқин кишини ўлдирдилар.

Орқага қайтгач, Торобийнинг одамлари уни топа олмагач, хожа ғойиб бўлибди, у яна қайтиб келгунигача укалари Муҳаммад ва Алини ўрнига ўтказайлик, деб икки жоҳилни Торобий ўрнига ўтказдилар. Шундан сўнг булар талон-тарож қилишда давом этдилар. Бундан бир ҳафта кейин Илдиз нўён ва Чигин кўрчи кўмондонлигида катта бир мўгул кўшини бу ерга келди. Торобийнинг иккала укалари йигирма мингчалаик одамлари билан бирга шаҳар ташқарисидаги майдонда мўгулларга қарши курашга чиқди. Отилган бу дастлабки икки ўқ диний жазавога тушганларга тегди. Кейин ўша ердагилар ҳаммаси ғойиб бўлдилар. Окшом шаҳар ичкарасига кирган мўгул кўшини эрталабгача қилич сернадилар. Шаҳардаги каттаю кичик ҳаммани ташқаридаги бўш майдонга ҳайдаб чиқарди. Яна ўлдирамиз, интиқом оламиз, халқни бало-қазо ўчоғига ўтин қиламиз, моллари ва болаларини ўлжа қилиб оламиз, деб интиқом тишларини қайрадилар. Сўнгра улуг Аллоҳнинг фазли ва лутфи, Маҳмуд Ялавочнинг марҳамати ва мушфик қўли билан тартибсизлик йўқ қилинди ва шаҳарнинг тескари қисмати ўнгланди.

Маҳмуд Ялавоч Бухорога келгач, халқни оммавий тарзда ўлдириш ва шаҳарни талон-тарож қилишдан қутқарди, “Бир неча ёмон одамлар туфайли мингларча одамлар қандай қилиб ўлдирилади? Шунча йиллар сарфланган ғайрат ва меҳнат натижасида бунёд этилган бу шаҳарнинг бир жоҳил туфайли йўқ қилиниши инсофдан

бўладими?” деб шиддат отига минганларга қарши чиқди. Лекин рақиб тараф талон-тарож қилиш борасида оёқ тираб олгач, Маҳмуд Ялавоч Хоконга элчи юбориб, унинг фикрини билиш учун рақибларини рози қилди. Маҳмуднинг ҳаракатлари ўз самарасини берди. Хокон кечирилиши мумкин бўлмаган жиноятни афв этиб, халқнинг жонини саклаб қолди. Шу тарзда бу иш ҳам ниҳоясига етди.

## ХІХ. САМАРҚАНДНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ

Султон (яъни Муҳаммад Хоразмшоҳ) бошқаруви остида бўлган мамлакатлар орасида тупроғининг кенглиги ва унумдорлиги, об-ҳавосининг мўътадиллиги жиҳатидан ажойиб маскан, дунёнинг жаннати Самарқанддир. *Шеър:*

[Дунёда жаннатни кўришни истасанг, Самарқандни кўр. Эй Балх тупроғини у билан бир деб билган кимса, шакар билан чирик қовун ҳеч тенг бўлурми?]<sup>379</sup>

Об-ҳавоси мўътадил, суви шимол шамолининг салқинлигини эслатади, тупроғи одамга берган кучи ва нашъаси жиҳатидан шароб хусусиятига эгадир. *Шеър:*

[У ернинг тупроғи мушқу анбар ва дарёлари эса шароб каби оқаётган бир жойдир]<sup>380</sup>

Султон роҳат ва ҳузур тизгинларини ўз қўлидан чиқарган, тинч ҳаёт тарзи бузилган, шубҳа қалбида ўрнашиб қолган бир вазиятда жангдан қайтиб келиб, қўлида қолган ўлкаларни ҳимоя қилиш учун кўмондон ва ёрдамчилар тайинлади. Шу орада Самарқанд мудофааси учун ҳам энг кўзга кўринган кўмондонлар ихтиёрига юз ўн минг кишилиқ кўпин ажратади. Улар орасида эллик минг турклар бор эдики, агар Жасур Исфандиёр<sup>381</sup> уларнинг ўқ отишлари ва қилич ишлатишларини кўрганида эди, қутилиш чорасини фақат таслим бўлишдан излаган бўларди. Эллик мингча тожик<sup>382</sup> бор бўлиб, улар яхши тайёрланган, паҳлавон Рустам каби кучли кишилар

<sup>379</sup> Ёқут ўз китобининг Самарқанд бўлимида бу шеърни зикр қилган ва унинг Абул Фатх Бустийнинг шеъри эканлигини айтган.

<sup>380</sup> Соҳиб б. Аббоднинг мадҳи ҳақидаги Абу Саид ар-Рустамий қасидасидан.

<sup>381</sup> Исфандиёр – “Шоҳнома”нинг машҳур қаҳрамонларидан. У Зардушт ҳимоячиси Гуштаспнинг ўғли бўлиб, отаси тарафидан янги динни қабул қилмаган Рустамга қарши жанг қилиш вазифаси унга топширилган эди.

<sup>382</sup> Умумий тарзда форсларга нисбаган қўлланилган ном.

эдилар. Улардан ташқари Самарканд мудофааси учун тайёрланган кўшинда йигирматача бахайбат фил ҳам бор эди. *Шеър:*

[Тош устунларни қулатарлар,аждахо устидан куларлар. Устларига қўйилган ёшинчиқлар уларни турлича рангларда кўрсатар]<sup>383</sup>

Бу филлар қўшиннинг отлик ва пиёдаларига қалқон бўладиган ва ҳар қандай ҳужумдан қочмайдиган шаклда тайёрланган эдилар. Кўшин кўмондони шаҳар халқининг ёрдами билан қалъани мукамал тарзда мустаҳкамлади. Қалъанинг атрофига баланд ва мустаҳкам деворлар урдирди. Ташқарисига хандақлар қаздириб, ичини сув билан тўлдирди. Чингизхон Ўтрорга борган пайтда Самарқандни мудофаа қилаётган аскарларкўп эканлиги ва у ердаги қалъа мустаҳкамлиги ҳақидаги хабар ҳамма ёққа ёйилган,қалъани забт этиш учун йилларча машғул бўлиш кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳамманинг хаёлини банд қилган эди. Буни билган Чингизхон аввал Самарқанд атрофидаги шаҳарларни қўлга киритишни, кейинчалик ҳужум қилишни ўйлади.

Аввал Бухорога юрди. У ерни олганидан бир оз муддат ўтгач, дам олиб тайёргарлик кўрди. Халқ орасидан тўплаган аскарларни олиб, Самарқандга равона бўлди. Йўлида учраган кишлок ва шаҳарларнинг таслим бўлганларига тегмади. Сарипул ва Дабусийа каби қаршилиқ кўрсатганшаҳарларни қамал қилиш учун бир мунча аскарлар қолдириб, ҳеч бир жойда ушланмасдан Самарқандга борди. Бу пайтда Ўтрор масаласини ҳал қилган ўғиллари ҳам аскарлари билан бирга унга келиб қўшилдилар ва Кўксаройни ўзларига қароргоҳ қилиб олдилар. Ҳамма томондан келган аскарлар қалъанинг атрофида ўз жойларини эгалладилар. Чингизхон икки кун аскарларини урушдан озод қилиб турди,шаҳар атрофини айланиб деворлар, миноралар, хандақлар ва қалъа дарвозаларини синчиклаб ўрганди. Кўзга кўринган кўмондонлари билан Субутойни Султоннинг кетидан, Кадок нўён ва Ясовурни Вахш ва Толиқонга юборди.

Учинчи куни куёш нурлари катрондек қора бўлган кечани йиртиб ўтгач,шаҳар атрофи, йўлнинг кумларига ва ёмғир томчиларидек кўп мўғул ва уларга тобе бўлган миллатлардан ташкил топган бир кўшин чиқди. Чингизхон уларнинг ҳар биринимуйайн жойга жойлаштиради.Бу пайтда шаҳар мудофаасида топшириқ олган Алп Эрхон, Шайххон, Арслонхон ва бошқа баъзи хонлар шаҳардан чиқиб ташқарида мўғул аскарларига ҳужум қилдилар. Гўё шамдек

<sup>383</sup> Бадлуззамон Ҳамадонийнинг Султон Маҳмудни мадҳ этган қасидасидан.

ўчиб-сўниб жонландилар. Охирида кўп сонли мўғулларни асир олиб, қалъага қайтдилар. Ўзлариданҳам юзтача киши талофот кўрди. *Шеър:*

[Ернинг манфаати учун осмон оташи туман ичига киргунга қадр жанг қилдилар ва охирида ҳамма ўз жойига чекинди]

Бир куни яна куёш қиличини қоронғулик бикинига санчгач, Чингизхон отига миниб аскарларини шаҳар атрофига жойлаштиради. Ичкаридагилар ҳам тайёргарликни тугатди. Ўшандажанг оқшомгача шиддат билан давом қилди. Манжаниқлардан тошлар, ёйлардан ўқлар ёғилди. Мўғуллар қалъа дарвозаларини тутиб турдилар ва ичкаридан чиқишларига имкон бермадилар. Шаҳарда сиқилишиб қолганлар ҳаракат майдони торайиб қолганини кўргач, филларни ташқарига ҳайдадилар. Филлар ўзларига ҳужум қилган мўғул аскарларини оёқлари остида эзиб ташладилар.

Куёш юзига парда тортиб оқшом пайти бўлгач, ичкаридагилар дарвозаларни беркитиб, ўша кунги жангнинг ҳисобини қилдилар. Кўпчиликнинг кўзлари ўша кунги жангдан кўрққанлиги учун таслим бўлиш ҳақида ораларида келишмовчилик келиб чиқди. Бир қисм жанг қилишни хоҳлади. Бир қисми Чингизхонга таслим бўлишдан бошқа чора йўқлиги ҳақидаги фикрни каттиқ туриб ҳимоя қилди. Шу тарзда тортишув эрталабгача давом қилди. *Шеър:*

[Порлоқ куёш ўз нурларини таратгач, дунёнинг кузғуни қанотларини туширди]<sup>384</sup>

Эрталаб мўғул аскарлари дам олган ва кайфияти кўтаришган ҳолда эдилар. Самарқанд халқи бир-бирига ёмон бўлиб кўринган ва чарчаган ҳолда эди. Ниҳоят, самарқандликлар жангдан воз кечишга қарор қилди. Шаҳармуфтийси ва олимларидан ташкил топган бир ҳайъат Чингизхонга итоат қилганини билдириш учун юборилди. Чингизхон эътибор ва меҳр кўрган ўша гуруҳ намоз пайтида шаҳарга қайтиб келгач, қалъа дарвозаларини очиб, ўжарлик эшикларини ёпдилар. Шундан кейин шаҳарга кирган мўғул аскарлари кун бўйи талон-тарож билан машғул бўлдилар. Шаҳар халқи оёққўллари боғланган одамлардек уларга қаршилиқ кўрсатмади. Оқшом пайти ҳаво қорайгач, мўғуллар машғалалар ёкиб, кундузи тугатмаган ишларини давом қилдилар. Қалъа деворларини ер билан бир қилиб, ташқаридаги суворий ва пиёдаларга йўл очдилар. Учинчи куни эрталаб эркак-аёл ҳаммасини юз кишилиқ гуруҳларга аж-

<sup>384</sup> Шоҳнома. Вуллери нашри. 497; I, 1049.

ратиб, шаҳар ташқарисидаги бўш майдонга ҳайдадилар. Факат қози, шайхулисом ва уларнинг эллик минггача қариндошлари бошқалардан ажралдилар.

Яширинганлар ўртага чиқишини жарчи орқали айттирдилар. Ўртага чиқмаганлар қонлари тўкилишини хабар қилдилар, талон-тарож қилишда ва ўлдиришда давом этдилар. Шу орада фил боқувчилар Чингизхоннинг олдига келиб, филлар учун ейдиган нарсалар кераклигини айтдилар. Чингизхон филлар одамларнинг қўлларига тушмасдан аввал нима еганликларини сўради. Қаршисида турганлар “Ўтларни ердилар” деган жавобни бергач, “Уларни эркин ҳолда қўйиб юборинглар, ейдиганларини ўзлари топсинлар” тарзида буйруқ берганлиги туфайли филларни қўйиб юбордилар. Лекин улар далада етарлича ўт топа олмаганликлари учун қисқа муддат ичида ҳалок бўлдилар.

Осмон подшоҳи ернинг остига киргач, яъни қуёш ботиб, окшом пайти бўлгач, мўғуллар шаҳарнинг ташқарисига чиқдилар. Ички қалъада қўрқув ва даҳшат ичида қолган халқ шаҳарда қолиш ёки қочиш ҳақида бирор қарорга кела олмаётган эди. Улар орасида бўлган Алпхон минггача одамлари билан фидокорлик қилиб ўлимга рози бўлиб, камални ёриб ўтди ва Султоннинг хузурига боришга муваффақ бўлди.

Эрталаб мўғуллар ички қалъа атрофини халқа тарзида ўраб олиб, ҳамма томондан ёғдирган тошлар ва ўқлар билан ички қалъанинг деворлари ва минораларидан тешиқлар очдилар. Икки намоз орасида дарвозаларни синдириб, ичкарига кирдилар. Жасур йигитлардан ташкил топган минг кишилик бир гуруҳ қатта масжидга кириб, ташқарига ўтли нефт шишаларини отиб, ўзларини ҳимоя қилишга киришдилар. Шундан сўнг Чингизхон аскарлари масжидга ўт қўйдилар. Масжид ва масжид ичидаги одамлар дунё оловида ёниб, охираат сувида ювиндилар.

Ичкарида қаршилик кўрсатадиган ҳеч ким қолмаганлиги сабабли топган ҳар бир одамни шаҳар ташқарисига чиқардилар. Туркларни тожиқлардан ажратиб олдилар. Ҳаммасини ўн ёки юз кишилик гуруҳларга ажратдилар. Турклар сочларини мўғулларникидек пешаналари олд томонидан қириб ташладилар. Қуёш ботгунгача уларнинг ҳам ҳаёт қуёшлари ботди. Окшом пайтида ҳам қатлиом қилишда давом этдилар. Ўлдирилган эркаклар сони ўттиз минг эди. Улар орасида Боришмасхон, Туғайхон, Сарсигхон,

Улоқхон ва яна йигирмача Султон қўмондонлари бор эди. Уларнинг номлари Чингизхоннинг Рукниддин Картга<sup>385</sup> ёзган бир фармонида бор.

Шаҳар ва қалъа йикилиб хароб бўлди. У ерда яшаганларнинг кўпчилиги ҳаётдан қўз юмдилар. Эрталабданок қиличдан қутилиб қолганлар сонини ҳисобладилар. Улардан ўттиз минг кишини ажратиб, бола-чақаларига бағишладилар. Ёшлардан ва ўрта ёшлилардан ташкил топган ўттиз мингини аскарликка олдилар. Чингизхон шахидлик шарбатини ичмаган бошқа бир гуруҳ жонини сақлаб қолиш учун шаҳар халқидан икки юз минг динор тўплашга буйруқ берди. Пулни йиғиш вазифасини Самарқанднинг ҳурматли кишиларидан Сиккатулмулк ва амири аъзам Амидга топширди. У ерда қиладиган бошқа иш қолмагач, Самарқандга бошқарувчи сифатида бир қанча одамларни қолдириб, аскарлардан бир қисмини ўғиллари ихтиёрига бериб, уларни Хоразм томонга юборди. Ўзи ҳам қолган аскарлари билан Хуросонга қараб йўлга чиқди. Чингизхон кетганидан кейин у ерда қолдирилган мўғул аскарлари билан самарқандликлар ўртасида бир неча марта урушлар бўлди. Самарқанд халқининг кўпчилиги бу тўқнашувларда вафот этди. Шаҳар батамом йўқ бўлиш нуктасига келди. Бу тўқнашувлар 618 йил рабийул аввал ойида (1221, апрел) рўй берди.

Қани узоқни кўра оладиган ақлли одамлар? Улар шамолнинг ҳар онда бир лаҳзадаёқ ўзгара оладиган ҳаракатларига айланувчи фалакнинг завқ ва сафосига эътибор қилмадилар ва унга ибрат қўзи билан қарамадилар. Дунё шамоли совуқ даромаднинг зарарли эканлигини кўрди. Шаробдаги лаззат наъшанинг бир онлик бош оғриғизканлигини аниқлаб тушуниб олди. *Шеър:*

[Эй кўнгил, йиғлаб инграма. Чунки бу дунё ёлғондир. Эй жон, гам чекма, чунки бу дунё ўткинчидир]

## XX. ХОРАЗМ ВОҚЕАСИ

Хоразм бир ўлканинг номидир. Қадимдан у ерни Журжония, халқини урганжи деб атайдилар. Ёмон кунларни кўрмасдан аввал чиройли бир шаҳар эди, дунё подшоҳларига пойтахтлик қилган, буюк олимлари борлиги билан шарафланган, улуғ шайх ва подшоҳ-

<sup>385</sup> Ҳиротда Карт сулоласи асосчиси.

ларни ўз бағрида сақлаган эди. “Шаҳрингиз покиза шаҳар, Парвардигорингиз мағфиратли Парвардигордир”<sup>386</sup>. *Шеър*:

{Менимча,шаҳарлар ичида чиройлиси Хоразмдир. У ернинг осмонини баракотли булутлар қоплаб туради. Эрталаб хоразмлик ёшлар гўзал чехраларини кўриш нақадар бахт}<sup>387</sup>

Чингизхон Самарқанд масаласини ҳал қилганидан кейин Мовароуннаҳр ўлкасини бутунлай забт этиб, ўзига қарши чиққанларни йиқитди. Бошқа тарафдан эса, Жанд ва Боржлиғ идора остига олингандан кейин Хоразм ўлкалар орасида арқонлари кесилган бир чодирдек бўлиб қолди. Хуросон ўлкасини ўз душманларидан тозалаш ва Султонни ушлаш ишини зиммасига олган Чингизхон Хоразмни забт этишни қатта ўғиллари Чигатой ва Ўктойга топширди. Уларнинг ихтиёрига замоннинг ҳодисотлари каби туганмас тоғлар ва водийларни тўлдирган бир қўшин берди. Жанд томонидан тўпланган аскарларни ҳам Жўжи қўмондонлигида уларга ёрдамга юборди.

Бухоро йўлини тугиб кетаркан, олд томонда худди ёмон хабар каби тез ёйиладиган яшиндек учувчи бир ҳарбий қисмни жўнатди. Ўша пайтда Султон Хоразмда эмасди. У ерни Туркон хотун қариндошларива қўшиннинг энг кўзга кўринган машхурларидан Хумор тегин идора қилаётган эди. Мўғул амирларидан Мўғул ҳожиб, Эрбука паҳлавон, Али Дуругоний<sup>388</sup> ва яна кўпчилик ўша ерга бориб яширингандилар. Бошқа жойлардан келган бой, савдогар ва олимлар ҳам ўша ерда эдилар. У ерда яшаётганлар сони қум ва майда тошлар соничалик эди. Лекин ўша одамлари кўп бўлган шаҳарда халқни бошқариб турадиган ва уруш ҳолатида аскарлар олдига тушиб, шаҳарни мудофаа қила оладиган муайян бошқарувчи ёки қўмондон йўқ эди. Халқ хонадонларига яқинлиги туфайли Хуморни бир овоздан бошқарувчи қилиб сайлаб, унга султон сифатини бердилар.

<sup>386</sup> Қуръони карим, 34:15.

<sup>387</sup> Ёқут бир шеърини китобининг Хоразм бўлимида зикр қилган ва унинг Муҳаммад б. Унайи ад-Дамашкийга оид эканлигини айтган.

<sup>388</sup> *Дуругоний* – Султон Жалолиддиннинг котиби Муҳаммад б. Аҳмад ан-Насавий “Сийрату-л-Жалолиддин (Хаудас нашри, Б.55) китобида мана шуларни ёзади: “Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун Хоразмни тарк этгач, у ернинг бошқаруви учун ўзининг вакилини қолдирмаганлиги сабабли бошқарувни Алиқўҳи Дуругон ўз қўлига олди. Жанжалкаш бўлган бу одам кўп ёлгон гапирганлиги сабабли унга форсча “ёлгонлар тоғи” маъносини билдирадиган “Кўҳи Дуругон” лакабини бердилар.

Хоразм халқининг қатгаю кичиги дунёнинг фитна ва ғалаёнидан, замон улар учун тайёрлаган фалокатлардан беҳабар ҳолда яшаётган бир пайтда тўсатдан шаҳар дарвозаси олдида чорваларини ҳайдаб бораётган кишилар кўринди. Уйсизлик ва ақлсизликдан бу суворийлар йўлларидан адашиб, бу ерга келиб қолган ва охирини ўйламасдан бу ишга киришганлар, деб ўйладилар. Уларнинг орқасидан қандай фалокат ва уқубатлар келишини тахмин қилмадилар. Ўз нафсларига ҳоким бўлолмаган суворий ва пиёдалардан ташкил топган, ўзларини кўрсатишни яхши кўрадиган бир гуруҳ қалъа дарвозасидан чиқиб, уларнинг кетига тушди. Мўғул суворийлари худди овчининг олдида қочаётган бир оҳу каби изларини йўқотмаслик учун баъзан қочиб, баъзан тўхтаб орқага қараб, шаҳардан бир фарсах узокликда Боғи Хуррамга қадар уларнинг келишларини таъминладилар. Бу ерда пистирмада ётган тотор (мўғул) суворийлари ҳужумга ўтдилар. Чўпони бўлмаган қўй сурувларига ташланган оч бўрилардек, ҳаммасини ўлдирганларидан кейин шаҳарга қараб йўл олдилар. Мўғул аскарлари шаҳарга келганлигини кўрган хоразмликлар қалъадан чиқиб, уларни қарши олдилар. Шиддатли жанг бошланди. Ўқ, найза ва қилич билан то оқшомгача давом этган жангда юз мингга яқин одам тупроққа қоришди. Тирик қолганлар жонларини қутқариш учун шаҳарга беркиндилар. Уларнинг кетига тушган мўғуллар, қалъа дарвозаларини ёпиб қўйишларига имкон бермасдан Қабилон дарвозасидан кириб, Танура дейилган жойга қадар илгарилаб кетдилар.

Оқшом пайтида ҳужум қилувчилар жангни тўхтатдилар. Эртаси кун эрталабдан оқ кўркмас турклардан ташкил топган бир мўғул ҳарбий қисми гуруҳлар ҳолида шаҳарга ҳужумга ўтди. Бу пайтда Султоннинг илғор қўмондонларидан Фаридун Гурий беш юз аскарлари билан қалъа дарвозасининг шаҳарга қараган қисмида ҳужум қилганларга қарши туриш учун тайёр ҳолда кутиб турганди. Мўғуллар олдидарида турган мавзеларни қўлга кирита оладиган куч ўзларида мавжуд эмаслигини кўргани учун ўша кунни жанг қилмасдан ўтказдилар. Эртасига Чигатойу Ўктой даҳшатли сел ва шиддатли бўронга ўхшаш қўшинлари билан шаҳарнинг олд томонига тушди. Қалъанинг аҳволини ўрганиш учун шаҳар атрофини айланди. Кейинроқ шаҳарга элчи юбориб, халқни итоат ва таслим бўлишга чақирди.



Қўшиннинг ҳаммаси келиб, шаҳар атрофида жойлашганларидан сўнгра урушга керакли воситаларни тайёрлай бошладилар. Хоразм атрофида етарлича тош топа олмаганликлари учун тутларни кесиб тошнинг ўрнига ишлатиладиган қурол сифатида фойдаландилар. Ўз одатларига кўра, баъзан ваъдалар бериб, баъзан эса таҳдид қилиб шаҳар халқини тўхтатиб турдилар, бир-бирларига ўқ отишиб, жанг ўйини ўйнадилар. Шу тарзда вақтдан ютиб, етишмовчиликларни тўлдириб олдилар. Ўша пайтда Жанд ва бошқа ўлкалардан келиши кутилган аскарлар етиб келгач, ҳамма тарафдан ҳужумга ўтдилар. Осмон каби гумбурлаб, шаҳарга дўлдек ўқ ва тош ёғдирдилар. Қўлларига тушган нарсалар билан ҳандақларни тўлдириб, қалъа деворларини йиқита бошладилар.

Қалъа ичида улуг Аллоҳ “Эй Муҳаммад! Умрингизга қасамки, улар ўз мастликларидан гангиб юрар эдилар”<sup>389</sup> маъносида буюрганидек, бахтсизлик шароби билан сархуш бўлган қўшин қўмондони сохта султон Хумор ташқарида бўлиб ўтган воқеаларни кўргач, қаттиқ қўркиб тотор қўшинига қарши туришга кўзи етмади. Ўйлади, ўйлади, лекин бошқа ҳеч бир чора топа олмади. Тадбир билан тақдирга қарши тура олмаслигини англаб пастга тушди. Унинг бундай паришон аҳволини кўрган халқ саросимага тушиб қолди. Бу пайтга келиб, мўғул аскарлари қалъа бурчакларига байроқ ўрнатиб, бақир-чақир, ғайрат билан жанг қилиб, ерни титратаётган эди. Шаҳар халқи уйлар ва пана жойларга беркиниб олишган, уйларнинг олдида яккама-якка жанглар кўзга ташланарди. Ўша пайтда мўғуллар уйларустига челақлар билан нефтларни тўкиб, ҳамма ёққа ўт қўйдилар.

Ташқарига чиққан халқ устига ўқлар ва манажиқлар ёрдамида фалокат ёғдирилди. Куёш ботиб, окшом тушгач, мўғуллар ўз чодирларига чекиндилар. Шаҳар халқи эрталабгача камчиликларини тўлдириш билан машғул бўлди. Эрталабдан ҳужум қилганларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Уйларнинг кўпчилиги ичидаги ашёлари билан йўқ бўлди. Мўғуллар шаҳарни урушиб, жанг йўли билан осонликча эгаллай олмасликларини англагач, Жайхун (Амударё) дарёси хавзалари орқали шаҳарга келган сувни тўхташтиришга ўйладилар. Уч минг кишига бу ишни бажариш вазифаси топширилди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шаҳар халқи томонидан

<sup>389</sup>Қуръони карим, 15:72.

ўлдирилди. Шунга қарамасдан, долғалардек ҳужум қилган мўғулларга қарши туришнинг иложи йўқ эди.

Қисқа вақт ичида устунликни қўлга киритган мўғуллар шаҳарга кириб, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, ҳамма ёқни ёқиб, олди-дан чиққанларни ўлдирдилар. Қаршилиқ кўрсатувчи қолмай, ҳамма таслим бўлгач, шаҳардагиларнинг барчасини ташқаридаги бўш майдонга ҳайдаб чиқардилар. Улар орасидан хунармандларва санъаткорлар, ёш аёллар ва кичик болаларни ажратиб олдилар. Қолганларини эса ўлдириш учун аскарлар қўлларига топширдилар. Бу қатли омда ҳар бир мўғул аскарига йигирма тўртта киши тўғри келганди. Бу борада Улуғ Аллоҳ шундай буюради: “Биз уларни одамлар оғзидаги чўпчакка айлантириб қўйдик ва уларни бўлиб-бўлиб ташладик. Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукр қилувчи инсон учун аломатлар бордир”<sup>390</sup>.

Оммавий қирғиндан кейин мўғул аскарлари шаҳарга кириб талон-тарож қилдилар. Йиқилмай қолган уйларни йиқидилар. Йигитлар ётоғи, гўзал аёллар булоғи, фароғат ва бахтиёрлик эшиги остонасига бош қўйган ва давлат куши ин қурган Хоразм “Биз уларнинг боғларини аччиқ мевали, юлғунзор ва сийрак бутазор “боғлар”га айлантириб қўйдик”<sup>391</sup> оятида айтилганидек, чиябўрилар кезадиган, бойқуш ва қарғалар ин қурган маконга айланди. Уйлари ва қўшқлари вайронага, гулбоғлари чўл ва ялангликка, меъморий осори атиқалари тош ва тупроқ йиғиндисига айланди.

*Шеър:*

[Ўлкамизда кўп карвонлар тўхтаб ўтдилар. Улар шаробни тоза сув билан қориштирди. Сўнгра фалак уларнинг устига совуқ шамол эсдирди. Фалакнинг тўхтовсиз ўзгарувчан ҳоли шундай]<sup>392</sup>

Қисқа қилиб айтганда, мўғуллар Хоразмда талон-тарож, қон тўкишдан ва номусга тажовуз қилишдан безигач, ўлжаларини бўлишиб олдилар, асир олган одамларни Шарқ ўлкаларига олиб кетдилар. Ҳозир ўша ерларда бу асирлар кун кечираётган жойлар бор. Уларнинг сони ошган, даромадлари юксалган.

Чиғатой ва Ўқтой Хоразм масаласини ҳал қилганидан кейин Калиф<sup>393</sup> йўлида оталари қўшинига қўшилдилар. Бу жангда икки

<sup>390</sup> Қуръони карим, 34:19.

<sup>391</sup> Қуръони карим, 34:16.

<sup>392</sup> Исми Зайд ал-Ибодий бўлган шоирнинг ушбу байти “Китобу-л-Оғоний”да зикр қилинган.

томон йўқотган одамлари сонини менга айтганларида ишона олмадим. Шунинг учун ҳам бу ерда ёзмадим. Ё Раббим, бизни ҳар турли дунё балолардан ва охира азобидан ўзинг сақла!

## XXI. ЧИНГИЗХОННИНГ НАХШАБ<sup>394</sup> ВА ТЕРМИЗГА<sup>395</sup> ЮРИШИ

Чингизхон Самарқандни эгаллаб, Чигатой ва Ўктойни Хоразмга юборганидан кейин баҳор фаслини Самарқанд атрофларида ўтказди. У ердан Нахшаб боғларига ўтиб, аскарлар ва ҳайвонларни дам олдириш учун ёзнинг охирига қадар ўша ерда қолди. Кейин эса Термизга караб ҳаракат қилди. У ерга боргач, халқнинг таслим бўлиши ва қалъани йикитиш учун элчилар юборди. Бир томони Жайхун дарёсига таянган қалъанинг мустаҳкамлиги, аскарларининг кўплиги ва куролларининг сероблигига ишонган Термиз халқи Чингизхонга итоат қилишни рад қилишга қарор қилди. Бир-бирларига жавобан манжаниқлар билан тошлар отиш орқали бошланган уруш ўн бир кечаю кундуз давом этди. Охирида мўғуллар шаҳарни фатҳ этдилар. Халқни шаҳар ташқарисига чиқариб, ўзодатларига кўра уларни ўнтадан гуруҳларга ажратиб аскарларининг қўлларига топширди. Асирларнинг ҳаммасини қатл қилдилар. Ўз ишларини бажариб бўлганидан кейин бир қари аёлга дуч келдилар. Қари аёл уларга “Ҳаётимни сақлаб қолсангиз, катта бир марварид инжуим бор, уни сизларга бераман”, деди. Марварид қаерда эканлигини сўраганларида “ютиб юбордим” деб жавоб бергач, ўша аёлнинг қорнини ёриб, ичидан бир нечта марваридни топиб олганларидан кейин бошқа барча ўликларнинг ҳам қоринларини ёриб кўрдилар.

Талон-ғарож қилиш ва ўлдириш ишлари тугагач, Чингизхон қиш фаслини ўтказиш учун Кўнғурт<sup>396</sup> ва Шуман<sup>397</sup> томонларга кетди. Уриб-йиқиб ўша ўлкаларда ҳам ўзига қарши тура оладиган бирон кимсани қолдирмади. Бадахшон ва унинг атрофига аскар

<sup>393</sup> Матнда *Кашф* сифатида берилган бу сўзни Бартольд (Туркестан, С.437) “Қалиф” деб ўқиган ва Жайхун бўйидаги шаҳар эканлигини айтган.

<sup>394</sup> *Нахшаб* – бугунги Қарши.

<sup>395</sup> *Термиз* – Амударёнинг ўнг соҳилида, ҳозирги Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги шаҳар.

<sup>396</sup> Тожикистонда Ҳисор - Кўлоб йули устида Балжувон ғарбида жойлашган.

<sup>397</sup> Душанбе шаҳрининг яқинида мавжуд.

юборди. Ўша ўлканинг асосий қисмини жанг қилиб ва қолган қисмини уруш қилмасдан қўлга киритди. Шу тарзда душманидан бирон бир из қолдирмади. Қиш фасли тугагач, Чингизхон у ердан 617 (1220)<sup>398</sup> йилда чиқиб кетиб, Гачитга тўғри ҳаракат қилди.

## XXII. ЧИНГИЗХОННИНГ ТЕРМИЗ КЕЧУВИДАН ЎТИШИ ВА БАЛХ ФАТҲИ

Балх аҳолиси даромади кўплиги, турмушдаражаси юксаклиги, ер майдони кенглиги жиҳатидан бошқа шаҳарлардан янада устундир. Аввалги пайтларда Балх ҳозирги даврнинг Маккаси сингарии эди. Фирдавсий шундай дейди. *Шеър*:

[У баҳор фаслини Балхда ўтказишга аҳд қилди. Чунки ўша даврнинг мажусийлари у ерга ҳозир Мусулмонлар Маккага баҳо берганичалик эътибор берардилар]<sup>399</sup>

Чингизхон Термиз кечуvidан ўтиб Балхга йўналгач, балхликлар уни кутиб олишга чиқиб, унга тобеликларини маълум қилдилар ва қимматбаҳо газламалар ҳадя қилдилар. Султон Жалолиддин ўша ўлкада исён билан машғул бўлаётганлиги ва унинг ўша ерларда кўп сонли тарафдорлари борлигини билган Чингизхон итоат қилиш ҳақидаги гапларга ишонмади.

<sup>398</sup> Бу ерда айтганлари билан бундан олдин “Самарқанднинг фатҳи 618/1221) йилда бўлди” деган сўзлари орасида очик бир чалқашлик бор. Бу бўлим бошида ҳам Нахшаб ва Термиз фатҳи Самарқанд фатҳидан кейин бўлди, дейди. У ҳолда 617 (1220) йил санаси мутлақо янглишдир. Тўғриси эса, 618 (1221) санасидир. 618 (1221) санаси “Жомеъу-т-таворих”нинг (Березин нашри, 3-жилд. Б.111-173) бу борада кўрсатган санага ҳам мос келади. Ҳозир Рашидиддин “Жомеъу-т-таворих”ида айтилишича, Нахшаб ва Термизнинг фатҳ этилиши Муғай, яъни илон йили куз фаслининг илк кунларида бўлган. Муғулларнинг йиллари шамсий (куёш) ва ойлари камарий бўлганлиги учун уларнинг тақвимларида ҳар икки уч йилда бир ортиқ йил майдонга келади ва ортиқ келган йил ўн уч ойдан иборат бўлади. Яъни илон йили 1 зулҳижжа 618 (1221, 17 январ)да бошланади. 619 йил муҳаррам ойининг 1-куни (1222, 16 феврал)да тугайди (Қаранг: Хожа Носириддин Тусий. Зичи Элхоний. Париж Миллий кутубхонаси нусхаси, 12-варақ). Шунинг учун илон йилининг ичига иккита камарий йил, яъни 617 (1220) ва 618 (1221) йиллари кирмоқда. У ҳолда илон йилининг куз фасли 618 (1221) шабон (сентябр), рамазон (октябр) ва шоввал (ноябр) ойлари тўғри келмоқда. Хожа Носириддин Тусий “Зичи Элхоний” асарида Чингизхоннинг тахтга ўтирган 599 (1202) йилидан юз йил сўнгга қадар араб йил ва ойлари мўғул йиллари ва ойлари билан қиёслаб, бир жадвал тузган бўлиб, у ниҳоятда муҳим.

<sup>399</sup> Шоҳнома, Вуллере нашри, 1496, 2-жилд. Б.15-16.

Бундай вазият қаршисида устларида бало тўлқинлари шиддат билан кўтарилганлиги, фалокат шамоллари эсганлигини кўрган балхликлар бошига қутилиш чораси келмади. Ажал уйларига қадам қўйгани учун таслим бўлишнинг ҳам бирор фойдасини кўрмадилар. Қарши туриш эса ўз жонларига ўзлари қасд қилиш билан баробар эди.

Жанг қилмасдан шаҳарни таслим қилган Чингизхон каттау кичик, эркагу аёл бутун балхликларни шаҳар ташқарисидagi бўш майдонга чиқишларини буюрди. Одатларидек асирларни ўнталик ва юзталик гуруҳларга ажратиб, уларни қиличдан ўтказдилар. Узоқ муддат ваҳший ҳайвонлар одамларнинг жасаdlари билан байрам қилдилар. Шоқоллар, бўрилар билан калхатлар жанжаллашмасдан ўша емишларни бирга баҳам кўрдилар. *Шеър:*

[Эй ёлдор бўри, торт, парчала ва егин. Букун ёрдам берувчиси бўлмаганларнинг гўшти билан озиклан]<sup>400</sup>

Ўз ишларини тугатгандан кейин қалъа деворларини ер билан яксон қилиб, уйларва саройларга ўт қўйдилар. Бу борада улуғ Аллох шундай буюради: “Ер юзида бирор кишлоқ ва шаҳар аҳли йўқки, биз уларни киёмат куни (келишидан илгари ҳалок қилувчи бўлмасак ёки уларни қаттиқ азоб билан азобловчи бўлмасак. Бу ҳукм Китоб (Лавҳу-л-махфуз)да битилгандир”<sup>401</sup>.

Чингизхон Пешовардан қайтиб келаётганида Балхга кириб ўтди, авваллари бурчақларга беркиниб, жонларини сақлаб қолганларни ҳам ушлатиб ўлдиртирди. “Биз уларга икки қарра азоб берамиз”<sup>402</sup> оятини уларга мослаштирди. Янгидан қурилган биноларни ҳам ер билан баробар қилдирди. *Шеър:*

[Уларнинг уйлари абадий ўлароқ орқаларидан йиғларлар. Холбуки, ўша уйлар бир пайтлар бахт-саодат мавжуд бўлган жойлар эди. Ҳозир эса бу ҳолатдан ҳайратланиб қолдик ва ундан сабоқ олдик]<sup>403</sup>

Чингизхон Балхдан чиқиб кетгач, ўғли Тулуга кўп сонли бир қўшин билан Хуросонни фатҳ этиш вазифасини топширди. Ўзи эса Толиқонга қараб ҳаракат қилди. Толиқоннинг “Нусрати кўх”номли

мустаҳкамлиги тилларда дoston бўлган қалъасида шон-шухрат қозонишга шай турган йигитлар бор эди. У ернинг халқи Чингизхон ўша жойни таслим қилиши ҳақидаги бир неча марта юборган элчиларига салбий жавоб бердилар ва жангдан бошқа ҳеч нарсани хоҳламадилар.

Шундан сўнгра мўғуллар шаҳарни қамал қилиб, манжаниқларни ишга солдилар. Дам олмасдан туриб жанг қилдилар. Қалъадагилар ҳам сабр-қаноат билан қарши турдилар. Жуда шиддатли бир жанг бўлди. Ўлган ва яраланганлар жуда кўп эди. Уруш бутун шиддати билан давом этаётган бир пайтда Хуросон фатҳидан қайтиб келган Тулунинг катта бир қўшин билан отасига келиб қўшилиши натижа-сида мўғулнинг кучи ортди. Сўнгра Толиқонни олиб, у ерда бирор-та ҳам тирик жон қолдирмадилар. Қалъа деворлари, уйлар ва саройларни ер билан яксон қилдилар.

Бу орада Султон Жалололдин Такажук қўмондонлигидаги мўғул қўшинига ҳужум қилиб, уни енгганлиги ҳақида хабар келди. Чингизхон дарҳол йўлга чиқди. Унинг йўли Қарзавондан ўтарди. Ўша ер халқи қаршилик кўрсатгани сабабли Қарзавонда бир ой қароргоҳларга жойлашиб олди. Шаҳарни қўлга киритгач, қарзавонликларга унга қилган муомаласини қилиб, уларнинг ҳаммасига ўлим шарбатини ичирди.

Чингизхон у ердан Бомиёнга борди. Бомиёнликлар ҳам таслим бўлишни рад этиб, қаршилик кўрсатиш учун оёққа тургач, иккала томон ҳам ўқ ва манжаниқларни ишга солдилар. Шу пайтда қазо ёйдан чиққан бир ўқ Чингизхон севиқли ўғилларидан Чигатойнинг жонини олганидан кейин Чингизхон ҳеч вақт ўтказмасдан у ерни қўлга киритиш учун аскарларига ғайрат кўрсатишлари ҳақида буйруқ берди. Бомиён фатҳ этилгач, Чингизхон фармонига кўра ҳеч кимни асир олмадилар. Инсон, ҳайвон ва бошқа жонликки бор бўлса, ҳаммасини ўлдирдилар. Ҳатто оналар қорнидаги болаларни ҳам ўлдирдилар. Кейинчалик ҳам Чингизхон у ерга жойлашиб, шаҳар қуришни тақиқлади. У ерга “ёмон қасаба” маъносини билдирадиган Мовубалиқ номини берди. Ҳозиргача Бомиёнга ҳеч ким жойлашмади. Бу ходиса 618 (1221) йилининг<sup>404</sup> илк ойларидадан кейин юз берди.

<sup>404</sup> Бу яққол хатодир. Чунки юкорида ҳам таъкидлаганимиздек, Нахшаб ва Термизнинг фатҳ этилиши илон йилининг куз фаслида, яъни 618 йилнинг шобон, рамазон ва шоввал ойларида бирида бўлган эди. Уларнинг кетидан Толиқон етти ой қамалдан сўнг фатҳ

<sup>400</sup> Набиға Жадий шеъри.

<sup>401</sup> Қуръони карим, 17:58 (Исро сураси, 58-оят).

<sup>402</sup> Қуръони карим, 9:102 (Тавба сураси, 102-оят).

<sup>403</sup> Сомонийлар даври шоири бўлган Абу Бакр Абдуллох б. Муҳаммад б. Жаъфар ал-Аскийнинг бу шеъри Соалибий томонидан “Татимату-л-йатима”да (Ихбол нашри, 1-жилд. Б.95) зикр қилинган.

### XXIII. ЧИНГИЗХОННИНГ СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИНГА ҚАРШИ ЖАНГГА КИРИШИ

Чингизхон Толиқондан Такажук билан амирларидан бир кисмини кўшин билан Султон Жалолиддинни ўлдириш учун жўнатган эди. Султоннинг Иғрок<sup>405</sup> ва яна бошқа машхур кишилари ёрдами билан Султон Жалолиддиннинг сони оз бўлган ва бошқа жойдан ёрдам ололмаган мўғул кўшинини енганлиги ҳақидаги хабарни эшитган Чингизхоннинг кундузи кеча бўлди. Ҳеч вақтни ўтказмасдан отини камчилади, от сурди, овкат пишириб ейиш учун ҳам хатто тўхтамади. Ғазнага боргач, Султоннинг ўн беш кун аввал у ердан Синд кечувидан ўтиш учун кетганлиги хабарини эшитганидан кейин Маҳмуд Ялавочни у ерга бошқарувчи қилиб қолдириб, булутларни тарқатиб юборган шамолдек Султоннинг изига тушди. Синд дарёси соҳилида унга етиб олгач, мўғул аскарлари ҳамма томондан Султонни ўраб олдилар. Синд дарёси олд томонда бўлгани ҳолда мўғуллар ҳосил қилган муюлиш жойнинг ичида Султоннинг кўшини қолиб кетди. Чингизхон ўз аскарларига Султонни тириклайин ушлашга ғайрат қилишлари ҳақида буйруқ берди. Ўша пайтда Чигатой билан Ўктой ҳам Хоразм томондан келиб, уларга қўшилди. Султон вазият мушкул эканлигини англади. Сон жиҳатидан қарши томон оз бўлган кўшини билан жангга кирди. Ўнгдан чапга ўтиб, чап томондан душман аскарининг марказига хужум қилди. Лекин мўғул кўшини унинг ҳаракат майдонини борган сари торайтирмоқда эди, шунга қарамасдан Султон ғазабланган шердек жанг қилди.

*Шеър:*

[От сурганлар ҳамма жойда тупроқни қонга белаётган эди]<sup>406</sup>

Чингизхон уни тириклайин қўлга олиншига буйруқ берганлиги учун мўғул аскарлари ўк отганида Чингизхон буйруғини бажаришга ҳаракат қилаётгандилар. Султон Жалолиддин бор кучи билан қарши курашда давом этаётган эди. Оти урилиб ерга йиқилгач, келтирилган янги бир отга миниб, мўғуллар устига қараб юрди. Сўнг-

этилган эди ("Жомеъу-т-таворих, Березин нашри. 3-жилд. Б.114). У ҳолда Бомиеън 618 (1221) йилнинг бошларида фатҳ этилиши қандай мумкин бўладими? Тўғриси эса, 619 (1222) йилдир. Бу сана "Жомеъу-т-таворих"нинг бу ҳақдаги берган кўрсатган санасига мос келмоқда (Жомеъу-т-таворих, Березин нашри. Б.174).

<sup>405</sup> Сайфуддин Иғрок – Халаж туркларидан ва Султон Жалолиддин кўмондонларидан бири.

<sup>406</sup> "Шоҳнома", Вуллерс нашри, 1556; 1-жилд. Б.1074.

ра яшиндек орқага қайтиб келиб, сувга сакради ва худди шамолдек у ердан узоклашди. Буни кўрган Чингизхон мўғул аскарлари унинг кетидан сувга сакрашларига монёлик қилди. Бармоғини тишлаб, ичида "Мана шундай фарзанди бор бўлган ота нақадар бахтлидир", деди. *Шеър:*

[Исфандиёр унинг кетидан қараб қолди. Уни дарёнинг нариги соҳилида кўргач, унга одам деманг, у ҳар томонлама бир филга ўхшайди]

Кейин яна ўша томонга қараган пайтда Рустамнинг у ердан тезда узоклашганлигини кўрди<sup>407</sup>.

Шундан сўнг Султон Жалолиддиннинг тирик қолган аскарларини қиличдан ўтказдилар. Аёллар ва болаларни асир олдилар. Эркакларнинг ҳаммасини сут эмадиган гўдакларгача ўлдирдилар. *Шеър:*

[Кузғуннинг емоқчи бўлган жасади кўзларига қараши бизга оғир ботади, биз учун чидаб бўлмайдиган холдир]

Султон душманнинг қўлига тушажагини англагач, ёнидаги мавжуд бўлган олтин, кумуш ва нимаики нарсаи бўлса, ҳаммасини дарёга ташлаб юборди. Мўғуллар ғаввосларни юбориб, улардан чиқара олганларини чиқариб олдилар. 618 йилнинг ражаб ойида (1221, август) рўй берган бу ҳодиса жуда машхур бўлди ва "Бир ражаб яша, ажойиб ғалати нарсаларни кўр" деган мақолни юзага чикарди.

Чингизхон Султон билан бўлган жангдан қутулгач, Жайхун соҳилига кетди. У ерда Ўктойни Ҳиротга юборганидан кейин Ғазнага борди. Санаш учун халқнинг барчасини шаҳар ташқарисидаги бўш майдонга чиқаришга буйруқ берди. Ҳунармандларни ажратиб олиб қолган ҳаммаларини қатл қилдилар. Қалъа ва деворларни йиқитиб ташладилар. Чингизхон қиш фаслини ўша жойда ўтказиб, аскарларга кўмондон қилиб, Қутуку нўённи тайинлади.

Ўша пайтда Ўктой ҳам Ҳиротнинг Гармсир қасабасидан қайтиб келди. Чингизхон у ердан қайтиб Кирмонга, у ердан Санкуронга боргач, Султон Жалолиддин ўз жонини қутқариб, жанг майдонидаги жасадаларни дафн қилаётганлиги ҳақидаги хабарни эшитди. Дарҳол Чигатойни Кирмонда қолдириб, ўзи Султоннинг кетига тушди. Уни айтган жойдан топа олмагач, яна таъқиб қилишда давом этди. Ўша қиш фаслида у Астақорнинг Буё Катур шаҳрида

<sup>407</sup> Ўша асар, 1963; 2-жилд. Б.3575/6.



қолди. У ернинг бошқарувчиси Солор Аҳмад Чингизхонга камчиликсиз хизмат этиб, кўлидан келганича кўшин эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилди. Мўғул аскарлари у ер ҳавосига мослаша олмаганликлари учун касалланиб, ҳолсизландилар. Уларнинг ёнида кўп сонли асирлар бор эди. Улар орасида ҳиндлар муҳим ўрин эгалладилар. Ҳар бир хонага ўнта ёки йигирматадан асирларни жойлаштирган эдилар, улардан гуручнинг тошини тозалаш, овқат пишириш каби ишларда фойдаландилар. Об-ҳаво маҳаллий қулларга таъсир қилмаганлиги учун Чингизхон улардан ҳар бирига тўрт юз ботмон гуруч тошини тозалашни буюрди. Улар бу ишни жуда катта ғайрат билан қилиб, бир ҳафтада тугатдилар. Чингизхон уларнинг энди қиладиган бошка ишлари қолмаганликларини кўриб, ҳаммасини ўлдиришни буюрди. Эрталабгача ўша бечора бахтсизларнинг ҳеч бирини соғ-саломат қолдирмадилар.

Ўша атрофдаги барча бошқарувчилар Чингизхонга итоат қилишни билдирувчи элчилар юбордилар. Чингизхон аввал бўйин эганини маълум қилиб, лекин кейинчалик бу фикридан қайтган Роно устига аскар юбориб, уни ўлдиртирди. Бундан ташқари Ифрокнинг қочиб яширинган қалъасини фатҳ этиш учун аскар юборди.

Аскарлари соғлигини тиклаб олгач, Чингизхон Ҳиндистон йўли билан Тангут ўлкасига қайтиб боришга қарор қилди. Дарё ва бир нечта шаҳарни кечиб ўтгач, ўтиб бўлмайдиган жойларга дуч келганидан Пешоварга борди ва келган йўлдан орқага қайтиб кетди.

#### XXIV. ЧИНГИЗХОННИНГ ҚАЙТИШИ

Баҳор фасли келганлиги ҳақидаги хабар одамлар яшаётган барча жойларга етиб боргач, яшиллик дарддилар қалбидек бирдан ўз жойидан чиқди. Шаҳарда булбуллар бошқа кушларга уйғун тарзда сайрай бошладилар. Боғу роғлардаги гўзаллик ва гулларнинг юзини соғинчидан шароб ичиб ёшлигини хотирлаган ва шу сабабдан ҳам кайғуга тушган булут кўз ёшларларини тўкарди, унинг номини эса ёмғир дерлар. Куртак очилиш ҳасрати билан ўз қалбини қонга тўлдиради ва бошқаларга бунинг кулгу эканлигини ишонтиришга интилади. Атиргул бинафша юзли гул ёноқларга ўхшашни каттик орзу қилиб, ўз либосини тозалаб “очилдим” деяётган эди. Ясмин

мотам либоси сифатида мовий ранги танлайди ва ҳаво ранглиман деб ёлгон сўзлайди. Ҳур сарв гули қадди-қомаги келишган соллана-соллана хиром айлаган шабада ёрдамида совуқ бир нола чекади, кўл қовуштириб, ҳурмат бажо келтириб турадики, бунга эса ғурур ва ифтихор деяётгандек эди. Ўз севгилисига қовушиш соғинчи билан паришон ҳолда бошини қора тупроққа қўйиб азобланганидан бошига тупроқ сочар ва яшил гиламлар кўринар, уруш ва тор овозлари эшитиларди. *Шеър:*

[Диккат қилиб саҳар пайтида булбул қандай қилиб, паҳлавий мақомида ўқиганини тингла. У доимо Исфандиёр ўлимига йиғлайди. Зотан, аслида Исфандиёрдан хотира сифатида йиғи ашуласи фиғонидан бошқа ҳеч нарса қолмади]

Бу йил бирор кимса кулиш учун лабларини қимирлатмади. Нотинчликлар туфайли ҳеч ким роҳатланмади, хотиржам бўла олмади. Бу йил атиргул менга ўзининг қонли чехрасини кўрсатди. Бундай бир даврда менга қонли чехрасини кўрсатган гулни ўйлаш мумкинми?

Чингизхон Пешовардан ўзининг доимий қароргоҳига қайтиб кетишга аҳд қилди. Унинг бундай шошилиш тарзда қайтиб кетишининг сабаби у ерда қолиб кетиши узок муддатга чўзилиб кетганлиги туфайли Ҳитой ва Тангут халқи уни ўлган деб ҳисоблаб, исён кўтаришга ният қилганликлари ҳақида хабарни эшитганлиги эди. Бомиён тоғларининг тик ўтиш қийин бўлган йўлларида ўтиб, ёз фаслини Бағлондаги Ўғруг яйловида ўтказди. Куз фаслида у ердан чиқиб, Жайхун дарёсидан кечиб ўтди. У ердан Турбой Такишни Султоннинг кетидан юборди. У қишда Самарқандда қолди. Дашти Кипчоқда турган ўғли Жўжига кулон ва бошқа ов ҳайвонларини ҳайдаб келиш ҳақида буйруқ юборди. Чиғатой ва Ўктойлар ҳам ғоз ва ўрдак овига қўшилиш учун Қоракўлга келдилар. Улар ўша қишнинг кўп ов қилиш билан ўтказдилар. Ҳафтада бир маротаба Чингизхонга эллик туя миқдоридagi овланган юкларни юбориб турдилар. Овлайдиган нарса қолмай қиш фасли ҳам тугагач, баҳор таъсирида ер юзи гул боғларига айланиб, ҳамма томонни яшиллик қоплаганда Чингизхон кўчиш ҳақида фармон берди. Фанокат сойининг соҳилига боргач, ҳамма ўғиллари унинг ёнига келдилар. У ерда қурултой ўтказдилар. У ердан чиқиб Қулонбошига<sup>408</sup> боргач,

<sup>408</sup> Қулонбоши – матнда Кулон тоши шаклида учрамоқда. Арис ва Талас водийлари орасида Чимкентдан Авлиё (ота)га тўғри узанган, иқлими жуда совуқ бўлган бир жой.

Жўжи ҳам отасига қўшилди. Отасига бир қанча қийматли нарсалар каторида йигирма минг наслдор отларни ҳам ҳадя қилди. Буюрилганлигига кўра ёввойи ҳачирларни қўйлардек суриб ҳайдаб келгандилар. Утука деган жойда ёввойи ҳачирларни доира ҳалқа ичига олиб овлай бошладилар. Етарлича миқдорда овлаганликларидан кейин толиққан ва заиф ҳайвонларни ушлаб, уларга ўз тамғаларини уриб эркин қўйиб юбордилар. Чингизхон ёз фаслини Қулонбошида ўтказди. У ерда бўлиб турган пайтида жиноят қилган бир нечта уйғур амирларини Чингизхон ҳузурига олиб келдилар. Буйруғига кўра уларни ўлдирдилар. Чингизхон у ердан ҳам чиқиб, баҳор мавсумида марказ сифатида танланган ўз қароргоҳига борди.

## XXV. ТУРБОЙ ТАКИШНИНГ СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИННИ ИЗЛАШГА КЕТИШИ

Чиғатой Султон Жалолиддинни тақиб этгунича, Чингизхон Турбой Такишни икки туман мўғул аскарлари билан унинг кетидан юборди. Турбой Такиш Синд дарёсини кечиб ўтиб, Нанданага<sup>409</sup> борди. Нандана Султоннинг амирларидан Қамариддин Кирмоний<sup>410</sup> томонидан истило этилган бир ҳинд вилоятidir. Турбой Такиш бутун деворлар билан чегараланган Нандана шаҳрини истило этгандан сўнг Мўлтонга йўналди. Орада тош бўлмагани учун ёғочдан соллар қилдириб, узоқ ерларга тош ташиттирди ва манжаникларни ҳаракатга келтириб, қалъа деворларини буздира бошлади. Йўлидаги Мўлтон ва Лахўрга боғлиқ бир шаҳар ва қишлоқларни ер билан яқсон қилгандан сўнг Синд дарёсини кечиб, Ғазнага борди. Кейин Чингизхонни кутиб олиш учун йўлга чиқди.

## XXVI. ЖАБА ва СУБУТОЙНИНГ СУЛТОННИНГ ИЗИГА ТУШИШИ

Чингизхон Самарқандга бориб, у ерни қуршаб олган пайтда Султон Муҳаммаднинг Термиз дарёсидан кечиб ўтгани, аскарлари-

<sup>409</sup> Нандана – Матнда Бих тарзида берилган. Панжобдаги бир қалъанинг номи.

<sup>410</sup> Балки бу шахс кейинроқ Бенгал ҳокими бўлган (1244-1246) Қамариддин Тамархон Қирон билан айни бир шахсдир.

нинг кўпчилиги шаҳар мудофаасига қолдирилганлиги сабабли ёнида кўп одамлари мавжуд эмаслигини билгач, куч тўпلامасданок юриш қилиб, уни йўқ қилишни истади. Шунинг учун амирларининг кўзга кўринганларидан Жаба ва Субутойни ҳар бири Султоннинг мингта аскарлари ўрнини босадиган ўтгиз минг кишилиқ қўшини билан ҳаракат қилди. Мўғул қўшинининг Султон қўшинига нисбатан ҳолати бўрининг кўзичок, оловнинг қуруқ ўтин қаршисидаги ҳоли каби эди. Улар Панжоб кечувидан ўтиб, тоғдан водийга тушиб оққан сел каби илгарилаб, ўз йўлларида давом этдилар.

Аввал Балхга бордилар. Шаҳарнинг кўзга кўринган кишилари уларни кутиб олиб ҳурмат кўрсатдилар ва ҳадялар бердилар. Балхликларнинг бундай хатти-ҳаракатлари ёқиб қолгани учун уларга бирон зарар етказмади. У ерга ҳарбий бошқарувчини қўшиб, Тайсийни бошлиқ қилиб юборди. Зовага етиб боргач, зоваликлар қалъа дарвозаларида беркитиб олиб, уларнинг озиқ-овқат истагидаги ҳаракатларини рад қилдилар. Мўғул аскарлари шошаётганликлари учун у ерда турмасдан йўлларида давом қилдилар. Лекин Зова халқининг улар ўтиб кетганини кўргач, қалъа деворлари устига чиқиб, довуллар чалиб мўғуллар устидан қулишлари ва қўшиқ қуйлашлари уларни ғазаблантирди. Орқага қайтиб, учта қалъани ҳам ўраб олдилар. Қалъа деворларига нарвонларни тақадилар. Уч кун давом қилган оғир жангдан сўнгра шаҳарга кириб, биронта ҳам тирик жон қолдиришмади. Олиб кетиши мумкин бўлган нарсаларни олдилар, олиб кета олмайдиганларини эса синдириб йўқ қилдилар. Бу хабар Хуросонда эшитилгач, халқ каттик кўрқувга тушди. Ўша кунгача бунга ўхшаш воқеани эшитмагани сабабли ўша ҳодиса қаршисида даҳшатга тушдилар.

Жаба ва Субутой қўшини 617 йилнинг рабийулаввал (1220, май) ойи бошларида<sup>411</sup> Нишопурга борди. Улар Хуросон вазирларидан ва буюқларидан Мужирулмулк Кофий Рабий ва Зиёулмулк Зузанийга элчи юбориб, итоат қилиши ва озиқ-овқат юборилишини хоҳлади. Улар халқнинг ўрта табақасидан уч кишини сайлаб, бир

<sup>411</sup> Тўғриси ҳар ҳолда 618 (1221) йилдир. Чунки муаллиф бу бўлимнинг бошларида Жаба ва Субутойнинг Султон кетидан бориши Самарқанд фатҳи вақтида эди, дейди. Рашидиддиннинг “Жомеъу-т-таворих”ида кўрсатишига кўра, Самарқанднинг забт этилиши эса 618 (1221) йилдадир (Березин нашри, 3-жилд. Б.90-104). Жаба ва Субутойнинг Султон кетидан юборилиши Самарқанд фатҳидан кейиндир. Самарқанд фатҳи эса Мугай (илон) йилининг ёзида юз берган. Шундай экан, Мугай йилининг боши 617 йилнинг зулҳижжа ойига (1220, октябр) йилига тўғри келади.

қанча хадялар билан биргаликда мўғулларга элчи килиб юбордилар. Лекин итоат қилишни қабул қилмадилар. Шундан кейин Жаба яна бир элчи юбориб, уларга жанг қилишдан тийилиши, мўғулларга яхши муомалада бўлиши ва аскарларининг кўплигига ишонмаслиги, фақат шундай қилган тақдирдагина уларнинг моли ва жони хавфсиз ҳолда бўлишини тушунтиргандан кейин Чингизхон уйғурча ёзилган мана бу фармонни юборди: “Амирлар ва халқ шуни билсинларки, шарқдан ғарбга қадар ер юзини сенга бердим. Бўйин эгган ҳар бир одамнинг ўзига, хотин ва боласига марҳамат қилиш лозим. Бўйин эгмаган кишилар хотинлари, болалари ва яқинлари билан биргаликда ўлдирилиши керак”.

Нишопур халқи ҳеч қандай қаршилик қилмаганини кўрган мўғуллар ўз йўлларида давом қилдилар. Жаба Нишопурдан Жувайнга, Субутой ҳам Жом йўлидан Тусга борди. Йўллари устида дуч келганлардан итоат этганларига тегмадилар, қарши чиққанларни эса янчдилар. Туснинг шарқий томонида мавжуд бўлган барча шаҳарлар уларга бўйин эгди. Холиён фатҳ этилди. У ердан Тус халқига элчи юбориб, шаҳарни топширишни талаб қилди. Бунга рад жавобини олгач, шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойларни ёқиб йўқ қилиш ва қатлиомни кучайтиришга киришди.

Субутой Рудигонга боргач, табиий гўзаллигига ҳайрон қолиб, у ернинг халқига зарар бермади. У ерда бир ҳарбий бошқарувчини қолдириб, ўз йўлида давом этди. Хобушонга бориб<sup>412</sup> ёмон муомалага дуч келгач, кўп сонли одамларни ўлдирди. У ердан Исфаройин<sup>413</sup> ва Адконга ўтиб, у ерда ҳаммани қатлиом қилдирди.

Жаба Жувайн йўлидан Мозандаронга қараб юрди. Субутой ҳам Кумиш<sup>414</sup> йўлида тезда аввалга қараб илгарилади. Жаба Мозандарон, айникса, Амудда кўп сонли одамларни ўлдирди. Султоннинг оиласи турган қалъани қуршаб олиш учун у ерда аскар қолдирди. Субутой Домигонга боргач, у ернинг ақлли одамлари қочиб Гирдқухга<sup>415</sup> яшириндилар. Айрим ишсиз гуруҳлар шаҳарда қолиб, шаҳарни мудофаа қилишга қарор қилдилар. Кечаси шаҳардан чиқиб, мўғуллар билан жанг қилдилар. Икки томон ҳам оғир талофатлар кўрди. Лекин сўнгида мўғуллар домигонликлар ишини

<sup>412</sup> *Хобушон* – бугунги Кушон.

<sup>413</sup> *Исфаройин* – бугунги шаҳри Билкиснинг яқинидаги хароба.

<sup>414</sup> *Кумиш* – Элбурс тоғ тизмаларининг шарқий томонидаги ўлқанинг номи.

<sup>415</sup> Домигон яқинида жойлашган ва эскидан исмоилийлар қочиб сақланидиган жойи ҳисобланган, тикка тушган тоғ.

битирдилар. Ройга<sup>416</sup> кетиб бораётганда ҳам олдиларидан чиққан шаҳар ва қишлоқларда ҳам ўша ишни қилдилар. Домигондан Симнонга келиб, у ерда ҳам кўплаб одамларни ўлдирдилар. Ройга боргач, халқ жанг қилмасдан таслим бўлди. У ерда Султоннинг Ҳамадон томонга кетганини билгач, Жаба асло вақтни бой бермасдан Султоннинг кетига тушди. Субутой ҳам Қазвин йўлига равона бўлди.

Жаба Ҳамадонга боргач, бошқарувчи Алоуддавланинг<sup>417</sup> итоат билан унга етарлича даражада овқат, кийим ва улов юборганлиги туфайли у ерда бир ҳарбий бошқарувчини қолдириб, ўзи Султон изига тушди. Султон кўшинини бузғунга учратгач, яна Ҳамадонга қайтиб келди. Султоннинг одамларидан кўпчиликни ташкил этган бир гуруҳ қаршилик кўрсатиш учун Сажосда<sup>418</sup> тўпланганлигидан хабар топгач, дарҳол ўша ёққа Бегтегин ва Кучбуқохонни юбориб, уларни йўқ қилдирди. Кейинроқ мўғул аскарлари Ироқ шаҳар ва қишлоқларини ёқиб, талон-тарож қилдилар, халқини қатл этдилар. У ердан Ардабилга ўтиб, талон-тарож ва қатли ом этишда давом қилдилар.

Қиш мавсуми бўлганлиги учун Муғонга<sup>419</sup> бориб, қишни ўша ерда ўтказдилар. Ўша йили кўп қор ёғди ва йўллар узок вақт ёпиқ бўлгач, Жамолиддин Айуб ва яна бошқалари Ироқда исён чиқариб, мўғулларга қарши ғалаён кўтардилар. Ҳамадондаги мўғул шиҳнаси, яъни ҳарбий бошқарувчини ўлдирдилар. Мўғулларга бўйин эггани учун Алоуддавлани ушлаб олиб, Қирит<sup>420</sup> қалъасига қамаб қўйдилар. Баҳор келиб йўллар очилгач, Жаба ўлдирилган мўғул ҳарбий бошқарувчиси – шиҳнасининг ўчини олиш учун Ироққа келди. Жамолиддин ўзининг бўйин эгганини маълум қилса ҳам бунинг ҳеч қандай фойдаси бўлмади. Энг аввало уни, кейин эса бошқа ҳаммасини қиличдан ўтказдилар. У ердан чиқиб Табриз, Мароға ва Нахичивонни забт этиб, халқини қатл қилдирди. Отабек

<sup>416</sup> Аввалги даврларда машҳур Рага шаҳри. Рой (Рей) харобалари Техрондан беш мил жанубда жойлашган.

<sup>417</sup> Бу ном Насавий (Хоудас нашри. Б.121) томонидан ҳам зикр қилинган бўлиб, у асарда Алоуддин аш-Шариф ал-Алавий сифатида берилди.

<sup>418</sup> Сажос – Султониядан беш мил ғарб томондаги кичик бир шаҳар.

<sup>419</sup> *Муғон саҳроси* – Каспий денгизининг ғарб томонида Арос жанубидаги бугунги Озарбойжон Республикаси хулудида жойлашган.

<sup>420</sup> *Қирит* – 1848-52 йилларда Усмонли-Эрон чегарасини белгилаган мажлисла жой олган рус вакили Чериков томонидан зикр қилинган бўлиб, Шимолий Луристонда бугунги обод шаҳар жануб томонида жойлашган.

Хомуш<sup>421</sup> итоат қилганлигини билдириш учун Жабанинг ёнига келди. Жаба унга Чингизхоннинг ёзма фармони бериб берди. У ердан Арронга кетди. Бойлақонни қўлга киритгач, Ширвонга йўл олди. Тик қояли тоғлар орасида жойлашган Дарбандга борди. Ўша кунгача ҳеч ким у ердан аскарлар ўтказиб, жанг қилганини эшитмаган эди. Бир иложини килиб, у ердан ўтди ва яқинидаги Дашти Қипчоқда турган Жўжи қўшини билан бирлашди. У ердан Чингизхон хузурига борди.

Бу ҳикояда мўғуллар нақадар кучли ва музаффар эканликлари очикча кўриниб турибди. Балки “Бандалари устидан У ғолибдир. У ҳикматдан хабардордир”<sup>422</sup> сўзларини амалга оширгандир. Бу лашкарлар сели жуда кучли султонларни қулатиб, ўлкаларини ўзининг давлатига қўшиб олди, теварак атрофидагилар ҳеч бирида уларга қарши курашиш жасоратини қолдирмади. Уларга қарши туриш - бу шубҳасиз, ўз умрига нуқта қўйиш, қисқаси, ўзини ўлдириш демакдир.

## XXVII. ТУЛУНИНГ ХУРОСОННИ ФАТҲ ЭТИШИ (ҚИСҚА ХУЛОСА)

Султон Муҳаммад (Хоразмшоҳ) Хуросондан ўтганлиги хабарини эшитган Жаба ва Субутой йўлга чиқиб, катта тезлик билан илгарилади. Хуросоннинг барча шаҳарлари устидан деңгиз тўлкини каби ўтиб кетдилар. Йўлларида учраган шаҳарларга элчи юборилди. Элчилар воситасида халқни қўрқитиб, уларни итоат қилишга зўрладилар. Итоат қилган жойларга ўзларининг ҳарбий бошқарувчиси — шахнани қолдириб, йўлларида давом қилдилар, итоат қилмаганлар ҳаётларига нуқта қўйдилар. Улар ўтиб кетгач, халқ қалъалар ва деворларни таъмирлаш ва озиқ-овқат захираларини тўплаш бошлади. Орадан бир муддат ўтиб, мўғул аскарининг овози кесилгач, улардан ўтиб кетган бир сел, ердан кўтарилган бир довул ёки чакнаб кетган бир яшин сифатида хотирладилар.

Чингизхон дарёни кечиб ўтиб, Султоннинг орқасидан кетаркан, сиёсатда ўткир ва қилич олови теккан жойни ёқиб кул қилган ва у

<sup>421</sup> *Отбек Хомуш* – отбек Ўзбакнинг ўғли. Тилсиз бўлганлиги учун форсча ўша маънони билдирувчи Хомуш номи унга берилган эди.

<sup>422</sup> Қуръони карим, 6:18.

ерда ҳеч бир нарсадан асар ҳам қолдирмаган яшинга ўхшаш ўғли Улуғ нўёнга<sup>423</sup> Хуросонни фатҳ этиш вазифасини тайинлади. Ҳамма аскарларини ўғиллари орасида тақсимлади. Улуғ Тулу ҳиссасига қўшиннинг ўндан бири тушди. Тулу жанг шамоли эсгач, юракларига олов тушиб иродаларини йўқотган, душман бўлса ҳам уларни тирокнинг остига кўма оладиган кучга эга бўлган йигитлардан ташкил топган қўшини билан йўлга чиқди. Ўнг ва чап қанотларга амирларни тайинлади. Ўзи эса марказ бошқарувини зиммасига олди. Душмanning ҳолатини ўрганиш учун бир гуруҳни аввалга чиқарди. Марвжук<sup>424</sup> Боғ ва Боғшур<sup>425</sup> йўлидан ўтди. Хуросоннинг тўрт муҳим шаҳри бор эди: Балх, Марв, Ҳирот ва Нишопур. Аввал ҳам айтганимиздек, Балхни шахсан Чингизхоннинг ўзи истило қилди. Бошқа шаҳарлар аҳволи ўрни келганда айтилади.

Чингизхон ўнг ва чап томонда, шарку ғарбда мавжуд бўлган ҳокимияти остига қирмаган ўлкаларга аскарлар юбориб, у ерларни ўз мамлакатига қўшиб олди. Аскарлари Абивард<sup>426</sup>, Насо<sup>427</sup>, Язир<sup>428</sup>, Тус, Жожарм, Жувайн, Байҳақ<sup>429</sup>, Хоф, Синжон<sup>430</sup>, Сарахс ва Зуробод<sup>431</sup> шаҳарларини босиб, Ҳиротдан Сижистонгача<sup>432</sup> бўлган ҳамма ёқни ёқиб йўқотдилар. У ерлардаги маъмурий жойлар харобага айланди. Бутун тирик жонлар ҳаётдан кетдилар. Мард ва улуғ кишиларнинг суяклари чириди. Олимлар ё камбағаллашиб, ачинарли ҳолатда қолдилар ёки дунёларини ўзгартирдилар.

Ўрганишга имкони кўп бўлган бир одамнинг ҳам хатто бу шаҳарларнинг бошига тушган воқеаларни англантишга кучи етмайди.

<sup>423</sup> *Улуғ нўён* – Чингизхоннинг тўртинчи ўғли Тулунинг лақаби.

<sup>424</sup> *Марвжук* – туркча “Кичик Марв” маъносини билдирувчи бу сўз Марварруднинг бошқа бир номидир.

<sup>425</sup> *Боғ ва Боғшур* – аини жойнинг икки номи. Каспий темир йўли устидаги Қалъаи Мўр бекати яқинларида бугун хароба ҳолида мавжуд бўлган жой (Минорский. Худуд, Б. 327).

<sup>426</sup> *Абивард* – Каспий темир йўли устидаги Қаҳқа станциясидан 8 км ғарбдаги қасаба.

<sup>427</sup> *Насо* – Туркменистондаги Ашхобод шаҳри ғарбида Бағирқўйу яқинидаги бир жой.

<sup>428</sup> *Язир* – Ашхобод ва Қизиларвот орасидаги бугун хароба вайрона ҳолида қолган бир шаҳар.

<sup>429</sup> *Байҳақ* эскидан Сабзаворнинг бир шаҳри эди.

<sup>430</sup> Санжон Турбати Ҳайдарий билан Хофнинг орасидаги бугунги Сангин (Сангун) бўлса керак.

<sup>431</sup> Зуробод – Машҳад жанубий ғарбида Туркменистон-Афғонистон чегараси яқинидаги бугунги Зуробод ёки Зухробод бўлса керак.

<sup>432</sup> Сийистоннинг арабча номи бўлиб, Эрон шарқида ва Афғонистон ғарбида жойлашган ўлканинг номи.



Ё бу ишдан дарҳол воз кечади ёки бу китоб муаллифи тушган азобли аҳволга тушиб қолади. Бу ожиз банда (яъни Алоуддин Атомалик Жувайний) сафарлардан ва бошқа ишлардан ортган озгина вақтини ҳам дам олиш учун эмас, балки бу ҳикоялар қораламасини ёзиш учун сарфлади.

Гапнинг қисқаси, Тулухон икки-уч ой ичида ҳар бир қишлоғу шаҳар ёки аҳолига эга бўлган жойларнинг ҳаммасини очилган қўлдек теп-текис қилди. Бош кўтариб қаршилиқ қилганларни эзиб, янчиб ўтди. Ҳиротни теварак атрофлари билан фатҳ этганидан кейин отасига қўшилиш учун йўлга чиқди. Ўша пайтда Толиқон ҳали қўлга киритилмаган эди. Йўлининг устида бўлган у ерни ҳам олди. Хоразм ва Жанд ўлкаларининг ҳаммаси икки ойлик бир муддат ичида Мўғул ерлари ҳисобига қўшилди. Одам Атодан то кунимизгача бирор подшоҳ бу қадар мамлакатларни фатҳ этганлиги ҳеч бир китобда ёзилмаган.

## XXVIII. МАРВНИНГ АҲВОЛИ ВА ФАТҲИ

Марв Султон Санжарга пойтахтлик қилган, катта-кичик ҳамма-нинг дардига дармон бўлган бир макондир. Хуросоннинг энг ҳосилдор ва ажойиб тупроғига эга. Ҳавфсизлик ва ҳаловат қушининг уяси доимо ўша ерда бўларди. Аҳолисининг сони баҳор ёмғирлари сони билан бўй ўлчашади. Ҳавоси ажойиб эди. У ерда яшаганларнинг энг камбағаллари хатто давр подшоҳи ва амирлари каби яшардилар, ўзларини дунё фотиҳлари билан тенг тутардилар. *Шеър:*<sup>433</sup>

[Гўзал бир шаҳар, У ерда доимо баҳор. Тупрокнинг анбар ҳид чиқараётганини кўрасан. Бир киши у ердан бошқа бир жойга кетишга ундаса, у шаҳар берган ишончи ва таъминлаган ҳузури билан уни қароридан воз кечдирар]

Султон Муҳаммад, Аллоҳ далилини нурлантисин, амакиси тўкиб чиқарган бир игво туфайли Мужрулмулк Шарафиддин Музаффарни вазирлик лавозимидан олиб ташлаб, унинг ўрнини Нажибуддин Киссадорнинг ўғли<sup>434</sup> Баҳоулмулкка бергунга қадар

<sup>433</sup> Абу Али Сажийнинг шаҳри.

<sup>434</sup> Нажибиддин Киссадор. Насавийга кўра (Хоудас нашри. Б.168), Жанднинг вазири эди. Киссадор сўзига келсак: “Солиқ тўпловчи, маъмур хизматчи бўлиб, ҳафтанинг охириде

уни ҳеч ёнидан айирмасди. Султон мағлуб бўлиб Термиздан кетгач, Куч тегин паҳлавон Ражо – Умидниқутқариш учун Марвда бўлган сарой мансублари ёнига бориш учун йўлга чиқди. У ерга бориб, бегона аскарлар ҳужуми ҳақида хабар берди. Унинг кетидан дарҳол Султоннинг қўрқув ва ожизлик нима қилишини билмай қолган паришон ҳолати ичида қаламга олганлиги англашилган муҳри фармони келди. Бу фармонда аскарлар билан қўлига қурол ушлаганлар Марвдиқ қалъасига қочиб яшириниши лозимлиги, қишлоқликлардан бир жойдан бошқа жойга кетишга кучи бўлмаганлар ўз жойларида қолиб, тотор аскарлари келган пайтда уларни ҳурмат билан кутиб олиб, ўзининг моли ва жонини сақлаб қолиши, мўғуллар тайинламоқчи бўлган шиҳнаникабул қилиб, унинг буйруқларига бўйсунушлари кераклиги амр қилинган эди. Султоннинг кўрсатган ожизлиги халқни саросимага тушиши ва вазият чигаллашишига сабаб бўлди. Барча нима қилишини билмайдиган ҳолга келди. Баҳоулмулк шаҳарнинг кўзга кўринган кишиларидан иборат гуруҳ билан тайёргарлик кўриб қалъага боргач, қалъанинг ҳавфсизлик жиҳатидан ишончли эмаслигини кўрди. Бир гуруҳ билан у ердан айрилиб чиқиб, Язир қалъасига кетди. Лекин у ерда қаерга қочиб бекиниш ҳақида ҳар хил фикрлар келиб чиқди. Ҳаммаси турли томонга тарқалдилар. Уларнинг орасидан жиловларини ўз қўлига олган бир гуруҳ тез Марвга чекинди.

Волий ҳоким Баҳоулмулк ёрдамчиларидан бирини қалъада қолдириб, ўзи шаҳарга қайтиб кетди. Нияти жанг қилмасдан мўғулларга таслим бўлиш эди. Шайхулислом Шамсиддин Ҳарисий ҳам унинг фикрига қўшилди. Қози ва Саййид Ажал эса қарши чиқди. Лекин Жаба ва Субутой қўшинининг Марвжукқа келганини билганларидан кейин уларга таслим бўлишига рози бўлдилар. Ўша пайтда Султоннинг туркман йўлбошловчиси бўлган Бўки ўз агрофига тўпланган туркманлар билан шаҳарда айланиб юриб, халқни таслим бўлмасликка чақирди. Тотор қўшинига таслим бўлмаган халқ билан туркманлар унга қўшилдилар. Ҳокиму волийни тан олмасликларини маълум қилдилар.

Аввал бой бўлганлиги учун тотор қўшинига қўшилишдан бош тортган ва Марвга қочиб бориб яширинган жандликлар ҳам турк-

ҳамма иш ҳужжатларини тайёрлаб, уларни пайшанба кун иш кечкурун султон қабулхонасига олиб борар, султон ҳужжатларни синчиклаб ўрганганидан кейин янги амр ва ечим йўллари билан бирга иш ҳужжатларини қайтиб оларди”.

манлар сафидан жой олдилар. Шу тарзда Бўки аскарлари сони ортди.

Султон билан биргаликда Обискун<sup>435</sup> оролида турган Мужрулмулк бир эшак миниб, баъзан эса яёв юриб, Марвга қараб йўл олди. Йўли Сулук<sup>436</sup> қалъасига тушди. Қалъа бошқарувчиси амир Шамсиддин Али унга катта эътибор кўрсатди. У ердан ҳаракат қилиб, Марвнинг Сармажон дарвозаси олдида бўлган Моҳибод<sup>437</sup> боғига тушди. Келганидан хабар топган Марв кўмондонлари битта битта келиб, унинг ёнидан жой эгаллади. Шаҳарга киришни истаган бўлса ҳам Бўки халқнинг дарров унинг ёнига ўтишини билгани учун бунга рухсат бермади. Лекин Мужрулмулк ёнидаги бир нечта марвлик билан дарвиш хирқасини кийиб, кундуз куни шаҳарга киришга муваффақ бўлгач, барча халқ унинг тарафига ўтди. Якка ўзи қолган Бўки ундан узр сўради. Уни ҳам авф этди. Сони етмиш мингги ташкил қилган туркманлар ва жандликларнинг унга боғлиқ эканлигини билдириш учун Мужрулмулк вазирликни менсимади. Аввалданок салтанатга каттик қизиқиши бор эди. Чунки онаси султон саройида юрган пайтларида эътибор қозониши учун отасига берилган вақтда унга ҳомиладор бўлганлигини эшитган эди. Бу хабар бутун Хуросонга ёйилгач, бетайин кишилардан иборат бўлган бир гуруҳ унинг ёнидан жой олди. Ёнидагилар сони ортгач, кўнглидаги истак янада кучайди. У энди ўзининг рухсатисиз фалак айланмайди, шамол эсмайди деб ҳисоблаётган эди.

Ўша пайтда Сарахс халқи тотор ҳарбий бошқарувчисини қабул қилгани ва уларнинг идораси остига киргани ҳақидаги хабар келди. Иккиюзламачилик қилган шайхулислом тоғорлар тарафида эканлиги, мўғулларни қўллаб-қувватлаганига доир хабарларни яширин тарзда ўз қариндоши Сарахс қозисига юбориб турди. Мужрулмулк бу ҳодисани ўргангач, унга жиддий эътибор қилмади. Бир куни шайхулислом катта масжид минбаридан халққа ваъз ўқиётганда мўғул душманларнинг жон томири узилсин, деган гап оғзидан чиқиб кетди. Бунга ўша ердаги жамоат эътироз билдиргач, бу

<sup>435</sup> Обискун – Каспий денгизи бўйидаги бандаргоҳнинг номи эмас, Каспийнинг бошқа бир номи.

<sup>436</sup> Сулук – Исфаройиннинг шимолида жуда мустаҳкам қалъаси бор бўлган бир жой (Ҳамдуллоҳ. Странж таржимаси. Б.148).

<sup>437</sup> Моҳибод – Марв шарқида қалъа девори ташқарисида жойлашган катта бир қасаба (Ёқут).

гап истамаганим ҳолда оғзимдан чиқди, меннинг фикрим бундай эмас эди, лекин шароит ўша дуони тақозо қилди, деди. Улуғ Аллоҳ мана бундай буюради: “Сизлар таъбирини сўраган иш (туш таъбири) битди”<sup>438</sup>. Бу воқеа ҳам Мужрулмулк қулоғига етиб борди. Шундай тарзда унинг айбдор жиноятчи эканлиги яна бир марта ошкор бўлганига қарамасдан Мужрулмулк ташқаридан ўзини дўст қилиб кўрсатган, халқ томонидан олим бир киши сифатида танилган ва бунинг устига юксак шайхулисломмақомида бўлган, унинг ҳамма кўрган ва ҳеч кимнинг унга берилажак жазога ҳақсиз деб эътироз билдирмайдиган вақтгача у билан машғул бўлишни маъқул кўрмади. Орадан қисқа вақт ўтгандан кейин унинг ўз қўли билан Сарахс қозисига ёзган мактубини йўлда қўлга олиб, Мужрулмулк ёнига олиб келдилар. Шундан сўнг ўша муносабат туфайли Мужрулмулк шайхулисломни чақиртириб, вазиятни сўраб-суриштирди. Мактуб ёзганлигини инкор қилгач, мактубини чиқариб “Унга “Номайи аъмолингги ўқи”,<sup>439</sup> деди. Шайхулислом ўзининг ёзувини кўргач, нима қилишини билмай саросимага тушиб қолди ва тутуклана бошлагач, Мужрулмулк унга уйга қайтиб кетишни маслаҳат берди. Лекин терговда қатнашган зобитлар йўлда уни тутиб олиб, ҳамма томонидан пичоқладилар ва шу ҳолича уни судраб, шаҳарнинг майдонига олиб бордилар. Мана шундай тарзда икки юзламачилик ва мунофиқлик учун оғир жазо берилиши яна бир марта кўрилди. Шундан сўнгра Мужрулмулк Сарахсга тез-тез аскар юбориб турди ва мўғулларга таслим бўлганлиги учун уларга азият етказди.

Баҳоулмулк Як қалъасида мўғуллардан енгилган ва Мозандаронга чекинган эди. У ердан мўғул қўшинининг қароргоҳига кетаётиб, уларга Марвнинг аҳволини аңлатгандан кейин агар рухсат берсангиз, у ерга бориб Марвни сизларга таслим қиламан ва халқдан хазинангиз учун минг ўрам нафис газлама йиғиб бераман, деди. Бу таклиф уларга ёқиб тушди. Ёнига еттига мўғулни кўшиб, уни Марвга жўнатдилар. Марвнинг ҳолатидан беҳабар фалакнинг саросимага солувчи ўйинларидан ғофил қалби ҳавасга тўлиб тошган ҳолда Шаҳристонга<sup>440</sup> борди. У ерда Мужрулмулк хо-

<sup>438</sup> Қуръони карим, 12:41.

<sup>439</sup> Қуръони карим, 17:15.

<sup>440</sup> Шаҳристон – Насодан уч мил шимолидаги бир шаҳар (қаранг: Баргольд. Туркестан. Б.153).

ким бўлганлигини билгач, мана шу мактубни ёзди: “Бундан аввал маком ва мавқе юзасидан орамизда душманлик ва хафагарчилик бор бўлса, уларни энди унутайлик. Мўғул аскарларига қаршилик қилишнинг иложи йўқ. Уларга бўйсунушдан бошқа чора йўқ. Етти минг мўғулдан ва ўн мингта йиғма аскардан ташкил топган мўғул қўшини ўша ёққа бориш учун йўлга чиқди. Мен ҳам улар билан бораман. Йўлларида қарши чиққан Насо ва Бовардни<sup>441</sup> бир зумда йўқ қилдилар. Сизни ва Марв халкини ёвузликдан сақлаб қолиш учун бир одамим орқали шу мактубни юборяпман. Қўлингиздаги курулни ишлатиб, ўзингизни бало-қазо гирдобига ва ҳалокат оловига ташламанг”.

Мужрулмулк ва шаҳарнинг кўзга кўринган кишилари бу хабарни эшитгач, кўрқиб безовта бўла бошладилар. Улар орасидаги узоқни кўра олганлари шаҳарни тарк этиб кетишни истадилар. Базилари эса ҳеч бир далил билмасдан элчининг гапларига ишониш тўғри бўлмаслиги ҳақида хулосага келдилар. Шу сабабли мўғул қўшини сонини билиш учун одам юбордилар. Элчи айтган гаплари рост эканлигини билгач, уни ўлдирдилар. Кейинроқ шаҳарда турган Султон аскарларидан икки минг беш юз қадар суворийни мўғулларга қарши урушга юбордилар.

Баҳоулмулк ва ёнидагилар аҳволни ўргангач, Сарахсдан тақроран мўғул қароргоҳига тўғри ҳаракат қилди. Йўлда одамлари ажралди. Қароргоҳга боргач, уни ушлаб Тусга олиб кетдилар ва у ерда қатл қилдилар.

Мужрулмулк юборган қўшини Сарахсга қадар етиб борди. У ернинг қозиси Шамсиддин авваллари Жаба нўённи кутиб олиб, унга қийматли ҳадялар бергани учун Чингизхон томонидан амирлик даражаси ва тахтадан ясалган пайза (ҳокимият белгиси сифатида мансабдор шахсларга берилган мўғул хонининг номи ёзилган тахтача) билан биргаликда Сарахсинг волийлиги билан тақдирланган, қози Шамсиддинни ушлаб олиб, паҳлавон Абу Бакр Девона ўғли қўлига топширди. У ҳам отасининг интиқомини олиш учун уни ўлдирди.

Ўша пайтда мўғул қўшини сонини озгина деб эшитган Мужрулмулк билан Марв халки завқ ва сафога берилдилар. Улар бундай вақт ўтказаетган пайтда Амуйа волийси Ихтиёриддин ке-

<sup>441</sup> Бовард, яъни Абивард.

либ тотор қўшинлари Калот<sup>442</sup> ва Нав<sup>443</sup> қалъаларини камал қилиш билан машғул бўлаётганликлари, устига қўшин келганлигини кўргач, Амуйадан кочиби, у ерга яширинганини айтди. Мужрулмулк унга яхши муносабатда бўлди. Туркман бўлганлиги учун уни туркманлар уйига жойлаштирди. Саккиз юз кишилик бир мўғул ҳарбий бўлинмаси келиб, шаҳар ташқарисида турган туркманларга хужум қилган пайтда Шайххон ва Мўғул ҳожиб<sup>444</sup> икки минг кишилик қўшин билан Хоразмдан келиб, мўғуллар устига юрди. Мўғуллардан отлари яхшилари қочиби кетишди, қолганлари нариги дунёга жўнатилди. Қочганлар кетига тушган туркманлар ва Султоннинг турк аскарлари уларни ушлаб олиб, шаҳар майдонида ўлдирдилар. Шайххон ва Мўғул ҳожиб ҳам Дастжирдга<sup>445</sup> жойлашди.

Туркманлар ўзаро келишиб, Ихтиёриддинни ўзларига бошқарувчи қилиб сайладилар, Мужрулмулкдан юз ўғирдилар. Тартибсизликлар чиқариб, шаҳарни қўлга киритишни хоҳладилар. Тунда хужум уюштириб, бошқарувни йиқитиш борасида режаларини билиб қолган Мужрулмулк аввалдан кўрган чоралари туфайли улар ўз мақсадларига эриша олмадилар. Кейинроқ эса шаҳардан чиқиб, дарё бўйида жойлашган кишлоқ ва шаҳарларни талон-тарож қилдилар.

Ўша пайтда Чингизхон томонидан Хуросонни фатҳ этиш топширилган ўғли Тулу ўз аскарлари ва ҳокимияти остига кирган жойлардан тўплаган аскарлардан бошқа йўли устида жойлашган Абивард (Обивард) ва Сарахс каби шаҳарлардан ўзига қўшилган етмиш минг кишилик қўшин билан Марв яқинига келгач, аввалдан аниқлаш учун тўрт юз кишилик бир суворий ҳарбий бўлимни юборди. Улар кечаси шаҳарнинг олдига борган пайтда у ерда қурилган туркман чодирларига дуч келдилар. Ўтириб ҳеч овоз чиқармасдан бўш бир майдонда тўпланган ва эрталабданок шаҳарга

<sup>442</sup> Қалъайи Калот – Қалъайи Нодирий сифатида ҳам маълум бўлган бу қалъа учун қаранг: Curzon, Persid and the Persian Question. I, 125–140.

<sup>443</sup> Қалъайи Нав – янги қалъа маъноси билдирган бу қалъанинг ўрни аниқланмади.

<sup>444</sup> Мўғул ҳожиб (Бартольд, Ўша асар. Б.433), кўринишидан Насавийнинг (Хоудас нашри. Б.19) Ўғул хожиби билан бир шахсдир. Унга бу унвонни Бадриддин Инонхон берган эди. Олдин унга Султон Жалолиддин томонидан Бухорони мудофаа қилиш вазифаси топширилган эди, у ерни мўғуллар олганлиги сабабли қочиби, аввал Нисо ва Абивард ўлкаларига, у ердан Сабзорга, энг сўнгида Каспий денгизи шарқий соҳилидаги Журжонга қочиби яширинган ва у ерда мўғуллар томонидан ўлдирилган эди.

<sup>445</sup> Дастжирд – балки Ҳамдуллоҳ зикр қилган (Le Strange таржимаси, 169) Балхдаги Марварруд қирғоғидаги мавжуд бўлган Дастагирддир.

хужум қилишга тайёргарлик кўраётган ўн икки минг туркман суворийларини кузата бошладилар. Кейин эса туркманлар шаҳарга борадиган йўлга тузук курдилар. *Шеър:*

[Кеча қатронга булганган чехрага ўхшайди. Осмонда на Миррих (Марс), на Зуҳал (Сатурн), на Кутб юлдузи кўринади]<sup>446</sup>

Биров бировни танимайдиган қоп-қоронгу зимистонда мўғуллар қўлга туширган туркманларни сувга отиб, нариги дунёга жўнатдилар. У ерда туркманлар зарба берувчи кучини йўқотгандан кейин чодирларга қайтиб келиб, қўйнинг сурувига ташланган бўрилар қилган ишини қилдилар. Етмиш мингдан ортиқ туркман бир неча юз мўғул аскарлари қўлида ўйинчок бўлди. Бир қисми ўз жонларини қутқариш учун сакраган сувга чўкиб ҳалок бўлдилар. Қолганлари эса мағлубиятга учраб тарқаб кетдилар. Шу тарзда толеъ ёрдамчилари бўлган мўғуллар билан ҳеч кимнинг бўйлаша олмаслиги яна бир бор маълум бўлди. Ажали етмаган туркманлар қуролларини ташлаб қочдилар, қолганлари эса мўғул қиличига нишон бўлди. Окшом тушиб, ўзларига қаршилиқ қиладиган ҳеч ким қолмагач, мўғуллар шаҳар ташқарисилаги туркманлар сони олтмиш мингга ташқил қилган қўйлар ва бошқа ҳайвонлари билан бирга олган ўлжаларини бўш майдонда тўпладилар. Тулу 618 йил муҳаррам ойининг биринчи (1221, 25 феврал) ва Марв халқи умрининг охирги куни бўлган, долғали бир денгиз каби қўрқув берадиган, сони чўл қумларнинг сонидан ҳам кўп бўлган қўшини билан Марвтомонларга келди. Феруза дарвозаси олдида чодирини курди. Беш юз суворийлари билан биргаликда шаҳар атрофини айланди. Марв қалъаси деворлари минора ва ҳандақларини ўрганиб, олти кунни ўтказди. Ниҳоят, шаҳарни олишга кучи етажаги ва деворлар бардош бера олмаслигига қаноат ҳосил қилиб, шундай хулосага борди. *Шеър:*

[Порлоқ қуёш юксак минорадан нур сочган бир сиртмоқли арқонни отишни истади]

Эрталаб мўғуллар шаҳар дарвозаларига таяниб, жанг бошладилар. Икки юзча аскар шаҳардан чиқиб, хужумга ўтди. Тулу отидан тушди. *Шеър:*

[Кутурган фил каби ғазабланди. Қалқонни боши узра кўтариб, қиличини кўрсатди]<sup>447</sup>

<sup>446</sup> Шоҳнома, Вуллерс нашри, 1065; 1-жилд. Б.1.

<sup>447</sup> Ўша асар, 476; 1-жилд. Б.700.

Аввал тўппа-тўғри хужумга ўтиб, аскарларини жасоратга чорлади. Ташқарига чиққан марвликларни яна қайтадан ичкарига киритди. Шаҳардагилар қисқа бир муддат ичида қўрқув ва саросимадан ҳеч нарса қила олмайдиган аҳволда қолдилар. Ҳеч ким қалъа ташқарисига чиқишга журъат қила олмади. Шу тарзда окшом пайти бўлди. Мўғуллар хужумни кечаси ҳам давом қилдириб, ҳеч кимни ташқарига чиқармади. Мужрулмулк таслим бўлишдан бошқа иложи қолмаганини англагач, тонгда имомларнинг обрўлиларидан Имом Жамолиддинни шаҳардаги бор от, туя ва ҳачирлар ҳамда қийматли ҳадялар билан бирга таслим бўлганлигини билдириш учун Тулуга юборди. Тулу ундан шаҳарнинг аҳволи, олим ва бойларнинг сони ҳамда исмларини сўради. Олган жавобларига кўра, унинг айтган одамларини хузурига чақиртирди. Қаршисида қўрқувдан зилзилада титрагандек титраган бойлардан пуллари қаердалигини сўради. Билиб олгач, аскарлар шаҳарга кириб, халқни шаҳардан ташқарига чиқара бошладилар. Шаҳардан чиқариш иши тўрт кун давом этди. Бешинчи куни аёлларни эрларидан, болаларни оналаридан, опаларни укаларидан ажратдилар. Ота-оналар кўзлари олдида боқиралар номусига тегдилар. Тўрт юз хунарманд, олим, аёл ва болаларни ажратиб, қолганларини ўлдириш учун аскарларга тақсимлаб бердилар. Ҳар бир аскарга уч юз, тўрт юздан қурбон тўғри келди. Қўлига тушган ҳаммасини қатл қилдилар. Ислондан ва диндан насибаси бўлмаган бу одамлар қозининг интикомини олиш учун сарахсликларни қатл қилдилар. Уларни қийнаб ўлдирдилар. То окшомгача шунчалик Мусулмоннинг қони тўкилдими, водий ва даралар қонга тўлиб тошди. *Шеър:*

[Устига гўзал ёноқли бир аёлдан бошқаси оёқ қўймаган тупрокни биз кизарттирдик]

Тулунинг амри билан қалъа ва деворларни ер билан бир қилдилар. Имом Аъзам Ҳанафий (Аллоҳ раҳмат айласин) мазҳабига кўра қурилган масжидга ўт қўйдилар. Бу балки авваллари ўша жойда Султон Тақишнинг вазири Шамсиддин Масъуд Ҳиравийнинг Имом Шофий (Аллоҳ ундан рози бўлсин) мазҳабига кўра курдирган масжиднинг ҳанафий мазҳаби мутаассиблари томонидан бир кечада йиқилиб, қулга айлантирилганининг интикоми эди.

Талон-тарож қилиш, ўт қўйиш ва ўлдириш ишлари тугагач, Тулу ҳали аввалданок ҳеч бир ишга қўшилмаганлиги учун тирик қолдирган амир Зиёиддин Алининг шаҳарга кетиши, у ерда хонақоҳ ва



зовияларда тирик қолган инсонларни бошқаришига амр килди. Бормасни ҳам у ерга шиҳна қилиб тайинлади.

Мўғул кўшини ўша ерни тарк этгач, бурчакларда ҳаётларини сақлаб қолган одамлар бекинган жойларидан ташқарига чиқдилар. Уларнинг сони беш минггача эди. Орқадан бир мўғул кўшини ҳам келди. Шаҳарда бўлган ҳамманинг бир этак бугдой билан ташқарида мавжуд бўлган бўш майдонга тўпланишларини буюрди. Йиғилганларнинг ҳаммасини нариги дунёга жўнатдилар.

У ердан Нишобур томонга юрдилар. Шаҳарлардан қочиб кишлоқ ва тоғларга яширинган одамларни ушлаб олиб ўлдирдилар. Шундай тарзда ўлдирилганлар жуда кўп эди.

Бир-бирининг орқасидан Марвга келган мўғул лашкари ҳам Жабдан ажралган Тайсийнинг кўшини эди. Улар ҳам яраларнинг устига туз сепдилар. Соғ топган ҳар бир одамнинг ҳаёт томирларини кесиб, уларга ўлим шарбагини ичирдилар. *Шеър* (арабча):

[Биз шундай бир ёмон замондамизки, уни ҳатто тушимизда кўрсак кўрқардик. Халқ шундай оғир кийинчиликларни бошидан кечирдики, уларни ўлдирдилар дея ачиниш ўринли бўлур]<sup>448</sup>

Дин ва давлат буюкларидан ҳисобланган Саййид Иззиддин Нассаба ёнига олган бир гуруҳ билан ўн олти кечаю ўн олти кундуз ўлдирилганларни санаб чиқди. Уларнинг сони яширин жойларда ва шаҳарлардан узок бўлган ўлдирилганлардан бошқа бир миллион уч юз мингдан ошиқ эди. Ўз ишини тугатганидан кейин Саййид Иззиддин бу ҳолатга уйғун тушадиган Умар Хайёмнинг шу рубойисини ичида ўқиди. *Шеър*:

[Қадахни вужудга келтирган моддаларни ким бир-бирига туташтирди? Ҳатто сархуш одам ҳам уни синдиришга ачинади. Шунчалик гўзалнинг боши ва оёғини, бутун аъзоларини севги билан ким бир жойга тўплади? Кин, адоват билан ким буларни бир-биридан айирди?]

Бир куни амир Зиёиддин билан Бормас бирга ўгириб суҳбатлашаётган пайтда Шамсиддин паҳлавоннинг ўғли Абу Бакр Девона Сарахсда исён кўтариб, тартибсизлик чиқаргани ҳақида хабар келди. Шундан кейин Зиёиддин исённи бостириш учун ёнига бир канча одамларни олиб у ерга кетди. Шиҳна ҳам шаҳардаги хунармандларни Бухорога олиб кетиш учун шаҳар ташқарисидаги бир май-

донда тўплаган пайтда умрларининг жоми тўлган ва толеъ юз ўгирган марвлик бир гуруҳ “Султондан шиҳнага бир хабар келибди, шу сабабли у кўркиб қочяпти” дея бекорга довул чалиб, исён кўтардилар. Бу воқеа 618 йил рамазон оийи (1221, сентябр)нинг охириги кунларида содир бўлди.

Буни эшитган Бормас қайтадан яна шаҳарнинг олдига келди. Исённи бошлаганлар бошлиқларини чакирттирди. Ҳеч ким унинг амрига эътибор қилмаганлиги туфайли халқни жазолаш учун шаҳарда кўлига тушган бир неча одамни ўлдириб, ёнидагилар билан йўлга чиқди. Хожа Муиззиддин Даштободий ҳам улар билан бирга Бухорога қадар кетди. Шиҳна Бухорода ўлди. У билан бирга бўлган хунармандлар ҳам ўша ерда қолдилар.

Зиёиддин Марвга қайтгач, у ердаги исённинг сабабини ўрганди. Олиб келган ўлжаларини уларга таркатди. “Ўз ўғлимдек яхши кўраман”, деган Баҳоулмулк ўғлини исёнчиларни тинчлантириш учун юборди, лекин ўзи уларга юзини ҳам кўрсатмади. Кейин эса қалъа ва минораларни таъмирлашга буйруқ берди. Шу орада катта бир гуруҳ келиб, унинг хизматига кирди. Шаҳарни зиёрат қилувчилар орасида мўғул ҳарбий қисми ҳам бор эди. Зиёиддин ўз тинчлиги нуқтаи назаридан уларни яхши кутиб олиб, яхши муомалада бўлишни маъқул кўрди ва уларни бир муддат меҳмон қилди.

Ўша пайтда Султон кўмондонларидан Кучтегин паҳлавон кўп сонли кўшин билан келиб, шаҳарни қуршаб олди. Шаҳарда бўлганларнинг бир гуруҳи Кучтегин сафларига қўшилди. Шу туфайли сўнгра Зиёиддин ҳар бошдан бир овоз чиққанини кўргач, бундай аҳволда ҳеч нарса қила олмаслигини тушуниб, ёнидаги мўғуллар билан биргаликда Мароға қалъасига кетди.

Мароғага боргач, бир қатор қонунлар чиқариб, иморат ва зироат учун мажбурият юклади ва шаҳар дарвозаларини ёпишга буйруқ берди. Бир муддат ўтгач, марвликларнинг бир гуруҳи яширинча Зиёиддинга мактуб юбориб, уни Марвга даъват қилди. Зиёиддин ҳам дарров йўлга чиқди ва шаҳарга борди. Одамларидан бирини ўзига мактуб ёзганлар ёнига юбориб, келганлигини хабардор қилди. Бундан хабардор бўлган Зиёиддиннинг душманлари уни ушлаб, Кучтегин ҳузурига олиб бордилар. Кучтегин ундан пул талаб қилгач, Зиёиддин “пулни фохишаларга бердим”, деди. Кучтегин “Фохишалар ким?” деб сўрагач, “Бугун сенинг олдинда одоб билан қўл ковуштириб турган мана шу ишонган одамларнинг. Булар кеча

<sup>448</sup> Саолийнинг “Иътиқот ад-дахр” асарида бу шеър Ибн Ланқоқ ал-Басрий номи билан маълум бўлган Абул Ҳасан Муҳаммад б. Муҳаммадники эканлиги айтилган.

менинг ёнимда эдилар. Қийин кунларимда мени ёлғиз ташлаб, ўз ваъдасидан тонувчи тутируксиз деган тамғани кўтариб юрибдилар”, деб жавоб берди.

Зиёиддиннинг моли йўқ эканлиги ва унинг бирор ишга ярамаслигини тушунган Кучтегин “Унинг ўлиши менинг яшашим, йўқ қилиниши эса менинг яшаб қолишим демакдир”, дея уни ўлдиртирди. Сўнгра кўнгил роҳати учун иморат ва қишлоқ хўжалиги ишлари билан машғул бўлди ва дарёнинг олдига тўсик қурдирди.

Лекин тақдир сели Кучтегин ўз умр деворининг йиқилажаги ва ҳаётининг сувини йўқлик қудуғига оқижажагини билмаган бир вақтда Қоража нўённинг Сарахсга келганидан хабар тонди. Ёнига минг кишилиқ суворий қўшинни олиб Сангбастга<sup>449</sup> қараб қоча бошлади. Буни билган Қоража Сангбастда унга етиб олиб, одамларининг кўпчилигини ўлдирди. Кучтегин жонини сақлаб қолди ва яна Марвга келиб, у ернинг бошқарувчиси бўлган яқинлариникида яшириниб олди. Шундан уч-тўрт кун кейин Қутуқу нўён<sup>450</sup> кўмондонлигидаги икки юз кишилиқ мўғул суворий қисми билан Марвга келди. Уларнинг ярми ўзларига топширилган вазифаларни бажариш учун йўлларида давом этдилар, ярми эса шаҳарни қамал қилиш учун ўша жойда қолди. Қолган мўғуллар дарҳол қўшин кўмондонлари Тўрбой ва Корбонга<sup>451</sup> одам юбориб, марвликларнинг нахшабликлар билан бирлашганлигини хабар қилдилар.

Ўша пайтда неъматнинг сероблиги сабабли теварак-атрофдаги ўлкалар одамлари Марвга келди ва у ерни кайтадан жонлантирдилар. Шаҳарларини севган кишилар таҳликани сезишларига қарамасдан ўзларини бало чуқурининг ичида тутиб тургандилар. Хабардор бўлган Тўрбой беш кун ичида Окмалик лақаби билан танилган Хумоюн Сипоҳсолор ва беш минг кишилиқ қўшини билан Марвга келиб, шаҳарни бир соат ичида фатҳ этди. Мўғуллар мўминларни нўхтали туялар каби ўнта-ўнтадан, йигирма бештадан қилиб боғладилар ва ҳаммасини кон кўлига отдилар, юз мингдан

<sup>449</sup> Сангбаст – бу сўз матида Сангпуйшт сифатида учрайди. Машҳаддан йигирма мил жанубий-ғарбда жойлашган бир қишлоқ (Бартольд, ўша асар. Б., 449).

<sup>450</sup> Чингизхон Қутуқу нўёнга (Шики Қутуқу) бир қанча амир ва ўттиз минг аскар билан Ғазнин, Гуржистон, Зобул ва Кобул йўлларини мудофаа қилиш вазифасини топширди (Жомеъу-т-таворих, Березин нашри. III жилд. Б. 119-130).

<sup>451</sup> Кабон – матида Кабар сифатида учрайди. Кабон Чинга топшириқ билан кетаркан, Амир Арғунга хамроҳлик қилди (Жаҳоншушо, II жилд. Б. 506). Бу ном айни пайтда Чигатойнинг катта ўғилларидан бири, асли Шайбон. Марко Полода Жибон сифатида берилган).

орғик кишини ўлдирганларидан кейин талон-тарож қилиш учун маҳаллаларни аскарлар орасида тақсимладилар. Саройлар, уйлар, масжидларни йикитиб ташладилар. Қиличдан қочиб бурчакка яшириниб, жонларини сақлаб қолганларни тутиб олиб ўлдириш учун Окмаликни ўша ерда қолдириб, у ердан кетдилар. Окмалик Аллохдан кўрқмаслиги туфайли зулм қилишни энг юқори даражага чиқарди. Қандай қилиб халқни яширинган жойдан чиқариб, ҳаммасининг жонини олсам экан деб ўйларкан, бирдан ёнидаги нахшабликка азон ўқитиш фикри ақлига келиб қолади. Азон овозини эшитган халқ яширинган жойдан ташқарига отилиб чиқди. Уларни битта-битталаб ушлаб олдилар ва Шаҳобий мадрасасига қамадилар. Навбатма-навбат мадрасанинг тоmidан пастга отиб, уларнинг ҳаётларига яқун ясадилар. Шу тарзда кўп одамларни ўлдирдилар. Бу иш қирқ бир кун давом этди. Окмалик бу ердан чиқиб кетганида Марвда атига тўртта одам соғ қолган эди.

Окмалик у ердан чиқиб кетганидан кейин тоғларга ва қишлоқларга қочиб кетган марвликлар яна ўз шаҳрига қайтиб келдилар. Арслон исмли бир амир ўғлини ўзларига бошқарувчи қилиб сайлаб, унинг агрофида тўпландилар. Марвнинг бўш қолганлиги хабари Насада эшитилгач, туркманлардан бири ўз атрофига одам тўплаб, Марвга келди. Шаҳар халқи ҳам унга эътибор кўрсатди. Қисқа муддат ичида атрофига тўпланганлар сони ўн минг кишини ташкил қилди. Арслон олти ойлик амирлиги вақтида Марварруд, Панждах<sup>452</sup> ва Толиқон тарафларга одамларни юборди. Улар ўша жойлардаги мўғулларга тегишли сурувларни ўғирлаб, Марвга олиб келдилар. Кейин эса Насани олиш учун йўлга чиқди. Бошқарувчисининг исми Нусрат<sup>453</sup> бўлган шаҳарни қамал қилди. Бу вақтда тасодифан Язирдан у ерга келаётган Паҳлавон<sup>454</sup> Насани қамал қилган туркманнинг устига юриш қилди. Қочганлиги туфайли уни ушлаб олиб ўлдирдилар. Шу пайтда Паҳлавон кетида бўлган Қоража нўён ҳам отли ва пиёда аскар билан келиб, жуда кўп одамларни ўлдирди. Омборлардаги бугдойларни ҳайвонларга едирди. Унинг кетидан юз минг кишилиқ қўшини билан Қутуқу нўён келди.

<sup>452</sup> Марварруд – Афғонистондаги Боломурғобнинг олдинги номи, Панждах Туркманистоннинг Мурғоб ўлкасидаги бешта қишлоқ.

<sup>453</sup> Нусрат – бу кишининг тўлиқ исми Нусратиддин Ҳамза б. Умар б. Ҳамзадир (Қаранг: Насавий, Хоудас тарж. Б. 73).

<sup>454</sup> Афтидан, бу Паҳлавон Бакр Девонаниннг ўғли Шамсиддиндир.

Азоб-укубат ва зулм қила бошлади. Йигиб олиб мўғул қўшинига қўшилган афғонлар ва ғазналиклар кўзқўриб, кулоқ эшитмаган исканжа ва қийноқ усулларини қўлладилар. Марвликларнинг баъзиларини оловга отдилар, баъзиларини азоблаб ўлдирдилар. Шундай тарзда қирқ кун ўтгач, шаҳарда ейдиган ҳеч нарсаси бўлмаган юзтача ногирон ва қариялар қолди, холос. Бу ҳам етмагандек, Шоҳ исмли биттаси ёнига бир неча кишини олиб чеккаларда омон қолган бир қанча одамларни ҳам топиб ўлдирди. Ўша ўлимдан ҳам қутулиб қолган бир нечта бемор ва ярадор шаҳарни тарк этди. Ўн йилдан ортик муддат ичида Марвда ўн иккита хинддан бошқа ҳеч ким яшамади. *Шеър:*

[Эй шаҳарларнинг шоҳи Марв, кечалари дўст-ёронлар бир жойга келишиб, мажлислар қилардилар. Сени даврнинг ёмон кўзидан қочириб асрагандик. Бозоринг бир келинчакдек безанган эди. Дунёнинг кўзи очилди ва тинч-осойишта ҳаёт тарзи бузилди. Бухол сенда яшаётганлар бутун дунёга тарқалиб кетишларига ва паришон бўлишларига сабабчи бўлди]<sup>455</sup>

## XXIX. НИШОБУР ВОҚЕАСИ

Агар ер юзидаги шаҳарларни юлдузлар билан киёс қилсак, Нишобур юлдузлар орасидаги Зухро (Венера) юлдузининг ўрнини босади. *Шеър:*

[Инсон Марвни, Бағдодни ва Куфани нима қилади. Нишобур дунёда инсон кўзининг қарочиғи кабидир]<sup>456</sup>.

*Шеър:*

[Бор бўл Нишобур, агар ер юзида жаннат бор бўлса, ўша жой сенсан. Агар сен жаннат бўлмасанг, ер юзида жаннат йўқдир демак]

Султон Муҳаммад Балхдан Нишобурга ҳаракат қилган пайтда ҳаётнинг ҳар онини Чингизхон билан дуч келадиган куннинг кўркуви камраб олган эди, хатти-харакатларида безовталиқ аён бўлган эди. Фалакнинг гардиши билан бир қатор воқеалар содир бўлди. Агар тоғларни англаш қобилияти бўлсаю буларни англаса, улар-

нинг барча зарралари кўркувдан то қиёматга қадар дағ-дағ титрайди, парча-парча бўлиб тарқалиб йўқ бўлади. *Шеър:*

[Менинг бошимга шундай балолар ёғилдики, агар булар кундузнинг устига ёғилса эди, кундуз тун бўларди]<sup>457</sup>

Тақдир ва кўринмас кучлар унинг бошига солган ёмон таъсирлари туфайли кўрган кўркинчли тушлари ҳам уни ожиз ва ҳеч бир нарсадан завқлана олмайдиган бир одам ҳолатига туширди. Боши тадбир кўра олмайдиган ва чорани ўйлаб тополмайдиган бир ахволда қолди. Султон тушида юзлари яра-чақали, сочлари тўзғиган нуроний юзли шахслар билан уларнинг ёнида мотамсаро кийинган аёлларни кўрди. Улардан “Сизлар кимсизлар?” деб сўраганида “Бизлар исломмиз” деган жавоб олди. У бунга ўхшаган тушларни кўп маротаба кўрарди. Бир куни Машҳади Тусни<sup>458</sup> зиёрат қилаётганида ўша ернинг бир бурчагида урушаётган икки мушукни кўрди. Дарҳол ёнларига яқин бориб, “агар фалон мушук енгса, мен ҳам душманларимни енгаман”, – деб ичида баҳс бойлади. Лекин ўша ўзи кўз тиккан мушук енгилганидан кейин бир ох чекиб, у ердан чиқиб кетди. *Шеър:*

[Кечалар ўз эшикларини ёпиб қўйишлари туфайли атрофнинг қоп-қоронғу бўлиши ва қарғанинг қарағай дарахти устида қағиллаши сени ҳаяжонга солди. Кўзларингдан оққан катра-катра ёшларнинг қуримаслигига лойиксан. Қарғаларнинг мотамсаро фарёди ғурбат ва ғарибликни, қарағай дарахти қовушишни эмас, айрилиқни кўрсатади]<sup>459</sup>

Ғам ва қайғу аскарлари вужудини истило қилганлиги туфайли тун каби қоп-қора бўлган сочлари кундуздек оқарган, вужудининг ҳамма ерида қайнаган сувнинг устида кўринган пуфакчакаби кўпиклар чиққан эди. Отамдан эшитишимга кўра, бир куни у енгилиб Балхдан кетаётганида дам олиш учун бир тепалиқ устида отдан тушди. Кўзгудан ўзига қараб хайрон бўлиб, гангиб қолди. Ёнида турган Шамсиддин соҳибдевонга юзланиб, ўгирилиб ох чекди ва “Қарилик, касаллик ва омадсизлик ҳаммаси тўпланиб мени боғлади. Ёшлиқ, соғлиқ ва бахт мендан юз ўгириб узоқлашди. Замоннинг қуйкуми бўлган бу даврнинг дармони қасрдан топилади? Фалакда бошланган туғунни ким еча олади?” деди.

<sup>455</sup> Бу байтлар “Муъжаму-л-булдон”даги „Марвнинг зайли“ бўлимида зикр қилинган.

<sup>456</sup> Саолибийнинг “Татимату-л-йатима” асарида (Икбол нашри, II/68) бу шеърнинг Абул Ҳасан Муҳаммад б. Исо ал-Қарожийники экани айтилади.

<sup>457</sup> Бу шеър Ҳазрати Пайгамбаримизнинг қизи Фотимага бағишланган.

<sup>458</sup> Машҳади Тус, бугунги Машҳад.

<sup>459</sup> Бу шеър Абу-ш-Шис ал-Хузайнийники.

Мана шундай паришонхотир бир вазиятда у Нишобурга қараб ҳаракат қилди. 617 йилисафар ойининг ўн еттинчи куни у (18 апрел, 1220) шаҳарга кирди. Қўрққанидан шундай ҳолатга тушган эдики, уни кўрганлар тотор аскарларидан кўрққанидан ҳам кўпроқ кўрқадилар. Куч-қуввати бор пайтида йикитиб ташлаган қалъаларга ачинаётган эди. „Агар улар турган бўлганларида эди, мана шу қийин кунларимда ишимга ярардилар“ деб ўйлаётганди. Ёнидагиларга тарқалиб бошқа томонларга кетишга маслаҳат берар ва уларга “Қўшинларнинг жуда кўп бўлиши ҳам мўғуллар олдига ғов бўлаолмаслиги кўп мартаба кўрилди. У холда улар келиб, бу ерни вайрон қилдилар ва ҳаммани қиличдан ўтказдилар. Аёлу болаларингизни асир олдилар ва ҳеч кимга кетишга имкон бермадилар. Агар ҳозирок шаҳарни тарк этсангиз, балки кўпчилигингиз, ҳеч бўлмаса бир қанчангиз ўлимдан қутилиб қоласиз” деяётган эди. Лекин одам фарзанди учун буюк меҳр-муҳаббат билан боғланган ватанидан кечиш ўз рухидан айрилишдан ҳам қийиндир. Қуръони каримда ватандан ажралишнинг шиддатли бир азоб эканлиги мана шу оятда билдирилган: „Агар Аллоҳ уларга сургунни ёзмаганида, албатта, уларни мана шу дунёда (қатл қилиш ёки асирга олиш билан) азобланган бўлур эди“<sup>460</sup>. Бундан бошқа “Аллоҳ уларнинг устидан қулади ва уларнинг шу (ҳаддан ошган) туғёнларида адашиб юришларига қўйиб беради”<sup>461</sup> оятининг ҳукми ҳаётга тадбик қилиниш арафасида эди.

Нишобурликлар шаҳарни тарк этиб кетишга рози бўлмагани ва унинг гапларига қулоқ осмаганини кўрган Султон “Билак кучи ва қалъанинг мустаҳкамлиги билан бу ишни уддалай олмаслиги маълум бўлишига қарамасдан қалъа деворларини таъмир қилиш керак”, деди. Шундан кейин халқ дарҳол ишга жалб қилинди. Бир неча кун мўғуллардан бирон сас-садо чиқмагач, мўғуллар деган хавфдан узок ҳаёлларига берилиб, бироз роҳатландилар. Бу вақтда Султон ўғли Жалолиддинга Балхнинг мудофаасини топширди. Жалолиддин узокқа кетмасиданок Жаба ва Субутой дарёни кечиб ўтиб яқинлашгани ҳақидаги хабарни олгач, у орқага қайтди. Вазиятни ўрганган Султон ортиқча қон тўқилмасин, деган максадда одамларининг бир қисмини қолдириб, мен овга кетяпман деб у ердан чиқиб кетди. *Шеър:*

<sup>460</sup> Қуръони карим, 59:3.

<sup>461</sup> Қуръони карим, 1:15.

[Амир Муҳаммад мамлакатининг ҳузур-ҳаловати ва тинч турмуш тарзи бузилди. Дунёда шундай давлатлар борки, уларнинг бахтли кунлари соялар каби ўзгарган ва ўткинчидир]

Султон Нишобурдан чиқиб кетишидан аввал Фахрулмулк Низомиддин Абул Маолий Котиб Жомий, Зиёулмулк Ариз Завзанийни, Мужирулмулк Кофий Умар Рухий каби кишилар бошқарсин, дея Нишобурда қолдирган эди. У ердан ҳаракат қилгандан кейин Султон яқинларидан бўлган ва Нишобур волийлигига мос деб билган амир Шарафиддин Хоразмдан чиқиб, мудофаа қилиш учун кетаётган Нишобурга ўн манзил, ўн бекат қолганида йўлда вафот этди. Мўғулларга истаганлари миқдорда пул берилди. Шу туфайли мўғуллар икки кунда бир одам юбориб, ўзлари талаб қилган пулни олдилар. Ниҳоят, рабийулохирнинг илк кунда Жаба шаҳар яқинига келди. У шайхулислом, қози ва вазирларни ёнига келишларини талаб қилди. Улар боришга қўрқиб, ўрта табақадан учта одамни сайлаб, Жаба ҳузурига юбордилар. Жаба келганларни ўзи истаган одамлар деб ўйлаб, улар билан ўзларига бериладиган ойлик маош олганидан кейин шаҳарнинг обрўли, таниқли одамларига хабар бериб, келган ҳар бир мўғул аскарига хоҳлаган маошни бериши ва Нишобур деворларини йикитишларини тавсия қилиб, уердан узоклашди.

Мўғуллар ўзларига итоат қилган ҳар жойда бир шихна қолдириб, ўз йўлларида давом қилардилар. Бир муддат мўғулларнинг келиб-кетиши тўхтагач, Султон Жалолиддин Ироқда мўғулларни қаттиқ талофатгаучратганлиги ҳақидаги хабар оғиздан-оғизга ўтиб, овоза бўла бошлади. Васваса берган шайтон одамларнинг мияларида болалаб кетди. Мўғуллар Тусда қолдириб кетган шихнаси неча маротаба Шодияхга<sup>462</sup> хабар юбориб, итоат қилиш ва асосиз миш-мишларга алданмасликлари кераклигини айтса ҳам Нишобурдан қатъий жавоблар олди. Ўша пайтда акли минг фарсах юқорида бўлган Сирожиддин лақабли одамнинг амридаги Тус аскарлари у шаҳарда қолдирилган мўғул шихнасини ўлдириб, қалласини Нишобурга юбордилар. Улар битта бошни кесиш билан қатта бир фалокатни уйқудан уйғотганликларини билмаган эдилар. Туснинг шихна ёрдамчиси Саййид Абу Туроб яширинча шаҳардан чиқиб кетиб, Устувога<sup>463</sup> борди. У ерда уч юз мўғул суворий билан бирга

<sup>462</sup> Шодиях – Нишобурнинг бир кишлоғи.

<sup>463</sup> Устуво – Қушоннинг эски қасабаси.



хайвонларни бокиш вазифаси топширилган Куш Темурга Тус ҳарбий бошқарувчиси қатл этилгани ва шаҳар халқининг оёққа тургани, исён кўтарилганини хабар берди. Куш Темур ҳам дарров вазиятни билдириш учун нўёнларга одам юборганидан кейин уч юз суворий билан Устуводан Тусга келди. Тус амирлигини қўлга киритган ва атрофига уч минг кишини тўплаган Сирожиддинни билдирмасдан ушлаб олиб, одамларининг кўпчилиги билан бирга ўлдирди. Катта қўшин етиб келгунча шаҳар деворларини йикитдилар. Чингизхон куёви Тўғажар Кўрагон<sup>464</sup> катта амирлардан бир гуруҳи ва ўн минг кишилик қўшин билан Тулунинг илғор қисми сифатида рамазон ойи ўрталариданишобурликлар орасида жанг бошлади. Сон жиҳатидан устун бўлган нишобурликлар буюк жасорат билан қалъанинг ташқарисига чиқиб, мўғулларга қарши курашда шердек олишдилар. Ёйлардан чиққан ўқлар ёмғирдек ёғди. Бу пайтда Нишобур халқининг тақдири ва йўқ бўлиши ишорати бўлган бир ўқ келиб, Тўғажарнинг жонини олди. Шаҳар халқи уни танимаганлиги учун кимни ўлдиришдан бехабар эди. Аскарлар дам олиш учун орқага чекинган, мўғуллардан қутулган иккита асир шаҳарга келиб, Тўғажар ўлдирилгани ҳақида хабар қилди. Нишобурликлар яхши иш қилганидан севиндилар. Унинг ўлими уларнинг бошларига қандай балоларни келтиришини ўйламаган эдилар. “Қасамки, сизлар унинг (илохий экани ҳақида) хабарини (озгина) вақтдан сўнг (қиёмат куни), албатта, билурсиз”<sup>465</sup> ҳукмидан бехабар эдилар.

Мўғул қўшини орқага чекинган, Тўғажар ўрнига ёрдамчиси Бўрка нўён<sup>466</sup> Жаба ва Субутой билан сафарга чиққан вақтида Жайхуннинг шарқий соҳилида вафот этганлигини ёзди. Бўрка нўён қўшинини иккига ажратиб, бир қисмини ўзининг қўмондонлигига олиб, Сабзаворга қараб юрди. Уч кеча-уч кундуз жанг қилгандан кейин у ерни қўлга киритиб, халқини қатл қилди. Ўлдирилган одамларнинг сони етмиш мингдан ортик эди. Мўғул аскарларининг қолган нариги ярми Кучтемурга ёрдам бериш учун Тусга кетиб,

<sup>464</sup> Тўғажар Кўрагон – одил бўлганларга бериладиган унвон. Кўрагон – куёв, хон куёви дегани.

<sup>465</sup> Куръони карим, 38:88.

<sup>466</sup> Бўрка (матнда Нуркай ) Бартольд (ўша асар. Б.424) унинг Жалойирли Бўрка билан битта шахс эканлигини айтади. Рашидиддин эса (Березин нашри, VII, 58 ) Жаба ва Субутой билан сафарга чиққан вақтида Жайхун шарқий соҳилида вафот этганлигини ёзган. Тарих китобларида бу шахснинг исми Бирка, Бурка ёки Бўрка сифатида учрайди.

унинг ололмаган мавзеларини қўлга киритди. Нукон ва Кор<sup>467</sup> халқи жон-тани билан шаҳарларини мудофаа қилган бўлишига қарамай улар қилган ғайратлари фойда бермади. Мўғуллар ҳаммасини ушлаб олиб қиличдан ўтказдилар.

Шу пайтда нишобурликларочикдан-очик қаршилик қила бошлади. Қаерда бир мўғул аскарини кўрсалар, ёшларни юбориб туттирар ва ўлдираар эдилар. Ўша қиш фаслида Нишобурда тахчиллик бошланди. Ҳамма нарсанинг нархи ошиб кетди. Мўғуллар шаҳарнинг чиқиб йўлини назорат қилганликлари учун халқнинг кўпчилиги озик-овқат борасида қийинчиликка учради.

618 (1221) йил баҳорида Марв ишидан қутулган Тулу Нишобурга қараб ҳаракат қилди. Нишобурга унинг келаётганлигидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Тулу аскарлари жуда кўп эди. У йўл устидаги кишлоқ ва шаҳарларни қўлга киритди. Ўлимдан қутулган, аскар бўлишга ярайдиганларни қўшинига қўшиб олди. Манжаниқ ва курол билан таъминланганлар кўпчиликни ташкил қилган ҳарбий қисмни илғор қисм сифатида Шодияхга юборди. Нишобур тошлоқ бир жой бўлишига қарамасдан мўғуллар эҳтиёткор тарзда ҳаракатланиб, хайвонлар устига юкланган тошларни шаҳарнинг атрофига хирмон килиб уйдилар. Лекин бу тошларнинг ҳатто ўндан бирини ҳам ишлатиш насиб бўлмади. Нишобур халқи шаҳар ташқарисида бирлашган аскарларни кўргач, бу сафар ишнинг жиддий эканлиги, бу қўшин шу пайтгача кўрган қўшинлардан фарқ қилишини тушуниб етдилар. Жиддий тайёрланганликларига, қалъа деворларининг устига уч минг дона ўқ отувчи икки ғилдиракли арава, уч юзта манжаниқ жойлаштирилган бўлишларига қарамасдан кўрка бошладилар. Уларнинг бутун аъзолари титрай бошлади ва жасоратини йўқотдилар. Қутилишнинг таслим бўлишдан бошқа чораси қолмаганини кўрдилар. Қози Рукниддин Али б. Иброҳим Мугисийни элчи килиб Тулуга юбордилар. Қози Тулунинг шаҳар ташқарисидagi ҳузурига борди. Нишобур халқининг жонини сақлаб, авф этишини сўраб, мол ва пул ваъда қилинган бўлса ҳам, бунинг ҳеч қандай фойдаси бўлмади. Унинг қайтиб кетишига ҳам рухсат бермадилар.

Сафар ойининг ўн иккинчи куни (1221, 7 апрел) чоршанба куни бошланган жанг жума куни эрталабгача шиддатли тарзда давом

<sup>467</sup> Кор – қаер эканлиги аниқланмади. Фирдавсийнинг туғилган жойи Бозх, Фоз ёки Фозх бўлиши мумкин.

этди. Бу муддат ичида мўғуллар баъзи хандакларни тўлдирган ва қалъа деворларида тешиқлар очиб ташлаган эдилар. Жангнинг энг қуюқ, шиддатли мавзелари бу Шуторбанон билан Қорақуш дарвозаси томонлар эди. Мўғуллар Хусравкўшк девори устига байроқ тикишга муваффақ бўлдилар ва кўп гуруҳ-гуруҳ ҳолида деворга тирмашиб чиқдилар. Шуторбанон дарвозасидан ичкарига кира бошладилар. Ўша куни то окшомгача мўғуллар қалъа деворларига чиқиш ва нишобурликлар эса уларга монелик қилиш учун ҳаракат қилдилар. Шанба куни қалъа деворлари усти мўғул аскарлари билан тўлди. Дарвозаларни синдириб ичкарига кирдилар. Қатл ва талон-тарож қила бошладилар. Жанг кўпроқ тарқок холда уйларнинг ичида давом этаётган эди. Шу аснода Тулу Мужрулмулкни топиб келинлар, деди. Мужрулмулк тезроқўлиши учун Тулуга каттиқ гаплар айтди. Шунга қарамасдан уни қийнаб, азоблаб ўлдирдилар. Мўғуллар вазиятни ўз ҳукмронлиги остига олгач, омон қолган аёл, эркак, болалар ҳаммани шаҳар ташқарисидаги бўш майдонга ҳайдадилар. Тўғажарнинг қасдини олиш учун шаҳарнинг деҳқончилик қиладиган ҳолга келтирилиши ва ит, мушук ҳамда бошқа биронта тирик жонзот соғ қолмаслигига буйруқ берилди. Чингизхоннинг қизи бўлган Тўғажарнинг хотини қўшини билан келиб тирик қолганлар ҳаётига нуқта қўйди. Уларнинг орасидан фақат тўрт юзта ҳунармандларни танлаб, уларни Туркистонга олиб кетдилар. Ҳали ҳозиргача уларнинг болалари яшамоқдалар. Ўлдирган одамларидан эркак, аёл ва болалар қалаларини кесиб, алоҳида-алоҳида жойларга тўпладилар.

Бу ишлар ҳам тугаганидан кейин Тулу қочиб қутилган одамларни учратиб қолсалар, уларни ҳам наригиларнинг ёнига жўнатиш учун бир амир билан тўртта тожикни қолдирганидан сўнгра Ҳиротга йўл олди. Улар кетгач, бўри ва қушлар кунларча ва ҳатто ҳафта-лар давомида одам гўшти билан қоринларини тўйдириб байрам қилдилар. *Шеър:*

[Устида яшаётган одамларнинг ўлиши сабабли у ер ҳам ўлган эди. Гўё одамлар ўша жойларнинг руҳлари каби эдилар]

Нишобур бутунлай йиқилди, уйлар ер билан бир бўлди. Юксаклик жиҳатидан осмон билан ўлчашаоладиган саройлар юзларини тупроққа қўйиб, ўзларининг итоаткорлигини кўрсатдилар. Маъмурий бинолар ўринларида тош-тупроқ йиғимлари ва синган уюмлар

қолди. Гулбоғлар ёнган жойларга айланди ва ҳамма ер қуп-қурук бўлди. *Шеър:*

[Ҳа, воқеалар уни подшоҳликдан қулликка туширди. У хўжайини олдида сажда қилишга одатланган кишилар каби бўлди. Бир пайтлар у ерда мавжуд бўлган ям-яшил дарахтлар қуриди ва хушбуй ҳид таратган тупроғи бузилди]

### XXX. ЎКТОЙ ҲОҚОННИНГ ЖАҲОНПОДШОҲИ УНВОНИ БИЛАН ТАХТГА ЎТИРИШИ

Улуғ Аллоҳ бир оз муддат “Бунда Раббингиздан сизга улкан синов бордир”<sup>468</sup> ҳукми билан огоҳлантиргач, одамларни синовдан ўтказиш учун қийинчилик ва бало қозонида эритди. *Шеър:*

[Мени бало олови устида олтинни синагандек синовдан ўтказасан]

Ҳар ким ўзининг қилган ёмонликлари жазосини тортади. Ёмон амалнинг ёмонлиги икки баробардир. “Бир ёмонликнинг жазоси ўша ёмонликка мос бўлган бошқа ёмонликдир” деган гап билан огоҳлантирилгач, жазо шарбати билан тўлиб турган қадахни ичади. Чунки ҳар ишнинг боши ва охири ҳам бордир. “Бир иш ўз йўлига тушгач, борган сари камчилиги камаяди”. Пайғамбар (с.а.в.) “Бир қийинчилик иккита имкониятниенга олмайди” дегандилар. Одамларнинг мушкул аҳволда қолган пайтларида Аллоҳнинг марҳамат хазиналари қайтадан яна очилажаги, қуллар, бандалар роҳат ва хузур-халоватга қайтадан эришажаги ақлан ва нақлан катъий собит бўлган. Ҳақнинг сон-саноксиз раҳмат ва ёрдами, азоб ва қийинчиликлари “Раҳматим ғазабимдан зиёда” ҳукмига кўра ғолиб бўлади. Ҳар бир заҳматнинг кетидан бир роҳат, яхшилик келади. *Шеър:*

[Ҳаётнинг қийин дамлари келгач, вужудга унинг юқларини кўтара оладиган сабр келади. Умидсиз эмасман, чунки Улуғ Аллоҳ раҳматининг бир зарраси ҳатто барча яралганларга етарлидир]

Ҳозирги давримизда ҳам борган сари Аллоҳнинг марҳаматива неъматларининг тобора ортиб бораётганлиги аён бўлмоқда. Бунга мисол сифатида жаҳон подшоҳлари Ўктойхоқон ва Мангу хоқоннинг иш бошига келганликларини кўрсата оламиз. Бу ерда Хоқоннинг тахтга қандай қилиб ўтирганлиги мавзусини, ундан аввал

<sup>468</sup> Қурони карим, 2:50.

тушунтириш керак бўлган баъзи мавзуларни бошланишга олдик. Ўқувчилар гапни кўп чўзиб юборди демасинлар, деган мақсадда мавзунини киска қилдик. Тушунтиришни истаган нарсамиз Хоқон мамлакат ва давлат ишларини қандай қилиб, ўз қўлига олганлиги, қарорсизлик ичида тараддудланган, нима қилишини билмай иккиланиб қолган миллатларнинг баъзиларини ишонтириб, баъзиларига таҳдид қилиб, уларни қандай қилиб ўз мамлакатига кўшиб олганлиги, унинг ўлимидан кейин Мангу хоқоннинг қулашга юз тутган адолат биносини қайтадан қандай қурганлиги ва тўғрилиқ байроғини қандай кўтарганини кўрсатишдир. Улуғ Аллоҳ тўғрининг ёрдамчиси бўлган.

Хоқон тахтга ўтиришидан аввалги исми Ўктой эди. Чингизхон унинг қилган гапларига қараб, подшоҳликка лойиқ эканлигини, неча маротаба айтган қатъий қарорлари, ақллилиги ва бошқарувга усталигидан унинг мамлакатни яхши бошқаришини тушунган эди. Шу сабабли ўзидан сўнгра хонлик мақомига унинг ўтиришини ўйларди. Бунинг амалга ошириш учун Чингизхон фурсат топгач, ўғилларига Ўктой ўзининг ўрнини эгаллаши маъқул бўлишини тушунтирар ва бу фикрни уларнинг мияларига қуйиб борарди.

Чингизхон ғарбдан шарқдаги эски қароргоҳига келар-келмас дарҳол Тангут вилоятига кетди. У жойни душманларидан тозаларкан, об-ҳаво таъсирида касаллиги оғирлашди ва куч-қуввати қолмади. Шу туфайли ўғиллари Чигатой, Ўктой, Улуғ нўён билан кўмондонлари Кўлган<sup>469</sup>, Гуршатой<sup>470</sup> ва Ўрхонни<sup>471</sup> ёнигача кирди ва уларга шундай деди: “Энди хасталигим тузалмайдиган даражага келди. Ҳозир ичингиздан биронтангиз мамлакат бошқарувини ўз қўлига олиши ва асоси мустаҳкам қонунларни таъминлаши лозим. *Шеър:*

[Ўлган вақтимизда бизни қуфр қилишлари унга старлидир. Оталаримизнинг яхшилик билан хотирланиши ҳам бизга старлидир]<sup>472</sup>

Агар ҳаммангиз бирдан хон бўлишни истасангиз, у ҳолда сизлар ягона вужудли ва кўп бошли бир илонга айланасиз. Бундан бошқа

<sup>469</sup> *Кўлган* – Укоз-Маркит қабиласининг раиси Дойир Устун кизи ва малика Кулоннинг онаси (қаранг: Смирнова, ўша асар. Б.71).

<sup>470</sup> *Журхадой* – журманли, яъни Манчурияли ва бир найманнинг ўғли эди.

<sup>471</sup> *Ўрхон* ёки Рашидиддиннинг айтишига қўра, Ўрхоқон (Смирнова, 71) бир тотор қабила бошлигининг ўғли эди.

<sup>472</sup> Башама б. Хазон ан-Нашабийнинг шеъри.

бу китобнинг бошида айтиб ўтганимиздек, ўз насихатини берганидан кейин ўғиллари ҳаммаси бирваракайига тиз чўкиб шундай дедилар. *Шеър:*

[Отамиз подшоҳдир, биз эса унинг қулларимиз. Унинг буйруқларига ва қарашларига итоат қиламиз]<sup>473</sup>

Шундан сўнг Чингизхон яна сўз олиб, “Агар роҳат ва хузурли ҳаёт кечиришни истасангиз, менинг айтган гапларимга қўра ҳаракат қилинглар. Менинг фикрларим қуйидагича: “Шу пайтгача сизларга доимо менинг ўрнимга Ўктойнинг ўтиришини айтиб келдим. Чунки ақллилиги, узоқни қўра олиши ва тажрибаси туфайли уни лойиқ деб ҳисобладим. Халқнинг роҳат-фароғатда ва хузур-халоват ичида яшаши, аскарнинг тайёргарлик кўриш ва жанг олиб бориш санъати унинг моҳирона ақл билан бошқаруви орқалигина мумкин бўла олади. Шунинг учун уни ўзимга валиаҳд қилиб тайинлайман ва мамлакатнинг бошқарувини унинг моҳир қўлларига топшираман. Сиз ўғилларимнинг ҳам бу борадиги фикрларингиз қандай?” деб сўраганида шаҳзодалар унинг фикрини тасдиқлаганликларини кўрсатиш учун яна бир маротаба тиз чўқдилар ва итоат қилишларини ўз оғизлари билан тасдиқладилар. Чунки Чингизхон фикрларига қарши чиқадиган бирон кимса ҳали онасидан туғилмаган эди. *Шеър:*

[Фалак кўзини, замонқулоғини очгани ҳолда улар сенинг ҳукмингга имзо чекишлари учун тайёр ҳолатда кутмоқдалар]

Шаҳзодалар “Бизнинг қўшинимиз хавфсизлиги Чингизхон маъқул кўрган нарсасидадир. Унинг буйруқлари ва қилган ҳамма нарсаси тўғридир” дея жавоб берганидан кейин Чингизхон „Агар ҳаммангиз шундай фикрда бўлсангиз, ичингиздаги айтган гапларингизга мос бўлса, у ҳолда мендан кейин Ўктойни хон деб қабул қилишингизга, унинг буйруқларига итоат қилишларингиз ҳақида ёзма бир ҳужжатга имзо чекинглар. Шу тарзда юкорида берган ваъдангиздан қайтмайсиз ва айтганларимдан четга чиқмайсизлар” деди. Ўктой кардошлари унга итоат қилишларини ҳужжат билан тасдиқладилар. Шундан сўнг Чингизхон касаллиги оғирлашди. Ҳаракат қилаолмайдиган аҳволда 624 йил Рамазон ойининг тўртинчи (1227, 18 август) куни ўлди. Унинг ўлимидан кейин янги йилда ўтказмоқчи бўлган қурултойда учрашиш учун шаҳзодаларнинг ҳаммаси ўз ўлкасига томон ҳаракат қилдилар ва одамлари билан

<sup>473</sup> Шоҳнома, Вуллерс нашри, 1639; I, 2352.

биргаликда курултой тайёргарлигини бошлаб юбордилар. Ҳаводаги совуқлик пасайгач, боғу боғчалар эрталабки шамолнинг эсиши билан гўзаллашгач, ажойиб, хузурбахш бўлди. *Шеър:*

[Эрталабки шабада дунё мулкани ям-яшиллик билан безади. Дунё жаннат боғига ўхшайди. Илик шабаданинг тупрокни жонлан-тиришидаги кўрсатган мўъжизаси Исонинг мўъжизасини хижолат-да қолдирди]

Чингизхоннинг ўғиллари ва қариндошлари ҳамма томонга хабарчилар юбориб, унинг ўлганлигини маълум қилдилар. Мамлакат ишларининг оқсаб қолмаслиги ва хонлик масаласининг бир якуний хулосага келиниши учун ҳар ким ўз ҳамроҳлари билан бирга курултойга келди. Жўжининг ўғиллари Хорду<sup>474</sup>, Боғу, Сибакон<sup>475</sup> Тангут; Барка<sup>476</sup>, Баркажар<sup>477</sup>, Тўго Темур<sup>478</sup> Қипчоқ тарафларидан; Чиғатой Кунасан, Мангу хоқон Имилдан; Ўктой эса Куйасдан, амакилари Ўтеген, Белгуттой нўён<sup>479</sup>, Элчитой нўён<sup>480</sup>, Яку ва Ясунгой<sup>481</sup> Шарқдан йўлга чиқдилар. Мамлакат ҳамма томонидан нўён ва амирлар келдилар. Аввалданоқ Чингизхон ёнида бўлган Улуғ нўён ва унинг кичик укаси ҳам Калуранда<sup>482</sup> тўпланган курул-тойда иштирок этдилар. Бу пайтда дунё тоғ такаси буржига кирган, булутлар ҳаво кўзидан ёшлар окизган эди. *Шеър:*

[Баҳор бутун гўзаллиги ва кўнгил олувчилиги, хурсандчилик бахш этувчилиги билан келди. Ажойиб ҳаво ошиқлар ҳавасини уй-ғотди]

Боғларда гуллар ва райҳонлар очилган, булар қаршисида мусича ва булбуллар куйлай бошлагандилар. *Шеър:*

[Лазиз шаробни ҳозир ичиш керакдир. Чунки дарёдан мушк хиди келяпти. Бундай кунда ичиб, кўнгилни хушнуд қилган одамга қандай бахт?]<sup>483</sup>

<sup>474</sup> Хорду (Ўрда ёки Ўрду) – Жўжининг энг катта ўғли.

<sup>475</sup> Сибакон – матнда Шибакон: Олтин Ўрда давлати қурувчиларининг бобоси.

<sup>476</sup> Барка – Олтин Ўрда давлати мусулмон подшоҳи. Эрондаги элхонилар ва Мисрдаги Мамлук давлатининг энг катта душманлари эди (Қаранг: Гроуссет, ж.2. Б.474-478); Spuler, dieGoldene Horde. S.33-52.

<sup>477</sup> Баркажар – Кичик Барка маъносини билдиради (Бу исм ҳақида қаранг Pelliot, г.а. S.51-52).

<sup>478</sup> Тўго Темур – Қозон хонлари сулоласининг отаси. Қаранг: Гроуссет, о.г.а. S.549-556.

<sup>479</sup> Белгуттой – Чингизхоннинг ўғай укаси.

<sup>480</sup> Элчитой нўён – Чингизхоннинг укаси Кошийнинг ўғли.

<sup>481</sup> Яку ва Ясунгой – Чингизхоннинг укаси Жуший – Косорнинг ўғиллари.

<sup>482</sup> Калурани – Оролнинг Кўда ўлкасидаги қасаба.

<sup>483</sup> Шохнома, Вуллерс нашри, 1630; II, 2372.

Барча шахзода, нўён ва амирлар аскарлари билан шундай кўпчиликни ташкил қилдики, кенг майдон ҳам ҳатто уларга торлик қилди. *Шеър (арабча):*

[Агар денгизга тушса, уердан чиққан пайтда бирон ичимлик суви қолмайди. Агар куруқликда отини ҳайдаса, тезкор бир хайдовчи ҳатто бир он ҳам тўхтатишга имкон бермайди]

Илк пайтдан, энг аввало, уч кеча, уч кундуз ҳеч тўхтатмасдан вақтичоғлик қилдилар, ҳасад туйғуларини қалбларидан чиқариб ташладилар. *Шеър:*

[Ошиқ гулларини тўплади ва меваларга тўла висол дарахтига яқинлашди, уларга борган жойларида севги, хурсандчилик ва бахт-саодат (шароби) ичирилди]

Уч кун ўтгандан кейин Чингизхон васиятини муҳокама қилдилар. Унинг ўғилларидан Ўктойнинг хон бўлишини қабул қилганликларига доир ҳужжатларни узундан-узок вақт синчиклаб ўрган-дилар. Узок давом этган тортишувлардан кейин барча шахзодалар самимий сурагдга Ўктойга: “Чингизхоннинг буйруғи ва Тангрининг ёрдами билан подшоҳлик мақомига ўтиришинг керак. Шахзодалар сифатида биз ҳаммамиз сенинг қаршингда қуллик камарини белимизга боғладик. Кўшин эса қулоғини кимирлатмасдан, сўзсиз итоат қилиб, сенинг буйруғингни қутмоқда”, дедилар. У эса: “Чингизхон васияти шундай бўлишига қарамасдан ҳозир янада муносиброқ бўлган акаларим ва амакиларим бор, мўғул аъналарига кўра бир уйдаги катта-кичикнинг отаси ҳисобланади. Улуғ нўён бу катта хонадоннинг ўғлидир. У кеча-кундуз Чингизхон хизматида бўлди. Унинг қонуларини бошқариш тарзини кўрди, эшитди ва ўрганди. У турганда қандай қилиб, мен хонлик тахтига ўтираман”, – деб жавоб берди.

Ўша кундан эътиборан қирқ кун илтифотлик ва яхши ниятлари ҳақидаги ўй-фикрлари билан вақтини ўтказди. Мана шу қирқ кун давомида шахзодалар ҳар куни янги либослар кийдилар, шароб ичдилар, мамлакат масалалари борасида фикрлашдилар. У ҳар куни бошқача тарзда ақлли ва ажойиб сўзлари билан ўзининг хонликка мос эмаслигини айтиб ҳимояланди. *Шеър:*

[Тонг, яхши кунни бошлагани ҳолда ўз роғини тиклаб дунёни ойдинлатди. Қоронғулик ғойиб бўлди ва қуёш шарқдан ойнадек порлади]

Қирқ биринчи куни шахзодалар, ҳар табақадан хур кишилар ва қулларнинг фикрлари олинди, Ўктойнинг хон бўлганлигини қут-



лаш тайёргарликлари бошлаб юборилди. Ҳамма шахзодалар ҳам-фикр бўлиб, Ўктойнинг ёнига келишиб, “Чингизхон барча ўғиллари ва укалари орасидан уни хонлик мақомига муносиб кўрди. У ўз давлати ишларининг бошқарилишини сенинг қўлларингга топширди. Унинг буйруқларига итоат этмасликка қандай қилиб биз журъат қила оламиз? Унинг буйруқларига бўйсунмасликни қандай ҳазм қила оламиз, бунга қандай тоқат қила оламиз? Мунажжимлар айтишига қараганда, букун бахт келтирадиган ва қутлуғ бир вақтдир. Тангрининг ёрдами билан бу кун тахтнинг тўртта суянчиғига суяниб, дунёни ўз яхшилигинг билан бега”, – дедилар.

Бундай қатъий талабларга бардош бера олмаган Ўктой отасининг васияти, укалари ва амакилари илтимосларини бажаришни маъқул деб билди. Хонликни қабул қилганидан кейин ўша ерда ҳозир бўлганлар эски бир одатга кўра, бош кийимларини ечиб, белбоғларини елкаларига ташладилар. 626 (1228) йилда Чигатой ўнг қўли, Ўтеген эса чап қўлидан ушлаб, ўйлаш қобилияти катталарникидек, бахти эса ёшларникидек бўлишини талаб, Ўктойни шоҳлик тахтига ўтказдилар. Тахтга ўтиргач, Улуғ нўён шароб косасини унга тақдим қилди. Сарой ичида ва ташқарисида тантана маросими учун ҳозир бўлганлар уч марта тиз чўкиб, унинг хонлиги мамлакатга хайрли бўлсин, деб дуо қилдилар. *Шеър:*

[Инжа марварид гўзалларнинг гўзаллигини оширади. Қолбуки, сенинг юзинг гўзаллиги марварид гўзаллигини оширар. Қўлларинг теккан нарсалар ҳиди янада хушхид бўлади. Қаерда бор сенинг ўхшашинг, қаерда?]

Ўктойга ҳокон номини бердилар. Аъаналарга кўра, барча шахзодалар унинг раҳбарлигида ташқарига чиқиб, қуёш қаршисида уч марта тиз чўқдилар. Ундан кейин яна саройга қайтиб киришиб, ўзларининг вақтичоғлик мажлисини ташкил қилдилар ва яхши қайфият майдонини бегона тиканлардан тозаладилар, жаҳон подшоҳи толеъи очик бир тарзда тахтга ўтирди. Шахзодалар ҳам қуёшнинг атрофидаги юлдузлардек ўз ўринларини эгалладилар. Гўзаллик ва севги манбаи ҳисобланган ой юзли хонимлар баҳорда майсазорларни бегаган тоза ва нозик гуллар каби хоннинг чап томонида тизилиб турдилар. *Шеър:*

[Унинг гул боғчаси каби юзи жонлар оламининг баҳори, зирҳ каби бўлган сочи сабр кокили, ёй шаклидаги қоши осмоннинг хилоли, анбар сочувчи зулфи гўзаллик аломатидир. Гўзаллар ва ёш

йигитларнинг кўплиги, сут ва шаробнинг дарёдек оққанини кўрган мажлисдагилар: “қиёсланса, жаннатдагина бундай бўлиши керак”, дедилар]

Замоннинг кўзи хон борлиғи билан ойдинланди ва дунё унинг тахтга ўтириши билан адоват ва ғазабдан ҳалос бўлди. *Шеър:*

[Мамлакатга янгиланиш ва жонланиш келди. Чунки дунёнинг сендек подшоҳи бор. Тупроқ сенинг юмшоқ табиатингчалик юмшоқ эмас]

Сўлиб қолган хавфсизлик дарахтлари яшнади ва умидсизликдан қуриб-қовжираган амаллар сувга етишди. Кундузлар истироҳат ва вақтни яхши ўтказиш нуктаи назаридан кечаларга ўхшади. Кечалар шаробнинг баланд ҳарорати нуридан ёруғкундузлар каби бўлди.

Кейинроқ эса хон Чингизхон яшаган даврдашарқ ва ғарб мамлакатларидан тўплаган дафтарларга сиғмайдиган даражада кўп хазиналар очилишига буйруқ берди. Каттасидан кичигигача ҳаммасига улуш берди. Келажак учун хазинада ҳеч нарса қолдирмади. Ҳаммасини тарқатмаслик ҳақидаги панд-насихатларга қулоқ осмади. *Шеър:*

[Чумоли ўзига бир йилга стажак емишини тўплашига қарамасдан шер ҳаттоки бир кунлик ейдиган овқатини ҳам бир жойга тўпламайди]<sup>484</sup>

Тантана ҳадяларни тарқатиб бўлгандан сўнг аънага мос тарзда “Биз ота-боболаримизни бирдин устида топганмиз”<sup>485</sup> ҳукмига кўра, уч кеча-кундуз Чингизхон руҳига овқат тайёрлаб тарқатдилар. Ундан кейин подшоҳ хизматида бўлган амир ва нўёнлар оиласидан қирқта гўзалликда тенги йўқ боқираларни қимматбаҳо жавоҳир ва дурлар билан безатиб, қимматбаҳо либослар билан кийинтириб, танланган отларга миндириб, Чингизхон руҳи мавжуд бўлган жойга юбордилар<sup>486</sup>. Бундай ишлардан кейин янги подшоҳнинг давлат ишларига киришишига навбат келган эди. Унинг чиқарган илк қонуни Чингизхон қонунларининг ҳаракатда эканлиги ҳақида эди. Атрофдаги ўлкалардаги амир ва бошқарувчилар хатти-ҳаракатларидан шикоят қилиб келган одамларга “Тахтга ўтиргун-

<sup>484</sup> Саолибий “Татимату-л-йатима”нинг бир жойида (Иқбол нашри, 1, 48) бу шеър Абдул Ҳорис б. Тамар ал-Воситийники, бошқа ва бир жойда эса (II, 49) Абу Муҳаммад Лутфуллоҳ б. ал-Муофийники эканлиги айтилади.

<sup>485</sup> Қуръони карим, 43:22.

<sup>486</sup> Вассофнинг айтишига кўра (олмонча таржима. Ҳаммар Пургсталл. Б.97), Хулогунинг дафн маросимида ҳам шундай қилган эдилар.

гача қилинган барча айб, жиноятларнинг ҳаммасини авф қилдик. Бундан бу ёгига эса қонун ва одатларга қарши чиққан одам, қилган ўзининг жинояти учун ўшанга мос тарзда жазоланиши муқаррардир!” деди.

Бу гапларни айтганидан кейин дунёнинг турли мамлакатларига кетадиган аскарларни аниқлади. Ҳануз тартибсизлик ва исён олови сўнмаган ва Султон Жалолиддин эркин, бемалол ўз фаолиятини давом қилдираётган жойлари ҳисобланган Хуросон ва Ироққа бир гуруҳ амир ва ўттиз минг аскар билан Жўрмағунни жўнатди. Кўкатай<sup>487</sup> ва Субутой баҳодирни яна ўшанча аскар билан Қишчок, Саксин ва Булғор томонларни фатҳ этиш учун топшириқ билан жўнатди. Тибет ва Сўлўнгай<sup>488</sup> томонларига ҳарбий қисм юборганидан кейин ўзи ҳам укалари билан биргаликда Хитой томонга кетишга қарор қилди. Ўша мамлакатда қилган ишларини кейинги бўлимда англатамиз.

### XXXI. ЖАҲОН ПОДШОҲИ ҲОҚОННИНГ ХИТОЙГА ЮРИШИ ВА ФАТҲ ЭТИШИ

Ҳокон кутлуғ, шарафли подшоҳлик тожини бошига кийганидан ва мамлакат келажагини ўзининг қобилиятли кўлларига олганидан кейин дунёнинг одамлар яшайдиган ўлкалари тўртдан бирига аскар юборди. Ўзи ҳам биродарлари Чигатой, Улуғ нўён ва бошқалар ҳамроҳлигида Хитой ўлкасига юриш қилди. Унинг ёнида шу қадар кўп аскар бор эдики, қуроллар порлаши ва отлар оёқ товушларидан саҳро эни ва бўйи кўринмаган, кутурган тўлқинли бир денгизга айланди. Теналиклар устида аскарлар кўплиги туфайли юксак тоғлар билан беллашди. Кичик тоғлар суворийлар оёқлари остида тептекис бўлиб қолди. *Шеър:*

[Чўлни қоплаган жазирама кўшинга қўмондонлик қилаётганди. Теналиклар чўққиси деярли иккига ажралаёзганди]

<sup>487</sup> *Кўкатай* – Ғазонхон томонидан папа Бонифаций III га юборилган элчи хайъатидан жой олган (қаранг: Mostaert et Cleaves. Trois documents mongols des archives secretes Vaticanes, s. 469-471).

<sup>488</sup> *Сўлўнгай* – Шимолий Корея.

Аввал Қора Муран<sup>489</sup> дарёси соҳилида жойлашган Хожанфу Болокасун<sup>490</sup> номли шаҳарга бордилар. Шаҳар атрофида аскарлардан бир неча халқа ҳосил қилиб, қирк кун муддат ичида шиддатли жанглар олиб бордилар. Бу жангда хоҳласалар осмону фалакнинг кўз қорачиғини ҳам ура оладиган даражада турклар катта қаҳрамонликлар кўрсатдилар. *Шеър:*

[У ернинг халқи оқимга қарши қайикни эшкак билан юргизиш пушаймонликдан бошқа натижа бўлмаслиги, мўғулларга қарши чиқиш омадсизлик олиб келишини англагач, кўркув ва ожизлик ичида қолиб, омонлик тиладилар]

*Шеър:*

[Сўнгда подшоҳ остонасига ҳамма бош урди]

Ўша пайтда минг кишилик бир хитой кўшини шаҳардан чиқиб шишақлар билан қочишга муваффақ бўлдилар. Шаҳарга кирган мўғул аскарлари қаршилик кўрсатганликлари учун халқнинг катта қисмини ўлдириб, болаларни ҳам асир олиб турли ўлкаларга тарқатиб юбордилар. У ернинг ишини бир ёқлик қилгандан кейин Ўқтойхокон Хитой устига юриш қилаётганида Улуғ нўён ва Куюкни ўн минг кишилик бир кўшиннинг илғор қисми сифатида олдинга жўнатди. Мўғуллар келганлигидан хабардор бўлган Хитой мамлақати хони Олтунхон<sup>491</sup> Кадай Рангу ва Қамар Накуда<sup>492</sup> қўмондонлигидаги юз минг кишилик бир кўшинни уларнинг қаршисига чиқарди. Хитой аскарлари ўзлари сон жиҳатдан мўғуллардан ортиқ эканлигини кўргач, ғурурландилар. Мўғулларни ҳамма томондан қуршаб олиб, гўё тўрт оёқлик ҳайвонларни ҳайдагандек, Олтун хоннинг ёнигача ҳайдаб боришни ва хоннинг кўз ўнгида уларни ўлдиришни режалаштирдилар.

Улуғ нўён уларга шаръий тарзда қаршилик кўрсатиш иложи йўқлигини ва фақат ҳийла ҳамда ҳарбий интизом билангина қаршилик кўрсатиш мумкинлигини ўйлаб „Уруш бу ҳийладир“ деган гапни ақлига келтириб, уларнинг чироғини фақат ҳийла-найранглар шамоли билангина ўчира олиши мумкинлигини англагач, ораларида мавжуд сехргарни ёнига чақирди ва ундан ўз ҳунарини кўр-

<sup>489</sup> *Қора Муран* – Қора ирмоқ маъносини билдиради ва Хуанг Хи дарёсининг мўғулча номидир. Марко Полода Қорамуран сифатида берилган.

<sup>490</sup> *Хужанфу Болокасун* – Хитойдаги Ёу-чов шаҳри.

<sup>491</sup> *Олтунхон* – Чин подшоҳи Ай-тсунг.

<sup>492</sup> Кадай Рангу ва Қамар Накуда – Клеасас (The mongolen News, 427) буларнинг чинлик генераллар эканлигини айтади.

сагишни сўради. Кейин аскарларга юзланиб, уларга кишки либосларини кийишларини буюрди ва уч кечаю кундуз отдан тушмасликларини амр қилди. Сехргар ишга киришди. Кўп ўтмасдан мўғуллар орқа томонига ёмғир ёғди. Ёмғир кечга бориб қорга айланди. Шиддатли совук бошлангач, Хитой кўшини кишда ҳатто бўлмаган бундай совукнинг қаршисида шошиб саросимага тушди. Бу ҳолатдан фойдаланган мўғул кўшини катта ғайрат билан душманга ҳужум қилди. *Шеър:*

[Тонгнинг қизил жавҳари қоронғулик орасидан оклик кўрсатди]

Тонг отгач, мўғул аскарлари ҳавонинг совуклиги, қор ва ёмғир шиддатидан Хитой аскарларининг боши бир-бирининг куйруғига қўйган қўй сурувлари каби бир жойга жамланиб, боши, оёғи, биқини, қовурғасини жуфтлаб, думалок ҳолдатипратикандек бир ерга тўпланганликларини кўрдилар ва “Энди у жойдаги қавми (чириб) ичи бўшаб қолган хурмо дарахти танасидек кулаб, ҳалок бўлиб ётганини кўрасиз”<sup>493</sup> ояти ўртага чиққанлигини билдилар. Сехргар одам ўз ишини, яъни ёмғир ва қор ёғдиришни тугатгач, мўғуллар ҳалқани ёриб ташқарига чиқиб, каклик галасига ташланган йирткич қушлардек ва оху галасига ташланган шерлардек ҳамма томондан ҳужумга ўтдилар. *Шеър:*

[Шоҳин қаттиқ тумшуғи билан кабутарнинг қанотидан тутди. Шер қувватли кучли панжаси билан охунинг бўйнини синдирди]

Қиличларини уларнинг қонлари билан булғатмасдан ўқлар билан жаҳаннамга юбордилар. *Шеър:*

[Қалблари совкотган, тузланган ва қаттиқ бўлганлар темирнинг оловда эриганидек эридилар]<sup>494</sup>

Исмлари юқорида айтиб ўтилган икки қўмондон ўз жонларини сақлаб қолиш учун беш минг кишилиқ аскарлари билан етиб олган дарёга сакрадилар. Мўғуллар ўқлар билан улардан кўпчилигини ўлдириб, қора тупроққа таслим қилсалар ҳам ўша иккита дев қоматли қўмондонлар минг кишилиқ аскарлари билан шамолдек сув кечиб ўтиб нариги қарши тарафга бордилар. Лекин ўша жойда кутиб турган мўғул аскарлари ҳужумига учраб ҳалок бўлдилар. Хитойликлардан асир олинганлар кўпчилигига Лут қавмига қилинган иш қилинишига амр берилди. *Шеър:*

<sup>493</sup> Куръони карим, 69:7.

<sup>494</sup> Қирмон бошқарувчиси Мукрам б. ал-Алаънинг мадҳи ҳақидаги Абу Исҳоқ, Усмон ал-Ғозий шеърдан.

[Диккат қил, мен найзаларга тўла бўлган бир ўрмонзорман. У ердаги илон ўзига ёмонлик қилишни истаганларни чақиб олар]<sup>495</sup>

Кейин ўлдирилганлар қулоқларини кесиб бир жойга тўпладилар ва қулоқлардан катта бир тепалиқ ҳосил қилдилар. Улуғ нўён бу зафар хуш хабарни етказиш учун Хоқон ҳузурига одамларини юборди. Хоқон ҳам у ерга келгач, ҳар иккаласи ҳам дарҳол Олтунхон турган жой Намгинг<sup>496</sup> шаҳрига қараб йўлга чиқди. Давлати йиқилаётганлигини тушунган ва аскарлари кўпчилиги йўқотганлигини кўрган Олтунхон хотин, бола-чақалари билан бир уйга кириб олдилар. Буйруғига кўра атрофига ўтин йиғиб, уйни ёқиб юбордилар. Шундай тарзда Олтунхон уй билан биргаликда ёниб кул бўлди. „Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни раво кўрса, бас, уни қайтариб бўлмас ва улар учун Ундан ўзга бошқарувчи йўқдир”<sup>497</sup>. Мўғул аскарлари шаҳарга киргач, *шеър:*

[Мўғуллар) кўлларини ва кўзларини талон-тарож қилишга йўналтиргач, ҳузурсизликлари ортди]<sup>498</sup>

ҳамма жойни йиқитиб, талон-тарож қилдилар. Жуда кўп одамларни ўлдириб, ўлжаларни қўлга киритдилар. Ўша теваарак-атрофдаги бир неча шаҳарларни ҳам забт этиб, дунёни маъмур қилган ва қалбларни вайрон этган ой юзлиларни асир олдилар.

Хоқон эса Азизи Ялавочни Хитой бошқарувига қолдириб, бахтиёр ва севинган ҳолда уердан чиқиб кетишдан аввал Манзи, Сулангай, Тангут, Тибет ва Су Мўғул<sup>499</sup> томонларга аскарлар жўнатди (Улар ҳақида кейинроқ гапирамиз)

## XXXII. ИККИНЧИ ҚУРУЛТОЙ

Хотам каби сахий бўлган, Хусравдек қонун ва анъаналарга ҳурмат кўрсатувчи подшоҳ Хитой ишидан бўшаб пойтахтга келгач, дунёнинг турли ўлкаларига юборган шахзодалар ва амирлари ҳам мақсадларига эришган ҳолда севиниб у ерга келдилар. Подшоҳнинг узокни кўра олиши, қариндошларини янги бир йиғилишга чақи-

<sup>495</sup> Абу Исҳоқ ал-Ғозий қасидасидан.

<sup>496</sup> Намгинг ёки Нам-чинг – жанубий Хитойнинг маркази бўлиб, бутунги номи Каифангдир.

<sup>497</sup> Куръони карим, 13: 11.

<sup>498</sup> Ал-Ғозийнинг турклар мадҳи ҳақидаги қасидасидан байт.

<sup>499</sup> Су Мўғул – Хитойнинг Шуи Та-та-си: Манжуриянинг шарқ томонидаги одамлар яшамайдиган жой (қаранг: Breitschneider, II, 175, Б.935).

ришга, эски ва янги қонунларни улар билан маслаҳатлашиб бир тўхтамга келишга, забт этилажак мамлакатларга аскар юбориш ҳақида улар билан кенгашиб олишга, баҳор булутидек баракотли бўлган кунларда каттадан кичиккача ҳаммага ҳадя улашишга ундади. Қурултойга таклиф этилганларга элчилар юборилди. Хабар борган иштирокчилар дарҳол йўлга чиқди. Ўша пайтда дунё жаннат боғига айланган эди. Гуллар устидаги чирманган ёмғир булутлари подшоҳдек ҳимматли эди. Ер осмоннинг саҳийлиги гуфайли рангли кийимлар билан кийинган, дарахтлар ва новдалар ҳаётнинг бахтиёрлик сувини ичган эдилар. *Шеър:*

[Баҳор юзи учун бир газлама тўқиди. Шабнамли гуллар ишқида осмон кўз ёшларини тўқди. Осмондаги юлдузлар кулимсирай бошлади. Дунё яшил ипақлардан либослар кийди]

Шаҳзодалар келган пайтда подшоҳ ёнига норлоқ тўлин ойни олган шарафли, сурайё юлдузи каби ўзини бахтиёр ҳис қилди. *Шеър:*

[Бир-бирдан айрилиб тарқалгандан кейин қайтадан фироқ ёқасида тўпландилар. Яшил ва баракотли ҳосилдор ўтлоқларга қайтиб келдилар]

Шаҳзодалардан бошқа амирлару нўёнлар ва давлат катталари тўда-тўда бўлиб, хон ҳузурига келдилар. Дунё подшоҳи аввал катта укалари ва амакиларини ҳурмат билан қарши олгач, кейин кичик укалари ва жиянларига болаларидек муомалада бўлиб, уларга меҳр-оқибат кўрсатди. Бир ой бир-бирини кўришмаган қариндошлари билан вақтинчалик дастурхон атрофида ўтирди. Шарбатдорлар кечгача қадаҳ ташидилар. Мақсадлари даврнинг неъматларидан фойдаланиш ва кунларини ажойиб тарзда мазмунли ўтказиш эди. Унинг ҳузурда бўлганлар подшоҳнинг очик кўнгилли, олий ҳимматлигидан фойдаланиб, бахтли ва ажойиб кунларни ўтказдилар ва Қорақурумда эшитганим мана шу рубойига уйғун ҳаракат қилдилар. *Шеър:*

[Эй инсон, яхши билгинки, умрнинг муддати бир неча кундир. Умр нима, бу бутун дунё мулки бир неча кунликдир холос. Қўлингдан келганича бу ҳаётда насибангни ол, чунки бу умринг бир неча кун ичида ниҳоясига етажак]

Хокон ўз одатига кўра ҳеч ким ёпиқ ҳолда кўрмаган хазина эшикларини очди. Илк қурултойдан бери йиғилган молларни яқин ёки бегона бўлсин ўша ердагиларнинг барчасига тарқатди. Майса-

лар ва дарахтлар устига ёққан баҳор булутидек каттаю-кичик устига пул сочди. *Шеър:*

[Бармоқлари билан саҳийлик дарёсини шунчалик тошириб юбордики, одамлар хазина денгизига шўнғидилар]

Мамлакатнинг ҳамма томонидан уерга келган тужжорлар ва иш кучи соҳиблари ўз мақсадларига эришган ва истаганларини ортиғи билан қўлга киритган ҳолда ўз жойларига қайтдилар. Бир қанча камбағаллар мол-дунё эгаси, бир қанча инқирозга учраган кишилар бойлик соҳиби, бирқанча номаълум кишилар эса машҳур бўлдилар.

Бундай тарзда давом этган тантана ва вақтичоғликлар ниҳоясига етгач, подшоҳ мамлакатнинг муҳим масалалари ва қўшинларни тартибга келтиришга ўзини бағишлади. Исён кўтариш хавасини ҳаёлларидан чиқариб ташламаган мамлакатларга фарзандлари ва қариндошларидан юборди. Ўзи ҳам бир ўлканинг устига юришга қарор қилди. Унинг бу қарорини ўрганган, ёшлигининг илк кунларида ақлли ва етуқилик жиҳатидан замоннинг олимлари ва бахтли кунларни кўрган кишиларорасида бўлган Мангу хоқон подшоҳга: “Биз барча укалар ва ўғиллар амрларини бажариш учун тайёрмиз. Муҳим ишларни ҳал қилиш ва кийинчиликларга кўксимизни қалқон қилиб қаршилик кўрсатишга бутун вужудимиз билан тайёр турибмиз. Подшоҳ қаерга боришни буюрса, ўша ерга кетамиз. Вазият бундай экан, Хоқон айланиб вақтичоғлик қилсин ва кўнгли нимани истаса, ўшани қилсин, сафар таҳликаларидан ва заҳматидан ўзини сақласин, бу қадар яқинлари, сон-саноксиз аскарлари нима, қандай кунга ярайди? “Ҳаракат қилма, чунки куёш ҳам ҳаракатланмайди”, деди.

Шаҳзоданинг оғзидан чиққан бу сўзлар ўша ердагилар қулоғига етиб келгач, қўллаб-қувватловчи бир мажлис ташкил қилди. Хоқон ҳам бу фикрни маъқуллагани сабабли шаҳзода ва нўёнлардан ҳар бирига шарқда, ғарбда, шимолда ва жанубда вазифалар юкланди. Қипчоқ ва Калар<sup>500</sup> қавмлари том маъноси билан унга бўйинсуниши учун хоқон у тарафларни эгаллашга ҳам аҳамият берди. Турклару тожиклардан ташкил қилинажак катта қўшин билан баҳорда Боту, Мангу хоқон ва Куюкхон ўша ёққа кетишга қарор қилди. Улар тайёргарлик ишларини тамомлаб, хоҳланган пайтда ҳаракат қилдилар.

<sup>500</sup> *Калар* – бу сўз можар тилида “кирали”, “кирал” сўзларининг бошқа бир шакли. Бу ерда етакчиси кирол саналган бир қабиланнинг исми маъносида келмоқда (Қаранг: Пеллиот, Хорде д'Ор, 115).



Мана шу тарзда Хоқон йўл заҳматидан халос бўлди. Белгиланган жойларга маъмурлар ва котибларни юборди. Яланғочланган қиличлар кинига кирди. Зулм ва исканжанинг оёқлари боғланди. Адолат ва сахийлик қўллари очилди. Ким кимга ҳужум қилмасин, кучли заифни эзмасин, деб ҳамма томонга фармонлар юборди. Мамлақатустида айланиб юрган чанг булутларигина қолди. Воқеа-ҳодисалар тўхтади, халқ хавфсизлик ва ҳузур-ҳаловатга эришди. Подшоҳ доврўғи шимол шамолининг энгил шабадаси ҳамма ёққа тарқалгандек, дунёнинг ҳамма томонига ёйилди. Адолати васахийлиги овозаси уфқларга чирмашиб, қирғийдек осмонуфалакка юксалди. *Шеър:*

[Таниқли киши бўлгани ҳолда тунаши маъқул бўлмаган бир жойда қолди]<sup>501</sup>

Қилган яхши ишларини кўрган атрофдаги мамлакатлар халқлари ҳам унинг ҳокимияти остига киришни афзал кўрдилар. Бахт ва ҳузур-ҳаловатни унга бўйин эгишда деб билдилар. Шундай ҳолда Хоқон саройи бўйин экканликларни маълум қилиш учун келган элчилар билан тўлиб-тошди.

Подшоҳ кунларини хуш кайфиятда ўтказиб, кўшиқ тинглаб, гўзал аёллар билан бирга бўлиб ва шароб ичиб вақт ўтказди. *Шеър:*

[Ҳаётдан завқланиш бу узоқ яшаш дегани эмас, у севинч ва бахт билан кунларни ўтказиш демақдир. Мен хотирам ҳурмат қилган гапларим тингланган кунларни ҳаёт деб ҳисоблайман]

Хоқон бу шаклда яшаркан, 639 йил жумодилохир ойининг бешинчи куни куни (1241, 12декабр) тўсатдан дунёнинг лаззатларини олиб кетган ўлим пистирмадан чиқди ва ажал ўз ўқини тақдир ёйидан отди. *Шеър:*

[Мовий осмон одати доимо каерда ғамсизликни кўрса, дарҳол уни йўқ қилишдир]

Подшоҳ ҳаётининг сувини ўлим тупроғи билан камрайди. *Шеър:*

[Агар бир тикансиз гул бўлганида эди, дунёнинг таъми янаям бошқача бўларди. Ўлим эшикда бўлмаса эди, бу саройда яшаш янада яхшироқ бўларди]

### XXXIII. ЎҚТОЙ ХОҚОННИНГ ҚИЛГАН ИШЛАРИ

Улуғ Тангри подшоҳлик узугини давлат бармоғига такқач, юкорида англатилганидек, атрофдаги мамлакатларга кўшинлар юборди. Мамлакатларнинг кўпчилигини муҳолифларидан тозалади. Адолат ва кўлиочиклигининг овозаси кулоқларга исирға, қилган яхшилик ва хайрли ишлари ҳамманинг қўлига билагузук бўлди. Даргоҳи олимларнинг бошпанаси ва ҳузур-ҳаловати, барча одамларнинг бош уриб, мурожаат қиладиган жойига келди. Тўғрилиқ тонгининг нури оқшом қоронғулигини тарқатиб юборди. Мамлакат чегаралари Чин ва Мочиндан Сурияга қадар узайди. Вақт неъматлари одамларнинг устига ёғди. Унинг борлиғи сахийларнинг сахий, қўли очикларнинг қўли очиги сифати билан безанди. Унинг даврида сахийлиги билан машҳур бўлган Ҳотам Тойининг номи унутилди. Ахнаф<sup>502</sup>нинг юмшоқ табиатлилиги унинг шуҳрати қаршисида йўқ бўлди. Унинг бошқарувипайтида дунё ҳузур-ҳаловатга эришди. Фалакнинг яратган қийинчиликлари ҳам йўқ бўлди. Унинг хоқонлиги пайтида, *шеър:*

[Фалакнинг ваҳший оти, унинг итоат жиловлари остида қўлга ўргатилди]

Яхшилиги ва раҳматига эришиш учун ҳамма юзини у томонга бурди. Қиличдан омон қутулиб қолганлар хавфсиз яшадилар. Ўша пайтда ҳали ислом ҳидини ҳидламаган, ширк ва куфр ҳукм суриб турган ўлкаларда Муҳаммад (с.а.в.)динининг байроғи тикланди. Динсизлар қабристони қаршисига шаҳидлар қабристони қурилди. Унинг адолати арқони ёмон кишиларни боғлади ва сахийлигининг овозасидан узоқлашганларни унга яқинлаштирди. Унинг маҳобатидан осийларқул бўлдилар ва жазоси оғирлигидан бош кўтарганлар бошларини эгдилар. Қилич ўз ишини қилди. Китобларнинг саҳифалари ҳатто энг нафис ва қиска, аниқ сўзларни ҳам унуттирди. *Шеър:*

[У душманни жангда кўрқувдан титратди. Уларни аскарларга ҳеч қандай эҳтиёж сезмасдан ўзининг фармони билан қочирди]

Қўмондон ва аскарлари шарқда ва ғарбда жанг қиладиганида у ҳузур-ҳаловатда вақтини ўтказарди. *Шеър:*

<sup>501</sup> Абу Фирас ал-Ҳамдонийнинг шеъри.

<sup>502</sup> Ахнаф Қайснинг ўғли. Яхши хулқлилиги билан танилган жоҳилия даври араб шоири.

[Дунё ҳаётининг ярми яхши ном қолдириш учундир. Агар сен бирининг боғламини ечсанг, бошқа бири сенинг туғунингни ечар. Агар сен бировни боғласанг, бошқа бири эса сени боғлайди]

Бунинг ёнида насиҳат қилганларнинг гаплари тингланмайди, танқид ва муҳокама қилганларга эътибор қилинмасди. *Шеър:*

[Агар бир подшоҳ кунларини вақтичоғлик билан ўтказса, энди сен унинг салтанатини йўқ бўлган деб ҳисобла]

Доимо кайф-сафо, вақтичоғлик дастурхони очик турарди, ой юзли сарвқоматлар билан бирга бўлиш ортик даражада эди, ҳадя ва эҳсон қилишда аввал ўтган подшоҳларни орқада қолдирарди. Яратилишдан у исроф қилувчи ва қўли очик бўлганлиги учун турли ўлкалардан келган солиқ тўловлари ва ҳадяларни тўғри келган бой ва фақирларга тарқатиб юборди. Жўмардлиги, очик қўллиги аввалги подшоҳлар сахийлигининг ҳикоялари устига чизик тортиди, энг сахий подшоҳ ҳам унинг сахийлиги олдида хира тортиб қоларди. Ҳеч бир одам унинг ҳузуридан қўли бўш чиқмасди, унга ўз истагини билдирган бирон кимса йўқ деган жавобни олмасди. *Шеър:*

[Йўқ деган сўз умиднинг қанотларини кесади. Шу туфайли бу сўз қайчига ўхшар]<sup>503</sup>

Бошқа ўлкалардан келган эҳтиёжманд одамлар ҳеч ҳам кутиб турмасдан ўзи хоҳлаган нарсаларини қўлга киритиб, орқага қайтиб кетишардилар, камбағаллар умид қилганларидан ортигига эришиб унинг ёнидан қайтардилар. *Шеър:*

[Эҳтиёжмандлар овози унинг қулоғига ашулава чолғу товушларидан ҳам янада ёқимлироқ бўлиб эшитиларди]<sup>504</sup>

У узоқ ва бегона мамлакатлардан келганлар билан якин ва ўзининг мамлакатидан келганларга ҳадя қилишда бир хил муомалалада бўлар ва ҳеч кимни истаган нарсасини бермасдан ҳузуридан чиқармасди. Давлат катталари подшоҳнинг бундай исрофгарчилигидан шикоят қилиб: “Ҳадя қилажак бўлса, у ҳолда ўзининг барча тобеъларига қилсин” деяётган эдилар. Хоқон ҳам буларга “Ақл ва фикрдан маҳрум кишилар” деб уларнинг қарашларини икки жиҳатдан нотўғри деб ҳисоблаётганди: “Биринчиси, – деди у, – Агар қилганимиз бу ёрдамлар исёнчилар қулоғига етиб борса, уларнинг бизга қарши бўлган ҳис-туйғулари ўзгаради. Чунки “Инсон эҳсон қулдир” деганлар. Бу тарзда қўшин ва халқ урушга кирмайди, уруш-

<sup>503</sup> Абу Таммомнинг бир қасидасидан.

<sup>504</sup> Мутанаббийнинг шеъри.

нинг зарарлари ва қийинчиликлари ўртадан йўқ бўлади. Иккинчи нукта биринчисидан кўра муҳимроқдир. Чунки дунёнинг ҳеч кимга вафо қилмаслиги, унинг охир-оқибат инсондан юз ўгириб муқаррар тарзда унга жафо қилиши ҳаммага маълум. Ақл нури билан безанган одамлар ўзидан кейин хайрли ном қолдирадиган тарзда яшаши керак”. *Шеър:*

[Келгин, биз бу дунёни ёмон ҳолда тарк этмайлик. Ҳаммамиз биргаликда яхшилик қилайлик. Яхши ном қолдириб ўлсам, қанчалар бахтдир, менга (яхши) ном керак. Чунки вужуд ўлимлидир]

Ўтган подшоҳлар, уларнинг урф-одатлари, хазиналарини олтин ва кумушлар билан тўлдиришгани ҳақида гап очилгач, тупроқнинг остига қийматли хазиналар қўйганлар ақлдан насибалари йўқ эканлиги, ўша хазиналар билан тупроқ орасида ҳеч қандай фарк йўқлиги, бирор эҳтиёжни қондирмаган ва ҳеч бир ишга ярамаган хазинаборлиги билан йўқлигининг бир хил эканлиги, тўпланган хазинанинг ўлим келган пайтда тўпланганларқўлидан тутмаганлиги, уларнинг ҳеч бир кунига ярамаганлигини айтарди. *Шеър:*

[Қаерда ўша хазинани тўплаган золим подшоҳлар? Ҳозир уларнинг на ўзлари ва на хазиналари қолди?]

Ва “Биз яхши номдан пайдо бўладиган хазинамизни инсонлар қалблари тубига жойлаймиз, эртани ўйлаб ҳеч нарсани қолдирмоқчи эмасмиз” деб гапларини давом қилдирарди. *Шеър:*

[Бизнинг тўпланган солиқларимизнинг хатто ўндан бирини ҳам подшоҳлар тушларида кўра олмайдилар. Қўлларимиз очиклиги туфайли тўпланган олтин ва кумушларимизнинг барчасини халққа тарқатдик]

Мана шу юқорида ёзганларимиз унинг қилган ишларининг қисқача мазмунидир. Балки бу китобни ўқиганлар “Шеърнинг энг яхшиси ёлгон бўлганидир” деб гапларимизга ишонмаслар. Юқорида айтганимизнинг тўғри эканлигини исботлаш учун у ҳақдаги қисқа ҳикояларни келтирамиз. Бу аниқламоқчи бўлганимизнинг атиги мингдан бири ҳолос.

*Ҳикоя:* Мўғул қонунларига кўра баҳор ва ёз мавсумларида кундуз кун сувагу тушиш, қўлни дарёда ювиш, мис ва кумуш идишлар билан сув олиш ва ювилган ички кийимлар, чойшаб, ёстик жилди кабиларни очик жойда ёйиб қўйиш тақиқланган ва бу бахтсизлик келтиради, деб ҳисобланган. Чунки инончларига кўра, буларни қилган тақдирда осмоннинг гумбирлаши ва яшин чақиши кучаяди.

Яшаётган жойларида баҳорнинг илк кунлариданок то ёзнинг сўнгигига қадар кўп вақт ёмғир ёғади, яшин чақиб осмон гумбурлар эдики, осмон ҳар гумбурлаганида “Ёки (яна бир ўхшатиш: осмондан булут каби қуюқ зулмат момақалдиروق ва чакмоқ ёғилади) улар яшин уриб ўлишдан қўрқиб, бармоқларини кулоқларига тикиб олулар”<sup>505</sup> оятида айтилганлар содир бўлади. Шу даражада кўп яшин чақадикки, “Агар Аллоҳ хоҳламасди, (момақалдиروق овози, чакмоқ ва яшин билан) уларни кулоқ ва кўзларидан маҳрум қилган бўлар эди”<sup>506</sup> ҳукми воқеъ бўлади. Осмон гумбурлаб, яшин чакнаган пайтда худди балиқлардек овозсиз бўлади. Агар бир киши устига яшин тушса, унинг оиласини қабиладан ажратгади, ўша оилага мансуб бўлганлардан биронтаси ҳам уч йил муддатгача подшоҳ оиласи истиқомат қилаётган жойга яқинлаша олмасди. Яна худди шундай шаклда бировнинг сурувига яшин тушса ҳам ўша қоида қўлланиларди, лекин ўша оиланинг ажратиб, яккалантириб қўйиш муддати бир неча ойга чўзиларди. Одамлар оила аъзоларидан ёки ҳайвонларидан бирортасининг устига яшин тушса, бир ой муддат ичида улар пиширган овқатларни емасдилар, гўё мотамларда қилинганидек, ўша ойнинг охирларида зиёфатлар ва вақтичоғликлар ташкил қилардилар.

Бир куни Хоқон Чигатой билан овдан қайтиб келаётганида туш пайтида бир Мусулмоннинг сувга тушибювинаётганини кўриб қолди. Қонунларга итоат қилиш борасида жуда ҳиссиётли бўлган ва қонундан салгина четга чиққан кишини ўлим билан жазолайдиган Чигатойнинг бундай вазият олдида ғазаб оташи алангаланди. Уни дарҳол ўлдирмоқчи бўлганида, Хоқон “Буқун вақтимиз йўқ ҳамда чарчаганмиз. Бу одамни ушлаб олиб, эртага қонунни қўпол тарзда бузганлигини етарлича ўрганамиз” деганидан кейин кўриқчилар қўмондонига юзланиб, “Уни ушла, эртага айбдор бўлган ёки бўлмаганлиги маълум бўлади”, деб буйруқ берди. Кейин яна қўмондонга Чигатойга билдирмасдан ўша одамнинг сувга тушган жойига бир ҳамён кумуш ташлашини ва унинг тергов пайтида “Мен даромадим оз, оилам эса кўпчиликни ташкил қиладиган бир одамман. Барча сармоям ўша ҳамёндан иборат холос. Шу сабабли уни чиқариб олиш учун журъат қилиб сувга тушдим”, шаклида жавоб беришни хоҳлади.

<sup>505</sup> Қуръони карим, 2:18.

<sup>506</sup> Қуръони карим, 2:19.

Эртаси куни айбдорниўз ҳузурига олиб келтирилиб, сўрок қилишни буюрди. Айбдор унинг огоҳлантирганидек тушунтириб бергач, унинг келтирган сабабларини асосли деб топди. Бир кишини юбориб, сувдан ҳамённи олдиртирди. Кейин эса “Қайси одам бизнинг қонунларимизга қарши чиқишга журъат қилаоларди ва улардан битта соч толасидек четга чиқа оларди? Бу заиф одам чорасиз қолиб, ўзини бир ҳамён кумушга жон фидо қилишга интиланган эди”, деганидан кейин унга ўн ҳамён беришиб, бундан кейин бунака иш қилмаслиги ҳақида огоҳлантирилди. Мана шу тарзда у одам ҳам жонини қутқариб қолди ҳамда пулга эришди. Адолат ва сахийлиги туфайли кўп сонли ҳур кишилар унга қул бўлдилар. Бу эса хазинадан қийматлироқдир. *Шеър:*

[Шундай гўзал, ажойиб ишлар борки, бу ишлар ҳур кишиларни ўзларига асир, қийинчилик ва зарурат ичида яшаганларни бой қилди]<sup>507</sup>

*Ҳикоя:* Хоқон тахтга ўтирганилк кунлардаёқ дастлабки кунларда мўғул аъналарига мос тарзда гўшт учун ҳайвонлар боши кесилмаслиги ва коринлари ёрилмаслиги ҳақида қонун чиқарган эди. Бир куни Мусулмон киши бозордан битта қўйни сотиб олиб, ўз уйига олиб келди. Эшикларни маҳкам бекитиб, уни сўйиб икки-уч хонадонга тарқатишга қарор қилди. Бозорда унинг кетигатушиб келаётган бир қипчоқдан беҳабар ҳолда қўйнинг бўғзига пичоқ тортиди. Уни уйнинг томида яширинча кузатиб турган қипчоқ Мусулмон устига ўзини отди, маҳкам сиқиб боғлаганидан кейин уни уриб-уриб, Хоқон ҳузурига олиб борди. Сўнг вазиятни ўрганиш учун одамларини юборди. Ниҳоят, ишнинг асли аён бўлгач, “Бизнинг қонунларимизга бир дарвиш итоат қилибди, лекин бир турк бўйсунмабди” деб Мусулмоннинг ҳаётини сақлаб қолди, уни авф этди. Ёмон хулқли қипчоқни ажал жаллодига топширди. *Шеър:*

[Агар лутфингнинг илик шабадаси бирор ўрмон томон эсса, тотор жайрони севинганидан шеърнинг оғзидан мушк чиқаришга интилади]

*Ҳикоя:* Хитойдан ўйинчилар келгандилар. Улар ўша пайтгача ҳеч ким кўрмаган ўйинларини намойиш қилдилар. Бу ўйинлардан бирининг мавзуси ҳар бир миллат ташки қиёфасига кириб, уларга тақлид қилиш эди. Бу ўйинни ўйнарган, соқоли оққа бўялган,

<sup>507</sup> Иброҳим б. Усмон ал-Ғаззийнинг Қирмон ҳукмдори Абу Абдуллоҳнинг мадҳи ҳақидаги қасидасидан.

бошига сариқ салла ўраган бир одамни отнинг куйруғига боғлаб ташлаган ҳолда тортиб ташқарига чиқардилар. Подшоҳ “Бу одам кимни тимсолини акс эттиради?” деб сўраганида “Мусулмонни акс эттиради, мусулмоннинг тимсоли” деган жавобни олгач, дарҳол ўйинни тўхтатишларини буюрди. Сўнгра Хуросон ва Ироқдан келтирилган ақиқ тошлар, олтин қўшиб тикилган ипак газламалар, Бухоро ва Табриздан келтирилган араб отлари ва қуролларни, Хитойдан келган кийматсиз газламаларни ва шакли-шамойили хунук отларни хазинадан келтириб ҳаммасини бир жойга қўйишларини айтди.

Булар орасида киймат жиҳатидан катта фарқлар аён бўлгач, Хоқон “Мусулмонлардан ҳатто энг фақирининг бир нечта хитойлик қуллари бор. Ҳолбуки, хитойлик катта бир амирнинг битгаям Мусулмон кули йўқ. Қавмлар орасидаги фарқлилик Тангрининг ҳар бир қавми учун ўзи маъқул кўрган мартабаси туфайли содир бўлади. Чингизхоннинг эски бир қонуни ҳам бунга мос келади. Бу қонунга кўра бир Мусулмон киссаси қирқ ҳамён, бир хитойликники эса бир эшакдир, уларнинг ўртасида бунчалик фарқ бор экан, нима учун бир Мусулмонни бунчалик пастга урасизлар? Сизлар қилган бу иш жиноятдир. Қилган жиноятингизнинг жазосини тортишингиз лозим. Лекин мен сизларнинг ҳаётингизни сақлаб қоламан. Буни ғанимат билиб, бу ердан узоклашинг ва яна қайтиб бу ерга келманг”, деди.

*Ҳикоя:* Биттаси унга тобеълигини билдириш учун жуда кўп микдорда ҳадялар билан биргабир элчи юборди. Юборган ҳадяларининг орасида ота-боболарининг бир жангда ўлжа сифатида қўлга киритган усти силлиқланган бир ёқут бор эди. Ёқутнинг устида “Муҳаммад Расулудлох”, орқа томонида юборган одам отасининг исми ёзилган эди. Ўймакор, наққошларни чақиртириб, Муҳаммад (с.а.в.) номини қолдиришлари, подшоҳнинг исмини ўчириб ташлаб, унинг ўрнига ўзининг исмини ва унинг остига эса ҳадяни юборганнинг номини ёзишларини буюрди.

*Ҳикоя:* Ишлаб пул топишдан ожиз бўлган ва қўлидан ҳеч бир иш келмаган одам бир нечта темир парчасини йилтиратиб, ҳар бирини бир таёқнинг учига тақиб, подшоҳ ўтадиган йўли устида кута бошлади. Хоқон у ердан ўтиб кетаётганида унинг муборак кўзлари ўша одамга тушгач, шу одамнинг дардини билиш учун ёрдамчилардан бирини юборди. Бу одам ҳеч қанақа даромади йўқ экани,

ҳолбуки боқишга мажбур бўлган оила аъзолари қул эканлигини айтиб, таёқларни ёрдамчига берди. Ёрдамчи юз донаси бир пул кийматида бўлмаган бу таёқларни бир чеккага ташлаб юбориб, ўша одамнинг айтган гапларини Хоқонга етказгач, Хоқон ўша таёқчаларни олиб келишни буюрди. Кейин ўша таёқларни қўлига олиб “Булар ишга ярайди. Сурув эгалари кимиз мешларини булар билан тўғрилай оладилар” деб ҳар таёққа биттадан ҳамён беришларини буюрди.

*Ҳикоя:* Ўтказган кун ва тунларининг кўплигидан чарчаган бир кекса одам Хоқон ҳузурига келиб, ундан икки юз ҳамён пул истади. Ўша пайтда Хоқон ёнида бўлган катталардан бири “Бу одамнинг умр куёши ботиш арафасида турибди. Бола-чақаси ва яшайдиган аниқ бир уйи йўқ. Бунчалик ақчанинима қилмоқчи?” – деб сўрагач, Хоқон “Балки мен билан учрашишни узоқ вақтдан бери истаб юргандир ва ўша фурсатни ҳозир топгандир. Уни ҳузуримиздан қўлини бўш ҳолда чиқариб юбориш Улуғ Тангрининг бизга берган подшоҳлик шаънига ярашмайди ва ҳуш бир нарса бўлмайди”, – деганидан сўнгра хоҳлаган пулни унга беришларини буюрди. *Шеър:*

[Мени беришдан чскинтирмас. Мана бундай тарзда муомала қилганим боис хасиснинг мени танкид қилиши узоқ давом этмас. Тупроқ остида суякларим чириса ҳам бир йигитнинг сахийлиги ва яхши хулқ-атвори ҳамма вақт тилларда дoston бўлар]<sup>508</sup>

“Унинг орзусига эришмасидан аввалўлиши тўғри бўлмайди”, – деб сўзларини давом қилдирди. Қари одам пулнинг ярмини олганидан кейин ҳаёт билан видолашди. Бу хабарни эшитгач, одамларнинг Хоқонга бўлган ҳурматива севгиси янада ортди. *Шеър:*

[Шухрати унинг сахий эканлигини кўрсатар. Унинг денгиз каби жўшқинланиши сени ўзига чорлар]<sup>509</sup>

*Ҳикоя:* Бир киши Хоқон ҳузурига келиб, сармоя сифатида ишлатмоқ учун беш юз ҳамёнпул истади. Хоқон ўша одамнинг истагини бажаришларига амр қилгач, ўша ердагилардан бири бу одамнинг беш юз ақча қарзи бор эканлигини ва унга ишониб бўлмаслигини айтганидан кейин Хоқон “Ярмини сармоя қилсин ва қолган ярмини эса қарзи учун берсин”, деб ўша одамга истаганидан икки

<sup>508</sup> Хотам Тойга қаратилган шеър.

<sup>509</sup> Умай б. Абу-с-Саид ас-Сакофийнинг Сайф б. Язон мадҳи ҳақида айтган қасидасидан. Бу қасиданинг ҳаммаси “Китобу-л-Оғоний”да зикр қилинган.



баробар кўп пул беришни буюрди. Унинг юксак даражадаги саховатининг чеки-чегараси йўқ.

*Ҳикоя:* Бир кўмиб ташланган китобни топдилар. Бу китобда Хоқон иродаси остида бўлган ва тўрт оёқли ҳайвон билан бориб бўлмайдиган бир жойда Афросиёб хазинаси бор деб ёзилган эди. Хоқон бундан хабар топгач, “Бизнинг бошқа бировнинг қолдириб кетган хазинасига эҳтиёжimiz йўқ. Зотан, кўлимдаги хазиналарни Улуғ Тангрининг қулларига таркатяпмиз”, – деди. *Шеър:*

[Унинг химмати боши ва охири йўқдир. Ҳатто энг кичик химати ҳам дунёдан кўра янада қимматлидир]

*Ҳикоя:* Бир куни бир савдогар Хоқон ҳузурига келиб, ундан беш юз ҳамён сармоя олди. Бироз муддат ўтгандан кейин яна келиб маъқул бўлмаган узрлар сўраб, пулсиз қолганини айтганидан кейин Хоқон унга аввалги сафар берганчалик маблағни беришни буюрди. Бир йилдан кейин аввалги ҳолатидан янада ёмонроқ бўлгач, яна пул бердилар. Тўртинчи маротаба келганида Хоқоннинг маъмурлари мажбур бўлганидан ўша одамнинг исрофчи эканлигини ва фалон жойда молларни еб тугатганлигини айтгач, Хоқон ёнидагиларига “Бу одам қай тарзда пулни сарфлайди?” – деб сўради. “Дайдилар билан бирга еб-ичади”, – деб жавоб олганидан кейин “Улар ҳам бизнинг одамларимиз. Молларимиз бегоналарнинг эмас, ўзимизнинг қўлларимизда”, – деб ўша одамга аввал берилгани миқдорича пул беришларини ва бундан кейин исроф қилишдан сақланиши ҳақида унга панд-насиҳат қилишларини буюрди. *Шеър:*

[Кўли очиклик борасидаги ҳаракатларни бир-бири билан қиёсладим. Унинг охирида аввалгидан кўра янада сахийроқ бўлганлигини кўрдим]<sup>510</sup>

*Ҳикоя:* Хитой мамлакатидagi Тайанфу<sup>511</sup> номли бир шаҳарнинг халқи Хоқонга келиб, „Баъзи одамларга саккиз минг акча қарздор бўлдик. Бу биз шаҳарни тарк этиб, тарқалиб кетишимизга сабабчи бўлажак. Амир, буйрук берсангиз, қарз олгувчилар бизга вақт берсалар, ўша муддат ичида аста-секинлик билан қарзларимизни тўласак. Шу тарзда шаҳар халқи тарқалиб бир-биридан айрилмасди, – дедилар. Шундан кейин Хоқон “Агар қарзни қайтиб олувчиларга ваъдага ишонишларини буюрсам, бу уларнинг зарарига бўлади.

<sup>510</sup> Бувайх ўғилларининг машҳур вазири Ибну-л-Амиддин бир қасидасидан.

<sup>511</sup> Тайанфу – Хитойнинг Шонси ўлкаси маркази (қаранг: Yule, Theboorox Ser Marco Polo II, 15, n.2)

Агар қарздорларга ёрдам бермасам, улар паришон ҳолда қоладилар”, – деб ҳамма ёқда жарчилар орқали айттириб узоқ-яқиндагилар қарздорлардан оладиганлари бор бўлганлар ҳаммасига қўлларидagi қарз берганлик ҳақидаги ҳужжатлари билан ёки бошқа далиллари билан келиб, хазинадан пулларини олишларини буюрди. Шунга кўра ҳар доим очик турадиган хазина яна эшигини очдилар. Оладиганлар ва ҳатто оладиганлари бўлмаганлар ҳам келиб пулларини олдилар. *Шеър:*

[Сахийлиги жўш уриб тошгач, булутлар ва Фрот дарёси уялганидан ер тубига кирар]

*Ҳикоя:* Хоқон овда юрган пайтида бир одам унга ҳадя сифатида икки-уч дона тарвуз олиб келди. Ўша одамни дарҳол Хоқон ёнига олиб бордилар. На Хоқонда ва на ёнидагиларда у кишига берадиган пул ёки газлама бор эди. Фақат ўша пайтда ўша жойда бўлган Мўга хотуннинг<sup>512</sup> кулоқларида тўлин ой атрофида порлаб турган иккита юлдуздек икки дона қийматли дур бор эди. Хоқон бу дуружавоҳирларни ўша одамга беришни таклиф қилганида Мўга хотун бу бебаҳо, қийматли дуружавоҳирларни унга беришни хоҳламайгина “Эшакнинг заъфарон тошидан қийматини билмаяжги каби буодам ҳам дуружавоҳирлар қийматини билмайди. Буйрук берингки, эртага саройга келиб пул ёки газлама олсин”, – деганидан кейин Хоқон “Бу фақир бир одам. Эртагача кутишга тоқати йўқ, чидаёлмайди. Бу дурлар касрга ҳам борарди? Охири айланиб-айланиб яна ўзимизга қайтиб келади”, деб жавоб берди. *Шеър:*

[Агар бирор эҳтиёжманд киши келса, хоҳлаган нарсасини унга бер, зикналик қилма. Чунки молнинг манбаи мендадир]<sup>513</sup>

Шундан сўнг Мўга хотун дурларни унга берди. У одам севинчли ва бахтиёр ҳолда уердан кетди. Кутмасдан дурларни икки минг динар қийматидан ошиқ тилла пулга сотди. Сотиб олган одам “Жуда нафис иккитадурни қўлга киритдим. Бундай камдан-кам учрайдиган ноёб нарсалар подшоҳга муносибдир”, – деб уларни олиб Хоқонга етказиб берди. Дурларни қўлига олган Хоқон ўша пайтда ёнида бўлган Мўга хотунга юзланиб: “Мен буларнинг қай-

<sup>512</sup> Мўга – Рашидиддинга кўра (Хетагуров нашри, Б.149-150) Бақрин подшоҳнинг кизи бўлиб, аввал Чингизхонга турмушга чиққан, унинг ўлиmidан кейин мўғул одатларига кўра Чингизхоннинг ўғли Ўқтойга хотин бўлган эди. Ўқтой уни бошқа хотинларидан кўра кўп севганлиги учун Мўга уларнинг ҳасадларини келтирар эди. Ўқтойнинг ундan фарзанди бўлмаганлиги учун Мўгани Ўқтойнинг хотинлари орасида ҳисобга олмасдилар.

<sup>513</sup> Қаранг: Шарҳу-л-Ҳамоса. Булоқ нашри, IV жилд.Б.67.

тадан яна ўзимизга келишини айтмаганмидим? Қара, ҳам одамни хурсанд қилдик, ҳам дурларга яна эга бўлдик”, деб дурларни олиб келган кишига турли ҳадялар берди. *Шеър:*

[Денгиз ва булут сенингдек сахийдир деганлар денгиз ва булутни мадҳ этган бўлади]<sup>514</sup>

*Ҳикоя:* Бегона бир одам подшоҳга ҳадя қилиш учун иккита ўк келтириб, узокда подшоҳ кўра оладиган бир жойда хурмат белгиси сифатида тиз чўқди. Подшоҳ унинг нимани хоҳлаётганлигини билишни буюрди. Ўша одам “Мени касбим ўк ясашдир. Бу ишда мен ҳозир етмиш ҳамён қарзга кирдим ва паришон бўлдим. Агар қарзларимни тўлайдиганчалик пулни менга берсангиз, сизга ҳар йили ўн мингта ўк ясаб бераман”, – деди. Бу ҳолатдан воқиф бўлган сахий подшоҳ бечора ишининг янада ёмонлашиб жони халқумига келмаслиги учун ҳатто биронта ҳам ўк олмасдан унинг эҳтиёжини қондириш ва аҳволини яхшилаб олиши учун юз ҳамён пул беришни буюрди. Ҳамёнларни ўша жойга келтириб, кексага берган пайтда ўша одам ҳаммасини бирданига таший олмади. Бунга кулган Хокон унга икки ғилдиракли арава беришларини амр қилди. Қари ўкчи пулларни араванинг устига юклаб, уердан узоклашди. *Шеър:*

[Унга таший олмайдиган даражада пул бердинг. Ҳолбуки, пулнинг кўплиги тужжорнинг юкини енгиллатади]<sup>515</sup>

*Ҳикоя:* Қоракурум шаҳри қурилаётганида Хокон уернинг бир оз аввал тугалланиши учун ғайрат қилди. Ўша пайтда йўли хазинага тушди. Уерда икки минг ақча борлигини кўргач: “Буларнинг бу ерда турганидан нима фойда бор. Уларни ҳимоя қилиш учун бир қанча меҳнат сарфланмоқда”, – деб кимнинг пулга эҳтиёжи бор бўлса, келиб олсин, деб жарчига айттиришни буюрди. Буни эшитган халқ шаҳардан чиқиши биланок хазина жойлашган жойга келдилар. Хожадан қулгача, бойдан тортиб камбағалгача, каттадан кичиккача, қаридан ёшгача ҳамма олганича олди ва подшоҳни дуо қилдилар. *Шеър:*

[Агар бир куни пулларимиз тўпланса, эртаси куни сахийлик учун тарқатилар]

*Ҳикоя:* Қоракурум ўлкасида қаттик совуқ туфайли деҳқончилик қилинмасди. Лекин халқ унинг ташвиқи билан экин эка бошла-

дилар. Ўша пайтда бир киши турп етиштириб, ундан бир нечтасини ҳадя қилиш учун Хоқонга олиб борди. Хоқон турпни япроқлари билан бирга санаб чиқишларини буюрди. Юз дона эканлигини билгач, турпни олиб келган деҳқонга юз ҳамёнпул беришларини буюрди. *Шеър:*

[Кўнгил денгиз ва маъдан каби бўлса, улар фақат жанобларининг кўнгли ва қўли бўлади]<sup>516</sup>

*Ҳикоя:* Хокон Қоракурум шарқидан шаҳарга икки фарсах нарида бир тепалик устига тўхтаб ўтадиган жой сифатида кўшк қурдирди ва уерга Тузгу номини берди. Шу сабабли бу кун уерни Тузгубалиқ<sup>517</sup> деб айтадилар.

Бир киши келиб ўша тепалик атрофига бир неча бодом ва тол дарахтларини эқди. Ўшандан аввал ҳеч ким у ерда яшил дарахт кўрмаган эди. Кўчатлар яшнаб улғайганини кўрган Хокон кўчатларни эккан одамга ҳар бир дарахт учун бир ҳамён ақча беришларини буюрди. *Шеър:*

[Булутлар олтин ёғдиражаги шак-шубҳасиздир]

*Ҳикоя:* Подшоҳлик тахтига ўтирар-ўтирмас, Хокон эзгуликни севадиган ва сахий эканлиги ҳақидаги хабар дунёнинг ҳамма томонига ёйилгач, ёппасига ёпирилиб ҳузурига келган тужжорларнинг молларини танламасдан сотиб олар, уларга бадалини ортиғи билан тўларди. Баъзан қарамасдан ва нархини сўрамасдан газлама ва нарса олар, кейин эса тўлайдиган пайтда тужжор молининг баҳосини баланд нархда айтарлар, бирни ўрнига ўнни истадилар, оддий газламани эса қийматли газлама дедилар. Буни эшитиб келадиган тужжорлар кун ўтган сари тобора кўпаярди, улар уммончалик кўп моллари бўлса ҳам икки кун ичида сотиб олган моллари “Табийки, баланд кўрсатилган нархидан ўн қадар янада кўпроқ пул беришни амр қилганида ўша ердаги маъмурлар аслида сиз уларга товарлар қийматидан ортиқча тўлаяпсиз, яна юз ўн ортиқча бериш керакмас, дегач Хоқон: “Бизнинг истагимиз биз билан савдо қилганлар доимо фойда кўриши ва ҳимоямиз остида давлатга эришсинлар. Ҳузуримизга келганларни зарар кўрган ҳолда орқасига қайтариб юбориш эмас”, деди. *Шеър:*

<sup>516</sup> Султон Санжарнинг мадҳи ҳақидаги Анварий машҳур қасидасининг матлаби.

<sup>517</sup> *Тузгубалиқ* – Ўктой салтанати учинчи йилида (1232) қурилган ҳозирги Юанших шаҳри (қаранг: Cleaves? The Mongolian Documents in the Musee de Teheran, 90).

<sup>514</sup> Иброҳим б. Усмон ал-Ғаззий шеърдан.

<sup>515</sup> Хамосдан.

[Инсонлар сени ҳадя қилишдан тўхтата олмадилар. Қадаҳдан тўкилаётгандек ёкқан селларни ҳосил қилган ёмғир ёғишига ким ҳам тўскинлик қила оларди?]<sup>518</sup>

*Ҳикоя:* Ҳиндистондан бир гуруҳ иккита фил суягини олиб келиб, уларни Ҳоконга сотишни хоҳладилар. Шундан сўнг ҳеч қандай иккиланмасдан ўша пулларни уларга тўлашни буюрди. Ўша ердагилар “Қандай бўларкин, бундай қийматсиз бир нарсага бунчалик пул бериладими? Бунинг устига улар душман ўлканинг халқидир”, дегач Ҳокон: “Ҳеч ким мен билан душман эмас”, – деб жавоб берди. *Шеър:*

[Сахийликда шу даражада илгарилаб кетдики, ҳатто душманлари ҳам унинг сахийлигидан фойдаландилар]

*Ҳикоя:* Бир куни Ҳокон сархуш бўлиб кайфи жойига келган пайтда бир киши унга хуросонликлар киядиган бош кийимига ўхшаган бир қалпокни олиб келдилар. Ҳокон унга икки юз ҳамён ақча беришни буюрди. Ҳокон қийматсиз бир қалпокқа икки юз ҳамён ақча беришини унинг мастлигидан деб ўйлаган давлат қатталари уч юз ақчалик бир тўлов амрини ёзиб, эртаси куни уни ўша одамга бердилар ва бориб подшоҳга уни муҳрлатишни айтдилар. Эртаси куни ўша одам саройга келиб, тўлов ҳақидаги амрни кўрсатганида подшоҳ унга уч юз ҳамён ақча пул тўлашларига буйруқ берди. Ўша одамга яна чек ҳам бердилар. Шу тахлитда ҳар сафар келганида подшоҳ пулни юз ҳамён оширди. Микдори олти юз ҳамёнга етгач, Ҳокон амир ва қотибларни тўплаб, уларга: “Бу фоний дунёда абадий яшайдиган бирор нарса борми?”, – деб сўрагач, улар ҳаммаси бир овоздан “йўқ” деб жавоб бердилар. Шундан сўнг подшоҳ Соҳиб Ялавочга ўгирилиб: „Берган жавобингиз тўғри эмас. Бу дунёда яхши ном ва шуҳрат абадий қолади”, деди. Кейин бошқаларига қараб: “Менинг ҳақиқий душманим сизларсиз: Чунки сизлар мендан яхши ишлар ва хайрли хабарлар хотира бўлиб қолишига тўсик бўлишни истайсизлар. Хайр-эҳсон, ҳадя берган пайтда мени сархуш, маст деб ўйлаб беришингизни буюрганим пулларни кечиктирасизлар, ҳақ эгаси ўз ҳаққини олишига тўсқинлик қиласизлар, орангиздан бир ёки иккинги жазоламасам шу тарзда давом қилаверажак”, – деди. *Шеър:*

[Мен бошқаман, танқид қилганларнинг ўйлаганлари бошқа, уларнинг камчиликлари танқид қилувчилар гапларига кулок осганлигидир]

*Ҳикоя:* Шероз ҳали мўғул мамлакатига қўшиб олинмаган пайтда бир одам келди ва подшоҳнинг олдида тиз чўкиб: “Шероздек бир жойдан подшоҳ сахийлигини эшитиб келдим. Бола-чақали одамман. Қарзим кўп, даромадим кам. Қарзларимни тўлашим учун беш юз ҳамён пулга эҳтиёжим бор”, – деди. Шундан сўнг подшоҳ ўз одамига унга хоҳлаган пулини “Ортиқчаси билан беришни буюрди. Ҳузуридагилар ортиқчасини бериш исроф, ҳаттоки пулни кўчага отиб юборишдек бўлади”, – деб бир оз тўхталиб қолдилар. Буни тушунган подшоҳ: “Бу бир муҳтож одам, шон-шуҳратимизни эшитиб, шунча тоғу чўл-биёбонлардан ошиб ўтиб, иссик-совук демасдан бу ерга келган, унинг истаган пули келиб-кетиш харажатлари, ҳатто йўл харажатларини ҳам қоплаши керак. Агар унга бироз кўпроқ бермасак, ўз аҳволини тўғрилай олмайди. Шунчалик узок жойдан келган бир одам бола-чақаси олдида умидсиз ва қўли бўш ҳолда қайтиб бориши тўғри келадими?” – деб айтгандан кейин дарҳол ўша кишига пул бердилар. Шу тарзда подшоҳ яхши номи дунёда қолди. *Шеър:*

[Сахий одам узокдан келган бир кишининг истаганини берди ва уни рад қилишни гуноҳ деб билади]<sup>519</sup>

*Ҳикоя:* Бир куни подшоҳнинг муборак кўзлари йирик таёк устига ўнта тери тақиб олган, тиз чўкиб дуо қилаётган бир дарвишни кўриб қолди. Подшоҳ дарҳол унинг нима истаги борлигини билишлари ҳақидаги буйруғига жавобан ўша одам: “Бир бузоғим бор эди, уни сўйиб оиламга едирдим. Терисини парчалаб, жангчилар фойдалансинлар, деб Сизга олиб келдим”, – деди. Подшоҳ терини қўлига олиб, бу бечора ҳайвоннинг энг қийматли жойини бизга олиб келибди”, – дедива унга юз ҳамён ақча билан минг бош қўйни беришларига амр қилганидан сўнг: “Мана шуларни харжлаб бўлсанг, яна келгин, сенга пул берамиз”, – деди. *Шеър:*

[Унинг хайр-эҳсонлари ёмғир булутларидек ҳамманинг устига ёғилди]<sup>520</sup>

*Ҳикоя:* Бир одам ўқнинг учига тақилган суяклардан юз дона олиб келгач, подшоҳ унга ўша суяклар соничалик ақча беришни буюрди.

<sup>518</sup> Мутанаббийнинг шеъри.

<sup>519</sup> Иброҳим б. Усмон ал-Ғазний шеъри.

<sup>520</sup> Абу Али ал-Ғозил б. Муҳаммад ат-Тарастий қасидасидан.

*Ҳикоя:* Хоконнинг одати уч ой давом этган қишдан сўнг кўнгилни вақтичоғ қиладиган овдан қайтиб келгач, қолган йилнинг тўққиз ойи давомида ҳар куни тушлик овқатидан кейин сарой олдида бир курсида ўтирар, хазинадан келтирган товарларни уларнинг турларига кўра кўзи олдида бир жойга тўплатарди ва уларни мўғуллар, Мусулмонлар ҳамда эҳтиёжманд бўлган ҳаммага тарқатарди. Ўша пайтда тўпланиб турган моллардан кўтараолганича олиб кетишга ҳаммага рухсат берарди. Бир куни бир одам бир неча киши кўтариб ташиши мумкин бўлган кийматли молларни кўтариб уйига кетди. Йўлда газламалардан бирини тушириб қолдирган бўлса ҳам юкиннинг оғирлиги туфайли уни ердан ололмади. Уйига бориб газламаларни бир жойга қўйганидан кейин ерга тушиб қолган газламани олиш учун қайтиб келганида подшоҳ: “Бир одам фақат битта газлама учун нега шунча йўл юриб келди? Яна бир бор кўтараолганича олсинки, келганига арзисин”, – деди. *Шеър:*

[Сахийлиги билан танилган Хотам бу кун тирилик, сенинг очик қўллинг ҳақида гапирган гапларни эшитганида эди, ҳеч шубҳасизки, сенинг ундан устун эканлигини айтди]

*Ҳикоя:* Бир куни бир одам ўтин сифатида ишлатиладиган мажнунтолдан ясалган хипчин, кесилган дарахт поясини подшоҳга ҳадя қилиб олиб келди. Подшоҳ унга ҳар бир хипчин учун бир ҳамён ақча беришларини буюрди. *Шеър:*

[Мамлакатнинг ҳамма томонидан мазлум кишилар унга томон ёппасига ёпирилиб келдилар. Унинг очик қўллиги ва хуш феъли уларнинг яна келишларига журъат беради]

*Ҳикоя:* Яна бир одам толдан ясалган учта хипчин олиб келганлиги учун подшоҳ унга ҳам юз ҳамён ақча берди.

*Ҳикоя:* Қорақурум барпо қилинаётган пайтда Хоконнинг йўли бозор томонга тушди. Бир дўконда четанни кўрдива ундан сотиб олишни истади. Саройга келгач, ёрдамчисига хазинадан бир ҳамён ақча пул олиб, ўша четанлардан бир сават сотиб олишни айтди. Шунга кўра ёрдамчиси дўконга бориб айт, бир четан олди (четан – тол новдаларидан тўқилган сават) ва унинг кийматидаги ҳамённинг тўртдан бирини берди. Кейин саватни олиб подшоҳ олдида келгач, подшоҳ: “Бу қадар четан бир ҳамёнга етмайди-ку”, дегач ёрдамчиси: “У қадар ҳам пулни ташкил қилмайди, пул ҳам унча даражада бўлмайди”, – деб жавоб бергач, ортиб қолган пулни подшоҳга қайтиб берди. Подшоҳ хафа бўлди ва “Ўша бечора умр бўйи биздек

харидорга яна қачон дуч келади?” – деди ва олиб келган пулни қайтадан сотувчига олиб боришни буюрди. *Шеър:*

[Унинг сахийлигини ўйлаб кўрчи: У сахийлик эмас, балки қулоқлар учун исирғадир]<sup>521</sup>

*Ҳикоя:* Бир куни овга кетаётганида Хоконнинг йўли Сохиб Ялавочнинг уйига тушди. Унга ҳадялар беришиб, зиёфат ташкил қилдилар. Хокон ўша ерда ҳозир бўлганларга “Сулаймон, чумоли ва чигиртканинг оёғи” ҳикоясини айтиб берди. Шароб ичганлиги ва ёнида севиклиларидан Муға хотун борлигидан нашъаланган Хокон ёқиб қолгани учун бир муддат ўша жойда қолишни истади. Уй эгаси уй ичи ва ташқи томонини қимматбаҳо гиламлар ва газламалар билан безатиб, подшоҳ ва Муға хотун учун тайёрланган бир тахтга уларни ўтиргизди ва уларнинг устига дурлар сочди. *Шеър:*

[Агар мен сенинг устинга сен лойик бўлган нарсаларни сочадиган бўлсам, осмоннинг порлоқ ва муборак юлдузларини сочаман]<sup>522</sup>

Хокон ўша кунни жуда вақтичоғлик билан ўтказди. Ҳузурида ва хизматида бўлган ҳаммага газламалар, товарлар ва отлар ҳадя қилди. Эртаси куни Ялавочни қимматбаҳо совға-саломлар билан кўмиб ташлади ҳамда маошини ҳам тўрт минг ҳамён ақча ошириб, у ердан кетди: “Унинг яхшилиги бошқарганлар ҳам, бошқарилганларга ҳам ёқиб тушди”.

*Ҳикоя:* Хокон бир куни фақирга юз ҳамён ақча беришларини буюрди. Бунга нисбатан саройда ишловчилар “Вожаб, подшоҳ юз ҳамён ақчанинг қанчалик бўлишини биладами ўзи?” – деб юз ҳамён пулни унинг ўтадиган йўли устига тизиб қўйдилар. Подшоҳ уердан ўтиб кетаётганида “Бу нима?” – деб сўради. “Фақирга беришимизни буюрганнингиз ўша ҳамёнлар”, – деган жавобни эшитгач, “Бу оз”, – деди. Ўша пулнинг устига яна шунча қўшиб фақирга бердилар. *Шеър:*

[Унинг бармоқларини ўпиб, бошинга қўй. Чунки улар бармоқлар эмас, ризқ эшикларининг калитларидир]<sup>523</sup>

*Ҳикоя:* Бир киши подшоҳамирлари ва хазинадорларига юз ҳамён баробарида мол сотди. Подшоҳ ўша сотувчининг пулини тўлашга буйруқ берди, бир неча кундан кейин подшоҳ саройнинг

<sup>521</sup> Ҳазнавийлар даврида яшаган қози Ҳасан Муаммал б. Халил б. Аҳмад ал-Бустий шеъри.

<sup>522</sup> Абул Фатҳ Бустий шеъри.

<sup>523</sup> Ибн Дурайд шеъри.



олдида кутиб турган бир фақирни кўрди. Уни юз ҳамён пул берилиши керак бўлган киши деб ўйлаб, маъмурларни чақириб: “Бир неча кун аввал бу одамнинг пулларини беринг” демабмидим деб айтгач, маъмурлар чопиб бориб, саройдан юз ҳамён пул олиб келдилар ва фақир кишига бердилар. Фақир киши эса “бу қанақа пул?” деб сўрагач, унинг ўша оладиган одам эмаслигини тушуниб, пулларни подшоҳга олиб бориб аҳволни тушунтирдилар. Шундан сўнг подшоҳ: “Бу пуллар унинг насибасидир. Хазинамиздан чикқан пул қандай қилиб уерга қайтиши мумкин?” – дегач, пулларнинг ҳаммасини ўша камбағал одамга олиб бориб бердилар. *Шеър:*

[Молларимизда яхшиларнинг ҳаққи бор эканлигига ҳукм киласан. Сахий одамларнинг фикрича, яхшилик қилиш фарздир]<sup>524</sup>

*Ҳикоя:* Ҳинд аёли сарой олдида ўтиб кетаётганида овдан қайтиб келаётган подшоҳга дуч келиб қолди. Бу аёл аҳволига ачинган Хоқон унга беш ҳамён пул беришларини буюрди. Хазинадор беш ҳамён пуллардан бирини олиб, чўнтагига солди ва тўртгасини ҳинд аёлига берди. Аёл ўзига бир ҳамён пулнинг кам берилганлигини пайкагач, хазинадор билан тортишиб, ундан ўша бир ҳамён пулни ҳам олди. Хоқон узоқдан иккисининг тортишиб турганлигини кўргач, аёлнинг нимани истаётганлигини хазинадорини чақиртириб сўради: “Бола-чақали бир аёл экан, сизни тўхтамасдан дуо қиляпти”, – деган жавобни эшитган подшоҳ қайтадан: “Унинг оиласи бор эканми?” деб сўради. “Иккита етим боласи бор экан” жавобини эшитгач, буйруғига кўра ўша аёлни хазинага олиб бордилар. Аёл уердан шундай қийматли товарлар олдики, у энди бойлар жумласидан саналади. *Шеър:*

[Сен етим-есирларни уларнинг ўз оталаридан ҳам яхши эъзозлайсан. Бундай ҳолда кошқи биз ҳам етим бўлсайдиқ]<sup>525</sup>

*Ҳикоя:* Бир куни бир одам қўлида лочин ушлагани ҳолда подшоҳ хузурига келди. Подшоҳ унга: “Бу лочин нега бундай ҳолда? – деб сўрагач, “Бу лочинкасалдир, унинг шифоси эса товук гўшти, – деган жавобни олди. Шунинг учун подшоҳ лочин эгасига бир ҳамён пул беришни амр қилди. Хазинадор бир ҳамён ичидан бир неча товукқа етадиган пулни чиқариб, лочиннинг эгасига берди ва кейин эса аҳволни подшоҳга ахборот берди. Бундан жуда ғазабланган подшоҳ: “Мен ҳисоб-китобини қилмасдан давлатнинг мол-дунё-

<sup>524</sup> Ибн Дурайд шеъри.

<sup>525</sup> Абу Таммомнинг халифа Маъмун мадҳи ҳақидаги қасидасидан.

сини сенинг қўлларингга топшириб қўйибман. Шу ҳам сенга етмадими? Ўша лочин эгаси товук эмас, биздан бирор нарса олишни истади. Бизнинг ёнимизга келганларбир қисми тижорат қилиб, фойдасидан улуш бериш учун сармоя истадилар, бир қисми эса сотиш учун товар олиб келдилар. Булардан бошқа сабаблар билан ҳам ёнимизга келганлар бор. Уларнинг кўпчилиги хоҳлаган нарсаларига эришиш учун турли баҳоналарни ўйлаб топадилар. Лекин бизнинг мақсадимиз ҳамма биздан мамнун бўлиб кетиши ва давлатимиздан ўз насибаларини олишларидир. Ёнимизга келган ҳар қимқурсурларидан кўзимизни юмагимиз”, – деди ва унинг буйруғига кўра лочин эгасига яна бир неча ҳамён бердилар.

*Ҳикоя:* Ёмон ёй ясайдиган бир ёйчи бор эди. Қорақурум шаҳрида шунчалик танилган эдики, ҳатто уернинг халқитекинга берса ҳам ундан ёй олмасди. Қўлидан бошқа ҳеч иш келмаслиги учун ҳам фақир камбағал бўлиб қолди. Бу қашшоқликдан қутилиш учун бошқа чораси қолмаганлигидан таёқ учига йигирматача ёйни боғлади ва сарой дарвозаси олдида кутиб турди. Подшоҳ саройдан чикқач, уни кўрди ва дарди нима эканлигини билиш учун ёйнига одам юборди. Ўша одам эса “Мен ясаган ёйларни ҳеч ким сотиб олмайдиган бир ёйчиман. Бошқа даромадим ҳам йўқ. Оғир аҳволда қолдим. Шу сабабли Хоқонга йигирма дона ёй олиб келдим” – деди. Шундан сўнг Хоқон ёйларини ўша одамдан олишларини ва йигирма ҳамён пул беришларини буюрди.

*Ҳикоя:* Бир куни Хоқонга нақшинкор камарни ҳадя қилдилар. Хоқон уни белига таққач, камар қалпоқли темир михчаларидан бири ўйнаб турганини кўрди. Шундан сўнг камарни ечиб амирлардан бирига бериб, уни таъмирлашни тайинлади. Камарни олган амир уни Рашид исмли бир заргар устага олиб борди. Заргар уста камарни қарзини тўлаш учун сотиб юборди. Камарни олишга келган пайтда эса ҳали тайёр эмаслигини айтиб, келганларқўлини бўш қайтариб юборди. Бир неча марта шундай қилгандан кейин Хоқоннинг сабри тугади. Бир одамни юбориб, камарни зўрлаб олиб келишни буюрди. У одам эса камар заргар устанинг қўлида эмаслигини билгач, унинг бундай тарбиясизлигидан дарғазаб бўлиб, уни боғлаб Хоқоннинг хузурига олиб келди ва аҳволни билдирди. Шундан сўнгра Хоқон: “Унинг қилган жинояти ҳар қанча оғир бўлса ҳам уни бу ишни қилишга ундаган, мажбур қилган нарса унинг қашшоқлигидир. Агар ишлари бу даражада орқага кетмаганида

эди, бундай ишни қилишга журъат қилмаган бўларди” – деб уни эркин кўйиб юборишни ва бошқа бундай ишга қўл урмаслиги учун унга юз эллик ҳамён пул беришни буюрди. *Шеър:*

[Агар лутфуэзгулигинг жисм шаклига айланса, жисм ҳам рух шаклини олар]

*Шеър:* [У ҳадя қилган нарсаси қанчалик кўп бўлмасин барибир оз деб узр сўрайди. Қанчалик кучли бўлмасин қаршисидаги одамни авф қилади]<sup>526</sup>

*Ҳикоя:* Хоқонга бир ҳабаш қадаҳ келтирди. Кўриқчилар одамни ташқарида ушлаб қолиб, қадаҳни олиб Хоқонга бердилар. Хоқон: „Бу гўзал ҳадяни бизга олиб келган киши узоқ сафарни кўзлаб, кўп заҳмат чекибди, – деб унга икки юз ҳамён пул беришни буюрди. Қадаҳнинг эгаси ўз совғаси подшоҳга етиб борган ёки бормаганлиги ҳақида эшик олдида ўйлаб турганида соқчилар ташқарига чиқиб, хушxabар билан бирга унга икки юз ҳамён пулбердилар. Ўша куни подшоҳ билан ёрдамчилари орасида ҳабаш қуллар ҳақида суҳбат бўлиб ўтди. Шундан сўнг дарров қадаҳни олиб келган одамни эслади ва ундан қул топа олиши ёки топаолмаслиги ҳақида сўраб кўришларини буюрди. Ўша одам “Бу менинг ишимдир”, – дегач, унга йўл ҳаражатларини қоплаши учун яна икки юз ҳамён беришларини айтди. Пулларни олган одам қайтиб келмади ва ҳеч ким унинг қаерда эканлигини билаолмади. *Шеър:*

[Кўлдан чиқариб юборилган неъматни қайтадан қўлга киритишни хошлаш бу сут беришдан тўхтаган бир сигирдан умид қилишга ўхшайди]

*Ҳикоя:* Бохарзнинг Молин<sup>527</sup> шаҳридан келган бир одамдан бошқа ҳеч ким Хоқон ҳузуридан истагига эришмаган ҳолда чиқиб кетгани кўрилмаганди. Тилга олинган одам: “Мен бир хазина топдим. Кўзим подшоҳ жамоли билан равшанлашмасданбурун унинг жойини ҳеч кимга айтмайман”, деб ҳамма ёқда гапира бошлади. Бу гаплар муборак қулоғига эшитилгач, Хоқон уни чақиришни буюрди. Ўша одам саройга кириб, подшоҳ ҳузурига боргач, хазинанинг жойини сўради. Шундан сўнг бу одам: “Подшоҳ муборак юзини кўраолиш учун бир воситачи керак эди. Шунинг учун бу йўлни танладим. Хазинадан хабарим йўқ”, – деб жавоб бергач, подшоҳ:

<sup>526</sup> Абу-л-Ғавс ал-Манжиҳий шеър.

<sup>527</sup> Молин – Жомнинг жанубида бугун Турбати Шайх Жом номи билан хотирланадиган Бохарзнинг бир қасабаси. Бугунги номи эса Шаҳри Навдир.

“Бу бир фирибгарликдир”, – деди ва ўша одам қилган ишининг ҳаммага ёмон ўрناق бўлажagini ўйлаб, дарғазаб бўлди. Лекин қисқа муддат ичида ғазабини енгиб, ўша кишига: “Юзимни кўрдинг. Энди дарров келган жойингга қайтиб кет”, – деди ва соқчилар уни уйига соғ-саломат боришини таъминлади. *Шеър:*

[Ёмғирини ёғмай кетган булутни ёмон булут демаслар]<sup>528</sup>

*Ҳикоя:* Қорақурумда фақир бўлиб қолган бир киши тоғ эчкиси шохидан бир пиёла ясади, подшоҳ ўтадиган йўли устида ўтириб кута бошлади. Узоқдан подшоҳ билан бирга келаётган аскарларни кўргач, ўрнидан туриб жомни подшоҳ кўра оладиган шаклда тутиб турди. Подшоҳуни кўргач, жомни олди ва унга эллик ҳамён пул беришни буюрди. Котиблардан биттаси бу пуллар жуда кўп эканлигини айтгач, подшоҳ унга: “Қачонгача сизга молларни аямаслик кераклигини айтаман, – деб айтилган пулнинг икки баробарини беришни амр қилди. *Шеър:*

[Эй замона подшоҳи, шон-шарафи юксак бўлган инсон, иккита зид нарса борки, қатъиян бир жойга келмайди. Улар сенинг юзинг ва камбағалликдир]<sup>529</sup>

*Ҳикоя:* Бир мусулмон уйғур амирларининг биридан тўрт ҳамён пул қарз олди. Ўша одам қарзини тўлай олмагач, амир уни ушлаб олиб ундан ё Муҳаммад (с.а.в.) динидан қайтиб, бугпараст бўлишини ёки бозор ўртасида шармандаи шармисор бўлиб, юз таёк ейишни – икки шартдан бирини танлашни айтди. Бундай вазиятда кўрқиб қолган Мусулмон киши амирдан уч кун муҳлат сўради. Ўзини подшоҳга кўрсатиш учун учига дастрўмол боғланган бир йирик таёкни қўлида ушлаб саройнинг олдида кутиб турди ва дардини сўради. Вазиятни ўргангач, уйғур амирини келтирдилар. Хоқон Унинг Мусулмонга қилган таклифини оғир жиноят ҳисоблаб, уйғур амирининг уйи ва хотинини Мусулмонга беришлари ва бундан ташқари унга бозорнинг ўртасида юз таёк уришларига амр қилганидан кейин Мусулмон кишига яна юз ҳамён пул ҳадя қилди. *Шеър:*

[У бир денгиздир. Эҳтиёжманд кишини истаган нарсасини бермасдан қайтариб юбормас]

*Ҳикоя:* Бухоро Чарх шаҳридан Алавий Чархий исмли бир жаноб шерикликда иш қилиш учун Хоқондан пул олди. Олган пулини

<sup>528</sup> Абу Дуфофа ал-Мисрийдан.

<sup>529</sup> Абул Вафо ад-Димйетийдан.

қайтариб беришини сўраганларида “Фоизини аввал берган эдим”, – деган жавоб олди. Маъмур киши ундан фоизини бергани ҳақида ҳужжат сўралганда “Мен уни шахсан Хоқоннинг ўзига топширдим”, – деб жавоб берди. Буни эшитган Хоқон уни ҳузурига чақиртирди ва “Қачон ва кимнинг ёнида берган эдинг? Сени ҳеч кўрмадим-ку”, – деди. Алавий: „Сизга пулни тўлаганимда сиз ёлғиз ўзингиз эдингиз”, – деб жавоб берди. Шундан сўнгра Хоқон: “Унинг ёлғон ва тўхмат қилаётганлиги маълум. Лекин мен унга бу ҳақда гапирсам, ҳали жаҳон подшоҳи олган пулини инкорқилаяпти деб ўйлайди, деган фикрда ўша кишини эркин қўйиб юборди ва энди у билан ҳеч қачон олди-сотди қилмасликларига буйруқ берди. Ўша куни Хоқон шаҳарга келган савдогарлар ҳар биридан бир мунча газлама ва бошқа нарсалар олиб, унинг пулини ортиғи билан тўларкан, тўлаётганида бирдан хаёлига Алавий келди. “У ҳозир қасрда?” – деб сўрагач, қисқа муддат ичида уни топиб келдилар. Унга Хоқон сен билан ҳеч ким олди-сотди қилмасин, деб сенинг қалбингни оғритдим”, – деганидан кейин Алавий ўзини ерга ташлаб йиғлай бошлагач, Хоқон: “Сенинг молингни қиймати канча?” – деб сўради. Алавий: “Ўттиз ҳамён” деган жавобни олгач, унга беихтиёр юз ҳамён пул берди.

*Ҳикоя:* Хоқон қариндошларидан бир аёл саройга келгач, уердаги аёллар либоси ва зийнатли тақинчоқларини қаттиқ орзу қилди. Соҳиб Ялавоч ҳам ўша ерда бор эди. Аёлнинг аҳволини тушунган Хоқон ҳазинадан дур-жавохирлар олиб келишини буюрди. Олиб келинган дурлар орасида саксон минг динорга сотиб олган жуда қийматли ўн икки жавохир бор эди. Хоқон буйруғига кўра, жавохирни аёлнинг устидан тўқдилар. Сўнгра Хоқон аёлга юзланиб: “Бошқаларнинг дурларига ҳасад қилгандинг, уларни қаттиқ орзу қилгандинг. Энди дуру жавохирларга тўйдингми?” деди. *Шеър:*

[Комил ўғлинг жўмардликда ўтган йўлида Хотам ўтган йўлидан адашади. Унинг ҳиммати шунчалик юксалдики, кўкдаги буржлар унинг ёнида жуда паст бўлиб қолди]<sup>530</sup>

*Ҳикоя:* Бир киши ўзига ҳадя қилиб бир анор келтирганидан кейин Хоқон ҳузурдагилар бўлиб, унинг доналарини санашни ва ҳар бир донаси учун ўша одамга бир ҳамён пул беришни буюрди. *Шеър:*

<sup>530</sup> Абу Саид б. Армак мадҳи ҳақида Абу Солиҳ б. Ахмад Нишобурий ҳасидасидан.

[Анорнинг ичида доналари тўпланганидек, саҳийлиги туфайли халқ ҳам унинг эшигида тўпланарди]<sup>531</sup>

*Ҳикоя:* Бир куни арабча гапирадиган Аллоҳни инкор қилувчи одам Хоқоннинг ҳузурига келиб: “Кеча тунда Чингизхонни тушимда кўрдим. Менингўғлимга айтгин, ҳаммаси ёмон кишилар бўлган мусулмонларни ўлдиртисин, деди” – деб айтди. Хоқон бир оз ўйлаганидан сўнг: “Чингизхон сен билан таржимон воситасидами ёки таржимонсиз гаплашдими?” – деб сўради. “Таржимонсиз гаплашди”, – деган жавобни олгач: “Сен туркча ёки мўғул тилини биласанми?” деб сўради. Ўша одам “йўқ” деб жавоб берди. Шундан сўнгра Хоқон: “Мен Чингизхоннинг мўғулчадан бошқа тилни билмаганлигини қатъий биламан. Бундан сенинг ёлғон гапирётганинг маълум бўлади”, – деганидан кейин буйруқ берди ва уни ўлдирдилар.

*Ҳикоя:* Тангут ўлкаси Қоратош<sup>532</sup> қишлоғидан бир мусулмон Хоқонга ҳадя сифатида бир арава егулик келтирди. Юкларни бўшатиб қишлоғига кетар чоғида Хоқон амрига кўра ўша одамнинг аравасини пул билан тўлдирдилар. *Шеър:*

[Яхшилиги денгиз суви қадар, саҳийлиги баҳор булути қабидир.]

*Ҳикоя:* Бир киши саройдаги вақтичоғликнинг тугашини кутиб турди. Соқчилар сархуш бўлиб ухлаб қолгач, подшоҳ ётоқхонасига кирди ва у фойдаланадиганолтин қадахни олиб, уердан узоқлашди. Подшоҳ эртасикуни қадахини излаб топаолмагач, уни олиб келган кишининг ҳаёти сақлаб қолинажагини, хоҳлаган ҳамма нарсанинг ортиғи билан берилажагини хабардор қилиш учун жарчи орқали айттирди. Жарчини эшитган ўғри қадахни олиб подшоҳнинг ҳузурига кетди. Подшоҳ “Буни нима учун қилдинг?” деб сўрагач, ўғри “Жаҳон подшоҳини “Туркокон” деб аталувчи соқчиларига ишонмаслиги лозимлиги ҳақида огоҳлантириш учун. Агар буни нарса учун қилганимда эди, ҳазинада олинадиган жуда кўп нарса бор эди,” деб жавоб берди. Ҳузурдаги амирлари “Бошқалар шундай иш қилмаслиги учун ҳам бу одамни жазолаш керак” – дейишларига қарамасдан подшоҳ “унинг жонини сақлаб қоламан, унинг қилган журъатини бошқа ким ҳам қила оларди? Бундай жасур бир кишининг ўлдирилиши ачинарли бўлади. Бундай ишни қилган одам

<sup>531</sup> Номабалим муаллиф шеърдан.

<sup>532</sup> Қоратош – Тангут ўлкасида аввалдан муҳим бир тижорат маркази бўлган жой.

кўрқувдан ўтакаси ёрилиб кетиши керак. Агар мумкин бўлганида эди, унинг кўксини ёриб, қандай юраги борлигини ҳаммага кўрсата олган бўлардим,” – деди ва беш юз ҳамён пул, тўн, отлар ва бир неча минг аскарлар бериб, уни Хитой томонга юборди.

*Ҳикоя:* Бир йили Қорақурум атрофида экинлар етишиб турган пайтда шиддатли дўл ёғди ва барча экинларга зарар берди. Шунинг учун шаҳарда ҳатто бир динорга бир ботмон (ботмон: 2,5 кг дан 20 кг гача бўлган оғирлик ўлчов бирлиги) ун ҳам топилмади. Бу вазият қаршисида подшоҳ жарчи чақиртириб, экинлари зарарга учраган одамлар саросимага тушмасликлари, агар яна бир маротаба экинларини экиб, суғориб, ҳосил ололмасалар, у ҳолда уларнинг барча ейдиган нарсалари хазина омборларидан қопланажagini маълум қилдирди. Подшоҳ айтганини қилган ҳар ким ўша йили умрларида ҳеч қачон ололмаган ҳосилни олдилар.

*Ҳикоя:* Учта айбдорни Хоқон ҳузурига келтирдилар. Хоқон уларни ўлдиришга буюрди. Кейин саройдан чиқаётганида бошига тупроқ сочиб йиғлаётган бир аёлга дуч келди. Хоқон аёлнинг йиғлаш сабабини сўрагач, “ўлдиришга буйруқ берганинг учта одам туфайли йиғлаяпман. Улардан бири эрим, бириси ўғлим ва бириси эса укамдир,” – деди. Шундан сўнг Хоқон “улардан бирини танла, сенинг ҳурматинг учун жонини сақлаб қоламан,” – дегач, аёлнинг “эрни ва ўғилни яна топа оламан, аммо укамни топа олмайман,” – деган тарздаги жавоби ёқиб қолган Хоқон учаласи ҳаётини сақлаб авф этди.<sup>533</sup>

*Ҳикоя:* Хоқон кураш мусобақаларини жуда севарди. Унинг ҳимоясида мўғул, қипчоқ ва хитойлик жангчилар бор эди. Хуросон фатҳ этилгач, Хуросон ва Ироқнинг машҳур жангчиларини унга танитдилар. Хоқон шундан сўнг Жўрмогунга бир элчи юбориб, жангчи юборишини сўради. У машҳур паҳлавони Ҳамадонли Филони юборди. Фило Хоқон ҳузурига боргач, унинг жуссаси тузилиши Хоқонга жуда ёқиб қолди ва уни ўзининг қарамоғида бўлган курашчилар билан яккама-якка кураш тушириб кўрди. Фило уларнинг ҳаммасини енгди. Ҳеч ким унинг елкасини ерга теккиза олмади. Шундан сўнг Хоқон беш юз ҳамён пул ҳадя қилиб берди ва уни гўзал бир аёлга уйлантириб қўйди. Фило бир неча

<sup>533</sup> Бу ҳикоя “Жаҳонкушойи”дан эллик йилча олдин қаламга олинган Саъиддин Воробий “Марзбоннома”сида сўзма-сўз берилган.

кунгача паҳлавонлар кўпчилиги қилганидек, ўз кучини сарфламаслик учун аёлга яқинлашмади...<sup>534</sup>

Қиз: “Ҳозиргача мен ундан ҳеч нарса англай олмадим, чунки бир-биримиздан узок турибмиз,” деб жавоб бергач, Хоқон Филони чақиртириб аҳволини сўради. Фило: “Сизнинг соянгизда шухратга эришдим. Ҳеч ким мен билан тенглаша олмади. Агар ўша ишни қилганимда эди, куч-қувватим камаярди ва сизнинг эътиборингиздан четда қолардим,” – деб жавоб берди. Бунга кўра Хоқон: “Менинг максадим сени фарзандли қилиш эди. Бундан кейин сени курашдан озод қиламан,” – деди. Кейинроқ бир одамни юбориб, Филонинг машҳур курашчи ҳисобланган бир қариндоши Муҳаммадшоҳни чақиртирди. Муҳаммадшоҳ қаршисига чиққан ҳаммани йиқитгач, Хоқон Муҳаммадшоҳга “Фило билан курашсанми?” – деб сўради. “Курашаман” – деб жавоб бергач, Хоқон унга “Сизлар қариндошсизлар, бир-бирингизнинг дилини оғритадиган даражада курашманг” – деди. Хоқон Муҳаммадшоҳга ёрдам беришни ўйларкан, бир жойдан етти юз ҳамён пул келди. Унинг ҳаммасини Муҳаммадшоҳга беришларини амр қилди. *Шеър:*

[Мол, пул унинг қўлига тушгач, у ерда узок муддат қололмаслигини дарҳол англайди.]<sup>535</sup>

Хоқон ўз ихтиёрида бўлган барча паҳлавонларга ойлик маош тайинлаб, уларнинг устларига ёмғир каби: газлама, товар, либослар ва пул ёғдирди. Тайинлаган ойлик маошларининг кетини тўхтатмади. Бунинг устига паҳлавонлар хазинага кириб, у ердан ўзларига ёққан кийимларни олишларига ҳам рухсат берилди.

*Ҳикоя:* Гапларига ишонса бўладиган дўстларимдан бири менга мана буларни ҳикоя қилиб берган эди: “Алоуддин Кайкубод<sup>536</sup> замонида Онадўлида эдим. У ерда масҳарабозлик билан тирикчилик қиладиган бир одам бор эди. Ўша пайтда даврининг Хотами бўлган жаҳон подшоҳи сахийлигининг довуғи ҳамма томонга ёйилган эди ва “Шарқда мўғул наслидан бир подшоҳ бор, унинг кўз ўнгида олтин билан тупроқнинг қиймати бирдир” деган хабар тилларда дoston эди. *Шеър:*

[Унинг юксак ҳиммати олдида етти юлдуз софлик даражаси хира тортиб қолади.]

<sup>534</sup> Абу-с-Симт раису-л-Айниддин.

<sup>535</sup> Абул Ҳасан Али б. Муҳаммад Тихомавийдан.

<sup>536</sup> Онадўлилик Салжукли Султон Алоуддин Кайкубод (1219-1236).



Масхарабоз бой бўлиш орзу-ҳаваси билан Мўғул ўлкасига боришни ўйлаб қолди. Лекин йўл учун на минадиган оти ва на ейдигани бор эди. Дўстлари бирлашиб, унга ейдиган нарсалар ва бир эшак топгач, у йўлга тушди. Ўша кундан уч йил кейин Қорақурум бозорига йўлим тушгач, ёнида оти ва туяси бор бўлган, жуда чиройли кийинган, ўнг ва чап тарафида хитойлик қуллари бўлгани ҳолда илгарилаб кетаётган бир жанобни кўриб қолдим. У киши мени кўргач, дарров отидан тушиб ёнимга келди. Кўрганидан жуда хурсанд эканлигини ҳар бир ҳаракатидан билдиргани ҳолда мени уйига олиб борди. Мехмондўст кишилар каби еб-ичадиган ноз-неъматларга тўла бўлган бир дастурхон чикарди олдимга. Бу пайтда шарбатдорлар олтин ва кумуш қадаҳларда шароб ташидилар, мусикалар чалдилар ва раққосалар рақс тушдилар. Ўша кун мени қўйиб юбормади. Икки-уч кун яна ўша ерда қолдим. Шунга қарамасдан ҳали ҳам уни танимаган эдим. Менинг безовта эканлигимни билгач, “Мен бир эшак билан оқ йўл тилаб, сизни кузатиб қўйган ўша одамман. У ердан чиқиб кетгач, ўнг ва чап томондан ейдиган нарса сўраб, тиланиб Қорақурумга бордим. Ёнимда бир мунча қурук мева бор бўлгани ҳолда подшоҳ ўтадиган йўли устида баланд жойда турдим. Подшоҳ узоқдан мени кўргач, аҳволимни билиш учун бир одамни юборди. Бундан сўнг мен ҳам Онадўлидан подшоҳ сахийлигини эшитиб йўлга чиқдим. Минг бир таҳлика ва қийинчиликларга чидаб, шу ергача келдим. Жаҳон подшоҳи кўзи мен бахтсизга тушса, аҳволим ўзгарар ва чаппа кетган ишларим яхшиланар деган умидда эдим, – дедим. *Шеър:*

[Ётган жойи нурга тўлсин отам менга фақирлар ёнидан ўқдек қоч ва бойлар кишлоғига жойлашиб ол, деб кўп маъноли насихат қилганди.]

Мен аҳволни баён қилганимда ҳадя сифатида олиб борган меваларимни подшоҳга бердилар. Подшоҳ ундан икки-уч дона тотиганидан кейин ўзининг бундай муомаласини яхши қарши олмаётганларни ўз хатти-ҳаракатлари билан ошкор қилган ёнидаги одамларга қараб: “Бу одам жуда узоқ жойлардан келибди. Бу ёққа келаётганида бир нечта мукаддас жойлару қабрларни зиёрат қилган ва буюк одамлар билан учрашган бўлса керак. Бундай кишининг бу ерда бўлиши ва у келтирадиган яхшилик аломатини ғанимат деб билиш керак. У мевани олишимизсабаби эса уларни болаларга ҳам едириб, уларнинг ҳам қувончга эришишларини таъминлаш учун-

дир. Савагдаги қолган меваларни сизлар ҳам олиб бирга баҳам кўринглар”, – деб отини ҳайдаб кетди. Саройга боргач, меваларни халтадан чиқариб санабди. Кейин катта ёрдамчисига юзланиб, менинг жойимни сўрабди. Бош ёрдамчиси “Қаерда яшаётганини билмайман”, – дегандан сўнг унга таъна қилиб: “Сен қанақа мусулмонсан? Бир фақир одам узоқ жойдан шахримизга келадию, сен унинг еб-ичганидан, ётиб турган жойидан хабаринг йўқ. Дарҳол уни ўзинг излаб топ. Уйингга олиб бор ва унга хизмат кўрсатишда камчиликка йўл қўйма”, деганди. Мен эса бозорга яқин жойга ўрнашган эдим. Мени одамлари билан биргаликда олиб-югуриб излабдилар. У мени топгач, дарров уйига олиб кетди. Эртаси кун хонсаройи олдида ўтирганимда ҳамёнлар юкланган бир аравани ҳазинага олиб кетаётганларини кўриб қолдим. Бу пулнинг миқдори етти юз ҳамён бўлиб, Мочин<sup>537</sup> фатҳи пайтида қўлга киритилган ўлжа эди. Подшоҳ ёрдамчиси орқали мени чақиртирди. Ўша аравадаги ҳамма пулларни менга беришларига амр қилди ва илтифотлар кўрсатди. Ҳамма ҳамёндаги пулларни олдим. Ҳозир кўриб турганингдек бой бўлдим”, – деди. *Шеър:*

[Унинг ҳузурига, атиги битта қўй ёки туяга эга бўлган ҳолда келган кишини қайтиб кетаётганида саройлар эгаси сифатида кўрарсан.]

Минқули Бўка<sup>539</sup> исмли бир мўғулнинг қўй суруви бор эди. Бир кеча шиддатли шамол кўтарилди. Сурувга бўри хужум қилиб кўпчилигини ҳалок қилди. Эртаси кун мўғул подшоҳи ҳузурига бориб, аҳволни ҳикоя қилиб берди ва юз бош қўйларини йўқотганини айтди. Хоқон: “Сенинг сурувингга хужум қилган бўри қаерга кета олади?”, – деб сўраётганида мусулмон курашчилардан ташкил топган бир гуруҳ оғзи боғланган бўри билан чиқиб келдилар. Улардан бўрини минг-минг ҳамён пул миқдориде сотиб олди. Сўнгра сурув эгасига қараб, ўгирилиб: “Бу бўрини ўлдириш билан ҳеч нарсага эриша олмайсан,” – деб унга минг бош қўй беришни буюрди. Кейин эса “Бу бўрини озод қилиб юборайлик, бориб у дўстларига аҳволни маълум қилсин ва улар ҳаммаси биргаликда бу ўлкани тарк этсинлар”, – деб бўрининг арқонини ечиб юборди. Ўша пайтда ит боқувчилар девдек итларни бўри орқасидан қўйиб юбориб,

<sup>537</sup> Манзий Мочин – яъни, Буюк Чин. Мўғуллар Нанкис деб атайдиган Жанубий Чин.

<sup>539</sup> Минқули Бўка – Матнда Синкулу Бўка: Мин сулоласининг кули. Бўка – “пахлавон” сўзларидан ҳосил бўлган.

уни тилка-пора килдирдилар. Буни кўрган Хокон жуда газабланди ва бўрига хужум қилган итлар ўлдирилишини буюрди. Сўнгра ўйчан қиёфада саройга келиб давлаткатталарига юзланиб: "Бўрини озод қилиб юбордим. Чунки кўпдан бери менда бир ҳолсизлик бор, агар бу жонзотни, бўрини ўлимдан кутқарсам, Улуғ Тангри ҳам менга шифо берар деб ўйлагандим. Бўрини итлар кўлидан қутула олмаганига қараганда мен ҳам бу дарддан қутула олмаяжакман", – деди ва орадан кўп вақт ўтмасдан ҳаётдан кўз юмди.

Ақл ва мантиқ эгалари бўлган одамлар биладиларки, подшоҳлар Аллоҳ юксалтирган кишилардир. Уларга келажак ҳақида хабар келади. Бу мавзуда китобда мана шундай ёзилган: Маъмун<sup>540</sup>, Тоҳир б. ал-Хусайн ва Али б. Исо б. Мохоннинг укаси Мухаммад Амин билан жанг қилиш учун Бағдодга юборди. Ўша пайтда Мухаммад Амин яқин суҳбатдош дўстларидан ҳисобланган Хаммо Ровияга "Бу кун айланиб вақтичоғлик қилайлик" – деди. Ўша атрофда жориялар орасида ўзининг гўзаллиги билан танилган, камчилиги олд томондаги тишларидан биттасининг сариқ экани маълум бўлган Кобиҳа исмли аёлни олиб, учаласи биргаликда бир қайикқа миндилар, еб-ичдилар. Вақтичоғлик энг қизгин пайтига келгач, Кобиҳа бир иши учун турганида оёғи тегиб, Мухаммад Аминнинг жуда эъзозлаган, авайлаган косачани синдириб қўйди. Мухаммад Аминнинг кўнглини очадиган сариқ тиши ҳам қайик четига урилиб синди. Бу ҳолат олдида Мухаммад Амин юзини Хаммога ўгириб, "Бу ёмон ҳодисалар бизнинг мағлуб бўлажагимизга ишоратдир", – дегач, яқин дўстлар каби Хаммо дуолар ўқиб, унга тасалли беришга уринди. Бу шаклда улар гаплашаётган пайтда ғойибдан: "Сизлар жавобини сўраган иш (туш таъбири) тугади"<sup>541</sup> деган овозлар қулоққа чалинди. Бундан сўнгра Мухаммад Амин Хаммога "Эшитдингми?" – деб сўради. Хаммо ўзини эшитмагандек тутди. У ўша гапларни такрор эшитгач, Хаммога ўгирилиб: "Энди енгилишимиз борасида ҳеч қандай шак-шубҳам қолмади. Кет, бошингни кутқаришнинг чорасини кўравер. Бундан сўнг балки қиёматда кўришармиз", – деди.

<sup>540</sup> Машхур Хорун ар-Рашиднинг (786-809) иккинчи ўгли. Муаллиф бу ерда хато айтган. Чунки тарихчиларнинг кўпчилигига кўра, Али б. Исо б. Мохон Амин томонидан Бағдод кўшинига қўмондон этиб тайинланган эди, Маъмун томонидан Хуросон кўшинига қўмондон этиб тайинланган Тоҳир б. ал-Хусайн билан Ройда жанг қилган ва у томонидан ўлдирилган эди. Бу ерда айтилганидек, у Аминнинг ихтиёрида бўлмаган.

Ҳикоя: Бағдоддан катта ёшли бир одам келиб, подшоҳ ўтадиган йўлини устида ўтирди. Подшоҳ у ердан ўтиб кетаётганида қари одамни чакиртирди. Ундан "Йўл устида нега кутиб турибсан?" деб сўрагач, қари одам: "Қари ва фақир, камбағал одамман, ўнта қизим бор. Пулим йўқлиги учун уларни турмушга чиқара олмаяпман" – деб жавоб берди. Шундан сўнгра подшоҳ: "Қизларингни турмушга чиқаришинг учун Бағдоддаги Халифа нега сенга ёрдам бермайди?" – деб сўради. Қари чол эса бу саволга: "Халифадан пул сўраганимда ҳар сафар менга ўн тилла динор берарди. Бу эса фақат яшашимизгагина етади холос," – деб жавоб берди. Подшоҳ унга минг хамён қумуш беришларига амр қилди. Подшоҳнинг ёнидаги одамлари: "Хитой вилоятига ёзинг, пулни у ердан олсин," – десалар ҳам подшоҳ хазинадан нақд тўлашларини хоҳлади. Ҳамёндаги пулларни қари кишининг олдига келтириб қўйган пайтда қари одам: "Мен бу пулларни қандай қилиб ташиб кета оламан? Мен заиф ва қари бир одамман," – дегач, подшоҳнинг буйруғига кўра, унга бир от, бир қоп ва йўлга етадиган даражада озиқ-овқат бердилар. Шу билан ҳам қаноатланмаган қари одам: "Бунча пул билан менинг ўз юртимга соғ-саломат қайтиб боришим жуда қийин. Агар йўлда менга бирор қор-қол бўлса, у ҳолда қизларим подшоҳ неъматларидан маҳрум бўлиб қоладилар," – деди. Шунга кўра подшоҳ унга иккита йўлда кузатиб борувчи мўғул ҳамроҳ берди, йўлда қари одам вафот этгач, мўғуллар қайтиб келиб вазиятни подшоҳга тушунтирдилар. Подшоҳ: "Унинг уйи манзилини бериб, қизларининг қаерда яшашини айтдимми?" – деб сўради. "Айтди" деган жавобни олгач, подшоҳ мўғулларга хамёнларни Бағдодга олиб бориб уйини топиб, уларни қизларга бериб, хамёндаги пулларни ўзи томонидан қоборилганлигини айтишни буюрди.

Ҳикоя: Хокон яқинларидан бўлган бир қизни турмушга чиқараётган эдилар. Келин сарпоси сифатида унга саккиз киши кўтара оладиган жавоҳирларга тўла бир сандиқ тайёрладилар. Сандиқни подшоҳга кўрсатиш учун олиб борган пайтда у шароб ичиш билан машғул эди. Хокон сандиқнинг қопқоғини очишни буюрди. Ичи майда ва йирик дуру жавоҳирлар билан лиқ тўла эди. Ҳаммасини ўша ердагиларга тарқатди. "Ўша сандиқ фалон қизнинг келинлик сарполари эди", – деганларида эса, "Бу сандиқнинг ўхшаши бўлган нариги бошқа сандиқни унга беринглар," – деди.

*Ҳикоя:* Шероз отабеги<sup>542</sup> укаси Таҳамтанни Хоконга юбораркан, унга йўллаган ҳадялар орасида иккига катта жавоҳир бор эди. "Ҳар нарса ўз ўрнида яхшидир", – деган гапнинг бу ерда лозимлиги каби бу дурларнинг улар олдида қиймати бор эди. Ҳадялар Хокон ҳузурини очилганида Таҳамтаннинг кўзлари дурларга тикилиб қолганини кўрган Хокон хазинадан катта бир сандик дур, жавоҳирлар олиб келишларини буюрди. Сандик қопқоғини очган пайтда Таҳамтан ва ёнидагиларнинг кўзлари қамашди. Сўнгра Хокон шароб қадаҳларига дур тўлдириб, ўша ердаги одамларга тарқатишни буюрди.

*Шеър:*

[Чуқур денгизга ҳадя қилиб бир томчи олиб борсанг, қулгули қолга тушасан.]

Улуғ Тангрининг Хоқонга бағишлаган юмшоқ табиатлилик, авф этиш туйғуси адолат, саҳийлик ва тарбияли бўлиш хислатларини қисқача ёздик. Ҳамма даврда ер юзида бир буюк подшоҳ бўлиши маълумдир. Масалан, бир пайтлар Нуширавон ва Хотам энг саҳий ва одил, адолатли подшоҳ бўлган эдилар. Улардан ҳар бирининг шуҳрати то қиёмат кунигача ер юзида куёшнинг порлаганидек порлаяжак, ҳикоя ва дostonлари тилдан-тилга ўтиб юражак. Агар Хоқоннинг барча эзгухислатларини бу ерда бирма-бир ҳикоя қиладиган бўлсак, гап жуда чўзилиб кетади. Шу ўринда унинг саҳийлиги ва адолати ёнида ҳайбатини ҳамда берган жазоси катта эканлигини кўрсатиш учун бир ҳикояни айтиб ўтамиз. *Шеър:*

[Унинг жазо ёғдирган бир ғазабга минган куни, яна неъмат ёғдирган куни ҳам бор. Саҳийлиги тутган кунда унинг ҳовучларидан неъмат, жазолантирадиган куни эса қон окарди.]<sup>543</sup>

*Ҳикоя:* Бошқарувчиси мингбоши бўлган қабиланинг барча қизлари бошқа бир қабилани билан оила қуражаклар, дея асосиз бир хабар ёйилди. Бундан сўнг қабилани мансублари кизларини қариндошларига никоҳладилар. Бу хабар ҳамма ёққа ёйилди. Подшоҳнинг ҳам қулоғига бу гап етиб келгач, подшоҳ вазиятни синчиклаб ўрганиш учун ўша ерда бир неча амирларни юборди. Хабар тўғри эканлигини билган заҳотиёқ ўша қабиландаги етти ёшдан катта бўлган барча қизларни тўплаб, олиб келтиришларини амр қилди. Шунга кўра ҳар бир қалбларда бошқача бир ҳаяжон уйғотадиган юлдузлар каби норлоқ тўрт минг қизни ушлаб подшоҳ ҳузурини олиб келдилар. *Шеър:*

<sup>542</sup> Шероз отабеги – Саъдийнинг шеърларида мадх қилинган Абу Бакр (1226-1260).

<sup>543</sup> Ҳусайн ал-Мухайяр ал-Асадийнинг шеъри.

[Юзидан пардани кўтаргани замон ой гўзаллиги қаршида "вой, менинг ҳолимга" деб хижолат чекар.]

Подшоҳ амрига кўра аввал икки амир қизини айириб олиб, давлат катталарига бердилар. Қолганларини тартиб билан қаторлаштириб қўйдилар, саройга лойиқ бўлганларидан баъзиларини ҳарамга юбордилар, баъзиларини сарой хизматчиларига ёрдам беришлари учун саройда қолдирдилар. Бошқа қолганларини эса ўша ердаги мўғул, Мусулмон ҳаммасига тарқатдилар. Уларнинг оталари, эрлари, укалари ва яқинлари бундай вазият олдида ҳеч нарса қила олмадилар, фақат кузатувчи бўлиб турдилар. Бу ҳикоя унинг жазолашда ҳам қанчалик илгарилаб кетганини кўрсатади.

#### XXXIV. ХОҚОН ЯШАГАН ВА САЁҲАТ ҚИЛГАН ЖОЙЛАРИ

Замона хотами, жаҳон подшоҳи тахтга чиққач, Хитойни забт этди. Отасининг қолдирган катта бир қўшини билан тарк этган эски яшаш жойи Имилни ўғли Куёкка қолдирди. Мамлакат пойтахти қилиб, Қорақурум тоғлари этагидаги Ўрхун дарёси соҳилини танлади. Ўша пайтда у ерда ҳеч қандай бирорта шаҳар ёки қишлоқ йўқ эди. Фақат Ўрдубалик номли бир қалъа бор эди. Хоқон ўша ерда келган пайтида қалъа тоши устида бир ёзувни топдилар. Аввал уйғурлар бўлимида ҳикоя қилганимиздек, бу ёзувда ўша қалъа қурувчиси Боқухон эканлиги ёзилган эди.

Мўғуллар ўша қалъага Мовубалик<sup>544</sup> номини қўйдилар ва хоқон амрига кўра қалъанинг юқори тарафига бир шаҳар қурдилар ва у ерда Ўрдубалик номини бердилар. Лекин у ер ҳам, кўпинча, Қорақурум номи билан маълумдир. Шаҳарни қураётганларида Хитойдан ва ислом мамлакатларидан қурувчилар ва дехқонларни олиб келдилар ва дехқончилик ишларини бошлаб юбордилар. Озиқ-овқат кўплиги ва изланган нарсалар топилиши туфайли у ерда тўда-тўда бўлиб, одамлар кўчиб кела бошладилар. У ер қисқа вақт ичида катта бир шаҳар бўлди. Кейин шаҳарнинг баланд жойига боғубоғчали бир бино қурдилар. Тўртта дарвозали бу бинонинг биринчи эшигидан жаҳон подшоҳи, иккинчи эшигидан шахзода ва қариндошлари, учинчи эшигидан подшоҳнинг хотинлари, тўртинчи

<sup>544</sup> Мову Болик – "ёмон шаҳар". Мўғулларнинг Бомийенга қўйган исми.

эшикдан эса халқ кириб чиқарди. Кейин ўша бино боғининг ўртасига хитойлик хунармандлар кўшк курдилар. Бу кўшкнинг тахтадан қилинган учта зинапоё билан чиқиладиган учта эшиги бор эди. Биринчи эшикдан подшоҳ ва давлат катталари, иккинчи эшикдан аёллар, учинчи эшикдан сарой хизматчилари кириб чиқардилар. Ундан кейин кўшкнинг ўнг ва чап томонларига подшоҳнинг укалари, ўғиллари ва соқчилари учун нақшли, безакли бинолар курдилар. Кўшкнинг орқа томонига оғирлиги туфайли бир жойдан бошқа жойга кўчирилиши мумкин бўлмаган шароб кўзаларни жойлаштиридилар. Боғнинг чеккасига фил, туя ва отхоналар билан биргаликда сарой учун керак бўлган жиҳозлар, иш-қуроллари, тантана ва маросим вақтида турли ичимликлар учун ишлатиладиган олтин, кумуш ва олмосдан ясалган жомлар ва идишларнинг қўйилиши мумкин бўлган жойларни тайёрладилар. Хоқон йилда икки мартаба бу ерга келиб дам оларди. Умуман, у ерга келишини баҳор фаслига тўғриларди. Ўша муддат ичида ёмғир барча ўт, майсалар ва дарахтларга сув берганидек, ухам каттаю кичик ҳаммани ўз марҳаматидан фойдалантирди. *Шеър:*

[Уларнинг орасида Юсуф б. Муҳаммад бўлганидан кейин марҳамат ва неъмат кечикишидан халққа нима зарар бор.]

Баҳор гўзаллиги ниҳоясига етиб яшилликлар сарғая бошлагач, Хоқон мусулмон муҳандислари хитойликлар услубида барпо қилган, Қарши Сурий<sup>545</sup> номи берилган бир ёзги саройга кетарди. Бу кўшкнинг ташки томони нақшлар билан безатилган, ички томони ҳар хил рангли гиламлар билан тўшалган эди. Бинода мажлислар ҳонасиҳам бўлиб, фойдаланиладиган бинонинг энг фахрли жойига бир тахт, унга уйғун тарзда тузаб, қаторлаштириб қўйилган мизлар, унда рангдор инжу тошлар қадалган идишлар, кўзалар жойлаштирилганди, вақтичоғлик учун керак бўлган ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаган эдилар. Кўшкнинг олдида мўғуллар “кўл” деб атайдиган ичида ўрдаклари тўла бўлган ҳовуз бор эди. Подшоҳ, кўпинча, бу ҳовуз бўйига бориб, баъзан ов қушларини кузатарди, баъзан шароб ичиб вақтичоғлик қилиб кунини ўтказарди. Ҳамма вақт ҳадя ва эҳсонлар қилар, халқнинг устига бойлик сочар, завқ ва вақтичоғликни ҳеч тўхтатмасди. Гўёки Кўхистонийнинг мана бу гапларини қулоғига сирға қилиб тақиб олгандек. *Шеър:*

<sup>545</sup> Қарши ёки Қарши Сурий – мўғулча сарой маъносини билдиради.

[Бу дунёда эриш, кўлга кирит ва егин. Чунки вақт тез ўтиб кетади. Бир инсоннинг умри қанчалик узун бўлмасин, унинг кўпчилик қисми бекорга кетар. Фурсат топдим дегунча ҳаётдан завқланишга урин. Чунки отилган ўқ қайтиб келмайди. Ўрни келганида вақтингни чоғ қил, завқ ва кайф-сафодан улушингни ол. Доимо огоҳ бўл. Чунки бу дунёда уйқусираган одамларга улуш йўқ. Бу кун эртанги куннинг таъвишини қилма, кайғурма, эртанги кунни унут. Чунки эртанги кун иши билан машғул бўлиш фойдасиз бир меҳнатдир. Руҳ бир кандил, ёғи эса шаробдир. Чунки кўриб олди-сотди қилиш фойдалидир. Сўнгра мен ўзимнинг тажрибаларимни гапиряпман. Гапларим ундан ва бундан ривоят эмасдир.]<sup>546</sup>

Хоқон ёз фасли туғаб, кун окшом пайти бўлгач, кузда яшайдиган жойига ҳаракат қилишларига буйруқ берарди. Йўли шаҳар ёнидаги кўшкка тушгани учун у ерда бир неча кун қоларди. Кейин йўлининг устида қишки яшаш жойидан келаётганида кириб ўтадиган яна бир кўшк бор эди. Шаҳардан уч фарсах узокликда ва бир тепалик устида жойлашган бу кўшкка Хоқон келишидан аввал шаҳардан еб-ичадиган нарсаларни таширдилар. У ердан тоғларга кетарди, тоғнинг бир жойида асоси думалоқ тахтлардан, ташки томони оқ кигиз, ички томони олтин кўшиб тикилган газламадан ясалган “Широ Ўрду<sup>547</sup>” деган чодир қурилар эди. Қиш келиб қор ёққунгача ўша ерда қоларди, қолган пайтлари мобайнида ҳадя ва эҳсонлар беришида давом қиларди. Куз фасли охири қишнинг бошларида бу ердан ҳаракат қилиб, қишки саройига боргач, у ерда завқ ва вақтни яхши ўтказишда давом этарди. Қишки яшайдиган жойида бўлган вақтида уч ой мобайнида ҳадялар ва эҳсонлари бироз камаярди. Гўё бу байтлар унинг бу икки жиҳатини кўрсатиш учун айтилгандек эди. *Шеър:*

[Куз мавсумининг кетидан совуқ кунлар келди. Гўё хайрли юлдузлар хайрсизларининг орасида йўқолиб кетганидек эди. Баҳор ва унинг гўзаллиги қорлар остида қолди. Гўё товус қушлари товук тухумлари орасида йўқ бўлиб кетганди.]<sup>548</sup>

Аллоҳга ҳамдусанолар бўлсинки, бугун бу жойлар замона Нуширавони қутлуғ ва баракотли жаҳон подшоҳи Мангу хоқон-

<sup>546</sup> Абу б. ал-Ҳасан ал-Кўхистоний Ғазнавий – Султон Маҳмуднинг замондоши.

<sup>547</sup> Широ-Ўрду – Қўшин саройи.

<sup>548</sup> Ғазнали Султон Маҳмуднинг саройидаги шоирларидан Бузуржмеҳр лакабли Абу Мансур Қосим б. Иброҳим ал-Конийнинг шеъри.



қадамлари билан ёришди, мамлакат ҳамма томони гул боғларига айланган эди. Улуг Аллоҳ унинг адолатини орттириб, фармон ва тақиқларини ҳамма жойда ўтадиган қилсин. Унинг воситасида Ҳақ дини кучайсин.

### XXXV. ТҶРАГАНА ХОТУН

Жаноби Ҳақнинг ҳукми ўз ўрнига келиб жаҳон подшоҳи ва даврнинг хотами Ҳокон ўлганидан кейин энг катта ўғил Буюк Қифчоқ қароргоҳидан чиқиб, пойтахтга келди. Чингизхон васиятига кўра хотуни Муға хотунга қолган саройнинг олдида одағларига мос тарзда мамлакат ишлари жilовини ўз қўлига олган эди. Ўша пайтда катта ўғилларининг онаси, ақл, билим ва тажриба жиҳатидан тенги йўқ бўлган бир хотин ҳисобланган Тўрагана хотун Ҳоконнинг ўғиллари, қардошларининг ўғилларига элчилар юбориб, Ҳоконнинг вафот этганини билдириб, давлат ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилмаслиги кераклиги, давлат бошқаруви бузилмаслиги учун бир овоздан хон сайлангунга қадар мамлакатни бошқариб турадиган бир киши керак, деб ёзди. Шундан сўнг бошда Чигагой бўлгани ҳолда бошқа шахзодалар қурултойга тўпланиб, хонлик ишини йўлга қўйгунгача давлат бошқаруви тизгинларини шахзодалар онаси Тўрагана хотун ўз қўлига олиши кераклиги, хизмат вазифасидагилар ўз жойларида қолишликлари ва қонунлардан четга чиқмасликлари лозимлиги каби фикрларини билдирдилар. Жуда ақлли ва билимдон аёл бўлган Тўрагана хотун ҳам шахзодаларнинг бу қароридан руҳланиб, тўлиқ бир ваколат билан мамлакат ишларини ўз қўлига олди. Унинг рақиби бўла оладиган Муға хотун ҳам Ҳокондан бир муддат сўнгра ўлган эди ва мана шу тарзда унинг олдида ҳеч қандай тўсиқ қолмаган эди. Авваллари ўзига душман бўлган кишилар қалбларини ҳам яхшилик ва арғумонлар билан ўзига қаратиб олганди. Ҳамма самимий ҳолда унинг буйруғи остига кирди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) “Қалблар ўзига яхшилик қилганларни севиш ва ёмонлик қилганларга душманлик қилиш учун яратилгандир” шаклида буюрганидек, маҳаллий ва четдаги одамлар юзини унинг эшиги томон бурдилар. Бошида Чинқой бўлган Ҳокон вазирлари ва вилоятлар бошқарувчилари ўз жойларида қолдилар. Ҳокон ҳаёг пайтида, Тўрагана хотундан

ғазабланганларнинг биронтаси ҳам идора бошқаруви унинг қўлига ўтганидан кейин у билан машғул бўлишга интилмадилар. Бошқарувдан кетгач, у билан машғул бўлажакларини англаган Тўрагана “Ҳозироқ дарров бошлаб юбор, чунки қиличкескирдир”<sup>549</sup> деган гапларга амал қилиб, уларнинг ҳар бирига яхшилик қилишни маъқул кўрди. Хавfli деб ҳисобланган баъзиларини йўқ қилишни истади. Бунинг учун Соҳиб Ялавочни олиб келтириш учун Хитойга бир элчи юборди. Амир Чинқойни йўқ қилишни хоҳлади, лекин у аввалданок Тўрагана хотун келажагини пайқаб, ўз жонини сақлаб қолиш учун Тўрагананинг ўғли Хўтаннинг ҳимояси остига кириб олган эди. Ялавочга борган элчини у катта ҳурмат-иззат билан кутиб олди. Кун сайин унга нисбатан ўзининг ҳурматини ошириб борди ва меҳмондўстлигини орттирди, ҳадяларини оширди. Уни бундай тарзда чалғитиб вақтдан ютиб, ўзи қочиб кетиши учун зарур бўлган нарсаларни тайёрлади. Учинчи кечаси тунда элчилар чуқур уйқуга чўмган пайтларида уларни ташлаб, бир нечта отличлар билан Хўтаннинг<sup>550</sup> ўлкаси томон тўғри йўл олиб, уларнинг қўлларидан қутилди. *Шеър:*

[Узоқ вақт пухта-пухта ўйлаб қочдим. Қолбуки, мен қочоқ эмасдим. Улардан ажралиб кетган пайтда улар уйқуда хуррак отардилар]<sup>551</sup>

Бу иккала давлат катталари Хўтаннинг паноҳ истаб бориб, унинг соясида ўзларини хавфсиз ҳолда ҳис қилдилар ва Хўтандан яхшилик, ёрдам кўрдилар. Тўрагана хотун уларни ўлдириш учун элчи юборса ҳам Хўтан элчиларга “Кичик қушлар шохин (бургут)нинг ҳужумидан қутилиб, бир тиканли чангалзорнинг ичига яшириниб паноҳ топиб олсалар, у ерда улар хавфсизликка эришардилар. Модомики, улар биздан паноҳ истаб келган эканлар, давлатимиз этагидан маҳкам ушлаб олдилар. Уларни орқага қайтариб юбориш одамийлик доирасига сиғмайди. Агар буни қилсам, турку тожик мени кечирмайди. Яқинда қурултой бўлажак, ўша пайтда уларнинг ҳолати қариндошлар орасида муҳокама қилинади. Агар улар айбдор деб топилсалар, жазоларини оладилар, – деди. Тўрагана яна бир неча маротаба элчи юборган бўлса ҳам Хотан гапларни айтиб, унинг талабини рад этди. Тўрагана Хўтаннинг уларни ўзига топ-

<sup>549</sup> Абу Исҳоқ ал-Ғаззийнинг шеъри.

<sup>550</sup> Хўтан – Ўқтой ҳоконнинг ўғилларидан.

<sup>551</sup> Таббота Шарроннинг шеъри.

ширмоқчи эмаслигини билгач,хоқон яқин маъмурларидан ҳисобланган амир Имодулмулк Муҳаммад Хўтойнийни аввалдан оралари жуда яхши бўлган Чинкой билан Ялавочга қарши қурултойда гувоҳлик бериши учун кўндириш бўлганда,ўзининг сахийлик ва тўғрисўзлиги билан танилган Имодулмулк бу ишни бажаришни ўзига эп кўрмасдан,бунгатоқат қилолмасдан зиндонни афзал кўрди. Кейин эса Улуғ Аллоҳ тоза қалблилиги туфайли унинг ёрдамчиси бўлди ва уни зиндондан қутқарди.У Куюкхоннинг даврида аввалгисидан кўра янада баланд юксак мақомга эришди. Тўрагана хотуннинг бу қилган ишларидан хабардор бўлган амир Масъудбек ҳам мамлакатда хавфсизлик қолмаганлигини англади ва ўзини Ботунинг ёнига отди. Қора Ўғул<sup>552</sup> ва Чиғатой аёллари ҳам Қиркўзни ушлатиш учун Қурбога ва амир Арғун зиммасига топшириқ юкладилар. Ўша пайтда Фотима исмли бир аёл майдонга чиқди. Тўрагананинг ишончини қозонган бу аёл давлат бошқарувида аввалги сафга ўтиб олган эди. Ҳамма ишларда унинг фикри ва қарашлари ҳисобга олинарди. Фотима Абдурахмонни Маҳмудбекнинг ўрнига Хитойга волийқилиб тайинлатди. Бундан кейинги бўлимда бу аёл ҳақида етарлича сўз юритамиз. Амир Арғун Қиркўзни Тўрагана хотунга келтиргач, Тўрагана хотун аввалданок Қиркўзга нисбатан нафрати бўлганлиги учун уни ҳибсга олдириди. Ундан бўшаб қолган Хуросон волийлигига амир Арғунни тайинлади. Бу ҳолатни кўрган давлат катталарининг ҳаммаси бир ерга қочиб паноҳ топдилар. Ёлғиз фақат қонунлардан заррача ҳамчетга чиқмаган Сурххўтан Баки ва ўғиллари ўз ўринларида қолдилар, ўша пайтда Тўрагана хотун султонлар, амирлар ва ҳукмдорларни қурултой учун чақиртирган бўлса ҳам осойишталик ва ҳаловат бўлмаслиги учун Куюк ҳам ўша ҳисобга киргани ҳолда ҳеч кимнинг даъватига бўйсунмади. Ҳаммаси иззатли бўлган устун бўлур, озод бўлган бир кишининг иззати унинг эркин бўлишидан келиб чиқади, деган гапга итоат қилдилар. Вазиятни қулай деб билган Ўтаган эса бошқарувни зўравонлик билан қўлга олиш учун саройга юриш қилди. Лекин Мангли ўғли<sup>553</sup> қарши чиққач, Ўтаган қилган ишидан пушаймон бўлди ва “Саройга ҳамдард бўлиш учун кетяпман”, деб жавоб бериб, бу ишдан чиқиб қутилиб қолди. Айни пайтда, Куюкнинг ўз қўшини билан биргаликда Имилдан чиқиб келаётганлиги

<sup>552</sup> Қора Ўғул – Қора Хулогу, Чиғатойнинг қага ўғли ва меросхўри.

<sup>553</sup> Мангли Ўғул – Укгойнинг ўғли.

ҳақидаги хабар пушаймонликни янада орттирди. Куюк пойтахтга келгач, онаси Тўрагана хотуннинг ишларига ҳалақит бермади. Қурултой чакирилиб,хон қилиб сайлангунча ўз вазифасида давом қилди. Куюк пойтахтга келганидан икки ой ўтгач, Фотима туфайли она билан ўғил орасидаги муносабат бузилди. Бу хафагарчилик ҳам узоқ давом этмади, чунки Тўрагана бу дунёни тарк этди.

## XXXVI. ФОТИМА ХОТУН

Фотима Имом Али Ризонинг қабри жойлашган Машҳад мўғуллар томонидан фатҳ этилган пайтда асир олинди, Қорақурумга олиб келинган эди. Ва у ернинг бозорида жарчи бўлди. Айёрлик ва ақллиликда энг хийлакор аёл ҳам унинг олдида эп эша олмасди. Хоқон ҳаёт пайтида доимо Тўрагана хотун билан учрашиш учунгина саройга келиб кетарди. Тўрагана хотун мамлакат ишларини ўз қўлига олгач, амир Чинкойнинг унга қарши бош кўтарганлигидан кейин Тўрагана хотуннинг Фотима билан яқинлиги янада ортди. Фотима давлат бошқарувида сўз соҳиби бўлди,ваколатли ва таъсирли бўлди. Саройнинг барча сирларини билиб олгач, ўзига қарши бўлган давлат катталарини хизмат вазифасидан четлаштирди. Унинг қўли вилоятларга қадар таъсирли бўлди. Шундан сўнг маъмурлар ўз хизмат вазифаларида қолиш учун унинг тарафига ўтиб олдилар. Ўша пайтда Машҳад саййидларидан бир гуруҳи келишиб, Фотиманинг Пайгамбар (с.а.в.) сулоласидан эканлигини маълум қилдилар.

Хонлик Куюкхонга ўтгач, Кудак нўённинг Алавий эканлигини айтган шаробчиси самарқандлик “Хўтаннинг бетоблиги Фотима қилган сеҳргарлиги туфайлидир” деган гапни ҳамма ёкка тарқатди. Бу хабарни эшитган Хўтан қурултойдан ўзининг яшаш жойига қайтиб келгач, касаллиги бутунлай оғирлашди. Шундан сўнг Хўтан укаси Куюкхонга бир элчи юбориб, касаллигининг оғирлашгани, агар ўзига бирор кор-ҳол бўлса, бунинг интикомини Фотимадан олишини хабар қилди. Шундан бир ой сўнгра Хўтан вафот этганлиги ҳақида хабар келди. Ўша вақтда давлат бошқарувида қайтадан кучга эга бўлган Чинкой сеҳргарлик ишининг кетидан қолмади. Куюк ҳам онасига бир элчи юбориб, Фотимани талаб қилса ҳам онаси “Уни мен ўзим олиб келтираман”, деб истагини қайтарди.

Куюк бу иш учун бир неча маротаба яна одам юборди, лекин онаси хар сафар Фотимани беришни рад килди. Энг охирида Самарқанд исмли биродам юбориб, унга агар бу сафар ҳам онаси Фотимани беришга карши оёқ тираб туриб олса, яхши бўлмаслигини кўрган Тўрагана хотун Фотимани элчига топширди ва бу воқеадан қисқа бир вақт ўтгач ўлди. Қилган ишларининг жазоси сифатида Фотимани бир неча кун яланғоч ва боғланган ҳолда оч ва сувсиз ташлаб кўйдилар. Ҳар хил исканжа билан бўҳтон қилганлиги тўғри эканлигини тан олдирганидан кейин вужудида мавжуд бўлган тешик жойларини тикиб, бир кигизга ўраб сувга отиб юбордилар. *Шеър:*

[Юксалтириб подшоҳликни берган одамни яна сўнгида денгизга отиб балиқларга ем киларсан]<sup>554</sup>

Шундан сўнгра Фотима билан бирга иш қилган ҳамманинг ҳаёти таҳлика остида қолди. Аввало, Машҳаддан келиб у билан қариндош эканлигини айтганларни тониб келтирдилар. Уларга ҳам исканжа қилиб, азият етказдилар. Ўша йили Куюкхон ҳам отасининг ёнига нариги дунёга кетди.

Ундан қисқа вақт ўтгач Имилли<sup>555</sup> Али Хожа Фотимага тухмат қилган шаробчи унинг Фотимага юклаган айби билан айбланди. Шаробчини икки йил муддат ичида қамокда ушлаб турдилар. У ўша муддат ичида кўрган ҳар турли исканжа ва азиятлар туфайли ҳаётидан умидини узди. Тортган бу азобни “Эй ота, мана нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди”<sup>556</sup> оятида айтилганидек, қилган тухматининг жазосини олганини тушунгач, ўзини ўлимга тайёрлади ва тақдир қўлларига ўзини топширди. Ўзи қилмаган жиноятни бўйнига олди. Уни ҳам сувга отиб юборишди, хотинлари ва болаларини қиличдан ўтказдилар *Шеър:*

[Отасини ўлдирди, ўзи ҳам бу дунёда қолмади. Дунё ҳам унинг номини бир бора ҳам эсламади.]<sup>557</sup>

Ўша йили хонлик бахти Мангу хоконга ўтди. Али Хожа ҳам ўзи қилган бўҳтонга учради. Уни ушлаб олиб шаҳар майдонига олиб келдилар, синмаган жойини қолдирмадилар. Уни ўлдирганларидан кейин хотин ва болаларини асир қилиб, уларга оғир кунларни яратдилар. “Ўзингга қилишларини хоҳламаган нарсани бошқа

бировга қилма” деган тақдирнинг яширин овози “қўлинг тўлди, оғзинг шишиб кетди” (деб айтди), *шеър:*

[Агар аввалгидаги духоба бўлса, уни сен тўқидинг. Ёки агар у тикон бўлса, уни ҳам сен экдинг]<sup>558</sup>

Бу борада пайғамбар (с.а.в.) шундай деб буюрадилар: “Ўлдирган бўлсанг, сен ҳам ўлдинг демақдир. Сени ўлдирган ҳам ўлдирилажак”. Яна *шеър:*

[Устида Аллоҳнинг қўли бўлмаган бирор қўл йўқдир, Зулмдан қутила олажак бирорта золим йўқдир]

Ақли узоқни кўра оладиган одамлар ёмонлик қилганлар ёмонлик кўражаклари ва яхшилик қилганларнинг эса бундан сабоқ олишларини билдилар. “Бахтли киши бошқаларнинг насиҳатини тинглаган одамдир”. *Шеър:*

[Азобланишда хаддан ошганлар уни қилган одамнинг бошига нималарни солишини бир билсалар эди. Лекин хаддан ошганлар ўз ишининг охирини ўйламайдилар.]<sup>559</sup>

Улуғ Аллоҳ бизларни букаби ёмон ишлардан ва бундай гуноҳлар қилишдан ўзи сақласин.

## XXXVII. КУЮКХОННИНГ ТАХТГА ЧИҚИШИ

Хоқон бу дунё билан видолашиб, хиёнаткор, бевафо дунёнинг неъматларини ташлаб кетишдан аввал ўгли Куюкка вақтни ўтказмай етиб келиш учун элчилар юборди. Бу хабарни эшитган Куюк дарҳол йўлга чиқди. Лекин кўп вақт ўтмасдан йўлда ажал келиб, унинг отаси билан кучоқлашиб, айрилик оловини ўт олдиришига монелик қилганини билди. Шундан сўнгра тезлигини янада ошириб, Имилга борди. У ерда Ўтаганнинг тахтни қўлга киритиш учун ҳаракат қила бошлаган хабарини олгач, ҳеч кечикмасдан отаси қароргоҳига кетди. Шу тарзда унинг келиши туфайли тахтга кўз тикканларнинг умидлари узилди. Сарой яқинида қароргоҳ қурилди. Аввалги одатларга кўра мамлакат бошқаруви онаси Тўрагана хотунга топширилганлиги учун бу борада ҳеч қандай зўравонлик қилмади. Хон сайлаш учун тўпланмоқчи бўлган қурултойга шахзодалар, султонлар, ҳукмдорларни чақиртириш учун мамлакатнинг

<sup>554</sup> Шоҳнома, Вуллсрс нашри, 1003; I, 734.

<sup>555</sup> Имил шаҳри – Имил дарёсининг соҳилида жойлашган бир шаҳар.

<sup>556</sup> Курони қарим, 12:65.

<sup>557</sup> Шоҳнома, 1277, II.99.

<sup>558</sup> Шоҳнома, Вуллсрс нашри, 122; I, 1042.

<sup>559</sup> Абу Ишок ал-Ғоззийнинг бир қасидасидан.

хамма томонига элчилар юборилди. Хабарни олган ҳар ким дарҳол пойтахтга қараб йўл олди. Ўша пайтда мавсум баҳор гўзалликлари билан кучоклашган, боғлар жаннатни унуттирган, ер юзи ҳар хил гул ва хуш ҳидли майсалар билан ўранган, аҳволларига шукур қилишлари учун барча куртақларнинг оғизлари очилган, кабутарлар севишиб бир-бирлари билан ҳидлашган, ажойиб овозли булбулларнинг ҳавода шу ғазални ўқиган мавсуми эди. *Шеър:*

[Баҳор киш чодирини саҳрога қурган эди. Бундай ҳолда сен ҳам ўз чодирингни саҳрога қуришинг шарт. Бошқа иш қилмасдан эрта-лабдан кечгача шароб ич, оқшомдан эрталабгача гул тўпла]

Шахзодалар ёрдамчилари ва қўшинлари билан келгач, уларнинг тартиб-интизомини кўрган дўстларининг кўзлари қувнади, душманларининг кўзлари тинди. Биринчи бўлиб кўпчилик қўшин билан келган Сурххўтанай Баки Хўтан ва ўғиллари билан, Элчитой, подшоҳ амакилари, Чиғатой саройидан қоро, Ясу<sup>560</sup>, Бурий<sup>561</sup>, Бойдор<sup>562</sup>, Ясун Тўко<sup>563</sup>, унинг ўғлидан бўлган неваралари билан бошқа қариндошлари, Соксин ва Булғор томонидан Ботунинг ўрнига катта укалари Шибон, Барка, Баркача ва Тўко Темур келдилар. Мамлакатнинг хамма томонидан келган муҳим аҳамиятли бўлган нўёнлар, амирлар ўзлари тобе бўлган шахзодаларнинг ёнларидан жой эгалладилар. Хитой томонидан амирлар ва юксак мартабали маъмурлар, Мовароуннаҳр ва Туркистондан амир Масъудбек билан ўша ўлканинг кўзга кўринган таниқли одамлари, амир Арғун ҳамроҳлигида Хуросон, Ирок, Лор (Лўр), Озарбойжон ва Ширвоннинг машҳур одамлари, Анадўлидан Султон Рукниддин<sup>564</sup> ва Таквур Султоний, Туркистондан Султон Бадриддин Лулуниг<sup>565</sup> хотини, Бағдод доруссаломдан Бошқози Фахриддин, Арзирум султони<sup>566</sup> ва Оврўпа элчилари, Кирмон ва Форсдан бошқарувчилар, Оламутдан Алоуддин<sup>567</sup> ва Қўхистондан

<sup>560</sup> Ясу Мангу (Ясу Мунга) – Чиғатойнинг бешинчи ўғли.

<sup>561</sup> Бурий – Матикеннинг иккинчи ўғли.

<sup>562</sup> Бойдор – Чиғатойнинг олтинчи ўғли.

<sup>563</sup> Ясун Тўко – Ясун “тўққиз” ва “токо” маъносини билдиради. Матикеннинг учинчи ўғли.

<sup>564</sup> Султон Рукниддин Қилич Арслон IV (1257-1265).

<sup>565</sup> Султон Бадриддин Лулу (1233-1265).

<sup>566</sup> Бу бир тарихий ҳодиса бўлиб, Арзирум волийси салжукли Рукниддин Жаҳоншоҳ Жалолиддин Хоразмшоҳдан енгилганидан сўнг ўлдирилди (1230) ва ўша саналан эътиборан Арзирум Алоуддин Кайкубод I нинг ерларидан ажратилди.

<sup>567</sup> Алоуддин – Исмоилийлар бошқарувчиси Муҳаммад III (1221-1255). ва Қўхистондан Шаҳобиддин ва Шамсиддин билан ўша ўлкалар катталари қолдилар.

Шаҳобиддин ва Шамсиддин билан ўша ўлкалар катталари қолдилар. Келган ҳайъатлар ҳоконга шохона ҳадялар тақдим қилдилар. Шундай тарзда келганлар учун икки мингтача чодир қурдилар. Тужжорлар, савдогарлар шарқда ва ғарбда тайёрланган энг гўзал нарсаларни у ерга олиб бордилар. Мамлакат ичкарисидан ва ташқарисидан келганлар томонидан у ерда ҳозиргача мисли кўрилмаган ва эшитилмаган катта бир қурилгой юзага келди. Чексиз водий одамларга ва ҳайвонларга торлик қилди. Сарой атрофида одам жойлашадиган жой қолмади. У ерга кириш-чиқиш жуда қийинлашди. *Шеър:*

[Чодирлар – эркак ва хотунлар чодирдан текис водийда бўш жой қолмади]<sup>568</sup>

Еб-ичадиган нарсалар ниҳоят даражада қимматлашиб кетди. Ҳатто ҳайвонларга ўт топиб беришда қийинчиликка дуч келинди. Таниқли шахзодалар йиғилишиб, мамлакат бошқаруви ҳоконнинг ўғилларидан бирига топширилиши ҳақида бир тўхтамга келдилар. Хўтан ҳам отаси уни муносиб кўрганлигини айтиб, хонликка бўлган ҳавасини тилга олди. Ораларидан бир қисми “Сирамуннинг<sup>569</sup> ёши катта бўлганида эди, хон бўлишига энг лойиқ киши бўларди”, – деган қарашларни илгари сурди. Лекин ҳоконнинг ўғилларидан Куюк ақлли, билимдон ва йигитлиги билан машҳур бўлган, ўғиллардан каттаси бўлиб, дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган тажрибали бир одам эди, Сирамун эса ёши кичик эди. Орада Куюк қолаётган эди. Онаси Тўрагана хотун Куюкнинг тарафини олаётган эди. Баки ва ўғиллари нўёнлар Куюкка тарафдор эканлигини билдирди. Шунга қарамасдан Куюк одат бўлганидек, хонлик борасида ўзини гўё хохиши йўқдек тутарди, бошқалар бу ишни ўзидан кўра янада яхшироқ бажара олишларини айтиб турарди. Сўнггида шомон маросимлари олиб борадиган бир кишини сайлаб, шахзодалар бир жойга тўпландилар. Тантанали маросимда иштирок қилганлар қалноқлари, камарларини ечдилар. Иккита шахзода қўлларидан тутиб, уни подшоҳлик тахтига ўтказди ва бир қадах шароб тақдим қилди. Шундан сўнг ичкари ва ташқарида ҳозир бўлганлар уч мартаба тиз чўкиб, унга Куюкхон номини бердилар. Одат бўлганидек, шахзодалар бу амални ҳужжат билан тасдиқладилар. Кейин Куюкхон

<sup>568</sup> Шохнома, Виллер нашри, 474; I. 652.

<sup>569</sup> Сирамун ёки Ширамун – мўғуллар Сулаймон ўрнида ишлатадиган сўз. Бу шахс ўқтойнинг иккинчи ўғли Қўшунинг тўнғичидир.



кетидан ташқарига чикиб, куёшнинг қаршисида уч марта тиз чўкдилар.

Қайтадан яна ичкарига қайтиб киргач, Куюкхон ўз тахтига ўтирди. Унинг ўнг томонида шахзодалар, чап томонида гўзалликда тенги йўқ аёллар ўз жойларини эгалладилар. Сўнгра ой юзли, сарв бўйли, қизгиш ёноқли, гунча оғизли, майда тишли шарбатдорлар хизмат камарларини тақиб, у кун шарафига оқшомгача пенша-пенш кимиз ва шароб тақдим қилдилар. *Шеър:*

[Агар у Юсуфнинг ўрнида бўлганида эди, аёллар қўллари эмас, эркаклар юраклари кесиларди]

*Шеър:*

[Зоҳидлар ҳатто уларнинг гўзал юзларини кўрган пайтда уларнинг кучокларига ўзларини отишдан тия олмаслар]

*Шеър:*

[Кўпиклар қадахлардаги шароблар устида ва атрофида ўйнай бошлагач, қизил шароб ичида марварид кўряпман деб ҳисоблайсан]

Порлоқ Зухро юлдузи мовий осмон куббасининг устида кайф-сафо мажлисини кузатиб турди. Ой ва қутб юлдузи мажлисдаги гўзалларни кўргач, ўзларининг хунукликларини яширишни истадилар. Ашулачилар кўшиқ айта бошладилар, у ердагилар завқ ва хурсандчилик қилишга берилган эдилар. Мана шундай тарзда ярим тунгача шароб қадахлари тўлиб, бўшади. Подшоҳ хузурда бўлган шахзодалар, *шеър:*

[Найнинг жўрлигида кўшиқ куйлаган ёқимли овозли гўзаллар подшоҳ олдида оёқда турдилар. Бундай тарзда тун ярмисига қадар ҳамма шароб ичди. Ашулачилар оғизларини намламадилар]<sup>570</sup>

Сархуш бўлдилар, ётиб дам олиш учун хоналарига кетаётганларида дунё подшоҳига ҳамду саноларга тўла гаплар айтдилар. Тонг отиб, ўрталик ойдин бўлгач, *шеър:*

[Охирида тонг бошини чиқарди, қоронғилик этагини йиғиштириб кетди]

Шахзодалар, нўёнлар ва бошқа барча халқ, *шеър:*

[Чоғиб подшоҳ саройига, унинг яхшилиги учун дуо қилишга келдилар]<sup>571</sup>

Куёшнинг порлоқ байроғи мовий осмон куббаси киррасига ўрнатилгач, жаҳон подшоҳи уйқудан уйғониб хонасидан чиқди.

*Шеър:*

[Подшоҳга махсус тилла ишловли либосларини ва бошига буюклик тожини кийдирди]<sup>572</sup>

У буюк бир ҳашамат билан саройдаги ўз тахтига ўтирди. *Шеър:*

[Соллона-соллона у ҳарамдан чиқди, орқасида хизматчилар турардилар]<sup>573</sup>

Қсйин давлат катталари ва халқадагиларга хон хузурига киришга рухсат берилди. Ҳар ким ўзига ажратилган жойни эгаллади.

*Шеър:*

[Жаҳон подшоҳига мана шу гаплар билан дуо қила бошладилар: Бахтинг оғоҳ ва қалбинг очиқ бўлсин. Бутун дунё сенинг оёқларинг остида қолсин. Умринг бўйи жойинг тахтинг усти бўлсин]<sup>574</sup>

Хотинлар ва гўзал аёллар у ерда ҳозир бўлганларга шароб қадахларини тақдим қилдилар. *Шеър:*

[Сенинг яноқларингни қутладим. Тўғриси, гулга бир гул, олмага ҳам бир олма билан жавоб бердим]

Ҳаммаёқ шимол рўзғоридек сокинлашгач, давлат катталари, ўғиллари, аёллар ва қизлар кечалари осмондаги юлдузлар каби порлаган олгин ва кумушлар қўшиб тикилган либосларни кийдилар. Шароб қадахларидан қултумлаб, юзларини завқ ва сафо, вақтичоғлик мажлисига бурдилар. Кўзларини чиройли аёлларга, қуллоқларини эса уларнинг куйлаган кўшиқлари томон бурдилар. Қалблар бахтиёрлик ва нашъадан тўлиб тошди. “Бошларида ичган шаробининг берган кайфи, қўлларида эса севгилисининг зулфи бор эди”. Ўша куни ва уни тақиб қилган етти кеча ва етти кундузни мана шундай тарзда завқ ва вақтичоғлик билан ўтказдилар. *Шеър:*

[Бу оҳу боласининг қўллари сознинг симлари, соғинч тўла оҳангли овозларига илҳом беради]

Завқ-шавқ ва вақтичоғлик ниҳоясига етгач, янги подшоҳ эски ва янги хазиналар эшикларини очишларига буйруқ берди. Хазинадаги мавжуд жавоҳиру дурлар, олгин-кумушлар ва газламаларни уларнинг турларига қараб ажратиб, халққа тақсимлаб беришни қурултой ҳурматли кишиларидан ҳисобланган Сўрхўтан Бакига топши-

<sup>570</sup> Шоҳнома, Вуллерс нашри, 472; II, 6234.

<sup>571</sup> Ўша асар, 465; I, 504.

<sup>572</sup> Ўша асар, 1648; I, 2669.

<sup>573</sup> Ўша асар, 620; IV, 1645.

<sup>574</sup> Ўша асар, 470; II, 574.

рилди. Аввал Чингизхон наслидан бўлган аёлу эркакларга ўз улушлари берилганидан сўнгра навбат уларнинг хизматида юрганларга келди. Кейин навбаги билан нўёнларга, туман, олой (полк), булук (эскадрон) ва манго (бўлинма) кўмондонларига ва уларнинг ёрдамчиларига, энг сўнгида султонлар, маликалар, котиблар, давлат маъмурлари ва уларнинг одамларига маъкул кўрилган улушлар берилди. Қисқа қилиб айтганда, у ерда ҳозир бўлганлар ўз маънаси ва мақомига кўра насибасини олди. Бу ишлар бажариб бўлингач, навбат давлат ва мамлакат масалаларига гал келди. Аввал Ўтаганнинг ишини кўриб чиқдилар. Бу масала устида узоқ вақт тўхталишни маъкул кўрдилар. Жуда муҳимлиги ва сир тутилиши керак бўлган бир иш эканлиги туфайли у сирни фох қилиб кўяр, деган андиша билан бегона одамнинг эмас, балки Мангу ва Хўрдунинг сўраб-суриштиришига келишдилар. Сўраб-суриштириш ишлари тугагач, қонунларга таяниб, Ўтаган амирларидан бир қисмининг ишларини тўхтатдилар. Бундан бошқа амирларни ўзларича журъат қила олмаган баъзи ишларига қарор қилдилар.

Ўша пайтда ҳокон ортидан Чиғатой ҳаётдан кўз юмди. У валиахд сифатида невараси Қора ўғулни қолдиргач, ўғли Ясу овозини ҳам чиқармади. Лекин Ясу билан муносабати яхши бўлган Куюкхон “Ўз ўғли турганида қандай қилиб, невараси валиахд бўлаолди?” – деб бунга қарши чиқди. Аввал Ҳокон ва Чиғатойга валиахд ўлароқ сайланган Қораўғулни Куюкхон ўз мақомидан узоқлаштириб, унинг ўрнини Ясуга берди ва уни қўллаб-қувватлади. Ҳокон замонида қонунларга зид ўлароқ ваколатга эга бўлган бир қанча шахзодаларнинг ортикча ваколатлари ҳам бекор қилинди. Қонунсиз иш қилган шахзодалар бу ҳолат олдида уялиб, бошлари эгик ҳолда юрдилар. Яқинлари уларнинг аввал эришган ёрлик ва мартабаларини олдиларига қўйиб, “номаи аъмолингни ўқи”, – деб уларни мазах қила бошладилар.

Уларнинг ёнида Баки<sup>575</sup> ва ўчиллари бошларини тик тутган ҳолда юрардилар. Чунки ҳеч ким уларнинг қонунларга хилоф бўлган хатти-ҳаракатини ҳам кўрмаган эди. Куюкхон доимо уларни намуна қилиб кўрсатиб, улар бошқаларга нисбатан қонунларга ҳурматли эканликларини айтарди. Куюкнинг тахтга ўтирар-ўтирмасданоқ қилган ишларидан бири отаси чиқарган қонунлар амалда бў-

<sup>575</sup> *Сурххўтон* (ёки *Сурххўтоний*) *Баки* – Баки-киролича маъносини билдиради. Бу аёл Мангу ҳокон, Хулогухон, Хубилойхон ва Урук Буканинг онасидир.

лиши ва унинг ўзгартирили олинмаслиги, отаси чиқарган, муҳр босилган фармонлари ўз муҳри ва имзоси бўлмаса ҳам уларнинг етарли кучга эга эканлиги ҳақида бир қонун чиқарган бўлди. Бу масалалар ҳал қилингандан сўнгра Куюкхон кўшин аҳволи ва сафарга юбориладиган аскарлар ҳақида маълумот олди. Хитойда Манзийнинг исён кўтарганлигини эшитгач, у ерни фатҳ қилиш учун амирларига катта кўшин бериб, Субутой баҳодир билан Чагон нўёнга<sup>576</sup> ушбу вазифани топширди. Тангут ва Сулангой томонларга ҳам бир кўшин юборди. Бундан ташқари ғарбга Элчиғатой<sup>577</sup> кўмондонлигида катта бир кўшин йўллади. Шахсан ўзи бошқармоқчи бўлган бир кўшин учун ҳар бир шахзода аскарларидан ўндан иккисини олганидан бошқа уларнинг ўлкаларда қурол ушлашга ярайдиган ҳалқнинг ҳам аскарликка чақирилиши, лекин тожиклардан тўпланган аскар борасида ўндан икки нисбатига риоя қилмасликлари мумкинлигини таъкидлади. Аввал ҳам айтиб ўганимиздек, Элчиғатойга кўшинни бошқаруви ёнида Рум, Туркистон, Ҳалаб, Мўсул ва Диёрбакр ўлкаларини бошқариш ваколати ҳам берилган эди. Элчиғатой ва аскарлари сарф-ҳаражатлари билан ўша ўлкаларни таъминлашига қарор қилдилар. Хитой, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Амир Масъуднинг бошқаруви остида бўлган жойлар идораси соҳиби Аъзам Ялавочга топширилди. Ироқ, Озарбойжон, Ширвон, Лўр, Кирмон, Форс ва Ҳиндистон ўлкаларини бошқаришни амир Арғунга топширди. Бундан ташқари бу кўмондонларнинг қўл остида бўлган амир ва маликалар, ҳукмдорларга ҳам нишон, белги ва гувоҳномалар ҳамда подшоҳ ёрликлари бериб, уларнинг зиммасига муҳим вазифалар юкланди.

Рум бошқарувини катта укасини хизмат вазифасидан олиб ташлаб<sup>578</sup>, унинг ўрнига қурултойда ҳозир бўлган, Султон Рукниддинни тайинлади. Қиз Маликнинг<sup>579</sup> ўғли Довудни нариги Довуднинг ам-

<sup>576</sup> *Чагон* – бу сўз мўғул тилида “фил” маносини билдиради. Чагон аслида тонгутлик бўлиб, ўн беш ёшга тўлгач, Чиғатой томонидан фарзанд қилиб олинган ва унинг бешинчи ўғли ҳисобланган эди. Аввал Чингизхон томонидан туман кўмондони қилиб тайинланган, жангда кўрсатган юксак даражадаги муваффиқатлари туфайли Ўктой томонидан Хитой ва Шимолий Чин сафарларида мўғул кўшинлари бош кўмондони қилиб, кейинчалик Хитой волийлиги вазифасига тайинланган эди.

<sup>577</sup> *Алчиғатой* (ёки *Элчиғатой*). Бу исм ҳақида қаранг: Pelliot. Les mongolset la Papauté, s. 116, 171; Луис IX га элчи юборган тагарлар подшоҳи.

<sup>578</sup> *Катта укаси* – Иззиддин Кайковус, II (1245-1257).

<sup>579</sup> *Қиз Малик* – ҳукмдорнинг кизи ёки хотини маъносини билдиради.

рида хизматга қўйди. Булардан бошқа Таковур ва Ҳалаб султонлари ва элчиларига подшоҳ ёрликларини берди.

Жўрмагун ва ўгли Сирамун<sup>580</sup> Халифани зиёфатда Куюкка ёмонлаганликларидан сўнг Халифанинг юборган элчиси ёрлигини олиб, унга оғир ботадиган бир мактуб ёзди. Оламути элчиларини улар олиб келган мактубга жуда каттиқ бир жавоб хати ёзиб, хузуридан қувиб юборди. Бу барча муҳим ишлар қилинганидан, шахзодалар, подшоҳга хурматлари ва тобеликларини билдирадиган гапларини айтганларидан сўнгра ўз жойларига қайтиб, Куюкхон фармонидан огоҳлантирилганча қўшин тайёрлаш ва уларга қўмондон тайинлаш ишларига қўйдилар. Куюкхоннинг тахтга чиқиши ҳақидаги хабар дунёнинг ҳамма томонига ёйилгач, унинг каттиқ-қўллиги ва жазолаш борасида ошириб юборишини билган душманлари ҳали улар устига келмасданок кўркувдан титрай бошладилар.

*Шеър:*

[Кўрқитишининг душман олдидан буюк бир қўшиндир, ҳайбатинг эса қўшин атрофидаги мустаҳкам бир қалъадир]<sup>581</sup>

Унинг хулқи, феъл-атворини билган муҳолифлари ҳайбати ва қуввати кўркувидан “Ерда бир ерости йўли ёки осмонга узанган бир нарвон” изладилар. *Шеър:*

[Дунёда сенинг номингни эшитгач, кўрқанидан, руҳий азобдан, жабру жафодан ёки яширин тарзда изтироб чекмаган, титрамаган биронга душманни кўрмайман]

Куюк яқинлари, давлат улуғлари ёки сарой хизматчиларидан ҳеч бири унинг фикрларига қарши фикр билдиришга, ундан бирон нарса исташга ёки фикрини изоҳлашга журъат қила олмасди. Фақат бунга жуда яқинлари ва дўстлари, суҳбатдошларигина журъат қила оларди. Болалигидан бери хизматида бўлган ва огабекунвонини бериб қўйган Нўв Кўдок<sup>582</sup> самимий бир насроний эди ва подшоҳга сўзи ўтарди, унинг нозини ҳам подшоҳ кўтарарди. Бошқа бир яқин одами Чинқой бўлиб, унинг ҳам насроний бўлганлиги сабабли Куюк монахлар, роҳиблар ва насронийларга эътибор ва ёрдам кўрсатди. Бу хабар ҳамма томонга ёйилгач, Сурия, Рум, Бағдод, Ас (Ос)<sup>583</sup> ва Рус ўлкаларидан роҳиблар подшоҳ хузурига шошилдилар. Куюк бошда табиблар бўлгани ҳолда бир қанча насронийларга

саройдан жой берди. Кўдак ва Чинқойга яқин бўлганлиги сабабли Муҳаммад (с.а.в.) динига эътибор бермади. Касалланиб қолгач, мамлакат ишларини Кўдак ва Чинқой қўлларига топширди. Насронийларнинг табобат иши муваффақиятли юришиб кета бошлади. Ҳеч бир мусулмон насронийга қарши очикча гапира олмас эди.

Куюкхон сахийлик борасида отасидан ўзиб кетиш учун кўп ғайрат сарф қилди. Савдогарлар томонидан олиб келинган молларни уларнинг хоҳлаган нархларида сотиб олди, ҳеч кимни моллари сотилмасдан қолиб кетган ҳолда қайтариб юбормади. Баъзан бир кунда қилган савдоси етмишминг ҳамён пулдан ортик бўларди. “Кимнинг қанча моли бор бўлса олиб келсин”, – деб теварак атрофидаги мамлакатларга ёзилган мактублар натижасида шарқдан, ғарбдан, Хитой ва Румдан келган молларни чиққан жойлари ва турларига қараб тўплардилар. Бир кун давлатнинг машхур, таниқли афсунгари хазинада йиғилган молларнинг кўчирилиши жуда қийин бўлаётгани ҳақида хабар берганидан кейин ўша молларнинг ҳимоя қилиниши фойдасиз бир иш бўлажagini гапириб, уларни аскарлар ва у ердаги халққа тарқатилишига фармон берилди. Хазинадаги моллар тақсим қилиниши бир қанча кунларга чўзилди. Мамлакат ҳеч бир жойида ундан ўз улушини олмаган бирор кимса қолмади. Шунчалик кўп тарқатишларига қарамасдан, моллар 3 дан икки қисми ортиб қолди. Бир куни Куюкхон хазинанинг олдидан ўтиб кетаётган, у ерда кўп молларни кўргач, “Мен молларни халққа тарқатишингизни буюрган эдим”, деб “Булар тарқатгандан ортиб қолганлари” деган жавобни олгач, “Буларни ҳам тарқат” дея фармон берди. Аввал ҳаддан ортиқ кўп олганлар бу сафар ҳам кўтара олганларичалик моллар олдилар. Куюкхон кишни Қорақурумда ўтказди. Янги йил келиб<sup>584</sup> дунё кишининг совуғидан қутилгач, кунлар исий бошлади ва ер юзи рангли либослар билан кийинди. Дарахтлар илдизларига сув келди. Илик шамоллар эса бошлади. Ҳаво маҳбубанинг юзи каби гўзаллашди. Гул боғлар аёлларнинг яноқларидек қизарди. Қушлар ва ҳайвонлар жуфтларини топдилар. Севишганлар куз келмасиданок бу кунлар кадрига стиб, уйқусиз ҳолда ҳеч кимдан кўрқмасдан манабу байтларни айтдилар. *Шеър:*

[Эй исмини уялтирган гўзаллар, тур ўрнингдан эрталабгача ишрат қилайлик, гул боғнинг гул яноғидан гуллар тўплайлик, буғдой рангли дилбарлар шароб рангли дудоклари устида шароб ичайлик]

<sup>580</sup> Сирамун – Буни Ўқтойнинг қатга ўғли билан адаштирмаслик лозим.

<sup>581</sup> Шохнома, Вуллери нашри, 1637; II, 2492.

<sup>582</sup> Нўв Кўдак – Муғул давлатининг бош ҳаками.

<sup>583</sup> Ёки аланлар – бугунги осетинларнинг ота-боболари.

<sup>584</sup> 1247 йил.

Куюкхон ёзги қароргоҳига кетмоқ учун Қорақурумдан чикиб кетди. Йўли устида кўрган факирларга пул ва газламалар тарқатди. Боришни истаган Бешбалиққа, бир ҳафталик йўл узоқлигида бўлган Самарқандга боргач, ўлимининг вақт-соати етиб келди<sup>585</sup>. Ажал унинг ўша ердан бир қадам ҳам илгари юришга имкон бермади. Жафокор фалакнинг ўйини туфайли умидлари барбод бўлди. Унинг шунчалик буюклиги ва дабдабаси, кўшинининг кўплиги ўлимига монелик қила олмади. Дунёда ҳар куни бир турли воқеа-ҳодисалар рўй бераётганда одамлар бундан сабоқ олишлари керак, аксинча, уларнинг очкўзлиги ва ҳирсининг ортиб бориши ҳайратланадиган даражадаги ҳолдир. *Шеър:*

[Дунё ҳар куни агар кўнглингни менга боғламасанг яхши қиласан, дейди. Сен бу тилсиз насихатчининг насихатини тингламайсан. У вафосиздан нима деб вафо кутасан? У Искандарни ҳатто жонсиз таппаб кетди. Сенинг жуда севганинг Дорони мамлакатсиз қилиб қўймадими, бу қари, ўзи истаганидек ҳаракат қиладиган фалак қандай ўйинлар қилаётганини кўрмайсанми?]

### XXXVIII. ЎГИЛ ГАЙМИШ ХОТУН<sup>586</sup> ВА ЎГИЛЛАРИ

Тирик жонларнинг биронтаси ҳеч қачон қочиб қутула олмайдиган воқеа Куюкхон бошига тушгач, мўғуллар одатига кўра зарур йўллар ёпилди. Хоҳ бирор жойда, хоҳ вайронада бўлсин маъмурнинг янги бир буйруққа қадар турган жойида қолиши ҳақида қонун чиқарилди.

Ўғил Гаймиш хотун ўлим азоби оташи сўна бошлаган пайтда вазиятни билдириш учун Сурххўтан Баки билан Ботуга элчилар юборди. Подшоҳ яқинлари билан гаплашиб маслаҳатлашгач, Куюкхон аввалги қароргоҳи бўлган Кўбак ёки Имил шаҳарларидан бирига кетишга қарор қилди. Имилни афзал кўриб тўғри у ёққа қараб йўлга чиқди. Ўша пайтда Сурххўтан Бакининг одат бўлганидек, унга тасалли бериш учун ҳадялар ва газламалар юборди. Боту

<sup>585</sup> Тарихчилар Куюкхон ўлган вақти сифатида 1248 йил 27 март ёки 24 апрелни кўрсатадилар. Бу ҳақида қаранг: Pelliot, ўша асар. Б.195-196.

<sup>586</sup> *Уғил Гаймиш* – асли маркитли бўлган бу хотин Куюкхоннинг хотини, Хожа ва Ноқунинг онасидир (Жомеъу-т-таварих, Блоше нашри. Б.228).

ҳам шундай равишда ҳаракат қилиб, бутун қарорлари бўйича уни қўллаб-қувватлашини айтиб, уни жасоратлангирди ва мамлакат ишларини оқсатмасдан бошқаришини истади. Сўнгра минадиган ҳайвонлар ҳолсиз эканлигини айтиб, Алакамакда<sup>587</sup> тунаб қолиш учун тўхтади. Барча шахзодалар, амирларни ўша ерга чақиртирди. Улар ҳозир бўладиган йиғилишда мамлакат ишлари издан чикиб кетмаслиги учун хонликнинг Бакига берилиши ҳақида улар билан маслаҳатлашини истаётган эди. Мажлисга Хожа, Ноку ва Кўдак ҳам чақирилди.

Хожа билан Ноку Алакамакда бўлган Боту ҳузурига бориш учун йўлга чиқди. Куюкхон даврида оёғини фалакнинг бошига қўяжак даражада юксалган бу тез юксалиш берган кибр ва ғурури билан катта одамларга ярашмайдиган, ҳатто энг аҳмоқ кишилар ҳам айтмайдиган гапларини Боту ҳақида айтганлиги учун Кўдак қилган ёмонликлари ва айтган гаплари натижаларидан хавфсираб, давлат хизматидан кетди. Бетоб эканлигини рўқач қилиб, таклиф қилинган жойга келмади. Бир неча марта элчи келган бўлса ҳам ўз қарорида қатъий туриб олди. Ўғил Гаймиш ва ўғиллари ҳам унинг кетишига рози бўлдилар ва уни ўз ҳолига қўйдилар.

Хожа билан Ноку Боту ҳузурига боргач, у ерда икки-уч кундан ортик қолмади. Юлдуз фоли орқали ишора бўлганини сабаб қилиб, бошқа шахзодалар келмасиданок у ердан кетдилар. Кетишларидан аввал Темур нўённи ўз вакили сифатида қолдирдилар ва унга кўп нарсалар ҳақида фикр билдириш, ёзиш ва имзо қўйишни топширдилар. Шахзодалар кўпчилиги одил Мангу хокон тахтга чиқишига рози эканини билдирганлиги учун Темур нўён ҳам ўшандай ёзма фикр берди. Алакамакда тўпланган шахзодалардан Боту қурултойда янги бир хон сайлангунга қадар мамлакат бошқарувини Ўғул Гаймиш ва ўғиллари Хожа ва Ноку ихтиёрларига топширишга қарор қилдилар ва Ўғул Гаймиш билан унинг ўғилларига элчилар юбориб, аввалдан подшоҳнинг хизматида муҳим аҳамиятли вазифаларни муваффақият билан бажариб келаётган Чинқойнинг подшоҳ сайлангунгача мамлакат бошқаруви ишларида уларга ёрдамчи бўлиши ва фармон ёзиш вазифасини бажаришни тавсия қилдилар. Шундан сўнгра шахзодалар қурултой тайёргарликларини бошлаш учун қароргоҳларига қайтиб кетдилар. Темур ҳам у ердан кетиб,

<sup>587</sup> Алакамак ёки Алакавак – Кояликка бир ҳафталик йўл бўлиб, Иссиққул билан Или дарёсининг орасидаги Олатов тоғларидаги жой.



Хожа билан Ноку ёнига бориб шаҳзодалар Мангуни тахтга ўтириши ҳақида бир хил фикрда эканлигини билдириш учун келди. Улар ўзлари вакил қилган Темур нўённинг имзосини тан олмай, Мангу хоқон ўтадиган йўлига тузук қуриб, уни ўлдиришга қарор қилдилар. Лекин хоқоннинг бахти очиқ бўлганидан у тузук қуриладиган жойдан бир неча кун аввал ўтиб кетган эди. Фурсатни бой берса ҳам Хожа ва Ноку хоқонни ўлдириш фикрини ақлидан чиқариб ташламади. Бу орада шаҳзодалар томонидан хон вакили сифатида ишлаб туриш топширилган бўлишига қарамасдан Хожа билан Ноку тужжорлардан мол олиш ва шаҳар, кишлокларга солиқчиларни юбориб, солиқ йиғишдан бошқа иш қилмаётган эдилар. Гаймиш бутун кунни шомонлар билан ўтказар, уларнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган гаплари бўйича ҳаракат қиларди. Хожа ва Ноку ҳам оналаридан алоҳида иш кўрарди. Шу тарзда бошқарувда уч киши бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз билганича қарор қабул қилардилар. Бундан ташқари шаҳзодалар ва давлат катталари ишларни ўзлари билганидек идора қилаётган эдилар. Гаймиш ва ўғиллари орасидаги англашилмовчиликлар, уларнинг қариндошлари билан курашлари мамлакат ишларининг бузилишига ва муҳим қарорларнинг чиқмай қолишига сабаб бўлди. Амир Чинкой ҳам ўз хизмат вазифасини бажара олмайдиган ҳолга келди. Панд-насихатлар Хожа ва Ноку кулоқларига кирмас, улар ўзлари билан овора бўлиб, тўғри гапирганларга қулоқ солмасди. *Шеър:*

[Ақл эгаларининг қаршисида ожиз қолган икки нарса бордир: Аёлларнинг ўй-фикрлари ва болаларнинг истақлари. Аёллар ўз хоҳишларига кўра ҳаракат қиладилар, болалар эса тизгинсиз тарзда чопадилар]

Яна кейинроқ Ўғул Гаймиш ва ўғиллари Ботуга элчи юбориб тахтдан воз кечмаслиги ва бошқа бир шаҳзода хон сифатида қабул қилмаслигини билдирди. *Шеър:*

[Аввалдан қабул қилинган тақдирга қарши йиғлашнинг нима фойдаси бор? Аллоҳ ҳукм қилган бир нарсасига қарши титраб, қакшаб йиғлашдан нима маъно бор? Муҳаққақ ҳоким ўзи келадиган жойига келажакдир]<sup>588</sup>

Улар Ясунинг ҳам ёрдами билан ўнг ва чапга, у ёқ, бу ёққа хабарлар юбориб, хонлик талабида бўлдилар. Баки билан Боту уларга элчилар юбориб, қурулғойда иштирок этишлари, каттаю-

<sup>588</sup> Сомонийлар даври шоирларидан Ҳусайн б. Али Марворид шеъри.

кичик ҳамма шаҳзодалар тўпланадиган ўша қурулғойда барча истақларини баён қилишлари, Мангунинг хон бўлиши уларнинг ҳам ишларига фойда келтиришини айтдилар. Бу ишга болалар кўзи билан қараган ва давр тажрибаларидан сабоқ олмаган Хожа билан Ноку ўз қарашларида туриб олдилар. Кўдак аввал Боту ҳақида номуносиб гаплар айтгани учун Ботунинг кулоғига етиб боришидан кўрқиб, улар билан ишда ҳамкорлик қилди. Қурулғойнинг вақт ўтказмасдан ўтказилиши хабарини олиб келган элчиларга жавоб бермасдан ишни янада оғирлаштирди.

Охирида ҳамма шаҳзодалар йиғилишиб, уларни кутаётганлиги ҳақида хабар берилгач, Ноку йўлга чиқди, унинг орқасидан Хожа, кейин эса Гаймиш ҳаракат қилди. Бу воқеалар барчаси ҳақида Мангу хоқон тахтга чиқишини ёзаётганда ҳикоя қиламиз. Уларнинг бу манманлиги ва ўйсиз ҳаракатлари шу каби муаммоларни юзага келтирди. Ҳатто ақлли одамлар ҳам уларни ёқлашга ожизлик қилдилар.

### XXXIX. ЖЎЖИНИНГ ЎЛИМИ ВА УНИНГ ЎРНИГА БОТУНИНГ<sup>589</sup> ТАХТГА ЧИҚИШИ

Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи отаси ёнидан қайтиб келаётганда вафот этди, ҳаммаси ҳам бир-биридан қобилиятли ва яхши улғайган Бўғал, Хўрду, Боту, Сибакан, Тангут, Барка ва Баркажар исмли етгита ўғлидан Боту отаси ўрнига мамлакатлар ҳокими бўлди. Ўктойхон тахтга ўтирганидан кейин Боту мамлакатхудоудлари саналган Қинчоқнинг бир қисмини, Олон, Ос, Рус, Булғор, Макас<sup>590</sup> ва яна бир қанча ўлкаларни ўз ерларига қўшиб олди. Кўп вақт чодирини қурдириб ўтиришниёқтирган ва Идилдаги<sup>591</sup> бир жойда яшайдиган Сарой<sup>592</sup> номли бир шаҳар қурди. Бутун мамлакатда сўзи ўтадиган ва ҳурматли бир киши ҳолига келди. Тангрини атамайдиган биродам бўлганлиги туфайли ҳеч бир динга берилмасди ва диний айирмачиликка йўл қўйган мамлакат подшоҳларига ҳадялар бермас ва уларнинг совға-саломларини хазинасига ки-

<sup>590</sup> Макас ёки *Magat* – олонлар ёки осетлар пойтахти (қаранг: Минурский, Caucasia III, 232, 238).

<sup>591</sup> *Идил* – Каспий денгизига қуйиладиган Волга дарёсининг бошқа бир номи.

<sup>592</sup> Сарой – Волга дарёси соҳилида Астрахандан 65 мил узоқликдаги бир шаҳар. Қаранг: Вернадский, ўша асар. Б. 141-153; Spuler, ўша асар. Б. 266-268.

ритмасди, ўша ерда ҳозир бўлган мўғул, Муслмон ҳаммага баравар тарқатар, чет мамлакатлар савдогарлари юборган ҳамма молларни олар, уларга ортиғи билан ҳақ тўларди. Рум, Сурия ва бошқа мамлакат султонларига имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги ёрлиқлар берилди. Унинг ҳузурига келган ҳамма ўз истақларига эришган ҳолда унинг даргоҳидан кетарди.

Куюкхон тахтга ўтиргач, Боту унинг даъватига кўра йўлга чиқди. Алакамаккабориб, Куюкхон вафот этганлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, ўша ерда қолди ва шу атрофдаги шахзодаларни ёнига чақиртирди. Улар келгач, ҳаммаси бирга Мангу хоқонни тахтга чиқаришни режалаштирдилар (буларни Мангу хоқон бўлимида ҳикоя қиламиз).

Сўнгра Боту у ердан яна ўзининг қароргоҳига қайтиб кетди. Қунларининг кўп қисмини завқ ва сафо ичида ўтказди. Ён-атроф ўлкалардаги қариндошларининг аскарга бўлган истақларини қондирди. 635 (1255) йилда Мангу хоқон қурултойга тақлифини олгач, насроний ўғли бўлган Сартакни юборди. Сартак қурултойга етиб бормасданок, Боту бу дунёни тарк этди<sup>593</sup>.

Сартак қароргоҳига бормасданок отасининг кетидан нариги дунёга равона бўлди. Мангухоқон ўлим хабарини эшитар-эшитмас амирлариданбирини унинг ҳузурига юбориб, таъзия билдирди, Ботунинг ўрнига унинг катта хотини Бўроктиннинг ўтириши, Сартакнинг кичик ўғли Улоқчининг эса улғайгач, отасининг ўрнини эгаллайдиган тарзда тарбиялаб вояга етиштиришни буюрди. Лекин тақдир Мангу билан бир хил фикрда эмас эди. Ундан бир оз сўнгра Улоқчи ҳам бу дунёни тарк этди.

## XL. БУЛҒОР<sup>594</sup>, ОС ВА РУС ЎЛКАЛАРИ ФАТҲИ

Ўқтой хоқон иккинчи қурултойда хануз бўйин эгмаган мамлакатлар аҳволини муҳокама қилди. Боту бошқариб турган мамлакатга чегарадош бўлган Булғор, Ос ва Рус ўлкалари аҳолиси кўпчилиги ва кучлари ортиқча эканлигига ишониб, ҳали ҳам бўйин эгишни

<sup>593</sup> Боту вафот этган ой (сана) ҳақида тарихчиларнинг берган маълумотлари фарқлидир. Лекин йил сифатида ҳаммаси ҳам 1255 ни кўрсатадилар.

<sup>594</sup> Бу бўлимда *Булгар* сўзи баъзан шаҳар, баъзан миллат номи сифатида ишлатилмоқда. Волга булғарлари ҳақида қаранг: Вернадский, Ancient Russia. Б.222-228.

истамаган эдилар. Ўша ўлкаларнинг мамлакатга кўшиб олиншига қарор қилдилар. Шунинг учун Ўқтойхон шахзодаларининг кўпчилигини аскарлари билан биргаликда Ботунинг ихтиёрига топширди. Буларнинг орасида Мангухон укаси Бўжак, Ўқтойнинг ўғилларидан Куюкхон ва Қадаган бошқа шахзодалар Қўлган, Бурий, Байдар, Ботунинг укалари Хўрду, Тангут, бир нечта подшоҳ ва машхур таникли амирлардан Субутой баҳодир бор эди.

Қурултойда қабул қилинган қарордан кейин шахзодалар урушга тайёргарлик кўра бошладилар. Баҳор келиб, Булғор чегарасига борган пайтда кўп сонли лашкарлар бирлашувидан ер ларзага келди. Ҳайвонлар шу пайтгача кўрмаган бунча кўп кўшин қаршисида шошиб қолдилар. Аҳолисининг кўпчилиги ва қалъасининг мустаҳкамлиги билан донг таратган Булғор машаққатли жанглардан кейин қўлга киритилди. Халқининг бир қисмини ўлдириб, бир қисмини асир олдилар. У ердан ҳаракат қилиб, Рус қасабаларини ва шаҳарларини қўлга киритдилар. Кейинроқ халқининг сони чумоли ва чигирткадек кўп бўлган, атрофи ўрмонлар билан ўралган Макас шаҳрига бордилар. Шахзода кўмондонлик қилаётган кўшинлар ўша жойда тунагач, аввал 3-4 та арава ёнма-ён ўта оладиган даражада йўл очдилар. Араваларустига манжаникларни жойлаштириб, уларни нишонга оладиган мавзеларга ташиб, шаҳарга манжаниклар билан тош отишга тушдилар. Бир нечақунданкейин шаҳарнинг нолишидан бошқа ҳеч нарса қолмади, улар кўп сонли ўлжаларни қўлга киритдилар, ўлдирилганлар сонини аниқлаш учун эркакларнинг қулоқларини кесиб бир жойга йиғдилар, тўпланганлар икки юз етмиш минг қулоқни санаб чиқдилар. Бу ишни яқунлаган шахзодалар ўз масканларига қайтиб кетдилар.

## XLI. КЕЛАР ВА БОШҚИРД ХАЛҚИ

Рус, Қипчоқ ва Олошни ҳам босиб олдилар. Ўша пайтда Калар ва Бошқирд ўлкаларида яшаган халқнинг кўпчилиги насроний эди. Уларнинг оврўпаликларга алоқадор эканлиқларини айтадилар. Боту ўша ўлкаларни ҳам ўз ерларига кўшиб олиш учун катта кўшин тузиб, янги йилда йўлга чиқди. Бундан хабар топган, ўзининг куч-қуввати билан мағрур бўлган қарши томон ҳам дарров ҳаракат бошлаб, ҳар бири жаҳонда донг таратган ва қочиб кетишни ор

билган тўрт юз минг суворийлардан иборат бўлган катта кўшин тузди. Боту йўлда душман лашкарининг сони ва кучи ҳақида маълумот тўплаш учун ўн минг кишилик бир кўшин билан укаси Сибаканни илғор қисмга юборди. Бир ҳафтадан сўнг қайтиб келган Сибакан қарши томоннинг жуда кўпчилик ва жасур кишилардан ташкил топган кўшин билан устларига келганлигини Ботуга маълум қилди. Икки кўшин бир-бирига яқинлашгач, Боту ёлғиз ўзи бир тепаликка чикиб, бир-кеча бир-кундуз давомида ёрдам беришини сўраб Тангрига ёлворди. У Муслмонларга ҳам йиғилишиб, дуо қилишни буюрди. Икки томон ҳам тайёргарлик кўриб, эртаси кунни ҳам ўтказдилар. Иккала кўшин орасида бир дарё бор эди. Кечки пайт Сибакан кўмондонлигида Ботунинг кўшини қарши тарафга ўтиб ҳужум қилди. Лекин кучли бўлган душман тарафни ўрнидан кўзгата олмади, орқада қолган мўғул кўшинининг ҳам берган ёрдамлари билан қарши тараф чодирларига қадар етиб боришга эришди. Чодирлар арконларини қиличлар билан чопиб ташлаганидан душманлар эсанкираб қолиб, кўрқанларидан қоча бошладилар. Улардан жуда оз кишигина соғ-омон қолди. Шу тарзда ўша ўлкалар ҳам фатҳ этилди. Мўғул кўшинининг энг оғир жангларидан бири ҳам мана шу жанг эди.

## ХЛII. ЧИҒАТОЙ ҲАЁТИ

Чиғатой жасур, кўркмас ва каттикқўл, жиддий табиатли бир киши эди. Мовароуннаҳр ва Туркистон фатҳ этилгач, унинг ва аскарлар от чоптирган майдони Самарқанддан то Бешбаликка қадар кенгайди. Келиб-кетган жойларига шоҳона тунаб қоладиган жойлар барпо қилдирди. Баҳор ва ёз ойларини, асосан, Олмалиқ ва Қуёсда ўтказарди. Ёзнинг жаннат боғларидан фарқ қилмайдиган жойларда мўғуллар “ади” деб атайдиган ҳамма вақт кушларни ўзига жалб қиладиган жойлар бор эди. Чиғатой фармонига кўра, у ерда Кутлуг номли бир шаҳар қурилди. Чиғатой куз ва қиш фаслини ҳам Или қирғоғидаги Маравзикда ўтказди. Унинг ёзги ва қишки қароргоҳига бориб келадиган йўллар ёнида тунаб кетиш жойлари ва омборлар қурдилар.

Чиғатой ҳамма вақт кунларини завқ ва вақтичоғлик, айш-ишрат ва аёллар билан биргаликда ўтказарди. Унинг берадиган жазоси

оғирлигидан кўркардилар, бошқа бировнинг молига кўз олайтириб, зўрлик билан қўлга киритишга журъат қила олмасдилар, шу даражада эдики, олтин тўлиб турган бир товокни бир аёл бошига кўйиб, ҳеч тап тортмасдан истаган жойига олиб бора оларди.

Унинг бошқаруви даврида исломий қоидаларга кўра хайвон сўйилиши, кундуз пайтида сувга тушмаслик ҳақидаги қонунлар каттик талаб қилинганлиги сабабли Муслмонлар қийин кунларни бошдан кечирдилар. Бу қонун туфайли Хуросонда ҳеч ким очиқ-часига хайвонларни сўяолмайди. Унинг бекор қилиниши ҳақидаги Муслмонлар қилган мурожаатларига Чиғатой “мурдор гўштни еяберинглар” деб жавоб қайтарди.

Ўктой хоқоннинг ўлиmidан кейин Чиғатой ҳудуди барча одамлар мурожаат қиладиган бир жойга айланди. Узоқ-яқиндан ҳамма унга томон шошилдилар, лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Чиғатой оғир касалликка дучор бўлди. У ерда касалига шифо топа олмагани учун Чиғатой охириги пайтларида мамлакатни қўлига топширган одами, асли турк бўлган Хужир Мажиддин исмли таникли бир табибни келтирдилар, лекин у ҳам қилган барча урунишларига қарамасдан муваффиқиятга эриша олмади.

Чиғатой ўлгач, катта хотини Ясулуннинг<sup>595</sup> амрига кўра, Хужир билан Мажиддинни хотинлари ва болалари билан бирга ўлдирдилар. Хужирдан бўшаб қолган вазирлик ўрнига Мовароуннаҳр фатҳидан бери Чиғатойнинг хизматида бўлган амир Ҳабаш Амидни кўйдилар. Шу тарзда Ҳабаш Амид хотинининг соясида катта мақомга эришди. Бир байрам куни Садид Авар (кўр шоир) лақабли бир шоир суҳбат асносида амир Ҳабаш лақабини ишлатиб, мана бу байтларни айтди. *Шеър:*

[Сен энди бу коронғу дунёнинг бир бало тузоғи, олчоқ, пасткаш, хоин ва хийлакорларни бошдан чиқарган бир жой эканлигини ўргандинг. Ажал келиб, сени ўнгусўлингдан ўраб олса, кўп сонли аскарлар ва соқчиларнинг сенга нима фойдаси бор? Ундан (Чиғатойдан) кўрққани учун ҳеч ким сувга туша олмаган эди, хатто Чиғатой ҳам чек-чегарасиз бўлган ўлим денгизига фарқ бўлди]

Чиғатой ўғиллари ва невараларининг сони кўп: катта ўғли Мутуғаннинг Бомиёнга бўлган сафар пайтда туғилган ўғли

<sup>595</sup> Ясулун – Рашидидинга кўра (Блоше нашри. Б.154) қўнғироғ қабиласи раиси Даритойнинг Катта нуён кизидан бўлган ўғли. Даритой Чингизхон хотини Бўрта Фунчий отаси ва Дай Шашаннинг укаси. У ҳолда Даритой билан Бўрта яқин қариндош бўладилар.

Қарани<sup>596</sup> Чингизхон Чигатойга валиаҳд қилиб тайинлаган эди. Шу сабабли Чигатойнинг хотини Ясулуннинг, Ҳабаш Амид ва давлат аркони Қаранинг Чигатой ўрнини эгаллаши ҳақида ҳамфикр бўлдилар, лекин Куюк тахтга ўтиргач, Чигатой ўз ўғли Ясу билан дўстлиги туфайли ўз ўғли турганда қандай қилиб, неvara бобосининг вориси бўла олади, деб Ясуни Чигатой ўрнига ўтқазди ва Чигатой ўлкаси бошқарувини унинг ихтиёрига топширди. Эрталабдан то кечгача ичкиликка мубтало бўлган Ясу иш бошига келгач, Қарани қўллаб-қувватлаганлиги учун Хабаш Амидни йўқ қилишни истади.

Чигатой ҳаётлиги пайтида Ҳабаш Амид ўғилларини шахзодалар хизматига берган, билим ва амал жихатидан жуда устун бўлган ва ўғилларидек севгани Баҳоуддин Марғинонийни ҳам Ясунинг амрига топширган эди. Ясу раҳбар бўлгач, Баҳоуддин эришган муваффақиятлари туфайли Ҳабаш Амидга бўлган ҳурмати ҳеч камаймади. Ясу Ҳабаш Амиднинг зарарига бўладиган баъзи ташаббусларига тўсқинлик қилди. Шунинг билан биргаликда Ҳабаш Амид Баҳоуддинга нисбатан бўлган киноясини қалбида сақлади ва уни босимостида тутиб туришга кўп ғайрат қилди.

Куюкхон ўлиб, ўрнига Мангу хоқон ўтиргач, у билан аввалданок ораси бузилган Ясуни ўз вазифасидан озод қилди ва ўрнига Қарани тайинлади ҳамда маҳсус ҳадялар бериб, қароргоҳига кузатиб қўйди ва оқ йўл тилади. Лекин йўлда ажал унинг ёқасидан олди. Шундан сўнг Мангу хоқон ўғли улғайгунча Қаранинг ўрнига хотини Эркинани тайинлади. Эркина ўз қароргоҳига қайтганидан қисқа вақт ўтганидан сўнг Ясу вафот этди.

Амир Ҳабаш Амид ва ўғли Насриддин Гаймуш хотуннинг бошқарувида яхшигина мавқени эгалладилар. Амир Ҳабаш Амидга Баҳоуддиннинг моли билан биргаликда хотин, бола-чақасини ҳам берди. Жазо сифатида Баҳоуддинни иккита ёғочга боғлаб, у мана бу рубойни айтди. *Шеър*:

[Ҳаёт юқини ташлаб, бу дунёдан кечганлар, бу дунёнинг азобукубатларидан қутилдилар. Қилган гуноҳларим туфайли вужудим тилка-пора бўлди. Шунинг учун хозир бу синикларни боғлаяптилар]

У афв этишларини сўраш учун мана бу рубойни айтди. *Рубой*:

[Эй шох, вужудимнинг барини ол, агар лозим бўлса жонимни ҳам ол, бўғзимга келган бир жонимни ёки жаннатнинг энг яқин жойини афзал кўрасанми? Қай бирини истасанг ўшани ол]

<sup>596</sup> Қора Ҳулоғу.

Баҳоуддин жонини сақлаб қолиш учун қилган ҳаракатлари бефойдалигини, йиғлаб-сиқташ наф бермаслигини тушунгач, мана бу икки байтни ёзиб, Ҳабаш Амидга юборди. *Шеър*:

[Душман билан ҳам, дўст билан ҳам яхши яшаб ўтдим. Ҳаётнинг отини эгаллаб кетдим. Ажалнинг қўли менга руҳимни олиб кетувчи дори бергач, Ҳабашга юзларча лаънат айтиб кетдим]

Бу байтлардан сўнг Ҳабаш Амиднинг буйруғига кўра, уни кигизга ўраб, оёқлар остига ташлаб азобладилар. Синмаган бирор жойини қолдирмадилар.

649 (1251) йилда Гаймиш қароргоҳидан қайтиб келаётганимда Ясу хизматида бўлган амир Аргун ёнига кириб ўтган пайтимда амир Имом Баҳоуддинни кўргач, ҳали ҳеч бир нарсани айтмасданок мана бу байтни ўқиди. *Шеър* (арабча):

[Сахий киши ўз-ўзидан сахийлик қилади. Лекин сахийнинг ўғли сахийлик қилса, бунинг хабари тез тарқалади]

Кейин эса менга жуда катта ҳурмат-иззат кўрсатди. Амир Баҳоуддин насл-насабли ва билимдон бир киши эди. Ота томонидан Фарғона шайхулисломига, она томонидан эса Тўғонхонга<sup>597</sup> бориб тақаларди. Уни вазирлик мақомига етказган бошқарув тажрибаси бўлиши билан бирга чуқур диний, дунёвий билимларга ҳам эга бўлганлиги эди. Ҳар доим мажлисини олим ва буюк одамлар тўпланадиган жой сифатида, ҳамма ҳам қизиқавермайдиган билим ва фазилатни унинг бошидаги тож сифатида кўрдим.

Унинг фазилатлари ҳақидаги ҳикояларни бу ерда айтиб ўтиш жуда кўп вақтни олади. Замон қайси бир инсонга неъмат бериб, юксалтириб, қайтадан яна уни пастга улоқтирмади? *Шеър*:

[У қайси сарвкомат бўйини узайтиргандан кейин дард билан белини букмади?]

*Шеър* (арабча):

[Эй замон, сенга нима бўлди, мухтарам кишилар етишиб чиққан боғлар мазасини олиб, тез-тез уларни хоҳлаб турасан? Агар яхши табиатли ва билимдон кишиларни ҳурматли бир ҳолатда қолдирсанг, сен нима зарар кўрардинг?]<sup>598</sup>

Амир Баҳоуддиннинг ўғиллари қолган эди. Амид сут эмаётган гўдақларигача ҳаммасини оталари кетидан нариги дунёга жўнатишга ҳаракат қилган бўлса ҳам бу борада ниятига эриша олмади.

<sup>597</sup> Тўғонхон – Кошғарнинг қорахоний подшоҳларидан, вафот этган санаси 408/1017-18 йилдир (қаранг: Бартольд, Туркистон. Б.274-275, 279-282).

<sup>598</sup> Ҳалаб қозиси Абул Фараж б. Абул Ҳасан шеъри.



## ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО

Иккинчи жилд



Форсчадан таржима қилинган «Тарихи Жаҳонгушо»нинг иккинчи жилди ҳам Муҳаммад Қазвиний томонидан 1916 йилда Лейденда нашр қилинган. Китобнинг кейинги таржима нусхаларига ҳам Қазвиний наشري асос қилиб олинган. Асар наشري учун асос бўлган имлога оид ўзига хосликлар ҳам Муҳаммад Қазвинийнинг сўзбошиси (I-XII), матн (1-282), иловалар (283-292), фихристлар (292-349), мундарижа (350-351) ва янглиш босилган сўзлар жадвали (352-358) каби бўлимлардан иборат.

«Тарихи Жаҳонгушо»нинг иккинчи жилди Хоразмшоҳлар давлати қурилишидан унинг мўғуллар томонидан тор-мор қилинишига қадар бўлган тарихни ўз ичига олади. Аввал таржима қилганимиз биринчи жилдда «Тарихи Жаҳонгушо» ва унинг муаллифи ҳақида Мирзо Муҳаммад Қазвинийнинг «Махсус муқаддима»сини айнан таржима қилган эдик. Бу ерда ҳам жилднинг алоҳида нашр бўлаётганини ҳисобга олиб, у ҳақда маълумот беришни лозим топдик.

Сўзбоши якунида тарихимизнинг муҳим бир манбасини турк тилига ўгиришимга сабабчи бўлган Маданият ва туризм вазирлиги мутасаддилари ва китобни нашр қилишда меҳнати синганларга ташаккур билдиришни бурчим деб биламан.

Доцент, доктор Мурсал Ўзтурк  
Анқара, 1988

“Жаҳон фотиҳи тарихи” маъносини билдирган “Тарихи Жаҳонгушо”нинг муаллифи АлоуддинАтомалик Жувайний 623/1226 йилда илмли ва кўплаб давлат хизматчиларини етиштирган бир оиланинг фарзанди сифатида дунёга келди. Боболари, отаси Баҳоуддин ва акаси вазир Шамсиддин эронлик тарихчилар ва шоирлар томонидан номлари яхшигина хотирланган билимли олим ва давлат одамлари эди. АлоуддинАтомалик ўн беш йилга қадар мўғуллар томонидан Эрон волийлигига тайинланган амир Аргун ёнида бўлиб, мўғул подшоҳлари ва амирларининг хизматида волийлик, котиблик, дафтардорлик ва элчилик вазифаларида хизмат қилди. Кейинроқ амир Аргун билан бирга мўғул хонларининг пойтахти Қорақурумга сафар қилди ва узоқ вақт мўғуллар орасида яшади. 654/1256 йилда Хулогу, Мангу хоқон томонидан Эрон волийлигига тайин этилгунча унинг хизматида кириб, яқинларидан бирига айланди. Хулогу Бағдод фатҳидан бир йил кейин, яъни 657/1258 йилда уни Бағдод бошқарувчиси вазифасига тайинлади. Шундай қилиб, у аббосий халифаларидан бўшаган тахтга ўтирди. Бағдоддан бошқа Ирок ва Хузистон ўлкалари ҳам унинг ҳукми остида эди. Хулогунинг ўлимидан сўнгра мўғул амирларидан Сунжок Оканинг ноиби сифатида Ирок ва Бағдоднинг бошқаруви қайтадан унинг ихтиёрига берилди. Бу жихатдан Атомаликнинг Бағдод бошқаруви 24 йил давом этди.

Атомалик ҳаётининг сўнгги йилларида акаси вазир Шамсиддин каби Маждулмулкнинг туҳматига учради. Абокахон замонида майдонга келган бу туҳмат Атомалик билан Шамсиддин бошига кулфат келтирди. Икки биродар нималари бўлса, барчасини йўқотиб, охирида Маждулмулк курган тузоғидан қутилишга муваффақ бўлдилар. Отган туҳмат ўқларини нишонга текиза олмаган Маждулмулк ҳам бу таҳликали ўйиндан ҳаётини қутқара олмасдан подшоҳ амри билан ўз бошидан айрилди. Кўп ўтмасдан Жувайний биродарларни бошқа тузоқ кутмоқда эди: Абока ўлиб, укаси Султон Аҳмад (Такудор) хонлик тахтига ўтирганча Жувайний ака-укалар қисқа бир муддат хузур ва ҳафвсизликка эришдилар. Орадан кўп вақт ўтмай идоранинг бошқарувини қўлига олган Аргун Бағдодга кирди. АлоуддинАтомалик ёқасига ёпишиб, отаси даврида тўланмаган солиқнинг ҳисобини сўради. Кейин Атомалик

туҳмат ва маънавий исканжаларга бардош бера олмасдан 671/1272 йилда вафот этди. Унинг ўлимидан қисқа бир муддат ўтгач, Аҳмад (Такудор)нинг ўрнига ўтган Аргун отасининг заҳарланганини баҳона қилиб, вазир Шамсиддиннинг ҳаётига яқун ясади. Ундан сўнгра эса Аҳвозда бўлган Шамсиддиннинг бир ўғлидан ташқари Жувайний оиласига тегишли ҳамма кишиларни йўқ қилди.

Баъзи адабиётчилар ва тарихчилар Жувайний биродарларнинг мусулмонларга азият бериш борасида мўғулларга билвосита ёки тўғридан-тўғри ёрдам қилганликларини иддао этсалар-да, улар бевосита АлоуддинАтомаликнинг бошда Саъдий каби бир қанча шоир ва олимларни ҳимоя қилганидан бошқа юксак бир иқтидорнинг маҳсули бўлган тарихидан хоразмшоҳлар, мўғуллар ва исмоилийлар тарихлари бўйича ўзига хос манба қадрини ҳеч бир вақт йўқотмаган “Тарихи Жаҳонгушо” билан бирга “Таслияту-л-ихвон” ва номи маълум бўлмаган бошқа бир рисола қолдирганлиги ҳозирга қадар номининг эсланишига сабаб бўлади ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак.

Атомалик ўзи ҳам муншийлик қилгани учун ўз асарини аҳамиятсиз баъзи янгиликлардан ташқари санъаткорона тарзда ёзган. Асарнинг баъзи бўлимларида қисқача бўлса ҳам Ибн Халдуннинг “Муқаддима” асарида ёзганидек, хоразмшоҳлар давлатининг мўғуллар томонидан тор-мор келтирилиш сабабларини ижтимоий нуктаи назардан ўрганган ва бошқа тарихий ҳодисаларга ҳам уйғун ҳолда муносабат билдирган. Ибн Халдуннинг “Муқаддима”си бир томонга қўйилса, ҳеч бир тарих китобида “Жаҳонгушо” қадар воқеа-ҳодисаларнинг ичига кириб борилган ва гўзал натижага эришган асарни учратмаймиз. Улардан ташқари Атомалик хизмат қилган баъзи жойларда мадҳ этилишига қарамасдан мадҳлар лаганбардорлик даражасига ўтмаганини кузатиш мумкин. Тарих ҳақиқатини англатишда, ҳодисаларга холис ёндашишда, шунинг билан бирга баъзи эронлик танқидчилар Вассофни ҳам мўғуллар фожиаларини яширишда айблаб, маданий савиялари ўртача бўлган инсонлар деб англамаслиги учун воқеалар баёнини мураккаб, тушунилиши қийин бўлган жумлаларни қўллашда ҳам айблаганлар. Чунончи мўғуллар давлатида яшаган Атомаликнинг улар ҳақида ёзгани, унинг нақадар журъатли ва жасур ҳаракат қилганини очиқчасига қўрсатмоқда. Муаллифнинг воқеа-ҳодисаларни аслича англатиши жихатидан бу асар катта шухрат қозонган эди.

Биринчи жилднинг “Махсус мукаддима”сида маълум қилганимиздек, “Жаҳонгушо”нинг услуби Эрон адабиётида “Сабки Ироқий” дейилган насрнинг ўзига хос хусусиятларига эгадир.

Услубнинг ўзига хослиги кофия, сўз ўйини, бадий санъатлар, Куръони карим, ҳадислар, мақоллар, арабча ва форсча шеърлардан намуналар келтирилишида кўринади. “Жухонкушо”да арабча шеърлар билхосса, баъзан тасвирда ниманидир тушириб, ниманидир юксакларга кўтариб ишлатилган бўлса-да, ичида одоб ва ахлоққа зид бўлмаган байтлар талайгина. Келтирилган намуналар баъзан мавзуга мос тушмайди, воқеалар оқимини тўхтатиб, бир қадар узилишни вужудга келтиради. Буларнинг барчасига қарамасдан “Тарихи Жаҳонгушо” бу услуб билан ёзилган асарларнинг энг муваффақиятлилари қаторида саналади. Булардан ташқари “Тарихи Жаҳонгушо”нинг муҳим хусусиятларидан бири *олтин, тамга, қўшин, улус, кент, улоқ, тўда, элчи, туман, сулук, қурултой, ёрлик, юрт* каби яна юзларча туркча-мўғулча сўзларни қўллагани ва уларнинг форс тилига кириб қолишига сабабчи бўлганидир.

*Мирзо Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб  
ҚАЗВИНИЙ*

## I. ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Ибн Фундук ал-Байҳақийнинг асари “Тажорибу-л-умам”<sup>1</sup>нинг зайли (давоми, илова сифатида давом эттирилгани – *тарж.*) бўлган “Машарибу-т-тажориб”<sup>2</sup> ва Фахриддин Розийнинг Султон Такишга бағишланган “Жавомеъу-л-улум” асарининг<sup>3</sup> тарихий қисмида баён қилинишича, салжуклилар давлати буюқларидан Билгатегин, сомний давлатидаги Хуросон қўшини волийси Алптегин<sup>4</sup> каби юқори даражага эга эдилар. Билгатегин Фаржистондан<sup>5</sup> Нуртегин Фаржайи исмли турк қулни сотиб олди. Бу қул ақли ва билими соясида давлат поғоналаридан юксалди. Сомоний хукмдорларнинг охириги давлатида Сабуктегин<sup>6</sup> юксалгани каби Нуртегин салжуқийлар давлатида юксак мақомга эришди ва “таштдор”<sup>7</sup> унвонини олди. Ўша пайтда Салжукли давлатининг ҳаражатлари Хузистондан олинган солиқлар ҳисобидан “ташт” доирасининг ҳаражатлари ҳам Хоразмдан эди. Кўп ўтмай Нуртегин Хоразмга шихна бўлди.

Нуртегиннинг ўғилларидан каттаси Қутбиддин Муҳаммадни қўмондонлик ва бошқарув илмини ўргансин, дея Марвга юборди.

Маликшоҳнинг ўғли Султон Баркёрук, Хуросон амири Олтунтоғ (Олтунтош) ўғли Додбек Ҳабашийга қўл остидаги ерларда тўлик салоҳиятини кўрсатиш имкониятини берди. Додбек Ҳабашийни мадҳ этиб, ўша даврнинг шоирлари кўп шеърлар ёзган эдилар. Абул Маолий Наҳхос Розий ҳам унинг маддоҳларидандир. Маълум муддатдан кейин Додбек Ҳабаший Хоразм идорасини Султон Санжарнинг мамлукларидан Қўчқор ўғли Экинчидан олиб, Қутбиддин Муҳаммадга берди ва унга 491/1097-98 йилларда хоразмшоҳ унвонини тақдим қилди. Тарих китобларининг очик-

<sup>1</sup> Абул Ҳасан б. Зайд Байҳақийнинг “Машорибу-т-тажориб ва ғаврибу-л-ғаройиб” номли асарига қаранг. Бартольд, Туркистон. Б.31.

<sup>2</sup> “Машорибу-т-тажориб” “Тажорибу-л-умам”нинг эмас, балки “Тарихи Яминий”нинг зайлидир. Бу мавзуда қаранг: Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний. Тарихи Байҳак. 20 мақола, х.ш. 1313/1934. Б.76-86. Туркча таржимаси: Доктор Мурсал Ўзтурк / Бюллетен. Ж.2. №199 (1987, апрел). Б.409.

<sup>3</sup> Жавомеъу-л-улум. Бомбай, х.к.1323/1905. Техрон, 1346. Б.1967.

<sup>4</sup> Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси.

<sup>5</sup> Фаржистон тоғлик ўлкаси. Бодғис ён бағридан Мурғобга қадар чўзилган ва бугун Ферузқўҳ номли ўлка.

<sup>6</sup> Машхур Султон Маҳмуднинг (998/1030) отаси.

<sup>7</sup> Бу вазифадаги киши саройда озодаликни таъминловчи, уларнинг овқатланишини назорат қилади.

ойдин англитишига кўра, Кутбиддин Салжукли султонлари даврида муҳим вазифаларда бўлди. Ўттиз йил Хоразмни истаганидек бошқарди. Ўлимига қадар давом эттирган Хоразм волийлиги даврида Санжарнинг саройига навбат билан бир йил ўзи, бир йил ўгли Отсизни юбориб турди.

522/1128 йилда унинг ўрнига ўтган Отсиз билим ва фазилат жиҳатидан шуҳрат қозонди. Кўп вақт форсча шеърлар ёзди. Мардлик ва жасоратда тенги йўқ эди. Султон Санжарнинг хизматида бир қанча жойларни фатҳ қилди ва катта вазифаларни эгаллади. Унинг султон Санжарга қилган хизматларининг энг муҳимларидан бири куйидагича: 524/1129-30 йилда Султон Санжар Тамғачхон<sup>8</sup> исёни туфайли Мовароуннахрга юриш қилди. Ўша пайтда ов жараёнида янги хизматга олинган бир гуруҳ аскар ва қоровуллар султонни йўқотиш ҳақида келишиб олдилар. Ўша куни Хоразмшоҳ ов жойида эмасди. Туш пайтида уйқудан уйғониши билан отланиб, тез суръатда Султон турган жойга тўғри йўл олди. У ўша манзилга келишидан аввал исёнчилар Султонни қуршаб олган ва унинг ҳаёти таҳлика остида қолганди. Отсиз етиб бориб, Султонни қутқаргач, Султон ундан “Менинг ахволимни қандай билдинг?” деб сўради. Бунга Отсиз “Тушимда сизнинг таҳликада эканлигингизни кўрдим ва ҳеч бир вақтни бой бермаслик учун етиб келдим” деб жавоб берди.

Бу ва бунга ўхшаш воқеа ҳодисалар туфайли Отсизнинг юлдузи порлади. Кундан-кунга кучига куч қўшилди. Султоннинг унга нисбатан бўлган севгиси ва ишончи бошқа ҳукмдор ва амирларнинг ҳасадларига сабабчи бўлди. Ҳасаддан ёнган подшоҳ яқинлари ва амалдорлар суиқасд уюштириб, уни йўқ қилишни истадилар. Султон Санжар 529 йил зулқаъдда ойида (1135, август-сентябр) Баҳромшоҳ<sup>9</sup> исёни туфайли Ғазнага ва келаси йилнинг шаввол (июл-август) ойида Балхга қилган сафарида Отсиз унинг ёнида эди. Бу сафарлар вақтида амирлар унга нисбатан сақлаган кин-адоватлари ва ғаразларини ҳамда уларнинг Султон устидан қилган ёмонликларини тушунган Отсиз кўрқиб, ўз юртига қайтиб кетиш учун изн сўради. У ердан айрилиб кетганидан кейин Султон ёнидагиларга ўтирилиб: “У энди биздан узоқлашди, энди бир марга ҳам унинг юзини кўра олмаймиз” деганида ёнидагилар “Модомики

<sup>8</sup> Қорахонлилар подшоҳи Арслонхон Муҳаммад б. Сулаймоннинг (1128-1130) бошқа исми.

<sup>9</sup> Ғазнавий султонларидан (1118-1152).

шундай экан, нега унга қайтиб кетишига руҳсат бердингиз ва унга яхши муносабатда бўлдингиз?” деб сўрадилар. Бу саволга Султон “Унинг бизда ҳаққи кўп. Унга ёмон муносабатда бўлиш бизнинг инсонийлик тушунчамизга зид келади”, деб жавоб берди.

Отсиз Хоразмга боргач, исён байроғини кўтарди. Атрофидаги ҳаммаслақларини тобора кўпайтирди. Шу сабабдан Султон Санжар 553 йилнинг муҳаррам ойида (1138, сентябр-октябр) уни йўқотиш учун Хоразмга юриш қилди. Аскарларини унга қарши қўйишни истаган Отсиз ўз кучининг қарши тарафдан оз эканлигини кўргач, жангдан қочди. Бу борада Санжарнинг аскарлари Отсизнинг ўгли Отлиғни ушлаб, Санжарнинг ҳузурига келтирдилар. Санжарнинг амрига кўра, Отлиғни дарров иккига бўлиб ташладилар. Ундан кейин Султон Санжар Хоразм идорасини жияни Султон Сулаймон б. Муҳаммадга топширди ва Хуросонга кетди. Маълум фурсатдан кейин Отсиз Хоразмга келиб, Султон Сулаймонни енгди. Сулаймон Санжарнинг ёнига борди. Отсиз қайтадан бош кўтарди. 536/1141 йилда Султон Санжар Самарқанд яқинида қорахитой қўшинидан енгилди. Балхга келди. Бу мағлубиятнинг тарихи жуда машҳурдир. Шу сабабли фурсатни ғанимат билган Отсиз Марвга борди. У ерда кўп сонли одамларни ўлдириб, шаҳарни талон-тарож қилганидан кейин Хоразмга қайтди.

Ўша кунларда ҳаким Ҳасан Қаттон<sup>10</sup> билан Рашидиддин Ватвот орасидаги ёзишмалардан бири бутун қўлимиздадир. Куйида келтиришимиз мумкин бўлган мактуб Ҳасан Қаттоннинг сарой кутубхонасидаги китоблар Марвнинг талон-тарож қилиниши вақтида йўқолиши ва бунда Ватвотни айблаши ҳақидаги гап-сўзлар туфайли Рашидиддин Ватвотнинг унга ёзган мактубидир: “Зоти олийингиз расмий ишлар ва сабоқлардан бўш пайтларда ва баъзи йиғилишларда менинг ҳакимда сўз юритишингиз, хизматларимни хор қўриб, мени кадрсизлантирганингиз қулоғимга чалинмоқда. Айниқса, мени кутубхонангизни талон-тарож қилиниши ва инсофсизликда айблаган эмишсиз. Во ажаб, бу хатти ҳаракатларингиз адолатданми? Мени бундай ноҳақ айбловнинг нишони қилиш инсофсизлик бўлмай нима?

Аллоҳ ишки-ла Сиздан сўрайман, қиёмат куни келганда, бутун чириган суяқлар қабрлардан чиқиб, иккинчи бир ҳаётининг кийимлари билан кийинтирилиш учун юборилган инсонларнинг амал-

<sup>10</sup> Айну-з-замин Ҳасан Қаттон Марвазий, VI/XII асрнинг олим ва ҳакимларидан.



лари япроқлар каби бошларидан тўкилганда, ҳар бир кимсадан ҳисоб сўралиб, боши оловда ёниб оёғидан осилганда ва гуноҳсизлар билан мўминларга жаннатнинг эшиклари очилган пайтда эгақларимга ёпишиб, зўрлик билан олинган молларни ва оқизган қонларимни мендан қайтаришни талаб қилмайдими? Мени қилди, деб сен даъво қилган бу асоссиз даъволар, айтгинки, менинг қандай ишимга ярайди?

Бутунлай бунинг аксича, мен Аллоҳнинг бир бандаси сифатида мусулмонлар фойдалансинлар, деб мингларча китобини ислом кутубхоналарига бағишлаган бир инсон, бундан ташқари бир инсоннинг ўнлаб қийинчиликларга бардош бериб, қаламга олинган асарларни ўғирлашдек пасткашликни ким исботлай олади?

Сизга мурожаат қиламан, эй ҳурматга лойик зот, сизни қиёмат кунда қолдирадиган бундай бўхтон гап-сўзлардан сақланинг ва Аллоҳдан қўрқинг. Аллоҳ қиёмат кунда айбларни ачинарли ҳолда қолдириб, айбсизларни эса мукофотлантиради.

Алвидо, эй ҳурматга лойик жаноб!”

Султон Санжарнинг кўрсатган заифлиги Отсизнинг ўзига ишончини орттирди ва кибрланишига сабаб бўлди. Унинг бу аҳволи ҳақида Рашидиддин Ватвотнинг қуйидаги матлаълиқасидаси бор. *Шеър:*

[Султон Отсиз мамлакат тахтига ўтиргач, салжукли сулоласи ва давлати тамом бўлди]

Рашидиддин Ватвотнинг бу каби бир қанча қасидалари ҳам бор.

Султон Санжар Отсиздан унинг одобсизларча қилган хатти-ҳаракатининг қасдини олиш ва уни дунёдан йўқотиш учун Хоразмга юриш қилди. Шаҳар дарвозасига келгунча манжаниқларни жойлаштириб, жанг байроғини тикишга қарор берди. Унинг Хоразмга кириш эҳтимолини англаган Отсиз Султон Санжар ва амирларига қимматли ҳадялар юборгани туфайли Султон юмшади. Унга қарши урушни тўхтатиб, орқага қайтди. Лекин қарши чиқиш фикри Отсизнинг бошидан кетмади. Султон Адиб Собирни<sup>11</sup> элчи сифатида Отсизнинг ёнига юборди. Адиб Собир бир муддат Хоразмда қолди. Унинг Хоразмда бўлган вақтида Отсиз мулҳидлар<sup>12</sup> қилганларидек, Хоразмнинг кўча тоифасидан икки кишини алдаб, уларни сотиб олди.

<sup>11</sup> Султон Санжар саройининг қасиданавис шоирлардан. 1147 йилда вафот этган.

<sup>12</sup> Исмонийларга берилган ном.

Уларга кўп миқдорда пул бериб, Султонни ўлдириш учун саройга йўллади. Адиб Собир бундан хабардор бўлгач, у икки ёлланган кишиларнинг шакл-шамойилларини қоғозга ёзиб, қари хотиннинг оёқ кийимларига яшириб, Марвга юборди. Мактубни олган Султон ўша одамларни излашга амр қилди. Ўша икки кишини бир жойдан топиб, уларни жаҳаннамга юбордилар. Адиб Собирнинг бу воқеадан хабари борлигини билган Отсиз уни Жайхун дарёсига чўктирди.

Султон Санжар 542 йилнинг жумадилохир (1147, октябр-ноябр) ойларида такрор Хоразмга юриш қилди. Кейинчалик бутун мўғул қўшинининг босқини туфайли йўқлик денгизида бўғилган Ҳазорасф<sup>13</sup> қалъасини икки ой қамал қилди. Ўша вақтда бир аскар Санжарнинг хизматида бўлган Анварийнинг<sup>14</sup> ёзган шу икки байтини ўқининг учига тикиб, Ҳазорасф қалъасига отди. *Шеър:*

[Эй шоҳ, бутун ер юзи сенга тегишли. Дунёнинг давлатига ва икболига сен эришдинг. Букун бир ҳужум қилиб, Ҳазорасфни ол. Эртага Хоразм ва мингларча от сеники бўлади]

Бу шеърга жавобан Ҳазорасфда бўлган Ватвотнинг шеърини айна шаклда ўқга жойлаб, ташқарига юбордилар. *Шеър:*

[Эй шоҳ, сенинг рақибинг Рустам пахлавон бўлса-да, Ҳазорасфдан ҳатто бир эшак ҳам ололмади]

Султон Санжар минг бир қийинчиликлар билан Ҳазорасфни олган пайтда Рашидиддин Ватвот шеъри туфайли дарғазаб эди. Уни кўлга туширган пайтдаёқ етти аъзоларини бир-биридан ажратиб ташлашга амр қилган эди. Шу жиҳатдан уни излаб топтириш учун синчковлик билан ҳаракат қилди ва ҳар куни жарчиларга айттирди. Бу вазиятдан қутилиш учун Ватвот ҳар кеча бир оилага, ҳар кун бир водийга қочиб яширинди. Қочиб қутила олмаслигини тушунгач, давлатнинг катталарига яқинлашишни тажриба қилди. Фақат уларнинг ҳеч бири Санжар ғазабидан қўрққани туфайли уни ўзига яқинлаштирмади. Шунда унинг маслакдоши бўлган ушбу сатрлар муаллифи отасининг авлоди бўлган Мунтажибиддин Бадиул котибга юзланди. Эртаси куни Мунтажибиддин подшоҳ амалдорлари ва девоннинг кўзга кўринган кишилари иштирокида

<sup>13</sup> Бугун ҳам шундай ном билан эсланган бу қалъанинг номи “минг от”дир.

<sup>14</sup> Анварий таҳаллуси билан танилган Авҳадиддин Али Султон Санжар саройи шоирларидан бўлиб, Эроннинг буюк қасиданависларидан ҳисобланади. Манбалар унинг вафот этган санани 1189 билан 1191 йиллар орасини кўрсатади.

мажлис уюштирди. Бомдод вақтида мажлис бошлангунча унинг иштирокчилари намоз учун тарқалдилар. Намоздан сўнгра Мунтажибиддин билан ёлғиз қолган Султон унга насихат қилиб, мамнун бир тарзда кулгили ҳикояларни айта бошлади. Кейин эса мамлакат масалалари ҳақида Мунтажибиддин фикрларини қабул қиларкан, суҳбат мавзуси Ватвотга келгач, Мунтажибиддин оёққа турди ва Султондан “Сиздан бир нарса истагим бор?” деб сўради. Султон бу саволга ҳеч ўйламасдан “розиман” жавобини бергач, Мунтажибиддин “Ватвот<sup>15</sup> заиф ва ушоққина бир қуш, уни етти парчага бўлиб бўлмайди, рухсат беринг уни иккига бўлсинлар” деди. Бу сўзларга Султон узоқ кулди ва Ватвотнинг гуноҳидан ўтиб, уни афв этди.

Султон Санжар ўрнидан туриб, Хоразм дарвозаларига боргач, Охупўш исмли зоҳид Султоннинг хузурига келди ва унга берган гўзал ўғитлари туфайли Султон шаҳар халқини афв этди. Ўша орада Отсиз Султонга бир элчи орқали қимматбаҳо совғалар юбориб, ундан узр сўради. Афв ва марҳамат томирлари кенгайган Султон учинчи марта уни афв этди. Кечирилиш шартларидан бири Отсизнинг Жайхун соҳилига келган ҳар кимнинг сирларидан воқиф бўлиб, уни Султонгаётказиб туриш эди. 573 йил муҳаррам ойининг 12 (1148, 2 июн) душанба куни Отсиз белгиланган жойга келиб, отидан тушмасдан туриб Султон Санжарга итоат этишини билдирди ва Султон кетмасиданоқ у ерни тарк этди. Султон ҳар нақадар Отсизнинг бу ҳурматсизлигидан ғазабланса-да, аввал уни афв этгани учун ғазабини ичига ютди ва ҳеч кимга индамади. “Ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир”<sup>16</sup> оятида буюрилганидек, ғазабини енгди. “Аллоҳ эзгулик қилганларни севар”<sup>17</sup>.

Султон Санжар Хуросонга боргач, ҳадя ва илтифотларини олиб кетиш учун Отсизга бир элчи юборди. Элчига жуда яхши муносабатда бўлиб, Отсиз уни шу тарзда кузатишга ҳаракат қилди. Кейинчалик Отсиз бир неча марта кофирлар билан жанг қилишга кетди ва ғалаба билан қайтиб келди. У пайтда Жанд волийси

<sup>15</sup> Бугун қўлида девони билан балоғат илми ҳақида ёзган “Ҳадойику-с-сехр” номли асари бўлган Рашидиддинга (ваф. 1182) жуда кичик бўлгани учун “кўршапалак” маъносини билдирувчи “Ватвот” лақаби берилгани айтилади.

<sup>16</sup> Куръони карим, 3:134.

<sup>17</sup> Куръони карим, 3:134.

Арслонхон Маҳмуд ўғли Камолиддин<sup>18</sup> эди ва бу зот билан Отсизнинг муносабати яхши эди. Отсиз Жанд атрофидаги кўпўлкаларни фатҳ этгач, 547 йилнинг муҳаррам ойи (1152, апрел-май)да Камолиддин розилигини олиб, Сигнокорқали Жандга юриш қилди. Жандга етиб бормасданоқ Камолиддин кўрқиб, аскарлари билан бирга Рудбор<sup>19</sup> томонга кочди. Камолиддиннинг кочганини билган Отсиз яқинларидан иборат гуруҳни унга юбориб, жонига ва молига тегмаслигини ваъда қилиб, уни ёнига олдириди. Лекин сўзида турмади. Камолиддинни ҳибсга олдилар ва ўша ерда вафот этди.

Рашидиддин Ватвот билан Камолиддин эскидан дўст бўлганини билган Отсиз Ватвотни бир муддат ўз хизматидан узоқлаштирди. Ватвотнинг бу мавзуда ёзган қасида ва қитъалари бор. Булардан айрим байтларини қуйида келтирамиз. *Шеър*:

[Эй шоҳ, буюклик кўлингдан узоқлашган муддат ичида фалак мени қаҳр этувчи оёқларинг остига олиб эзғилади. Сенинг неъматинг ва эҳсонларинг тўхтагач, дунёнинг осойишталиги тўхтади ва фалак ҳаётимни издан чиқарди. Агар мен ўлсам, фалак менинг каби (киши)ни яна бир бора топа олмайди]

Яна шеър:

[Банданг сенинг эшигингда кул бўлганига ўттиз йил бўлди. Мен мадҳлар айтганман, сен эса тахтингда ўтириб мадҳия истагансан. Тахтэгаси сифатида яхши биласанки, кулинг ҳеч вақт бошқа эшикка мадҳ айтиш учун бош урмади. Кўраяпманки, ҳозир ўттиз йиллик кулингдан безгансан. Замоннинг узоклиги кўнгилини бездириб қўйган. Бир мақолда шундай дейилади: “Хўжайин қулидан безса, унинг айбини излайди. Лекин бу заволли кулинг айбсиздир”.

Жанд душманлардан озод бўлгач, Отсиз ўлкани бошқариш учун Абул Фазл Эларслонни<sup>20</sup> у ерга юборди. Отсизнинг Жандни олган йили ўғизлар Султон Санжарни енгиб, уни кундузи тахтга ўтқазиб, кечалари темир қафасга солиб қўйдилар. Буни мамлакатни қўлга киритиш учун қулай фурсат деб билган Отсиз Султон Санжарнинг ҳаққини излаш баҳонасида бутун қўшинни тўплаб, Амуяга қараб юрди. Амуяга боргач, қалъани уруш қилмасдан қўлга киритишни истади. Лекин унинг истагини қалъа қўмондони рад этиб, Султон Санжарга бир элчи юбориб, унга тобелигини билдирди ва ундан

<sup>18</sup> Қорахонилардан.

<sup>19</sup> Тахминан Шош (бугунги Тошкент)нинг ноҳияларидан.

<sup>20</sup> Ўғли ва шоғирди.

ёрдам истади. Бунга жавобан Султон Санжар “Қалъани уларга топширишни истамайман. Факат сен аввал Эларслонни бир қўшин билан менга ёрдамга юбор, мен ҳам Амуя қалъаси ва унинг атрофини сенга топширай”, деди. Бу орада Отсиз Амуяга ҳужум қилишдан воз кечиб, Хоразмга қайтди ва янгидан кофирларга қарши жанг бошлади.

Кўп ўтмасдан қўшинлар қўллаб-қувватлаши билан Султон Санжар киз қариндошининг ўғли Рукниддин Маҳмуд б. Муҳаммад Бўғрохонни<sup>21</sup> салтанат тахтига ўтқазди. Рукниддин Муҳаммад эски дўстлигига таяниб, Отсизга элчи юбориб, ўғузларнинг тазйқини енгиллатиш учун ундан ёрдам сўради. Шу туфайли Хоразмшоҳ Шаҳристонга йўл олди. Йўлга чиқишидан аввал Эларслонни ёнига олди ва бошқа ўғли Хитойхонни<sup>22</sup> ўзининг вакили сифатида Хоразмда қолдирди. Шаҳристонга боргунча мамлакатларидан маҳрум бўлиб, тинч турмуши бузилганамирларни ёнига чақирди. Ўша пайтда амир Имоиддин Аҳмад б. Абубакр Қамажга минг отликни юбориб, Султон Санжарни ов жойида ушлаб, Термизга олиб келингани хабари келди. Бу хабарни Шаҳристонда бўлган ҳар бир кимса хушнудликбилан қабул қилди. Ўша вақтда Хоразмшоҳ Насода Маҳмудхонни ва ўзига бўйсунмаган бошқа амирларни жазолаётган эди. Бу амирлар қилган хатти-ҳаракатларидан пушаймон бўлиб, Азизиддин Тўғроийни элчи қилиб, Отсизга юборди ваафв этишларини сўради. Улар билан келишиб олган Отсиз у ердан Устувоннинг Ҳобушон қасабасига келди. Бунга кўра, унинг кегидан хокон Рукниддин ҳам Нишопурдан у ерга борди. Иккаласи ўша ерда қолиб, уч ой ичида суҳбатлашиб, уларга қарши чиққанларни тобеъ қилишга киришдилар. Отсиз тайёрлаган зиёфатларга хокон Рукниддинни ҳам таклиф қилди. Улар ҳақида Ватвот ёзган қасиданинг бир байтини келтираман. *Шеър:*

[Икки баракотли юлдузнинг бир буржда бўлгани каби икки кутлуғ подшоҳ саройда бир қарорга келдилар]

У зиёфатдан қисқа вақт ўтгандан кейин Хоразмшоҳ хасталанди. Бир куни ётган ерида қулоғига ғойибдан Қуръони каримнинг “Ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди ва ҳеч ким қаерда ўлишини ҳам билмайди” ояти каримаси эшитилди. У бунни ёмонликка йўйди. Хасталиги борган сари тобора орта бошлади ва ниҳоят, 551 йил

<sup>21</sup> Арслонхон ўғли Маҳмудни Санжарнинг ўрнига салтанат тахтига ўтқаздилар.

<sup>22</sup> Қорахонли Тамғачхоннинг ўғли.

жумадилохир ойининг 9 (1156, 30 июл) куни кечаси ҳаёт билан видолашди. Шу тарзда унинг ғурури, кибри ва худбинлиги ҳам тупроққа кўмилди. Рашидиддин Ватвот жанозасининг бошида узок йиғлади. Уни кўли билан кўрсатиб шундай деди. *Шеър:*

[Эй шох, осмон ҳам сенинг беражак жазонгдан зир-зир титрайди ва олдинда қўл ковуштириб турарди. Бу мамлакатнибошқара оладиган сендан кўра талбирлироқким бор?]

Унинг ўлим хабарини тўрт кундан кейин маълум қилдилар. Эларслон қўшин билан биргаликда тўғри Хоразмга қараб юрди. Унинг йўли устида бўлганбарча амир ва аскарлар унга тобе эканлигини билдирдилар. Исён қилиши мумкин бўлганукаси Сулаймоншоҳни ҳибсга олди ва отабеки Ўғулбекни ўлдирди. Эларслон шу йили ражаб ойининг учинчи куни (1156, 22 август) Хоразм тахтига ўтирди. Қарши бўлиши кутилган баъзи кимсаларни тутдирди. Амир ва аскарларнингдаромад ва ерларини оширди. Кўп хайрли ишларни бажарди. Бу орада Рукниддин Маҳмуд тахтга ўтиришини кутлаш ва отасининг ўлими туфайли таъзия билдириш учун унга элчи юборди.

552 йил рабийулаввал ойининг 26 (1157, 8 май) куни Султон Санжар қазо қилди. Бу хабар Хоразмга етиб боргач, хоразмликлар уч кун аза тутдилар.

Кўксағир номи билан танилган Самарқанд хони Жалолиддин Али б. ал-Ҳусайннинг<sup>23</sup> Мовароуннаҳрда яшаётган қорлуқлардан Бегухоннинг<sup>24</sup> ўлдириши ва яна баъзи кишиларниўлдиришга қарор қилгани туфайли 553/1158-59 йилда Лочинбек қўмондонлигида бир қорлуқ гуруҳи қочиб, Хоразмга келди. Хоразмшоҳ Эларслон қорлуқларга ёрдам бериш учун ўша йили жумадилохир (1158, июл) ойида тўғри Мовароуннаҳрга қараб йўлга чиқди. Унинг бостириб келганидан хабардор бўлган Самарқанд хони қалъага беркиниб, Қорақўл билан Жанд орасида яшаётган туркман кўчманчиларини атрофига тўплади ва қорахитойлардан ёрдам сўради. Улар Илиг Туркманни<sup>25</sup> ўн минг отлик аскар билан ёрдамга юбордилар. Хоразмшоҳ бир қанча ваъдалар билан Бухородан тўпланган лашкар билан Самарқандга юрди. Самарқанд хонининг қўшин чиқариши

<sup>23</sup> Отаси Ҳасантегин номи билан танилган Ҳасан Қилич Тамғачхон Абул Маоли Ҳасан б. Али б. ал-Мўминдир. У ҳақда қаранг: Бартольд В. Ўша асар. Б.322-333.

<sup>24</sup> Бу сўзнинг ўқилиши ҳақида ҳар хил қарашлар бор. Баъзилар уни эски қорлуқ подшоҳлари унвони сифатида ёзади (Хулуд. Б.97).

<sup>25</sup> Илиг эски туркчада подшоҳ маъносини билдиради (қаранг: Пелиот. Ўша асар. Б.16).

туфайли икки томон Сўғд ирмоғининг қирғоғида тўқнаш келди. Калот Илиг Туркман Хоразмшоҳ ва аскарларининг устун эканини кўргач, ўзини камтар тутиб, тавозе кўрсата бошлади. Сулҳ ниятида Самарканд имоми ва олимларини Хоразмшоҳга юборди. Уларнинг истакларини қабул қилган Хоразмшоҳ қорлуқ амирларини қимматбаҳо ҳадялар билан ўз ўлкаларига жўнатиб, Хоразмга қайтиб кетди.

Султон Санжарнинг ўрнига Маҳмудхон ўтиргач, аввал Султон Санжар хизматида бўлган, ақли ва жасорати билан тенгдошларини ортда қолдирган ўғузлардан Ойабонинг Хуросонни истило қилиши туфайли Хуросон ўлкасида тартибсизлик тўсатдан бошланиб кетди ва халқ изтироб ичида қолди. 557йил рамазон ойида (1162, август-сентябр) Ойабо Нишопурда кўзига мил тортирганидан кейин ҳибсга олинган Маҳмудхон орадан кўп вақт ўтмасдан маҳбус бўлиб турган калъада ҳаёт билан видолашди. Шу муносабат билан Хоразмшоҳ 558/1162-63 йилда катта бир қўшин билан Шодияхга юриш қилди. Бир муддат ўша ерда бўлган Ойабони қамалда тутиб тургандан кейин ўзаро элчилар юборилиб, тинчлик келишувига эришгани туфайли Хоразмга қайтиб кетди.

556/1170-71 йилларда Хоразмшоҳга қарши катта бир қўшин тайёрланди. Бундан хабардор бўлган Хоразмшоҳ тайёргарлик кўриб, Мовароуннаҳр қорлуқларидан Айёрбек қўмондонлигидаги илғор қисмни Амуяга жўнатди. Хоразмшоҳ у ерга бормасданок икки томон жангга киришди. Айёрбек қўлга олинди. Эларслон ҳам касалланиб, Хоразмга қайтиб кетди ва ўша йили ражаб ойининг 18-кунида (8август) ҳаёт билан видолашди.

Унинг ўлими туфайли валиаҳд қилиб тайинланган кичик ўғли Султоншоҳ отасининг ўрнига хоразмшоҳлар тахтига ўтирди. Ёши кичик бўлгани сабабли онаси Малика Туркон бошқарувни ўз қўлига олди. Эларслоннинг катта ўғли ТакишЖандда эди. Элчи юбориб, уни саройга таклиф қилди. Келмагач, уни ўлдириш учун устига бир қўшин жўнатди. Бундан воқиф бўлган Такиш қочиб уйга қайтди. Хон исми билан маълум қорахитой хонихонон (хонларнинг хони – тарж.) қизига<sup>26</sup> бўйин эгишга мажбур бўлди. Хоннинг қизи идора тизгинини эри Фумо<sup>27</sup> қўлига топширган эди. Такиш

<sup>26</sup> Бу шахзода исми чинлилар тилида Ченг-Тиан (1164-1176) исмли Пу-Су-ван бўлиб, император Як-Лу То-шихнинг (1124-1143) қизи ва император Йи-лиэх (1151-1163)нинг синглиси.

<sup>27</sup> “Фумо” номи хитойча *фу-ма* сўзларидан олинган бўлиб, “одил шахзода” маъносини билдиради ва унвон сифатида ишлатилади.

Хоразмни олиб, унга беришдан ташқари ҳар йили маълум миқдорда солиқ тўлашни ваъда қилиб, у билан келишиб олди. Бундан кейин малика эри Фумонинг ихтиёрига катта қўшин бериб, Такиш билан бирга Хоразмга юборди. Такишнинг келганини билган Султоншоҳ онаси билан бирга тўғри йўл танлаб, уруш қилмасдан Малик Муайяднинг ёнига бориш учун Хоразмни тарк этди. 568 йил рабийул аввал ойининг 22 (1172, 11 декабр) душанба куни Хоразмга кирган Такиш тахтга ўтирди. Шу муносабат билан ўша ерда ҳозир бўлган шоир ва адибларнинг ҳар бири уни қутлаш учун шеър ва нутқ ёздилар. Такишнинг отаси хизматида бўлган саксон ёшли Ватвотни унинг ёнига замбилда олиб келдилар. Ватвот уни кўргач, “Ҳар ким ўз зехни ва иқтидоридаражасида шеър айтди. Бандангиз ёши ўтганлиги ва заифлиги туфайли кеч қолди. Фақат такрор қутлаш ниятида шу рубойини ёзди”, – деб ёзган рубойсини ўқиди. *Шеър*:

[Бобонг замон саҳифасидан зулм сўзини ўчирди. Отанг адолати яраларни танғиб боғлади. Эй, салтанат хирқасини кийган зот, бошқариш навбати сенга етди, энди сен нима қилмоқчисан?]

Такишишини бошлар-бошламас, адолат ва инсоф дастурхонини очишни ўзига вазифа деб билди. Фумоннинг ҳаққини унутмасдан унга яхши муносабатда бўлди ва унга қимматбаҳо совғалар юборди.

Султоншоҳнинг онаси ҳам бекор турмади. Малик Муайядга нафис гавҳарлар билан қимматбаҳо моллар бергандан кейин Хоразм халқи ва аскарлари ўзига тобе эканлигини узок аңлатиб, унга Хоразм вилоятини ваъда қилди. Султоншоҳ онасининг сўзига ишониб, қаноат ҳосил қилгач, шайтон йўлдан чиқарган Малик Муайяд жонини таҳликага қўйди. Тарқоқ бир вазиятда бўлган ҳарбий қисмларни тўплаб, Султоншоҳ билан унинг онасини ёнига олиб, тўғри Хоразмга йўл олди. Улар бугун сув остида қолган Субурнияга<sup>28</sup> етган вақтда Муайяднинг аскарлари чўлдан гуруҳ-гуруҳ холида чиқишга қарор қилдилар. Уларни чўлнинг чиқишида Такиш кутиб турганидан хабарлари йўқ эди. Султон Такиш биринчи гуруҳда бўлган амир Муайяд билан жангга кириб, унинг аскарларини ўлдириб, Муайяднинг ўзини асир олди. Уни Хоразмга келтириб, 569 йил зулҳижжа ойининг 9-куни (1174, 11 июл) қатл қилди.

<sup>28</sup> Хоразмшоҳлар ҳудудига қарашли шаҳар.



Бу орада Султоншоҳ ва унинг онаси қочиб, Деҳистон<sup>29</sup> га кетдилар. Ушбу хабарни олган Такиш уларнинг изига гушди. Дехистон халқи таслим бўлди. Такиш Султоншоҳнинг онасини ўлдириб, орқага қайтди. Султоншоҳ эса қочиб, Малик Муайяд ўрнига тахтга чиққан ўғли Тўғоншоҳнинг ёнига Шодияхга кетди. Бир муддат Нишопурда қолди. Тўғоншоҳнинг унга аскарий ва моддий жиҳатдан ёрдам берадиган кучи йўқлигини тушунгач, Ғур султонларига<sup>30</sup> бориб, улардан ёрдам сўради. Ғур султонлари унга кераклича илтифот ва ҳурмат кўрсатдилар.

Султон Такиш Хоразмда тартиб-интизом ўрнатиб, ўлканинг ишларини йўлга қўйгандан кейин ундан солиқ талаб қилиб, қорахитой элчилари кела бошлади. Улар муошарат одоби қоидаларига биноан муносабатда бўлдилар. “Нафс шарафи унинг таянч кучи билан намён бўлади” деган сўз бор бўлса ҳам ҳақсизликка бўйин эгмаслик лозим. “Хур инсон табиатига ғурур ҳокимдир”. У пайтда Такишнинг амрига нисбатан номувофик ҳаракат қилгани учун Хитой элчиларидан бирининг ўлдирилгани сабабли Такиш билан қорахитойликлар орасига совуқлик тушди.

Такишнинг хитойликлар билан муносабати бузилганини билган Султоншоҳ хурсанд бўлди ва буни ўзи учун қулай фурсат, деб ҳисоблади. Кўп ўтмасдан хитойликлар Такишни тугатишга Султоншоҳни даъват қилдилар. Ўша пайтда унинг ёнида бўлган Ғиёсиддин, Султоншоҳни тантана билан Хитойга юборгандан кейин атрофидагиларга қараб, “Бу одам билан Хуросонда қаршиликлар чиқара оламиз. Шу сабабдан унинг азиятига бир муддат яна чидашимиз керак. У бизга Тангрининг лутфидир”, деди.

Султоншоҳ Хитойга бориб, Хоразм халқи ва аскарларининг унга нисбатан кўрсатган ҳурматларини кўргач, хитойликлар Фумо кўмондонлигидаги катта бир қўшинни у билан бирга Хоразмга юборди. Уларнинг келишидан хабар топган Султон Такиш бир ҳарбий қисм юбориб, Жайхун (Амударё) дарёси сувини улар ўтадиган йўлга қўйиб юборди ва уларнинг келишини биров муддат кечик-

<sup>29</sup> Бугунги Туркменистон ҳудудида Каспий денгизининг шарқий соҳилидаги Этрек жанубидаги шаҳар (Минорский, Худуду-л-олам. Б.386).

<sup>30</sup> Яъни Ғиёсиддин Муҳаммад ва укаси Шаҳобиддин Муҳаммад Ғурга. Ғур султонлари ҳақида қараи: Бартольд, Ўша асар. Б.338; Lane-Poole. The Mohammadan Dynasties, s.291 vd; Ғур номи Ҳиротнинг жанубий шарқида Ғаржистон билан Жузжоннинг жанубидаги тоғлик зонанинг номидан олинган. Бу ўлканинг лаҳжаси Хуросон тилидан катта фарқ қилади. Қараи: Бартольд, Ўша асар. Б.338.

тириб, жанг тайёргарлигини яқунлашга улгурди. Фумо шаҳар дарвозасига келгач, хитойликлар Султоншоҳни яхши кўрмагани сабабини тушунди. Бу ишга киришганидан пушаймон бўлиб, орқага қайтиб кетди. Ундан сўнгра Султоншоҳ ҳам Хоразм ишидан бирор нарсага эриша олмалиги ва ўзи учун ягона йўл Сарахсга юриш эканлигини тушунди. Фумога ялиниб-ёлвориб, ундан бир канча аскар олгач, ўғуз амирларидан бири Малик Динор бошқарувидаги Сарахсга ҳужум қилди. Халқининг кўпчилигини қиличдан ўтказди. Жанг пайтида хандакка тушиб олган Малик Динорни сочидан тутиб, юкорига олиб чиқдилар. Ўғузларнинг омон қолгани қалъага чекинди. Султоншоҳ у ердан чиқиб, Марвга кетди. Хитойлик аскарларни ўз юртларига жўнатиб юборди. Ўғузларни Сарахсдан чиқариб ташлагунга қадар у ерга ҳужум қилиб турдилар. Ҳужумлар қаршисида Малик Динор ожиз қолганини кўрган аскарларнинг кўпчилиги уни тарк этди. Малик Динор сохта бир динор (пул) каби чўнтакнинг бир тубида қолгач, Тўғоншоҳга элчи юбориб, Сарахсни Бистом<sup>31</sup> билан алиштиришни таклиф қилди. Тўғоншоҳ унинг таклифини қабул қилиб, амир Умар Ферузкўхийни ўша ерга юборди. Малик Динор ҳам Сарахсни унга таслим қилиб, Бистомга кетди.

Султон Такиш Ироққа кетиш учун Хоразмдан ҳаракат қилиб Ложармга боргач, Малик Динор кўрқувдан мол-мулкни ташлаб Тўғоншоҳ ёнига қочди. Тўғоншоҳ Умар Ферузкўхийни Сарахсдан чақириб, унинг ўрнига отасининг маъмури амир Қорақушни ўтқизди. Ўша пайтда Султоншоҳ аввал келишилган шартномани бузиб, оз сонли бир аскар билан Сарахсга ҳужум қилди. Ҳужумдан хабар топган Тўғоншоҳ яхши қуролланган 10 минг кишилик қўшин билан унинг устига юриш қилди. 576 йил зулҳижжа ойининг 26 куни (1181, 13 май) чоршанбада икки қўшин Осиёи Ҳафса тўқнашди. Кўп ўтмасданок Тўғоншоҳ Султоншоҳдан енгилди. Буюк бир имконият орқали ғолиб келган Султоншоҳ аҳамиятли миқдордаги ўлжани қўлга киритди. Қўлга киритган ўлжалар орасида уч юз улов ҳам бор эди.

Бу ҳолатда Сарахс ва Тусга ҳоким бўлган Султоншоҳнинг саодат юлдузи порлай бошлади. Соз ва сўзнинг дўсти Тўғоншоҳ акси ўлароқ Султоншоҳ уруш ва жангу жадал одами эди. Ўша

<sup>31</sup> Бистом, ҳозирги номи ҳам Бистом; машҳур мутасаввиф Абу Язид (Боязид) 874 йилда дафн қилинган жой.

орада аскарлари тарқалиб қайтадан яна гўпланган Тўғоншоҳ устига тез-тез ҳужум қилиб турди. Тўғоншоҳ амир ва аскарларидан кўпи унинг томонига ўтиб кетди. Мана шундай ҳолда кучларини йўқотган Тўғоншоҳ бир неча марта Султон Такишга ва Ғур султониغا элчи юбориб, ёрдам сўраб ёлборди ва бир марта ҳатто шахсан ўзи Хиротга борса ҳам бу тadbирлардан ҳеч бир натижа чиқара олмади. Мана шундай бир умидсиз вазиятда 581 йил муҳаррам ойининг 12 (1186, 15 апрел) душанба куни кечаси бу дунёдан охиратга кўчди. Худди шу кечаси Тўғоншоҳ ўғли Санжаршоҳни ўз ўрнига ўтказган бўлса ҳам Тўғоншоҳнинг отабеги Менглибек<sup>32</sup> вазиятни ўз измига бўйсундирди. У Тўғоншоҳнинг мол-мулкига қўл чўзиб, баъзи истақларини амалга оширди. Шу муносабат билан Тўғоншоҳнинг ёнида қолган амирлар ҳам Султоншоҳ томонига ўтдилар ва шу тарзда Тўғоншоҳ ерларининг кўпчилиги Султоншоҳ қўлига ўтди. Бу орада Малик Динор Кирмонга кетди. Кирмондаги ўғузлар унинг ёнидан жой олдилар.

582/1186 йилнинг бошларида Султон Такишнинг Хоразмдан чиқиб, Хуросонга келишини қулай пайт деб билган Султоншоҳ кўп аскари билан Хоразмга юриш қилди. Ўша пайтда Султон Такиш Марвга келган ва шаҳар дарвозаси ёнига тушган эди. Хоразмликлар Султоншоҳга киришга рухсат бермагани туфайли Султоншоҳ аввалроқ Такишнинг Марв дарвозаси яқинида эканидан хабар топиб, бошқа иш билан чалғимасдан тўғри Марвга қараб йўлга чикди. У ерга етиб бориб, аскарларининг кўпини ўша ерда қолдирди. Жангчи эллик одами билан кечаси Такиш қўшинини ёриб ўтиб, Марвга киришга муваффақ бўлди. Эртаси куни Марв дарвозасида кутган Султон укасининг шаҳарга кириб вазиятга ҳокимлик қилганини билгач, фурсатни кутмасдан Шодияхга йўл олди. 582 йилнинг рабийулаввал (1186, март-апрел) ойида шаҳар ёнига келди. Шаҳар ичида бўлган Санжаршоҳ ва Менглибекни икки ой муддат қамал ичида тутиб тургандан кейин томонлар келишишга қарор қилдилар. Такиш келишувни амалга ошириш учун катта хожиб Шаҳобиддин Масъуд, хонсолор Сайфуддин Мардоншер ва котиб Баҳоуддин Муҳаммад Бағдодийни Менглибекка юборди. Менглибек эса келган элчиларни Султоншоҳхусусида гапирадилар деган гумон билан туттириб, Султоншоҳга йўллади. Икки ака-ука орасида келишувга эришгунга қадар уч киши хибсада қолди.

<sup>32</sup> Ибну-л-Асир уни Менглитегиндеб атаган.

Ўша пайтда олимларнинг буюги, имомларнинг машҳури, ақли ва билими билан давр султонлари ҳурматини қозонган Хуросон қозиси шайхулислом имом Бурҳониддин Абусаид ал-имом Фахриддин Абдулазиз Султон Такишнинг хизматида эди. Бу ерда ўрни келган экан, дўстларимдан бири нусха олиб, Куфага менга юборган байтларини келтираман. *Шеър* (арабча):

[Ўлмасдан бурун Куфага қайтиш истаги амалга ошадими? Эргалаб ал-Кинос билан Кинда<sup>33</sup> орасида юриб, кўз ёшимни тепаликка тўка оламанми? Аллоҳдан сўрайманки, У ҳатто бугун ҳаёти давомида минг азият етказган инсонларни Ироқдан айирмасин]

Келишувдан кейин имом Бурҳониддин Абусаид Шодияхга келгунча Менглибек уни туттириб ўлдирди.

Султоншоҳ акаси келгунча доимо ёдида сақлаб келган Нишонпурни қўлга киритиш режасини амалга ошириш учун бир марта яна Шодияхга юриш қилди. Бир муддат жанг қилиб, шаҳар халки қаршисида мағлуб бўлгач, Сабзаворга йўл олди. Сабзавор халқининг ҳақоратига қолмаслик учун шаҳарни қўлга киритишга қаттиқ киришди. Манжаникларни ҳаракатга келтирди. Шаҳардагилар аҳволнинг ёмонлигини тушунгач, сўнгги чора сифатида диний ва табиийилмларда тенгсиз бўлган даврининг машҳур сўфийларидан шайх Аҳмад Бадилийни шафоат тилаб, Султоншоҳ хузурига юбордилар. Султон уни жуда яхши кутиб олди. Илтимосини қабул қилиб, шаҳар халқининг жонини сақлаб қолди. Шайх Аҳмад асли сабзаворлик эди. Султоншоҳдан шафоат сўраш мақсадида йўлга чиққан вақтда суфий ва шайхларга ишонмаган, уларга ёмон кўз билан қараган бир гуруҳ одамлар унга ёмон гаплар айтган эдилар. У ҳам бу хил гап-сўзлар қаршисида ўзига-ўзи “Агар булардан ҳам мункир (Аллоҳни инкор қилган) бир қавм бўлса, пирим Аҳмад<sup>34</sup> мени юборди” деди. Унга жавобан ўк отдилар, ўқлар унинг ёнига келиб тушаётган бўлса-да, бунга парво қилмади. Шайх Аҳмаднинг газал, рубойи ва рисолалари бор. Шу рубойи унга тегишли. *Шеър*:

[Эй жон, сен муқаддас бир руҳсан. Агар сен тан борлигидан тозалансанг, кўқларга кўтариласан. Сенинг асл жойинг аршдир. Келиб бу гупроқ билан қонли дунёда ўтириш сени хижолатга солмайдими?]

<sup>33</sup> Куфанинг бир маҳалласи бўлган ал-Киносанинг бошқа бир номи. Кинда эса, эхтимол, Ямандаги бир қасаба бўлиши мумкин.

<sup>34</sup> Бу ерда сўз юриштилатган киши Хуросон ўлкасининг Афғонистон чегарасига яқин бир жойда бўлган ва бугун зиёратгоҳга айланган Турбати Шайх Жомда ётган Аҳмад Жомий (441-536/1049-1142) бўлиши керак.

Сабзаворга кирган Султоншоҳ берган сўзига биноан Марвга томон ҳаракат килди.

Султон Такиш 583 йил муҳаррам ойининг 14 (1187, 27 март) жума куни қайтадан Шодиях дарвозасига келди. Манжаниқларни ҳаракатга келтириб, шиддатли бир уруш бошлади. Бир муддат чорасиз қолган Менглибек шафоат сўраб, имомва шайхларни Такишга юборди. Такишуларнинг ёлворишига бардош беролмай, шаҳар халқининг жонини омон сақлашга сўз берди. Бу ваъда туфайли Менгли ҳам туриб, Такишнинг ҳузурига борди. Султон Такиш у ёққа ҳаракат қилган вақт рабийул аввал ойининг 7 куни (16 май) сешанбада шаҳарга кирди. Адолат ва жўмардлик дастурхонини ёзиб, шаҳарни ҳукм сурган зулмдан тозалашга киришди. Менглибекни муҳокама қилиш учун бир ҳоким тайинлади. Унинг ноҳадан олган нарсалари қайтадан эгаларига қайгарилди. Ўлдирилиш туфайли “олимларнинг вужуди заҳарланди” деган ихчам ҳикматга амал қилиб, Бурҳониддиннинг ўғли учун қасос сифатида Менглибек имомлар фатвосига кўра, Бурҳониддиннинг отаси имом Фаҳриддин Абдулазиз ал-Куфийга таслим қилди. Фаҳриддин ҳам “Биз унда (Тавротда) уларга жонга жон ва жароҳатларга қасос (олинур) деб, битиб қўйдик”<sup>35</sup> амрига уйғун тарзда ўғлининг қасосини олиб, Менглибекни ўлдирди. Мана шундай қилиб, Нишопурунинг зулмидан қутулиб, яна Хоразмшоҳнинг қўлига ўтди. Бу жой ишларини бошқаришни катта ўғли Носириддин Маликшоҳнинг вакодатли қўлларига топширган Султон Такиш юқорида зикр қилинган йилиражаб ойи (1187, сентябр-октябр) Хоразмга қайтиб кетди.

Султоншоҳ вазиятнинг маъқул эканлигини кўргач, ўз аскарлари билан бирга Маликшоҳни йўқотиш учун Шодияхга юрди. У ердаги халқнинг бир қисмига қилич ва ўлим шарбатини тоттиргандан кейин шаҳарда мавжуд деворларни йиқиттирди. Кейин эса Маликшоҳнинг аскарлари билан шиддатли жангга киришди. Маликшоҳ отасига элчи юбориб, ундан ёрдам сўради. Султон Такиш бундан хабар топар-топмас, қўлидаги бор аскарлари билан дарров йўлга чиқди. Насога боргач, махсус кўриқчиларидан бирини катта қўшин билан Хуросонга келганини маълум қилиш учун Султоншоҳга юборди. Бу хабарни олган Султоншоҳ манжаниқларни кетга буриб, рўзғори юришмаган кул каби у ердан узоқлашди. Султон Такиш шаҳарга киргунча йиқилган ерларни таъмирлашга буйруқ берди ва

<sup>35</sup> Куръони карим, 5:45.

қишни ўтказиш учун Мозандарон томонга ҳаракат қилди. Ўша кунларда аввал унинг амри остига кирмаган Хуросон амирлари тобе эканлигини билдириб, унинг жўмардлик ва шафқат ҳудудига кириб юксалдилар. Баҳор қишнинг юзидаги ёпинчиқни очиб, дунёни ўзининг гўзаллиги билан насиблантирар экан, Султон Такиш оёққа туриб, Хуросонга қайтаюриш қилиш учун йўлга чиқди. Бир муддат Туснинг Родигон ўтлоғида кўним топди. Ўша пайтда унинг билан Султоншоҳ орасида элчилик алоқалари йўлга қўйилиши натижасида ихтилофли мавзулар бартараф қилинди ва икки ака-ука дўстлик, тинчликка сулҳ тузилар. Хоразмшоҳ эришилган сулҳнинг эҳсони сифатида Жом, Боҳарз ва Зарипул<sup>36</sup> каби шаҳарларни Султоншоҳ ихтиёрига берди. Бунга жавобан Султоншоҳ ҳам аввал Менглибекни ушлаб, Такишнинг яқинларини озод қилди ва уларга тухфалар берди. Икки томон ҳам англашилмовчилик зараридан қутулди. Хуросон ўлкаси асирлар ва душманлардан тозалангани муносабати билан Хоразмшоҳ Такиш 585 йил жумадила аввал ойининг 18 (1189, 24 июл) сешанба куни Туснинг Родигон ўтлоғида салтанат тахтига ўтирди. Донғи ҳамма томонга ёйилди. Ҳайбати халқнинг бошидан ва қалбидан жой олди. Унинг тахтга чиқиши ҳақида кўп шеърлар битилган. Шулардан бири Имодий Завзаний қасидасининг матлабини қуйида келтирамиз. *Шеър:*

[Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, шарқдан ғарбгача бўлган бутун олам жаҳон подшоҳининг қиличи соясида нажотга эришди. Буюк қўшинлар соҳиби, жаҳон ҳокими, подшоҳларга мартаба берган то Одам Атодан бери подшоҳ наслидан келган оламнинг малиги Отсиз ўғли Эларслон ўғли Такишхоннинг бахти очилиб, подшоҳлик тахтига ўтирди. У мовий осмондаги қуёшни эслатарди]

Султон Такиш ўзига хос тарзда шоир ва бошқа кишиларга эҳсонлар қилиб, Хоразмга қайтиб кетди.

Гур султонлари билан Султоншоҳ орасида қиска бир муддат тинчлик сулҳи тузилган бўлса-да, уларнинг урушлари ҳеч бир вақт тўхтамади. Бу урушлардан бирида Марварруд ва Панж учун жангларда Султоншоҳ қаттиқ мағлубиятга учради ва ундан кейин бирор мартаба ҳам кучини қайта тиклай олмади. Кейинчалик эса иккала томон ҳам қутулиш йўлини фақат тинчликда деб ҳисоблади ва истар-истамас орада тинчлик сулҳи тузилди.

<sup>36</sup> Жойлашган ўрни аниқланмади.

Бу орада Султоншоҳ давомли тарзда акасини безовта кила бошлади ва ундан бажариб бўлмайдиган истаклари талаб қилди. Бундай номувофиқ ҳаракатлари билан ҳам орадаги тинчлик келишуви талабларини бузди. Сўнгида Хоразмшоҳ 586 (1190-1191 йилда) Султоншоҳни йўқ қилиш учун Хоразмдан ҳаракат қилди ва Султоншоҳ одамлари озиқ-овқат омбори қилиб қўйган Сарахс қалъасининг ёнига тушди. Кучли жангдан кейин қўлга киритилган қалъа деворлари ҳароба ҳолига келди. Сўнгра Родигон томонга қайтиб, ёзни ўша ерда ўтказди. У ерда кўрилган ташаббус натижа-сида икки ака-ука орасида келишув сакланди. Бу туфайли Сарахсга кетган Султоншоҳқалъани таъмирлаб, омборларни захиралар билан тўлдирди. Икки ака-ука орасидаги келишув 588 (1192-93) йилда Элдениз<sup>37</sup> ўғли отабек Мухаммад ўғли Қутлуғ Инончнинг салжукли султони Тўғрул томонидан ҳибсга олинган қалъадан қутилиши ва Ироқ ўлкасининг қўлидан кетгани хабарини етказиш учун юборилган элчининг Хоразмшоҳ (Такиш) ҳузурига келиши билан якун топди.

Хоразмшоҳ Қутлуғ Инончга ёрдам бериш учун Хоразмдан ҳаракат қилди. Ўша сафарда котиб Баҳоуддин Бағдодий Хоразмшоҳнинг хизматида эди. Бирин-кетин бораётган қўшинлар қатори Жувайнга етгач, бобомнинг отаси Баҳоуддин б. Али Озодвор қасабасидан Хоразмшоҳнинг ҳузурига чиққач, Баҳоуддин Бағдодий билан катта бобом ўртасида катта жанжал келиб чиқди. Тортишув Хоразмшоҳнинг диққатини тортди. Бу муносабат билан бобом вазирнинг ишораси билан шу рубойни ёзган. *Шеър*:

[Лутфинг бебаҳо жавҳарни қадрсизлантиради. Қўлинг очиқлиги Жайхун (Амударё)ни унуттиради. Агар ўйлайдиган бўлсанг, ҳукминг фалакнинг бошидаги бўш ҳавасни олиб кетади]

Бу шеърни эшитгач, Хоразмшоҳ ярим кечагача шароб ичди. Катта бобомга илтифот кўрсатиб, уни бебаҳо ҳадялар билан шарафлангирди.

Хоразмшоҳ кейинчалик яна қуёшнинг Ҳамал буржига кирган кун (йилбоши, яъни 21 март – *тарж.*) душманларни таг-томири билан йўқотиш мақсадида Ироққа йўл олди. Хоразмшоҳ келганидан хабардор бўлган Қутлуғ Инонч ва онаси<sup>38</sup> уни чақирганидан

<sup>37</sup> Шамсиддин Элдениз (1136-1172) Озарбайжондаги Отабеклар сулоласининг асосчиси бўлиб, Қутлуғ Инонч отабек Абубакр (1191-1210) ва отабек Ўзбекнинг (1210-1225) отаси ва унинг ўрнига келган Қизил Арслон Усмоннинг (1185-1191) ҳам кардошидир.

<sup>38</sup> Қутлуғ хотун.

пушаймон бўлди ва қалъага беркиниб олди. Хоразмшоҳ Ройга боргач, жангчилар ва бўш қуроллар билан тўла Таборак<sup>39</sup> қалъасини икки кун ичида забт этиб, кўп ўлжани қўлга киритди. Ёзни Рой атрофида ўтказди. Об-ҳавоси ва суви ёмон бўлгани учун аскарларининг кўпини йўқотди. У пайтлар Султон Тўғрул Хоразмшоҳ билан Қутлуғ Инончнинг шартлашганини эшитгач, кўп миқдорда совғалар юбориб, Хоразмшоҳдан омонлик тилади. Бундан кейин иккиси орасидаги дўстлик чашмаси ифлосликдан тозаланди ва биродарлик косаси лиммо-лим тўлди. Хоразмшоҳ солиқ йиғдирганидан кейин турк амирлари катгаси Тамғачни бир миқдор аскар билан Ройда қолдириб, тўғри Хоразмга қараб ҳаракат қилди.

Йўлда унинг йўқлигини фурсат билган Султоншоҳ Хоразмни камал қилгани хабарини эшитиб, Султон Такиш юриш суръатини янада оширди. Дехистонга борган вақтида Султоншоҳ Такиш келаётганини билгач, Хоразмдан узоқлашгани ҳақидаги хушхабарни келтирдилар. Султон Такиш Хоразмга бориб, кишни вақгичоғлик билан ўтказди. Яшиллик тупроқдан бошини чиқариб, баҳор ғунчаси кулимсираб, тишларини кўрсата бошлаганда укасиғасабоқ бериш учун Хуросонга йўл олди. Абивардга боргач, тушунмовчиликларни бартараф қилиш учун икки ака-ука элчилар алмашишди. Лекин элчилар олиб келган мактублар англашилмовчиликларни бартараф қилишга етарли бўлмади. Чунки Султоншоҳ кўпол табиатли ва ёмон феъл-атворли бўлгани учун қарши томон ҳақида номувофиқ гаплар айтди. Ўша пайтда Сарахс волийси Бадриддин Чоғир аввал Султоншоҳ ҳақида айтган гаплари унинг қулоғига етиб боришидан кўрқиб, ишончсиз одамларни ҳибсга олдириб, Султон Такишга даъват учун Абивардга хабарчи жўнатди. Такиш хабарни эшитар-эшитмас, олдиндан суворий қисмни жўнатиб, ўзи ҳам орқасидан йўлга тушди. Сарахсга боргач, Чоғир уни кутиб олиб, тобелигини билдирди ва қалъаю хазинанинг қалитини унга топширди. Бу ҳодиса берган азоб Султоншоҳнинг ойдин кунларини қорайтирди. Ниҳоят, 589 йил рамазон ойининг охири кунинда (1193, 22 сентябр) давлати ва ҳаётининг қуёши ботди. Эртаси куни Султон Такишга етказилган унинг ўлими ҳақидаги хабар худди Наврўз севинчини берди ва Султон ТакишСултоншоҳнинг мол-мулкини қўлга киритди.

<sup>39</sup> Ройнинг шимолида бир тепалик устида қурилган бу қалъа ҳақида қаранг: Le Strange. The Lands of the Eastern Caliphate, s.216.



Султоншоҳ тахти, саройи, хазинаси ва аскарларига меросхўр бўлиб олган Султон Такиш ўғли Малик Кутбиддин Муҳаммадни<sup>40</sup> чақириш учун Хоразмга хабарчи юборди. Ўша пайтда Нишопурда волий бўлган ва савсан (ёввойи қуш – тарж.) овлашни яхши кўрган катта ўғли Носириддин Маликшоҳ Марвда кўп ов ҳайвонлари борлиги учун отасидан хизмат жойи Нишопурдан Марвга ўтказилишини сўради. *Шеър* (арабча):

[Уларнинг меники бўлишига, халқим ва уйимнинг ҳам улар орасида бўлишига қарамасдан сенга Сурия, менга эса унинг атрофи тегиши ёмон бир тақдир]

Султон Такиш ўғлининг истагини бажо келтириб, Нушопурни Малик Кутбиддинга бериб, ўғиллари ваколатини орттирди.

Султон Такиш билан Султоншоҳ бир-бирига қарши урушаётганида Султон Тўғрулнинг сулҳни бузганлиги Тамғач томонидан қўлга киритилган Таборак қалъасига ҳужум қилиб, Хоразм аскарларидан у ерни олгани хабари келгач, Султон Такиш 590/1194-95 йилнинг бошида Султон Тўғрулдан интиқом олиш ва у ердаги қаршилиқни бартараф қилиш учун Ройга қараб ҳаракат қилди. Қутлуғ Инонч Ироқ амирларини ёнига олиб, Хоразмшоҳни Симонда кутиб олди. Ўтмишда қилган хатолари учун Султондан узр сўради. Султон ҳам Қутлуғ Инончни афв этиб, уни ихтиёридаги аскарлар билан илғор қисм сифатида жўнатди. Ўша пайтда Ройга уч фарсах (фарсах – узунлик ўлчов бирлиги = 6 км га тенг – тарж.) нарида қароргоҳ қурган ва уруш байроғини кўтарган Султон Тўғрул Қутлуғ Инонч яқинлашганини эшитгач, аскарини урушга тайёрлади. Султон Тўғрул ҳамма вақт фахрланиб юрадиган оғир бир гурзигаэга эди. Жанг пайтида уни кўлига олиб, кўшиннинг олдига тушиб, “Шоҳнома”нинг манабу байтларини ўқирди. *Шеър*:

[Кўшиндан ҳавога кўтарилган чангдан қахрамонимиз юзлари саргайди. Мен эса бир зарбада ўлдирадиган гурзини қўлга олдим. Кўшинни орқада қолдириб, от устида шундай бир ҳайқирдимки, ер юзи душман оёғи остида тегирмон тоши каби айлана бошлади]<sup>41</sup>

У яна ўша ҳаракатни такрорлагач, кўк тегирмони унинг ҳаёт доналарини эзиб, ун қила бошлади ва умиди умидсизликка айланди. Отнинг устидан ерга йиқилди. Қутлуғ Инончунинг ёнига етиб келиб, қиличини кўксига ураркан, “Менинг излаганим сенсан” деб,

<sup>40</sup>Отасининг ўлимидан кейин Алоуддин лақабини олган машхур Муҳаммад Хоразмшоҳ.

<sup>41</sup> “Шоҳнома”. Вуллерс нашри. Б.188. 11.1060-2.

битта зарба билан бошидаги ғурур ва кибр билан қалбидаги ёмонлик ва табиатидаги қўполлик билан бирга ҳар бир жонлининг умри бир кун кетадиган жойга жўнатди. *Шеър*:

[Ўзгарган фалакнинг тез ҳаракати олдида султон (Тўғрул)нинг оғир гурзиси нима қила олади? Тақдирнинг ҳукмига аскарлари кўплиги билан ҳам қарши туриш мумкинми?]

Охирида Султон Тўғрул жасадини туя устига юклаб, Султон Такишнинг ёнига олиб келдилар. Душманни бу аҳволда кўрган Такиш Аллоҳга шукрона келтириш учун отдан тушиб, сажда қилгач, унинг бошини танасидан жудо қилиб, орада душманликда бўлган мўъминлар амири ан-Носириддиноллоҳга<sup>42</sup> (1180-1225) юборди. Жасадини ҳам 590 йил рабийулаввал ойнинг 29 (1194, 24 апрел) пайшанба кuni Ройда бир дарахтга осиб, ибрат бўлсин дея халққа кўрсатди. Бу орада Султон Тўғрул маддоҳи ва надими Камолиддинни ушлаб, вазир Низомулмулк Масъуднинг ёнига олиб бордилар. Вазир унга “Тўғрулвачча ўз вақтида донг таратган бўлишига қарамасдан ислом подшоҳининг илғор қисми бир ҳамласига ҳам дош бера олмайди” деди. Камолиддин шу шеърни ўқиди. *Шеър*:

[Ҳумон қувват жиҳатидан Бийжандан устун эди! Лекин Бийжан уни енгди. Қуёш ботгач, фазилат ўз ўрнини қабоҳатга бўшади берди]<sup>43</sup>

СултонТўғрулнинг ўлими туфайли Султон Такиш Ройда ортиқча қолиб кетмади. Ҳамадонга тўғри юриб, Ироқ қалъаларидан бир канчасини қўлга киритди.

Бу фатҳдан кейин халифа Носириддин Султон Такишга фатҳ қилган жойларнинг бир қисмини Юксак девонга<sup>44</sup> бериши учун юборган элчисига Такишнинг рад жавоби берилиши туфайли Халифа яна бир марта вазир Муаййиддин ибн ал-Қассобни ҳадялар билан Такишга юборди. Муаййиддин Асадободга бориб, атрофида ўн мингдан ортиқ араб ва ироқлик аскар тўплаганлигини кўргач, ақли ва илми камлигидан фойдасиз кибрланди. Султонга “У маком сенга халифа томонидан эҳсон қилинган ва мамлакатнинг ишлари учунсенга берилган. Энди ўша неъматнинг ҳаққи сифатида озгина аскар, халифанинг вазири билан менинг хизматимга кириб, отимни яёв етаклаб юришинг керак” деб хабар юборди. Чуқур билими ва

<sup>42</sup>1180-1225.

<sup>43</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.1182. Ҳумон Бийжан томонидан ўлдирилган туронлик йиғит.

<sup>44</sup> Аббосийлар давлати.

тажрибаси билан қарши томон ҳийласини пайкаган Султон дарҳол бир қўшин чиқарди. Султоннинг қўшини вазирга яқинлашар экан, вазир кочиқ Бағдодга кетди. Ўша ерда қилган хатти-ҳаракати туфайли йиғлаб, халифадан узр сўради. Султоннинг қўшини унинг кетидан Диноваргача<sup>45</sup> борди. Султон у ерда кўп миқдорда ўлжа қўлга киритиб, Ҳамадонга қайтди. Фатҳ қилган жойларнинг бошқарувини амирлари орасида тақсимлаб, солиқ тўплаш учун у ерга маъмурларини юборди.

Исфаҳон бошқарувини Қутлуғ Инончга қолдириб, Ироқдаги амирларнинг қўлини боғлади. Райнинг идорасини эса ўғли Юнусхонга бериб, Маёнжукка унинг амрига бўйсунувчи отабеква кўмондон вазифасини берди. У ердаги мавжуд ўлкаларни бошқариш ишларини ҳам шу шаклда йўлга қўйганидан кейин ғолиб бўлиб, тўғри Хуросонга йўл олди. Йўлда ҳаво ёмонлиги туфайли Марвда ҳаста бўлиб қолгани хабарини олган Маликшоҳни ўз истагига кўра Тусга жўнатди. Тусда соғлигини тиклагач, унинг қайтадан Нишопурга қайтишига изн берди. Ўзи ҳам тўппа-тўғри Хоразмга йўл олди. Ўша пайтда Султон Муҳаммадга Хуросондан мулк берди ва уни ўзига ёрдамчи қилиб тайинлади.

591/1194-95 йилнинг қиш фасли ўтгач, Султон Ғайир Бўкихонга хужум қилиш учун Сигноқ йўлига равона бўлди. Султоннинг кўп сонли аскарлари билан Жандга келганидан хабардор бўлган Ғайир Бўкихон қоча бошлади. Султон унинг кетига тушди. Лекин ўша пайтда Султоннинг ёнида хизматвазифасини бажарувчи ажамийлар<sup>46</sup> деб танилган “ўрон”лар<sup>47</sup> Ғайир Бўкихонга хабар юбориб, унинг томонига ўтишини маълум қилди. Уларга ишонган Ғайир Бўкихон орқага қайтди. Икки қўшин ўша йилнинг жумадилохир ойида (1195, 7 феврал) жума куни тўқнашди. Жанг пайтида Султон амрида бўлган ўронлар сўзида туриб, Султон қўшини марказига хужум қилдилар. У ердан қўшиннинг аслаҳа-анжомини ва озик-овқатини таладилар. Бундай тарзда қаттиқ мағлубиятга учраган ислом қўшинларининг бир қисми чўлда сувсизлик ва иссиқдан ҳаётдан кўз юмганидан кейин Султон у ердан чиқиб, ўн саккиз кун ичида Хоразмга етиб келди.

<sup>45</sup> Диновар харобалари бугун Кенгавор билан Кирмоншоҳ йўлининг ўртасида жойлашган.

<sup>46</sup> Ғайримусулмонлардан тўпланган аскарлар. Бу мавзу бўйича қаранг: Gibb and Bowen, *Islamic Society and the West*, s.329, n. 2

<sup>47</sup> Ўрон қабиласи ҳақида қаранг: Бартольд, ўша асар. Б.343, н.2.

Султон янгидан Ғайир Бўкихонга қарши жангга эндигина кирмоқчи бўлиб турган пайтда Юнусхон Бағдод қўшини устига келганини билдирди ва ёрдам беришни хоҳлагани учун ишончли кишиларини Хуросонда бўлган акаси Маликшоҳ олдига юборди. Маликшоҳ укасига ёрдам бериш учун дарҳол Ироққа қараб йўлга чиқди. Лекин Юнусхон акасининг ёрдами етиб келмасданоқ Бағдод қўшинини мағлубиятга учратди ва кўп миқдорда ўлжани қўлга киритди. Икки ака-ука Ҳамадонда учрашдилар. Бир муддат ўша ерда қолиб, хушвақт мажлислар ташкил қилганидан кейин Маликшоҳ орқага қайтиб кетди. Хуросонга боргач, Шодияҳда бўлган Арслоншоҳни<sup>48</sup> вакил қилиб қолдириб, Хоразмга отасининг ёнига кетди. Унинг ўзи бўлмаган пайтда экилган фиску фасод уруғлари ўса бошлади. Даврининг Султон Сулаймони<sup>49</sup> замонида халққа азият ва жафо қилишдан тийилган, ситам ва зулм қиличини қинидан чиқаролмаган золим эллар Султон Такишга қарши у севги ва шафқат билан тарбиялаб етиштирган Тўғоншоҳнинг ўғли Санжаршоҳ билан бирлашдилар. Санжаршоҳнинг онаси билан қариндошлиги ва аввал синглиси, кейинчалик кизини унинг билан бир оилага бирлаштиргани сабабли Такиш Санжаршоҳга худди ўз ўғилларига қилгандек меҳр ва эътибор кўрсатди. Шайтон йўлидан адаштирган бахтсиз гуруҳ Султон Такишга қарши ҳаракат бошлагунча ишни махфий тутишга қарор қилди. Фақат Санжаршоҳнинг онасини Нишобурнинг кўзга кўринган кишиларини ўғли ёнига жалб қилиши уларга олтин ва жавоҳирлар юборгани туфайли вазият ошқор бўлди. Султон Такиш вазиятнийўргангач, Санжаршоҳни Хоразмга чақиртирди. Дунё кўрган кўзларига мил торттирганидан кейин уни ҳибсга олди. Кўзи бутунлай кўр бўлиб қолганига қарамасдан буни ҳеч кимга билдирмади. Мана бу рубойи униқидир. *Шеър*:

[Тақдирнинг қўли кўзларимга мил тортгач, ёшлик дунёсидан бир фарёд кўтарилди]

Бир оз муддатдан кейин Султон Такиш Санжаршоҳни ва у билан бирга иш қилганларни афв этди. Санжаршоҳни ҳибсдан чиқариб, аввал эгалик қилган жойларини унга қайтариб берди. Лекин бу сафар ўлим фариштаси уни роҳатлантирмади, 595/1199 йилда унинг омонатини олди.

<sup>48</sup> Маликшоҳнинг ўғли.

<sup>49</sup> Султон Текиш.

Санжаршоҳ кўзига мил тортилганидан кейин унинг бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмаган. Ўзи ҳам бу тўғрида ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Ҳатто оила аъзолари ҳам унинг кўра олмай қолганини билмасдилар. У ҳам яхшига ёмон, ҳеч бир нарсага акс таъсир кўрсатмади. Чунки “Ақлига бир ишорат етади”.

Султон унинг ўлиmidан сўнг урушгаяроқли восита ва қуролларини бир жойга тўплаб, жанг тайёргарлигини кўра бошлади. Атрофда бўлган амирларни чақириш учун уларга элчилар юборган пайтда Ироқ амирлари бир-бирига ҳужум қилгани ҳақида хабар келди.

Ўша пайтда ўғли Юнуснинг кўзида бир касаллик пайдо бўлди. Табиблар уни даволашга ожизлик қилдилар. Балки бу улуғ Аллоҳ “Кўзга кўз”<sup>50</sup> ҳукмининг бир амалидир. Юнус Ройдан чиқиб, ўз ўрнига Маянжуқни вакил қилиб қолдирди.

Қайтадан Ироққа ҳужум қилиш учун бир қўшин тайёрлади. Бундан хабардор бўлган Қутлуғ Инонч Маянжуқ билан бир оз муддат яхши яшади. Лекин бир куни Маянжуқ кутилмаганда Қутлуғ Инончни ўлдириб, калласини Хоразмга юборди. Унинг бўйсунмаганини ўлдирилишига сабаб қилиб кўрсатди. Султон эса бу маъносиз узрни қабул қилмади. Қилинган ҳақсизликка чидай олмай, уни исён белгиси деб ҳисоблади. Лекин ҳаёлидан ўтган нарсаларни ҳеч кимга айтмади. Ниҳоят, 592/1195-96 йилда Ироққа учинчи марта сафарга чикди. Халифа қўшинлари кўмондони вазир Ҳамадонга дам оладиган жой бино қилган эди. Султон ҳам Муздаконда<sup>51</sup> турди. Бир неча кундан кейин икки қўшин жангга киришди. Кўп ўтмасданок Ироқ қўшини омонлик тилади. Султон ҳар доимгидек уларнинг жонини омон сақлаб, яхши муносабатда бўлиб, ҳаммасини келган жойига қайтариб юборди. Бағдод қўшини кўмондони вазир жанглардан неча кун олдин ўлганига қарамасдан, буни уруш тугагунча сир сақладилар. Кейин эса инсонийликка сиғмайдиган бир шаклда марҳумнинг жасадини бошидан айириб, Хоразмга юбордилар.

Султоннинг ғолиб бўлгани хабари Ироқайнда маълум бўлгач, иззат-эътибори янада ошди. Укасидан қочган Озарбойжон отабеки Ўзбек Султонга паноҳ истаб келди. Султон ҳам керагича муносабат кўрсатиб, Ҳамадон бошқарувини унинг одамларига топширди.

<sup>50</sup> Қуръони карим, 5: 45.

<sup>51</sup> Ўрта Эрондаги Саванинг ғарбида жойлашган бугунги Муздакон.

Кейинчалик эса у ердан ҳаракат қилиб, Исфаҳонга борди ва бир муддат ўша ерда қолди. Хоконийнинг<sup>52</sup> бу қитъаси Султон Такишнинг шу сафари билан боғлиқдир. *Шеър*:

[Хушхабар: Хоразмшоҳ Исфаҳон мулкини осонликча қўлга киритди. Ироқайн мулкини ҳам куёш дунёни истило қилганидек осонликча истило этди. Шутарзда унинг байроғининг хилоли осмон буржи босиб ўтадиган тезликда фатҳ қилди. Қиличининг тиғи Сулаймон мамлакатини қўлга киритди]

Бир оздан кейин султон ўғли Тўғон Туғлунинг ўғли Элбурзхонни Исфаҳон волийлигига ва унинг яқинларидан кўмондон Саманийни ҳам унинг отабеклигига тайинлаб, Хоразм сари йўл олди.

Хоразмга боргач, Носириддин Маликшоҳга Хуросон амирлигини бароти (ёрлик) билан, хавоси тўғри келмагани учун Марвга кетмаслиги хабарини юборди. Факат ов қилиш фикри унинг ҳаёлини олгани учун Насириддин Маликшоҳ яна бир марта Марвга кетди. У ердан бетоб бўлиб, Нишопурга қайтди, касаллиги кундан-кунга тобора оғирлашди. Ниҳоят, 593 йил рабийулохир ойининг 9 (1197, 1 март) пайшанба куни фано мулкидан бақо мулкига кўчди.

Ўғлининг ўлими хабари Султоннинг қулоғига келгач, азиятдан ингради. Амалга оширишни ўйлаган сафарини бскор қилди. Маликшоҳ ўғилларининг бебошлигидан хабардор бўлгач, Низомулмулк Масъуд Ҳиравийни келиб чиқиши эҳтимол бўлган тартибсизликнинг олдини олиш ва ишларни қайта йўлга қўйиш учун Шодияхга жўнатди. У ерга борган Низомулмулк Садриддин, Маликшоҳнинг катта ўғли Ҳиндушоҳни Хоразмга юборгандан кейин ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар билан фитна аломатларини йўқ қилди.

Бир муддат кейин Султон бошқа бир ўғли Қутбиддин Муҳаммадни Хуросон бошқарувини Низомулмулк Садриддиндан қабул қилиб олиш учун Хуросонга жўнатди. Қутбиддин борган вақтда Низомулмулк Садриддин исёнларни тинчитган эди. Қутбиддину ерга борганидан икки кун кейин Низомулмулк Садриддин Хоразмга қайтиб кетди. Қутбиддин Муҳаммад бутун кучи ва диққатини Хуросон ишига қаратди. Бу орада Қодир Бўки билан яқини Алп Дирак<sup>53</sup> орасида англашилмовчилик келиб чиқди. Жандга

<sup>52</sup> Хоконий девони нашрга таёрловчиси Али Абдулрасулга кўра (Техрон, 1216/1937-38. S.VIII), бу шеър Хоконийга эмас, балки Камолиддин Исмоилга тегишли.

<sup>53</sup> Дирак сўзи эски туркчада вазир маъносини ҳам билдиради. Қаранг: Hamilton, Les Ouighours a l'epoque des Cinq Dynasties, s. 157.

келган Алп Дирак Султонга элчи юбориб, агар ёрдам қилса, Қодир Бўкинийўқкилиш мумкинлигини ва унинг ўлкасини Султонга бера олишини маълум қилди. Интиқом туйғуси Султоннинг ақлу хаёлини банд этди ва уни саҳройининг гапига ишонишдек, хато қилишига олиб келди. Султон аскар тўплаш учун ҳар тарафга хабарчиларни жўнатди. Шодияҳда турган Малик Қутбиддинни ортга чақириб олди. Малик Қутбиддин Хоразмга келгач, ҳар иккиси бирга 594 йилнинг рабийулаввал (1198, январ-феврал) ойида Хоразмдан ҳаракат қилдилар. Ўша пайтда Қодир Бўки ҳам Алп Диракни йўқ қилиш учун Жандга томон йўлга чиқди. Унинг билан илғор ҳарбий қисм бошида бўлган Малик Қутбиддиннинг Жандга бориши бир вақтга тўғри келди. Икки томон орасида содир бўлган урушда имконият Султон томонида бўлгани туфайли Қодир Бўки енгилиб қоча бошлади. Унинг кетига тушган Малик Қутбиддин уни яқин одамлари билан бирга ушлаб, “Ўша киёмат куни жиноятчиларни кишанлар боғланган ҳолатда кўражаксиз”<sup>54</sup> оятида буюрилганидек, уларни занжирлаб, Султоннинг ҳузурига юборди. Султон ўша йили рабийулохир ойида (1198, феврал-март) занжирларини ечмасданок, уни Хоразмга юборди. Орқасидан ўзи ҳам музаффар бўлиб, доимий яшайдиган қароргоҳига қайтиб кетди. Бир оз муддатдан кейин Қодир Бўкининг одамлари ундан умидини узиб, Кун Эрдирак<sup>55</sup> атрофида тўпландилар. Мана шу тарзда тартибсизлик олови бир муддат ўчирилди. Кейинчалик эса, Султон “Қилич қилич билан кутқарилади” деган гапга мос тарзда Қодир Бўкини асирлик занжиридан озод қилиб, амирлик мақомига кўтарди. Сўнг уни Алп Диракни йўқотиш учун юборди.

Бу ишларни бажаргач, Такиш Хуросонга қараб йўлга чиқиб, 594 йил зулҳижжа ойи (1198, Соктабр) сешанба куни Шодияҳга борди. У ерда уч ой қолиб кетди. Бу орада Ирок амирлиги хизмат вазифаси узилиши сабабли бошида мустақиллик фикри ўрнашиб олган ва руҳида инсонни тўғри йўлдан чиқарган шайтон жойлашиб олгач, қийинчилик билан қўлга киритилган қурол-аслаҳава аскарларга ишониб, ўзини султон деб ҳисоблаган Маянжукнинг ишини битириш учун Ироққа юриш қилди. Ўша йилнинг қишини Мозандаронда ўтказди. Баҳор келгач, тайёргарлигини тугатиб, Маянжук кўп миқдордаги аскар тўплаганига қарамасдан денгиз

<sup>54</sup> Куръони карим, 14:49.

<sup>55</sup> Қодир Бўкининг жиъни Алп Дирак билан айнан бир одам бўлиши керак.

тўлқинини эслатувчи Султон аскарлари унинг устига келганини билгач, саросимага тушди. Бу ишнинг қандай қилиб уддасидан чиқа олиши борасида гангиб қолди. Охирида қарши туриб жанг қилиш кераклигига қарор қилди. Қисқа бир тўқнашувдан кейинёнида қолган кам сонли аскар билан қочиб кетди. Узоққа қочиб кетганидан кейин Султонга хабар юбориб, кечирини сўради. У Султоннинг душманликданвоз кечишига ҳаракат қилмаса ҳам, Султон унинг нияти ёмон эканлигини билгани учункетидан тезликда қўшин юборди. Бу ҳарбий қисм қутилмаганда бостириб келиб, одамларининг кўпини қиличдан ўтказди. Фақат Маёнжук уларнинг кўлидан қочиб, бир неча одамларинианча бурун найранг билан Султон аскарлари кўлидан олиб, уларни қиличдан ўтказиб, ўзининг одамлари, заҳира ва молларини жойлаштирган Фирузкўх<sup>56</sup> қалъасига қочиб яширинди. Кетидан етиб келган Султоннинг аскарлари қалъага манжаниқлар билан ҳужум қилиб, уни қалъадан чиқаришга муваффақ бўлди ва бир туяга боғлаб, Султон турган жой – Қазвинга олиб келдилар. Султон унинг билан ҳожиблари орқали гаплашиб, Хоразмшоҳ оиласининг унга қилган яхшилик ва илтофотини айтиб, бу яхшиликларга жавобан қилган хоинлиги, амри остидаги жойларда ўзбошимчалик қилиб, солиқларни ошириб юборгани, Элбурзхонни Исфаҳондан қувиб, унинг солиқ маъмурлари ишига нукта қўйгани, қилган шунча яхшиликларига ёмонлик билан жавоб қилгани айтилди. Шунинг учун унга берилажак жазо бошқаларга ўрнатиб бўлиши керак, ҳозиргача ўзининг хизматида бўлган ва ҳеч бир ёмонлик кўрмаган укасиАқчанин хурматиучун унинг ҳаётини сақлаб қолгани, фақат сабабчи бўлган тартибсизлик ва ғалаёнлар туфайли бир йил занжирбанд қилиниб, ҳибсга олиниши айтилди. Маёнжук хибседан кейинги ҳаётини Жанд яқинидаги сарҳадларда ўтказди.

Маёнжукнинг қўлга олиниши, Қодир Бўкининг Кун Эрдиракни енгани, айни пайтда, Ирок, Хуросон ва Туркистон ўлкаларининг идораси остига киргани ҳақидаги ёзма ахбороткелтирган элчининг бебаҳо совғалар билан биргакелиши Султоннинг севинчига севинч қўшди.

Шу тарзда Султоннинг бошини кўпдан бери банд этиб келган ташвишга барҳам берилиб, халифалик мақомидан ҳам кўнгли роҳат

<sup>56</sup> Дамованд тоғи этагида жойлашган бу машҳур қалъа ҳақида қаранг: Le Strange, ўша асар. Б.371-372. Бу қалъани Ғурдаги Ферузкўх билан адаштирмаслик керак.



топгач, мулҳидларни таг-томири билан йўқотишни ўйлади. Бунинг учун аввалданок Султон Арслон б. Тўғрул<sup>57</sup> томонидан ишғол қилиш учун Арслон Кушой номи берилган қалъаи Қоҳирага<sup>58</sup> ҳужум қилди. Тўрт ойлик камалдан кейин қалъадагилар оғир аҳволда қолиб, сулҳ истадилар. Тузилган тинчлик келишувига мувофиқ улар гуруҳ ҳолида қалъадан чиқиб, Оламутга кетдилар. Ҳеч бирининг жонига қасд қилинмаган ҳолда ҳамма молларини ҳам ўзлари билан олиб кетдилар. Арслон Кушой қалъаси Қазвин яқинидаги Рудбор Оламут чегарасида, ердан узок, осмонга яқин, инсоний ризқ жиҳатидан унумсиз бир қалъа эди.

Саййид Садриддин “Зубдату-т-таворих” асарида<sup>59</sup> Султон қилган хайрли ишлар ҳақида ёзар экан, Арслон Кушой қалъаси ҳақида шундай дейди: “Баланд тоғнинг устида мустаҳкам қоядан барпо қилинган қувватли бир қалъадир. Боши осмоннинг бурчларига қадар узайган. Қалъанинг ичи ўз ҳаётларини осонгина фидо қиладиган одамлар билан лик тўла бўлиб, улар ҳар хил қуролларга эга бўлган кишилар томонидан қурикланадилар”<sup>60</sup>.

Саййид Садриддин томонидан бу қадар мустаҳкамлиги мадҳ этилган қалъанинг машҳур подшоҳ<sup>61</sup> қанчалик осонфатҳ этганини кўрганида эди, айтган гапларидан хижолат чекиб, Унсурийнинг манабу байтини эслар эди. *Шеър*:

[Буюклар ўз ишларини қилиши керак бўлганидек бажарадилар, подшоҳлар қиличи мана шундай даврда изини қолдиради]

Ўша қалъани кўрмаган кишиларга менинг гапларим муболаға бўлиб туюлиши мумкин. Унга Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи Носирий” (“Тарихи Масъудий”) номли асарида Арслон Кушой ҳақида айтилган шу гапларни шоҳид қилиб кўрсата оламан: “Султон Сўмнотдан<sup>62</sup> қайтиб келаётганида бўйи уч қулоч, эни 4 қулочли аждарҳони ўлдирди ва терисини шилиболди. Агар кимса бизнинг сўзларимизга ишонмаса, бориб Ғазна қалъаси яқинидаги ҳовузда

<sup>57</sup> Тўғрул I (1132-1133).

<sup>58</sup> Ровандийга кўра (Б.289), бу қалъа Арслоннинг амакиси Султон Масъуднинг (1133-1153) салтанати вақтида Исмоилийлар томонидан қурилган эди. Исмоилийлар томонидан “Жаҳонгушо” номини берилган бу қалъани Султон Масъуд бир неча марта камал қилса ҳам ололмаган эди, бу ишни султоннинг илк йилларида Султон Арслон (1161-1177) амалга оширади.

<sup>59</sup> Султон Арслон.

<sup>60</sup> Бу парча Муҳаммад Икбол томонидан нашр қилинган (Лоҳур, 1933).

<sup>61</sup> Ҳулогухон.

<sup>62</sup> Катҳивар ярим оролининг жанубий қирғоғидаги бир жой.

ўша терини кўрсин, дейди”<sup>63</sup>. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам ўша терининг номидан бошқа бир нарса қолмаганини айтади. Агар менинг бу гапларимга ишонмаганлар бор бўлса, Тарун<sup>64</sup>нинг ғарбига қараб 300 (фарсах) узокликда тоғлик жойдаги “Тоғлар титилган юнгга ўхшаша жаклар”<sup>65</sup> ҳукмининг ҳақиқатга айланадиган даврга қадар сақланиб қолган, тоғ қадар чўзилиб кетган қалъаларга кўз ташласин. Лекин бу заиф қалъаларни шу вақтда қаҳқор Аллоҳнинг ёрдами билан подшоҳ Ҳулогунинг давлати томонидан қўлга киририлган Арслон Кушойга нисбатан мустаҳкамроқ юзлаб қалъалар билан дуч келасан ва ўша ерда бўлган жангчилар жасурлигига шоҳидни ҳам шу ердан топасан.

Султон Такиш Арслон Кушой қалъасини олиб, фитна оловини ўчирганидан кейин ўғли Тожиддин Алишоҳни Ирок ўлкасига раҳбар қилиб қўйди ва қароргоҳ сифатида унга Исфаҳонни кўрсатди. Кейинчалик яна Хоразмга ҳаракат қилиб, 596 йил жумадилохир ойининг 10 куни (1200, март) ўша ерга борди.

Бир оз муддатдан кейин мулҳидлар Султоннинг бош вазири Низомулмулкнинг ўзларига қарши душманларча хатти-ҳаракат қилгани сабабли уни ҳар куни ўтадиган йўлига садоқатли одамларни жойлаштирдилар. Саройдан чиққач, малъунлардан бири унинг орқаси, бошқаси эса бошига пичоқ ургани туфайли ўша заҳотиёқ ҳаётдан кўз юмди.

Дунёнинг ғаройиб ишларидан таажжубланарлиси шундаки, юкорида номини эсга олганимиз вазирнинг бош ҳожиб Шаҳобиддин Масъуд Хоразмий ва Ҳамидиддин Аризий Завзанийга қарши душманлиги бор эди. У бир куни Султон ҳузурда уларнинг иккисига ҳам бирдан ташланди. Қатл қилинишидан қисқа муддат аввал сарой дарвозаси олдида Аризийнинг бошини узиб ташладилар. Уни ўлдиртирганидан сўнг вазир Низомулмулк Шаҳобиддин Масъудни ҳам орқасидан нариги дунёга жўнатишни ўйлаб қўйди. Фақат қасосни сир тутган фалак Яратганнинг ўзгармас ҳукмига мос тарзда бу ўй-фикри амалга оширилишига изн бермади ва унинг қонини Аризийнинг қони устига тўкди.

<sup>63</sup> Бу бўлим нашр қилинган “Тарихи Байҳақий”да йўқ. Асар ва унинг муаллифи ҳақида қаранг: Бартольд, ўша асар. Б.22.

<sup>64</sup> Элбурс тоғ гизмалари жануби-ғарбий томонида ва Зинжоннинг шимолида жойлашган бир қасаба.

<sup>65</sup> Куръони карим. 101:5.

Низомулмулкни қатл қилган фидойиларни ҳам шу орада парча-парча қилиб ташладилар. Бу шаклда Аллоҳ Расули (с.а.в.) шу сўзларининг тўғрилиги яна бир бор маълум бўлди: “Ўлдирган бўлсанг, (сен ҳам) ўлдирилдинг демакдир, охирида сени ҳам котилинг ўлдирилажакдир”.

Султон Такиш бош вазирининг қатл этилганидан кўп эзилди. Бунинг интиқомини олиш учун дарров тайёргарлик кўра бошлади. Малик Қутбиддинга хабар юбориб, олдин кўшинни тартибга келтиришни ва ишни Кўхистондан<sup>66</sup> бошлашни амр қилди. Малик Қутбиддин ҳам фармонга кўра, қаршисида ҳатто тоғлар ҳам бардош бера олмайдиган бир кўшин билан Туршизга<sup>67</sup> борди. Тўрт ойлик қамал пайтида чуқур қудуқ каби шаҳар атрофидаги хандақларни сувга тўлдирди. Шаҳарга бир ҳафта муддатдан кейин тушар экан, Султон Хоразмда у ерга хужум қилиш учун аскар тўплар экан, ҳасталаниб нафаси бўғила бошлади. Аллоҳ ҳаммамизни ундан сақласин. Ўша ҳасталик сўнгра бурнидан бўғзига ўтди. Табиблар уни текширувдан ўтказганларидан сўнгра Такиш уларнинг тавсиясига эмас, ичида ёнган қасос оловининг истагига кулоқ осиб, тўппа-тўғри Туршизга йўлга чиқди. Чоҳи Арабга (Араб қудуғи) боргач, умрининг челаги қудуқнинг тубига тушганидан ҳасталиги қайтадан бошланди ва 596 йил рамазон ойининг 19 куни (1200, 23 июн) фано ўлкасидан бако мулкига кўчди.

Давлат катталари ҳеч вақтни ўтказмасдан аҳволни билдириш учун Қутбиддинга хабарчи юборди. Хабарчи боришидан аввал Малик Қутбиддин байроғининг тиргаги синган, у эса бундан бошига бир фалокат келишини сезган эди. Хабарчи етиб келиб, вазиятни маълум қилгач, Малик Қутбиддин ўйлаган фикрида ҳақ эканлигини тушунди. Отасининг ўлимини бир оз муддат аскарлардан сир сақлади. Ҳаста эканлигини рўқач қилиб, қайтиб кетишга буйруқ берди. Аввал икки томон ўртасида тинчлик битимларини бошлади. Туршизнинг энг кўзга кўринган одамлари Султоннинг ўлиmidан хабари бўлмагани учун унинг буйруғига кўра юз минг диноҳ солиқ тўлашга рози бўлдилар. У ердан кетган Малик Қутбиддин юқоридан пастга тушган бир сув каби кунни тунга

<sup>66</sup> “Тоғлик ўлка” маъносини билдирувчи бу ном бугун муҳим аҳамият эга Буржанд шаҳри бўлиб, Нишопурнинг жанубий Афғонистон чегарасигача чўзилган минтақаси помидир.

<sup>67</sup> Бугунги Ферузободнинг эски бир маҳалласи бўлиб, айна пайтда Турбати Хайдарийнинг гарбида жойлашган.

улаб, Шаҳристонга борди. У ерда таъзия маросимини ўтказиб, жадаллик билан Хоразм томон йўл олди.

## II. АЛОУДДИН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИНГ ТАХТГА ЧИҚИШИ

Малик Қутбиддин<sup>68</sup> пойтахтга келгач, амирлар йиғилиб, вақти-чоғлик мажлисини ташкил қилдилар ва уни 596 йилшаввал ойининг 20 куни (1200, 4 август) Аллоҳнинг инояти билан тахтга чиқардилар. Унинг давлат бошига келиши биланок мамлакатнинг қуришга юз тутган шохлари қайта жонланиб, яшиллана бошлади. Ҳар тарафга хабарчи юборилди.

Султон Такишнинг ўлими ҳақидаги хабар Ғур султонлари Шаҳобиддин ва Ғиёсиддинга етиб бориши билан шайтон уларнинг бошидаги хаёлини ҳаракатга келтирди. Ғурур ва кибрни ўзларига раҳбар деб билган Ғурсултонлари жўнатган илғор қисмлар орқали Марвни қўлга киритдилар. Муҳаммад Харангни у ерда қолдириб, кўп сонли кўшин ва ҳар бири тоғдек келадиган тўқсонга фил билан Тусга бориб, у ерни эгалладилар. Ғур султонлари 597 йилнинг ражаб ойида (1201, апрел-май) Ироқдан қайтаётган Султон Муҳаммаднинг укаси ва бошқа давлат катталари келган Шодияхга бордилар. Ака-ука султонлар эҳтиёт бўлиб, шаҳар дарвозаси олдига келиб, қалъани ҳамма томондан мудофаа қилдилар. Шаҳардагилар ташқаридаги аскарларни кўриш учун минорага тўплангач, минора йиқилди. Ташқаридаги (ғурий)лар фурсатни ғанимат билиб, шаҳарга кирдилар ва у жойни талон-тарож қилдилар. Зоҳидлар ва обидлар турган жойларига зобитларни жўнатиб, уларнинг хафвсизлигини таъминлади. Ярим кун талон-тарож қилгандан кейин жарчи чакиртириб, талашни тўхтатишди. Кейин эса берилган буйруқка кўра, аскарлар қўлга олган нарсаларини олиб келиб, бир жойга тўпландилар. Таланганлар келиб, у ердан ўзларининг молларини олдилар. У ерни талон-тарож қилинишининг сабаби халқни кўрқувга солиш эди.

Ғур султонлари кейинчалик Хоразм аскарлари, Тождиддин Алишоҳни ва Султоннинг кўзга кўринган кишиларини Шодияхдан

<sup>68</sup> Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тахтга ўтиришидан аввалги номи Қутбиддин эди. Тахтга ўтиргандан кейин эса отаси Такишнинг лақаби бўлган Алоиддин номини олди.

чиқариб, азият ва исканжага олиб, Ғурга жўнатдилар. Асир олинган Султоннинг барча мансабдор шахсларини жазоладилар. Журжон ва Бистомга шихналар тайинлаб, у вилоятларни ҳам ўзларига тобе қилдилар. Ғурийлар Шодияхдан қайтаёганида катта бир кўшин билан Малик Зиёиддинни Нишопурда қолдирдилар. Йиқилган қалъанинг деворларини таъмирладилар. У ердан Ғиёсиддин Хуросонга, Шаҳобиддин эса мулҳид қалъаларни ва уйларини йиқитиш учун Кўхистонга қараб кетди. Йўлда аввал қаршилик кўриб, кейин тинчлик сулҳини истаган Кунобид<sup>69</sup> халқи бошқарувига Тулак<sup>70</sup> қозисини қолдириб, ўзлари тўппа-тўғри Ҳирот сари йўлда давом этдилар.

Султон Муҳаммад Хуросонда чиққан бу тартибсизликдан хабар топиб, кучли бир кўшин билан ғазабланган арслон ва атрофга кўрқув солган шиддатли яшин тезлигида Хуросон йўлига чиқди ва ўша йили зулҳижжа ойининг 17 кунда (1201, 18 сентябр) Шодиях яқинига жойлашиб олиб, шаҳарни ҳамма томонидан қамал қилди. Шаҳарда бўлган ғурликлар вақти-вақти билан ташқарига чиқиб жанг қилсалар-да, Хоразм кўшинининг эзиб ташлайдиган даражадаги устунлигини тушунгач, жанг қилиш қутилиш йўли эмаслигига иқрор бўлиб, худди сичқонлардек инларига кириб кетдилар. Бу орада Хоразм аскарлари манжаниқларни ишга солиб, қалъа деворларини мажақлаб, хандақларни тўлдирдилар. Ичкаридагилар хор ва хакир бўлиб, асирга тушишларини англаган пайтда шайх ва олимларни шафоат тилаш учун элчи қилиб юбордилар. Султон Муҳаммад “подшоҳ бўлсанг, марҳаматли бўл”, деган мақолни эслаб, бундай хато ва ёмонликларига қарши жавобан кўп миқдорда ҳадялар бериб, яхшилик ва эзгуликлар кўрсатиб, Ғур султонлари олдига жўнатди. Мана шу тарзда у кучли бўлса-да, қандай афв этиш, душманга қарши юмшоқ муносабатда бўлиш, қасос ва ғазабни қандай бостириш мумкинлигини элга намоиш қилди.

Кейинчалик Султон амрига мувофиқ шаҳар деворларини ер билан бир қилдилар. У ерда ҳаракат қилган Султон аввал укасининг ўғли Ҳиндушоҳ бошқаруви остида бўлган Марвга, кейинроқ эса Сарахсга борди. Аввалданок Ғур султонлари тарафига ўтган Ҳиндушоҳ амакиси келганини билгач, қилган ишларидан пушаймон бўлиб, Ғур султонлари ёнига кетиш учун йўлга чиқди.

<sup>69</sup> Ҳозирги Кунобод.

<sup>70</sup> Ҳиротнинг жанубидаги қасаба.

Сарахсга борган пайтда у ернинг бошқарувчиси кутиб олишга келмагани сабабли Султон ўша ерда қолдирган ҳарбий қисм Сарахсни қўлга киритиб, бошқарувчиларини ушлаб олди. Султон ҳам Марв йўлидан Хоразмга кетаётиб яна бир қарра уруш тайёргарлигини кўрди. Ўша йили зулкаъда ойида<sup>71</sup> Ҳиротни олиб, у ерлик амиру амалдорларни йўқотишга ҳаракат қилди. Родигон ўтлоғида бир оз муддат кутди. Кутган кишилари ўша ерда тўплангач, турклар ва тожиклардан ташкил топган кўшин билан ўз йўлида давом этди. Ҳиротга боргач, подшоҳлик чодирини қурган аскарлар шаҳар атрофини билагузук худди қўлни ўраб олганидек қамал қилиб, манжаниқларни ҳаракатга келтирдилар. Манжаниқдан отилган тошлар шиддатли тарзда нишонга тега бошлади. Шу сабабли катта ҳаётий тажрибага эга бўлган қалъа қўмондони Иззиддин Марвозий омонлик сўраб, ёлворишдан бошқа йўл қолмаганини англади. Кўп миқдорда солиқ тўлашни ваъда қилиб юборилган элчилар билан бирга кафил сифатида ўз ўзлини Султонга жўнатгач, Султоннинг ғазаб олови сокинлашди. Ёлвориб узр сўрашгани учун уларни афв этиб, бўйинларига заҳмат ва азият бўйинбоғини тақди.

Ғур султонлари Хуросонга қайтиш учун тайёргарлик кўраётган вақтда Султон Ҳиротни қамал қилиш билан машғул экан, Хоразм ўлкаси Султон ва унинг аскарларидан холи қолган фурсатдан фойдаланиб, у ерга кўшин жўнатди. Султон буни билгач, дарҳол Марварруд йўлидан ўлкасига қараб ҳаракат қилди. Ўша пайтда Султон Шаҳобиддин ҳам Толикон тарафидан етиб келди. Икки қарши кўшин дарёнинг икки қирғоғида юзма-юз келдилар. Узок бир тараддуддан сўнгра Султон жанг қилишни маъқул кўрмай, Марвга ҳаракат қилишга буйруқ берди. Ғур аскарлари ҳам унинг кетига тушдилар. Султон Сарахсга бориб тушгач, икки томон орасида элчилар бориб кела бошлади. Қарши томондагилар Хуросонинг баъзи ўлкаларини истагани туфайли Султон буни қабул қилмасдан Хоразмга қараб ҳаракат қилди. Бу орада Султон Шаҳобиддин ҳам Тусга ҳужум қилиб, у ернинг халқига қаттиқ зарар етказди. Кўшини учун етарлича маош топа олмаганлигидан шаҳар халқини молларини сотишга мажбур қилди. Ундан бирор натижа чиқара олмагач, Машҳад мақбараси ҳимояси учун ўша ернинг омборларига қўйилган донни олдириш учун Машҳади Тусга одамларини юборди. Уларнинг қилган ёмонликларига қўшимча бу ҳаракати халқнинг

<sup>71</sup> 598/1201-02.

гурликларга қарши нафратининг ортишига ва хоразмшоҳларга боғланиш истагининг кучайишига сабабчи бўлди.

Ўша пайтда акаси Гиёсиддиннинг ўлими хабарини эшитган Шаҳобиддин кўшинга юриш ҳақида довул (ноғора)ларни чалдирди. Марвга боргач, Ғур амир ва паҳлавонлари, жасур қаҳрамонларнинг боши ва замонининг Рустами бўлган Муҳаммад Харангни у ерда қолдириб, Абивардга ҳужум қилди. Шаҳобиддин шаҳарни қўлга киритгач, Султоннинг амирларидан баъзиларини ўлдиргирди, баъзиларини эса ҳибсга олди. Саъдиддин Ҳалажни йўқ қилиш учун у ердан Таркга<sup>72</sup> кетди. Саъдиддин Ҳалаж тўлайдиган солиқларига кафил қилиб, ўғлини гаров сифатида жўнатгани сабабли уруш қолдирилди. У ерданқайтаётганида Марв<sup>73</sup> амири ҳам ўғлини гаров сифатида юборди. Бу муваффақиятдан ғурурланган Шаҳобиддин йўлни Марвга бурди. Хоразмдан чиққан Султон Муҳаммад Ғур кўшини чўл орқали Марвга келгани хабарини эшитди. Дарҳол уларнинг устларига юриш қилди. Иккала кўшин юзма-юз келгач, Аллоҳнинг инояти билан Султоннинг бахт шамоли эсиб, рақибининг қалби кўрқувдан титрай бошлади. Сон жихатдан гурликларнинг ярмисича бўлган Хоразм кўшини Ғур кўшинини парокандалик сари етаклади. Бу орада Харанг минг бир хийла билан ўзини Марв қалъаси ичига урди. Бундан хабар топган хоразмлик аскарлар қалъа дарвозасидан тиркишлар очиб, шаҳарга кириб, Харангни тутдилар. Уни ушлаган амир кучидан кўркиб, унга шундай бир зарба бердики, ўша зарба унинг ҳаётига нукта қўйди. Қалласини Хоразмга олиб бориб, Султонга кўрсатганларида ҳам унинг ўлганига ишонмади. Харангнинг ўлдирилганини билган Султон Шаҳобиддин ўзининг кучсизлигини тушунди. Чунки Харанг Ғур султонларининг фахр манбаи, жангда эса унинг энг яқин суянчиғи эди. Шунчалик даражада жасур эдики, Гиёсиддиннинг амри билан бир неча марта арслон, шеру филлар билан курашган ва ҳар сафар рақибларини йиққани учун маълум кунларда кучли ҳайвонлар билан кураштирилган ва барча ҳайвонларни йикитиб ўлдирган эди. Бир марта у “Яна қанча ит ва тўнғиз билан курашаман” деб ёнида турган уч ёшли бир отнинг сонларини бир-биридан ажратиб юборган эди.

<sup>72</sup> Ўрни тўлиқ аниқланмаган қасаба. Ўрта Эрондаги Тарк қасабаси бўлиши керак. Қаранг: Le Strange, The Lands of Eastern Caliphate. S.209, 449.

<sup>73</sup> Марвякинидаги қалъа.

Марв жанги Султон (Муҳаммад)нинг зафари билан яқунлангач, Султон давлатининг катталари Гиёсиддин биродарларнинг каттаси бўлгани учун ўғиллари мерос жанжалига тушиб қолганини, унинг амирларидан кўпи Султон тарафга ўтишга тайёр эканликлари, агар Султоннинг байроғи ўша ерларда ҳам ҳилпираса, у амирларнинг иқбол юлдузи порлашини айтиб, у ерни қўлга қиритиш орқали эришиладиган нарсаларни ҳисоб-китоб қилиб, Султонни Ҳирот<sup>74</sup> ўлкаси сари сафарга ташвиқ қилди. Уларнинг гапи Султон кўнглидаги ўлкани фатҳ этиш ниятини ҳаракатга келтирди. Султон (Муҳаммад) 600 йил жумадилавал (1204, январ) ойида жасур жангчилардан ташкил топган кўшини билан Ҳиротга қарши йўлга чиқди. Ўша пайтда Ҳирот вилоятининг ҳокими Ғур амирларининг каттаси ҳисобланган Алп Ғозий эди. Султон кўшини Ҳиротга боргач, ҳеч вақтни ўтказмасдан салтанат чодирини қуриб, манжаникларни ҳаракатга келтирдилар. Манжаниқдан отилган тошлар қалъа деворларини йикитиб, шаҳарнинг маҳалла ва бозорларига худди дўлдек ёғилгани учун шаҳар халқи умидсизланиб, даҳшатга тушди. Шу сабабли Алп Ғозий элчи жўнатиб, “Ғурсултони менга битим тузиш борасида тўлиқ ваколат берди. Бундан кейин биз томонимиздан Хуросон ўлкасига ҳеч қандай ҳужум бўлмайди ва мана шубилан у ўлка фалокат кўрмайди” деб оғир солиқ тўловини қабул қилди. Ғур султонларининг ҳам бу келишув ҳақида овозини чиқармасликка сўз берди. Шу муносабат билан Султон бир диндан бўлган кишилар орасида душманликни йўқотиш, унинг ўрнига дўстлик уруғини экиш ниятида Алп Ғозий ва Ҳирот халқининг истақларини зўр мамнуният билан қабул қилди. Уларнинг жонлари ва молларига тегинишдан воз кечди. Шу сабабли Алп Ғозий Султон ҳузурига чиқиб, унинг олдида ер ўпиб, пешонасини шукур саждасига қўйди. Султон келишига интизор бўлиб, уни керакли ҳурмат-иззат билан кейинги сафарга жўнатди. Алп Ғозий шаҳарга боргач, Султонга тўлашни ваъда қилган солиқни йиғиш учун халққа зулм қила бошлади. Унинг бу номақбул хатти-ҳаракатидан хабар топган Султон халққа одил муносабатда бўлишни талаб қилиб, халқ ҳақиқий бир хазина эканини айтиб, солиқларни йўқ қилди ва у ердан кетди. Йўлда аскарларининг бир қисми Султонга хабар бермасдан Бодғисни<sup>75</sup> талаб, кўп миқдорда мол ва ҳайвонларни қўлга киритди.

<sup>74</sup> Ғур султонлиги.

<sup>75</sup> Ҳиротнинг шимолидаги Туркманистон-Афғонистон чегарасидаги қасаба.



Султон Марвга келгач, (Ғур султонлари билан) келишувнинг кафили бўлган Алп Ғозий султон Шаҳобиддин томонидан вазифасидан олинди ва бир неча кундан кейин ҳаётдан кўз юмди.

Султон Шаҳобиддин Ҳиротқасосини олиш учун жанг тайёрлигини тугатганидан кейин тўғри Хоразм йўлига чиқди. Унинг келаётгани хабарини олган Султон эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, чўл йўлидан тўғри Хоразмга қараб юрди. Чигиртка ва чумоли суруви каби кўп Ғур кўшини билан Хоразмга ким аввал бориш мусобақасига киришди. Ғуриликлардан аввал Хоразмга бориб, ғуриликлар келаётгани хабарини бериб, кутилмаганда пайдо бўлган бу балоқазога қарши хоразмликларни огоҳлантирди. Халқ душманга қарши мардларча туриш, асир тушиб хор бўлмаслик учун ғайрат қилиб, душманни даф қилиш борасида яқдил бўлди. Ҳамма қилич, найза каби жанг қуроллари билан таъмин этила бошланди. Диннинг тиргаги ва ўлканинг кўрғони ҳисобланган имом Шаҳобиддин Хивақий душманни ўлдириш ва уларни батамом ватаннинг муқаддас тупроғидан улоқтириб ташлаш учун насиҳат қилди. Минбарда хутбадан кейин “Жонини ва молини химоя қилаётганида ўлдирилган киши шахиддир” маъносидаги ҳадисга таяниб, жанг қилиши учун уларга фатво берилди. Бунинг таъсирида халқнинг шавк ва ҳаяжони янада ортди, ҳаммаси бирданига ишга киришди. Бу орада Султон пиёда ва суворий аскарлар тўплаш учун Хуросонга одам юборгандан кейин Нузвор қирғоғида бир қароргоҳ қурди. Уерда бир неча кун ичида атрофига етмиш минг жангчи тўплади. Бунга жавобан водийни ҳам Жайхун дарёсига айлантира оладиган аскар, қурол-аслаҳа ва филлардан ташкил топган Ғур кўшини ҳам келиб, дарёнинг нариги қирғоғида қароргоҳ қурди ва ҳужумга ўтадиган жойларни белгилаб, аскарлар ва филларни тартибга сола бошладилар. Эртаси куни эрталаб ёнида Самарқанд султони бўлган Қорахитой кўшини кўмондони Гарозли<sup>76</sup> Тайонунинг<sup>77</sup> олов каби тезликда аскарлари яқинлашгани хабари келгач, Фил халқи<sup>78</sup> Роббиси чорани қўлдан олганлигини тушундилар, умиди умидсизликка айланди. Қиличларини қинларига солишни афзал билиб, алам ва шарафсизлик йўлини тутдилар ва манабу гаплар айтилганга мос тушади. *Шеър* (арабча):

<sup>76</sup> Ёки Талас: қадимдан Авлисота, бугун эса Жамбул сифатида танилган Талас ирмоғининг қирғоғида жойлашган шаҳар.

<sup>77</sup> Эски туркчада *қўйи*, яъни иш юритувчи маъносини билдирган бу сўз исм эмас, балки унвон сифатида ишлатилган.

<sup>78</sup> Қуръони каримга (15-сура) ишора қилинмоқда.

[Бу сенинг ўз уйинг эмасдир. У ҳолда сеники бўлмаган бу уйни тарк эт]

Оқшом тушгач, Ғур султони одамларига ҳушёр туришни ва уйкуни тарк этишни амр қилди. Шошиб қолганликдан отларини ва туяларини кучлари тугагунча югуртирдилар. Султон ғазабланган шер ва байтални қизганган айғир каби уларнинг кетига тушиб, Ҳазорасфга қадар уларни қувлади. Султоннинг кўшини уларнинг ўнг канотига ҳужум қилиши натижасида байроқлари йиқилиб, толеъи тескарига айланди. Амир ва кўзга кўринган одамларидан кўпи асирлик тузоғига тушди ва чўлга қараб йўл олди. “Шайтонларнинг ер юзида шошилтирган бир кимса каби орқага қайтайликми?”<sup>79</sup> оятининг ҳукмига итоат қилган Хоразм навқарлари қисир қолган байталнинг кетидаги айғиркаби уларнинг кетидан қолмади. Ғур аскарлари хижолат чекиб, Сайфободдан<sup>80</sup> ўтди. Султон Хоразмшоҳ эса кўп сонли мол, фил, от ва туяларни қўлга киритиб, эришган жойларидаги халққа яхшиликлар қилиб қайтди. Мана бу оят унинг ҳолатига мос келади: “Аллоҳ сизга қўлга киритажагингиз мол-мулк ваъда қилган ва буларни сизга берган”<sup>81</sup>. Хоразмга боргач, катта бир зиёфат ташкил қилди. Айни пайтда, кўшиқ куйлаган ёнидаги дўстларидан Фирдавс Самарқандий ўша зиёфат хақида манабу рубоийни айтган эди. *Шеър*:

[Эй шоҳ, ғуриликлар сенинг олдиндан мушук олдидаги сичқондек қочди. Отдан тушиб аскарини сақлади. Фили эса сенга шох берди ва ўзларимот бўлди]

Ғур кўшини Андхудга<sup>82</sup> боргач, янги бир балога дуч келди. Қорахитойликлар етиб бориб, уларни халқа ичига олдилар. Мизроқ (найза) ва қиличлар овози эртадан кечгача давом қилди. Бу тўқнашувда кўплаб аскарлар ҳаётдан кўз юмдилар. Эртаси куни қуёш шарк пардасидан чиқиб, байроғини уфққа тиккан пайтда Хитой кўшини яна бир марта ҳужум қилиб, қарши томонга ҳалокатли зарба берди. Эллик минг одамни бу жангда йўқотган султон Шаҳобиддин чекиниб яширинди. Хитой аскарлари кетидан келиб, унинг деворларини теша бошладилар. Султон Шаҳобиддин таслим бўлиш арафасида турганида Самарқанд султони (Усмон)дан “Бир

<sup>79</sup> Қуръони каримга (6-сура) ишора.

<sup>80</sup> Урни аниқланмади.

<sup>81</sup> Қуръони карим. 81-сура мазмунига тўғри келади.

<sup>82</sup> Шимолий Афғонистондаги бугунги Андхуй.

ислом подшоҳининг ғайри муслим бир кўлга тушиб ўлдирилишини исломий тарбия туфайли маъқул деб ҳисобламайман. Тўғриси шуки, фил, от, нимаики бор бўлса, уларни тикиб, жонинг учун фидо қилишинг керак. Агар айтганларимни қилсанг, воситачи бўлиб уларни енгдираман” деган хабар келгани туфайли султон Шаҳобиддин жонини қутқариш учун нимаики бор бўлса, ҳаммасини фидо қилди. Бир зумдаёқ бутун хазиналар ва қурол-аслаҳаларини душман олдига тўкиб, Самарқанд султонининг воситачилиги билан ҳаёгини сақлаб қолди. Лекин “ундай бўлса, ортиқ кутилиш вақти эмас”<sup>83</sup>, *шеър* (арабча):

[Агар биз умид қилганимиздек соғ-омон қайта олсак, хатто жонимизни сақлаб қолишимиз ҳам буюк неъматдир]<sup>84</sup>

Ғур султони моли ва қўшинини бой берган тарзда катта бир қийинчилик ва алам ичида мамлакатига боргач, Султон Хоразмшоҳ ҳожибларидан бири унга қарата “Хужум қилган энг золимдир” деганидек, уруш сиз томонингиздан чиқарилди. Энди эса тортишиш йўлини бекитиб, келишув йўлини очиш пайтидир деган хабар юбориб, унга ёрдам беражагини ваъда қилди.

Шундай қилиб, икки султон орасида алоқа сақланди. Фақат бу воқеадан икки ой ўтгач, Ғур қўшинининг бир қисми Толикон чегарасида тўпланиб, Балх волийси Тожиддин Занги етакчилигида таҳликали ҳолда Марваррудга ҳужум қилди. Тожиддин Занги Марварруд бошқарувчисини у дунёга юбориб, халққа зулм ва исканжа орқали катта миқдорда солиқ солди. Султон (Муҳаммад) бундан хабар топиб, Марвдан Бадриддин Чоғир ва Абиварддан Тожиддин Алини фитнани тинчитиш учун ҳаракатга келтирди. Булар бориб, урушларда ғалаба қозониб, Зангийни заржирбанд қилиб, 10 кишилик амирлар иштирокида Хоразмга юборди. У ерга боргунча қаршилик қилган Тожиддин Зангийни бошини танасидан жудо қилди. Охири бундай қаршиликлар тинчиб, ўлкада осойишталик юз берди.

Ҳар ҳолда икки султон орасида келишув ҳукм сурса-да, султон Шаҳобиддин ўтган воқеалар туфайли султон Хоразмшоҳга нисбатан адоват сақларди, бир баҳона топиб, унинг билан жанг қилиш учун аскар тўплаб, қурол ясаптирарди. Ниҳоят, султон Шаҳобиддин 602/1205-1206 йилда Хуросонда озик-овқатсиз қолган маъ-

<sup>83</sup> Қуръони карим, 48-сура мазмунига тўғри келади.

<sup>84</sup> Утбий сифатида танилган басралик Абдуллоҳ Утбий шеър.

мурлар ва аскарларининг аҳволини яхшилаш учун Ҳинд мамлакатига юриш қилди. У ерда Ҳакнинг ёрдами билан жангда ғалабага эришиб, ўз одамлари аҳволини яхшилаганидан кейин қайтишга қарор қилиб, Жалум<sup>85</sup> ўтадиган жойидан ўтиб, Жайхун соҳилида<sup>86</sup> салтанат чодирини курди. Чодирнинг дарёга таянган тарафи ҳимоя қилинишига аҳамият бермади. Султон Шаҳобиддин тушки уйкуга ётган пайтда сувдан яшин каби тезликда чиқиб, чодирнинг ичига отилиб кирган икки ҳинд ҳийлакор қарашлардан узоқ ва даврнинг ёмонликларидан хабарсиз уйкуда бўлган султон Шаҳобиддин ҳаёт сувини тўхтатиб, уни нариги дунёга равона қилди. Ажалнинг кўзлари олдида ҳимоячиларнинг нима фойдаси бор? Ёмон толеъга қарши кўпчилик фил қўшини нима ҳам қила оларди? Ажалнинг қаршисида аскар, қурол-аслаҳа, оқ-қоранинг унга ҳеч бир фойдаси бўлмади. *Шеър* (арабча):

[Барча давлат эгалари, бойлиги ва катта қўшини билан бир муддат бошга ўтиб, ҳукмрон бўлдилар. Охирида эса қанчалик тез юксалган бўлса, шунчалик тезлик билан ғойиб бўлди]<sup>87</sup>

Уни ўлдириш учун заҳмат чеккан Султон Хоразмшоҳ мана шу тарзда ундан қутилди. Султон Шаҳобиддин ўлими туфайли яқин қариндоши ва унинг ўлимини кутган Бомиён ҳукмдори бошига ғариб бир иш тушди: Шаҳобиддиннинг ўлганини эшитгач, орзу дарахти мева бера бошлагани ва ёмон толеъи яхшиланиш сари киришганини ҳисобга олиб, дарҳол йўлга чиқди. Икки манзилни бир манзил, уч фарсахни бир фарсах ҳисоблаб йўлида давом қилди. Эндигина бутун орзуларига эришай деганида Зулжалолнинг тақдири билан ажалнинг тузоғига илинди. Орзулар билан юкли бўлган умрининг қарвони тўхтади. Мана шу тарзда тахтнинг ўрнини тобут, бахт ўрнини бахтсизлик эгаллади. *Шеър* (арабча):

[Агар бир инсон барча орзуларига етишса, унинг энди дунёдан кутадиган ҳеч нарсаси қолмайди]

Яна кейинроқбаён қилажагимиз бу ҳодисалар Султоннинг ишига яради.

<sup>85</sup> Панжобда Синд дарёсига қуядиган катта бир ирмоқ. Лоҳур билан Пешовар орасида. Лоҳурга беш фарсах узоқликда бу ирмоқ соҳилида Жалум номли шаҳар бор.

<sup>86</sup> Бу ерда тилга олинган Жайхун дарёси эмас, балки юкорида айтганимиз Жалум ирмоғидир. Қадимги матнларда Жайхун номи, умуман, катта дарёлар учун ишлатилган.

<sup>87</sup> Саолибийнинг замондоши бўлган ва унинг томонидан “Татиммату-л-йатима” асарида (Икбол нашри, жилд II. Б.99) зикр қилинган Абул Фараж Аҳмад б. Али б. Халаф Ҳамадоний шеъри.

### III. ҒУР СУЛТОНЛАРИ ЎЛКАСИНИНГ СУЛТОН МУҲАММАД ҚЎЛ ОСТИГА ЎТИШИ

Султон Шаҳобиддин дунё мулкидан охират манзилига рихлат қилгач, унга тобе ўлкалар ҳокимлари ўз мустақиллигини эълон қилдилар. Булардан бири Дехли ва Ҳиндистоннинг бир муддат ҳокимлигини бажарган ва ислом дини учун бир қанча жангларда иштирок қилган Қутбиддин Ойбекнинг ўлими сабабли ўрнига ўтирадиган ўғли бўлмаганидан, ақли ва билими билан шўхрат қозонган Қутбиддиннинг Эл Тутмиш исми маъмури эди<sup>88</sup>. Эл тутмиш тахтга ўтиргач, Султон Шамсиддин номини олди ва Ҳиндистоннинг катта бир бўлимида ва яна бир қанча жойларда бу ном билан эслана бошлади. Султон Шамсиддиннинг ғазот ва фатҳлари ҳақида кўп сонли асарлар ёзилган. Ўрни келганда англатиш лозимки, кейинчалик Султон Жалолиддин томонидан қўлга киритилажак бўлган Учо<sup>89</sup>, Мўлтон, Лохур, Пешовар ва Кубоча каби Синд томонида бўлган ўлкаларга ҳукмронлик қилди. Ҳинд ўлкасида бу ишлар бўлгани ҳолда, бошқа томондан катта тартибсизлик ва фитнадан кейин Тожиддин Илдиз Зовулистон<sup>90</sup> ва Ғазнани<sup>91</sup> қўлга киритиб, ўша ўлкалар ҳокими бўлди. Султон Ғиёсиддинга пойтахт вазифасини ўтаган Ҳирот ва Фирузкўх<sup>92</sup>, ўғли Маҳмуд томонидан ишғол қилинди. Амир Маҳмуд катта меросга эга бўлган кишилардек хатти-ҳаракат қилиб ичкиликбозликка, айш-ишратга, созу суҳбатга мубтало бўлди. Уднинг овозини жанг фарёдларидан афзал билди. Амирлар унинг истаксиз ва ғайратсизлигини кўриб қўлидан ҳеч бир иш келмаслигини англадилар. Танланган одамлар халқ орасида унга қарши фаолият бошладилар. Ҳирот бошқарувини бажарган ва у ернинг кўзга кўринганларидан ҳисобланган Хурмулнинг ўғли ўлкани ҳимоя қилиш учун – Аллоҳ далилини нурлантисин – Султон Муҳаммадга тобе бўлиш ҳақида бошқа амирлар билан мактублашди. Султон Муҳаммадга дарҳол келиб, Ҳиротни таслим қилиш

<sup>88</sup> Ойбекдан кейин ўрнига ўғли Оромшоҳ ўтирган эди, Оромшоҳ ҳам бир йилдан камроқ вақт подшоҳлик қилганидан кейин Эл тутмиш томонидан тахтдан туширилди. Каранг: Haig, Turks and Afqans, s.50.

<sup>89</sup> Бовалпур вилоятидаги Жаноб яқинидаги шаҳар.

<sup>90</sup> Ҳилменд ирмоғининг қирғоғида жойлашган тоғли ўлка.

<sup>91</sup> Ғазнанинг бошқа номи, бурунги Ғазни.

<sup>92</sup> Холдич томонидан (The Gates of Indid, S.222 vd) Ғур водийсидаги Тойвора билан бир жой эканлиги илгари сурилган.

учун кетма-кет элчилар ва хабарчилар жўнатди. Ўша пайтда Хитой Хон билан машғул бўлган Султон Ғур султонларининг қўлида бўлган ва Хитой ўлкасига яқин бўлган Балхни ва унинг атрофини мамлакатига қўшишни маъқул кўрмади. Аввало қорахитой туркларини даф қилиш учун тўғри ўша ёққа сафарга чиқди. Кейинчалик эса Хуросон аскарининг Ҳиротга юриши учун Шодияхга хабарчи жўнатди. Ҳиротга борган Султонни Хурмул ўғли Ҳусайн кутиб олиб, шаҳарни унга таслим қилди. Қилган бу хизматлари учун Султон уни қимматбаҳо ҳадялар билан мукофатлади. У ернинг бошқарувини ёзма фармон билан муҳрлаб берди. Ўша пайтда амир Маҳмуд билан келишган бир неча амирнинг ҳужум қилиш учун тайёргарлик кўраётганини билган Султон амирнинг қўшини уларнинг устига қилишларига имкон бермасдан оху сурувига ҳужум қилган шер ва каклик тўдасига ташланган лочин каби устларига юриш қилиб, уларни таркатиб юборди. Бу ҳужумда иштирок этган Султон амирлари аввалроқ Балхга йўналган Султонга хабарчиларни жўнатдилар. Султон улардан хушxabар олгач, яна ўз йўлида давом этди. Балх чегарасига боргач, Балхнинг энг кўзга кўринган одамлари кутиб олиб, қалъани унга таслим қилиш фикрини билдирдилар. Бомиён амирларининг каттаси, Балх ҳокими Имодиддин аввал Султонга тобелигини маълум қилиб, унга ҳурмат кўрсатишга ҳаракат қилса ҳам қуёш чиққан пайтда Султоннинг бирин-кетин жойлашган қўшинлари шаҳарга яқинлашгач, Ҳиндувон қалъасининг мустаҳкам деворлари, кенг миноралари ва у ерда тўпланган кўп миқдордаги заҳира ва хазинага ишониб, аввал айтган гапини унутиб, ваъдасидан тонди. Шу сабабли пиёда ва отликлардан ташкил топган Султоннинг музаффар қўшини қалъани билагузук қўлни қандай ўраса, шундай халқа шаклида қалъани ўраб олди. Қалъага худди дўлдек ўқ ва тошлар ёғдирди. Қалъа қўлга олинини арафасида Имодиддин қутилишнинг йўли фақат таслим бўлиш эканини тушунгач, хоҳламайгина бориб, Султонга ялинишга қарор қилди. Султон унинг жонини сақлаб, ўзи кутганидан ҳам ортикча эътибор кўрсатди. Аввал ўз қўли остида бўлган жойларни қайтадан яна унга беришни ваъда қилди. Имодиддин у ердан чиқиб кетаётди, Султон эшигининг остонасини ўпди. Мана шу тарзда подшоҳ эътибори ва лутфи уни устунликка эриштириб, ҳаёти хавфсизлик билан таъминлангандан кейин мажлисда муҳим бир жойга келганди атрофдагилар ҳасадини кўзгади. Шубҳасиз: “Роббинг уларнинг

дилларига яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билади”<sup>93</sup>. Ўша пайтда тасодифан Султоннинг йўл кўрикчилари хабарчилар қўлидан олган мактубни Султонга келтириб бердилар.

Бомиён ҳокимига ёзилган бу мактуб бошдан охиригача Султонни ёмонлаш ва унга итоат қилмасликни тарғиб қиларди. Султон мактубни Имоиддиннинг қўлига бериб, “Номаи аъмолингни ўқи, бугун ўз шахсинг ўзинга қарши етарли ҳисобчидир”<sup>94</sup> оятини эслатди. Мактубни кўрган Имомиддин кўркувдан ерга йикилиб тушди ва қилган хиёнатига узр топа олмади. Султоннинг бу жимжитлиги қаршисида “сўзида турмаслик ва хиёнатнинг жазоси ўлимдир” дейишига қарамасдан подшоҳларга ярашадиган марҳамат ва ачиниш туйғуси ғазабдан ғолиб келиб, унинг жонини сақлаб қолди. Нафис ҳадялар ва ходимлар бериб, уни Хоразмга юборди.

Ўша пайтда Термиз қалъасида бўлган Имомиддин ўғли отасининг бошига тушган ишни билгач, Термиз қалъасини Султон аскарларига таслим қилишни истамади. Фақат отасининг бу фикридан воз кечиш учун жўнатган ишончли одамларининг гапларига рози бўлиб, қалъадан чиқиб, Термизни Султон буюрганидек, Самарқанд султониغا топширди.

Султон Хоразмшоҳ фатҳ қилган Балх ўлкаси бошқарувини Бадриддин Чоғирга топшириб, уни кўп сонли аскарлар билан кучлантирди. Мана шу тарзда у ўлкани ички тартибсизликлардан тозаланидан кейин Ҳирот йўлига чиқди. Ғолиб ва мақсадига етишиб Гурзувон<sup>95</sup> йўлидан юрди. Замон унинг буйруғига бўйсунгани, фалакни ҳам унинг истагига кўра ўзгариши мумкинлигинини хабар қилиш учун жарчилар Ҳиротга кирдилар. Бу хабарни эшитган ҳиротликлар севиндилар. Бир қисми Султонни кутиб олиш учун йўлга чиқди, бир қисми эса шаҳарни безаш учун қолди. Шаҳарда қолганлар у ўтадиган бозор ва кўчаларни қимматбаҳо матолар билан безадилар. Деворларга расм ва турли тасвирларни осиб қўйдилар. Султон ўша йилнинг<sup>96</sup> жумадилохир ойининг ўртасида ҳеч ким кўрмаган тантана ва ҳеч ким учун қилинмаган илтифотлар остида шаҳарга кирди. Ғойибдан малаклар унга “У ерга соғ-саломат, тинч-

омон киригиз!” дейилур<sup>97</sup> деб қичқирдилар. Халқ эса “Оламларнинг Рабби бўлган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин” деб севинчларини тилга олдилар. Бундан сўнгра Султон адолат асосларини мустаҳкамлади. Марҳамати ва инсофи сояси остида халқ ҳузур-ҳаловат ва роҳатга эришди. Атрофдаги бошқарувчилар келиб тобе-ликларини билдирдилар. Шу орада Сейистон ҳукмдори унинг ҳузурига келиб, Султон давлатининг буюклари қаторидан жой олди. Бундай ҳаракати билан Султон эъгибори ва меҳрини қозониб, ўз қадрини оширди.

Султон амир Маҳмудни ўзига тобе қилиш учун аллома Кирмонийни юбориб, унга бир қанча ваъдалар берди. Қуйидаги байт аллома Кирмоний элчи бўлиб кетаётганида амир Маҳмуд ҳақида ёзган қасидадан. *Шеър*:

[Шарқнинг Султони ғарбнинг шаҳаншохи Хусайн<sup>98</sup> ўғли Сом ўғли Муҳаммад ўғли Маҳмуд]

Султоннинг ёзма мурожаати битилган мактубини олган Маҳмуд мувозанатни сақлаш учун Фирузкўҳ бошқаруви ўзига берилишини Султондан истаб, аллома Қазвиний ёнига элчи қўшиб юборди. Элчи билан ота ёдгори бўлган жуда қимматбаҳо совғалар билан бирга бир ок фил ҳам юборди. Қуйидаги байт аллома Қазвинийники бўлиб, ўша фил тасвири ҳақидаги қасидадан олинган, *шеър* (арабча):

[Ҳар ҳолда Абраҳа б. Саббоҳ<sup>99</sup> бўлмасам ҳам мамлакатнинг пойтахтига фил билан кетаяпман]

Султон Маҳмудга ўзи истаган жойнинг бошқарувини берди ва уни ўзининг номига пул зарб қилдириб, хутба ўқитиш ваколати билан шарафлантирди. Мана шу тарзда мамлакат халқи Султон номини ҳамма вақт раҳмат билан эслади. Султон ўша мамлакат ишларини мана шу тарзда йўлга қўйганидан кейин орқага қайтишга аҳд қилди. Ёнига кўн сонли аскарлар бериб, катта ваколат билан таъминланган Иззиддин Хусайн б. Хурмулни у ерга волий қилиб тайинлагандан сўнг шу йилнинг жумадилохир ойида музаффар ва орзуларига етишган ҳолда Хоразмга ҳаракат қилди<sup>100</sup>.

<sup>93</sup> Қуръони карим, 28:69.

<sup>94</sup> Қуръони карим, 17:14.

<sup>95</sup> Гурзувон: Қалъа Вали билан Тахти хотун орасида бўлиб, Муғроб шарқида, Афғонистон шимоли-ғарбида жойлашган шаҳар.

<sup>96</sup> 603/1206-1207 йил.

<sup>97</sup> Қуръони карим, 15:46.

<sup>98</sup> Фирузкўҳ ҳокими Хусайннинг бобоси Иззиддин Ҳасан отаси Баҳоуддин Сом эди.

<sup>99</sup> Абраҳа б. Саббоҳ ҳазрат Муҳаммаднинг (с.а.в.) тугилган вақтида аскарлари билан Маккага ҳужум уюштирган Яман малиги.

<sup>100</sup> 603/1206-1207 йил.



#### IV. СУЛТОН ҚАЙТИБ КЕТГАНИДАН KEYIN ХУРМУЛ ҚИЛГАН ИШЛАР

Султон Ҳирот ўлкаси бошқарувини Хурмулга ташлаб қайтгач, қонунлар чиқариш ва жиҳод каби ишлар билан машғул бўлди. Султоннинг Хитой қўшинига қарши қилган ғазотда исломият учун Аллоҳ йўлидаги курашда ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги хабар маълум бўла бошлагач, инсонни тўғри йўлдан чиқарган шайтон Хурмулнинг бошига тухум қўйди. Ғурур, манманлик туғдирган бўш хаёллар унинг қалбини эгаллади. Султон Маҳмудга бир элчи юборди. Султонга душманлик ҳар иккисига хос бўлгани сабабли Султон Маҳмуд Хурмулга айтган жавобда унга турлича ваъдалар берди. Бунга кўра, Хурмул ҳам ғуриликлар номига танга зарб қилдириб, хутба ўқитди. Султонга яқин бўлган кишиларни ҳибсга олдириди. Султоннинг ғалаба қозониб, Хоразмга қайтгани ҳақидаги хабар маълум бўла бошлагач, аҳмоқларча қилган ишидан пушаймон бўлиб, Султон ғазабидан кўркиб, дикқат билан ҳаракат қила бошлади. Қилган ишларига жавобан қабул қилинмайдиган узрлар сўради. Султоннинг афвига эришиш учун уни мамнун қиладиган ишларни амалга ошира бошлади. Султон эса уни афв этиб, жонини сақлаб қолди ва қилган хато ва ёмонликларидан кўз юмди.

Хурмулнинг иккиюзламачилиги, сохтакорлиги ва Хоразм саройига қайтадан тобелигини кўрган Ғур халки уни йўқотиш ҳозирлигига киришди. Хурмул ғуриликларнинг ўзи ҳақидаги фикрларини билгач, Хуросондаги Султон бошқарувчиларига мурожаат қилди ва улардан ёрдам сўради. Шу туфайли Султон Хуросондаги қўмондонлари Ҳиротга юриш қилиб, шаҳарнинг олдида жойлашдилар. Хурмул ўзига тегмаслиги ҳақида улардан ваъда олганидан кейин шаҳар ташқарисига чиқди. У ерда бўлган ҳар кимса Ғур қўшини таг-томири билан йўқолиши ҳақида фикр қилди. Бу жиҳатдан ғуриликлар давлатининг манбаи “Айтинг, хабар берингиз-чи, агар сувингиз ерга сингиб, қайтиб кетса, сизга ким ҳам оқин сувни келтира олур?”<sup>101</sup> оятида айтилганидек бўлди ва ғуриликлар соҳиби бўлган жамоа тарқалди. Иккиюзламачилиги ҳамма жойда маълум бўлгач, энди Хурмулнинг гапларига ҳеч кимнинг ишончи қолмади. Чунки у, аввало, керак бўлмаса ҳам Султоннинг амри остига кирган, сўнгра эса ҳеч тортинмасдан итоат либосини устидан ечиб

ташлаганди. Буларни эслатиб, Султон ҳузурда уни ёмонладилар. Бошқа бир томондан, “Ҳирот бир ўрмон бўлса, Хурмул унинг шеридир, агар денгиз бўлса, у аждаҳодир. Агарда унинг боши бўш қўйилса, инсонларнинг ақллари ва қалбларини олади”, деб Султонга хабар юбордилар. Шу муносабат билан Султон уни ўртадан олиб ташлаш ва бундан кейин қиладиган ёмонликларига нуқта қўйиш учун Ҳиротдаги одамларига хабар жўнатди. Султондан бу хабарни олган амирлар уни яхшилик билан бир жойга олиб бориб, ишини тугатишни истадилар. Бир куни кечаси уни таклиф қилиб, ҳар хил мавзуларда суҳбатлашдилар. У ердан чиқиб кетаётганида Завзан малиги Қавомиддин эртаси кун овқатланиш ва ичкилик учун уни уйига таклиф қилди. Хурмул ёлғон баҳоналар билан унинг таклифини қабул қилмагач, Қавомиддин унинг устига қараб юрди. У ердаги амирлар ҳам Қавомиддинга мос ҳаракат қилди. Хурмул одамларини тарқатиб, уни судраб чодирга олиб борди. У ердан эса Хоф яқинларидаги Солумид<sup>102</sup> қалъасига жўнатди. Гапирадиган, гапирмайдиган нимаики нарсалари бор бўлса ҳаммасига қўл узатди ва бир неча кундан кейин қалласини Хоразмга юборди. Хурмулнинг ишини бошқарган ёрдамчиси Саъиддин Риндий кўп ақлли ва зийрак киши эди. Унинг ўлдирилганини билгач, овига яқинлашган тулки зийраклиги билан Ҳирот қалъасига кетди. У ердаги Хурмул одамлари ҳам Риндий тарафига ўтиб, Султонга қарши шаҳарни ҳимоя қилишга аҳд қилдилар. Ҳиротдаги баъзи риндий ва ишсизлар унинг бу қарорига қарши чиққани сабабли Хурмулнинг хазинасини очиб, халққа тарқатдилар. Мана шу тарзда хатто битта ҳам чўпи бўлмаганлар катта бойликка эга бўлдилар. Кишилар ҳовучлари пулга лиқ тўлгани учун жонини фидо қилишга тайёр ҳолга келдилар. Булар шундай бўларкан, бундан кейинги бўлимда англаб чиқиб бўлганимиз каби Кўзли<sup>103</sup> Шодияҳда исён байрогини кўтаргани сабабли Султон Хоразмдан Шодияҳга, у ердан эса Сараҳсга келди. Риндийнинг исёни пайтида ўлкадаги амирлар унга элчилар юбориб, қилган ишлари сабабли уни айбладилар. У ҳам жавобан Султоннинг бир итоаткор кули эканини, фақат унинг амирларига ишонмаслиги, агар у Ҳиротга келса, унга қулнинг ўз хўжайинига кўрсатадиган ҳурматини кўрсатишини айтди. Бу сўз-

<sup>102</sup> Солумуд ёки Солом номи билан танилган бу шаҳар Хофнинг шимоли-ғарбида Турбати Ҳайдар йўли устида бугунги Соломийдир.

<sup>103</sup> Қаранг: Houtsma, Glossar. S.99.

<sup>101</sup> Қуръони карим, 67:130.

ларни Султонга нақл қилган амирлар ҳеч вақтни ўтказмасдан Ҳиротга юриши кераклиги ҳақида ташвишга солдилар. Султон Ҳиротнинг олдинги томонларига боргунча, Риндий қилган ишларидан пушаймон эканлигини айтса ҳам қарши туришни қўлдан бермади. Бунинг учун Султоннинг ғазаби оловланди. Шаҳарга оқаётган сувни дарахт ва тошлар билан тўсиб бир тўғон ясашни буюрди. Бошқа томонидан эса қалъанинг атрофидаги хандақларни сув билан тўлдирдилар. Бир неча кун ўтиб, тўғон сув билан тўлгач, сувни қалъанинг ичига қўйиб юбордилар. Риндий урушқок аскарлари билан еб-ичиб ўтирганларида Султоннинг баҳодирлари<sup>104</sup> қалъага кириб, қалъа деворларига байроқларини тикдилар. Шу сабабли Риндийнинг одамлари еб-ичишни ташлаб, кирганларнинг устига ташландилар. Ўша пайтда вазиятнинг ваҳимали эканлигини кўрган зийрак Риндий гуноҳ либосини ечиб, суфий либосини билан қочишни режалаштирди. Султон аскарлари бутун кун бўйи излаб, охири уни тузукка туширдилар. Сочидан тортиб Султоннинг олдига олиб бордилар. Уни ушлаганидан кейин Султон амри билан аскарлар талон-тарож қилишдан қўлларини тортдилар. Дўкон соҳиблари ҳам ўз дўконларини оча бошладилар. Кейинчалик Риндийнинг хазинасини очиб, у ердан шаҳарнинг энг кўзга кўринган одамларидан ҳақсиз тортиб олинган молларини эгаларига қайтариб бердилар. Риндийнинг бошқа молларини ҳам тарқатгандан кейин унга қилган ёмонликлари учун жазо бердилар. Мана шундай қилиб, Ҳирот салтанат муддаосида бўлганлар чиқарган ғавғо ва исёнлардан тозаланди. У ернинг ҳавоси Султоннинг кенг адолати билан тўлди. Ҳирот ишларини йўлга қўйгандан кейин Султон Муҳаммад Хоразм йўлига чиқди.

## V. КЎЗЛИ ҲАҚИДА

Кўзли Нишопур амирлиги ишларини бошқариш зиммасига юклатилган Султоннинг қариндоши, турк кишиси эди. Султон у ҳақдаги сезган шубҳаларини англагани сабабли кўркиб, аввал Ҳиротга, Султоннинг у ерга келганини билгач, у ердан чиқиб Шодияхга

<sup>104</sup> Султон Муҳаммаднинг махсус гвардиячи аскарлари учун қўлланилган бу сўз замонавий мўғулчадан “батор” тарзида ўтган. Масалан, Мўғулистоннинг пойтахти Улан Батор “қизил қахрамон” маъносини билдиради.

кетди. Хитой қўшини Хоразмга кириб, Султон енгилиб Ҳиротга чекингани ва ўзи эса қалъани олдинги ҳолига келтириб тузатиш учун Шодияхга юборилгани ҳақида хабар тарқатиб, шаҳарни қўлга киритди. Зулм қўлини узатиб, уларнинг молларини мусодара қилдирди. Қалъа деворларини таъмирлатиб, шаҳар атрофига хандақлар қаздира бошлади. Хоразмга бир элчи юбориб, Султонни асоссиз хабарлар билан машғул қилиб, шаҳарни мустаҳкамлаш учун вақтдан ютишни хоҳлади. Унинг фикрига кўра, шаҳарнинг ҳимояси кучайтирилгач, бойиб кетиб, Султоннинг устига юриш қилиб, ўлка мувозанатини сақлайди, деган хабар билан Хоразмга элчи юборди. Кўзlining элчиси Хоразмга боргач, унинг тўғри йўлдан адашганини тушунган замонасултонларининг султони Бесутун тоғи<sup>105</sup> каби кучли, бўрондек тез ҳаракат қилиб, ичида ғазаб олови ёнган, ўтқир қиличи билан душманини бир урганда ерга яксон қиладиган кўп сонли қўшин билан юриш бошлади. Ўша пайтда Кўзlining элчиси Султоннинг қошига етиб бориб, вазиятни тушунтиргач, Кўзли кўркди ва қочишга қарор қилди. Болалари ва одамлари билан шаҳарни тарк қилиб, саҳрога қараб йўл олди. Вазир Шарафулмулк Саййид Алоуддин Алавий, бошқози Рукниддин Мугисий ва яна бошқа давлат катталарини ҳам ўзи билан кетишга мажбур қилди. Қоронғу кечада турк ва тожиклардан ташкил топган тизимли қўшинлар Туршизга боргач, у ернинг бошқарувчиси Мухташам<sup>106</sup> Кўзлидан ёнида келган давлат катталарини Туршизда қолдиришни истади. Шу сабабли Кўзли амалдорларини Туршизда қолдириб, бошқалари билан бирга Кирмоннинг йўлини тутди. Кирмонда излаганини тополмагач, Султоннинг Хуросондан кетгани ҳақидаги хабарни олгач, Шодияхни қўлга киритиш савдоси уни шундай чулғаб олдики, ўша савдодан кутулиш учун Кирмондан чиқди. Аввал Табасга сўнгра эса, Туршизга борди. Ўгли бир гуруҳ дўстлари билан шаҳарда тартибсизлик келтириб чиқарди. Шу сабабли шаҳар халқи қалъа дарвозаларини уларга беркитди. Аскарлар ҳам қалъа деворларига чиқдилар. Жангни тўхтатиш ёки давом эттириш ҳақида иккиланиб турган пайтда бир тасодиф ва Аллоҳнинг бир лутфи қарами билан Исфаҳбуднинг<sup>107</sup> Тусга келгани ҳақида хабари бўлди. Шу сабабли Шарафулмулк бир элчи юбориб, парокандаликлар кел-

<sup>105</sup> Бесутун тоғи – Кирмоннинг шимолида машҳур Ахоманий ёзувлари топилган тоғ.

<sup>106</sup> Исмоилийлар томонидан қўлланилган унвон.

<sup>107</sup> Кабулджоме подшоҳи.

тирган Кўзли ва одамларини шаҳардан чиқариб ташлашни Исфаҳбуддан илтимос қилди. Исфаҳбуд бу хабарни эшитар-эшитмас, у ерга минг кишилиқ суворий ҳарбий қисми юборди. Бу ҳарбий қисм Кўзли ва одамларининг устига ҳужум қилиб, уларни енгди ва молларини талон-тарож қилди. Кўзлининг одамларини қувлаб, уларни тарқатиб юборди.

Кўзли Туршизни қўлга кирита олмаслигини тушуниб, Исфаҳбуднинг Шодияҳга боргани, Султоннинг Ҳирот дарвозасида эканлигини билгач, бўйни кесилган бир қуш каби титрай бошлади ва овчининг олдидаги оху каби қоча бошлади. Қилган ишларидан пушаймон бўлиб, ўзидан жаҳли чиқиб, тез-тез бармоқларини тишлади ва бундан кейин нима қилиши ҳақида дўстлари билан фикрлашди. Сўнгида Султоннинг онасидан шафоат тилашга аҳд қилиб, Хоразмга қараб йўл олди. Йўлда уларнинг орасида бўлган язирлик<sup>108</sup> бир туркман “мен ҳозир Язирга бориб, қалъани қўлга киритиш йўлини биламан, дегани сабабли унинг таклифини қабул қилдилар. Кўзли ёнига ёрдамчи қўшин қўшиб, уни олдиндан Язирга жўнатди. Язирга борган вақтида у ернинг кўзга кўринган кишилари унинг ниятини пайқаб қолиб, уни ушлаб боғлиқ ҳолда Султоннинг ҳузурига жўнатдилар. Бу режани ҳам манашу тарзда барбод бўлганлигини кўрган Кўзли ва одамларининг шошқинликлари янада ортди ва қарашларда фарқлиқ маълум бўлди. Ўғли Моварауннаҳрга бориб, Хитойхонга, Кўзли эса Хоразмга бориб, Туркон хотундан бошпана истади. Иккаласи орасида ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик бўлмади, ўғли Кўзлининг хазинасини қўлга киритиб, Моварауннаҳрга йўл олди. Жайхун кечувида Хоразмга келаётган Султон амалдорларининг бир гуруҳи билан жанг қилдилар. Ораларида бўлиб ўтган қиска бир тўқнашувдан сўнгра Султоннинг одамлари Кўзлининг ўғли ёнида бўлганларнинг кўпини ўлдириб, қалласини Султонга жўнатиб юбордилар.

Кўзли Хоразмга боргач, Туркон хотун ваъдалар бериб, уни жасоратлантирди ва унга “бу ишдан қутилишнинг йўли суфий хирқасини кийиб, Султон Такиш макбарасида ўтиришдир. Балки шундай қилсанг, Султоннинг ғазабидан қутила оларсан” деб маслаҳат берди. Кўзли бунга амал қилиб, Такишнинг макбарасида тасаввуф йўлига кирди. Лекин кўп вақт ўтмасдан Туркон хотундан вазиятни билган Султоннинг аскарлари унинг қалласини танасидан жудо

<sup>108</sup> Қаранг: Жаҳонгушо таржимаси. С.1. Б.192.

қилиб, Султонга олиб келдилар. Мана шу тарзда Кўзли ва одамларининг бошбошдоқликлари ниҳоясига етди ва Султоннинг адолати ҳамма жойда қарор топди. *Шеър:*

[Агар яхшилаб ўйлаб кўрсанг, ўзгарувчан осмон куббасининг баъзан яхшилиқ ва баъзан ёмонлик тарқатганини кўрасан]

Шу йили, яъни 605/1208-09 йилда улуғ Аллоҳ “Қачонки, Ер ўзининг (энг дахшатли) зилзиласи билан қимирлаганида”<sup>109</sup> ҳукмини кўрсатди. Зилзиланинг кундузи бошлангани ҳам Унинг бир лутф-карами эди. Шаҳар халқи нимаси бор бўлса, шаҳарда қолдириб, ўзларини шаҳар ташқарисига отдилар, уйлари эса сажда қилгандек, бошларини ерга қўйдилар. Бир нечтагина масжид ва бинодан бошқа йиқилмаган иморат қолмади. Шу сабабдан халқ бир оз муддат уйсиз-жойсиз қирларда яшади. Иккиминг аёлу эркак йиқилган уйлар остида қолди. Қишлоқлар шундай зарар кўрдик, бу ерда уни сўз билан тушунтиришнинг иложи йўқ. Доно ва Банаск номли қишлоқлар бугунлай ер юзидан суриб ташланди ва у ерда яшаганлардан ҳеч бири омон қолмади. Улуғ Аллоҳ бизни бундай дунё фалокатларидан ва охират азобидан сақласин.

## VI. МОЗАНДАРОН ВА КИРМОННИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ

Толе ҳамма вақт Султонга ҳамроҳ бўлгани учун катта ва муҳим бўлиб кўринган масалалар у томонидан осонгина ҳал қилинарди ва ишлари ҳар куни тобора яхшиланиб борарди. Осонгина ҳал қилинган масалалардан бири Мозандарон масаласи эди.

606/1209-10 йилда Султон Моварауннаҳрга юриш қилган пайтида Шох Яздигирд<sup>110</sup> ўғилларидан Шох Ғозий<sup>111</sup> қўлида қўлга киритган ўлкалардан фақат Мозандарон қолган эди. Шох Ғозий Бу Ризо<sup>112</sup> исмли бир қўмондонни етиштириб, унга юксак мақом бериб, ўзига шерик қилди ва унга сингдисини никоҳлаб берди. Бу

<sup>109</sup> Қуръони карим, 99:1.

<sup>110</sup> Яздигирд III. Сосонийларнинг сўнги ҳукмдори.

<sup>111</sup> Исфаҳбуд Носируддавла Шамсулмулк шох ғозий Рустам Бованд сулоласининг сўнги ҳукмдоридир. У ҳақда қаранг: Rabino. Mazandaran and Astarabad. S.134. Бу Ризо (Абу Ризо Хусайн б. Муҳаммад ал-Алавий ал-Мангурий) учун қаранг. Ибн Исфандиёр, тр.Броунс, s.257.

<sup>112</sup> Абу Ризо Хусайн б. Муҳаммад ал-Алавий ал-Мангурий учун қаранг: Ибн Исфандиёр, Броун. Б.257.

кадар имкониятга эга бўлганидан Абу Ризо подшоҳликни орзу қилиб, шох Ғозийни ов жойида ўлдирди. Шох Ғозийнинг синглиси, яъни Бу Ризонинг хотини худди эркаклардек ҳаракат қилиб, акасининг интиқомини олиш учун эрини азоблаб ўлдирди.

Бундай ходисалар рўй бераркан, Султоннинг ёнига қайтаётган Менгли<sup>113</sup> Журжонга бориб, Мозандаронда бўлган воқеаларни эшитди. Мозандаронга эришиш истаги у ер сари ҳаракатга ундади. Қадимги подшоҳ ва йирик ҳумдорлардан мерос бўлиб қолган Шох Ғозий хазиналарини қўлга киритди ва Шох Ғозийнинг синглисига уйланишни истади. Лекин бу истаги рад этилгани сабабли Султонга бир элчи юборди ва уни малика сифатида тақдим қилди. Шу сабабли Султон Мозандаронни ўзига тобеъ қилиш ва шох Ғозий синглисини олиб келиш учун вакил юборди. Султонга турмушга чиқиш орзусида бўлган шох Ғозийнинг синглиси Хоразмга келди. Султон уни амирлардан бирига никоҳлаб берди. Бир йилдан кейин эса Мозандарон бошқарувини Аминиддин Дехистонга берди. Шу тарзда Султон жанг билан, уруш билан қўлга киритилиши мумкин бўлмаган мамлакатни ўз бошқаруви остига олди.

Келгуси йил, яъни 607/1210-11 йилда Кирмон қўлга киритилди.

## VII. МОВАРОУННАХР ФАТҲИ

Хуросон ўлкаси осийлар чиқарган тартибсизликлардан тозалангандан кейин Мовароуннахрнинг энг кўзга кўринган одамлари Султонга кетма-кет мактублар ёзиб, ундан қорахитойлар зулми ва тазйикларидан ўзларини қутқаришини сўрадилар. Уларнинг қорахитойлардан қутилиш мақсадининг энг асосий сабаби Мусулмон ўлкаларининг бутпараст (қалмоқ)ларасоратида яшаётганликлари бўлиб, бу аҳвол бухороликларни янада кўп қийнаётган эди. Чунки Бухорода қалқон сотувчи биродамнинг ўғли ўртага чиқиб, Санжар исмини Санжар Малик сифатида ўзгартириб, халқнинг ҳурматли инсонларига нисбатан азият ўтказа бошлади. Икки байт ўша пайтдаги Бухоро олимларидан бирига оиддир. *Шеър* (арабча):

[Мулк жуда қийматли ва азиз нарсадир. Ибн Мадий уни бедаво, меҳнатсиз, текинга қўлга киритишни истади. Бу шаклда қўлга киритилган мулк ва тахт ҳеч кимга фойда келтирмайди]

Султон қорахитойлар босқинидан ва уларнинг ўз элчиларига ортиқча аҳамият бермаганидан кўнгли синганэди, отаси – Такишнинг амакиси Султоншоҳга қарши қилган жангда Такишга ёрдам қилгани учун Такишнинг ҳар йили қорахитойларга ваъда қилган солиқларини олиш учун келган маъмурлардан безган эди. Шу сабабли шартномани бузиш учун баҳона излар эди. Ниҳоят...<sup>114</sup> йилнинг бошида Дўжиамридаги Хитой элчилари ҳар доимгидек солиқни олишга келган пайтда тахтда ўтирган Султоннинг буйруғига кўра, унинг аскарлари ўша одобсиз Дўжини парчалаб, дарёга отиб юбордилар. Манабун шеър унинг ҳолига мос тушади. *Шеър* (арабча):

[Бу қилишни ол ва ундан қарзингни уз. Чунки қиличнинг сенда ҳақи бор]<sup>115</sup>

Султон бу шаклда қорахитойларга ўз кучига ишонганини кўрсатди...<sup>116</sup> йилида Қорахитой ўлкасига тўғри йўлга чиқди, дарё кечувидан ўтиб, Бухорога боргач, у ернинг халқи адолат ва жумардлик чанбарига кирди, кенг тупроқлари гуллаб-яшнади. Охирида қалқон ясовчининг ўғли Санжар жазосини олди. “Бас, уларнинг қилиб ўтганамалларига мукофот учун яшириб қўйган кўзлар қувончини (охират неъматларини) ҳеч ким билмас”<sup>117</sup>.

Султон Муҳаммад Бухоро ишларини йўлга қўйгандан кейин Самарқандга юрди. Олдиндан Самарқандподшоҳи султон Усмонга хабарчиларни юборди. Қизини бермагани учун Қорахитой хонининг қирғинига учраган султон Усмон Султоннинг келаётганидан жуда мамнун бўлди. Итоатни бўйнига олиб, унинг номига танга зарб қилдириб, хутба ўқитди. Самарқанд халқи ҳам Султонни катта бир жўшқинлик билан қарши олди. Кейин эса икки Султон учрашиб, Қорахитой хонини йўқотиш ҳақида келишиб олиб, унга қарши жиҳодда кучларни бирлаштиришга аҳд қилдилар. Султон тadbир сифатида шахар деворлари таъмирланишига буйруқ бериб, амир Тўрт Абони Самарқанд султони ёнида вакил қилиб қолдириб, ўзи жасур жангчилардан ташкил топган кўшини билан йўлга тушди. Султоннинг келгани ҳақидаги хабар Гўрхонга етиб боргач, кўшин боши қилиб, ўзининг мардлиги билан донг таратган Таянгуни ўтказиб, уни Тарозга жўнатди. Таянгу ўзига ортиқча ишониб, чумоли галаси каби кўп кишилик кўшин ҳозирлади.

<sup>114</sup> 606/1209.

<sup>115</sup> Шамсул Маолий Қобус 6. Вашмгир мадхияси ҳақидаги Абу Бақр ал-Хоразмий қасидасидан.

<sup>116</sup> (607/1210-1211).

<sup>117</sup> Куръони карим, 32:17.

<sup>113</sup> Насириддин Менгли отабек Музаффариддин Ўзбекнинг Ироқдаги волиийси.



Султон аскарларининг қаҳрамонларча жанг қилиши ортга чекиниб, хижолат қиладиган иш қилмаганликлари, у дарёлардан оққан сув такрор Мусулмонларнинг хизматида бўлмагани, ўша муҳитда яшаган одамларнинг тўғри йўлдан адашганлиги, “Бордию (бу ишни) қилмасангиз зинҳор қила олмайсиз ҳам, у ҳолда ёнилғиси одамлар ва тош (бут ва санам)лар ўтин бўладиган, кофирлар учун тайёрлаб кўйилган дўзахдан кўркингиз”<sup>118</sup> оятида айтилганидек, жиноят оловининг устига хидоят сувини сепиши, бир оз муддат у ерда тўхтаган ислом насимини қайтадан эсдириши, у йўлдан адашганларнинг ҳосилини мусибат шамоллари билан ҳавога совуриши, уларнинг устида кўтарилган бахтсизлик бўронини тарқатиб юбориши, ҳақиқий иймон қуқунини уларнинг кўзларига пуфлаши ва йўлдан адашган кўлларни ўша тупроқлардан тортилиши учун қўшин устидан ўтгандан кейин аввал қурилган Банокат ирмоғининг устидаги кўприкни йикитди. Бошқа томондан Таянғу, Иламиш саҳросига<sup>119</sup> боргач, ўз қўшини миқдоридан ғурурланиб кетди ва ўзини кучли ҳисоблай бошлади. Қурол-аслаҳа ва аскарларнинг миқдори уни янглиштирди. Сайхун дарёсининг кечувига боргач, Аллоҳнинг “Бўл, деса, бас, у бўлади”<sup>120</sup> деган гапини унутди. *Шеър:*

[Сувга таянч бўлмаса, сув устида сурат чизганга айланасан, шамол қаршисидаги сув каби бўларсан]

607 йил рабийулаввал (1210, август-сентябр) ойида икки қўшин юзма-юз келиб, саф тортган пайтда Султон кўмондонлари воизлар минбарига чиқиб, “Аллоҳим, ислом қўшинларига ёрдам қил” дуосини ўқиганларича бемалол ҳаракат қилишни, дуодан кейин ишни маҳкам тутиб, ҳужумга ўтишни буюрганидан кейин “Балки шу тарзда Аллоҳ Мусулмонларнинг “омин” деган овозларига жавоб берар ва ғалабани бизга эҳсон қилар” деди. Кўмондонлар Султоннинг амрини бажардилар. Дуодан кейин ҳар тарафдан ҳужумга ўтдилар. Ҳарбий шахмат жангида суворийлардан пиёдалар талафот кўрдилар. Жанг тақдири қизигач, *шеър:*

[Довул (жанг дўмбираси) ва сурнинг овози осмону фалакка кўтарилди. Ер ҳам осмон каби жойидан кўзгалди. Кўмондонлар байрокни юқорига тиккан пайтда қаҳрамонлар ҳам юзларини жанг майдонига бурдилар]

<sup>118</sup> Қуръони карим, 2:24.

<sup>119</sup> Андижон шимолида. Қаранг: Бартольд, ўша асар. Б.159.

<sup>120</sup> Қуръони карим, 2:117.

Ҳар икки томондан тошлар ва ўқлар ҳаракатлангирилди. Ханжар ва қиличлар қинидан чиқарилди. Султон томонидан такбир, шайтон томонидан эса хуштак ва дудук овозлари янгради. Чанг-тўзон булути ҳамма ёкни қоплади, қиличлар яшиндек порлади. “Эй Муҳаммад! Биз сизга аниқ-равшан фатҳ (ғалаба) ато этдик”<sup>121</sup> деган Султон байроғининг соҳиби, душманлар эса “Албатта, биз (ундай) жиноятчилардан (дунё ва охирагга) интиком олувчидирмиз”<sup>122</sup> оятига нишон бўлдилар. Қарши томондагилар қалблари титрай бошлади. Султоннинг аскарлари бомдод намозига қадар дуоларайтганидан кейин душманларига ҳужум қилдилар. Бир ҳужум қилганда хато йўлда бўлганлар Сабо кавми учраган оқибатга дучор бўлди. Султоннинг аскарлари охунинг орқасидан бир шер ва какликнинг кетига тушган лочин каби душманнинг орасига кирдилар ва йўлдан адашганларнинг кўпчилигини қиличларига ем қилдилар. Ўша пайтда Таянғу яраланганди, Хитой хони бошқа аскарлари каби юз тубан ер тишлаган эди, унинг бошида бир жория кутиб турарди. Султон аскарларидан бири қиличини чиқариб, унинг бошини танасидан жудо қилмоқчи бўлганида жориянинг “У Таянғудир” деб бақиргани учун аскар уни олиб, Султон ҳузурига олиб борди. Султоннинг буйруғига кўра, уни Хоразмга элтдилар. Бу сафарги ғалаба султон аскарларини бойитди. Ҳамма ўз ниятига етишди. Мажнун Лайлони, Вомиқ Узрони топди. Гўзалларга мубтало бўлганлар ой юзлиларга, бойликка ўч бўлганлар мол-мулкка етишдилар. Султоннинг амри остида бўлган барча вилоятларга зафар хабарини юбордилар. Зафарни эшитганлар севинди ва бахтлилик ҳиссини туйдилар. Зафардан кейин Султоннинг тобелари орасида унинг обрў-эътибори янада ошди. Унга иккинчи Искандар лақабини бердилар. Бу лақабни маъқул кўрмаган Султон Муҳаммад “Султон Санжарнинг салтанат даври узок давом этмади. Агар менга омад келтирадиган бирор ном беришни истасанглар, у ҳолда Султон Санжар номи берилсин” дея амр қилди. Шу сабабли уни Султон Санжар деб эсладилар. Имом Зиёиддин Форсийнинг<sup>123</sup> унинг бу фатҳи ва Султон Санжар лақабини олиши ҳақида бир қасидаси бор, ўша қасиданинг хотирамда қолган бир неча байтини келтираман. *Шеър:*

<sup>121</sup> Қуръони карим, 48:1.

<sup>122</sup> Қуръони карим, 32:22.

<sup>123</sup> XIII аср шоирларидан.

[Юзинг жон оламининг гўзаллигига гўзаллик кўшди. Ошиқлигинг лутфи билан кўнглунг юзини ойдинлатди. Баъзан юзинг тўлин ойга нур, баъзан эса шимол насимиғахушбўй берди. Шу тилсимга қарагинки, кечани мушк билан қориштириб, сенинг зулфингни ҳосил қилди. Буни қоришманинг менга берган бахти олий феъл Хусравнинг омадли оёғи билан босган ерларга берган бахти кабидир. Жалол соҳиби бўлган дунёнинг энг буюги Султон Санжарни Аллоҳ бутун инсонлар орасидан танлаб, унга мақом ва мавқеъ берди. Ажам ўлкасининг шоҳи ва иккинчи Искандар ҳисобланган ўй-фикрлари Турк мамлакатининг фатҳи ишида аскарга раҳбар бўлди. Агар даврнинг об-ҳавоси қуфр туфайли бузилишга юз тутса, қиличнинг зафар ҳиди уни тўса билади. Мана шу кунларда қилич қуёш каби тўғрилиқ уфқидан чиқиб, хато йўлда бўлган давлатни ўртадан олиб ташлайди]

Холамнинг ўғли, имомларнинг каттаси, олимларнинг сўнгиси Аллоҳ ундан раҳматини аямасин, марҳум Шамсиддин Али б. Муҳаммаддан шуни эшитдим: Султоннинг Хитой сафарида музаффар бўлгани хабарини келтирган хабарчилар Шодияхга боргач, ҳар ким шуқур қилиш билан бирга, шаҳарнинг таниқли кишилари иштирокида байрам қилиб, дўмбира ва сурнай садолари остида вақтичоғлик билан машғул бўлдилар. Навбат биланодамлар ўзлари истаганларича вақтичоғлик қилиб ҳузурландилар. Ёшлар кўчаларда севинганларидан бақир-чақир килдилар. Ёшукексалар эса бир-бирлари билан суҳбат қурдилар. Мен ўша пайтда, Аллоҳ ундан рози бўлсин, хожам Саййид Муртазо б. Саййид Садриддин ёнига бордим. Унинг уйида руҳан кийналган ҳолда топдим. Бу бахтиёр кунда унинг қийналиши сабабини сўраганимда “Эй, ақлдан йўқсул одамлар, бу турклар ўч олиш ва ўзларини таҳликага қўйиш борасида доим қаттиқ оёқ тираб олади, сонининг кўплиги жиҳатидан яъжужумаъжуж<sup>124</sup> қавмидан олдиндалар. Қорахитой қавми биз билан яъжужумаъжуж қавми орасида Зулқарнайи<sup>125</sup> тўсиғикаби эди. Бу

<sup>124</sup> Яъжуж ва маъжуж сўзлари Шимолий Ўрта Осиёнинг ваҳший қавмлари учун ишлатилади.

<sup>125</sup> Арабчада иккишоҳли маъносини билдирувчи бу сўз буюқ Искандарнинг лакабидир. Қуръони каримга кўра, (18:83-98) Зулқарнайи икки тоғнинг орасига боргач, у ерда ҳеч гапга қулоқ осмайдиган бир миллатга дуч келди. Улар Зулқарнайига Яъжуж ва Маъжуж ҳужумидан ҳимояланиш учун тўсиқ қуриб беришни сўрайдилар. Уларнинг таклифларини қабул қилган Искандар икки тоғнинг орасида гемир парчаларини жойлаштириб, уни оловда эритгандан кейин унинг устига эриган мисни тўқади. Шу тарзда у ясагитрган тўсиқдан Яъжуж ва Маъжуж қавми ўта олмайди.

тўсиқ йиқилмаганида бу ўлка ташвиш юзини кўрмайжак, ҳеч кимса уларнингҳаловатини буза олмаяжак эди. Мен бугун исломиятнинг тушган аҳволига ачинаман” деб жавоб берди. *Шеър:*

[Ойнада ҳамма нарсани ёш кўрган кимса қариликни қабрда кўради]

Қисқаси, Султон мақсадга етиша олмайқайтишига қарамасдан Ўтрор ҳокими ҳар доимгидек куч-қувватига ишониб, Султонни табрикламади. Султон уни қайсарлигидан қайтариш учун бир неча марта элчилар юборган бўлишига қарамасдан, у бошини итоат тасмасига тиқишга рози бўлмади. Бошидан ғурур ва кибр иллатини чиқариб ташламади. Мана шундай тарзда насихатлар билан таҳликали тузоклардан чиқишни истамай хитойликлар билан келишиб, тўғри йўлдан адашаётган эди. Бу мавзуда улуг Аллоҳ шундай буюради: “Одамларга ҳидоят келганда имон келтиришларидан ва Парвардигордан мағфират сўрашларидан тўсган нарса – бу фақат уларга ўтганларнинг йўли (халокати) келиши ёки очиқ азоб келишини (кутишлари)дир”<sup>126</sup>.

Султон мана шу тарзда бўйин эгмаслик борасида оёқ тираб туриб олгани сабабли уни йўқ қилиш учун йўлга чикди. Ўтрорнинг энг кўзга кўринган одамлари кутурган бир сел каби илгарилаётган Султоннинг кўп кишилиқ қўшинини кўрган вақтда уларни жанг билан даф қила олмаслигини тушуниб, биргалиқда Маликнинг ёнига кирдилар ва унга “Узоқни кўра олмаслиги туфайли бизни енгиш имконсиз бўлган бир оч шернинг олдига ташладинг. Ҳеч бир чоратадбир кўрмасдан бизни зўрлаб тимсоҳнинг оғзига отдинг. Энди эътиборсизликни ташлаб, бу ишни яхшилик билан ҳал қил” дедилар. Қалхатнингганжасидан кураш орқали кутула олмаганидек, ўзининг ҳам Султонга қарши туриши орқали ҳеч нарсага эриша олмагач, қутилишнинг ягона йўли бўйин эгишда эканлигини тушунди. Ўтрор ҳукмдори руҳий изтироб ичида қўлида қилич ва бир парча (кафанлик) билан ташқарига чиқиб, Султон турган жойга келди. Султон бунчалиқ қилган ёмонликларига қарамасдан уни афв этди. Ўтрор халқининг қони тўкилмаслиги учун ҳукмдорнингмоли, хотин-болалари ва одамлари билан бирга Ўтрордан Насога кўчиришни шарт қилиб қўйди.

Ўтрорнинг ишини мана шу тарзда йўлга қўйган Султон Самарқанд томонга қайтди. У ерга боргач, султон Усмон салтанат

<sup>126</sup> Қуръони карим, 18:55.

оиласининг садафидан бир гавҳар, осмон юлдузларидан бир тўлин ойни никоҳлаш учун Султонга ялиниб ёлворди. Султон ҳам бу истакка жавобан қизини бериб, уни шарафлантирди. Яна кейинроқ баҳс қилажасимиз каби Туркон хотин қариндошларидан амир Тўрт Абони шихна қилиб тайинлаганидан кейин чап томонида хабарчилари, олди-орқасида мўл-қўлчилик ва бахтиёрлик элчилари бўлгани холда Хоразм сари йўл олди. *Шеър:*

[Куёшнинг сиртига ёпинчиқ ўралган. Узанги ўлароқ ойнинг кулоғига ҳалқали кубба илинган. Ойнинг устида турган бир булут парчаси каби шоҳнинг устида ҳам Каъбанинг байроги бор эди. Бир кулганда ёмонликларни тарқатиб юборарди]

Султон Хоразмга боргач, вақтичоғлик мажлиси ташкил қилинди. Унинг буйруғига биноан Таянғуни ўлдириб, дарёга ташладилар. Бу фатҳдан кейин Султондан кўркиш яна бир қарра ортди. Атрофдаги ҳукмдорлар унга элчи ва ҳадялар жўнатдилар. Муборак муҳрига “Аллоҳнинг ер юзидаги сояси” деб ёздилар. У ҳақидаги куйидаги шеър бош котиб, Фаҳриддин Низомиддин Фарид Жомийга оиддир. *Шеър:*

[Эй шоҳлар шоҳи, жаҳон ҳокими фалак сенинг ҳимматингдан ёрдам истайди. Сенинг ҳимматинг кўзингга дунёнинг бир заррасидан ҳам кичик кўринади. Даврингда ҳамма фарз ва суннатни амалга татбиқ қилиб, покиза бир малак ҳолига келди. Энди бутун инсонлар Султон Аллоҳнинг ер юзидаги сояси деган кўшиқни куйлаётдилар]

## VIII. СУЛТОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ГЎРХОНГА ҚАРШИ ЖАНГИ

Султон Хоразмда бўлмагани пайтда Қодирхоннинг соғ қолган одамларидан бир қисми Жанд ўлкасида исён байроғини кўтарган эди. Шу сабабдан Султон Хоразмда кўп қололмади. Исёнчиларнинг ярасини даволаш учун тўппа-тўғри жангга ҳаракат қилди. Усмон янги уйлангани учун бу сафарда Султонга кўшилмай Хоразмда қолди.

Султон Жандга бориб исёнчиларни таг-томири билан йўқотган бир пайтда Хитой кўшини Самарқандга келиб, шаҳарни қамал қилгани ҳақида хабар келди. Султон ўша заҳотиёк тўппа-тўғри

Самарқандга йўл олиб, мамлакатнинг ҳамма томонига элчилар юбориб, аскарларни хизматга чақирди. Бошқа мамлакатлардан ҳам пуллик ёлланма аскарлар сўради. Ўша пайтда Самарқанд яқинида бўлган жангда кўп лашкаридан маҳрум бўлган қорахитой кўшини кўмондони ислом кўшинидан енгилгани, Султоннинг яқинлашиб келаётгани ва бошқа томондан Кучлукхон унинг мамлакатини истило қилганини билгач, бу урушдан қўлини тортиб, бир нарса чиқмаслигини англаб, тинчлик сулҳини тузиб орқага чекинди.

Султон Самарқандга боргач, ҳамма томондан чақиртирган аскарлари бир ерда тўпланди. Ўша пайтда Султон Муслмон бўлса ҳам ахлоқан ёмон ва исён кўтаришга мойиллиги бўлган, Султонга бўйин эгмай, унинг чақурувларига ўз қалъаси мустақамлигига ишониб, рад жавобини берган, шайтон бошига салтанаторзусини тиклаб қўйган Иғнок<sup>127</sup> волийси устига юриш қилди. Қутирган денгиз долғаларига ўхшаган Султон аскарлари Иғноққа боргунча қисқа бир муддат ичида Иғнок волийсини қалъадан чиқишга мажбур қилиб, уни занжирлаб, Султоннинг хузурига олиб келдилар.

Кучлук қорахитойларни енггани хабари Султоннинг маънавий қувватини янада ошириб юборди. Ўша пайтда Кучлук элчилари келиб, Гўрхонни ўртадан олиб ташлаш ҳақида Султон билан келишиб олдилар. Бу келишувнинг шартларига кўра, агар Гўрхонни Султон ўртадан олиб ташласа, Хўтан ва Қошғар Султонники бўлади, агарда бу ишни Кучлук бажарса, Банокат ирмоғигача бўлган ерлар унга берилади. Шундан сўнгра қорахитой<sup>128</sup> бўлимида атрофлича баҳс қилмоқчи бўлганимиз каби Кучлук аввал қорахитойликларни енгган бўлса ҳам кейинчалик эса уларга мағлуб бўлди. Шу сабабли шартномани амалга ошириш учун Султон қорахитой сафарига чиқди. Унинг келаётганлигидан хабар топган қорахитой хони Гўрхон тайёргарлик кўра бошлади.

Икки кўшин бир-бирига яқинлашгач, Кабуд Жома<sup>129</sup> кўшини кўмондони Исфажбуд билан Самарқанд баскоқи<sup>130</sup> Тўрт Або Гўрхонга Султонни тарк этиб, унинг томонига ўтиб, Султонни

<sup>127</sup> Ёки Йиғнок. Ёқутга кўра, Туркистонда Банокентга тобе бўлган бир қасабадир. Лекин Бартольд (ўша асар. Б.133) у ернинг Самарқанд яқинидаги Югнак экани ҳақидаги фикрини ҳимоя қилади.

<sup>128</sup> 1 жилд, Б.48

<sup>129</sup> Бугунги ҳожилар. Гургон (Астробол)нинг шаркида жойлашган. Қаранг: Rabino, Mozandaran and Astrabad, s.84.

<sup>130</sup> Басқоқ – ҳарбий ҳоким (комендант).

енган такдирда Хуросонни Исфаҳбудга, Хоразмни эса Тўрт Абога беришни таклиф қилди. Ғўрхон уларнинг бу таклифини мамнуният билан қабул қилди. Кейин яна икки қўшин юзма-юз келгач, Хитой қўшини чап қаноти Султон қўшинининг ўнг қанотига ҳужум қилди. Келишувларга кўра, Тўрт Або билан Исфаҳбуд ҳам Султон қўшинининг марказини бўш қолдириб душман тарафга ўтиб кетдилар. Султон қўшинининг чап қаноти, қарши томоннинг эса ўнг қаноти бузғунга учраши сабабли икки қўшиннинг маркази бир-бирига аралашиб кетди. Икки томон ҳам енгилган-енгилмаганини билмасдан молларни олиб, қоча бошлашди. Султоннинг жанг пайтида ҳар доим душман томоннинг либосини кийиб олиш одати бор эди. Бу тарзда яқин одамлари билан бирга қарши томон аскарларига аралашиб, танилмасдан қолди. Бир фурсатни топиб, отига миниб ўзини Банокат соҳилига етказишга муваффақ бўлди. У ердаги аскарлар уни кўргач, жасоратландилар. Султон ўртадан ғойиб бўлган пайтда ҳар ким бир нарсани гапира бошлаган эди. Баъзилар унинг хитойликлар қўлида тутқунликда эканини, баъзилар эса ўлдирилганини айтаётгандилар. Унинг пайдо бўлгани ҳақида ҳамма томонга хушхабар юбордилар. У ердан Хоразмга келган жаҳон подшоҳи янгидан жанг тайёргарлигини кўра бошлади.

## IX. ФЕРУЗКҶҲ ВА ҒАЗНАНИНГ ФАТҲИ

Султон Ҳиротни фатҳ қилган пайтда Ферузкўҳни Султон Маҳмудга<sup>131</sup> қолдириб, у ерга ҳужум қилмади. Султон Маҳмуд ҳам унинг номига танга зарб қилдириб, хутба ўқитди. Султон жангларидан бирида унинг йўқлигини ғанимат билиб, тахтига кўз тиккан укаси Тожиддин Алишоҳ Султон Маҳмуднинг ёнига кетди. Султон Маҳмуд унга ҳаммадан кўра кўпроқ эътибор кўрсатиб, кийматли ҳадялар берди. Тожиддин Алишоҳнинг одамлари бир кун кейин туш пайтида дарё томонидан Султон Маҳмуднинг ҳарамига кирдилар ва Султон Маҳмуднинг (ўлдириб) тахтига ўтирдилар. Ўша ер халқининг кўпчилиги мулкига кўз тиккани учун унинг ҳақиқий котилини била олмади. Гапнинг қисқаси, унинг ўлим тарихи ҳисобланган 609/1212-13 йилда Ғур султони Султон Маҳмуд салтанати асосини мустаҳкамлайдиган, мамлакат душманларидан ҳимоя

<sup>131</sup> Шихобиддин Муҳаммад Ғурийнинг ўғли.

қиладиган бирор фарзанди бўлмагани учун Ферузкўҳ билан келишиб, уни салтанат тахтига ўтказди. Шу сабабли Тожиддин Султоннинг иззатини жойига қўйиб, элчи юборди ва ўзини Султон деб тан олишлигини сўради. Султон ҳам унинг султонлигини тан олганини билдириш учун унга тўн, совға-саломлар, ёрлик ва баротбилан Муҳаммад Баширни элчи қилиб юборди. Башир у ерга бориб табрик маросими тугагандан кейин тўнни кийиш учун ечиниш хонасига кирган Алишоҳнинг оркасидан либосларни олиб келаётганида унинг бўйинини қилич билан чоғди. Мана шу тарзда хушхабар нохуш хабарга, қутлов тантанаси эса мотамга айланди. Лекин ҳеч ким воқеа рўй берган жойга бормади. Султоннинг у ердаги давлат катталарига юборган ёзма фармони ўқилди. Шундай қилиб, Ферузкўҳ, Ғур ва ўша атрофдаги ўлкалар Султон қўл остига ўтди. Ферузкўҳ воқеасидан кейин 611/1214-15 йилда Тожиддин Элтузунинг Ғазнада ўлгани, унинг ўрнига ўтирадиган ҳеч бир вориси йўқлиги сабабли маъмурларидан бирининг тахтга чиққани ҳақида хабар келди. Шунинг учун Султон қатъий қарор қилиб, ўша ўлкага қараб ҳаракат қилди ва у ерни ҳам ўз ерлари ҳисобига қўшиб олди.

Султон Ғазнага бориб ҳазинани очдиргач, у ерда халифанинг ғурикларни ўзига ҳужум қилишга ташвиқ этган ва ўзи ҳақида ёмон сўзларни айтган Султон Шаҳобиддинга юборган фармонларини кўрди. Шу сабабдан Султоннинг Бағдод бошқарувига қарши ғзаби ортди ва ғурикларнинг ўзига ҳужум қилиши сабабини билгач, Ғур султонларининг Ҳиндистон томондаги ерларини ҳам ўз мамлакатига қўшиб олиб, Самарқандга қайтди. Сўз бошида англлатганимиздек, ҳеч кимсага билдирмасдан Шарк мамлакатларини ҳам фатҳ қилиш режаларини тузди.

Мана шу тарзда Ҳирот, Ғур, Гуржистон, Ҳиндистон чегараларига Сижистон ўлкалари ҳам қўшиб олингач, Султоннинг мамлакати ҳеч ким фатҳқила олмайдиган буюк бир мамлакат бўлди. Ферузкўҳ ва Ғазна ўлкаси аввал Сабуктегин ўғли Султон Маҳмуднинг мамлакати ичида эди. Султон Маҳмуднинг ўлиmidан кейин ўша шаҳарлар Ғур султонлари истилосига қадар унинг сулоласи томонидан идора қилинди. Охирида у ерни қўлга киритган Султон унинг бошқарувини Султон Жалолоддинга топширди.



## Х. ҚОРАХИТОЙ ХОНЛАРИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА ЧИҚИШИ ВА ТАНАЗУЛИ

Қорахитой хонлари аслида хитойлик бўлиб, у ўлканинг эътиборли ва таниқли қабилаларидан эди. Баъзи муҳим сабаблар туфайли ўз мамлакатларини тарк этишга мажбур бўлганди. Йўлчилик тахликаси ва кийинчиликларига қарши туриб, кўксини қалқон қилдилар. Уларнинг бошликларига хонларнинг хони маъносини билдирган “Гўрхон” дейдилар. Бир ривоятга кўра эса, у ердан кетганларида жуда кўп сонли эдилар. Хитойдан чиқиб, Қирғиз ўлкасига борган вақтда у ерда яшаган қабилалар билан жангга киришдилар. У ердан Омилга юриб, бугун фақат изларигина қолган бир шаҳар курдирди. Атрофида яшаётган турклар ва бошқа қавмлар унинг атрофидаги ерларни олгунга қадар уларнинг сони қирк мингга етди. У ерда яшай олмагач, бугун мўғуллар Тузбалик деб аташаётган Боласоғунга бордилар. Айтишларича, Боласоғун бошқарувчиси Афросиёбнинг наслидан бўлиб, бугун куч-қувватдан қолган киши эди. Ўша ўлкада яшаган қорлуқ ва қангли турклари унга итоат қилмасдилар, онда-сонда молларига ҳужум қилиб, ҳайвонларини худди бўридек олиб қочардилар. Боласоғун бошқарувчиси уларнинг бундай ҳаракатларига тўсқинлик қила олмас эди. Гўрхоннинг куч-қуввати ва одамларининг ҳали кўп эканлигини билгач, унга элчи юбориб, қорлуқ ва қангли туркларининг қўлида ожиз қолгани, уни бу балодан ҳалос этса, ўз қўллари билан ўлкасини унга топшира-жагини айтди ва ўлкасига келишини ундан ялиниб сўради. Шу сабабли Боласоғунга келган Гўрхон ҳеч заҳмат чекмасдан ўлканинг хўжайини бўлиб олди. Афросиёбнинг авлодидан бўлган хон унво-нини олиб, унга Илиг Туркман<sup>132</sup> номини қўйди. Кам Қамчик<sup>133</sup>, Борикон<sup>134</sup> билан Тароздан Ягинчига<sup>135</sup> қадар чўзилган атроф ўлкаларга шихналартайин қилди. Бир муддат ўтиб, халқи фароғатга эришиб, аскарый жиҳатдан кучайгач, қанглиларни бўйин эгдирди. Кошғар ва Хўтан ўлкаларигааскарлар юбориб, у ерларни ўз мамлакатига қўшиб олди. Кейинчалик ўзига нисбатан душманлик қил-

<sup>132</sup> Туркларда Илиг мавзусига қаранг: Maqquart, über das Volkstum der Komänen, s.164.

<sup>133</sup> Йенисой (Енисей) қиргоғидаги бир ўлка.

<sup>134</sup> Исикқўл жанубидаги бугунги Қорақўл яқинида жойлашган. Қаранг, Минорский, Худуд. Б.292.

<sup>135</sup> Кошғарийга кўра (III жилд. Б.375)Или яқинидаги бир шаҳар ва айни пайтда бир дарёга берилган ном.

ганлар ўчини олиш учун Қирғиз ўлкасига аскар юбориб, Бешбалиқни олди. У ердан Фарғона ва Мовороуннахрга юриш қилиб, у ерларни ҳам ўз ўлкасига қўшиб олди. Бугунги Султон Усмоннинг бо-болари бўлган Мовароуннахр султонларини итоати остига олди. Бу фатҳдан кейин яқинлари ва мол-мулки ортди. Қўшин қўмондони Эрбурзни Хоразмга юбориб, у ернинг аҳолисини талон-тарож қилдирди. Шу сабабли Отсиз Хоразмшоҳ элчи юбориб, унга итоат қилишини ва ҳар йили унга мол ва ўттиз минг динор солиқ тўлашини маълум қилди. Унинг таклифини қабул қилган Эрбурз тинчлик сулҳини тузиб, ўлкасига қайтиб кетди. Унинг қайтиб кетганидан бир оз муддат сўнгра Гўрхон вафот этди. Хотини Куёнгунинг ўрнига ўтириб мамлакатни бошқара бошлади. Қўшин унга итоат қилди. Лекин кўп ўтмасданок нафси ҳавасига алданиб, бир эркак билан алоқада бўлгани ошқор бўлгач, уни ўлдирдилар. Унинг ўрнига Гўрхоннинг ҳаёт бўлган икки укалариданбирини хонликка сайлаб, тахтга ўтирғиздилар. Бошқа укаси ҳам хон бўлишни талаб қилиб туриб олгач, уни ўлдирдилар. Тахтга ўтирган укаси қисқа бир муддат ичида ҳамма билан келишиб, ўз ўрнини мустаҳкам-лади, атрофга шихналар жўнатди.

Салтанат навбати Отсиз Хоразмшоҳнинг ўғли Такишга келгач, Такиш ҳам отаси келишувига риоя қилиб, қорахитойларга солиқ тўлади ва улар билан мураса қилиб яшашга ҳаракат қилди. Чунки Султон Отсиз ўлим тўшагида ўғилларига катта душман селини тўхтатадиган бир баланд тўғон вазифасини бажаргани учун Гўрхон билан урушмасдан яхши яшаши, улар билан жанжалга бормасликни насиҳат қилган эди.

Салтанат навбати Султон Муҳаммадга келгач, у ҳам келишилган солиқни тўлади ва улар билан бўлган дўстликни янада орттирди. Ўша пайтда Ғур султони Шаҳобиддин Султон Муҳаммадга ҳужум қилгач, Гўрхон Султон Муҳаммадга ёрдам бериш учун ўн минг кишилик қўшинюборди. Икки қўшин Андхуд дарвозасида тўқнашди. Ғур қўшини таназзули сабабли Султон Муҳаммад ўзини ҳатто юлдузлар ҳокими ҳисоблаб, ҳаммага тепадан қарай бошлади. Гўрхонга солиқ тўлаб юришни ўзига эп кўрмади. Ўша урушдан кейин яна икки-уч йил солиқни хушламасдан тўлади. Ниҳоят, Гўрхон бош вазири Маҳмуд Тойни<sup>136</sup> солиқ тўлаш учун Хоразмга жўнатди. Гўрхоннинг оғир ботадиған сўзлари ёзилган мактубни

<sup>136</sup> Той – тоға маъносини билдиради.

ўзи билан олиб келган пайтда Султон Қипчоқ сафари тайёргарлигини кўраётган эди. Гўрхоннинг мактубини олгач, ичида унга солиқ тўламай, унинг мактубига қаттиқ жавоб бериш нияти ўтирса ҳам икки томондан уруш очмаслик учун Махмуд Тойни онаси Туркон хотунга ҳавола қилиб, ўзи сафарга чиқди.

Туркон хотуннинг амрига кўра, Гўрхоннинг элчиларига ҳурмат кўрсатдилар. Уларга жуда яхши муносабатда бўлган Туркон хотун ҳар йили гуланадиган солиқни тўлаб, саройнинг кўзга кўринганларидан бир қисмини Махмуд Той билан бирга Гўрхонга юборди. Гўрхоннинг йиллик солигини юбориб, кечиккани учун узр сўраб, унга тобелигидавом этишини истади. Махмуд Той Гўрхонга Султоннинг ғурурли, кибрли муомала қилгани, ўз мақомини Гўрхонниқидан устун деб ҳисоблаганини, ўзидан бошқа ҳаммани паст кўргани, ҳеч кимга тавозе кўрсатмаслиги, балки ҳатто шамолга ҳам ҳукм қиламан, деб ҳисоблашини айтди. *Шеър* (арабча):

[Жангда наъра тортган бир шерман. Қалқон муҳофизим, қилич байроғим, замон қулим, жўмардлик асирим, ер юзи уйим ва инсон ўгли меҳмонимдир]

Махмуд Той Султон Муҳаммадни шундай шаклда Гўрхонга тушунтиргандан кейин Султон самимий эмаслиги, бундан кейин солиқни тўламайди деб ўйлаб, гапларини кесиб тургани сабабли Гўрхон ҳам Султон элчиларига ортиқча эътибор қилмади.

Султон Қипчоқ жангидан мақсадига етган ҳолда Хоразмга қайтгач, Мовароуннаҳр шаҳарларини фатҳ қилишга бошлади. Бухорога аскар юборди. Яширин тарзда атрофга элчилар юбориб, бошқарувчилардан ёрдам сўради. Булар орасида Султон Усмоннинг қўллаб-қувватлашига кўп аҳамият берди. Султоннинг ёрдам сўрагани Гўрхон салтанатинингмуддати узок давом этгани ва унинг тазйиқларидан қийналиб кетиб, Султон таклифини мамнуният билан кутиб олиб, бажонидил ижобий жавоб бергани сабабли Султон Гўрхонга ҳужум қилишни келаси йилга қолдириб, Бухородан Хоразмга қайтди.

Ўша пайтга Гўрхон амирлари шарқий ўлкалардабош кўтара бошладилар. Унинг амрида бўлган Кўчлук кўп вақтлардирки, ҳаёлидан ўтказиб юрган уни йиқитиш фикрини амалга ошириш учун қулай шароит пайдо бўлганини тушунди. Тарқоқ бўлган аскарларини тўшлаб ёрдам беришни таклиф қилгач, давлати тебраниб турган Гўрхон унинг таклифини қабул қилиб, хийла ва ёлғон билан

қурган тузоғига илинди. Гўрхон унга тўн ва ҳадялар билан бирга “Кўчлукхон” унвонини берди. Кўчлук шу тарзда Гўрхоннинг саройидан чиқиб қайтгач, Гўрхон пушаймон бўлди. У “пушаймонликнинг фойдаси бўлмаган пайтда пушаймон бўлади”.

Шу сабабдан Гўрхон мамлакатигаги амир ва бошқарувчиларни чақираркан, Султон Усмонни ҳам чақиртирди. Аввал истагига кўра кизини бермаган Гўрхондан ҳафа бўлган Султон Усмон бу давлатга рози бўлмай Султон Муҳаммадга элчи юбориб, ундан ёрдам сўради. Самарқандда номини хутбага кўшиб ўқитди.

Ўзига нисбатан душманларча ҳаракат қилгани учун Гўрхон унинг устига ўттиз минг кишилиқ кўшин юборди. Гўрхон кўшини Самарқандни қайтадан қўлга олди, лекин у ерни ўз мулки деб ҳисоблаган Гўрхоннинг амрига кўра, у ерда вайронлик ишларини амалга оширмади. Ўша пайтда бу ердан жасорат олган Кучлук Гўрхоннинг ерларига ҳужум билан уни безовта қилгач, Гўрхон кўшинини Самарқанддан орқага чақириб олиб, унинг устига жўнатди. Бу орада Кучлук чиқарган тартибсизликларва Гўрхон уни йўқотиш учун кўшинини юборганини билган Султон фурсатни ғанимат билиб, тўппа-тўғри Самарқандга йўлга чиқди. Самарқанд султони уни қарши олиб, шаҳарни унга таслим қилди. Яна (ўзаро келишиб олиб) Гўрхоннинг устига юриш қилдилар. Султон Тарозга боргач, Таянгу катта бир кўшин билан ўша ерда кутиб турганини кўрди. Ҳар иккала кўшин ҳам бир-бирига жавобан ҳужумга ўтди. Ўнг қанот чап қанотни жойидан силжитди. Шу сабабли ҳар икки кўшин ҳам орқага чекина бошлади. Ўша ораликда Таянгу Султон аскарлари томонидан асир олинди. Қорахитой кўшини орқага чекинар экан, ўз шаҳар ва қишлоқларини ёқиб талон-тарож қила бошладилар. Боласоғунга борган пайтда у ернинг халқи Султонга ишониб, қалъа дарвозаларини беркитиб, қорахитой кўшинини ичкарига киритмагани учун шаҳархалқи билан қорахитой кўшини оғир жангга киришди. Султонга ишониб, ўн олти кун жанг қилган шаҳар халқига Гўрхон ва Махмуд Тойнинг амирлари юборган элчилари ва уларнинг насихатлари фойда қилмагач, хитойликлар атрофдаги тарқоқаскарларни ҳам тўплаб, Султон кўшинидан қўлга туширилган филларни қалъа дарвозалари томон ҳайдадилар. Филлар дарвозаларни йиқитгач, Хитой аскарлари ҳамма томондан ҳужумга ўтиб, қиличларини ишга солиб, уч кеча-уч кундуз одам ўлдириш билан машғул бўлдилар. У ерда хотирлашга лойиқ бўлган машҳур кишилар билан бирга ўлдирилганлар сони қирқ етти мингча эди ва

шаҳарда ҳеч бир жонзотни соғ қолдирмадилар. Ўша пайтда бир қисми таланган, бир қисми маъмурларга солиқ тўловига кетган Гўрхоннинг ҳазинаси деярли бўшаб қолди. Шу сабабли Маҳмуд Той Қорун бойлигидан камбўлмаган ҳазинаси қўлдан кетиши мумкинлигини ўйлаб, ҳазинани қайтадан тўлдириш учун бошда Кучлукдан қайтариб олган амир ва аскарларнинг талон-тарожда қўлга киритганиларни ҳам олиб, ҳазинага қўйишни ташкил қилди. Гўрхон ҳам қабул қилган бу фикрни амалга ошириш масаласи қўйилган пайтда амирлар бунга рози бўлмасдан ҳамма жойда исён кўтариш ҳаракатини бошладилар. Шу сабабли Гўрхон қўшини тарқалиб кетганини шаҳар ва қишлоқларнинг қаттиқ тазйиқ остида тутиб турилганидан мамнун бўлмаган аскарлар кўпчилиги Гўрхонни тарк қилганини кўрган Кучлук фурсатни ғанимат билиб, булутдан чакнаган яшиндек Гўрхоннинг устига юриш қилди ва унга кўккисдан ҳужум уюштирди. Бу борада улуғ Аллоҳ шундай буюради: “(Эй Муҳаммад!) Биз кофирларга уларни гуноҳ ишларига кўзгатадиган шайтонларни юборганимизни кўрдингизми?”<sup>137</sup> Аскарларнинг ҳаммаси деярли ёнидан кетиб қолган Гўрхон Кучлукка қарши ниҳоятда ҳурмат кўрсатиб, унинг амрига киришга мажбур бўлди. Зухро ва Кутб юлдузларининг порлоқлиги каби амирлардан бирининг қизи бўлган хотинини<sup>138</sup> Кучлук зўрлаб қўлидан олди. Гўрхон ҳам ўша воқеадан икки йилдан кейин ҳаётдан кўз юмди. Мана шундай қилиб, уч юз тўксон беш йил бахтиёрлик ичида ҳукм сурган ва муҳим бир фалокат билан учрашмаган Гўрхон хонадонининг давлат шамоли эсишдан тўхтади. Аввал ўз амри остида ишлаган бир амирнинг қули бўлди. Қабр Гўрхоннинг ватани бўлгач, унинг қавми бошсиз қолиб тарқалди. *Шеър*:

[Вақти келгач, салтанат ҳам ўртадан йўқ бўлди ва уларнинг сарф қилган меҳнатлари ҳам бекор кетди. Келган ҳам азобда, кетган ҳам. Бундай вазиятда фақирлик бой-бадавлатликдан афзал кўрилади. Бу борада улуғ Аллоҳ шундай буюради: ”Бу фиръавн одамлари ва улардан олдинги кимсаларнинг филмиошларига ўхшайди, (улар) Парвардигорининг оятларини ёлғонга чиқаришгач, (шу) гуноҳи сабабли уларни ҳалок этдик ва фиръавн зодагонларини (денгизга) фарқ қилдик. Ҳаммаси зolim кимсалар эдилар”]<sup>139</sup>

<sup>137</sup> Қуръони карим, 19:83.

<sup>138</sup> Кучлук томонидан 1211 йилда тахтидан туширилган Гўрхон 1213 йилда вафот этди.

<sup>139</sup> Қуръони карим. 8:54.

## XI. СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ КЕЙИНГИ ҲАЁТИ ВА ТАНАЗЗУЛИ

Давлати ва бахтининг бузилиши, мусибат чизигига тўғри йўналган, ёмонлик келтирувчи масофага кирган бир кимса, зиёли боши, тўғри йўлни топиш қобилияти ва катта тажрибага эга бўлса ҳам ўйлаган нарсаларини амалга ошириш учун ҳаракат қилган ҳамма иш унга қийин бўлаверади, кутган ҳар нарсаси хато ва тартибсиз чиқаверади. Ҳатто шу даражадаки, омад келтирадиган юлдузлар ҳам унга омадсиз бўлиб таъсир этади. Воқеаларнинг зулмат денгизда сузишини билган ўй-фикрнинг нури, ҳайрат ва шошилишч пардасининг қоронғулигида йўқ бўлади. Истагига, ўз орзусига етиша олмайдди. Мана шундай тарзда тўғри йўл унга бекилади, мақсади амалга ошмайди. Ғафлат пардаси қалби ва аклининг кўзини беркитади. Ҳамма нарса унинг зарарига ишлайди.

Бу борада улуғ Аллоҳ шундай буюради: “Аниқки, Аллоҳ бирор қавм ўзларини (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (яхши ҳолатга) ўзгартирмас. Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни раво кўрса, бас, уни қайтариб бўлмас ва улар учун Ундан ўзга ҳоким йўқдир”<sup>140</sup>. *Шеър* (арабча):

[Агар Аллоҳ акли жойида бўлган бир кимсага бирор нарса қилишни истаса, у ҳам ўша ишга тўсқинлик қилишга ҳаракат қилса, Аллоҳ уни жоҳил ва кўр қилади ҳамда уни ёмонликлар ичига отиб юборади. Агар у бошидаги хато фикрни ўзгартирса, Аллоҳ сабоқ олиши учун унга аклини қайтариб беради]<sup>141</sup>

У ҳолда шафқатли ва самимий дўст, агар юқоридаги айтганларимнинг тўғрилигига шубҳанг бор бўлса, ўтган одамлар ҳамда бу мавзуда эшитган ва ўқиган ҳикояларни рост деб ҳисобламасанг, “Агар менга ишонмасанг, мана шуни кўлингга ол” дейилганидек, тушунтирмоқчи бўлганларимга ҳақиқат кўзи билан қара. Ақл қулоғи билан уларни тингла. Ичида лаззатли нарсалар тўла бўлган бу қозондан ўз насибангни ол. Бу насиҳатнинг мушк ҳидини ҳидла. Юқорида айтганларим ростлигини бахтиёр Султон Муҳаммад (Аллоҳ далилини ойдинлатсин ва унга жаннатидан жой берсин) бошига тушганлар исботланмоқдадир. Қадимдан бу қабиҳ ва виж-

<sup>140</sup> Қуръони карим, 13:11.

<sup>141</sup> Нишопур волийси, ҳаким Абу Жафар Муҳаммад б. Абдуллоҳ б. Исмоил ал-Миконийнинг шеъри бўлиб, Саолибийнинг “Йатимат ад-дахр” асарида зикр қилинган.

донсиз фалак номард ва иккиюзламачи дунё, ёмонлик келтирувчи даврон, унинг фармони ва орзуларига кўра ҳаракат қилмоқда эдилар. Ортиқча куч сарфламасдан толеининг ёрдами дуолар билан бирлашади, ҳаёлидан ўтган нарсаларни амалга оширади. Бахти очик бўлган пайтларда орзу йўналиши тўғри ҳаракат қилиб, душманларининг қалбларига кўркўв ва қайғу соларди. Ўша пайтда аскарлари ва қўмондонларининг ҳам бахти очик эди ва улар ҳам Аллохнинг ҳимояси остида эдилар. Кўкси ва ўнг томони фаришталар қўллаб-қувватлашини, чап томони эса тақдирнинг ёрдамини кўрарди. Тақдирнинг яхшилигини ўзига соябон қилган, зафар байроғини юксакка кўтарган, Ҳақнинг ёрдами, муваффақият қалами билан тақдир қийинчилик саҳифасидан ўчирган, ернинг устига “Ёрдам Аллохдан бўлса зафар яқин бўлади” деб ёзган эди. *Шеър:*

[Роҳат-фароғат ва мўл-кўлчилик жанубида, зафар шимолида фалак узангиси, замон эса амри ва жилов остида]

Бахти йўқ бўлиб, бахтсизлик шамоли иқбол оловини ўчиргач, бахтлилик дарёси бахтсизлик тупроғининг остига кирди. Фикр ва тадбирлари ҳақиқатдан узоклашди.

Қатъий қарор қилиш хонасидан узоклашиб ачинарли ҳолга тушди. Ишларининг ёмон томонга кетганлиги аломатларидан бири шу эди ...<sup>142</sup> йилда Султоннинг йўли Доруссаломга (Аллох доимо у ерни гуллаб-яшнатсин) тушди. Ўша пайтда халифалик либосини ихтилофли Носирдинуллох<sup>143</sup> (1180-1225) кийиб юрганди. У билан ихтилофли бўлишининг сабабларидан бири шу эди: Жалолиддин Ҳасан<sup>144</sup> исломни қабул қилгач, ҳажга бир қарвон жўнатган эди. Бу қарвон Бағдодга боргач, Халифа унинг қарвонига Султоннинг қарвонига қараганда кўпроқ эътибор қилибди, уларга байроқ бергани ҳолда Султоннинг қарвонидагиларга совуқ муносабатда бўлган. Ораларидаги муносабат ихтилофли бўлишининг бошқа бир сабаби шу эди. Бу ҳодисадан жуда кўнгли қолган, Султон мамлакатининг имомларидан аббосийларнинг халифаликда ҳақлари йўқ экани, халифаликнинг ҳақиқий эгалари Ҳусайн наслдан бўлган саййидлар бўлиб, кучи етадиган бирор кишининг бу адолатсизликни тузатиши кераклиги ҳақида фатво чиқартирди. Бундан бошқа аббосий

<sup>142</sup> 614/1217-1218.

<sup>143</sup> 1180-1225.

<sup>144</sup> Оламутининг Исмоилий подшоҳи Ҳасан III ҳақида қаранг: (Hadgson, The Order of Assassins, s.217)

халифаларининг Аллох йўлида юриш ва ғазоларда бўлиш борасида хоҳишсиз хатти-ҳаракатлар қилгани, чегараларини ҳимоя қилишга ожиз эканлиги хидоятдан адашганларни тағ-томири билан йўқотмагани, энг аввало, мавзу бўлган кофирларни динга даъват қилиш учун жидду жаҳд қилмагани, исломнинг энг кучли таянчи бўлган мавзулардан узок қолиб, уларга етарлича аҳамият бермагани каби баҳоналар билан аббосийларни айблади. Халифа қилиш учун буюк саййидлардан Алоулмулкни Термиздан олиб келтирди ва бу фикрини амалга ошириш учун йўлга чиқди.

Домғонга борган вақтда отабек Саъднинг<sup>145</sup> Ироқни фатҳ этиш мақсадида Райга яқинлашганлигидан хабардор бўлган Султон тезлигини энг юқори даражага чиқарди. Ироқлик аскарларни ҳам ёнига олган отабек Саъдга Хайли Бузур<sup>146</sup> деган жойда етиб олди. Қисқа бир муддатли жангдан кейин Ироқ аскарлари енгилди. Отабекни тутиб Султон хузурига олиб келдилар. Султон уни ўлдиришни истади. Фақат Завзан ҳукмдори илтимоси туфайлигина унинг жонини сақлаб қолди. Отабек Саъд, Истаҳр<sup>147</sup>, Ошқонован<sup>148</sup> қалъалари билан Форс ўлкаси даромадининг учдан икки қисмини Султонга беришни расмий жиҳатдан зиммасига олиб, кафили сифатида ўғли Отабек Зангийни гаровга қолдириб кетгани сабабли кейин у озод қилиб юборилди. Истаҳр қалъасига боргач, ўғли Отабек Абубақр билан учрашди. Отаси билан Султон орасида келишилган шартномадан ғазабланган отабек Абубақр дарҳол йўлга чиқиб, Султонга ҳаддини билдиришни истади. Ота-бола орасида узок давом қилган жанжалдан кейин отабек Саъд ўғлини ушлади ва шу тарзда берган сўзида турган ва келишилган шартномага итоат қилган бўлди.<sup>149</sup>

Ўша пайтда отабек Ўзбек ҳам Ироқ ўлкасининг орзусида куйиб ёнаётганди. Бу орзуни амалга ошириш учун Озарбойжондан Ҳамадонга келгач, у ерда Султоннинг аскарлари билан тўқнашди. Қисқа бир жангдан кейин енгилиб, қоча бошлади. Аскарлари унинг

<sup>145</sup> Форс салжукчилари подшоҳи (1195-1226).

<sup>146</sup> Ёкутга кўра, Рай билан Қазвин орасидаги бир қасаба.

<sup>147</sup> Истаҳр – номи билан танилган бу қалъа Пьер Сополис харобаларининг шимолида ва Истаҳр шаҳри яқинида бир тепаликнинг устида. Сосонийлар даврида қурилган ва Ислом фотиҳлари даврида аҳамиятли бир жой ҳолига келган. Қаранг: Le Strange, The Lands of the Easter hatifate, s.275.

<sup>148</sup> Бу қалъанинг бошқа номлари Шоқнован (Ибн Балхий), Шонкаван (Насавий, Naudas, s.34).

<sup>149</sup> Насавийга кўра, унинг ҳибса олинган жойи Шероз қалъасидир (Ўша асар. Б.34).



кетига тушишга ҳаракат қилаётган пайтда Султон бир йилда икки подшоҳнинг ушланишиомадсизлик келтиради, деган андиша билан уларга тўскинлик қилди. Мана шундай қилиб, жонини кутқарган Ўзбек Озарбойжонга бориб, у ерда Султоннинг номига хутба ўқитиб, танга зарб қилдирганидан кейин унга қимматбаҳо ҳадялар юборди.

Султон Ҳамадондан Бағдодга ҳаракат қилган пайтда қиш фасли эди. Дой<sup>150</sup> қўшини Султоннинг қўшинига ҳужум қилди. Ҳаводан ўқлар каби қор ёғиб қиёмат кунини кўрсатди. Қаршисида ҳеч бир зирх чидашбермайдиган шамол найзалари қора совуқнинг таъминини уларга торттирди. Аскарларнинг кўпчилиги йўқ бўлди ва тўрт оёқлилардан ҳам асар қолмади. Ўша сафардан фақат ғам-ғуссага эришдилар холос. “Осмонлар ва Ер қўшинлари (фаришталари) фақат Аллоҳникидир. Аллоҳ билувчи ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир.”<sup>151</sup> *Шеър* (арабча):

[Уларни Аллоҳнинг ғазабидан огоҳлантираман. Чунки Аллоҳ ғазабига учраганларни чиройли юзларини чиркинбир қиёфага киритади]

Бу ҳодиса Султоннинг бахти ундан узоклашганлигининг бир ишораси эди. Сўнгра тез-тез толесизлик таъсирида қолди. Хаёл сиклиги ва ноумидлик туйғулари тез-тез унга ташриф буюриб турди. *Шеър*:

[Ўз истагим билан сенга ошиқ бўлмадим. Такдир кўзимга парда туширди]

Унинг ишларига аста-секин ожизлик ва ғайратсизлик ҳоким бўлди. Муҳаммад (с.а.в.)нинг мўъжизаси ундан қўлини тортди. *Шеър*:

[Фалак толенинг қўлини устимдан тортди. Шу сабабли энди қўлим ёрнинг зулфига тегина олмади]

Шундай қилиб, Султон мажбуран Бағдод сафаридан воз кечди. Бир муддат Ироқда қолди. Аскарларини тартибга келтириб, қуроласлаҳаларини тайёрлаб бўлганидан кейин у ерда ҳукм сураётган тартибсизликларга барҳам берди.

Хоразмга қайтгач, Султонга Ўтрор амири Ғайрихон номидан тоторлардан ташкил топган бир тижорат қарвони келганини элчи орқали хабар қилди. Тужжорлар у ерга боргач, Султон ишнинг

<sup>150</sup> Эронликларнинг шамсий тақвимида кўра декабр-январ ойлари.

<sup>151</sup> Қуръони карим, 48:4.

фойда-зарарини ўйламасдан ўзидан ёрдам сўраган Мусулмонлар ўлдирилиши ва жуда кўп молларининг талон-тарож қилинилишини буюрди. *Шеър* (арабча):

[Овқат бир соатлик лаззат учундир. У абадий бўлган дўстликдан давр овқатларини афзал деб билди]

*Шеър*:

[Замон бир инсонга зулмат бўлиб кўринса, у энди ҳали қилмаган ишларни қилади]

Ғайрихон Султоннинг фармонида кўра, тўрт юз эллик Мусулмоннинг жонини олди. Бу ишни қиларкан, ўзини омонлик ва ҳузур-халоватдан ҳам маҳрум қилди. Натижаси олдиндан ўйламасдан қилинган ҳар бир ишга, барча таҳликаларга тайёр туриши керак эди. *Шеър* (арабча):

[Мард кишиларга душманлик қилишдан сақлан. Чунки ҳар қандай шароитда зарар кўрасан. Агар ҳатто билак ва елкангнинг кучларига ишонсанг ҳам улар билан жанг қилишга ҳаракат қилма. У сен тақдим қилмоқчи бўлган ўлдирувчи заҳарни ичмайди. Ҳатто унда сенинг заҳарингга қарши дори бордир]

Чингизхон савдо қарвони юборар экан, Султонга мамлакатимни мамлакатинг билан боғлаган йўللари исёнчилардан бутунлай тозалаб, аскарларим ҳимояси остига кир. Қўшничилик зарурати икки томоннинг сулҳ ичида яшаши ва бир-бирлари билан тўғри муносабатда бўлишини тақазо қилади. Фалокатлар қаршисида бир-биримизга ёрдам қилиб, таҳликаларга қарши ҳамкорлик қилайлик” деган мазмунда бир мактуб ҳам йўллаган эди.

Султон Чингизхоннинг бу гапларига қулоқ осмасдан унинг элчисини ўлдирди. Бу қилган аҳмоқона ҳаракатлари интиқом туйғулари кучайишига ва таҳликали кунлар туғилишига сабаб бўлди.

Савдогарлари ва элчиси ўлдирилгани хабари Чингизхонга етиб боргач, унинг ғазаби шу даражада оловландики, бу оловни фақат Султоннинг боши ва унинг мамлакатини фатҳ этишигина сўндира оларди. Ўша пайтда Чингизхондан қочган Ҳайманнинг ўғли Кучлук қорахитой хонини енгиб, унинг тахтига ўтирган ва Султон билан Чингизхон ўртасида тўсиқ пайдо бўлган эди. Аввал айтилганидек, Султон қўшини дастлаб Ироқдан Мовароуннаҳрга ҳаракат қиларкан, кейинроқ янада батафсилсўз юритмоқчи бўлганимиз,<sup>152</sup> Султон Рукниддинни Ироққа волий қилиб тайинлади. Хуросонга

<sup>152</sup> 24-булим.

келгач, Нишолурга кириб ўтди. Бироқўша ерда қолган вақт ичида боболари ва ўзи аввал қилмаган вақтичоғлик ва кайфусафога шўнғиди. *Шеър:*

[Шароб ич, чунки осмон яна кўп ёсумон кўражак. Кўнглингга кўра яша, чунки Сухайл юлдузи янада кўп нозик кўринишда. Кўлинга (бойлик) тушган замонда вақтичоғлик қил. Чунки замон биздайларни жуда кўп кўради]

Хонуердан чиқиб, Бухорога кетди. Ўша йили<sup>153</sup> шаъбон ойининг 8 кунидан шаввол ойининг ўнинчисигача шу ерда қолди. Баҳор мавсуми бўлгани учун дунё янги келинлардек ясанган эди, Султон ҳам ушбу байтда айтилганидек, ўзгарган фалакнинг ёмонликларидан узоқлашган эди. *Шеър:*

[Баҳор гул-чечакларини тарқатган мана шу куни мусиқа, шароб ва ёрнинг зулфи билан бандмиз]

Султон умрининг қолган қисмини орзуларига риоя қилиб, ойюзликлар билан бирга, қизил май ва маишат фурсатида дунёдан лаззат олиб, толе билан қалтис ҳазил қилиб ўтказиб ўтган эди. *Шеър:*

[Мавсум гул мавсумидир. Кўп вақтинг бўлади. Тўхтамай шароб ич. Чунки бу вайрон карвонсаройда, ўзгарувчан бу фалакнинг олдидан жуда оз вақтинг қолди. Кел, тўхтамасдан шароб ич]

У ердан Кучлукни топиш учун Самарқандга боргач, ўша ер ва теварак-атрофдаги аскарларини тўплади. У ерда қолган муддатда бошидаги кибр туфайли унинг толеи ёмон томонга ўзгариши билан кайфу сафо зиёфатларини уюштирди. Даргом<sup>154</sup> билан дўстлашиб, ғамсизлик саҳросига орзу чодирини тикди. Уднинг торларида унинг тилидан ушбу байтлар тараларди ва жон қулоғига келарди. *Шеър:*

[Эйсоқий, қалбим атрофини қон қоплади. Мажнунлик қалбимни дунёдан айирди. Шаробни сақламай бер. Чунки пардадан нима чиқажагидан ҳеч кимнинг хабари йўқ]

Шундай тарзда вақт ўтказаркан, Тўқ Тўғон мўғул қўшинидан қочиб, қанглилар ўлкаси бўлган Қорақумга қочиб борганини билгач, уни топиш учун Самарқанддан ҳаракат қилиб Бухоро йўлидан Жандга йўналди. У ерда Чингизхон амирлари қўмондонлигида катта бир қўшин борлигини билгач, Самарқандга қайтиб, у ерда қолдирган аскарларини олиб, тантана билан тақроран Жандга борди.

<sup>153</sup> 615/1218

<sup>154</sup> Самарқанднинг шароби билан машҳур бўлган қасабаси.

Бундай тарзда бир тош билан икки қўшни уришни ният қилди. Лекин “Ҳаммасини истаган борини йўкотади” ҳукмидан беҳабар эди. Мўғул қўшинини таъқиб қила бошлади. Мўғул қўшини билан Тўқ Тўғоннинг аскарлари Қўйли ва Қаймиш<sup>155</sup> номли икки дарёнинг орасида тўкнашиб, жангга кирдилар. Икки қўшин кўп сонли ўлик қолдириб, жанг майдонидан чекиндилар. Султон аскарлари у ерга боргач, жанг майдонидаги ярадорларни сўроққа тутиб, мўғул қўшини ғолиб чиққанини билиб олди. Шу сабабдан вақтни ўтказмасдан Султон уларнинг кетига тушди. Эртаси куни қуёш порлоқ ўқларини Шарқ уфқидан учуриб, зулмат кечасини узоқлаштиргач, мўғул қўшинига етиб олди. Мўғул қўшинининг энг кўзга кўринганлари “Биз бошқа бир иш учун тайёрландик, бошқа бир вазифа учун бу ердамиз. Тузоғимиздан қочирган бошқа бир овни излаямиз” деб жанг қилишни истамадилар. *Шеър:*

[Эй подшоҳ, ақлсизлик қилма. Бошингда фалокат бор экан, севинма. Бизнибу тарзда қийнама. Жонингни ҳам бизники билан бирга таҳликага қўйма]<sup>156</sup>

Мўғул аскарларининг кўзга кўринганлари гапларини давом қилдириб: “Агар Султон биз билан жанг қилишга ҳаракат қилса, иложсиз ҳолда биз ҳам унга қарши худди шундай жавоб берамиз. Агар урушдан узоқ турса, ўзига нисбатан катта яхшилик қилган ва ўзини бало оловига ташламаган бўлади. Ундай қилмаса, сўнгида пушаймонлик келтирадиган фалокатларга чидашига тўғри келади. Агар бу насихатимизни ақл қулоғи билан тингласа, қора захарли илоннинг думини босмаган бўлади ва ўз роҳатини бузадиган бир иш қилмаган бўлади. Таклифимизни қабул қилиб, жанг қилиш фикрида оёқтираб олмаса, ўз мамлакатининг тинчлигини сақлаган бўлади. Таҳлика ва бало-қазодан узоқлабўлади”, дедилар. Лекин *шеър:*

[Ёмон толе ғазаб билан бирлашгач, тошни мум қилади]<sup>157</sup>

Бахт ойнаси занглаган ва шошганидан нима қилишини билмай қолган Султон бу насихатларга қулоқ солмади, танбеҳларга аҳамият бермади. *Шеър:*

[Сен ёмон феълли подшоҳни меваси доимий уруш бўлган бир дарахтга ўхшатасан]<sup>158</sup>

<sup>155</sup> Ўрни катъий англашилмаган. Бу дарёлар проф. Минорский тахминига кўра, Иргиз дарёсидир.

<sup>156</sup> Бу гапни Рустам Исфандиёрга айтган: “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.1680.

<sup>157</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.502.

<sup>158</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б. 509.

Уруш бошланди. Қиличлар ялтиллаши, отлар кишнаши, суворийлар ва жангчилар наърасидан фалакнинг кулоғи қар бўлди. Улар кўтарган чанг-тўзон булут куёшнинг юзини бекитди ва порлоқ юлдуз ўзини кўрсатди. Ҳар икки томоннинг ўнг қаноти чап қанотларга ҳужум қилиб, уларни жойларидан кўзғатди. Шу туфайли мўғул қўшини Султоннинг турган жойи – марказга ҳужум қилди. Султоннинг аскарлари енгиладиган пайтда ўнг қанотда жанг қилаётган Султон Жалолиддин бир қанча суворийлари билан ёрдамга етиб келди. Жанг эрталабдан кечгача давом этди. Кечга бориб енгган ҳам, енгилган ҳам маълум эмасди. *Шеър*:

[Туннинг зулфига тарок уриб, замон устига куфр ёзувини ёздилар]

Жангдан қўлларини тортиб ўз жойларига қайтдилар. *Шеър* (арабча):

[Улар синикнайзалар билан келдилар. Биз ўткир қиличлар билан келганлигимизга қарамасдан уларнинг олдида эгилдик]<sup>159</sup>

Мўғул аскарлари қўлларида машъала билан отларига миниб у ердан узоқлашдилар ва буркситиб чанг-тўзон кўтардилар. Султон бундан хабарсиз эди. *Шеър*:

[Содик тонг кўрингунча осмоннинг юз япроқли гули очилди. Гўё тун қоронғуси сеҳр билан оғзидан олов пурқаётгани]

Эрталабданок султон душманлари султоннинг ўрнини бўш кўрди, у ҳеч бир нарсани қўлга киритаолмаган ҳолда Самарқандга қайтди. Шошиб нима қилишини билмасдан гангиб қолди ва шубҳа унга таъсир қилган эди. Ичидаги безовталикташқи кўринишига ҳам таъсир қилиб турарди. Мўғуллар куч-қувватини кўз олдига келтириб, уларга қарши нотўғри ҳаракат қилганини англади, зўрлаб ўз устига тортган бало азоби ва сиқуви унинг ҳамма ҳаракатларида акс этиб, пушаймонлик унинг ичини кемирарди. Чунки у ўзини мўғул кавмининг олдида денгиз қаршисидаги бир дарё, мамлакат олдидаги бир шаҳар, бошдаги соч олдидаги битта қил каби кўрарди. Жанг қилганида уларнинг қаҳрлиустунлигини кўриб енгиллигини ҳис қилгач, ичида ҳузурсизлик тўлиқлана бошлади, маъюслик шамоли эса бошлади. Хафвсизлик кемаси бало тўфонига йўлиқиб, қутилиш соҳилига етиб бора олмади. Шубҳа ва ваҳима голиб келиб, унинг узоқни кўрадиган тадбирли кўзини беркитди. Қалби ва ўзгарган фалакнинг берган ғам-ғуссасидан чарчаган вужудига

<sup>159</sup> Хамоса шоирларидан Абду-т-Тарик шеъри.

кўркув ва ғайратсизлик ҳоким бўлган, уйқуси ва мувозанати бузилган эди. Муваффақият кучсизлик ва ғайратсизлик ичида йўқ бўлиб кетади. *Шеър* (арабча):

[Фалак буюк ғайрат билан фойдаларини мендан узоқлаштирди. Мен уни ушлашни хоҳлаганимда у мендан ўзини тортди. Орзуларим илк куёшнинг нурига ўхшайди. Теккан пайтда қўлга илин-маса ҳам ҳис қилинади]<sup>160</sup>

Унинг бу ожизлиги қаршисида халқ ва мамлакатнинг номи бўлганди, ҳақоратга учради. Ноқобиллик ва заифлик уни истило қилди. Мамлакат товуси бало-қазо бойқушининг қўлига тушди. Шоҳ Ковус<sup>161</sup> ғам-ғусса девларининг қўлида туткин бўлиб қолди. Шафқатсиз тақдирга бўйин эгиб, ғайратсизлик чуқурига тушди. Ёмон толега мағлуб бўлиб, “Аллоҳнинг тақдирига рози бўлди” деган ҳикматга итоат қилди. *Шеър* (арабча):

[Улар истасалар мақсадларига етишган, истасалар ўзларини тақдирга таслим қилганлар. Қани, йигитлардек ишлаб, ғайрат кўрсатинлар]

Мунажжимлар уларнинг толе юлдузи ботиб, бахтсизлик юлдузлари нур сочаётганини айтдилар. Шу сабабли унинг беқарорлиги янада ортди ва душманлари қаршисида куч-қувватини йўқотди. Унда ҳоким бўлган бу натижасиз иккиланишлар мамлакатига ҳам катта зарар етказди. Аскарининг кўпчилиги Мовороуннаҳр ва Туркистон томонда уни ташлаб кетди. Бир юз ўн минг аскари Самарқандда қолди. У ердагиларга Самарқанд қалъасини таъмирлаб, хандақларини чуқурлаштиришни буюрди. Самарқанднинг бир учи дарёга туташ эди! Султон Самарқанддан кетган куни аскарларига қарата: “Агарда сизга ҳужум қилишса, кесилган дарахтлардан дарёни тўлдилинг” шаклидаги буйруғи у ердагиларга қарахлик ва умидлари инқирозга юз тутишига олиб келди. У ердан Нахшабга борди. Борган жойида кўрганларга “Бошингизни қутқариш чорасини кўринг. Бир ерга бориб, таҳликадан ўзингизни қутқаринг. Чунки мўғул қўшинига қарши туришга бизнинг куч-қувватимиз йўқ” деб насиҳат қиларди. Ҳарамини Хоразмдан Мозандаронга олиб бориш вазифасини яқинларига топширди. Тадбирсизлиги ва изтиробни кундан-кунга ортиб борарди. Олдида келган ҳар кимсадан бу дардан қандай қутилиш йўлини сўрарди. *Шеър* (арабча):

<sup>160</sup> Абу Исҳоқ Ғозийнинг туркларни мақтаган қасидаси.

<sup>161</sup> Эронликларнинг афсонавий подшоҳи бўлиб, Мозандарон девлари томонидан асир олинган эди.

[Эй табиб, даволашни бас қил, бизнинг дардимиз тақдирдан-дир]<sup>162</sup>

Кетма-кет келаётган ёмон хабарлар унинг аҳволини янада ёмонлаштирди. *Шеър*:

[Фалак ҳар куни янги бир фалокатни туғдиради. Сен ундан узоқроқ туришга ҳаракат қил. Замон қийинчиликларини енгиш учун куёшдан порлоқроқ бир нарса керакдир]

Бундай ҳолат олдида эсанкираб қолган ҳар ким ҳамўзича бир фикрни илгари суради, бирор ечим йўлини таклиф қилади. *Шеър* (арабча):

[Бўш хаёллар орзусида вақтни бой бермаслик лозим. Чунки инсон кеча ва кундузнинг изни билан оёқда тура олади]

Кунларнинг ўтиши билан тажрибаси ортиб борган бир гуруҳ ичида бўлиб турган вазият ҳақида узоқ ўйлаганларидан кейин: “Мовароуннахрни қўлда ушлаб туриш вақти биздан ўтди энди. Лекин Хуросон ва Ироқ ўлкаларини қўлдан чиқариб юбормаслик учун ғайрат қилиш лозим. Тарқалиб кетган аскарларимизни тўплаб сафарбарлик эълон қилиб, Жайхунни чегара қилайлик ва душманларни Жайхуннинг бутомонига ўтказмасликка ҳаракат қилайлик” деди. “Шояд Аллох (Мусулмонларга) ғалаба ато этиб ёки ўз ҳузуридан бирор буйруқ бериб қолса, ичида сир тутган нарсаларига пушаймон бўлувчиларга айланиб қолиши мумкин-ку!”<sup>163</sup> Бошқа бир гуруҳ Ғазна томонга кетишни, у ерда аскар тўплаб Ҳиндистон ўлкасидан тўсиқ сифатида фойдаланишни таклиф қилди.

Бу сўнгги қарор Султон Муҳаммадга маъқул кўринди. Уни амалга ошириш учун Балхга кетди. У ерда ўғли Рукниддин томонидан ҳадялар билан кутиб олиш учун юборилган, Султоннинг меҳрини қозонган ва ўша минтақалар бошқарувини ўз қўлида тутиб турган Имодулмулк Султоннинг ёнига келиб: “Агар мўғулларга қарши жангда ғалаба қозонишни истасак, у ҳолда Ироққа кетиб, кучли бир кўшин тузиб, кейин уларнинг устига уруш қилайлик” деган фикрни билдирди. Султон Муҳаммаднинг ўғли султон Жалолиддин бу таклифга, қарши чиқиб: “Душманнинг устига юриш қилайлик, Султон буни қабул қилмаса, у ҳолда ўзи Ироққа кетиб, кўшинини менга қолдирсин. Мен чегарага бориб, ўша мўғуллар билан тўкнашай. *Шеър* (арабча):

[Кўп ходисалар мени қавмимни ўлимга бошлаб боришга мажбур қилди. Агар инсон бирор ишни қилишга аҳд қилса, қийинчиликни хаёлига келтирмайди ва у энди ўзидан бошқалардан ҳеч нарса сўрамас. Дўст сифатида қиличидан бошқасига ишонмас]<sup>164</sup>

Ва шу тарзда ўзимни Аллох ва халқ ҳузурда кечирилишга лойиқ қилиб кўрсатай. *Шеър* (арабча):

[Натижага эришиш ёки эришмаслик нафснинг ўша борадаги орзусига боғлиқдир]<sup>165</sup>

Агар тақдир ёрдамчи бўлса, истак тўпини муваффақият чавғони билан учираман. Аксинча, тақдирим ёмон томонга кетса, ҳеч бўлмаса, халқнинг танқид ўқларига нишон бўлмайман, ҳеч ким бизни қоралаши учун оғзини очолмайди. Ҳечким биздан бунчалик солиқ олгани ҳолда қийин пайтда бизни умидсизлик панжасига ташлаяпти, дея олмайди тарзида муҳокама қилди. Бир неча марта бу гапларни такрорлаб, қаттиқ турганига қарамасдан Султон Муҳаммад ичида ҳукм сурган кўрқув таъсирида унинг гапларига жиддий эътибор қилмади ва деди. *Шеър*:

[Тожнинг кетидан бораркансан, сен қайғурма. Чунки ҳеч бир подшоҳ онасидан тож билан туғилмаган]

Толесиз одамлар каби у (Султон Муҳаммад) ҳам ўғлининг чуқур мулоҳазали фикрларини болакайнинг бир ўйини деб ҳисоблаб, унга етарлича эътибор кўрсатмади. Чунки иқбол юлдузи фалокат келтирадиган буржда эди ва билмасдики, *шеър* (арабча):

[Кескир қилич китоблардан ҳам тўғрироқ хабар беради. Кескинлик матнларнинг инсонда шубҳа уйғотадиган саҳифалари қора рангли эканида эмас, балки ярқираган қилич оғзидаги ўйин билан жиддийлик орасидаги бир жойдадир]<sup>166</sup>

Нихоят, Султон Имодулмулк фикрларини қабул қилиб, Балхдан Ироққа қараб ҳаракат қилди. Нима рўй берганини билиш учун бир ҳарбий қисмни олдиндан Панжобга юборди. Термиз дарёси соҳилига борган асосий қисмнинг олдига келиб, кичик ҳарбий гуруҳдан Бухоронинг қўлдан чиқиб кетганидан хабардор бўлди. Унинг кетидан эса Самарқанднинг ҳам қўлдан кетганини эшитгач, мамлақати учун тўрт марта такбир ўқиб, чодирнинг бурчагида турган

<sup>164</sup> Хамоса шоирларидан Саъб Нишобурий шеъри.

<sup>165</sup> Хамосада нақл қилинган Вард ал-Абиссий шеъри.

<sup>166</sup> Аббосий халифаси Муътасим Биллох (833 – 842)нинг мажҳи ҳақида Абу Таммом машҳур қасидасидан.

<sup>162</sup> Абул Ҳасан Тихонийнинг машҳур қасидасидан.

<sup>163</sup> Қуръони карим, 5:52.



салтанат келинига тўрт марта “сен талоқсан” деб айтганидан сўнг йўлга чиқди. Яхшию ёмонни ўйламайдиган бўлди. “Лекин Аллох (жанг сабабли) ҳалок бўлганлар ҳам ҳужжат билан ҳалок бўлиши, тирик қолганлар ҳам ҳужжат асосида тирик қолиши, бўладиган иш тақдири азалдан экани уни ёв билан тасодифан тўқнаштириб қўйди”<sup>167</sup>.

Султон аскарларидан кўпчилиги турклардан ташкил топган эди. Унинг яқин одамлари ва кўмондонлари эса ўрон деб номланган онасининг қариндошлари бўлган бир қавмдан эди. Ўронлар тартиб-сизликларни қулай фурсат билиб, Султонни ўлдириш режасини туздилар. Султон уларнинг ниятини фаҳмлагач, ярим тунда ётган чодирини алмаштирди. Эрталаб Султоннинг бўш қолган чодирини ўқлар ҳамма томондан тешиб ташланган ҳолда кўрдилар. Шундан сўнг Султоннинг кўркуви янада ортди. Унинг ваҳимаси икки баробар кўпайди. *Шеър:*

[Айланувчи фалакнинг ҳар бир ўқи қалбдаги ярага туз сепгандек бўлади]

Султон бу ердан чиқиб кетди ва зудлик билан Нишопурга борди. Ўтган жойларидан кўрган одамларига ўзлари турган қалъаларни мустаҳкамлаб, бошларини қутқариш чораларини кўришни насиҳат қилди. Султоннинг бундай аҳволини кўрган халқнинг кўркуви тобора ортиб борар ва осон ишлар янада кийинлашарди. Туснинг ХабАррон ўлкасидаги Калом<sup>168</sup> қалъасига боргач, у ернинг халқидан ҳудуди етти фарсах бўлган ва ичида бир-икки майдони бор қалъада бир бино қурдириб, аскарлардан озиқ-овқатларни у ерга олиб келинишини буюрди. *Шеър:*

[У қаерга кетса, тақдир унинг кетидан келарди]

Султон у ерда ҳам тўхтаб тура олмади. Аввалдан ўйлаб қўйганидек, 617 йил сафар ойининг 12-куни (1220, 18 апрел)да Нишопурга келди. Мамлакат ишларини бир чеккага суриб қўйиб, ўзини айш-ишратга бағишлади. Ашула ва мусика тинглаб вақтини ўтказди. Толесиз тақдир ҳатто бир лаҳза ҳам унинг ўз холига қўймоқчи эмаслиги, орзусига етишишига ғов бўлажagini аниқ билиб турганди, шунинг учун дунё ғам-ғуссаларига қулоқ осмай шундай деяётганди. *Шеър:*

[Бу дунё одамзотга баъзан шакар берар, баъзан эса қон йиғлатар]

Гўёки мана бу рубоий унинг учун айтилгандек. *Шеър:*

[Гул очилгач, бир он ўрнимиздан турайлик. Шаробнинг берган кайфи ёрдамида ғамнинг қўлидан қочайлик. Эй дўст, балки келажакда биз ҳам баҳор гули каби тупрокка тушган бўлармиз]

Шу сабабли у ҳамма вақт шароб қадаҳи билан бирга бўлар, ҳатто бир лаҳза ҳам ундан айрилмасди. Созу суҳбат, айш-ишратнинг мохир усталари унинг атрофига йиғилиб, унинг дўсту маслаҳатчиларига айланишган эди. Вақтичоғлиқдан бошқа ҳеч иш қилинмас, аёллар билан банд бўлиб, мард эрларнинг иши (жанг)га навбат етмасди. Аҳамиятли ишларга совуққонлик билан қарарди. Ўша пайтда Хожа Шарафулмулкнинг ўрнига Нишопур вазирлигида ўзининг хушфезллиги билан эътибор топган Мужирулмулк Кофиаддин Умар Рухий ўтирганди. Аллох ҳар иккисини ҳам раҳмат қилсин). Унинг вазирлик мансабига келиши муносабати билан Саййид Сирожиддин мана бу шеърни айтди. *Шеър:*

[Мана энди вазирингиз Умар ал-Кофий, унинг мўлчилик келтирилиши ҳаммага айтинг, деди. Уларга қутилиш фақат зафар билан, деб жавоб бердим. Тўқинчиликдан баъзан пасайиш кўрилса ҳам адолат юзасидан Умар эсланади]<sup>169</sup>

Султон Нишопурда бўлган пайтда ҳамма табақа одамлари келиб, ўз дардини айтдилар, лекин ҳеч қандай чора тополмасдан умидсиз ва паришон ҳолда келган жойларига қайтиб кетардилар. Ўша пайтда бир гуруҳ одамлар Мужирулмулк саройи олдида тўпланиб, бақир-чақир қила бошладилар, улар куфр йўлга киргач, Мужирулмулк ташиқарига чиқиб, уларга хитобан: “Сизлар айтган гапингиз тўғри ва шикоят қилишга ҳам ҳақлисизлар. Лекин мен ҳам ақли солим кишиларнинг кўз олдида узрлиман. Чунки қўшимча ишлар қилаётганим туфайли меҳнаткашлар дардларини тинглашга вақтим йўқ. Ёш қизларнинг ишлари билан машғул бўлганим сабабли расмий қайд дафтарига қарашга вақт қолмаяпти. Бир неча кундирки, Султон бизга бошқа бир иш билан машғул бўлмасдан аёл топишимизни буюряпти. Султоннинг амрига бўйсунуш шарт бўлганидек, ватандошларимиз дардларига ҳам чора топиш шартдир”, деди.

Бу ҳодисалар рўй бериб турганда Панжобдан бир ҳарбий қисмининг текширув гуруҳи келиб, Яма нўён ва Субутой баҳодир кўмондонлигидаги мўғул қўшини дарёни кечиб ўтгани ҳақидаги

<sup>167</sup> Қуръон қарим, 8:42.

<sup>168</sup> Кейинги номи эса Калоти Нодирийдир.

<sup>169</sup> Саййид Сирожиддин қасидасидан.

хабарини етказган пайтда Султоннинг бошига қисмат тупроғи тўкилиб, ичидаги кўркув олови янада алангаланди ва давлат шамоли эсишдан тўхтади. *Шеър* (арабча):

[Ётган пайгимда гўёки тишларида ўлдирадиган захари бор рангдор илон мени ўраб олганди]<sup>170</sup>

Бахтиёрлик онлари ичилган ҳар бир қадах култумининг кетидан бош оғриғини кутиш керак. Шароб ичган ҳар ким бу кийналишни бошидан кечиради. *Шеър* (арабча):

[Ҳаёт таъми учиб кетган вабош оғриғини қолдириб кетган сархушлиқдан бошқа нарса эмас]<sup>171</sup> *Шеър*:

[Шароб ва севги фикри ҳаёлимдан кетди. Уд ва танбурнинг овози қулогимдан узоқлашди]

Султоннинг ҳузурланадиган ҳар нарсаси аччиқликка, унинг учун ҳар бир гул тиканга айланди. *Шеър*:

[Ғам-ғусса ёрим, дард дўстим, инграш ашулам, жигаримдан оқувчи қон шаробим, кўзқорачиғим эса доримдир]

Бошқа чораси қолмаганини кўрган Султон Аллоҳнинг амри билан (сохта) пайғамбарлар қочганидек, қочиб кетишга қарор қилди. “Аллоҳ йўлида молларингиз ва жонларингиз билан жиҳод қилингиз”<sup>172</sup>.

Қисмат шаробдори уни сиқувга олиб, зўрлаб оғзига сабр билан тўлган қадахни кетма-кет бериб, уни қийнайдиган қадахни ичирган эди. Ўша пайтда ашулачилар Хусайний мақомидаги мана бу ашулани нўноқ тарзда айта бошладилар. *Шеър* (арабча):

[Эй ғам-ғусса шаробдори, агар мен учун тўлдираётган бўлсанг, шаробга сув қўшма. Чунки мен шаробни кўз ёшларим билан аралаштирдим. Эй мутриб, агар жўшиб мен учун ашулақуйласанг, “Эй менинг азобларим” ашуласини айт]

Султон Муҳаммад шу аҳволда кўркув ва андиша ичида ҳолдан тойган вазиятда 617 йил рабийулаввал ойининг 7-куни (1220, 12 май)да Исфаройин орқали Ироққа томон йўл олди. Ичи дардга тўлган ва бағри ёнган ҳолда мана шу ғазални ўқиди. *Шеър*:

[Зухро юлдузи эрталабданок удни уфқдачалаётганида фалак менинг инграшимни кучайтирди. Найнинг оҳанги ва уд симлари нашъаси билан фалак ақлимни бошимдан олиб кетди]

Қалбининг чуқуридан мана шу дардли тарона таралаётган эди. *Шеър*:

[На ёр, на унга қовушишдан умид қолди. Улардан фақат ғам ва қайғу қолди. Топишган жойларимизни эслашга ҳаракат қилдим. Ундан озгина бўлсаям қолмабди]

Ройга боргач, охириги пайтларда гўё вазифалари ёмон хабар келтириш бўлган Хуросонтомонга юборилган илғор ҳарбий гуруҳ келиб, душман қўшини яқинлашиб қолгани ҳақидаги хабарни етказгач, Султон Ироққа кетишга қарор қилгани учун пушаймон бўлди ва “Фикрни бошқа бир фикр билан тарк этарсан”, деган гапга ишонди. *Шеър* (арабча):

[Агар бир қавмнинг йўлбошчиси қарга бўлса, ўша қавмга мажусийлар қабристонини кўрсатгин]

Ройдан Фаррозин<sup>173</sup> қалъасига томон ҳаракат қилди. Ўттиз минг ироқлик пиёда аскарлар билан ўша ерда турган ўғли Султон Рукниддин уни кутиб олишга чиқди. Султон Ғиёсиддин билан бирга онаси ва ҳарамига мансуб кишиларни Қорун<sup>174</sup> қалъасида турган Тожиддин ёнига юборди. Бошқа томондан Лўрнинг олдинги ҳукмдорларидан Ҳазорасф ҳукмдорини чақиртирди. Ёнига тўпланган Ироқ амирлари билан душманни даф этиш муҳокамасини қилдилар.

Ироқ амирлари Широнкўхга кириб олиб, душман билан жанг қилишни таклиф қилганидан кейин Султон Широнкўхни кўришга кетди. У ерга бориб “Бу ер бизнинг мудофаамиз учун қулай жой бўла олмайди, бу ерда мўғулларга қарши қураша олмаймиз” дегач, у ердагилар умидсизликка тушдилар. Султон у ердан пастга тушиб, Ҳазорасф ҳукмдори унинг олдига келиб, етти марта ерўпди. Унинг бундай ҳурмат кўрсатиб, қилган хатти-ҳаракатидан мамнун бўлган Султон унга илтифотлар кўрсатди. Кейин эса Ҳазорасф ҳукмдори Нусратиддин ўзининг Султонга садоқатини билдириб, у ердан кетди. Ўша пайтда Султон Имодулмулк билан Дуҳонни бу кийинчиликларга муносабатини билиш учун Нусратиддиннинг олдига юборди. Нусратиддин унга жавобан: “дарҳол бу ердан кўчиб кетайлик. Форс билан Лўрнинг орасидаги Танги Таку деб аталган тоғдан ўтгач, олдимиздан серҳосил, унумдор ерли бир водий чиқади.

<sup>170</sup> Жоҳилийя даври шоирларидан Нобига шеъри.

<sup>171</sup> Ас-Сорий ар-Раффо Мусилий шеъри.

<sup>172</sup> Қуръони карим, 9:41.

<sup>173</sup> Фарозин – бутунги Султон Одот яқинидаги Ҳамалон-Исфохон йўли устида Исфохондан ўттиз фарсах узоқликда жойлашган Каражнинг қалъаси.

<sup>174</sup> Табаристон, Рой, Бистом ва Домгон орасидаги Руна тоғи ҳам деб аталган Қорун тоғида жойлашган қалъа.

У ерга бориб жойлашгандан кейин Лўр, Шулдан ва Форсдан пиёда аскарлар тўшлаб, уларни тоғнинг маълум бир дараларига жойлаштирамиз. Мўғул қўшини келган пайтда жасорат билан улар қарши-сига чиқиб, зарба берамиз. Қўркувга тушган қўшиннинг мўғулларга қарши курашда эришажак ғалабамизга ишончи ортади” деди. Султон унинг фикрларини билгач, “Мақсади бизни ўз ўлкасидан узоқлаштириб, Форс отабеклари устига юбориш ва мана шундай тахлитда ўзининг хафвсизлигини таъминлашдир. Ҳолбуки, ҳозир биз учун муҳими Форсотабекини йўқ қилиш эмас, балки мўғулларга қарши туришдир”, деб ўйлади ва аскар тўплаш учун атрофга одамларини юборди.

Ўша вақтда Ройдан хабарчилар келиб, мўғул қўшини у ерни вайрон қилиб, талон-тарож этганини маълум қилди. Хабарчилар кетидан дарров мўғул аскарлари ҳам етиб келишди. Шу тарзда Султон аскар ўрнига азоб тўплади. Унинг ўша вақтдаги аҳволи “Басроннинг кулашидан сўнгги” аҳволига ўхшарди. *Шеър:*

[Ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш зарур. Ўз вақтида қилинмаган иш ишончсиз бўлур]

Малик Нусратиддин у ердан чиқиб уйига кетганидан ва Султоннинг ёнидаги аскарлари ҳам тарқалиб кетганидан сўнг Султон ўғиллари билан бирга Қорун қалъасига кетиш учун йўлга чиқди. Йўлда мўғул аскарларига дуч келди. Мўғуллар уни танимасдан ўқларига қўл узатиб, отини ярадор қилдилар. Оти эса ярадор ҳолда фалокат денгизидан Султонни қутқариб қолди. Султон Қорунга боргач, бир кун у ерда қолганидан сўнг ўша ернинг амирларидан бир нечта от ва йўлбошловчи олиб, Бағдодга йўл олди. У кетиши биланок дарҳол кетидан мўғул аскарлари келиб Султонни ўша ерда деб ҳисоблаб, қалъани қўлга киритишга ҳаракат қилдилар. Султон у ердан чиқиб кетганини билгач, жангни ташлаб, зудлик билан унинг кетига тушдилар. Йўлда Султон ортга қайтариб юборилган йўлбошловчисига дуч келди. Ундан Султоннинг Бағдод йўлида кетаётганини билиб олиб, йўлларда давом қилдилар. Ўша пайтда Султон Бағдод йўлидан бурилиб, Саржиҳон<sup>175</sup> қалъасига томон юрган эди. Мўғуллар йўлбошловчи таклиф қилган жойидан Султонни топа олмагач, йўлбошловчини ўлдириб орқага қайтдилар. Султон етти кун Саржиҳон қалъасида қолганидан кейин Гилонга йўл олди. Гилон амирларидан Солук унга яхши муносабатда бўлиб, у ерда доим яшаб қолишни хоҳлаган бўлса-да, Султон у ерда етти кун

<sup>175</sup> Гилон йўли устида Зинжон билан Торун орасидаги бир жой.

қолгандан сўнг Испидор<sup>176</sup> ўлкасига кетди. Ёнидаги хазинасини ўша ерда йўқотиб қўйди. У ердан Дабуйа<sup>177</sup> ноҳиясига боргач, Амулнинг кўзга кўринган машҳур одамлари ва Мозандарон амирлари унга яхши муносабатда бўлдилар. Султон мўғуллар унинг кетидан тўхтовсиз таъқиб қилиб келаётгани сабабли борган жойида бир кундан ортиқ қола олмасди. Ўша оралиқда ҳарамни ҳам Хоразмдан олиниб бир қалъага олиб кетилганди. Султон Мозандарон амирларидан ишончилиларини ёнига чакириб, улар билан сакланиш мумкин бўлган хафвсиз жой ҳақида фикрлашиб олди. Бу маслаҳатлашув сўнгида унинг Обескун<sup>178</sup> денгизи оролларидадан бирига жойлашишга қарор қилдилар. У оролга бориб, бир неча кун у ерда истикомат қилганидан сўнг унинг ўша ерда экани маълум бўлгач, бошқа бир оролга кўчди. У ўша оролдан кетганидан сўнг Яма нўённинг унинг кетидан Ройга юборган аскарларидан бир гуруҳи ушбу оролга борди. Уни топа олмагач, яна орқага қайтиб кетдилар ва бир неча кун ичида у ерни фатҳ этдилар. Султон ўша қўрқинчли хабарни эшитгач, ҳарамининг номуси кирлатилгани, аскарларининг таъсирсиз қолгани, хотин ва қизларининг бегоналар ҳужумига учраб, асир тушгани, севиқли хотинлари бошқа эркаклар қўлига ўтиб, паст одамлар панжалари остида азият чеккишиникўнглидан ўтказди. *Шеър* (арабча):

[Юзининг бир томонига урганида тақводор иккинчи юзини кўрсатди]

Булардан бошқа у ерда бўлган қариндошлари бошларини ўлим тузоғига бериб, оёқларини бало ботқоғига ботириб, зулм ва ёмонлик чуқурига тушиб қолгани, бу дунёдалиқ пайтидаёқ кўзларидан узоқлашганини англаб етди. *Шеър:*

[Султон бу хабарни эшитгач, унинг боши айланди. Дунё кўз ўнгида қоронғу холга келди] *Шеър* (арабча):

[Бундай кечаларда рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳар бир киши учун тўхтамасдан янгиланарди]

Султон дарддан хориганини англаб етгач, бу дунёда қолишдан кўра нариги дунёга кетишни афзал кўрди. *Шеър* (арабча):

[Эй ўлим, мени зиёрат қилишга кел. Чунки ҳаётнинг номардлигини тушундим. Эй жон, ғайрат қил, чунки охириг яқиндир]

<sup>176</sup> Мозандарон ўлкасидаги Рутамдорнинг бошқа бир номи.

<sup>177</sup> Дабуйа (ёки Дабуйи) бугунги Дабуннинг аввалги номи.

<sup>178</sup> Қасий денгизининг бошқа номи.

Мана шундай аччиқ изтироблар ичида коврилиб, кўрган фалокати туфайли инграб-инграб ўз жонини Ҳаққа топширди. Шундай қилиб, у замоннинг берган азоб ва айланувчи фалакнинг етказган азиятларидан халос бўлди. *Шеър* (арабча):

[Дунё ва унинг гўзалликларига саломлар бўлсин. У шундай фонийдирки, Якуб унда ҳеч яшаб ўтмаган деб ўйлайсан]<sup>179</sup>

Унинг вафоти ҳақида бир шоир мана бу шеърни айтди. *Шеър*:

[Дардлиларнинг дардига чора топган вафот қилди. Қовушишни хаёл қилаётганида ғурбатда ўлди. Денгиз соҳилида сувсиз, хазинанинг бошида тиланчидек бўлди]

Уни ўша оролда дафн қилдилар. Лекин кейинчалик Султон Жалолиддин буйруғига биноан жасади солинган тобутини Ардахнга<sup>180</sup> олиб кетдилар. Тобути олиб кетилаётганда фозиллардан бири мана бу шеърни айтди. *Шеър*:

[Эй подшоҳ, сен ёмон кўзларга учрадинг. Сен кетгач, одамлар дин қондаларига риоя қилишга ғайрат қилмадилар. Эй жаҳон салтанати тожини тарк этган ҳукмдор, давлат либосининг торайишига (сенинг кетганинг) сабаб бўлди]

Унинг ўлими туфайли исломнинг кучи заифлашди ва қўллари боғланди. Хатто тошнинг ҳам кўзидан қон оқизган бу ҳодиса туфайли мўъминлар мотам ичида паришон қолдилар. *Шеър*:

<sup>179</sup> Бу шеърнинг бир оз ўзгартирилган шакли Саффорий ҳукмдори Якуб Лайсининг қабр тошига ёзилган бўлиб, Ибн Холликон уни Якубнинг ҳаётини ҳикоя қилаётганида зикр қилганди.

<sup>180</sup> Манбалар Ардахн қалъаси Дамованд билан Мозандорон тоғлари орасида Рой шахридан уч кунлик масофадаги мустаҳкам бир қалъа эканини маълум қилади. Насавийга кўра, Султон Жалолиддин Охлат камали пайтида боғида отасининг мақбараси мавжуд бўлган бир мадрасани Исфахонда қурдиришни истаган эди. Бунинг учун Мозандоронда турган аммасига бир мактуб юбориб, тобутнинг Ардахнга келтирилиб Исфахонда қурилиши мўлжалланаётган мадраса қуриб битказилгунгача унинг Ардахнда қолишини истаган эди. Лекин бу ишни қилаётганида жасад солинган тобутнинг бошига тушажақ воқеалардан хабари йўқ эди. "Менга келсак, мен бу сатрларни истамайгина ёздим. Чунки бўлган ишлар мен учун жуда қулгули туюлаётганди... Ҳақиқатдан ҳам Султон жасадининг ёқилмасдан қутилолмаслигини билардим. Чунки барча султонларнинг бир хил наслдан келиб чиқишига ишонган тоторлар (мўғуллар) қайси ўлкада бўлса ҳам бирор султоннинг қабрига дуч келган пайтларида ўша қабрдан суякларни чиқариб олиб, ёқиб юборардилар. Масалан, улар анча олдин Яминуддавла Маҳмуд б. Сабуктегиннинг Ғазнадаги қабридаги суякларини чиқариб ёқиб ташлаганди... Воқеа-ҳодисалар ҳақиқатдан ҳам мен ўйлагандек ривожланди. Ҳали кейинроқ ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз мўғуллар Султон Жалолиддинни Амид атрофида снганидан кейин Ардахинни қамал қилиб қўлга киритди ва буюк султоннинг суякларини қабрдан чиқариб олиб, Ҳоконга (Ўқтойга) юборди. Ҳокон эса уни вақт ўтказмасдан ёқтириб юбортирди (Насавий, тарж. Хаудас. Б.319).

[Тошдаги кўз ёшига қара. Уни сув томчиси деб ўйлама. Тоғнинг инграшини тингла. Уни соатнинг оддий овози деб ҳисоблама]

Унинг вафоти ҳаммани чуқур қайғуга солди. Халқ йиғлаб мана шу шеър мазмунига мос нола қилди. *Шеър* (арабча):

[Мусулмон мамлакатларининг султони қайда? Мўминлар аминининг хужжати қайда? Ўткир қиличдек кўзи, найзадек тўғри сўзи қайда? Қўрқинчли фалокат бошимизга келдики, (унинг) кетишидан эса ҳеч дарак йўқ]

Энди эса бироз маҳзун хабарларни бир четга қўйиб, "ҳид ва рангга эмас, балки маънога эътибор қил" деганларидек, асосий мавзуга қайтайлик ва гапимизда туриб, мана бу шеърни нақл қилайлик.

*Шеър*:

[Қачонгача ўғрининг бошидан кечирганларини ҳикоя қилмоқчисан? Ҳеч бўлмаса, можарони ажалдан тинглагинки, у сенга ақл, карлик, кўрлик, олтин, куч-қувватни кимга бериб, кимдан олгани, подшоҳларнинг оёқ-қўлларини қандай боғлагани, қайсар одамлар бўйинларини қандай қилиб синдирганини айтсин. Унинг манманлиги ёмонлик келтирганини тинглагач, бу вафосиз ҳаётга ишонмайсан]

Бу ҳикоядан узоқни кўрувчи одамлар дунёнинг алдоқчи, вафосиз, хоин ва орсизлиги ҳақида хулоса чиқаради. У (дунё)да бўлиш изтироб ва ёмонликлар билан бирга бўлиш демақдир. У ерда буғдой ўрнига сомон, захар эса асал ўрнигасотилади.

У қора аёл сенга бахмал либос кийган гўзал бир қиз бўлиб кўрилади. Унга кўнгил қўйганлар, унинг кетида ақлини йўқотган, тўхтамасдан оҳ чекиб инграмоқдалар. *Шеър*:

[Дунё ақли бузилган бир лўттибоздир. Қилган ишингиз тескарисини кўрсатади. Бу меҳр билан чақириб, ғазаб билан узоқлашишдир. Унинг доимо қиладиган иши ана шундай. Унинг сени қаерга чақиргани, қаерга олиб борганини билмайсанми? Туғилиш сенинг истагинг билан содир бўладиган нарса эмасди. Ўлим ҳам сенинг истагинг билан рўй бермаяжак. У ҳолда сенинг истагингдан ташқарида бўлган бу икки ҳодиса орасида ўз истагингча қандай яшамоқчисан?]

Инсон умр бўйи доимо огоҳ ва диққат-эътиборли бўлиши керак. Фақат бу дунёнинг ҳоли ҳаракатларини англаган, менга тегинмадеб уни оёғи билан тепган, у билан алоқасини узган, унинг фойдасини зарари билан бир хил деб ҳисоблаган, ичида ифлослик билан



булганган нарсаларнинг соқчилик хизматинигина ўтаб юрган бу вафосиз нарсадан кўлини тортган одамгина завқ ва хузурга эришади. *Шеър* (арабча):

[Дунё сассиқ бир ўлаксадан бошқа нарса эмас. Уни тортиб олиб кетишни истаган итлар кутмоқдалар]

*Шеър:*

[Фалакнинг амрига ва тақиқларига кулоқ осма. Утақдим қилмоқчи бўлган шаробни сароб деб бил. Уни ифлослик жиҳатидан ўлакса ва суяк ғажиган итга ўхшат]

Дунёнинг бундай ҳолини билганлар унга яхши деб кўнгил қўймаслар. *Шеър:*

[Илоҳий буюклик ва илҳом, ҳавойи қалбга қандай кира олади]

Мўминларнинг истаган нарсаси жаннат боғидир. Илоҳий кучлар уларнинг қалбларидан жой олган, ўз ақли ва меҳнати билан ўзларини осмону фалакка чиқарганлар, соф ва покиза кишилар каторида ўз жойини эгаллаши, фаришталар ёрдами билан гуноҳдан сақланиб, тўрт кўл билан Аллоҳга итоат қилиб, унга ишонадилар ва уни ўзларига раҳбар деб билладилар, бу кора тупроқнинг ботқоқликдан бошқа нарса эмаслиги ва енгил шаббоданинг ҳам у ерга кириши мумкин эмаслиги, у билан ҳисоб-китобини тўхтажагини, қалбини унинг неъматини ва нигоҳларидан узок тутажани қатъий ўлароқ билар. *Шеър:*

[Ёр сочининг ҳалқаси бало тузоғидир. Унга қалбимизни боғласак хато қиламиз]

Улар ё унга алданиб, алам ва ожизлик ичида қоладилар, ё унинг берган завқига кўнгил боғлайдилар, ёки изтироб ва ғам-ғуссадан таъсирланадилар. Олим кишилар кўз ўнгида дунёнинг зарари ҳам, фойдаси ҳам бир хилдир. *Шеър* (арабча):

[Лайлонинг сахий ёки хасис бўлиши биз учун фарқсиздир]

*Шеър:*  
[Дунёнинг завқи ҳам, изтиробларидан ҳам қочишкерак. Кўзинг-ни юмсанг, на уни кўрасан ва на буни]

## ХII. СУЛТОН МУҲАММАД БИЛАН МЎМИНЛАР АМИРИ НОСИРДИНУЛЛОҲ АБУЛАББОС ОРАСИДАГИ СОВУҚЛИК САБАБЛАРИ

Султон Такиш замонида Ироқ учун хоразмшоҳлар билан Бағдод бошқаруви орасида уруш келиб чиққан бўлиб, олдин айтиб ўтганимиздек, Султон Такиш Бағдод кўшинини енгган ва уларнинг кўмондони бўлган вазирни ҳам ўлдирган эди.

Бу урушдан сўнгра халифа тез-тез Султонни йўқ қилиш учун қорахитой хонлари, Ғур султонларига мактублар юбориб турди. Халифанинг яширин қилган ҳаракатлари султон Ғазнани олиб ғурликлар хазинасини излаётганида ошкор бўлди. Хазинада халифанинг Ғур султонини Султон Муҳаммадга қарши фитна чиқаришга уриниб, иғво қилгани ва қорахитой кўшинидан ёрдам сўрагани ҳақидаги мактублари кўлга тушди. Султон ўша пайтда бу сирни фош қилмасдан бу мактубларни далил сифатида ёнида сақлаб қўйди.

Ўша вақтда Жалолиддин Ҳасан<sup>181</sup> ўз манфаатини кўзлаб мусулмон бўлди ва Халифа ҳам унинг мусулмонлигини қабул қилди. У ҳақиқатан ҳам мусулмон бўлганини исботлаш учун ҳажга бир қарвон юборди. Халифанинг буйруғига кўра, унинг байроғини Султон байроғининг олдида олиб юрдилар. Султон буни эшитгач, руҳан сиқилди ва қалби синди. Кейин халифа Жалолиддин Ҳасандан бир неча жасур кишилар беришни сўради. Жалолиддин Ҳасан унинг истагичалик фидойи кишиларни бериб, уларга Халифа ниманики буюрса, ўша ишни бажаришни топширди. Ўша пайтда Халифа билан Макка амирининг ораси бузилди. Халифа ўша фидойи кишилардан бир қисмини Макка амирини ўлдириш учун юборди. Фидойилар хато қилиб, Макка амираи ўрнига унинг укасини ўлдирдилар. Бу жирканч воқеа арафа куни Арофат тоғида содир бўлди. Яна у Султоннинг содик бир одами ҳисобланган ва отабек Ўзбекнинг ёнига юборган Игламишни Ироқда фидойиларга пичоқлатиб ўлдиртирди.

Султон ўз рутбасини Бувайх сулоласи ва салжуклилардан наст деб билмасди, ҳатто уларнинг амирлари билан бир хил даражада деб ҳисоблашига қарамасдан Халифа уларга бир хил назар билан қарамади. Бағдод ўлкаси Халифага, Халифа эса салжуклилар бош-

<sup>181</sup> Оламуг ҳукмдори Ҳасан Саббоҳ.

карувига тобе эди. Тарихий китобларда очик ёзилганидек, Тоий<sup>182</sup>, Мустаршид<sup>183</sup> каби халифалар уларнинг амри остида эди. Султон халки ва кўшни мамлакатлар ҳукмдорларини танқид қилишидан ўзини кутқармоқ ва уларнинг “Мусулмон бир Султон тупроқ, ер орзу-ҳаваси билан қасамёд қилинган ва исломнинг устунни бўлган имомга хужум қилиб, ўз динига зарар етказди” дейишига имкон бермаслик учун Халифага қарши хужумга бир баҳона топишни истаётган эди. Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) бу борада мана бундай дейди: “Кимки бирор имомни тан олиб, унга ўз садоқатини билдирмасдан дунёдан ўтса, у жоҳилия даврида ўлгандек бўлади”. *Шеър* (арабча):

[Намоз ўқиймиз. Намоз охирида сени Аллоҳнинг наздида хайрли имом эканингни тасдиқлаймиз]

Султон ўз мамлакатигаги машҳуримомларни чақириб, юқорида санаб чиқилган хагги-ҳаракатлар қилган бир одамнинг халифалик қила олмаслиги, бундай бир халифа кунларини жиҳод билан ўтказган ва исломга хизмат қилган бир Султоннинг тагига сув қуйса, Султон уни хизмат вазифасидан узоқлаштириши ва унинг ўрнига янги бир халифани тайинлаши маъкулбўлишлиги, бошқа томондан эса халифаликда ҳазрат Ҳусайн наслдан бўлган саййидлар ҳаққи борлиги, аббосийнинг ушбу мақомни зўравонлик йўли билан қўлга киритгани каби мавзуларда фатво олиб, халифа номини мамлакатнинг ҳамма жойида ўқилган хутбалардан чиқартириб ташланди. Лекин аббосийлар хонадонига хужум қилиши Султонга яхшилик келтирмади.

### ХШ. СУЛТОНЛАР СУЛТОНИНИНГ ТАНАЗЗУЛИ САБАБЛАРИ

Султон Усмоннинг насли Мовароуннаҳр хонлари бўлган Илиг<sup>184</sup> билан Бугрохондан<sup>185</sup> эканини айтадилар. Мовароуннаҳр хонлари ва уларнинг фатҳлари ҳақида Утбийнинг “Тарихи

<sup>182</sup> 974-991.

<sup>183</sup> 1118-1135.

<sup>184</sup> Эҳтимол, Бугрохоннинг отаси бўлиши мумкин. Бу ҳақда қаранг: Бартольд, Туркистон. Б.257.

<sup>185</sup> Қорахонлиларнинг юксалиши ва Бугрохон Хорун б. Мусо ҳақида қаранг: Бартольд, ўша асар. Б.254.

Яминий”<sup>186</sup> асарида маълумот берилган. Султон Усмонни Мовароуннаҳр султонларининг султони дейишади.

Қорахитой хонлари Мовароуннаҳр шаҳарларини истило қилган пайтда султон Усмон ҳам Гўрхонга бўйин эгди ва унинг амри ҳамда тақиқларини қабул қилди. Бунга жавобан Гўрхон ҳам аввалроқ берган ваъдасида туриб, Мовароуннаҳр мулкини қайтадан унга берди. Унга тўлай оладиган даражада солиқ юклаб, ҳарбий бошқарувчисини ўша ерда қолдирди. Шу тарзда султон Усмон роҳат-фароғат ва хафвсизлик ҳаёт ичида кун кечирар ва қачонки, Гўрхоннинг ёнига борса, доимо у томонидан ҳурмат-иззат билан кутиб олинарди. Гўрхон юзининг ёруғлиги ойникидан ҳам гўзалроқ бўлган кизининг номитилларда дostonэди. *Шеър*:

[Эй гўзаллар гўзали, мушк ҳидини сендан оларлар. Меннинг кўз ўнгимда ўн саккиз минг олам сенинг ёнингда фақат бир қишлоқ қадричадир]

У киз ўз даврининг мисрлик Юсуфи эди. Султонлар султони унинг гўзаллигига ошиқ бўлиб, ёниб-ўртана бошлади ва Юсуф билан Зулайхонинг ошиқлиги каби унинг ошиқлиги ҳамоғизга тушди. Орадан кўп ўтмасданок уни ўзига хотин қилиб олишни истади. Гур хони ўлкаларининг бошқа-бошқа эканини сабаб қилиб кўрсатиб, унинг бу истагини рад қилди. *Шеър*:

[Сен Сурайё юлдузи билан Сухайл юлдузининг бирлашишини хоҳлаяпсан. Аллоҳ сенга умр берсин. Улар қандай қилиб бирлашадилар?]<sup>187</sup>

Шу сабабли султон Усмоннинг қалби қаттиқ ўртанди. Гўрхоннинг ҳарбий бошқарувчиси ва солиқ ундирувчи маъмурларига совуқ муносабатда бўла бошлади. Шу тарзда султон Усмон билан Гўрхон ораларидаги совуқ муносабат борган сари кескинлаша борди.

Бундан бошқа теварак-атрофдаги мамлакатлар ҳукмдорлари ва давлат арбоблари мусулмон бўлиш учун берган ҳақи билан, ислом мамлакатлари султонлари ҳисобланган султон Усмонни Гўрхондек бир мушрикка итоат қилгани ва унга жузья тўлагани учун танқид қилар ва агар буни кучсизлигидан қилаётган бўлса, нега ислом ўлкаларидан ёрдам сўрамайди, деяётганди. Бу борада улуғ Аллоҳ

<sup>186</sup> Абу Наср Муҳаммад б. Абдуллоҳ Жаббор Утбийнинг (вафоти 1036) “Тарихи Яминий” асари ҳақида қаранг: Бартольд, ўша асар. Б.19.

<sup>187</sup> Машҳур шоир Умар б. Абу Робийон (ваф. 719) шеъри.

шундай буюради: “Улар мўминларни қўйиб кофирлар билан дўст тутинадилар, ўша кофирлардан куч-қудрат излайдиларми? Бор куч-қудрат бутунлай Аллоҳникидир”.<sup>188</sup>

Ўша пайтда Султон Муҳаммаднинг куч-қудрати ва ҳайбатини ҳамма билган ва мамлакатининг худуди кенгайган, унга тобе бўлмаган мамлакатлар халқлари ҳам ҳатто даврюзага чиқарган воқеалар туфайли унга (Султон Муҳаммадга) тобе бўлишни хоҳлаган эдилар. Ҳодисалар келтирган фалокат ва Гўрхонга келган нохушликлар Султоннинг фойдаси учун ишлаётганди. Бундай вазият олдида султон Усмон Султон Муҳаммадга элчилар юбориб, Мовароуннаҳр масжидларида Султоннинг номини хутбада ўқитди. Ҳамма томонга анбар ҳид таратиб, унинг лақабига танга зарб килдирди.

Султон Муҳаммад қорахитойликларга қарши қилган жангда султон Усмон унга ўзининг тобелигини кўрсатиб, Султон Муҳаммаднинг ёнидан жой олди. Жангдан сўнг Султон Муҳаммад салтанат садафидаги мавжуд дурни ва саодат осмонидаги тўлин ойни султон Усмонга хотинликка берди. Тўйларни ўтказиб, ораларидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш учун султон Усмонни ҳам ўзи билан бирга Хоразмга олиб кетди. Унга бир султон бошқа бир султонга муомала қилганидек муносабатда бўлди. Никоҳдан кейин султон Усмон ўз уйига қайтиб кетишни истаган бўлса ҳам Туркон хотун иззат-икром нишонаси сифатида куёв бир йил давомида кизнинг уйида қолиши одатига кўра, уни яна ўша жойда олиб қолишни хоҳлади. Султон Муҳаммад иккинчи марта Қорахитой устига юриш қилганида Самарқандга ҳам кириб ўтди. Самарқандликлар султон Усмонни Султоннинг ёнида кўришмагач, безовта бўла бошладилар. Ҳар бошдан бир овоз чика бошлади. Шундан сўнгра Султон ишончли одамларидан бир гуруҳини султон Усмонни хотини билан бирга олиб келиш учун Хоразмга юборди. Хоразмда султон Усмонни султонларга лойиқ тарзда кузатиб, оқ йўл тилаб, ёнига аскар ва хизматчиларини берди. Султон Хоразмга қайтиб келгач, кизидан хабарчилар келгунича куёвининг кундан-кунга мақомини оширди. Султоннинг кизидан келган хабар эса султон Усмоннинг Султонга қарши душманлик фикрида тургани, Гўрхон унга кизини бергани учун у яна Гўрхон билан дўстлик муносабатлари ўрнатгани билан алоқадор эди.

Бундай вазиятда Султон (Муҳаммад) бир муддат тишипи тишига қўйиб сабр қилди ва ғазабини ҳеч кимга билдирмади. Лекин ўзига ҳамроҳлик қилиб, уни кузатиб борган Хоразм аскарларини султон Усмон ўлдирганини Самарқанддан келганлар айтгач, ичида сақлаб келаётган ғазабини ошкор қилди. Унинг ғазаби сабр-тоқатини енгди. Султон Усмон қардоши Ўтеген ҳақида яхши фикрда эди, мамлакат бошқарувини унинг қўлига топширишни истарди. Султон Муҳаммад Усмоннинг қардоши Ўтегенни хибсга олишни буюрганидан сўнг Самарқандга юриш қилди. У ерга боргач, қалъа дарвозаларини ёпик ҳолда кўрди. Оҳунинг ов шерига қарши тураолмагани каби ўзининг ҳам Хоразмшоҳ қўшинига қарши тураолмаслигини англаган султон Усмон бир қилич, бир кафан билан<sup>189</sup> Султоннинг ҳузурига келди. Шунга қарамасдан Султон уни қатл қилишга буюрди. Хоразмшоҳ ўн мингга яқин мусулмонни ўлдиршига фармон бергач, самарқандлик саййидлар, солиҳлар, имом ва олимлар қўлларида Куръони каримни ушлаб туриб, Султондан шафоат тиладилар. Уларнинг истакларига қарши турмаган Султон аскарларига қиличини кинга солишни буюрди. Султон Усмонни ҳузурига олиб келишган пайтда унга юзланиб: “Эй ҳосиятсиз одам, мен билан кўпол муносабатда бўлиб, кизимни менсимайсан, у энди сенинг хотининг эмас. Бундай одамийликка тўғри келмайдиган ҳаракатларни қандай қила олдинг?”, – деб уни қойиди. Султон Усмон уялганидан бошини эгиб, ҳеч қандай жавоб бермади. Султон унинг жонини олишни хоҳламади. Лекин Хонсултон исмли кизи унинг омон қолишини истамагани туфайли 609/1212-1213 йилда бир кечаси унинг ҳаётига нукта қўйдилар.

Султон Усмон ўлдирилиши сабабли Султон Самарқанд халқининг кўнглини олди. Фарғона ва Туркистон амирларига элчилар юбориб, уларни амри остига киришга даъват қилди. Мудофаа учун бир ҳарбий қисмни Сифижобга<sup>190</sup>, бир ҳарбий қисмни қайта кучлантириб ҳужумга ўтмаслиги учун Гўрхон устига юборди.

Кўчлук Султон кучларининг қуввати устун эканлигини англагач, Султонга элчи юбориб, Гўрхонга қарши амалий ҳамкорлик қилиш ҳақида у билан келишиб олди. Келишувга кўра, агар Султон олдинроқ ҳаракат қилиб, Гўрхонни йўқ қилса, у ҳолда Хўтан ва

<sup>189</sup> Ҳаёти ва ўлими қарши томон кулида эканлигини билдирувчи ибора.

<sup>190</sup> Тошкент шимолий-шарқида, Чимкентдан олти ярим мил шарқда ва бугунги Сайрам йўли устида жойлашган Исфижобнинг аввалги номи.

<sup>188</sup> Куръони карим, 4:139.

Кошғар Султонники бўлади, агар Кўчлук олдинроқ ҳаракат қилиб ишни амалга оширса, у ҳолда Фанокат дарёсигача бўлган минтақа унга қолади. Шунга кўра Султон Муҳаммад кетма-кет Гўрхоннинг устига аскар юборди. Бу ҳужумлар натижасида аскарлари то Беш-балиққа қадар илгарилади. Ўша пайтда Султон пойтахт сифатида Самарқандни танлади. У ерга жойлашганидан сўнг буюк бир мас-жид билан иморатлар қурди.

Бу орада шу ҳодисани ҳам ҳикоя қилайлик: Султоннинг ҳарамни тотор (мўғул) қўшини кўлига тушгач, султон Усмондан нафратланиб, уни ўлдиртирган Султоннинг қизи Хонсултон Эмилда яшовчи бўёқчининг кўлига тушди. Унга ошиқ бўлди ва то ўлгунча ундан ажралмади.

#### XIV. СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН ҲАҚИДА

Кишиларни васвасига солувчи шайтон Султон Муҳаммаднинг қалбига шундай даҳшат солган эдики, у сон-саноксиз мўғул аскарларидан қутилиш ва улардан узоқлашиш учун ернинг қаърига тушиш учун бир йўл, осмонга чиқишга эса бир нарвон излаётганди. Тотор (мўғул)лар қаршисида чекиниш пайтида Самарқандга кириб ўтган вақтида узоқ йиллардан бери оғир кунлар учун тайёрланган жангчи йигитлар шаҳар ва қишлоқларимни мудофаа қилсинлар, деб у ерга юборди.

Султон Муҳаммаднинг ўғиллари орасида ёш жиҳатидан каттаси, жасорат ва билим жиҳатидан устун, салтанат тожи ва илоҳиёт чироғининг нури Султон Жалололиддин эди. *Шеър* (арабча):

[У Аллоҳнинг ер юзидаги сояси наслдан. Султонлар орасида исми тилга олинганида ҳамма унга ҳамдусано айтади. Атрофида ёши улуғ ва ёш подшоҳлар сафланиб турган пайтда ҳаммаси бўйин эгиб, унга итоат қиладилар]

Бошқа укаларининг вақтичоғлик қилиши ва дунё неъматларига берилган бўлишига қарамасдан Султон Жалололиддин ҳеч қачон отаси ёнидан айрилмасди, давлат ишларида унга ёрдам берарди. Отаси тўғри йўлдан узоқлашганида ва хато ишлар қилган пайтларида уларни юзига айтарди. У отасига “қўшинни гуруҳларга ажратиб, айрим-айрим ҳолда уларга топшириқ бериш, ҳали душманни кўрмасданоқ қочишга уриниш, давлат ва ақл соҳибининг қиладиган

иши эмас, разил бир одамнинг йўлидир. Агар Султон душманга қарши туришга, у билан жанг қилишга ва ўзини таҳликага қўйишга аҳд қила олмаса ва қочиш фикрида бўлса, у ҳолда фурсатни бой бермасдан ва оёқларимиз ҳалокат боткоғига ботмасдан жасур ва мард аскарларнинг бошқарувини менга топширсин. Акс ҳолда, одамлар сақич каби бизни тилларида чайнаб танқид қиладилар ва биз пушаймонлик селига дучор бўламиз, рўй беражак ёмон ходисалар қаршисида ожиз қоламиз” деди. *Шеър*:

[Тақдир уйғоқ бўлмаган бир даврда бундай бир ёмон ҳодисанинг бошга келиши қутилмаган бир иш эмасдир]<sup>191</sup>

Бунга жавобан отаси: „Эзгулик ва ёвузлик вақти азалдан тайинланган. Қилинган ишларнинг тартиби, тамали, зарари олдиндан белгиланганидек, қазо ва тақдир дафтарига ҳам ёзилган. Агар бирор ҳодиса рўй бериб, яхши-ёмон таъсирини юзага чиқарса, у ҳодисанинг олдини олиш учун бирор ишларни қилиш билан қилмаслик иккаласи ҳам бир нарсадир. Одамлар фалокат ва шиддатли ҳодисаларга ўзларининг жоҳиллиги туфайли қарши туришга интиладилар, лекин улар охир-оқибатда рўй беражак воқеаларнинг олдини ололмайди. Фалакнинг қандай ўйинлар ўйнамоқчи эканлиги аниқ эмас. Бундай ҳолда заҳмат чекиш, кучаниш ярамайди. Ҳар тўлин ойнинг бир ҳилоли бўлганидек, ҳар баркамолликнинг ҳам бир қусури бордир. Ҳар қусур ҳам баркамолликка томон йўналади. Ҳатто кўзимизнинг оғриши ҳам фалакнинг гардиши билан олдиндан пешанамизга ёзилиб қўйилган бўлади. Тақдир селини тўхтатиб қолиш иложсиздир. Унинг оловини ўчириш бизнинг ишимиз эмас. Фалак томонидан бузилган бир ишни қайтадан тузатишга меҳнат ва ғайрат, жанг ва курашнинг фойдаси йўқ, бунга куч-қудрат етмайди. Унга қарши туриш эса ғам-ғусса ва балони орттиришдан бошқа бир ишга ярамайди. Очик-ойдин суратда бўйнида сиртмоқ бўлган бир одамни фақат ўлимгина ундан кутқара олади. Ғазаб, адоват ва зулм ақлсизликдан бошқа нарса эмас. *Шеър* (арабча):

[Агар фалакнинг қўли бизга узаниб, унинг фалокати бизга зарар келтирса, кўрмоқчи бўлган чора-тадбиримиз қуёш ва ой юзини қопласа-да, осмонда янада кўпроқ юлдузлар бор]<sup>192</sup>

Султон мана шу тарзда мантиқсиз фикрни илгари сурар, ўгли унинг қарашларига қарши чиқишини хушламас, ўғлининг ўз ёни-

<sup>191</sup> “Шохнома”, Вуллерс нашри. Б.464.

<sup>192</sup> Шамсул Маолий Вашингтоннинг шеъри.



дан кетишига рухсат бермас эди. Султон Муҳаммад бу кўхна дунё саройининг заиф тупроғидан нафис гулбоғига юргач, Султон Жалололиддин укалари ва санокли бир қанча кишилари билан Обескун соҳилига борди ва мана шу байтни айтганини эшитдилар. *Шеър* (арабча):

[Бўшашиб ўтирманг, кўзингизга чўп тушар. Ер юзида ишонса бўладиган дўстлар ва найзалар бор]<sup>193</sup>

Султон Жалололиддин мардлар майдонида от суриб фалак келтирган ҳодисалардан устун чиқиб, ҳар томонга ёйилиб кетган фитна чанг-тўзонини тарқатиб юбориш, қазо ва тақдирнинг жафо кинидан чиқарган қиличи шиддатини йўқ қилишни истарди. *Шеър* (арабча):

[Мен саховатлиликини орзу қиламан. Чунки у ичи буюклик билан тўлган бир нафс ҳосилидир]

Ҳақиқат денгизининг ғаввослари биладиларки, бирор кишининг тақдири ёмон томонга ўзгарса, у жафога яқинлашади ва ортик ҳеч қандай тарзда вафо юзини кўрмайди. Ғазаб ва адоват тишларини қайрайди. Ундан энди ортик ширин бир сўз кутмаслик лозим.

Бахт бир марта кўлдан чиқса, уни ортик кўлга киритиш мумкин эмас. Бировнинг ғурурини синдиргандан сўнгра унга қилинажак яхшилик ҳеч нарсага арзимайди. Қаршисидаги одамга душманлик кўрсатиб қошини чимирган бир кишидан тинчлик ва муроса кутиш мумкин эмас. Тақдири чаппа кетган киши қанчалик ҳаракат қилмасин ҳузур топмайди. У атиги тирноқчалик тесқари кетса, уни тузатиш учун бармоғингни кимирлата олмайсан. *Шеър* (арабча):

[Нафсим бир нарсадан қочса, фалак уни кайтадан кўз ўнгимга келтирар]<sup>194</sup>

Шунинг билан бирга тақдир бир неча кун ичида хас-ҳашак ичидан ўсган майса каби яшнаса ҳам “Сўнгра (кузда) шамол совуриб юборадиган хас-ҳашакка айланиб қолиур”<sup>195</sup>.

Қайсар фалак билан узок муддат машғул бўлиш ва ўзгарувчан фалакка қарши туриш огир бир иш эканлиги Султон Жалололиддинга маълум бўлган ҳодиса эди. Ҳар бир ишнинг боши тақдири азалдир.

“Унинг тақдири на орқага қайтарилади ва на ҳукми бузилади”. Учиб кетган бахтни орқага қайтариш ҳеч бир инсон боласининг кўлидан келадиган иш эмас. Зотан, дунёнинг ўзи бир бало тузоғидир, алдоқчи ва ўйноқи бир гўзалдан бошқа нарса эмас. *Шеър*:

[Дунёнинг ташвишини бир томонга ташла. Чунки кун кўрган одамлар ҳам бу дунёнинг соҳилини кўра олмадилар. Нега беҳуда афсона ва изтиробга кўнгил боғлайсан? Чунки дунёнинг бергани азоб ва қайғудан бошқа нарса эмас?]

Иқбол ва давлат Такиш хонадонидан бутунлай юз ўтирган, саодат юлдузи ўз ўрнидан бошқа ёққа кўчиб, бахтсизлик юлдузи унинг ўрнини эгаллаган эди. Бу ҳолатни ўзгартириш ҳам мумкин эмасди. Чунки “Сен хоҳлаган кишинга ҳукмронлик ато этурсан”<sup>196</sup> жумласи Чингизхон ва унинг ўғиллари давлатининг пешонасига ёзилган ва ўша ҳукм уларнинг фойдасига содир бўлган эди. Гўёки “Хоҳлаган кишингдан ҳукмронликни тортиб олурсан”<sup>197</sup> ҳукми душман аҳволини англаувчи саҳифаларда ёзилган эди. Уни англаш инсон ўғлининг иши эмас. Султон Жалололиддин отаси Султон Муҳаммаддек тилга тушиб, танқид қилинишни истамаётган эди. *Шеър* (арабча):

[Юксакликни унинг даргоҳидан иташинг лозим. Орзу-истакларинг амалга ошмаса, бунда менинг айбим йўқ]<sup>198</sup>

Султон Жалололиддин мўғул қўшинининг Ироқ томонга қараб йўналганини билгач, Мангқишлокқа<sup>199</sup> кетди. У ердан Хоразмга хушхабар юборди. Унинг ёнида отаси томонидан валиаҳд қилиб тайинланган Ўзлук султондан бошқа Оксултон ҳам бор эди.

Ўша пайтда катта амирлардан Нуҳ паҳлавон Ўзлук султоннинг тоғаси Куч Ойтегин, Ўғул Хожиб, Темур Малик ва тўқсон минг қангли аскарлари Хоразмда ўз жойларини эгаллаган эди. Султон Муҳаммад ўлимидан олдин Хоразмшоҳлар давлати бошига Туркон хотуннинг арзандаси, ёши кичиква ақли пастроқ Ўзлук султонни тавсия қилган эди. Шаҳзодалар Хоразмга келган пайтда султонлик ҳақида турли қарашларни ўртага ташладилар. Ўзлук султоннинг заифлиги ва давлат катталари билан келиша олмаслиги туфайли у золим, халқи эса маҳкум ҳолга тушди. Кўполлик қуввати кучли,

<sup>193</sup> Утбий томонидан нақл қилинган Шамсу-л-Маолий Кобуснинг мадҳи ҳақида Абу Бакр Хоразмийнинг қасидасидан.

<sup>194</sup> Ҳамоса шоирларидан ҳисобланган Маън б. Аус шеъри.

<sup>195</sup> Қуръони карим, 18:45.

<sup>196</sup> Қуръони карим, 3:26.

<sup>197</sup> Қуръони карим, 3:26.

<sup>198</sup> Абу Бакр ал-Хоразмий қасидасидан.

<sup>199</sup> Каспий денгизининг шарқий соҳилидаги ярим орол.

лекин билими ва ақли оз бўлган эди. Мамлакат тинчлиги, мустаҳкамлигини ўйлаган кишилар бунинг акси бўлган “кучли ва мустаҳкам шахсият эгаси Султон Жалолоддин бошлиқ бўлса, ҳамма ўзига муносиб мақомга келади, ҳар ким ўз ҳаддини билиб, оёқларини ўша чегарадан ташқарига боса олмайди” деган фикрни ўз хаёлларидан ўтказаётган эдилар. *Шеър* (арабча):

[Арқон оёқ учун, гўзал тож қошларнинг усти учун, нафис маржон эса бўйин учундир]<sup>200</sup>

Аскар ва халқ, давлатнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган тажрибали кишилар ва олимларнинг кўпчилиги Султон Жалолоддин тарафини олиб, унга ён босиб, унга ўзларининг боғлиқ эканлигини кўрсатдилар. Ака-укалар орасида мустаҳкам севги, меҳр-оқибат ришталари ва бирдамлик бор эди. Лекин амирлардан бир гуруҳи ўзаро режа тузиб, Султон Жалолоддинни йўқ қилишни хошлаётган эди. Уларнинг орасидан биттаси<sup>201</sup> Султон Жалолоддинга вазиятни хабар қилгач, уларнинг тузган режалари барбод бўлди. Жалолоддин мамлакат бошқаруви борасида турлича карашлар борлигини англагач, тахтга ўтириш ишини бошқа пайтга қолдириб, Хоразмдан чиқиб, Насо йўлидан Шодияхга томон равона бўлди. Устувога боргач, Шоёқон тепалигида тотор (мўғул) қўшини билан тўқнашди. У ёнидаги кам сонли аскарлари билан шердек жанг қилди. Агар унинг ўрнида ҳатто Рустам Зол ўғли бўлса ҳам қочишдан бошқа нарсани ўйламаган бўларди. Лекин у дунёнинг катрон рангли кафанини кийгунга қадар душманга қарши турди. *Шеър*:

[Кўмондон бошқарувни аждаҳоларга қолдирди. Улар чиқарган чанг-тўзон ёруғ дунёни қоронғу қилди]<sup>202</sup>

“Аmmo у вақт азобдан қочиб қутилиш вақти эмас эди”<sup>203</sup> ҳукмида айтилганидек, мушкул аҳволда қолганида ҳам у ўша қўлдан қутилди. Султон Жалолоддин Хоразмдан чиқиб кетганидан хабордор бўлган рақиблари кўпчиликдан иборат қўшин билан унинг кетига тушдилар<sup>204</sup>. Эртаси куни йўлда Султон Жалолоддин билан жангда, мўғул қўшини билан дучлашганда қўшин бошида турган Ўзлук султон, Оксултон ва бошқа қўмондонлар қуёш нурлари

<sup>200</sup> Абул Аъло ал-Маарий шеъри.

<sup>201</sup> Насавий фикрига кўра, бу одам Ўғул Ҳожиб. Тарж. Хаудас. Б.96.

<sup>202</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.451.

<sup>203</sup> Қуръони карим, 38:3.

<sup>204</sup> Ўзлук султон, Оксултон ва унинг одамлари ҳақида қаранг: Насавий (тарж. Хоудос, 103).

қаршисида тарқалиб кетган юлдузлардек тарқалиб, қоча бошладилар. Уларни кўрган аскарлар ҳам жанг қилишни бас қилиб, ўз жонларини қутқаришга ҳаракат қилдилар. Қисқа бир муддатдан сўнг давр султонлари тотор (мўғул) шайтонлари қўлига тушди. Давлатнинг машҳур арбоблари ва аскарларининг кўпчилиги бўри ва чия-бўриларга ем бўлдилар. Асоратга солинган султонлар эса оталари аввалги шоҳларга қилган ишларининг жавоби сифатида тупроқостига юборилдилар. Балки улар ҳам бўри ва ваҳший ҳайвонларга ем бўлгандир. “Ҳукм оламлар Рабби Аллоҳникидир”. *Шеър*:

[Агар бир томондан кучли шамол эсса, хом мевани ҳам ерга туширар. Бу ҳолда у шамолни золим ёки одилми дея олмаяжак-миз?]<sup>205</sup>

Султон Жалолоддин Шодияхга боргач, жангга тайёргарлик кўриш учун у ерда икки-уч кун қолди. Сўнгра, ниҳоят бир кечаси ярим тунда, *шеър*:

[На қуш овози ва на ваҳший ҳайвонлар увлашлари бор эди. Замон яхшига ҳам, ёмонга нисбатан ҳам ўз тилини тийган эди]<sup>206</sup>

617 йил зулҳижжа ойининг 15 куни (1221, 10 феврал)да худди яшиндек ўрnidан туриб, Аллоҳга ишониб, отаси ўлимидан аввал унинг учун хизмат вазифаси деб белгилаган Ғазна томон йўлга чиқди. У ўша ердан чиқиб кетганидан мўғул қўшини у ерни қуршаб олди. Султоннинг у ерда эканлигини билар-билмас душман дарҳол унинг кетига тушди. Султон мўғулларни қалғитиш учун икки йўл кесишган жойда қолдирган Маликулдирак қўмондонлигидаги ҳарбий қисм билан тўқнашдилар. Маликулдирак улар билан бир соатча жанг қилганидан кейин фурсат топиб, Султон юрмаган йўлдан отини суриб қоча бошлади. Шундан сўнг тоторлар (мўғуллар) Султон ҳам ўша йўлдан кетган, деб ўйлаб унинг кетига тушди. Шу тарзда Султон ишонган оти чўлок бўлишига қарамасдан қирқ фарсах илгарилади. Мўғул қўшини ҳам уни излашдан воз кечиб, ўша йўлдан орқага қайтиб кетди. Ўша оралиқда Султон Завзонга борди ва отларни тўйдириб, бир муддат даъм олишни истади. Лекин у ернинг халқи Султонга юз очиб муомала қилмади. Султоннинг мўғул қўшини келаётгани ва уларга қарши қалъа деворларини мустаҳкамлаш кераклиги ҳақидаги гапларига ҳам қулоқ осмадилар.

<sup>205</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.433.

<sup>206</sup> Ўша асар. Б.1065.

Унга жавобан “Мўғул қўшини келиб, сенга хужум қилгач, биз ҳам уларга орқа томонидан хужум қилиб, уларни енгамиз” деб жавоб бердилар. Бу борада Куръони каримда бир оят бор: “Улардан таом сўраган эдилар, уларни меҳмон қилишдан бош тортишди”<sup>207</sup>. Сўзнинг қисқаси, Султон Завзанинг катталаридан эътибор кўрмагач, у ердан чиқиб, Мобиз хонободга<sup>208</sup> борди ва ярим тунда у ердан кетди. У кетган туннинг эртаси эрталаб мўғуллар у ерга бордилар. Султонни Хирот қасабаларидан ҳисобланган Бордуяга қадар таъкиб қилиб орқага қайтдилар.

Султон ўз йўлида давом қилиб, Ғазнага бораётганида эллик минг кишилиқ қўшинга эга бўлган Амин Малик томонидан кутиб олинди. Халқ унга катта меҳр-мухаббат кўрсатди. Амин Маликнинг кизига уйланган Султон ўша киш фаслини Ғазнанинг Майдо-ни сабз маҳалласида ўтказди. Султоннинг ўша ерда эканини билган, эшитган теварак-атрофдаги халқ тўда-тўдабўлиб, унинг хизматига шошилдилар: “Шунда улар сенга (Каъбага) пиёда ва ҳар қандай туяда узок йўллардан келурлар”<sup>209</sup> оятида айтилганидек бўлди. Бу орада Султон Иғроқ қирқ минг кишилиқ бир қўшин билан Султоннинг хизматига кирди. Айнан шу тарзда Ғур амирлари ҳам унинг ёнида ўз жойларини эгалладилар. *Шеър:*

[Ҳамма ёқдан аскарлар келиб, унинг ёнига тўпландилар. Келганлар ҳам насл-насабли, ҳам жангчи эдилар]<sup>210</sup>

Султоннинг ишишу тарзда йўлга тушди ва аскарларининг сони ортиб борди. Баҳорнинг илк кунларида гуллар очила бошлагач, Ғазнадан чиқиб Парвон<sup>211</sup> йўлини тутди. У ерга боргач, Тақажук ва Мулғор қўмондонлигидаги мўғул қўшини Валиён<sup>212</sup> қалъасини қуршаб олгани ҳақида хабар олди. Дарҳол ўғилларини Парвонда қолдириб, қўшини билан Тақажук ва Мулғор устига юриш қилди. Тотор (мўғул) қўшинидан юзтачасини ўлдирди. Сон жиҳатидан Султон қўшини устун эканлигини кўрган мўғуллар дарёни<sup>213</sup> кечиб ўтиб, кўприкни бузиб ташладилар. Шу тарзда дарё икки қўшин орасида чегара бўлиб қолди. Томонлар бир-бирига ўқ ёмғирини

ёғдирдилар. Окшом тушгач, мўғул қўшини турган жойини тарқ этиб, у ердан узоклашди. Султон ҳам қўлга туширган озиқ-овқат ва кийим-кечакларни аскарларига тарқатганидан сўнг Парвонга қайтиб кетди.

Ўша жанг хабари Чингизхонга етиб боргач, у Султоннинг ўз аҳволини яхшилаб, ишини йўлга қўйганини англаб этди. *Шеър:*

[Афросиёбга Сухробнинг дарёга бир қайикни туширгани хабари келди. Шундан сўнг аскарлар орасидан кўп сонли суворий ва тажрибали жангчилар танлаб олинди]<sup>214</sup>

Чингизхон Шиғий Кутқуни ўттиз минг аскар билан йўлга чиқарди. Султон Парвонга борганидан бир ҳафта сўнгра Мўғул қўшини эртадан то тушликкача шаҳар олдида кўринди. Султон шаҳардан бир фарсах ташқарига чиқиб, мўғул қўшиникаршисида турди. Амин Маликка ўнг қанотни, Сайфиддин Малик Иғроқка эса чап қанотни омонат қилиб, ўзи марказдаги ўрнини эгаллади. Кейин қўшинларига амр қилиб, барча отликлар жангга кириши ва жангда чекинмасдан қатнапишни маълум қилди. Ўн минг суворийдан ташкил топган ўнг қанот Амин Малик қўмондонлигида мўғулларнинг чап қанотига хужум қилди ва уларни ўз жойларидан суриб ташлагач, мўғуллар ўнг қанотидан ва марказдан чап қанотга ёрдам кела бошлади. Кейинроқ эса ўнг ва чап қанотлари тарқалиб кетган мўғул қўшинини марказда сиқиб қўйдилар. Шиддатли кечган бу жангда ҳар иккала томондан ҳам кўп сонли инсон ҳаётини бой берди. Енгилган енгган маълум бўлмади. Охирида қуёш ботиб, окшом пайти бўлгач, ҳамма ўз жойига қайтиб чекинди. Мўғул қўмондони ҳар аскарнинг ёнида бир захирада от бўлишини буюрди. Эртаси кунни фалак жангчилари қиличинини туннинг бошига ургач, иккала томон яна жангга киришди. Султон қўшини мўғуллар орқа тарафидаги янги бир сафни кўргач, уларга ёрдам келганини тушуниб, саросимага тушди. Бу вазият олдида баъзилари қочиб, Босто ва Тирох<sup>215</sup> тоғларидан паноҳ топиш таклиф қилинди. Лекин Султон уларнинг таклифини қабул қилмади. *Шеър* (арабча):

[Ҳаяжонланган ёки жўшган вақтида жойингда тур, бу хатти-ҳаракатинг билан мадҳ этилажаксан, дерман]<sup>216</sup>

<sup>207</sup> Куръони карим, 18:77.

<sup>208</sup> Ёки Мобижонобод, Завзанинг Хоф қасабасига қарашли бир қишлоқ.

<sup>209</sup> Куръони карим, 22:27.

<sup>210</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.445.

<sup>211</sup> Чоракорнинг шимолий-шарқида Ғурбонд билан Панжшир дарёлари туташган жойда.

<sup>212</sup> Чоракорнинг шимолдаги бугунги Валиён Қўтоли.

<sup>213</sup> Тахминан Панжшир. Бартольд, Туркестан. С.442.

<sup>214</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.445.

<sup>215</sup> Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбидаги тоғлик бир ўлка.

<sup>216</sup> Амр б. Интоба ал-Ҳазратий шеъри.

Олдиндан қарор қилганидек, Султон суворийлари отларидан тушдилар. Султон ўнг қанотини кўпчиликдан ташкил топган ва кучли эканини англаган мўғуллар Иғроқ бош бўлган чап қанотга хужум қилдилар. Иғроқнинг аскарлари ёйларини ўкка тўлдириб, қарши томонни ўкка тутдилар ва хужумни тўхтатиб қолдилар. У ерда муваффақиятга эриша олмаган мўғул аскарлари марказга қараб тўғри йўналгач, Султон катта дўмбирани чалишни буюрди. Катта дўмбиранинг овозини эшитган аскарларнинг ҳаммаси олдин тушган отларига миниб, бирданига хужумга ўтдилар. Аввал бошда орқага чекинган мўғул қўшини орқага қайтиб, жанг қила бошлади. Султоннинг беш юзтача жангчисини ерга қулатди. Султон бу аҳволни кўриб, худди саҳродаги шердек ва қутурган дарё тимсохи каби у ерга етиб боргач, мўғуллар енгилб бузгунга учради ва қоча бошладилар. Ҳар иккала нўён<sup>217</sup> ҳам ортда қолган камсонли аскарлари билан Чингизхон ёнига қайтди. Султон эса ўлжаларини тўплаш билан машғул бўлди.

Ўша жангдан кейин Аминиддин Малик билан Сайфиддин Иғроқ орасида бир от туфайли ғавғо келиб чиқди. Аминиддин Малик Сайфиддин Иғроқ бошига бир қамчи урган бўлишига қарамасдан Султон уни жазоламади. Қангли қисмлари ҳам Иғроққа нисбатан ишончи бўлмагани учун Аминиддин Маликнинг жазоланишини қаттиқ туриб талаб қилмади. Шундан сўнгра Иғроқ окшом пайти бўлгач, Жабола б. Айхом<sup>218</sup> йўлга чиқиб, Кирмон ва Санқуран тоғларига қараб кетди. *Шеър* (арабча):

[Одамлардан уялганим учун урдим ва енгдим. Агар сабр қила олганимда эди, унга ҳеч бир зарарим тегмасди]<sup>219</sup>

<sup>217</sup> Тахминан Такажук ва Мўлғор.

<sup>218</sup> Ҳассонли подшоҳлар охириги, аввал мусулмон бўлиб, кейин насронийликка ўтган эди. Унинг насроний бўлиши сабаби шундай: Жабола Шом кўчаларидан ўтиб кетаётганида отининг такаси тушиб қолиб, бир такачининг ёнига борди. Такачи уста билан баҳсга киришиб, уста уни кафти билан уради. Шундан сўнгра Жаболанинг одамлари дарҳол такачи устани ушлаб, қози Абу Убайда ҳузурига олиб борадилар. Қози Жаболага: “Унинг сени урганини кўрган одам борми,” деб сўраганида Жабола таҳдид қилиб, “Менинг гапларимга ишонмасдан бир гувоҳ истайсанми”, деди. Ўша пайт қози “У сени қўлининг кафти билан бир урган бўлса, сен ҳам уни шу маромда ургин”, деди. Бу қарордан сўнг шошиб қолиб: “У мени ургани учун ўлдирилмаяжакми?” деб сўраб “йўқ” деган жавобини олгач, “Аллоҳ фақат қонга-қон, жонга-жон, яъни бир урушга бир уруш билан жавоб беришни амр қилган” деган изоҳни эшитгач, Жабола нима қилишини билмай, Рим миптақасига ўтиб кетган ва у ерда насронийликка кирган, умрининг охиригача насроний бўлиб қолган.

<sup>219</sup> Насронийликка ўтмасдан олдин Жабола б. Айхом айтган шеър.

Иғроқнинг бошидан ўтган воқеаларни алоҳида бир бўлимда<sup>220</sup> ҳикоя қиламиз. Иғроқ ажралиб кетганидан сўнг Султоннинг кучи камайди. Аҳволи оғирлашди. Синд дарёсини кечиб ўтиш учун Ғазнадан чиқиб кетди. Ўша пайтда Толиконнинг ишини ҳал қилиб, Чингизхон Султон аскарларининг тарқалиб кетганини кўргач, қасдини олиб, уни йўқ қилиш учун қутурган қалбидан бир селга ўхшаган интиком ўтди, ёмғирдек кўп сонли қўшин билан яшин тезлигида Султон устига қараб юриш қилди. Султон Чингизхон келганини билгач, жанг қилиш олови билан ёниб турган бир қўшинга ва жаҳон подшоҳига қарши турадиган даражадаги аскари йўқ эканини англагач, Синд дарёсини кечиб ўтишга қарор қилди. *Шеър*:

[У подшоҳ жангда бир аждаҳога ўхшайди. Нафаси интиком олиш учун бало сочувчи булутдан фарқсиздир. Афросиёбнинг номини эшитган он тоғни талқон қилиб, суви тўла бир қўлга айлантирар]<sup>221</sup>

Унинг фармонида кўра, Синд дарёсидан кечиш учун қайиқларни тайёрладилар. Мўғуллар чалғиб, вақтни бой бериши учун Ўрхон ҳарбий қисми жаҳон фотиҳи Чингизхон илғор қисмларидан енгилб орқага қайтди. Султон ҳаракат қилганини билган Чингизхон шошилиш тарзда унинг олд томонини қуршаб олди. Қуёш нури дарё юзини ёритган, тонг сути уфқлар сийнасидан тўкилган пайтда Султон, бир томондан, олов каби ўтган жойини ёқувчи бир қўшин, бошқа томондан эса, Синд дарёсининг орасида қолган бўлишига қарамасдан ўз жасоратини йўқотмади, жанг оловининг ичига кириш учун тайёр ҳолда кутиб турди. Олдинги жангда олган зарбалардан йўлбарсга айланган у шер муҳолиф қисмларга хужум қилиб, интиком отини тўғрилади ва аскарларини жанг ҳолатига келтирди. Етти мамлакатнинг музаффар подшоҳи аввал Султоннинг Амин Малик қўмонданлик қилаётган ўнг қанотига хужум қилди. У қанотни жойидан силжитган мўғул аскарлари кўп сонли аскарларни ўлдирди. Амин Малик шунда ҳолда жонини қутқариш учун Пешоварга қараб қоча бошлади. Лекин аввалданок йўлини тўсиб олган мўғул аскарлари тарафидан ўлдирилди. Чап қанот ҳам ўз ўрнидан силжитилиб енгилгач, Султон етти нафар ўз одами билан марказда эрта тонгдан то тушгача қилич уриб, қаршилиқ кўрсатди. Ўша пайтда у чапдан ўнгга от чоптирарди, ўнгдан марказга ёрдам

<sup>220</sup> Қаранг: XXI бўлим.

<sup>221</sup> “Шоҳнома”, Вуллере нашри. Б.301.



беришга шошиларди, ҳар сафар жангга кирганда бир қанча одамни ерга кулатарди. Чингизхоннинг қўшини тобора қуршов халқасини торайтириб бораётган эди. Вазиятнинг умидсиз эканини англаган Султон кўз ёши ва лаблари қуриган ҳолда шон-шуҳратни бир томонга суриб, орқага чекинишга қарор қилди. Тоғасининг ўғли Ақош Малик<sup>222</sup> оти жиловини тутиб тушишга ёрдам берди. У ерда турган болалари, фарзандлари ва ёнган юраги, йиғлаган кўзлари билан видолашди. *Шеър* (арабча):

[Киши бахти очилишига қарамасдан ўйлаб чорасини кўрмаса, бой берар ва иши оғирлашар. Аммо эҳтиёткор киши келажакни кўради ва унинг бошига фалокат ёғилмайди. У даврнинг ҳукми, ўз ишини билади. Унинг бирор йўли беркилса, бошқаси очилади]

Кейин заҳирадаги отини олиб келдилар. У отга миниб, яна бир маромда худди тимсоҳдек бало денгизига ташланди. Олдиндаги мўғул аскарларини четга суриб ташлаб, отидан тушиб унинг жиловини чиқариб ташлади ва зирҳини устидан отиб юборди. Отга бир қамчи уриб, ўзини ўн беш, йигирма метргача пастликдаги дарёга ташлади. *Шеър* (арабча):

[Унга кўксимни очдим, аммо тўлғин сийна ва нафис бел лаззатланишдан воз кечди]<sup>223</sup>

Ҳайқирган шердек дарёдан кечиб ўтиб, қутилиш соҳилига етиб олди. *Шеър* (арабча):

[Ўлим унга даҳшат билан кўз тикиб турганида ҳатто тирноқучидек ҳамбирор из қолдирмасдан қуруқликка чиқиб олди]

Чингизхон унинг дарёдан кечиб ўтганини кўргач, отини соҳилга томон ҳайдади. Султоннинг кетидан дарёга сакрашни истаган аскарларига тўсқинлик қилди. Мўғул аскарлари Султон билан дарёга ўзларини ташлаган, Султоннинг аскарларини ўқ ёмғирга тутдилар. Ўша жангни кўрганлар дарёда кунларча қонлар оққанини айтдилар. Султон бир қилич, бир ўк ва қалқон билан бирга дарёдан кечиб ўтди. *Шеър* (арабча):

[Ҳали аввалданок қилмаганим ҳолда энди фаросатли бўлишга қарор қилдим. Унинг каби йиғлаган нечтасини тарк этдим]

Уни кўрганлар ҳайратдан ёқа ушлаб, шундай деди, *шеър*:

[Дунёда ҳеч ким ҳозир ҳам, аввал ҳам бундай қаҳрамон кўрмаган ва эшитмаганэди]<sup>224</sup>

Чингизхон ва мўғуллар ҳайратдан бармоқларини тишлаб қолдилар. Чингизхон уни узоқ кузатиб турганидан сўнгра ёнида турган ўғилларига ўгирилиб: “Мана шундай ўғилга эга бўлган ота нақадар бахтлидир! У сув ва олов каби иккита бало-казо гирдобидан ўзини қутқариб, соҳилга чиқди. У ҳали бизнинг бошимизга жуда катта балоларни солажак. Унинг қаршисида ақлли одам қандай қилиб гофил қола олади?” деди. *Шеър*:

[Унга дунёда билимли ва машҳур Золнинг ўғлидан бошқа бир тенг келадигани йўқдир. Уни мўғуллар севмаса ҳам мардликда шон-шуҳрати осмонни тутди]<sup>225</sup>

## XV. СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН ҲИНДИСТОНДА

Султон ўша иккитаҳлика орасидан, яъни Чингизхоннинг газаб оловидан ҳамда Синд дарёсининг гирдобидан қутилгач, фалакнинг сувга чўктира олмагани, бало-казо шамолининг совуғи ҳалокат тупроғига бора олмагани беш-олти киши билан ўрмондан паноҳ топди ва бир-икки кун ўша ерда кутди. Уларга яна элликта аскар келиб қўшилди. Бу орада Султоннинг душманни ўрганиш учун олдиндан юборган аскарлари Ҳинд қароқчиларидан ташкил топган пиёда ва отлик гуруҳнинг бир фарсах масофа яқинлигида жойлашгани хабарини етказди. Султоннинг буйруғига кўра, аскарлари ўзларига йўғон таёқ тайёрлаганларидан сўнгра ҳиндларга тунда хужум қилдилар. Уларнинг кўпчилигини йўқ қилиб, қуролларини ўлжа қилиб қўлга киритдилар.

Орадан кўп вақт ўтмасдан баъзилари от, баъзилари эса буқа, ҳўкизларга минган ҳолда гуруҳма-гуруҳ келиб, яна Султоннинг ёнидан жойларини эгалладилар.

Янги келганлар икки-уч минг кишилиқ ҳинд аскарларидан ташкил топган бир ҳарбий қисмни яқин атрофда эканлиги ҳақида хабар бергач, Султон юз йигирма аскари билан уларнинг устига хужум қилди. Уларнинг кўпчилигини қиличдан ўтказди. Улардан олган ўлжа билан ўз кучини янада орттирди. *Шеър* (арабча):

[Биздан ажралиб қолган қиличи билан яшар. Одамлардан ажралиб қолган эса ҳар вақт уларни излар. Ёш қиз нафис маржон билан овуниб вақт ўтказганидек, биз ҳам қилич билан машғул бўлиб вақтимизни ўтказамиз]

<sup>225</sup> Ўша асар. Б.1637.

<sup>222</sup> Насавийга кўра (тарж. Хуадас. Б.229, 309), Исфохон жангида ўлдирилди.

<sup>223</sup> Жоҳилия даврининг шоирларидан Таббата Шарраннын машҳур қасидасидан.

<sup>224</sup> “Шоҳнома”, Виллерс наشري. Б.1650.

Султоннинг Ҳиндистонда кучланиб, қувватга киргани ҳақидаги хабар ҳамма ёққа ёйилгач, беш-олти минг кишилик бир ҳинд ҳарбий қисми Балоло ва Никола<sup>226</sup> тоғларида тўпланиб, Султоннинг устига юриш қилди. Султон уларнинг келганидан хабар топгач, беш юз кишидан иборат бўлган отлик ҳарбий қисм билан уларга қарши чиқди. Кўпчилигини йўқ қилиб, тарқатиб юборди. Султоннинг муваффақиятини эшитган яқин-атрофда тарқоқ юрган аскарлар келиб, унинг ёнида тўпландилар. Бу тарзда Султон уч-тўрт минг кишилик бир қўшинга эга бўлди. Султоннинг қайтадан ўзини қўлга олиб, кучланганлиги ҳақидаги хабар жаҳон фотиҳи Чингизхонга Ғазнада эканлигида етиб келди. Чингизхон дарҳол Тўрбой Тўқшин қўмондонлигидаги бир қўшинини унинг устига юборди. Мўғул қўшинининг Ҳинд дарёсини кечиб ўтганлигидан хабардор бўлган Султон уларга қарши қўяжак аскарлари бўлмагани учун Дехлига қараб йўл олди. Унинг кетиб қолганлигидан хабардор бўлган мўғуллар ҳам орқага қайтиб Маликпурни<sup>227</sup> қўлга киритиб, уни талон-тарож қилдилар.

Султон икки-уч кун ичида Дехлига борди. Айнулмулк унвонли бир вакилини Султон Шамсиддинга элчи қилиб жўнатди. Чунки “Аслзода киши аслзоданинг холини тушунади”. Султон унга юборган хабарида “Тақдирнинг ғалати тасодифи мени сизнинг ёнингизга отиб юборди. Ҳозиргача роҳатли куним бўлмади. Агар дўстлик қадаҳларимизни юқори кўтариб, келишмовчиликни бир чеккага суриб, қардошлик риштасини кучайтирсак, яхши-ёмон кунларда бир-биримизга ёрдамда бўламиз. Шу тарзда қилинажак ишларни биргаликда бажарамиз. Битимга келишиб олганимизни билган замонак душманларимиз тишлари ўтмаслашади”, деб ундан ўзини бир неча кун меҳмон қилишини сўради.

Султон мактубни олгач, Шамсиддин (Элтутмиш) унинг жасорати, кучи ва билимининг ҳаммага маълум эканини кўзда тутиб, бир қарорга келишда қийналди. Бир неча кун қарорсиз юрганидан сўнг Султон мамлакатини қўлга киритиб олишидан қўрқиб, хафв-сираб “Айнулмулкка ҳужум қилиб, ташланиб уни ўлдирдилар”, деб бошқа бир элчи билан Султонга “Бу ер ҳар қанча ортдан гўзал бўлиб кўринса ҳам, об-ҳавоси ва суви Султонга муносиб эмас. Агар хоҳласа, ўзига бошқа бир жойни кўрсатай. У ерни исёнкорлардан

тозалаб, мулк қилиб олсин”, деган мактуб билан бирга кимматли совға-саломлар юборди.

Султон Шамсиддиндан келган бу хабарни олгач, у ердан орқага қайтиб Балоло ва Хилола ўлкасига келди. Тарқалиб, қочиб кетган аскарлар унинг атрофида тўпландилар. Жангдан кейин омон қолганлар унинг ёнидан ўз жойини эгалладилар. Мана шундай тарзда аскарларнинг сони ўн мингга етди.

Кейин эса Тожиддин Малик Холож қўмондонлигидаги қўшинни Жуд тоғлари<sup>228</sup> минтақасига юборди. Тожиддин у ерларни талон-тарож қилиб, кўп миқдордаги ўлжа билан қайтиб келди. У ердан бир элчини Рожа Кўкор Сангинга юбориб, ундан қизини истади. Рожа унинг бу истагини қабул қилди ва ўғли қўмондонлигидаги қўшинини ҳам унинг хизматига юборди. Унинг бундай хатти-ҳаракатларига жавобан Султон унга Қутлуғхон унвонини берди.

Ундан сўнгра Султон Ҳинд вилояти ҳокими бўлган ва султонлик хаёлида юрган, айни пайтда Рожа Кўкор Сангинга адоватини кўнглида тугиб юрган Қубожага қарши Ўзбек Тойи қўмондонлигида бир қўшин юборди. Ўзбек Тойи Ҳинд дарёсига бир фарсах масофада бўлган Учода ўн минг кишилик бир қўшин билан лагер қуриб олган Қубожанинг устига етти минг кишилик лашкар билан тунда бостириб борди. Аскарлари тарқалиб кетган Қубожадарёга бориб, қайиқ билан Акор ва Биҳор қалъаларига томон интилди. Ўзбек Тойи кўп миқдорда асир ва ўлжаларни қўлга киритиб, Султонга хушxabар келтирди. Султон эса унга жавобан турган жойида кутишни ва у ерга боришни хабар қилди. Султон у ерга борган пайтда Қубожа Акор ва Биҳордан чиқиб, Мултонга кетган эди. Султон унга бир элчи юбориб, Ҳинд жангида асир олинган Амирхонни<sup>229</sup>, ўғлини, қизини ўзи учун товон тўлашини истади. Қубожа Султоннинг қайтариш ҳақидаги буйруғига итоат қилиб, Амирхонни, ўғлини, қизини ўзи учун кўп миқдорда егулик ва кийим-кечаклар билан унга юборди ва ўзига ҳужум қилмасликни Султондан сўраб ёлворди.

Кунлар исигач, Султон Учодан чиқиб, Жуд, Балоло ва Никола тоғларидаги мавжуд яйловга қараб ҳаракат қилди. Йўлда Парасвор<sup>230</sup>

<sup>226</sup> Лохур яқинидаги икки қасаба.

<sup>227</sup> Нандонахондан Жиломга кетувчи йўл устида Равалпинди яқинидаги шаҳар.

<sup>228</sup> Салт тоғ тизмалари.

<sup>229</sup> Муҳаммад Қазвинийга кўра, бу киши Амин Маликдир.

<sup>230</sup> Пороспур шаклида ҳам учрайдиган бу жой Панжобнинг Сийлкут ниҳоясида жойлашган.

қалъасини қамал қилди. У ерни фатҳ этиб, халқини қиличдан ўтказди. Ўша жангда Султон бармоғидан яраланди. У ерга мўғул аскарлари келаётганидан хабар топиб, орқага қайтди. Унинг йўли Мултонга тушган Кубожага элчи юбориб, ундан нол солиғини<sup>231</sup> истади. Кубожа эса буни рад қилиб, аскарлари билан унинг устига юриш қилди. Бир соат давом этган жангдан сўнг Султон у ердан узоклашди. Учога боргач, халқнинг унга қарши чиққани сабабли икки кун у ерда жанг қилди. Шаҳарни ўтга бергач, у ердан Садусонга<sup>232</sup> борди. Кубожа бошқаруви остида бўлган Садусон бошқарувчиси Фахриддин Солорий, кўмондони эса Лочин хитой эди.

Султоннинг илғор қисмлари кўмондони Ўрхон Лочин хитойни енгиб, уни ўлдирганидан сўнг Садусонни ўраб олди. Султон ҳам у ерга боргач, Фахриддин Солорий шаҳардан бир қилич ва бир парча газлама билан чиқиб, Султонга ўзининг тобе эканлигини билдирди. Шундан сўнг Султон шаҳарга кириб, бир ойча ўша ерда қолди. Фахриддин Солорийга яхши муносабатда бўлиб, шаҳарнинг бошқарувини унга топширганидан сўнг Давол<sup>233</sup>, Домрила<sup>234</sup> ва Чотисорга<sup>235</sup> томон тўғри ҳаракат қилди. Султон келганлигини эшитган ўлка бошқарувчиси қочиб, кемаси билан денгизга чиқиб кетди. Султон Давол ва Домрила яқинларида жойлашиб олиб, Хосхонни хужумкор қисмлари билан Наҳрволога<sup>236</sup> юборди. Хосхон эса Наҳрволодан кўп сонли туяларни олиб келди. Сўнгра Султон Даволдаги бир бутхонани масжид қилдирди.

Ўша пайтда Ироққа жойлашиб олган Гиёсиддин Султондан ироқликларнинг катта қисми Жалолиддин ёнини олганини билдирган ва Ироққа даъват қилган элчи келди. Ундан сўнг Султон Бароқ

<sup>231</sup> Нол баҳо: Бир подшоҳ бирор ўлкадан ўтиб бораётганида ўша жой халқи подшоҳ ёнидаги барча лашқари, отлари учун егулик эҳтиёжларини таминлаш.

<sup>232</sup> Араб географлари томонидан тез-тез тилга олинб туриладиган Садусон Ҳинд дарёси қирғоғида жойлашгани айтилса-да, унинг қатъий ўрнини аниқлаш имкони бўлмади.

<sup>233</sup> Дабалнинг (Дайбул) кўп ишлатиладиган бошқа бир номи. Араб географлари ўз даврида Дабул Ҳинд дарёси қуйилишида гўзал ва гавжум бандаргоҳ эди. Бугун Таттанинг жанубий-шарқидаги хароба. Қаранг: Le Strange. The Lands of the Eastern Caliphate, s.331, 1; Minorsky, Hudud, s.372.

<sup>234</sup> Барча манбалардан Давол билан биргаликда зикр қилинган бу жойнинг аниқ ўрни аниқланмади

<sup>235</sup> Сумро хонадони ўн биринчи ҳукмдори бўлган Малик Синониддин Чатисор ўша сулола мусулмон бўлган илк одами эди. Қаранг: Haig, Turks and Afghans, s.54.

<sup>236</sup> Ёки Анхолворо, аввалдан Гужаротнинг бошқарув маркази бўлиб, бугун бу шаҳар вайроналари устига Потон шаҳри қурилган.

ҳожибнинг<sup>237</sup> Кирмонда экани ва Жувоширни<sup>238</sup> ўраб олгани, бошқа мўғуллар ҳам у ерга боргани ҳақидаги хабарни эшитгач, у ердан чиқиб Макрон йўлини тутди. У ернинг об-ҳавоси яхши эмаслиги туфайли одамларининг кўпчилигини йўқотди. Султон ёнидаги аскарлари билан яқинлашиб келаётгани ҳақидаги хабар Бароқ ҳожибга етиб боргач, у жуда қимматли ҳадялар билан бирга ўзининг тобелигини билдириб, Султонга элчи юборди. Султон шаҳарга боргач, унга қизига уйланишни таклиф қилди. Султон бу таклифни қабул қилиб, унинг қизини никоҳига олди, кейин кўмондон ҳам келиб қалъанинг қалитини Султонга берди. Султон қалъага кириб никоҳ ўқитди. Бир-икки кундан сўнг ов қилиш ва ўтлоқ излаш мақсадида отига минди. Бароқ ҳожибни ҳам олиб кетишни истаганига қарамасдан у оёқ оғриғини рўкач қилиб, у билан бирга кетишни истамади.

Йўлда Султон Бароқ ҳожибнинг ўзига қарши бирор режа тузаётганлигини англаб, уни синаш учун ишончли одамларидан бирини Бароқ ҳожибга юборди. Унга “Ироққа энг қисқа вақт ичида кетишимиз керак. У ерга бориш биз учун бошқа ишлардан кўра янада муҳим бўлиб туюлмоқда. Сизнинг Ироқ ҳақидаги билим ва тажрибангиздан фойдаланиш учун сизни ов қилаётган жойда кутаман,” деб хабар юборди. Бароқ унга жавобан у ерга боришга бод касали халакит бериши, Султоннинг қилажак энг тўғри иши бу бир оз олдинроқ Ироққа томон ҳаракат қилиши экани, чунки Жувоширнинг Султон мамлақати учун пойтахт бўлишга мос бир жой, Султон ва аскарлар учун роҳатланадиган бир шаҳар эмаслигини илгари сурганидан бошқа, “Агар султон у ерга бир нойиб ва кўмондон тайёрлашни истаса, унинг хизматида сочлари оқарган, унга катта фойда келтирган, бу минтақани ўз имконияти билан қўлга киритган меңдан бошқа яхшисини топа олмайди”, деди. Султоннинг элчисини жўнатиб юборганидан сўнг Султоннинг шаҳарда қолган аскарларини ташқарига чиқариб, шаҳар дарвозаларини ёпиб қўйди. На у ерда қолишни ва на ўч олишни ният қилмаган Султон Шерозга қараб йўл олди. Келаётганини билдириш учун отабек Саъдга элчи юборди. Отабек Саъд келишидан хабардор бўлгач, “Бир марта ҳеч кимни кутиб олмасликка онг ичганим учун сизни кутиб олишга бора олмайман”, деб уни кутиб олишга беш юз ки-

<sup>237</sup> “Бароқ” сўзи туркча бўлиб, узун юзли, афсонавий итга берилган ном. Қаранг: Pelliot, Horde do'г, s.57.

<sup>238</sup> Ёки Гувожир, ёхуд Бардашир: Кирмоннинг эски шаҳарчаси.

шилиқ бир суворий ҳарбий бўлимни ўғли Солгурхон билан бирга юборди. Унинг узрини қабул қилган Султон Солгурхонга катта эътибор кўрсатиб, уни “Қардошхон”лақаби билан шарафлантирди. Шероз ҳудудидаги Посо<sup>239</sup> улқасига боргач, отабек Саъд шундай бир меҳмонга ярашадиган алоҳида кийимлар, рангли газламалар, пулга тўла ҳамён, кўп сонли йўрға от, хачир ва туя, курол-аслаҳа ясайдиган асбоб-усқуналар, кема ошхонаси ва унга мансуб бўлган жиҳозларни ҳамда ишларни яхши тушунадиган турк ва ҳабаш қулларни ҳадя қилганидан сўнг у билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлашни истаб, ифбат қалъаси ва хонадон садафида бўлган гавҳарини Султонга берди<sup>240</sup>. Бу никоҳ икки томонни ҳам бири-бирига кучли иплар билан боғлаб, дўстлик ва тинчлик тамалини ташкил қилди. Султон у ерда қисқа бир муддат қолиб, Исфаҳонга кетишни истади.

Ўша пайтда отабек Саъд улуғ Тангрининг унга ворис қилган ўғли отабек Музаффариддин Абу Бакрни садаф ичида қамалган бир дур каби ҳибсга олганди. Чунки у Султон Муҳаммаднинг ёнидан қайтган пайтда отаси билан жанжаллашиб қолган ва уни ярадор қилганди. Султон уни озод этилишини хоҳлагач, отабек Саъд “Ўғлим Абу Бакр оталиқ ҳақларимни оёқ ости қилиб, ўзини оловга ташлади”, деб устида қон излари бўлган қўйлагини Султонга кўрсатди. “Шунга қарамасдан токи танамда жоним бор экан сизнинг буйруғингизга бўйсунман. Сиз ҳаракат қилганингиздан сўнг уни ҳибсдан озод қилиб, ёнига аскар қўшиб, сизнинг олдингизга юбораман”, деди. Саъд ваъдасида туриб, кўп вақт ўтмасдан отабек Абу Бакрни унга юборди.

Султон у ердан кетмоқчи бўлган пайтда Иззиддин Сўкмазнинг Қилич исмли бир кули Исфаҳондан кочиб, у ерга борди. Порлоқликни қуёшдан олган, гўзаллиги ва жозибаси Юсуф билан уйғун бўлган, балки ушбу рубой унинг учун айтилган турк (гўзал) Қилични Султоннинг ҳузурига олиб бордилар. *Шеър:*

<sup>239</sup> Бошқа бир номи Фосо.

<sup>240</sup> “Тарихи Жаҳонгушо”нинг С нусхасида Муҳаммад мунажжим мана буларни ёзади: Султон Жалолиддин б. Муҳаммад Хоразмшоҳ билан турмуш қурган отабек кизининг исми Малика хотун эди. Султон у ерда икки ярим ойча муддат қолганидан сўнг Исфаҳонга кетди. Отаси султон Жалолиддинга берган сўзига вафо қилиб, ўғли Музаффариддин Абу Бакрни Султоннинг ёнига Исфаҳонга юборди. Музаффариддин Абу Бакр отасининг ёнига қайтгач, отаси уни валиаҳд қилди. 627 ёки 625 йилда отабек Саъд вафот этиб, ўрнига Музаффариддин Абу Бакр Шероз тахтига ўтирди. У солгурли хонадонининг энг яхшиси эди.

[Таносух мазҳабидан бўлганлар кеча сен кетаётганингда орқандан қараётган эдилар. Улардан бири иймон келтирдик, сендаги бу гўзаллик қайта тирилган Юсуфнинг гўзаллиги]

Султон Исфаҳонга боргач, укаси Ғиёсиддин отасининг қўмондон ва яқинлари билан бирга Ройда эканидан хабар топди. Дарҳол отлик қисмни тайёрлаб, уларга мўғул аскарлари кийган кийимларни кийдириб, укаси томонига юборди. Султоннинг аскарлари кабутарлар галасининг ичига кирган лочиндек укаси Ғиёсиддиннинг одамларини тарқатиб юборди. Шундан сўнг саросимага тушган укаси, онаси ва яқинларини чақиртириш учун ўз одамларини юборди. Одамларига насл-насабли меҳмонларга яхши муносабатда бўлишликни буюриб, улар ҳеч қандай хафагарчиликсиз келиб давлатида ўз мақом ва мавқеларини олиши, ҳеч қандай шак-шубҳа ва қўрқувга бормаслигини билдирди. Султоннинг бу даъватига отаси қўмондонларининг кўпи ижобий жавоб берди ва Султон ёнида меҳр ва эътибор кўрди. Ғиёсиддин ҳамманинг акаси томонига ўтганини кўргач, оз сонли содиқ одамлари билан акасининг ҳузурига борди. Султон янги келганларни ҳамўзига мос хизматга тайинлади. Уларга бу ҳақда фармон ва гувоҳномалар берди. Шунинг учун шаҳар ва қишлоқда яшаётганлар Султон Жалолиддин соясида тинч ва ҳузур-ҳаловатли шароитнинг қайтадан яратилажагига умид қилдилар.

Ўша пайтда мамлакат ёзишма ишлари бошида ҳамма вақт ичкиликка берилган Нуриддин мунший турарди. Бир куни эрталаб Камолиддин Исмоил Исфаҳоний имомлар гуруҳи билан унинг хизмат жойига борди. Унинг ҳалиям маст уйқусидан турмаганини кўргач, мана бу рубойни ёзиб унга юборди ва орқага қайгиб кетди. *Шеър:*

[Сендаги фазилат билан ичкиликпарастликнинг бирга бўлиши юксаклик билан тубанликнинг бир жойда бўлиши кабидир. Сенинг ахволинг гўзалларнинг кўзига ўхшайди. Чунки у ерда нур ва сархушлик бордир]

Нуриддин муншийнинг Султон Жалолиддин ҳақида айтган бир қасидаси матлаъини бу ерда келтирамыз:

[Кел, эй севиқли буюк подшоҳ, Улуғ Султон<sup>241</sup> Жалолиддиннинг бошқаруви остида дунё қайтадан яшаш жойи ва гўзал бир маскан бўлди]

<sup>241</sup> Балки турклар Султон Жалолиддинни “Буюк Султон” маъносини билдирадиган бу ном билан хотирлагандирлар.



## XVI. СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИННИНГ БАҒДОДГА ЮРИШИ

621/1224 йилнинг бошларида Султон қишни ўтказиш учун Тустарга<sup>242</sup> кетишга ният қилди. Элчи Пахлавонни икки минг кишилик илғор қисм билан бирга олдиндан юборганидан сўнг йўлга чиқди. Йўлда Сулаймоншоҳ<sup>243</sup> кутиб олиб, унинг амрига кирди ва сингисини унга берди. Султон аввалданок номи тарих китобларига тушган, буюк ва таникли шаҳар фақат бугун номидан бошқа нарсаси қолмаган Шобурхосга<sup>244</sup> боргач, бир ой муддатча ўша ерда қолди. Ўша муддат мобайнида Лур амирлари келиб ўзларининг унга тобеликларини билдирдилар. Султон минадиган отлари дам олиб кучлангач, Бағдод йўлига равона бўлди. Мўминлар амири Носир Диниллоҳнинг ўзига ёрдам қилажаги ва унинг душманга қарши бир тўсиқ вазифасини ўташини умид қилаётган эди. Келганини билдириш ва ёрдам истагида эканидан хабардор қилиш учун олдиндан элчи юборди. Халифа унинг гапларига қулоқ осмади. Чунки халифа авваллари отаси ва бобосининг ўзига нисбатан қилган ишларини ҳалиям унутмаган эди. Амирлик рутбасини олган Куш Темурнийигирма минг кишилик кўшини билан Султон Жалололиддинни узоқлаштириш учун юборди. Кейин эса яна ўн минг аскар билан келиб, Султонни орқа томонидан ўраб олиш учун Музаффариддин<sup>245</sup> турган жойи Арбил томонга хабарчи кабутарларини жўнатди. Куш Темур аскарлари сонининг кўплигига ва Султонники эса оз эканлигига ишониб, Арбил кўшини келишини кутмасданок йўлга чиқди. Султон уларга яқинлашгач, Куш Темурга бир одам юбориб, “Бизнинг бу ерга келишимизнинг сабаби кучли бир душман кўшинини ўлкамизга таҳдид солганини билдириш ва ҳеч бир кўшин қарши туrolмайдиган душманга қарши мўъминлар амири соясидан паноҳ топиш учундир. Агар мўъминлар амири мени қўллаб-қувватласа, касаллик чорасини топиш ва ўша

<sup>242</sup> Ёки Суштар.

<sup>243</sup> Кейинги йилларда мўғулларга қарши Бағдодни мудофаа қилмокчи бўлган Туркман беги Шихобиддин Сулаймоншоҳ. Насавийга кўра, бу никоҳ Султон Жалололиддин Бағдоддан қайтиб кетганидан сўнг Ҳамадон яқинларидаги Баҳор қалъасида амалга оширилди.

<sup>244</sup> Ёки Шопурхост, кейинчалик эса Хуррамобод номи билан эсланади. Қаранг:

Минорский. Худуд. Б.383.

<sup>245</sup> Музаффариддин Кўк Бури (1190-1232), Арбил отабекларининг охиргиси. Қаранг: Lane-Poole. The Muhammadan Dynasties, s. 165.

қавмни даф қилиш мен учун осонлашади”, деди. Куш Темур эса унинг гапларини эшитишни хоҳламай хужумга ўтди. Мажбурият юзасидан Султон ҳам унга қарши турди. Аскарлари сони қарши томоннинг ўндан бири бўлгани учун бир қисмини тузоқ қуриш учун ажратгандан сўнг беш юз кишилик отлик қисмини олдин қарши томон марказига юборди, кейинроқ эса ўнг ва чап канотларига хужумлар уюштириб, орқага қайтди. У орқага қайтаётганида Куш Темур уларни қочди, деб ўйлаб унинг кетидан борди. Пистирмада турган Султон аскарлари Куш Темур аскарларини орқа томонидан ўраб олди. Султон эса орқага қайтиб, уларнинг устига қараб юриш қилди ва уларни тор-мор қилиб, Бағдод яқинларигача қувлаб борди. Сўнгра орқага қайтиб, Доқук<sup>246</sup> томонга қараб юрди. Уерни талон-тарож қилди. *Шеър:*

[Такритда ўчмаган жонли олов]<sup>247</sup>

Жосуслар Музаффариддин Арбил кўшини билан илгарилаётгани, олдиндан юкларини юбориб, ўзи ҳам орқасидан аскарларини жангга киритиб, Султонни тузоққа туширишни истаётганлигини хабар қилгач, Султон юкларини ҳамма юрадиган йўллардан юбориб, ўзи қахрамон суворийлари билан тоғ йўлидан кетди. Музаффариддин тоғ йўлига киргач, кўкқисдан унинг ва аскарлари пайига тушди. Султон улардан устун ҳолатда эканини кўргач, Музаффариддин ва ёнидагиларга меҳр-окибат кўрсатди. Лекин Музаффариддиннинг юқорига чиқишига рухсат қилмади. Шундан сўнг Музаффариддин қилган ишларидан хижолат чекиб, руҳий изтиробларини баён қилгандан сўнг “Шу пайтгача сизнинг сабрли ва мард эканлигингизни билмагандим,” деди. Шундан сўнг Султон унга султонлардек муносабатда бўлди. Унга яхши муомала қилишининг яна бир сабаби – унинг ҳожилар аёлларини ҳалол деб ҳисоблаган луълуларга қарши йўллар хафвсизлигини сақлагани ва тартибсизликлар олдини олгани учун эди. Унга яхши гаплар гапириб бўлгандан кейин ҳадялар бериб, уйига юборди. Музаффариддин кейинчалик Султоннинг хизматида муҳим вазифаларни бажарди ва унинг яқин одами бўлди.

Султон у ердан кейин Аррон ва Озарбойжонга қараб тўғри юрди. У ернинг ҳоқими отабек Ўзбек Султон (Жалололиддин)нинг келганини эшитгач, унга қарши туришга жасорат топмагани учун

<sup>246</sup> Ёки Доқукий, бугунги Тоук.

<sup>247</sup> АбулАъло ал-Мааррий қасидасининг илк байти.

хотини Султон Тўғрул<sup>248</sup> кизи Маликани ташлаб, ўзи Табризга қочиб кетди. *Шеър* (арабча):

[От елинидаги сут ўлчовли бўлгани учун уни тежаб ишлатадилар]

Охирида Султон Табриз ёнига яқинлашди ва у ерни қуршовга олди. Шаҳарга жойлашиб олган Отабек қўмондонлари унга қарши оғир жанг қилдилар. Ўша пайтда Малика Султонни енгишнинг иложи йўқ эканини англаб етди ва ўзини ташлаб қочиб кетган отабекдан кўнгли қолгани учун ҳам Султонга яширин тарзда одам юбориб, унга эри билан орасидаги муносабатлар узилгани ва ундан ажраганини кўрсатувчи Бағдод ва Шом имомларидан олган фатво билан бирга жанг тўхтаган пайтда сепларини олиб, Нахичеванда Султонга турмушга чиқиши мумкинлигини билдирувчи мактуб юборди. Мактубни олган Султон унга ўша элчи орқали бир никоҳ узугини юборди. *Шеър* (арабча):

[Аёллар сўзлари чанг-тўзон кабидир. Тонг шамоли билан улар берган сўзлари бир хил]

Икки кундан кейин Малика шаҳарнинг катталари ва амирларини чақириб, уларга “Шаҳар олдида кучли подшоҳ бор. Отабек унга қарши туришга журъат қила олмай қочиб кетди. Агар у билан келишиб, шаҳарни унга топширмасак, у шаҳарни зўрлаб эгаллайди ва отаси Самарқанд халқига қилган зулмини бизга ҳам қилади. Агар маъқул деб ҳисобласангиз қози билан бирга таникли одамларни унинг ҳузурига юбориб, отабек ҳарамига тегмаслиги ва уларни озод қилиш шарти билан шаҳарни унинг ихтиёрига топширайлик. Отабекнинг яқинлари бўлган сизларда бошқача фикрбор бўлса, уларни эшитайлик”, деди. У ерда иштирок этган ҳамма кишилар Маликанинг гапларига бош эгдилар ва унинг фикрини маъқул кўрдилар. Сўнгра фозилларнинг буюги ва даврининг стук олимларидан ҳисобланган бош қози Иззиддин Қазвинийни бир неча сарой хизматчилари билан Султоннинг ёнига юбордилар. Улар Жалолиддинда нафв этишликни сўраганидан кейин отабек ҳарамига тегмаслик ва улар қаерга кетишни хоҳлашса, ўша ёққа кетишига рухсат бериши ҳақидаги ваъдасини олишни хоҳладилар. Султон уларнинг таклифини мақбул деб топди. Эртаси куни фалакнинг қўли қуёш қиличини уфқларнинг кинидан чиқаргач, отабекнинг яқин амирлари ва шаҳарнинг катталари бирга қимматли совға-

<sup>248</sup> Ирок салжуклиларининг охириги ҳукмдори Тўғрул II (1177-1194).

саломлар билан Султон ҳузурига бориб, осмон соябон бўлган ўзлари турган жойнинг тупроғини ўпиб, унинг чехрасида бахтиёрлик ва марҳаматбелгиларини ўқидилар. *Шеър* (арабча):

[Юзининг гўзаллиги очикюзлилигидан ҳам устундир]

Сўнгра Малика Хўй томонга қараб йўлга чиқди. Султон ҳам 622/1225 йилда музаффар бўлиб, у ерга борди. Шаҳар халқи Султон келганидан севинди. Султон бир неча кун ўтгач, Нахичеванга борди. У ерда имомларнинг фатвоси билан Маликага эришди ва отабек ўтган жойидан ўтди. Ўша пайтда отабек Алинжо<sup>249</sup> қалъасида эди. Султоннинг Нахичеванга келганлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, унинг ўша жойда нима ишлар қилганлигини англаб етди. Унинг ичидаги чорасиз дарди ташқарига чиқди. Ўша куни руҳий азобланиш ва ғам-ғуссадан жон таслим қилди. *Шеър*:

[Жон кўчиб кетишга ният қилгач, унга кетма дедим. У эса нима қилай, уй чўкиш арафасидадир, деб жавоб берди]

Оила ва ҳарам билан алоқадор бўлган мавзу ҳамманинг ҳиссиётига тегишли эди. У мавзуда урф-одатлар ва анъаналарни бир чеккага қўйиб, талаб қилинган ҳаракатлар, халқнинг нафратини қўзғайдиган ҳаракатлар эди. Шу ўринда аёллар ҳақида Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг бир гапини тинглайлик: “Аёллар ва уларнинг гапларидан ташқари ҳар нарса вафоли бўла олади”<sup>250</sup>.

## XVII. СУЛТОННИНГ ГУРЖИЛАРУСТИГА ЮРИШИ ВА ТОР-МОР ҚИЛИШИ

Фалак ҳар вақт ўз ишини қилиб, отабеклар давлатини йиқиб, уни Султон Жалолиддинга берди. Отабекнинг тарқалиб кетган аскарлари ҳар томондан қилиб, унинг ёнидан ўз жойини эгалладилар. Ўша пайтда ифбатсиз гуржилармусулмон ўлкаларига эга бўлиш орзусига берилиб, Султонни улоқтириб ташлаб, Табризни ишғол қилиш ва кейинчалик Бағдодга кириб Халифанинг ўрнига топни, жомеъ масжидлари ўрнига черковни бунёд этиб, халқни ботил йўлга солишни истаган эдилар. Улар (гуржилар) бу бўш

<sup>249</sup> Алинжо – дарё номи. Нахичевоннинг шаркида Аросга қўйилади. Алинжо дарёсининг Аросга қуйилган жойида Жулфа номи шаҳар бор. Алинжо қалъаси эса ҳозирги Хонақоҳ қасабаси яқинида Алинжо дарёсининг ўнг қирғоғида тиб бориш кийин ва баланд бир тепаликда қурилган (Қаранг: Minorsky, Transcaucasia, s.93).

<sup>250</sup> Мухаммад Қазвинийнинг фикрича, бу ҳадис эмас, мақолдир.

хаёлларни амалга ошириш учун ўттиз минг кишилик бир қўшинни тайёрлаб, ҳаракат қила бошладилар. *Шеър* (арабча):

[Ҳақиқат очиқ-аёндыр, қиличлар эса кўрдыр. Шернинг инидан эҳтиёт бўлинг, эҳтиёт]

Бу хабар Султонга етиб келган вақтда ёнидаги аскарлари сони оз, аҳволи ҳам унчалик яхши эмасди. Лекин шунга қарамасдан ҳеч иккиланмай ёнидаги мавжуд аскарлар билан гуржилар устига қараб юриш қилди.

Тонг ёруғи тун қоронғусини ҳайдаган бир пайтда у (Жалолиддин) гуржилар истехком қурган жойга борди. Уларнинг ҳаммасини Горний<sup>251</sup> дарасида сархуш ва кучсиз бир ҳолда топди. *Шеър* (арабча):

[Эй кечанинг бошида севинч билан ухлаган. Хафвсирама, воқеалар айнан ўз вақтида эшикни тақиллатади]

Гуржилар ҳали қуролга қўлини тегизмасданок Султон уларга ҳужум қилиб, катта галабага эришди. Гуржи аскарларининг кўпчилиги отлари билан бирга Горний водийсида жойлашган, оғзи бир отлик катталиқда, чуқурлиги эса ақлли кишиларфикри ета оладиган даражада чуқур бўлган бир ғорга ўзларини урдилар. Ўша вақтда фитна чиқарганлар боши ва даврининг ёмон одами бўлган Шалва, Иване ва бошқа гуржиларнинг таниқлиларини ушлаб, Султоннинг ҳузурига келтирдилар.

Од<sup>252</sup> қавмининг раиси қаби жуссали ва тикбошли бир одам эди. Султон унга ўгирилиб, “Зулфиқор (қиличи)<sup>253</sup> соҳиби, менинг қиличимни татиб кўрсин-да, кунини кўрсин, деб юксақдан отиб тутганинг нима бўлди? Ҳозир ўзингни кўрсатиш пайтидир”, дегач Шалва “Ҳозир Султоннинг орқасида давлати бор”, деб жавоб берди. Сўнгра Шалвага ислом динини қабул қилишни айтганларида “Нахчивонларнинг бир одати бор. Боғларига кўз тегмасин, деб ҳар қаторнинг бошига ўлган эшакнинг калласини тиклаб қўядилар<sup>254</sup>. Шалва ҳам ислом боғига эшакнинг боши бўла олади. Лекин тинг-

<sup>251</sup> Аросга қуйилган дарёнинг ёнида ва бугунги Арифон (Ереван)нинг яқинида жойлашган.

\* Гуржи лашкарбошлари Шалва Ахольцхели ва Иване Мхаргзели малика Тамар ва унинг қизи Русудананинг вазирлари (*тахр.*)

<sup>252</sup> Эски араб қавмларидан бўлган Од қавми учун қаранг: Nicholson, Alitararg History of the Arabs, s. 1.

<sup>253</sup> Ҳазрат Алининг қиличи.

<sup>254</sup> Бу ботил, нотўғри ишончга Саъдийнинг “Бўстон”идаги бир ҳикоя ҳам тўғри келади. Фуруғий нашри. Б.158.

ловчилардан узр сўрайман, у эшакнинг боши эмас, кетидир”, деб жавоб берди.

Қисқаси, Султон ўз мақсадига эришиб, голиб ҳолда пойтахт Табризга қайтди. Унинг ҳайбати ҳаммани даҳшатга солди. Аскарларнинг сони янада кўпайди. Ёнида олиб келган Шалва ва Иванега Гуржистоннинг фатҳи борасида ёрдами тегар деган фикрлар билан иззат-икром кўрсатиб, уларга Маранд, Салмос, Урмия ва Ушну шаҳарларининг бошқарувини топширди. *Шеър*:

[Ёмон ниятли кишиларга нима учун умид боғлайсан? Занжи одам ювингани билан оқарарми?]

Султон Гуржистон сафарига чиқиш учун пиёда ва отликлардан ташкил топган қўшин тайёрлади. Султонга ёрдам беришга ваъда қилган, унинг амрларини бажаришни ўз зиммасига олган, бўш ваъдалари билан уни алдаган, чириган арқон билан уни қудуққа ташлаган, тулкиларча ўйин билан ўша шер табиатли инсонни ўз орзулари ипига боғлаган Шалва ва Иванени қўшин билан юборганидан сўнгасл аёл (малика) билан<sup>255</sup> Ҳўйга қараб ҳаракат қилди. У ердан Гуржистонга қараб йўл олди. Гуржистон чегараси - Дувинда<sup>256</sup> олдинроқ юборган ўз қўшинига етиб олди. Тоштдор ҳукмдорини бутун Гуржистон ҳокими бўлган Қизмаликка<sup>257</sup> элчи қилиб юборди. Мўъминлар амири Абу Бақрдан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, Ажам мулкининг ҳокими бир аёл эканини эшитган пайтда мана бу гап ривоят қилинади: “Агар биров ишни хотин кишига ҳавола қилса, у паст кетиб, ўзини хорлаган бўлади”. Бир куни Тоштдор малиги, Кура дарёсисоҳилида ўтирганида Шалванинг ёнига сархуш бир роҳиб келиб, уни ҳақорат қилганидан сўнг “Қизмаликнинг ўғли тайёрлаган бир қўшин билан Султонга керакли жазони беражак”, дегач Тоштдор ҳукмдорини, роҳибни шу ондаёқ ўлдириб, кабутар тезлигида Султоннинг ҳузурига бориш учун от чоптирди. Муаззинлар овози диндорларни уйғотган тонг пайтида Султоннинг ёнига борди. Уюштирилаётган фитна ва мунофиқларнинг хиёнатига ҳақида хабар етказди. Шундан сўнгра Султон унинг айтганлари рост ёки ёлғон эканлигини билиш учун Шалва ва Иванени қирқ амир билан бирга ҳузурига чақириб, уларга “Сиздан

<sup>255</sup> Отабек Ўзбекдан ажрашган Малика.

<sup>256</sup> Горний дарёсининг чап томонида жойлашган. Қаранг: Minorsky, Studies in Caucasian History, s.116.

<sup>257</sup> Русудона (1223-1247).

сўрайман, Гуржистонга бориш учун Карс йўлими ёки Маркоб водийси янада маъкулми?” деб сўради. Шалва дарров олдинга чикиб: “Карс йўлининг устида мустаҳкам қалъа ва кучли давлатлар бор. У ердан ўтиш жуда қийин. Бунга нисбатан Маркоб йўли сизни Тифлисга олиб борадиган йўлларнинг энг яқинидир. У ерга боргач, аскарларимни тарқатиб юбориб, ўз қўлларим билан шаҳарни сизга топшираман”, деб жавоб берди.

Шу тарзда у мунофиқлар қарши нияти ошкор бўлди. Султон қиличи билан Шалвани иккига бўлиб ташлади ва унинг ифлос қони билан қиличини булғади. Кейин унинг буйруғи билан мунофиқлар барчасини жаҳаннамга юбордилар. Бу иш битганидан сўнг амирларини тўплаб, Гуржистонга қайси йўлдан кетишликҳақида маслаҳатлашди.

Сўнгра Шалва ва Иванснинг бошига тушган ишлардан бехабар ва Маркоб водийсида пистирмада пойлаб ётган аскарларга қўққисдан ҳужум қилиш учун ўн минг кишилик бир қўшин билан йўлга чикиб, фақат бургутлар қийинчиликбилан зўрға ўта оладиган Банди Памбага<sup>258</sup> боргач, отидан тушди. У олд томонда, аскарлари унинг орқасидан юра бошладилар. Унинг тез юраётганини кўрган тоғ эчкилари ундан уялиб ўзларини пастга отдилар. Тонг чашмаси пишкирган пайтда у фитна жойига бориб ҳужумга ўтди. Икки томон орасида шиддатли жанг бошланди. Охирида ҳақ ботилини ештиб, Аллоҳга шак келтирганларнинг кўпчилиги ҳалокат қудуғига қуладилар. Тўғри йўлдан адашганларни заҳарли илонлар чақди. Султон аскарлари ғолиб, шайтон аскарлари эса мағлуб бўлдилар. “Ўзларидан олдин қанча авлодларни йўқ қилганлигимизни ўшалар уларнинг олдига (дунёга) қайтиб келмаётганларини кўрмайдиларми?”<sup>259</sup>

Ўша кунги ишларнинг тугаши кечкурунга тўғри келгани боис ерда қолиб, эртаси куни, *шеър* (арабча):

[Шафақ найзанинг учи каби қоронғулик кетидан порлаб чиқар]<sup>260</sup>

Бу шеърда айтилган пайтда Лурий<sup>261</sup> саҳросига бордилар. У ерда ўрталикни бир туманқоплади. Кўз-кўзни, биров-бировни кўра-

<sup>258</sup> Тифлис Буршала (Дабата) йўли устидаги жойлашган Рамбок тоғ тизмалари.

<sup>259</sup> Қуръони карим, 36:31.

<sup>260</sup> Саолибийнинг “Татиммату-л-йатима” асари бошланишида зикр қилинган Амир Мутанинг шеъри.

<sup>261</sup> Аввалдан Тошхир улқаси маркази бўлган ва бугун Степанвон яқинларида харобалари мавжуд бўлган шаҳар.

олмайдиган бўлди. Туман тарқалгач, қаршиларига чиққан гуржиларни қиличдан ўтказдилар. Султон йўлида давом қилиб Лурийга кетди. Ўша жойдаги халқнинг жонини сақлаб, сўнгра Алиобод<sup>262</sup> қалъасига кирди. У ернинг халқи ҳам омонлик сўрагани учун уларга ҳеч нарса қилмади. Қўшини билан бирга муҳаррам ва сафар ойлари<sup>263</sup> ўша ерда ўтказди. Рабийулаввал ойининг<sup>264</sup> ҳилоли кўрингач, кўнгилочар ов ташкил қилишни истади. Шунинг учун ёнига бир қанча суворийларни олиб, ов жойига кетди. Бундан хабар топган гуржилар дарҳол сайланган беш отлик чавандозларни олиб, Султонни тузоққа тушириб, ислом оловини ўчириш учун йўлга чиқдилар. *Шеър*:

[Дунёнинг энг яхши суворийси бўлган Сомнинг ўғли Достон ўз ҳаракати билан бошини тузоқдан қутқара олмади]<sup>265</sup>

Султон уларни узоқдан кўргач, қатта бир фалокат яқинлашиб келаётганини англади. Икки томон ҳам юзма-юз келгач, Султон бор кучи билан ҳамла қилиб қаршидагиларни ерга қулатди. Вазиятдан хабар топган рақиб томондаги аскарлар оқиб кела бошлади. Қарши томон аскарларининг сони ўн мингга етди. Ўша пайтда Ўрхон ҳам қўшиннинг таниқлилари билан Тифлис томонга кетди. Шундан сўнгра Султон танланган одамлари билан бирга такбир қилиб, ўша разиллар устига қараб юрди. Ўнг ва чапдан берилган зарбалар билан уларнинг кўпчилигини ер тишлатди. *Шеър*:

[Сен ҳеч денгиз тоғларни ҳавога совурганини кўрганмисан? Энди у ўз қиличини шундай сокуради. У бутун ҳайбати билан ҳужум қилган пайтда қалқондек чанг-тўзондан куёшнинг юзи ёпилганини кўрасан]

Султоннинг зарбасини еган гуржилар қоча бошладилар. Улар шаҳарга кириш йўлининг Султоннинг аскарлари томонидан ишғол қилинганини кўрганларидан сўнг дарё томонга қараб йўналдилар. Қўрққанидан отлари ва қуроллари билан бирга ўзларини фалокат сувига ташлаб, жаҳаннам оловида ёндилар. *Шеър*:

[Қалбининг устидаги кўкси кўрқувдан қабр бўлганди. Вужудининг устидаги тери кўрққанидан кафан бўлганди]

Тифлискалъасидагилар ўша ҳолатни кўргач, жанг қилишга киришдилар. Султоннинг илғор қисмлари у ерга етиб боргач, юлдуз-

<sup>262</sup> Тахминан Дабоднинг шарқда Қорун жағубида жойлашган ер.

<sup>263</sup> 1226 йил январ-феврал ойлари.

<sup>264</sup> Март ойининг бошлари.

<sup>265</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Ы.1662.



ларни михлаган ва жигарларни тилгувчи ўқлари билан қалъадагиларни ожиз ҳолда қолдирдилар. Улар Қизмаликнинг хазинасини қалъаситашқарисидаги дарёга ташлаб, омонлик тиладилар. Султон уларнинг истагини қабул қилганидан сўнг бир нечта жойлардан ўтиб, Абхазия ўлкасига борди. Тифлис ва унинг теварак-атрофида жойлашган ва ичи иблислар билан тўлиб-тошган қалъаларнинг ҳаммасини ер билан бир қилди. Аскарлари кўп миқдорда ўлжа тўплади. Султон эски даврлардан бери катта ҳаражатлар сарфлаб қурилган Тифлис черковини йиқитиб, ўрнига масжидлар қурдирди.

Ўша пайтда Султонга Бароқ бўйнидан тобелик тасмасини чиқариб, Ироқни фатҳ этиш учун йўлга чиққани ҳақида хабар қилдилар. Шундан сўнг Султон асло вақтни бой бермасдан ёнига олган бир қанча аскар билан Буроқ каби отларга миниб, шамолдек учиб, Бароқнинг устига қараб юрди. Йўлда аскарлар эса унга етиб олишга қийналдилар. Ўн етти кун деганда Тифлистан Кирмонга борди. У ерга борган пайтида ўзи билан от чоптира оладиган атиги уч юзтагина суворий бор эди. Бароқ хожиб Султоннинг келганлигини билгач, унга жуда қийматли совға-саломлар билан одамларини юбориб, қилган ишидан афсусланиб, узрини қабул қилгач, Султон ювиниш учун бир неча кунгагина Исфаҳонга келди. Ўша пайтда Ироқнинг таниқли кишилари келиб, ўзларининг унга тобе эканликларини билдирдилар. У (Жалолиддин) ҳақида айтилган узун қасида Камолиддин Исмоилникидир. *Шеър*:

[Ер юзи жанобининг аскарлари келиши билан дунё янгидан гуллаб яшнади.

Инсонлар ва ҳайвонлардан тирик қолганлари шу сабабли бир-бирларини қутладилар.

Салтанат боғида етишган бу кўчатнинг япроғи адолат, меваси эса афв этишдир.

Даргоҳида қуллуқ қилишга лойиқ бўлсин, деб табиат инсон наслини қайтадан шакллантира бошлади.

Дунё ва диннинг буюги Мангбурни<sup>266</sup> исмли ўша подшоҳни Аллоҳ жаҳон подшоҳлигига мос кўрди.

Баракалла, унинг устун қувватига ва етук фикрлаш қобилиятига, санаб адоғига етаолмас феълининг ўзига хослигига офарин.

Аллоҳ сени дунёни фатҳ қилиш учун юборгандир. Бориб ол, дунёнинг тўрт бурчаги сенинг мулкингдир.

<sup>266</sup> Султон Жалолиддиннинг лақаби.

Сенинг подшоҳлигининг шоҳиди адолатдир. Қаерда бўлсанг ўша ердагилар сенинг яхшилигинга гувоҳлик берарлар.

Сен Нуҳчалик яшарсан. Чунки Тўфондан сўнгра дунёда иморатни илк сен бошлатдинг.

Исломининг минбарининг ҳаққини хочдан олган сенсан. Азонни кўнгирокнинг ўрнига кўйган сенсан.

Адолатнинг юзидаги қоронғулик ҳижобини сен олиб ташладдинг. Имоннинг ёноғидаги куфр пардасини сен отиб юбординг.

Кофирларнинг зарбаларидан йиқилай деб турган ислом сенинг билагинг кучи билан кучланди.

Сенинг Буроқ каби шиддатинг Ҳиндистондан чиқиб, Аррон ўлкасига оёғини кўйди.

Сендан бошқа давр подшоҳларининг қайси бири эркак отни Тифлистан, сувини эса уммондан келтирди?

Қиличининг ўйини билан душманининг ҳамласини орқага қайтарган, сенинг от ва филга нима эҳтиёжинг бор? Сен бир пиёда билан қаршингдаги рақибингни енга оларсан]

Бу сафар ҳам гуржилар тўпланиб, Султоннинг бошқарувчи қилиб Тифлисте қолдирган Мунажжим<sup>267</sup> чорасиз қолиб, Табризга келгани, Малик Ашрафнинг<sup>268</sup> Ҳожиб Алини<sup>269</sup> Шомдан Ихлотга жўнатиб, Ҳожиб Али уни ёнига олиб, гуржилар қайтадан Тифлисте кириб, масжидни йиқитиб, мусулмонларга азият етказганликлари ҳақидаги хабарлар Султонни паришон қилди. Дарҳол у ердан чиқиб Озарбойжон йўлига қараб равона бўлди. *Шеър* (арабча):

[Ҳар куни кўлида очик байроқ билан шаҳарнинг олдида турган у одамнинг ҳаёти қандай ҳаёт экан?

Шамол узоқдаги бир довул овозини келтирса, унинг қалбини хаяжонга тўлдирди.

У юмшок бир ётоққа, ҳузурли истироҳатга кирса, хаяжон ва кўшинларга эҳтиёж сезмайди.

У бошқаларнинг ёрдамига ҳам муҳтож эмас. Шунчалик буюк кучга эга бўлган киши шубҳасиз буюк амирдир]

Султон Ихлотнинг ноҳияларига бормасдан олдин у ернинг аскарлари кимни кўрса ўлдирар ва кимни топиб олса олиб кетарди.

<sup>267</sup> Бу вазираининг тўлиқ номи Шарафулмулк Али б. Абул Қосим Жандий.

<sup>268</sup> Шом ҳукмдорларидан кейин у ернинг бошқарувини қўлга олган айюбийлардан бўлган Малик Ашраф (1229-1237) ҳақида қаранг: Минорский, ўша асар. Б.150.

<sup>269</sup> Ҳусомиддин Али б. Мусулий – айюбийлар давлатининг буюқларидан.

Шахарлар устига кўққисдан ҳужум қилар, киргин, хунрезлик қилиб талон-тарожга қўл урарди. Аёллар ва болалар бақириб йиғлардилар. Султон у ерга боргач, талон-тарож қилаётган аскарларга қарши турди ва уларни шаҳардан ташқарига чиқариб ташлаб, шаҳарнинг таниқли одамлари зиммасига вазифалар юклади. Шу туфайли шаҳар халқи жангга кирдилар ва уларнинг бир қисмини ўлдириб, қолганларини шаҳардан ташқарига ҳайдадилар. Бу алғов-далғовлар вақтида Султоннинг қўлидан назорат чиқиб кетди. Шаҳар халқи Султоннинг аскарларига ҳам шаҳарга киришни тақиқлаб қўйди.

Тоймас<sup>270</sup> ва Тойналнинг Ироққа юриш қилаётганликлари ҳақидаги хабари етишгач, у ерда қолиш маъқул эмаслигини англаган Султон Табризга борди. У ердан эса Исфаҳонга кетди. Ўша ораликда аскарлар тўда-тўда бўлиб келишиб, Султоннинг ёнидан ўз жойини эгалладилар. Мўғул қўшинининг Ройга келганлигини эшитгач, Султон жанг тайёргарлигини бошлаш учун қўмондонларни ёнига чақирди. *Шеър:*

[Кўшиндаги аслзодаларни чақирди]<sup>271</sup>

Уларга қарата: “Муҳим бир иш ва катта бир бало ўзини кўрсатди. Агар заиф ҳаракат қилиб душманга орқа ўгирсак, у ҳолда ҳеч биримиз соғ қолмаймиз. Бизнинг қиладиган яккаю ягона ишимиз бу сабр билан қарши туришдир. Аллоҳнинг ёрдами билан ҳаммамиз халос бўламиз. Агар бошқа турли бўлса, у ҳолда шахидлик саодати ва фазилатидан маҳрум қолмаймиз. Улуғ Аллоҳ шундай буюради: “Эй иймон келтирганлар, бирор тўдага кирсангиз, сабот ва матонат билан турунгиз, Аллоҳни ёдга олинг, шояд шунда нажот топсангиз”<sup>272</sup>, деди.

Ҳамма қалбва сўз ҳамжиҳатлигида Жалололдин айтганларини қабул қилди. Султон жанг тайёргарлигини тугатиш учун қанот жангчиларини тайин қилди. Ўнг қанотни вафосиз ва золим Гиёсиддинга омонат қилди. Чап қанотни эса ...<sup>273</sup> га топширди. Ўзи марказга жойлашиб, жанг тартибини тузди. Ўнг ва чап қанотларга ҳужум қилиш ҳақида буйруқ бермоқчи бўлганида укаси Гиёсиддин Элчи Паҳлавон ва яқинлари билан қоча бошлади. *Шеър:* (арабча):

[Ҳаракатининг ёвузлигига мен гувоҳ бўлган Саъд дўстлигимизни қайтадан қуришни истамоқда.

Унинг ифлослигини сезгандан сўнг ундан шубҳаландим. Лекин ишонч ҳосил қилиш учун уни қайтадан синаб кўришни хоҳлайман]<sup>274</sup>

Султоннинг бундай вазиятда умиди узилган бўлса-да, душманга орқа ўгириб кетмади, унинг марказига ҳужум қилди. Мўғулларнинг ўнг қаноти Султоннинг чап қанотини, Султоннинг ўнг қаноти эса мўғулларнинг чап қанотини бесаранжом қилди. Қисқа вақт ичида қўшинлар бир-бирига қоришиб кетди, замин жунбушга келди. Мўғул қўшини Султоннинг марказий қўшинини қуршовга олиб, Султон байроғини жойидан туширдилар. Мўғулларнинг ўнг қаноти, Султоннинг чап қанотини бузғунга учратиб қувлай бошлади. Кимнинг ғолибу кимнинг мағлуб эканлигини англаб бўлмасди. Ўша пайтда Султон марказда отидан тушган, заҳирадаги отини олиб ўртадан ғойиб бўлганди. Мўғул аскарлари Султонни доира шаклида қуршаб олдилар. Султон уларнинг орасида доиранинг ичидаги нуқтадек қолиб кетди. Кўққисдан бировининг устига ташланиб, уни отидан туширди ва отини олиб ҳалқани ёриб ўтиб, қочишга муваффақ бўлди. Луристон томонида жойлашган бир водийда сақланди. Қоча олган аскарлари бирма-бир келишиб, унинг ёнидан ўз жойларини эгалладилар. Исфаҳонликлар ва Султон аскарларининг кўпчилиги унинг ҳақиқий аҳволини билмасдилар. Баъзилари унинг асир тушгани, баъзилари эса ўлдирилганини гапирётганди.<sup>275</sup>

Жангдан сўнг мўғул қўшини Исфаҳоннинг олд томонига келди. Лекин у ерда тўхтамасдан катта тезликда уч кеча уч кундузда Ройга борди. У ердан эса Нишопурга томон ҳаракат қилди.

Султон тўғри Исфаҳонга йўл олди. Келаётганлигини билдириш учун хабарчи юборди. Унинг келганлигини эшитган аёлуэркак бутун Исфаҳонликлар кетишини фалокат деб билган бўлса, келишини саодат деб қабул қилдилар. *Шеър:*

[Эронликлар унинг юзини кўргач, барчаси унинг ёнига келдилар]

Султон жангда қўшинининг баъзи саркардаларидан ғазабланди. Давлатида шон-шуҳратга эришиб, соясида муҳим мақомларни эгаллагани ҳолда жанг куни ўз вазифаларини бажармагани учун ўз ҳузурига чақириб, уларга аёлларнинг кийимларини кийдириб,

<sup>270</sup> Ёки Ётмас.

<sup>271</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.26.

<sup>272</sup> Куръони карим, 8:45.

<sup>273</sup> Жой ёзувсиз бўш қолган.

<sup>274</sup> Сомонийларнинг котибларидан Абу Аҳмад б. Абубакр б. Ҳамиднинг шеъри. Қаранг: Йатимату-д-даҳр, IV жилд. Б.5.

<sup>275</sup> Насавийга кўра (тар. Хаудас) Исфаҳон жангининг тугаш тарихи 1228 йил 26 август.

шаҳар кўчаларида айлантирдилар. Ҳеч қандай мансаби бўлмаган бир гуруҳ ўша жангда фидокорликлар кўрсатгани ва ўзини таҳликага қўйиб, жонутани билан курашганлиги учун ҳукмдорлик чопонига қадар турли унвонлар билан таъминлаб, уларга эътибор ва меҳр кўрсатди.

### ХVIII. СУЛТОННИНГ ҚАЙТАДАН ГУРЖИСТОНГА БОРИШИ

Султон 625/1227-1228 йилда Исфаҳондан чиқиб, Гуржистонга йўл олди. Ўша йили унинг қасос ва ғазабидан кўркқан Рум ва Сурия султонлари, Гуржи, Алон, Сарир<sup>276</sup>, Лўғз<sup>277</sup>, Қифчоқ, Суан<sup>278</sup>, Абхаз<sup>279</sup>, Шонат<sup>280</sup> ҳукмдорлари замон оловида пишган, жанг кунининг кўп тарафдор ва аскарлари Султонни йўқ қилиш учун бирлашган ва ҳудди бир қиличдек ҳолга келгандилар.

Султон ўзига қарши бирлашган мамлакатларнинг яқинида жойлашган Миндурга<sup>281</sup> бориб, у ерда истехком курди. Жанг куроллари ва жангчилар кам экани, душман қисмлари устун бўлиши ва тақдирнинг ҳукми аниқ эмаслиги ҳақидаги фикрлар унинг бошини банд қилгани ҳолда мунажжим ва вазирларнинг фикрларини сўради.

Мунажжим сўз олиб, “аскарларимиз сони душманнинг ўндан бирича ҳам бўлмагани учун бу ердан чиқиб кетиб, уларнинг сувини тўсиб қўяйлик. Шу тарзда улар иссиқда сувсизликдан заиф ва ҳолсиз аҳволда қолганида тарқоқ аскарларимиз келиб бизга қўшиладилар. Ўша пайтда биз қайта кучланиб, душманнинг устига юриш қиламиз” деб фикр билдирди.

Бу гаплардан дарғазаб бўлган Султон олдидаги сиёҳдонни олиб унинг бошига урди ва “улар қўйларсурувидан фарқ қилмайдилар. Шернинг охулар галаси кўнлигидан кўрқадиган нимаси бор?” деди.

<sup>276</sup> Доғистоннинг Авар шаҳри.

<sup>277</sup> Доғистоннинг Лазгини.

<sup>278</sup> Бугунги Гуржистондаги Ингур соҳилида ҳали ҳам яшайдиган қавм. Қаранг: Аллен, А. History of the Georgian People, s.27.

<sup>279</sup> Гуржистон шимолий-ғарбдаги Қора денгиз соҳилида мухтор улка сифатида яшамоқда.

<sup>280</sup> Трабзан-Батум орасида Қора денгизнинг жанубий-шарқий соҳилида жойлашган. Қаранг: Аллен, ўша асар, s.54.

<sup>281</sup> Ёки Миндорий, Лурий яқинидаги бир водий. Гуржи манбаларига кўра, бу жанг Булмисийда бўй берган.

Айтган гапларидан пушаймон бўлган Мунажжим ўзини қутқариш учун Султонга эллик минг динор берди. Сўнгра Султон: “Ишимиз ҳар қанча оғир бўлса ҳам ягона чорамиз жанг қилиш ва Аллоҳга таваккал қилишдир. Кимнинг кимдан устун бўлиши ҳозир маълум эмас”, деди.

Кейинроқ унинг буйруғига кўра, хазина эшикларини очдилар ва от сурувини у ерга келтирдилар. Ҳамма табақадан одамлар келиб эҳтиёжманд бўлганлар у ердан кераклича маблағ олдилар ва жанг тайёргарлигини бошлаб юбордилар.

Душман аскарлари яқинлашгач, дўмбира ва сурнайлар, эркак ва урғочи гуяларнинг овози билан бир-бирига қоришиб кетди. Аскарлар қатор-қатор бўлиб, жанговор ҳолатда кутиб турдилар. Қарши томоннинг кўшинига киёслаганда, Султоннинг кўшини денгиз олдидаги бир дарёга, замбарак олдидаги бир шарга ўхшарди. Бу ҳақида қодир Аллоҳ шундай буюради: “Сизнинг сабрли йигирма кишингиз бўлса, уларнинг икки юз одамани енгади. Сизлардан юз нафар одам бўлса, кофир бўлганлардан мингтасини енгади. Сабаби улар бир қавм эканидир”<sup>282</sup>.

Гуржи кўшини келгач, Султон аскарлари сергакбўла бошладилар. Ўша ораликда Султон душман кўшини ўрнашган жойни кўра олиш учун бир тепаликка чиқди. Ўнг томонда йигирма минг кишилик танланган одамлардан ташкил топган Қифчоқ кўшини туғ ва байроқларини кўргач, Кошгар султонини ёнига чакириб, унга бир нон ва бир мунча туз бериб, уларни қипчоқларга олиб бориб: “Улар асир тушиб, занжирбанд қилинганларида отаси ўша балодан қутқарганини эслатиб, яхшиликка яхшилик билан ёки жанг қилиб жавоб беражакмисизлар”, деб сўрашни буюрди. Қифчоқ кўшини кўмондонлари бу хабарни эшитгач, турганжойларини тарк этиб, Султон тарафидан ўзжойларини эгалладилар. Гуржи кўшини жанг ҳолатига ўтганидан сўнг Султон уларнинг кўмондони Иванега<sup>283</sup> элчи юбориб, “Сиз узоқдан келдингиз. Сизва отларингиз жуда чарчагансизлар. Бугун жанг қилмайлик. Фақат сизва биз тарафдан жасурлар ўртага чиқиб майдонда курашсинлар, биз уларни кузатиб турайлик”, деб хабар юборди. Бу таклифни Иване қабул қилгач, навбат жанг қилувчиларни танлашга келди.

<sup>282</sup> Куръони карим, 8:65.

<sup>283</sup> Машхур гуржи генерали Иване Мхаргидзели ҳақида қаранг: Minorsky, Studies in Caucasian History, 102 s.

Гуржи томонидан тоғдек жуссали паҳлавон, унга қарши Мункар<sup>284</sup> каби Султон майдонга чиқди. *Шеър:*

[Шеркаби кўшин олдидан хужумга ўтиб, мардларча Хужирнинг олдига чиқди]<sup>285</sup>

Аскарлари хавотирланиб турган бир пайтда Султон такбир айтиб, *шеър:*

[Белидаги камарига бир қилич уриб, зирҳи ва устки кийимини тушириб юборди]<sup>286</sup>

Бир ҳамла қилганда ўша малъунни отдан йиқитиб, нариги дунёга жўнатди. Унинг учта ўғли ҳам навбатма-навбат Султондан еган зарбалари туфайли оталари кетидан жаҳаннамга равона бўлдилар.

*Шеър:*

[Унинг лочиндек хужумидан тақдир қирғийи кабутарга айланди. Найзасининг жангдаги ялтиллаши юлдузлар кўзини кўр қилди]

Уларнинг кетидан Бисутун тоғи каби бир вужудли, устун каби найзага эга бўлган ва фил каби бир ҳайвоннинг устига миниб, бошқа бир Азновур<sup>287</sup> Султоннинг қаршисига чиқди. *Шеър* (арабча):

[Сел тоғдан зўрлаб келтираётган қоядек баъзан илгарилаб, баъзан ҳаяжондан титраб йўлида давом этди]<sup>288</sup>

Султоннинг минган оти жуда чарчаган, юришга ярамайдиган даражада йиқилиш арафасида эди. Шунга қарамасдан, Азновурнинг ҳамма хужумини қўл билан бартараф қилаётган эди. Азновур хужумини тезлаштириб, Султонни ярадор қилди. Султоннинг аҳволи борган сари тобора оғирлашди. Тош отилган шайтоннинг раҳмат қилинган Султон – қора девшоҳ устидан ғалаба қозониши каби бир онлик эди. Ўша орада Азновурнинг янги хужуми қаршисида Султон отидан сакраб, *шеър:*

[“Ашқобуснинг<sup>289</sup> бошига бир найза туширгач, осмон унинг қўлидан бўса олди]<sup>290</sup>

Ўша онда ерга оид бўлган фаришталар овози осмону фалакни тутди ва “Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. У бандаларига зафарни

<sup>284</sup> Бошқасининг исми Накир бўлган, одам вафот қилгач, қабрда сўроқ қиладиган икки фариштадан бири.

<sup>285</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.263.

<sup>286</sup> Ўша асар. Б.263.

<sup>287</sup> Гуржиларда унвон бўлган азновур ҳақида қаранг: Аллен, уша асар. Б.225.

<sup>288</sup> Жоҳилия даври машҳур шоирларидан Имрум Кайс (Муаллака) шеъри.

<sup>289</sup> Рустам билан қилган жангда енгилган туронлик йигит.

<sup>290</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.950.

насиб этди” деган нидоси ўша ерда ҳозир бўлган одамлар ва жинларнинг қулоқларини қар қилди. Ҳар икки томон унинг фақат Зол ўғли Рустам қила оладиган ишни амалга оширганини кўргач, ҳайратдан ёқа ушлади ва шундай деди. *Шеър:*

[Ҳамма бу Рустамми ёки тонг қуёшими деяётганди]<sup>291</sup>

Ҳар бири буюк жангчи ва йирик кўшиннинг танланган баходирлари ҳисобланган ўша кишилар бир онда отлик қиличининг луқмаси ит ва чиябўрилар емиши бўлганлигини кўрган йўлдан адашганлар саросимага тушиб қолдилар. Бунга қарши ўларок Султон аскарларининг кўркуви йўқ бўлди.

Султон камчиси учи билан хужум қилиш буйруғини бергач, аскарлар жангга кирдилар. Бир онда гуржилар орқага ўтирила бошладилар. Мана шундай тарзда ғалабанинг дастлабки белгилари кўрина, ғолибликнинг ажойиб нурлари ҳамма томонни қамрай бошлади. Жуда қисқа муддат ичида водий жасад тўла бир тепаликка, ер юзи қондан кизил баҳмалга айланди.

Йўлдан адашганларнинг бирор тадбир кўришлик холи ва икки юзламачилиқдан бошқа чоралари қолмагач, тун қоронғусидан фойдаланиб, улар қоча бошладилар. “Шубҳасиз, Аллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмасдир”<sup>292</sup>. Тоғ ва водийнинг ҳамма тарафини бакир-чакир овозлари тутди. Тўрт оёқлилар кишнашларидан ер ларзага келди.

Ўша жангдан кейин шунчалик кўп ўлжа қўлга киритилдики, ҳеч ким кўй сурувларининг юзига ҳам қарамади. Ҳар бир киши шунчалик молга эга бўлдики, ҳада ва эҳсонларнинг қадри қолмаганди. Пайғамбар (с.а.в.) динининг тамалиқувватланиб, Султоннинг ҳайбати ва буюклиги ҳамма қалбларга ўрнашгач, ҳукмдор ва амалдорлар қайтадан унинг хизматига кириш учун навбат олиб, саф тортдилар.

## ХІХ. СУЛТОННИНГ ИХЛОТГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ ВА У ЕРНИ ФАТҲ ЭТИШИ

Султон Ироққа кетаётганида кириб ўтгани Ихлотдан чиқиб кетганидан сўнг Ихлот бошқарувчилари қалъа деворларини баланд

<sup>291</sup> Ўша асар. Б.436.

<sup>292</sup> Қуръони қарим, 41:46.



кўтариб мустаҳкамладилар. Султон иккинчи марта у ерга бораётганида келганини билдириш ва бошқарувчиларни ҳузурига чорлаш учун элчилар юборди. Ихлот бошқарувчилари унинг даъватига рози бўлишни маъкул кўрмадилар. Султонга қарши туриш йўлини танлаб, қалъа дарвозаларини ёпиб ташладилар. Улар бундай қилаётганларида саодати ўзидан кетаётганини ва ётадиган тўшак сифатида тиканли майдонни танлаганлигини билмадилар. Султон уларга сўзини ўтказа олишдан умидни узиб, аскарларшаҳарни қуршаб олиб қамал қилиши, манжаниқларни жойлаштириши, ўк отувчи иккита ғилдиракли аравалар ва нефт шишаларини тайёрлашга буйруқ берди. Шаҳардагилар ҳам жанг тайёргарлигини бошлаб юбордилар. Бир оз муддатдан сўнгра ҳар икки томон ҳам манжаниқларни ҳаракатга келтирди. Қўлдан ва ўк отувчи аравалардан чиққан ўқлар худди жаладек ёғила бошлади. Ташқаридагилар кечакундуз демасдан шаҳар дарвозасини очиш, шаҳардагилар эса уларга тўсиқ бўлиш учун қаттиқ ғайрат қилдилар. Шу тарзда кунлар ва ойлар ўтгач, шаҳарда очарчилик ва йўқчилик бош кўтарди. Шаҳарнинг таниқли кишилари Султонга нисбатан шафоатда бўлсинлар, деб яширинча Бағдод, Онадўли ва Сурияга элчилар юборилди. Шунга кўра мўъминлар амири Мустансир Биллоҳ<sup>293</sup> билан Онадўли ва Сурия султонлари бир неча марта орага тушиб, ҳар икки томонни мурасага келтиришга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам Ихлотнинг таниқли кишилари Султонга бўйин эгишни қабул қилмай, ўз жоҳиллиги ва бошидаги бўш хаёлларберган жасорат билан Султонни ҳақорат қилдилар. Кутилмаганда одамларни тўғри йўлдан адаштирган шайтон уларнинг ақлларини олиб қўйган эди, насихатни эшитмайдиган қилиб қулоқларини беркитиб қўйиб, жанг қилиш учун ундаётган эди. Шундай тарзда қамал ичида ўн ойни<sup>294</sup> ўтказгач, шаҳар халқи оғир аҳволда қолди. Шундан сўнг Султон аскарларига ҳамма томондан ҳужумга ўтишни буюрди. Қисқа вақт ичида шаҳар қўлга киритилди. Шаҳар таниқли одамларининг ҳақорат ва куфрли ишларини хотирлаб, ғазаб отига минган Султоннинг амрига биноан эрталабдан то туш пайтигача унга қарши турганларни киргин қилдирди, сўнгра ғазаб олови сўнган Султон одамларга ачиниб, уларни афв этганини билдирди.

<sup>293</sup> 1226-1242.

<sup>294</sup> Ихлот қамали 626 йил шаввол ойи (1229, август)нинг илк кунларида бошланган ва 627 йил жумадилаввал (1230, апрел) ойигача саккиз ой давом қилган. Ибну-л-Асир, ж. XII, Б.318.

Султон шаҳарга киргач, Малик Ашрафнинг саройига тушди. Шу орада Малик Ашрафнинг укаси Мужириддин ва унинг кули<sup>295</sup> Иззиддин Ойбек оч ва сувсиз ҳолда саройга келдилар. Мужириддин Султон ҳузурига боргач, Султон унга эътибор ва меҳр кўрсатди. Кейин Ойбекнинг афв этилганини айтгач, Султон Мужириддинга ўтирилиб: “Сен султон унвонига эгасан, олтинга сотилган бир қул каби иш қилишни ўзингга қандай эп кўрасан? Сен унинг ҳимоячиси эмассан, қўй, нима қилса қилаверсин?” деди.

Султон газабини кўрган Мужириддин бу тўғрида ортикча истак билдирмади. Сўнгра Ойбек ўз одамларига кийимлари остидан зирх кийиш ва зирхнинг остига ханжар жойлаштириб қўйишни буюрди. Улар айтилган ишни қилганидан кейин Султон ҳузурига кириб, исён қилиб Султонни ўлдирмоқчи бўлди. Лекин Султон соқчилари вазиятни сезиб қолдилар. Ойбекнинг одамларини ушлаб, ёлғиз ўзини Султон ҳузурига олиб кирдилар. Султон уни яхши кутиб олмади. Одамларини ҳам тутиб ҳибсга солишни буюрди.

Ниҳоят, осмону фалак Жамшиди (куёш) шом сафарига чиққач, маликлар куёши ҳам окшом дастурхонига қўйилган ҳалвони ейиш учун саройга йўл олди. Иваненинг қизи, Малик Ашраф хотини билан<sup>296</sup> тунни бирга ўтказди. Мана шундай тарзда Маликанинг хиёнати туфайли қалбида пайдо бўлган, адоватни тинчлантирган бўлди.

Узокни кўра оладиган ақли кишилар учун бу воқеалардан олинадиган сабоқлар бор. Султон бошқа бировнинг хотини билан ётгач, бошқаси ҳам султоннинг хотини билан ётади. Худди шуҳол Малик Ашрафнинг ҳам бошига тушди. *Шеър:*

[Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма]

Кейинчалик Малик Ашраф хазинасидан кўп миқдорда ўлжа олдилар. Ундан икки баробар кўпини халқ ичидан йиғдилар. Шундай қилиб, Султоннинг хазинаси қайтадан тўлди. Унинг аскарлари бойликка эришдилар.

Ўша пайтда сарой котиби Нуриддин<sup>297</sup> Ихлотнинг фатҳи ҳақида ёзган фатҳнома ҳақида куйида ҳикоя қиламиз.

<sup>295</sup> Мамлук Иззиддин Ойбек ҳурматини йўқотган ҳожиб Алининг ўрнига Ихлот бошқарувчиси қилиб тайинланган эди. Бу зотни ўша ном билан эсланган Мамлук султони Иззиддин Ойбек (1250-1257) билан адаштирмаслик керак

<sup>296</sup> Исми Тамт эди. Қаранг: Minorsky, ўша асар. Б.155.

<sup>297</sup> Султон Жалолиддиннинг ҳаётини ёзган Насавий.

### Фатҳнома нусхаси

Ҳамду сано, шукр ва мадҳ улуғ Аллоҳгаки, У бизнинг давлат курган ақлимизва мамлакатларни забт этган байроғимизга зафар ва муваффақият берди. Султонимиз муборак ишлари ва ниятларига куч-қувватни ҳам эш қилди (Аллоҳ давлатини абадий қилсин). Султоннинг тадбири ва фикрлари билан унинг мамлакати кундан-кунга кенгайиб, мағлуб бўлган душман қўшини унинг хизматига кирмоқда. “Бу Раббининг шукр қиламанми ёки ношукурлик қиламанми, имтиҳон этиш учун берган фазлу марҳаматидандир”<sup>298</sup>. Музаффар байроғимиз сояси Шаркий Онадӯли тупроқларига қадар етиб борди. Ихлот шаҳри атрофини саккиз ой муддат ичида ўзимизга макон тутиб, Қуръони каримнинг ваъда ва таҳдид қилган оятларини давлатимиз душманларига қарата кўп маротаба ўқидик. Балки оқилона ҳаракат қилиб, тўғри тинчлик йўлини танларлар. Султоннинг қаршисида ҳаттоки тоғлар ҳам бардош бера олмайдиган қаҳрли шиддати ва ғазабидан қутуларлар, жаҳон фотиҳи қўшини ғазабидан вужудга келган қутурган тўлқинидан сакланиб, унга итоат қиларлар деб жазолашдан олдин кўп маротаба уларни огоҳлантирдик. Қилган ишлари учун тавба қилиб, омонлик сўраб ёнимизга яқинлашишини кутдик. Бу узок қутиш мобайнида “Аллоҳим, мени тўғри йўлни билмаган қавмим ҳидоятга эриштир”, дуоси қилинмади. У муҳолифлар ўзлари адашган йўлдан юришда қаттиқ туриб олдилар.

Ихлот бошқарувчилари Диёрбакр, Фирот сохиллари, Миср ва Сурия мамлакатлари, баъзи Шарк минтақаларидан турк ва туркманларни Ихлотга тўпладилар, турли ирк ва диндаги одамларни бир жойга келтириб, уларнинг билаклари кучига, қалъа деворининг мустаҳкамлигига, отилганида олов чиқарадиган чўрик (милтик), манжаниқ ва нефт шишалари каби қуролларни оловлантириш қобилятига, осмон юлдузлари билан мусобақалашувчи қалъа минораларига, дунёни устида кўтариб юривчи ҳўкизнинг орқасига суянган хандақларига ишонгандилар, маҳаллий ва самовий кучлар уларни хато қарор қабул қилишга ундаган эди.

Манманлик осийлар қалбига шундай ўрнашиб олган эдики, улар ҳеч бир тарзда насихатни қабул қилишга жой қолмаганиди, хато фикрлар мияларига шундай ўрнашиб олган эдики, ҳатто тўғри фикрнинг у ерга киришига имкон қолмаганиди.

<sup>298</sup> Қуръони карим, 27:40.

Жумадилавалл ойи (1230, апрел) охирларида жаҳон фотиҳининг қўшини, Аллоҳ ёрдам бериб, уларни кучайтирсин, жангга ижозат олгач, ҳаммага ўзига кўрсатилган жойни эгаллаши ва ҳар гуруҳга ўз мавқеларига қараб жойлашиб олишига буйруқ берилди. Узок муддатдан бери бекор туришдан зериккан, қурол-аслаҳалари билан душманга ҳужум қилишни кутаётган қўшиннинг жасур қаҳрамонлари ва Султоннинг шерлари яна уч кеча уч кундуз ўзларини тутиб кутдилар. Шаҳарга кириш йўлларини изладилар. Ниҳоят, жумадилавалл ойи 28 (1230, 15 апрел) пайшанба куни осмон юлдузлар билан безангач, қалъа минорлари байроқ ва туғлар билан безатилди. Шаҳарда буюк шовкин-сурон бошланди. Ихлотнинг машҳур одамлари шаҳардаги ички қалъага қочиб бекиндилар. Аллоҳ зафарини доимий қилгай – музаффар қўшин қалъани тор-мор қила бошлади.

Ҳарнақадар Ихлот халқи ҳаракат қилиб, қаршилик кўрсатиш йўлини танлаган бўлса-да, Султоннинг адолат ёйган марҳаматли фикрлари уларнинг жонларини саклаб қолди.

У талон-тарож қилишдан қўлтортишга фармон чиқарди. У зулм кўрганлар устига жўмардлик булути вақтида файзларини ёғдирди. Ҳамма ўша пайтда роҳатга эришди ва давлат ҳақиқа “Аллоҳ султонларни кучлантирсин” деб дуо қилди.

Султонга қарши турганлар қочиб кетиш ва марҳамат йўлини очик кўрган пайтларида тавба-тазарру қилиб, кечиришни сўраб: “Эй Раббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик”<sup>299</sup>, дедилар. Бахт-саодат бағишлаган ва ёмонларни афв этган улуғ Султон уларни ҳам кечирди. Уларнинг хатоларига жавобан умид эшикларини очди. Малик Ашрафнинг укаси Мужириддин, Тақияддин, Иззиддин Ойбек, Арзан<sup>300</sup> бошқарувчиси, Аксом<sup>301</sup> амири, Асад б. Абдуллоҳ, Айюб ўғиллари мамлакатининг барча бошқарувчилари истар-истамас Султон хизматига кириш учун навбатда турдилар. Жонларини саклаб қолиб, уларга ишонгани учун қўлларини юқорига кўтариб, Султоннинг кучиянада ортиши, давлатининг давомли ва музаффар бўлишини сўраб, дуо қилдилар.

Султон ўзининг хайрли ўй ва ҳаракатлари билан ўзига тегишли бўлган ерларни жуда катта ўлчовда кенгайтди, Аллоҳ уларни

<sup>299</sup> Қуръони карим, 7:23.

<sup>300</sup> Битлиснинг жанубидаги ўлка.

<sup>301</sup> Ўрни аниқланмади.

янада кенгайтирсин. Энди Сурия ва Онадўлиўлкалари, Султон давлатида хизматда бўлганлар ихтиёрига ўтиши лаҳзалик масаладирки, Аллоҳ уларнинг зафарларини давомли қилсин.

Воқеалар шу тарзда натижалангач, хушxabарни амирлар, козию раислар, шайхлар ва халққа билдириш учун фалон амирзиммасига юклади, Аллоҳ унга ҳам иноят қилсин. Ҳаммадан халқ қодир Аллоҳнинг Султонга кўрсатган ёрдамидан севинч ва бахтиёрлик хиссини сезди ва унинг хонадони (Аллоҳ доимий қилсин) муваффақиятидан жасоратландилар. Султон қилган яхшилигидан бутун одамлар фойдаландилар ва унинг қилган барча ишлари ҳаммага маъқул бўлди. Улуғ Аллоҳ солиҳ кишиларнинг у ҳақдаги дуоларини орттирсин”.

## XX. СУЛТОННИНГ ОНАДЎЛИ СУЛТОНИ БИЛАНЖАНГ ҚИЛИШИ

Туркистон фатҳидан сўнг Султоннинг давлати, унинг бойлиги ва аскарлари қахрамонлиги туфайли замоннинг ёмонликларига қарши ҳафвсиз ҳолатда эди. Даврининг таникли кишилари, Сурия ва Онадўли ўлкалари ҳукмдорлари Султонга қарши чиқиш ва у билан жанг қилишдан кўрқиб, унга бош эгишга қарор қилдилар. Ихлот фатҳидан душман яраларига туз сепилди. Унинг куч-қуввати ҳамма ёқда овоза бўлиши ва буюклиги барча қалблардан жой олишига сабабчи бўлди.

Сурия ва Онадўли ҳукмдорлари бошқа исломий мамлакатлар кетидан бориб, Султоннинг ғазабидан кўрқиб, унга қимматбаҳо ҳадялар юбордилар. Шу тарзда Султон ҳузури буюклар ва таникли одамлар учун хафв-хатардан йироқ жой бўлди. Унинг аскарлари сони кўпайди. Ишлари ўз йўлида давом этди ва хазинаси лиммолим тўлди. Барча ўлкалар унинг адолати билан обод бўлди. Мана бу рубой ўша пайтда айтилган бўлиб, даврининг фозилларидан бирига оиддир. *Шеър:*

[Эй жаҳон подшоҳи, ишлар сен орзу қилганингдек бўлсин. Осий фалак сенга бўйин эгсин. Дунёнинг ҳамма жойида тангалар сенинг номинга зарб қилиниши, ҳамма ерда хутбалар сенинг номинга ўқилишини кутишда сабрли бўлажакман]

Ихлотдан Малазгирдга,<sup>302</sup> у ердан Хостобсирдга<sup>303</sup> келгач, Султон дармонсизланди. Ўша пайтда Ихлотни қуршаб олганида пул ва егуликлар билан ёрдам қилган, Султоннинг ҳурмат-эътибори ва меҳрини қозонган Арзурум ҳукмдори келиб, (салжукли) Султон Алоуддиннинг Халаф ва Сурия ҳукмдорлари билан Султоннинг хужумларига қарши кучларни бирлаштириш учун келишиб олгани ва аскар тўплаш билан машғул эканини, “Агар сен Арзурумни ташлаб, Ихлотга Султонга ёрдам бериш учун кетмаганинда эди, у бу ерда ушланиб қолмасди”, деб ўзига таҳдид қилганлигини айтди.

Султон уни бунчалик аскар билан кўрқув ва ожиз ҳолатда кўргач, ёнидан қувиб юборди. Кейинроқ эса Султоннинг кўшини Муш водийсига боргач, Сурияга ёрдамга келган олти минг кишилик кўшинни ўраб олиб, ҳаммасини қиличдан ўтказди.

Онадўли султони кўшини билан Султон Жалололдин кўшини бир-бирларига яқинлашгач, Онадўли султони, Малик Ашраф ва ўша мамлакатнинг машҳур одамлари келишиб, жуда кўп миқдордаги қурол-аслаҳа, зарур нарсалар ва аскарларини бирлаштирдилар. Бир тепаликнинг устида жанг ҳаракатига ўтиб, пиёда ва суворийлар олдида қазиб қўйган хандақларга нефт ва ўқ отадиган аслаҳаларни жойлаштирдилар.

Қаттиқ жанг оловланмоқчи ва иқбол шамолининг умид ғунчалари очилай деб турган пайтда Султон чодиридан чиқиб отига мингач, кучи отининг жиловини ушлашга ҳам етмади. У отидан пастга тушгач гандираклай бошлади. Шунинг учун яқинлари Султонга бир соат дам олишини тавсия қилдилар. Султоннинг марказда жойлашган махсус байроқдорлари у билан бирга орқага чекинганини кўрган ўнг ва чап қанотлар ҳам Султонни енгилди, деб ҳисоблаб орқага чекина бошладилар. Бу ҳолатни қарши томондан кузатиб турган душман кўшини Султон ҳийла ишлатиб, уларни тузоққа туширишни хоҳлаётгани, деб ўйлаб жарчи орқали аскарларнинг биронтаси ўз ўринларидан жилмаслигини билдирди. Қиска бир муддат ичида Султон кўшини тарқалиб ҳар ёққа кетгач, Султон ҳам у ерда қолиш мумкин эмаслигини кўриб,<sup>304</sup> иложсиз ҳолда Ихлот

<sup>302</sup> Бугунги Малазкут.

<sup>303</sup> Бугунги Ҳорпуг.

<sup>304</sup> Бу жанг 1230 йил 10 августда Арзинжон яқинларида бўлган. Қаранг: Minorsky, *Studies in Caucasian History*, s.154.

йўлига равона бўлди. Ихлотда вазифалантирган одамларни ҳам олиб, у ердан Хўйга кетди. У ердан Малик Ашраф укаларидан Мужириддинни иззат ва икром билан орқага қайтариб юборди. Мўъминлар амири Мустансир Биллох илтимосига кўра, Такияддинга орқага қайтиб кетишига рухсат берди. Хусомиддин Кайморий<sup>305</sup> қочғач, Малик Ашраф хотини<sup>306</sup> ор-номусини ҳимоя қилди ва уни яхши муомала билан орқага қайтариб юборди. Иззиддин Ойбек эса Дизмор<sup>307</sup> қалъасида вафот этди.

Тақдир бир одамга ёрдам қилиб, кейин ундан қайта интиқом олмагани кам кўриладиган ҳодисадир. *Шеър:*

[Тақдир бизга таянч бўлмайди. Азият етказиш унга қийин эмас. Қарадим, давомли тарзда уйқуда бўлганим учун шикоят қилдим. Афсуски, энди уйғона олмайман. Эй фалак, менинг устимга бир тош қўйдинг. Нега янада кўпроқ қўймайсан дея қизикаман, безовта бўламан]

Султон ҳали тақдир зарбаси руҳий изтиробидан қутулмасиданок Журмагун нўён Амударёдан кечиб ўтгани хабари келди. Шу сабабли Султон вазир Шамсиддин мунажжимни Гирон<sup>308</sup> қалъаси мудофаасига қолдириб, харамини унга омонат қилганидан сўнг Табризга келди. У ердан ораларида ўтган англашмовчилик туфайли Халифа, Онадўли ва Сурия султонларига элчилар юбориб, Хоқон<sup>309</sup> қўшини Амударёдан кечиб ўтгани, улар сон ва куч жиҳатидан қумурсқа ва илондан фарқсиз бўлган тотор (мўғул) қўшини қарши-сида қалъа ва шаҳарлари бардош бера олмаслиги, бу тараф одамлари зотан уларнинг кўрқувдан қалтираб, агар ўзи (яъни Жалолиддин) йўқ қилинса, у ҳолда улар мўғул аскарларига бардош бера олмаслиги, улар билан мўғул аскар орасида Исқандар салди вазифасини қуриб тургани, агар улар Жалолиддинга аскар томонидан ёрдам берсалар, бухолатда душман тишларини синдиражаги ва ўз аскарларига жасорат беражаги, йўқ агар бу таклифга жиддий қарамаса, бошига тушажак воқеалар ҳақида ўйласин, деб хабар юборди. *Шеър:*

<sup>305</sup> Тулик исми Хусомиддин ал-Кайморий ал-Ҳасаний б. Абул Фаворис бўлган бу шахс кейинчалик Айюбий давлатининг Ҳалаф ҳокими бўлажак ва Ҳулогунинг у ерга бориши туфайли шаҳарни тарк этиб, қочиб кетажак. Қаранг: Zambaur, Manuel de genealogie et de chronologie pour l'histoire de l'islam, s.34.

<sup>306</sup> Рашидиддинга кўра (Biochet, s.31) у Малик Ашрафнинг қизи эди.

<sup>307</sup> Марандининг шарқида ва Қоража тоғининг гарбида жойлашган.

<sup>308</sup> Ароснинг шимолидаги бутунги Гилон (Гилон).

<sup>309</sup> Уктой.

[Сизлар ҳаммангиз ўзларингизни ўйлаяпсизлар, кичикларнинг ҳолига қарамаяпсизлар]

Афсуслар бўлсинки, уларнинг қалбларига муҳолифат кўчатлари экилганди, ўша ниҳоллар бегона қалб қони билан суғорилганди. Ўша кўчатдан қайғу ва маҳзунликдан бошқа қандай мева кутиш мумкин? Заҳар билан тўлдирилган қадаҳдан қандай қилиб Бобил шаробининг таъмини умид қиласан? Дарғазаб бўлган пайтда афв этиш ваҳадя қилиш ўлдирувчи яралар учун малҳам ва ўлимидан сўнгра Сухробга<sup>310</sup> тоттирган иликсир, ҳаётбахш ичимликдир. *Шеър* (арабча):

[Ғадаг<sup>311</sup> дарахтлари орасида кезиб юрувчи, уни севишимга қарамасдан мен унинг қўлга кирита олмаслигини билган биринчи киши эмасман]<sup>312</sup>

Жаҳон подшоҳи Чингизхоннинг кучли давлати ва яхши тақдир, Мусулмонларни келишмовчилик сари итарди. Султон орзуларига тўсиқ бўлиб, унинг умидларини барбод қилди. Мўғул қўшини Саробга етиб олгани хабари келгач, Султон дарҳол Бишқинга<sup>313</sup> йўл олди. У ерга бориб, ўша оқшомда тушган саройда ўзига қилинган муомалани кўргач, болалигидан бери ўзи билан баробар келган саодат энди ундан юз ўгиргани, обрўсизланиш сари юз тутганини англаб етди. Энди ўлим ва фалокат хабарчилари унинг давлати ниҳояси ҳақида унинг қулоғига воқеалар тили билан шивирлаётганди. Султон воқеа-ҳодисалар қарши-сида бўйни кесилган қушнинг ҳаракати каби қарор қилишга иккиланаётган эди. Овчининг истагига кўра уни масҳара қилувчи тузоққа тушган бир ваҳший ҳайвон арқонини биров юмшатиб қўйиб юборган пайтда уни хурсанд қилиб, охирида эса уни ўлдирганидек золим фалак ҳам унга шундай ўйин кўрсатиб, тўғри қарор қабул қилишига ҳалақит бераётган эди. Бу ҳақда қодир Аллоҳ шундай буюради: “Токи уларга берилган нарса (нозу неъмат)лар биланшоду хуррам бўлиб турганларида уларни тўсатдан ушладик. Бас, улар номурод бўлдилар”<sup>314</sup>.

<sup>310</sup> Рустам ўлим тушагида ётган ўғли Сухробнинг азобини, оғригини тўхтатиш учун иликсир излаш учун подшоҳ Кайковуснинг олдига кстади. Лекин йўлда ўтлининг вафот этгани хабарини эшитади.

<sup>311</sup> Тузли, кимматбаҳо бир дарахт.

<sup>312</sup> Табризий. Шарху-л-хамоса. Булоқ нашри, 3-ж. Б.148.

<sup>313</sup> Ахор яқинидаги бутунги Мишқин.

<sup>314</sup> Қуръони карим, 6:44.



Қисқача қилиб айтганда, Султон эртаси куни Бишқиндан Мугонга қараб ҳаракат қилди. У ерда беш кун қолгач, мўғул қўшини келганини хабар қилган пайтда у ерни тарк этиб, Қобон<sup>315</sup> тоғларига чиқди. Мугонга келган мўғуллар Султонни топа олмагач, дарҳол унинг кетига тушдилар.

Султон 628/1230 йил киш фаслини Урмия ва Ушнуда ўтказди. Ўша пайтда Султон Гирон қалъасида ҳарамини ҳимоя қилишни топширган одами вазир Шарафулмулк Мунажжим Султоннинг у ерда бўлмагани ва у ҳақдаги хабарлар тўхтаб қолганини ғанимат деб билиб, унинг ҳарамини ва хазинасига қўл ургани ҳақидаги гап-сўзлар Султоннинг ҳам қулоғига етиб келгач, Султон вақтни ўтказмасдан у томон ҳаракат қилди. Қалъа дарвозасига боргач, мунажжим бўхтон кўркувида қалъадан чиқиб, Султоннинг ҳузурига кела олмади. Шунга кўра Султон Мунажжимни насиҳат билан йўлга солиш учун Бўкихонни юборди. Бўкихон уерга борганидан сўнг Мунажжимнинг одамлари бирма-бир уни тарк этиб, ёлғиз ташлаб кетдилар.

Мунажжим Султон ҳузурига боргач, Султон унга “Сени ернинг тубидан олиб, осмоннинг томига юксалтирдим. Сен эса менинг қилган барча яхшилиқларимга буни менга раво кўрдинг”, деб Мунажжим ҳарамини талон-тарож қилинишини буюрди ва унинг ўзини эса қалъа кўмондонига топширди. Бир муддат сўнгра мунажжим бу ҳаёт зиндонидан нариги дунёга кетди. Кейинчалик Мунажжимнинг айбисиз эканини билган Султон то ўлғунигача виждон азобини тортди.

Султон у ердан Диёрбакрга ҳаракат қилди. Мўғул қўшини Журмогуннинг етакчиси яқинига боргач, заиф ҳолга тушиб қолган Султонни таъқиб қилиб, ушлаб олишда ортикча ғайрат ва шижоат кўрсатишга зарурат сезмади. Ўтадиган жойида тузоқ қуриб, уни ушлаб олишга аҳд қилди. Бу режани амалга ошириш учун Тоймас ва мўғул кўмондонлари Афросиёб Гургиннинг<sup>316</sup> қаршисига чиқарган йигитлардек юраги уруш олови билан ёнган турклардан ташкил топган бир қисмга Султонни ўлдириш вазифасини топширди.

Ўша орада Султон мўғул қўшини ҳақида маълумот олиш учун Бўкихон кўмондонлигидаги бир қисмни йўлга чиқарди. Бўкихон Озарбойжонга бориб, мўғуллар у ерларга бош сукмагани ҳақида

<sup>315</sup> Россия-Туркия чегарасига яқин бир жойда бўлган бугунги Колон (Кофон).

<sup>316</sup> “Шоҳнома” қаҳрамонларидан бири.

хабар олгач, ишнинг аслини сўраб-суриштирмасдан шоша-пиша орқага қайтиб келиб, Султонга мўғулларнинг узоқда экани ҳақида хушхабар келтирди. *Шеър:*

[Подшоҳ вақтичоғлик қиладиган зиёфат ташкил қилди. Унинг борлигидан сарой боғнинг баҳордаги ҳолига айланди]

*Шеър:* (арабча):

[Сархушлиқни фақат оғриқни тўхтатгани ва ақлимни бошимдан олгани учун ёқтираман]

Бу борада мана шуни англатадилар: Бир куни Мутаваккил<sup>317</sup> завқ ва сафога берилган ҳамда номуносиб ҳаракатларда бўлган яқинларидан бирини озорлагани ҳақида “Бу номуносиб ҳаракатларни мен кўнгилхушлиқ деб қабул қиламан. Чунки бу дунёнинг заҳматларига кичкина бўлса ҳам фақат бир бахтиёрлик билан қарши туриш мумкин”, деб жавоб берди. Лекин бу нуқтаиназар даврга ва маконга кўра ўзгаради. Гапнинг қисқаси, давлат буюқлари ва амирлари Султонга уйғун тарзда қадахларни тўлдириб бўшатиш билан вақтини ўтказиб, мудофаа ишларини эътиборсиз қолдирдилар. Ишлар мушкул аҳволда қолганига қарамай, улар наво мақоми билан машғул бўлиб қалғидилар.

Уруш аслаҳалари тайёрлаш керак бўлган қўлларни доира ва уд чалишга буюрдилар. Эркақлар ёнига айғирларнинг белидан кўра аёлларнинг позик белини афзал кўрдилар. Жомнинг ичидаги қайнаган қонни шароб деб ўйлаб уднинг симларидан чиқаётган йиғи ва инграш овозларини эрта тонг ва сукунат деб билдилар. Аввал отнинг эгарини тахт, наматыни тўшак, совутни либос, дубулғани тож қилган подшоҳ жанг майдонларидан кўра вақтичоғлик ва айш-ишрат зиёфатларини ташкил қилишни афзал кўрганди, фалак қилган жароҳатларидан ўзига малҳам тайёрлаган, дўстлари билан ичган шароб унга душманлари қилган яраларни унуттирган, майдондаги жангчи овозини сознинг овозига алмаштирган, айғир отнинг ўрнини қизил шароб олганди. Унинг бундай аҳвол қаршисида кўриб шоир мана шу шеърни айтди. *Шеър:*

[Эй шоҳ, ичишдан сенга нима фойда келади? Доимо сархуш бўлиш сени нимага эриштиради? Шоҳ маст-аласт, дунё ҳароб, душман эса ҳамма ёқда кезиб юрибди, бундай вазиятда бошга нималар ёғилажаги кундай равшан]<sup>318</sup>

<sup>317</sup> Аббосий халифаси (847-861).

<sup>318</sup> Бу рубоий Ибн ат-Тиктиканинг “Китобу-л-Фаҳрий” асарида зикр қилинган.

Султон мана шундай тарзда бир неча кунни вақтичоғлик билан ўтказгач, ҳомиладор тун фалакнинг ёвуз болаларини дунёга келтирди. Султоннинг ақли жаҳолат шайтони уяси бўлган, қалбининг туб-тубига шаҳват туйғулари жойлашгани, фикрларитизгинини нафсоний ҳаваслар ихтиёрига топширган, тадбирни қўлдан чиқариб, амир ва вазирларининг ишончини йўқотган, аскарларининг чуқур уйкуга толдирган, барча навбатчиларнинг мастликдан қўлоёқларида ўзларини тутиб тура олмаган ярим тунда, *шеър*:

[Қоронгу кечанинг бир қисми ўтгач, сахар юлдузи ўзгарувчи фалакнинг атрофида айланди]<sup>319</sup>

Тотор кўшини Тоймас кўмондонлигида жангчилари бўлиши керак бўлган жойда топилмаган, навбатчи соқчилари ухлаб ётган Султоннинг аскарлари ётган жойга борди. Хоқоннинг Султонни ўлдириш Журмагуннинг зиммасига топширганига қарамасдан, кейинчалик “Бу ишни сен яхши бажара оласан”, – деб Тоймасни танлашианглашилмайдиган бир ҳолдир. Худди Хоқон айтганидек бўлиб чиқди. Тотор (мўғул) кўшини қаршисидагиларсергак ҳолда деб ўйлаб уларга яқинлашди. Уларнинг яқинлашаётганини кўрган Ўрхон югуриб бориб, Султоннинг ёнига борди. Лекин у илк оқшомдан бери чуқур уйкуга чўмганди. “Воқеалар айни вақтида эшикни чалар”. *Шеър*:

[Уйкуда биртуш кўриш ҳар қандай лаҳзалик уйғоқликдан яхши кўринди]

Уйқусидан шошилинич тарзда уйғотилган Султон Улуғ Тангрининг ёрдамидан умидини узди. Чора-тадбир кўриш қобилияти тақдир панжасига тушган, фикрлаш оти шол бўлиб қолган, имкон ёйдан чиққан чора ўқи мақсад нишонига етмасданок синган, у билан бахт-саодат орасига бахтсизлик кириб олган ва у ёмонлик уясига тушиб қолганди. Бегона ва қутилмаган меҳмон кўкқисдан бостириб кирган ва унинг ҳаловатини олиб қўйган эди. Лекин бу сафар келгани жиддий ва жасур эди. Унинг мастлигини кетказиш учун совуқ сув истаб бошига қуйди. Ўша ондан сўнгра энди унинг бошидан бало кам бўлмаяжак, қалби темирчининг ўчоғи каби чўғ ҳолида ёнажак, кўзлари синган бир кўзадек доимо сув чиқаражақди. Озгина одами ва катта укубат билан йўлга чиқиб, сеvimли мамлақати ва иқбол ўлкаси билан видолашди. *Шеър* (арабча):

[Агар кечаларнинг кўзи бизни бир муддат кўрмаганликка олиб муғомбирлик қилса, биз буни яхшилик аломати дея изоҳлаймиз]

*Шеър*:

[Эй ёшлик, кунларинг ва тунларинг хуш ўтсин. Менинг сен билан учрашим энди қиёматга қолди]

Султон озгина аскари билан йўлга чиқишидан олдин буйруқни қутиши ва душманга қарши туриши учун у ерда қолдирган Ўрхон унинг буйруғига итоат қилиб, қисқа муддат жанг қилганидан сўнгра мўғул аскарлари уни Султон деб ўйлаб устига келиши билан қоча бошлади. Мўғуллар уларни худди бургут ўз овини қувлаганидек қувласа ҳам уларни қўлдан чиқариб юборганини англагач, орқага қайтиб Султон истехком қурган жойга келдилар. У ердан кимники топсалар, ҳаммасини қиличдан ўтказиб, бўрилар ва пашшаларга ем қилдилар. Шу тарзда ғурур анқоси мияларига тухум қўйган, хўроздан тухум қутгандек ҳолатга тушган Султон одамлари сувга тушди. Ҳаёт либослари ҳалокат тишлари билан йиртилди. Олдинлари қутб юлдузининг ёнигача юксалганлар қабр қаърига тушдилар, туз-тупрок уларга гилам бўлди. *Шеър*:

[Қари фалак ҳар доим мана шундай ўзгаради. У баъзан ёй, баъзан эса ўқ кабидир. Баъзан севги ва ҳаётбахш ичимликни тақдим қилади, баъзан эса нафрат ва захар. Ўзгарувчи фалакнинг одати шудир]<sup>320</sup>

Боши қотган Султон хоҳлаган ишини қила олмайдиган ҳолатда қолди. *Шеър*:

[Дунё азоблари ва тақдир билан ёрилган қалб менда кўрқув ўрин эгаллади]

Мана шундай вазиятда у ўзини йўлга урди.

Дунёнинг вафоси шундай бўлгач, унинг жафосининг қандай бўлишини тахмин қила оласанми? Тузоқ билан тўла бўлган ерларга дунё, ғам-ғусса ва қийинчиликларга тўла бўлганга эса замон номини қўйганлар. Яна айни шаклда азоб-укубатлар марказига қалб, кўрқув марказига эса жон деб ном берганлар. *Шеър*:

[Эй менинг вужудим билан бир бўлган, қийинчилик мендан ёки сендан чиқмоқдами билмайман. Укубат кўнгилни қуршаб олиб, истило қилгач, кўнгил унга чиқиб кет, деди. Шунга кўра орамизда энди айрилиқ йўқ. Мен сенман, сен менсан, дея жавоб берди]

*Шеър*:

<sup>319</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.438.

<sup>320</sup> “Шоҳнома”, Вуллерс нашри. Б.1061.

[Тақдир берган зарбаларига қарши тура олсак, замоннинг бизга бирор нарса қилишини тахмин қилмайман. Ҳозир осойишталик ва ҳаловат даври эмас, тартибсизлик ва фалокат давридир. Дунё бутунлай фитна ва ёмонликлар билан тўлди. Чунки жаҳон подшоҳининг давлати йиқилиш арафасида турибди. Эй йигит билгилки, бутун бу тартибсизлик ва ёмонликларнинг асл манбаи фақат қари бир аёл (дунё)нинг жонни ёқувчи ҳаракатидир]

*Шеър* (арабча):

[Айбни замонга тўнкаш, гангиб нима қилишни билмай қолганидан ажаб ҳолга тушишдир. Оғзи боғланган одам билан суҳбатлашишни исташ ҳам шундай]

Султон Жалолиддин ўлими ҳақида турли ривоятлар бор: Баъзилари Амидга<sup>321</sup> борган вақтида тунни ўша ерда ўтказишни истаркан, у ерга келган қароқчилар унинг устидаги либос ва нишонларга кўз ташлаб, нима қилаётгани ва қандай ов овлаганини билмасдан кўксига қанжар уриб, уни ўлдирди, дейдилар. Мана ҳаёт шундай. Қаердаки, бир хумо қуши бор бўлса, ўша ерда битта бойкуш ҳам топилади, қаердаки, бир шер бўлса, ўша ерда жасад кутувчи чиябўри ҳам бўлади. Улар Султоннинг либосларини кийиб шаҳарга чиққач, Султон яқинлари унинг кийимларидан таниб, Амид бошқарувчисига хабар қилдилар. Амид бошқарувчиси буйруғига кўра, қотилларнинг ҳаммасини ўлдирдилар. У ерда топилган бир одам жасадини олиб келиб, Султон учун қурилган қабрга қўмдилар. Бир ривоятга кўра эса, Султон ўзининг кийимларини яқинларидан бирига кийдириб, ўзи суфий кийимини кийиб, юртма-юрт, ўлкама-ўлка кезиб юрган эмиш, охирида бу вафосиз дунёнинг зарбасини еб, ўз ажали билан ўлган эмиш, дейилади.

Унинг вафотидан йиллар ўтгандан сўнг “Султонни фалон жойда кўришибди”, деган халқ орасида миш-мишлар чиқди. Ирок вазири Шарафиддин Али Тафриший<sup>322</sup> бир муддат бу хабарларнинг аслини ўрганиш билан машғул бўлди. “Султон фалон шаҳарда кўринибди, Султон фалон қалъада” тарзидаги хабарларсони кундан-кунга кўпайди.

Нихоят, 633/1254 йилда Жайхун дарёсини кечиб ўтаётган тужжорлар орасидан бири кемадаги одамларга “Мен Султон Жалолиддинман”, дегач, уни ушлаб олиб тергов қилдилар. Ўз

<sup>321</sup> Бугунги Диёрбакр.

<sup>322</sup> Бугунги Тафриш.

гапида қатъий туриб олмагани учун уни ўлдирдилар. Яна ҳам бунга ўхшаш воқеалар кўп бўлди. Лекин инсон умри каби ўша миш-мишларнинг ҳам умри узоқ бўлмади. “Унинг ўзидан бошқа барча ҳалок бўлувчидир. Ҳукм Уникидир ва (барчангиз) Унингҳузурига қайтарилурсиз”<sup>323</sup>.

## XXI. ЯМИН МАЛИК,<sup>324</sup> САЙФИДДИН ИҒРОҚ ВА УЛАРНИНГ ХОТИМАСИ

Султон Муҳаммад дарё қирғоғида енгилиб орқага қайтгач, Ҳиротволийси Ямин Малик аввал Ҳиротга, сўнгра эса Гармसर йўлидан Ғазнага ҳаракат қилди. Ўша пайтда йигирма минг аскар билан Султонномидан Ғазнани Хорпўст Ғурий бошқариб турганди. Ямин Малик Ғазнадан икки-уч бекат узоқликда Сурода тунаб қолган пайтда Хорпўстга “Ҳайвонларимизга ўт тайёрла. Тоторлар (мўғуллар) Хуросонга кирди. Султон эса енгилиб, Ирокка кетди. Бундан бу ёғига Султонга ишонма”, деб хабар юборди. Ўша пайтда Султон Жалолиддиннинг вазири Шамсулмулк Шаҳобиддин Сарахсий ва Султон номидан қалъани ва ички шаҳарни бошқарган Салоҳиддин Насоий ҳам Ғазнада эди. Хорпўст ва амирлари Ямин Маликнинг хабарига “Бизлар ғурикларимиз, сизлар эса туркларсиз. Шунинг учун бир жойда бирга яшай олмаймиз. Султон ҳар бир қавм учун алоҳида деҳқончилик учун ерлар ва ўтлоқлар (чорва учун) кўрсатиб берган эди. Шунинг учун сиз ҳам, мен ҳам ҳақимизга рози бўлиб, бир-биримиз ерларимизга кўз олайтирмайлик”, деган мазмунда жавоб юборди. Мана шундай тарзда бир неча марта элчилар алмашинган бўлса ҳам, бироқ вазият ўзгармади ва ғуриклар ўз фикрида қаттиқ туриб олдилар. Шундан сўнг Ғазна атрофида жойлашган Султонга тегишли бўлган аскарлар шаҳардан ярим фарсах узоқликда истехком қуриб, жанг тайёргарлигини бошлаб юбордилар. Ўша пайтда Шамсулмулк ва Салоҳиддин “ғуриклар Султонга қарши исён кўтаришни ўйлаптилар, чунки Султоннинг қариндоши бўлган Ямин Маликка шаҳарга кириши учун рухсат бермабдилар”, деб Хорпўстни йўқ қилиш ҳақида келишиб

<sup>323</sup> Куръони карим, 28:88.

<sup>324</sup> Бу шахснинг номи бошқа манбаларда Яминулмулк, Ямин Малик ёки Амин Малик сифатида берилган.

олдилар. Иккиси бир боғда унга зиёфат бераётган пайтда Салоҳиддин Насоий кутилмаганда бир пичок зарбаси билан Хорпўстни ўлдирди. Сўнгра у ердан чикиб, Хорпўст ўлганини одамлар эшитмасиданоқ шаҳарбошқарувини қўлга олди. Кейинчалик Хорпўстнинг ўлдирилганини билган ғурликлар тарқалиб кетди. Бир-икки кундан сўнг Ямин Малик Ғазнага кириб, у ернинг бошқарувини қўлга олди.

Ўша воқеадан бир муддат сўнг Чингизхон Балхнинг Толикон қасабасига боргани ва у ердан икки-уч минг кишилик қўшинни Гармсер устидан Ямин Маликни излаш учун юборгани хақидаги хабар келгач, Ямин Малик дарҳол бир қўшинни ҳозирлаб, уларга қарши урушга чиқди. Икки қўшин бир-бирига яқинлашгач, мўғуллар ўзлари қаршисида турганлар сони кўп эканини кўриб, орқага чекина бошладилар. Шундан сўнг Ямин Малик Буст<sup>325</sup> ва Такин-ободга<sup>326</sup> қадар уларни таъқиб қилди. Мўғуллар у ердан Ҳирот ва Хуросон томонга йўл олган пайтда Ямин Малик ҳам Кусдор<sup>327</sup> йўлидан Сейистонга<sup>328</sup> кетди. Ямин Малик ўша сафарга чиқаётганида Шамсулмулкни ёнига олиб, Салоҳиддинни эса Ғазнада қолдирган эди. Шамсулмулкни Буст ва Такинобод яқинидаги Кужурон<sup>329</sup> қалъасига қамаб қўйди. Салоҳиддинни эса Ямин Малик йўқлигидан фойдаланиб, ғазналиклар исёни пайтида ўлдирдилар.

Бир муддат сўнг Ғазнанинг қозилигини бажарган Розийулмулк ва Умдатулмулк исмли икки ака-ука Термиз бошқарувини қўлга киритди. Кейинроқ ўзаро келишиб, Ғазна бошқарувини Розийулмулкка топширди. Ўша пайтда Хуросон ва Мовароуннаҳрдан келган халаж ва туркманлар тўдаси Сайфиддин Иғроқ Маликнинг қўмондонлигида Пешоварда тўлланган эдилар. Розийулмулк уларни босиб олиш, Ҳиндистонни қўлга киритиш орзуси билан ёниб-куйди ва Пешоварга қараб тўғри ҳаракат қилди. У ерда тўқнашган туркман ва халажлар томонидан оғир мағлубиятга учратилди ва қўшинининг кўпчилигини йўқотди.

Сўнгра Розийулмулкнинг укаси Умдатулмулк Ғазнанинг бошқарувини қўлга олди. Имодиддиннинг укаси Аъзам Малик ҳам Балхда эди. Қобул бошқарувчиси Маликшер ўзининг ғурликлардан

<sup>325</sup> Бугунги Қалъаи Буст.

<sup>326</sup> Тахминан Кандаҳорга қарашли бир жой. Minorsky, Худуд. Б.345.

<sup>327</sup> Калотдан 85 мил жанубдаги бугунги Куздор. Minorsky, ўша асар. Б.373.

<sup>328</sup> Куаттонинг шимолий-шаркидаги Сибий ноҳияси, Болиш ёки Волиштон.

<sup>329</sup> Ўрни аниқланмади.

ташқил топган қўшини билан Ғазнага келиб, Умдатулмулк турган жой – ички қалъани қирк кун мобайнида қуршаб олиб, манжаник оловига тутиб қўлга киритди. Маликшер қалъани қўлга киритган куни Хуросондан келаётганида мўғуллардан енгилган ва Кужурон қалъасига жойлашиб олган Султон Жалолиддинни ҳимоя қилган Шамсулмулк Ғазнага хабар юбориб, Султоннинг келиши хақида хабар етказди ва уни кутиб олиш тантаналарига тайёрланишларини истади. Шундан бир ҳафта сўнг Султон Ғазнага боргач, тарқоқ ва-зиятда бўлган аскарлар чоғиб боришиб, унинг ёнидан ўз жойларини эгалладилар. Султон керакли тайёргарлик кўраётганида Ямин Малик Ҳиндистондан, Иғроқ Малик эса Пешовардан ўз одамлари билан келиб, Султоннинг хизматиغا кирдилар. Улардан бошқа Аъзам Маликшер ва ғурликларнинг кўпчилиги Султоннинг ёнидан ўз жойларини эгалладилар. Мана шундай тарзда Султон амри остида етмиш минг кишилик бир қўшин тўпланди.

Ундан сўнгра Султон Жалолиддин аскарлари билан бирга мўғуллар хақида маълумот тўплаш учун бир қанча йўлларнинг кесишган жойи – Бомиён атрофида бўлган Парвонга кетди. У Ғазнадан кетиши биланоқ унинг кетида юрган ўн икки минг суворийдан ташқил топган мўғул қўшини Ғазнага келди. Аскарларни топмаганлиги учун осонгина шаҳарга кириб масжидларни йикитдилар ва дуч келган одамларни ўлдирдилар. Сўнгра у ердан олган йўл бошловчи билан Султоннинг изидан Парвонга келдилар. Улар (мўғуллар) жангда Султондан енгилиб, Толиконда турган Чингизхоннинг ёнига кетдилар.

Султон ўша жангда ғолиб чикиб, мўғул аскарларидан соғ қолганлари тарқалиб кетгач, мўғуллардан қолган отларни бўлиб олиш борасида холож, туркманлар, ғурлик ва хоразмликлар орасида жанжал чиқди. Шу тарзда Султон қўшинида келишмовчилик келиб чиққач, Иғроқ Малик ва Аъзам Малик, аввалроқ ўзлари билан бирга олиб келган холож, туркман ва ғурлик аскарлар билан бирга Пешовар йўлини тутдилар. Султон эса ёнида қолган турк ва хоразмлик аскарлар билан Ғазнага қараб ҳаракат қилди.

Иғроқ Малик, Аъзам Малик ва бошқа холож, туркман ва ғурлик амирлар Султон ёнидан кетиб қолганидан кейин Аъзам Маликнинг мулки бўлган Некрохонга<sup>330</sup> боргач, Аъзам Малик ёнида бирга келганларга ҳурмат-иззат кўрсатиб, ҳар бирига алоҳида ер-мулк

<sup>330</sup> Афғонистондаги бугунги Жалолобод, қаранг: Minorsky, ўша асар. Б.252.



берди. Лекин орадан кўп вақт ўтмасдан беш-олти минг чодир аскарлари бўлган халаж амири Нух Жондор билан Иғроқ Малик орасида жанжал чиқди. Шу туфайли Иғроқ ёнидаги йигирма минг аскарлари билан Пешоварга томон ҳаракат қилди. Нух жондор эса отларини ўтлатиш учун у ерда қолди. Иғроқ Малик Некрохондан бир бекатчилик узоқлашгач, Аъзам Маликка бир одам орқали ва “Мен сени ўғлимдек яхши кўраман. Сенда менинг кўп ҳаққим борлигини биласан. Агар сен менинг хурсанд бўлишимни истасанг, Нух Жондорга ўз ерларингда туриш рухсатини берма”, деб хабар юборди. Аъзам Малик ҳам унга “Уни ерларимдан чиқарсам, Мусулмонлар орасида жанжал келиб чиқади. Бу эса тўғри иш бўлмайди”, деб унга жавоб берди ва сўнгра ёнидаги хос аскарларидан эллик суворийни олиб, улар орасидаги муносабатларни тузатиш учун Сайфиддин Иғроқнинг ёнига кетди. Сайфиддин Иғроқ уни яхши кутиб олди. Шароб мажлиси ташкил қилиб, уни ёнига ўтказди. Аъзам Малик Нух жондордан гап очиб Иғроқ Маликдан уни кечиришини сўрагач, унинг бу истагини рад қилган Иғроқ Малик маст ҳолда юз суворийси билан чиқиб, Нухнинг кўшини жойлашган қароргоҳига борди. Нух уни ярашиш учун келган деб ўйлаб, ўз ўғиллари билан бирга унга ҳурматкўрсатди. Ўша пайтда Иғроқ Малик қиличини суғуриб, Нухга уруш истагини билдиргач, Нухнинг аскарлари жангга кириб, уни тилка-пора қилдилар. Унинг ўлими ҳақидаги хабар Иғроқ Малик қароргоҳига етиб боргач, Иғроқ Малик одамлари “Бу муҳаққакки, Аъзам Маликнинг бир тузоғидир. Нух билан бирга ҳамкорлик қилиб, бу ерга келди ва Иғроқ Малик ўлимига сабабчи бўлди” тарзида ўйлаб, у ерда бўлган Аъзам Маликни ушлаб ўлдирдилар, сўнгра Нух турган жойга ҳужум қилдилар. Уни ва ўғилларини ўлдирдилар. Ўша воқеалар пайтида Иғроқ Малик томонидан, Нух тарафидан ва керак бўлса, ғурликлардан жуда кўп одамлар ҳалок бўлдилар.

Ундан қисқа бир муддат сўнг Чингизхон амри билан ҳаракат қилган Тақажук ва Саййид Алоулмулк Қундуз кўмондонлигидаги мўғул кўшини уларнинг устига келди. Мўғулларданиборат бўлган кўшин кўмондони Тақажук билан тўпланган пиёда аскарлар кўшини кўмондони Алоулмулк холож, ғурлик ва туркман аскарларидан соғ-омон қолганларини қиличдан ўтказдилар. Гапнинг қисқаси, Султон Жалолиддин ёнидан ажралиб кетганлар сони йигирма минг бўлган холож, туркман ва ғурликлар икки, уч ойчалик қисқа

бир муддат ичида ҳам бир-бирларини ўлдириб, ҳам Чингизхон аскарлари қилич ва ўқларига нишон бўлиб, бутунлай йўқ бўлдилар ва улардан ҳеч бир асар қолмади.

## XXII. СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ ОНАСИ ТУРКОН ХОТУН

Туркон хотун асли “қангли” номи берилган турк қабиласидан эди. Бу қабиллага мансублар Туркон томонидан доимо химоя қилинар ва бошқарувда сўз соҳиби эдилар. “Ажамийлар” ҳам дейилган бу одамлар кўпол табиатли ва марҳаматсиз эдилар. Улар қаерга борсалар, ўша ерни ҳароб қилардилар, халқ уларни кўрган пайтда қочишга йўл изларди. Уларнинг халққа раво кўрганлари бу азият ва зулм, Султон давлати асосларини шиддатли тарзда ларзага келтирган муҳим омиллардан бири эди. *Шеър* (арабча):

[Бир қавм борки, улар беш вақт намозни ортиқча деб ўйлайди ва ҳарамии шарифда ҳожилар конини тўкишни маъқул деб билади]<sup>331</sup>

Туркон хотуннинг алоҳида бир саройи, ўзига боғлиқ бир давлат арқони, ўзига хос мол-мулк ва ерлари бор эди. Булардан ташқари унинг сўзи Султон ва унинг яқинлари томонидан тингланар, Султон хазинасини у хоҳлаганича сарфлай оларди. Туркон хотуннинг тез-тез яширин вақтичоғлик зиёфатлар ташкил қилганлигини айтадилар. Шу билан бирга у давлат соҳиби бўлган бир қанча хонадонга мансуб шахсларни йўқ қилдирган эди. Янги бир мамлакат фатҳ этилганидан сўнг у ернинг бошқарувчилари гаров сифатида Хоразмга келтирилган пайтда Турконхотун улардан ўғлига бирор азият етмасин, деб уларнинг ҳаммасини ўлдиртириб, дарёга<sup>332</sup> отиб юборади. Бу ишларни қилаётганида улуғ Аллоҳ Одам ўғлининг қилган ишлари жазоси ва мукофоти фақат бу дунёда эмас, балки нариги дунёда ҳам берилажагидан хабари йўқ эди. *Шеър*:

[Ҳар нимаики қилсанг, золим ва кофир дунё ҳеч вақт ўтказмасдан уни сенинг ҳисобингга ёзар]

Султон онаси ва ҳарамини Мозандоронга олиб кетиб, у ернинг қалъасига бекитиш учун Хоразмга одамларини юборди. Туркон хотун ўғлининг буйруғига кўра ҳаракат қилди. Султон оиласи ва

<sup>331</sup> Мутанаббий қасидасидан.

<sup>332</sup> Жайхун – Амударё.

ҳарамини олиб кетаётганида аскарларни Хоразмда қолдиришди. Ҳаракат пайтида асир қилиб олинган турли мамлакатларнинг подшоҳларини буйруқ билан, Жайхун дарёсига чўктириб юборганидан сўнг болалари, неваралари, яқинлари ва хазинаси билан вазир Носириддиннинг кузатувида Дехистон устидан Мозандоронга томон ҳаракат қилди.

Мозандоронга келган Султон у ерни ҳам ишончли деб ҳисобламай Туркон ва бошқа ҳарам аъзоларини Лорижон<sup>333</sup> ва Илол<sup>334</sup> қалъасига юборди. Султон кетидан таъкиб қилиб Мозандоронга келган Субутой эслатилган қалъаларни қамал қилиш учун аскар чақирди. Такдирни карангки, ёмғир булуғлари ўз юқларини устига тўккан ва ўша пайтгача ҳеч ким сув танқислигини кўрмаган Илол қалъаси қуршовга олинган вақтда ёмғир ҳам уларга душманлик қилиб, ёғмай қўйди. Чунки омад, бахт кўндан бери уларни тарк этган эди. *Шеър:*

[Султон сув тортган филлар билан ҳаводан тупрок учун ширин сув сақлаган кишидир]

Ўн беш кундан сўнг сув тугагач, оғир аҳволда қолган Туркон хотун бошқа ҳарам аъзолари билан ва вазир Носириддин билан пастга тушди. Улар қалъанинг тубига борган вақтда об-ҳаво юзини норози оҳангда бужмайтириб, ковоғини осиб, яшин устига яшин чақиб йиғлайбошлади. Бу ҳолат эса ўрдакнинг баликка айтган мана шу хикоясига ўхшади. *Шеър:*

[Биз ўлганимиздан сўнгра дунё хоҳласа денгиз, хоҳласа сароб бўлсин]

Мўғул аскарлари Туркон хотунни ўғиллари, кизлари ва Носириддин билан бирга Толиконда турган Чингизхон ёнига олиб бордилар. 618/1221-1222 йили Чингизхон буйруғига кўра, Носириддинни қийнаб ўлдирдилар. Султоннинг ўғил фарзандларидан биронтасини ҳам тирик қолдирмади. Тирик қолган Туркон, Султоннинг кизлари, сингиллари ва аёлларига Чингизхон буйруғи билан Султондан ва унинг мамлакатиданайрилгани учун дод-фарёд қилиб, йиғлатдилар.

Авалроқ айтиб ўтганимиздек, Султоннинг дарёдан қочиб кутилган пайтида ўз ўлкаларига қайтган мўғуллар Султон ҳарамини ҳамўзлари билан бирга олиб кетган эдилар.

Қорақурумга олиб кетилган Туркон хотун у ерда бир неча йил бахтсиз ҳаёт кечирди ва 630/1232-1233 йилда вафот этди. Чингизхон унинг қизларидан иккитасини Чигатойга тақдим қилди. Чигатой уларнинг бирини ўзининг шахсий чўриси қилиб, бошқа бирини эса вазири Қутбиддин Ҳабаш Амидга берди. Бошқа шахзолалар чекига тушган қизларидан бирини Амид ҳожибга бердилар.

Улардан бошқа Султон Жалолиддин ҳарамига мансуб бўлган Туркон исмли икки ёшли бир қизча Журмогунга тушди. Журмогун уни хоқонга юборди. Хоқоннинг амрига кўра, уни саройда тарбияладилар. Кейинчалик жаҳон шахзодаси Ҳулогу Фарб ўлкаларига бошқарувчи бўлиб кетаётганида Турконни ва унгалойик бириси билан турмуш қуриш учун Ҳулогуга бердилар. Ҳулогу эса уни жуда қийматли бир келин сарполарини бериб 655/1257-58 йилда мўғул давлатига қилган муносиб хизматлари туфайли Мўсул бошқарувчиси<sup>335</sup> ўғли Малик Солихга<sup>336</sup> шариат ҳукмларига кўра никоҳлаб берди.

### XXIII. СУЛТОН ҒИЁСИДДИН

Асли исми Пиршоҳ бўлган Ғиёсиддинга Кирмон ўлкаси бошқарувчилигини беришисталган эди. Лекин “Банда чора кўрар, Аллоҳ тақдир қилар”.

Отаси Султон Муҳаммад Ироқдан Мозандоронга кетаётганида ҳарамини Қорун қалъасига юборгач, Султон Ғиёсиддинга ҳам уларнинг ёнида бўлиш вазифасини топширди. Султон Муҳаммад, Аллоҳқабрларини нурлантисин, Обосакун оролида ўлганидан сўнг мўғул қўшини у ерни тарк этгач, Қорун қалъасидан чиқиб кетди ва отаси аввалроқ вазифа қилиб топширган Кирмонга кетди.

Султон Ғиёсиддин Жувошир қалъасига боргач, Завзан малики одами бўлган қалъа бошқарувчиси Шужоиддин Абулқосим “Мен сиз томонингиздан бу ерга тайинлангандим. Агар бу ерга келадиган бўлсангиз, у ҳолда тартибсизлик келиб чиқади”, деб бир қанча қимматли ҳадялар юбориб, Ғиёсиддинни қалъага киритишни истамади.

Султон Ғиёсиддин унинг ниятининг ёмон эканлигини англаб этди. Лекин у билан жанг қилишни истамади. Ёнидагилар билан

<sup>333</sup> Техрондан эллик мил шимоли-шарқдаги Дамованд тоғида Омуднинг бир ноҳияси.  
<sup>334</sup> Ду-Танга вилоятидаги Сотн (Тежен) дарёсининг ирмоқларидан бири.

<sup>335</sup> Балридин Луълу (1233-1259).

<sup>336</sup> Солих Исмоил (1259-1263).

бирга у ердан чиқиб Ирокка кетди. Ирокка боргач, аввал таркалиб кетган аскарлар унинг хизматига кирди. Хизматига кирганлар орасида Барок ҳожиб ва Ўғул Малик ҳам бор эди. Султон Гиёсиддин ўз атрофига тўпланган бу аскарлар билан Дино<sup>337</sup> деган жойда отабек Саъднинг устига ҳужум қилгач, отабек Саъд қочиб кетди. Гиёсиддинаскарлари эса отабек Саъдга тегишли бўлган кўп миқдордаги молларни ўлжа қилиб, орқага қайтдилар. Орадан кўп вақт ўтмасданок Барок ҳожиб билан Гиёсиддиннинг вазири Тождин Карим аш-Шарқий орасида жанжал чиккач, Барок ҳожиб ғазабланиб, Ҳиндистонга қараб тўғри ҳаракат қилди.

619/1222-1223 йилда Гиёсиддин Форсга бориб, отабек бўш ташлаб кетган шаҳарни<sup>338</sup> талон-тарож қилди. У ердан Ҳузистонга борди. Ҳузистонда Музаффариддин Важҳ ас-Сабу<sup>339</sup> билан жанжаллашганидан сўнгра у билан қайта ярашиб киш фаслини ўтказиш учун Ройга қараб йўлга чиқди. У ерга боргач, Султон Жалолиддин охулар суруви устига ташланган шердек уларнинг устига қараб юрди. Гиёсиддиннинг аскарларига яқинлашгач, Султон отидан пастга тушди. Гиёсиддин ундан кўрккан бўлса ҳам Жалолиддин унга тегмаслигини айтгач, тинчланди. Эрта тонгданок Гиёсиддин амирлари келиб Жалолиддинга тобе эканлигини маълум қилдилар. Ақллари ўзларига раҳбар бўлган ва Султон Жалолиддинга меҳр-оқибат иплари билан боғланган ўша жамоатнинг кўпчилиги Султон давлатида юксак мақом ва мавқега эга бўлдилар. Султон Жалолиддинга қарши исён чиқаришни хоҳлаган Гиёсиддин одамларидан баъзиларини Султон буйруғига кўра жазолантирдилар.

Ундан сўнг Султон Гиёсиддин ёнидаги бир қанча одамлари билан бир муддат Султон Жалолиддин ёнида қолди. Султон Жалолиддин унга бир куни шароб мажлисида рўй берган бир ҳодисага қадар бир укага кўрсатиладиган эътибор ва меҳр кўрсатди. Ўша ҳодиса мана бундай эди: Олдинроқ бир амир Султон Гиёсиддиндан ажралиб кетиб, Хурмилнинг ўғли Малик Нусрат<sup>340</sup> хизматига кирган эди. Малик Нусрат, Султон Жалолиддиннинг энг яқин дўстларидан эди. Султон Жалолиддин амирлари ёнида ёлғиз

<sup>337</sup> Эҳтимол, Форснинг гарбидаги Кўхи Дино тоғ тизмалари.

<sup>338</sup> Шероз.

<sup>339</sup> Халифа Носир (1180-1225)га тобе бўлган Музаффариддин Суяунғур.

<sup>340</sup> Нусратиддин Муҳаммад. Хурмилнинг ўғли эмас, балки неварасидир. Унинг отасининг исми Ҳасан. Жалолиддин билан тўқнашишдан олдин Кубожанинг хизматида эди. Қаранг: Насавий (тарж. Naudas). Б. 146, 233.

қолган пайтларида унга пичинг қилиб жаҳлини чиқарар ва у ҳам ҳазиллашиб кулгили жавоблар берарди. Султон Жалолиддин, Султон Гиёсиддин ва яна бошқалар ҳозир бўлган шароб мажлисида Султон Гиёсиддин Малик Нусратга “Менинг одамимни нега ёнингга олдинг” деб сўрагач, Малик Нусрат унга ҳазил йўли билан “Одамнинг хизмат қилиши учун унга нон бериш керак”, деб жавоб берди.

Султон Жалолиддин унинг бу жавобидан Султон Гиёсиддин қаттиқ ранжиганини сезгач, кўзи билан Малик Нусратга ташқарига чиқиб кетишга ишора қилди. У чикқанидан сўнг Султон Гиёсиддин оқшом пайти бўлгунча у ерда қолди, яхшигина маст бўлганидан сўнг у ердан чиқиб кетди. Малик Нусрат эшигининг олдидан ўтиб кетаётганида унга меҳмон бўлиш истагини билдириш учун бир одам юборди. Малик Нусрат дарҳол ташқарига чиқиб, Султон Гиёсиддинни отдан тушириб, уйига олиб кетди. Шароб дастурхонини безатдилар. Қадахлар бирин-кетин бўшай бошлади. Мастликлари охирги нуқтага боргач, Султон Гиёсиддин кетиш учун ўрнидан турди. Одатга кўра, Малик Нусрат уни отга миндириш учун отнинг узангисига эгилгач, кўкқисдан Султон Гиёсиддин ханжарини олиб, Малик Нусратнинг орқасидан урди. У ерда бўлган Малик Нусрат одамлари “Маликни ўлдирдилар”, деб бақиргач, халқ уйлари-нинг томларидан Султон Гиёсиддинга гишт ва сопол ота бошлади. Султон Гиёсиддин отининг олдинги оёқларини кўтарган тарзда тезлик билан ўша кўчадан ўтиб, ўзининг уйига борди. Вазиятни дарҳол Султон Жалолиддинга маълум қилдилар. Султон эрталаб тонг отгач, Малик Нусратнинг ёнига борди. Барча жарроҳларни ўша жойга олиб бордилар, лекин унинг дарди давоси қолмаганди. Чунки пичоқ бориб суякка тақалганди.

Ўша ҳодисадан бир неча кун сўнг Малик Нусрат вафот этди. Шунга кўра Султон Жалолиддин амри билан Исфаҳоннинг таниқли арбоблари, амирлар ва халқ мотам тутдилар. Султон Жалолиддин бир муддат устидаги мотам кийимини ечмади. Гиёсиддин қилган бу ёмон ишидан ҳижолат чекиб, бир ҳафта акасининг ёнига кела олмади.

Кейин эса Жалолиддин амрига кўра, уни саройдан ҳайдадилар. Султон Жалолиддин амираи воситасида унга оғир гаплар айтди. Шундан сўнг Султонга гапи ўтадиган баъзи кимсалар орага тушиб, уни Султон ҳузурига келтирдилар. Гиёсиддин уялганидан ҳатто оғзини ҳам оча олмади. Мана шундай тарзда Султон Гиёсиддин

акасидан ўзини четга олиб, ҳижолат бўлиб у ерда бир неча кун яна тургач, Тойнол аскарлари билан Исфаҳон томонга келди. Султон Жалолиддин унга қарши кўшин тортгач, Султон Ғиёсиддин одамлари билан бирга у ердан узоклашиб, Лур йўлида Ҳузистонга кетди. Унинг бу ҳаракати Султон Жалолиддинни жуда изтиробга солди. Султон Ғиёсиддин Ҳузистондан қайнотаси бошқарувида бўлган Ҳазорасф қалъасига кетди. Ёнидаги амирларидан кўпчилиги уни тарк этдилар. Уни ўша жойда бир муддат ҳурматини жойига қўйган қайнотаси Султон Жалолиддин газабини ўзига қаратишидан кўркиб, уни у ердан узоклаштирди. Онасини ва амирларининг бир қисмини Тустарда қолдирган Султон Ғиёсиддин Бағдолга борди. Халифа унга катта ҳурмат-эътибор кўрсатди. У ердан Оламутта борди ва бир муддат ўша ерда қолди. У ернинг бошқарувчиси Алоуддин ҳурмат ва эътибор қилишда кусур қилмасдан унга лойиқ ҳадялар берди. У ердан яширинча чиқиб кетиб, Ҳузистонга борди. Келганлигини билдириш учун Кирмонда турган Бароқ хожибга бир одам юборди. Хабарчилар орқали Бароқ ўзини (Ғиёсиддинни) Варқўх<sup>341</sup> чўли яқинида кутиб олишини таъминлади.

Бароқ қарор қилинган жойга уч-тўрт минг аскар билан ўз вақтида келди. Икки-уч кун Ғиёсиддинга керакли тарзда хизмат қилди. Лекин Ғиёсиддин ёнида беш юздан ортиқ бўлмаган оз сонли аскар борлигини кўргач, одобсизлик қилди. Султон Ғиёсиддиннинг онасига уйланса, янада юксакроқ мақомга эриша олишини ўйлади. Сўнгра яқин одамларидан бири билан юборган хабарида Султонга ўз ўғлидек хитоб қилиб, ўз ниятини билдирди. Ўз кучини унинг кучлари билан таққослаган Султон унинг истак-хоҳишини рад қилишининг ўрни эмаслигини тушунди. Аҳволни онасига тушунтирди. Онаси аввалигарад қилса ҳам ўғлининг қаттиқ талаб қилишига бардош бера олмасдан қабул қилди. Никоҳ ўқилганидан кейин қўшилиш учун Султоннинг онасига узок вақт ялиниб, уни қўндирдилар. Охирида зирхли соқчилар назорати остида Бароқ хожибнинг саройига келтирилди. Шундай тарзда Бароқ гўшанга ишини бажарди. Бу ҳақда жойи жаннатда бўлсин, Фирдавсийнинг мана шу байти ёдимга тушди. *Шеър:*

[Яшилликдан бўшаган жойни бегона ўт қоплайди]<sup>342</sup>

<sup>341</sup> Бугунги Абарқўх.

<sup>342</sup> “Шоҳнома”, VII жилд. Б.80.

Бу ҳолатга ҳурматли адиб Фаридиддин Байҳакийнинг Шарфулмулк ўрнига вазирлик мақомига ўтирган биродам ҳақида айтган мана бу шеъри ҳам мос келади. *Шеър:*

[Бошингни кўтаргин-да, сенинг ўрнингда ўтирган одамнинг нима қилганини кўр]

Кейинроқ эса Ғиёсиддин шаҳарга кетди ва бир-икки кун у ерда қолди. Ўша оралиқда Бароқ хожибнинг ёнидан бир неча кишилар келиб, Султон Ғиёсиддинга “Бароққа ишониб бўлмайди. Буйруқ бергин, биз уни йўқ қилайлик” дейишига қарамасдан Султон Ғиёсиддин насл-насаби, унга Бароқ билан қилган қелишуви ва иймони берган ваъдасини бузишга имкон бермади.

*Шеър:*

[Ҳамма вақт одамларга нисбатан юмшоқ муомала қилишга ҳаракат қил. Лекин ўрни келганда қовоғингни осишни ҳам бил. Юмшоқлик билан мақсадингга етиша олмаган ҳолларда қаттиқ қўлликни юмшоқликдан афзал кўр]

Ўша кунлар Ғиёсиддин мансуб бўлган хонадон чўкаётган ва душманларининг давлати кучая бошлаган кунлар бўлгани учун Бароқ одамлари Барокни йўқ қилиш ҳақидаги Ғиёсиддинга қилган таклифни биров Бароққа айтгач, у дарҳол ўша одамларни ва Султонни сўроққа тутди. Улар иқрор бўлгач, Бароқнинг амрига кўра, дарҳол уларни ўша жойда бўлаклаб ташладилар. Сўнгра Султон Ғиёсиддинни ва у ерда бўлмаган бир неча кишиларни ҳам келтириб бўғиш учун бўйинларига сиртмоқсолдилар. Бароқ Султонга бақариб: “Бир-биримизга ёмонлик қилмаймиз ва таҳликали вазиятда бир-биримизга ёрдамга шошилаемиз, деб қелишиб олгандик-ку. Берган ваъдангни бузишни қандай қилиб ўзинга эп кўрдинг?” деди. Онаси у ерда ўғлининг овозини эшитгач, бўйнига сиртмоқ солинганлигини тушунди. Ўғлига бўлган ортиқча меҳри туфайли муздек қотиб қолди ва йиғлашга ҳам оғзини оча олмади. Уни ҳам бўғиб ўлдирдилар. Шу тарзда қелишувни бузгани ва берган ваъдасида турмагани учун Султон Ғиёсиддинни аскарлари билан бирга бало тандирига улоқтирилди. *Шеър* (арабча):

[Улар ўз аҳволидан хурсанд эдилар. Нуқсонни хабарсизлиги туфайлидир. Аслида яхши гаплашиш билан дуруст иш қилишнинг алоқаси бор]

Эй фалак, сен айёрлик ва ҳийлакорликни қачонгача давом қилдирасан? Сенинг зулминг ва азиятинг қачонгача давом этади? Сен



Султонни шайтоннинг тузоғига илинтирасан, хоин ва номардни амир, сахий кишини гадой қиласан. Подшоҳни ернинг тубига тикасан, насл-насабсизни турган паст жойидан олиб тахтга ўтиркизасан. Эй гофил ёр, эй ақлли дўст, менинг бу гапларимдан сабоқ олгин-да, нафснинг сенга қурган тузоғига илинма. Бу воқеаларга ибрат кўзи билан қара. Улардан сабоқ ол-да, бошинг юксалажак жой дор бўлмасин тагин.

*Шеър* (арабча):

[Бу тубан, разил дунёнинг аҳволини яхши биласан, шу сенга етарлидир. У асирлар юксалиб, насаблилар кадр-қимматини йўқотган, шарафлилар оёқ ости қилинган, номард ва пасткашлар елкасида опичлаб олиб юрилган бир жойдир]

*Шеър:*

[Тақдир бармоғидан чиккан ҳар ўққа муносиб кишилар кўзлари ва қалбларидан бошқа бир қалқон йўқдир. Фалакнинг ўртага чиқарган азобва ғуссаларига ғариблар уйларида бошқа бекат йўқдир. Окшом пайти бўлгач, ҳар ким эшикдан бир уйга киради. Лекин ғарибнинг на эшиги ва на уйи бор.

Ғарибнинг ёнаётган жигаридан чиқаётган оҳнинг учкунлари жаҳаннам оловининг учкунларидан ҳам кўпроқ.

Ғарибнинг кўзидан томаётган кўз ёши жароҳат ва қондан бошқа бир нарса эмасдир.

Тинчлан, зинҳор уларнинг аҳволдан кулма. Чунки уларнинг ёнаётган қалбларидан сенинг асло хабаринг йўқ]

## XXIV. СУЛТОН РУКНИДДИН

Султон Муҳаммад Ироқ сафаридан қайтгач, асли исми Ғурсанжти бўлган Рукниддинни Ироқ ўлкаси бошқарувчиси ва-зифасига тайинлади. Уни шундай бир муҳим аҳамиятли ўлканинг бошқарувчиси учун зарур нарсалар билан таъминлаганидан сўнгра Имодулмулк Соважийга отабек унвонини бериб, унинг ёнига кўшди. Султон Рукниддин Ироққа боргач, маҳаллий бошқарувчилар бир жойда тўпланиб, унга қарши турдилар. Бундан хабардор бўлган Султон Муҳаммад амири мажлис Шарафиддинни бир кўшин билан ўша жойга юборди. Шарафиддин Ироқ маҳаллий бошқарувчиларига қарши қилган жангда ғалабага эришди. Султон исён

бошликларини ушлаб олган бўлса ҳам, лекин биронтасини ҳам ўлдирмади. Ҳеч кимга зиён етказмади. Уларга умидини узган ҳаётидан бошқа эски мавқелариники тартиб бериб уларнинг жиноятларини кечирди. Ҳар бирига ер берди. Ироқ амирлари унинг кўрсатган буюклиги қаршисида самимий тарзда унга тобе бўлиб, ажралиб чиқиш фикрларини бошларидан чиқариб ташладилар.

Султон Муҳаммад Моварауннаҳрда мағлубиятга учраб қайтаётганида Рукниддин уни Ироққа даъват қилиш учун Имодулмулкни юборди. Ўзи эса унинг кетидан отасини кутиб олиш учун кетди. Лекин Султон Муҳаммад Ироққа боришни маъқул кўрмай, Мозандаронга қараб йўл олгач, у ҳам Кирмонга кетишга қарор қилди. Оз сонли яқин одамлари билан Жувоширга<sup>343</sup> боргач, Завзан ҳукмдорининг ўша ерда қолган, кўркувда бўлган аскарлари Султон Рукниддинни танигач, унинг хизматига кирдилар. Теварак атрофдаги бошқа аскарлар ҳам келганини эшитгач, дарҳол унинг хизматига кирдилар. Султон Рукниддин Завзан малигининг ўша ердаги мавжуд хазинасини очиб, ёнида тўпланганларга тарқатганидан сўнгра Ироққа ҳаракат қилди.

Исфаҳонга боргач, олдинроқ тарқалиб кетган аскарлар унинг атрофида ўз жойларини эгалладилар. Шу тарзда кучая бошлагач, Исфаҳон қозиси кўрқа бошлади. Ўзининг хафвсизлигини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўришни ўйлай бошлади. Лекин Султон Рукниддин шаҳарда ортиқ кўп қолмади. Чиқиб шаҳарнинг ташқарисида чодир қурди. Аскарлар у билан алоқаларини узмадилар. Ўша орада қози шаҳарда тартибсизлик келтириб чиқарди. Халқ тош ва таёқлар билан жангга кирди. Ўша урушда мингтага яқин киши ўлди ёки ярадор бўлди. Аскарлари ҳам ўша воқеага араллашиб, кўп одамларни ўлдиргани учун Султон Рукниддин у ердан чиқиб, Ройга кетди. У ерда икки ой қолгач, мўғулларнинг илғор кўшини иккинчи марта у ерга келгани сабабли Фирузкўх<sup>344</sup> қалъасига борди. Мўғуллар у ерни қамал қилиб беш-олти ойлик бир жангдан сўнгра Султон Рукниддинни ва қалъадаги мавжуд бўлган ҳамма одамларни пастга туширдилар. Мўғуллар Султон Рукниддиндан итоат қилиш маъносини билдирувчи тиз чўкишни қаттиқ талаб қилган бўлсалар ҳам тиз чўкмагани учун уни ва шаҳар аҳолиси билан биргаликда ҳамма одамларини қиличдан ўтказдилар.

<sup>343</sup> Кирмоннинг маҳалласи.

<sup>344</sup> Насавийга кўра (тарж. Хаудас. Б.119) бошқа исми Ферузкўх бўлган Устуноъанд, Дамованд ўлкасидаги мустақкамлиги билан танилган қалъа бўлган эди.

Фалакнинг жодугарлардек қўлини кўрсатмасдан саҳнага қўйган бу ўйини қандай ўйин? Қандай қилиб қўлини узатмасдан заҳарга тўла бўлган қадахни одамнинг ҳовучига ташлайди. Ҳеч ҳам қўлини кимирабмасдан бунчалик фалокатни қандай қилиб содир қилади? Эй дўстим, унинг қилган ишларига чора-тадбирлар билан қарши чиқа олмайсан. Унинг олдини олиш учун бармоғингни узатма, зарар кўрасан. Унинг қаршисида кучинг етмагани ҳолда Аллоҳдан умид қилиб, таваккал майдонига оёқларингни маҳкам боссанг ҳам тушуна олмайсан. Бўйсунуш майдони ташқарисига оёғингни босмагинки, оёқларингдан ажрамайсан.

## XXV. БАРОҚ ҲОЖИБ ВА КИРМОН ЎЛКАСИНИНГ ФАТҲИ

Ҳамид Бур исмили укаси бўлган Бароқ ҳожиб қорахитойлик эди. Қорахитой хонлиги қулашидан олдин қорахитой хони билан Султон орасидаги келишмовчиликларда Ҳомид Бур бир неча мартаба Қорахитойликлар томонидан элчилик вазифасини бажарди. Таянгу Тароз султон аскарлари томонидан қўлга олинган, унинг ёнида бўлган Ҳомид Бур билан Бароқни ҳам олиб Султоннинг қароргоҳига келтирилди. Бу икки ака-ука қисқа вақт ичида султонга яқин муносабат даражасига эришиб, унинг давлатида Ҳомид Бур амирликка, Бароқ эса ҳожиблик мансабига кўтарилди. Султон Мовароуннаҳрга кетаётганида Ҳомид Бурни бир неча минг одам билан бошқарувчи қилиб, Бухорода қолдирди. Ҳомид Бур кейинроқ Султоннинг давлати қулашга юз тутган пайтларда бу дунёни тарк этди. Бароққа келсак, у ҳам ўша пайтда Ироқда бошқарувчилик қилаётган Султон Ғиёсиддин хизматига кирди. Унинг энг улғу амирлари орасидан жой эгаллаб, "қутлуғ хон" унвонини олди. Орадан бир муддат ўтган, султон Ғиёсиддин берган ваъдасига ва қилган ишончига вафо қилиб, уни Исфаҳон волийлигига тайинлади.

Ўлан Чарбийбошлиқ бўлган мўғул қўшинининг олдинги илғор қисмлари яқинлашиб келаётганини билган, Бароқ ҳожиб Ғиёсиддиндан руҳсат олиб, Кирмон йўлидан Ҳиндистонга қараб ҳаракат қилди. Жируфт<sup>345</sup> ва Комодий<sup>345</sup> яқинларида бўлган Жувошир

<sup>345</sup> Жируфт харобалари бугун шаҳри Докиёнус сифатида ҳам маълум. Қаранг. Le strange, The Lands of the Eastern Caliphate. S.314.

<sup>345</sup> Жируфтнинг бир қишлоғи.

қалъасига боргач, у ернинг ёшлари Бароқ ҳожибни таъқиб қилиб унинг молларини қўлга киритиш учун Шужоиддин Абул Қосимни кўндирдилар. Бароқ ҳожиб у ердан чиқиб кетгач, уларни ўзлари учун ов ёки егулик билан таъминловчи деб ҳисоблаган беш-олти минг кишилик ҳарбий қисм йўлга чиқди. Лекин бу ишнинг асли улар ўйлаганларидек эмаслигини қисқа вақтдан сўнгра тушундилар. Бароқ ҳожиб қўшинларга яқинлашгач, аёллар ҳам эркаклар кийимини кийиб, қўлларига қурол олишини буюрди. Таъқиб қилиш учун келганларни ўраб олган вақтда Шужоиддин одамларидан бир қисми турклар бўлгани учун дарҳол Бароқнинг ёнига ўтиб олдилар. Шундан сўнгра Шужоиддиннинг одамлари яқин атрофда бўлган Хорк<sup>346</sup> ва Аббосий деган қалъаларга яшириниб, жон сақлашни ис-тадилар. Лекин Бароқ амридаги турклар булутни ёриб чиққан яшиндек улар устига ташландилар. Тожикларнинг кўпини бўш майдонга сафлантириб қиличдан ўтказдилар. Ўша оралиқда Шужоиддин бир гуруҳ аскар билан қалъада яширинишга муваффақ бўлди. У ерни бир-икки кун қамалда ушлаб тургач, заҳира бўлмагани сабабли қалъадагилар пастга тушишга мажбур бўлдилар. Бароқ Шужоиддинни занжирбанд қилиб, ўзи билан бирга Жувоширга олиб борди. Жувошир қалъаси олдида Шужоиддиннинг ўғлига хабар юбориб отасининг хаёти эвазига қалъани топширишни талаб қилди. Лекин ўғли бу таклифни қабул қилмагач, Шужоиддинни ўлдириб қалъани қамал қилдилар.

Қамал вақтида қалъанинг ичидан бир соқчи қочиб чиқиб Бароқнинг ёнига келди ва унга "Қалъадагилар ҳимоя қилмаётган бир йўлни биламан, сизни ўша йўлдан қалъага олиб бораман", деди. Бароқ унга яхши муносабатда бўлиб, бир қанча ваъдалар берганидан сўнгра тўлиқ равишда унга ишонмагани учун зарур чораларни кўриб, уни эртасига кечки пайт қалъага қайтариб юборди. Ўша одам қалъага боргач, у ердан ташқарига бир қизни чиқарди. Қиз аскарларга йўл кўрсатиб, уларни қалъага олиб кирди. Мана шундай тарзда ташқи қалъага кирган Бароқнинг аскарлари эрталаб катта дўмбаира (довул) ва сурнайлар билан ерукўкни титратди. Нарсаларини ташқи қалъага ташиган Бароқ ҳожиб Шужоиддин ўғлининг ички қалъада жон сақлаётганини билган, дарҳол ўша ерни қуршаб олди.

Ўша пайтда Султон Жалодиддиннинг Ҳиндистонга кетаётгани хақида хабар келгач, Бароқ уни кутиб олиш учун олдиндан ҳадялар

<sup>346</sup> Ўрни аниқланмади.

билан одамларини юборгандан сўнг кетидан ўзи ҳам уни кутиб олишга кетди. Ёнида олиб кетаётган қизни султонга берди. Султон Жувоширга келгач, ўша қизни Султонга никоҳлаб бердилар. Ўша вақтда Бароқ ҳожиб қалъага бир хабарчи юбориб, Шужоиддиннинг ўғлига султон шаҳарга келганини маълум қилди. Шужоиддиннинг ўғли "Султонни кўрмагунимча қалъани тарк этмайман", дегач Султон қалъанинг олдига келиб, ўзини Шужоиддиннинг ўғлига кўрсатди. Шундан сўнг Шужоиддиннинг ўғли ҳеч ўйламасданок аввал олдиндан одамларини қийматли ҳадялар билан юборганидан сўнг орқасидан ўзи ҳам бир қилич ва газлама билан султонга таслим бўлди. Султон унга меҳр ва эътибор кўрсатганидан сўнгра тўғри қалъага томон юрди. Бароқ ҳам Султоннинг ёнида эди.

Бир куни султон бир нечта аскар олиб ов билан кўнгил очарда иштирок қилиш учун қалъадан ташқарига чиқиб кетаётганида Бароққа ҳам бирга боришни таклиф қилди. Бароқ эса касал эканлигини баҳона қилиб, у билан бирга кетишни истамади. Шундан сўнг Султон Бароқнинг нияти ёмон эканлигини тушунди. Султон ов жойига боргач, Жувоширни пойтахт қилиш ҳақидаги фикрларини билиш баҳонасида Бароқни ёнига чакирттирди. Бароқ унга жавобан "Мен бу ерларни қиличимнинг кучи билан фатҳқилдим. Бу ер салтанатнинг пойтахти бўла олмайди. Агар бу қалъани ишончли биронтасига топширишни истасангиз, аввалданокқулингиз ҳисобланган ва узоқ муддат сизга хизмат қилган бандангиздан бошқа маъқул одамни топа олмайсиз. Бу қулингизнинг ёши ўтиб, қариб қолди ва ҳаракат қилишга кучи қолмади. Бундан сўнгра ниятим бу ерда қолиб хонадонингизнинг дуосини олишдир. Зотан, табиийки, султон бу ерда қолишни истаса, хатто тезда хижолат бўлиб, бу ерни тарк этишга мажбур бўлади", деб жавоб бериб, унга қийматли ҳадялар юборди.

Султоннинг у билан ортиқча вақтни йўқотиш нияти бўлмагани учун унга илтифот ва мақтовли сўзлардан иборат бир мактуб юборганидан сўнгра Шерозга қараб тўғри ҳаракат қилди.

Султон у ердан чиқиб кетгач, қисқа муддатдан кейин Бароқ ҳожиб ўз аҳволини яхшилаб, кучайиб олиб ўша минтақанинг ҳаммасини бутунлай ўз ҳукмронлиги остига олди. У аскарларининг сони ва жанг воситаларини, зарур бўлган нарсаларининг миқдорини кўпайтирди. У султон Ғиёсиддинга аввал ёрдам қилиб сўнгра уни ўлдирганидан кейин, *шеър* (арабча):

[Оловга қарши вулқондан ёрдам истагандек]  
мўъминларнинг амирига бир элчи юбориб, ўзининг Муслмон бўлгани, шу туфайли "Султон" унвони билан шарафлантирилишини хоҳлади. Халифа унинг бу истагини қабул қилиб, унга "Қутлуғ султон" унвонини берди. Мўғул кўшинлари илғор қисмларининг кўмондони Тойир Баҳодурнинг султонни қамал қилаётганида Бароққа элчи юбориб, ундан бўйин эгишини ва ёрдамга шошилишини талаб қилгунгача Бароқ ҳожибнинг кучи кундан-кунга ортиб борди ва аскарларининг сони кўпайди. Бароқ ҳожиб ниҳоятда ақлли ва закий бир одам бўлгани учун энди куч-қудрат Чингизхоннинг кўлига ўтиб кетганини жуда яхши билганди. Мўғуллар таклифини қабул қилмаган тақдирда бошига тушажак фалокатни тахмин қилганидан уларнинг таклифини ақл тарозисига солиб, ўзининг итоат қилганини изҳор қилиб, уларга "Сиз заҳмат чекиб, бу ерга келмасангиз ҳам мен бир ўзим ёлғиз бошим билан Сейистон масаласини ҳал қиламан. Лекин ёшим ўтиб қолгани учун ҳаракат қилиш қобилиятимни жуда-жуда йўқотдим. Шунинг учун ўрнимга ўғлимни жўнатаман" деб хабар юборди. У айтганларини бажариш учун...<sup>347</sup> йилда ўғли Рукниддин хожа Муборакни мўғуллар Хоқони ёнига юборди.

Бароқнинг ўғли Рукниддин бормасиданок отасининг ўлгани ва амакисининг ўғли Қутбиддиннинг бош кўтариб, Кирмон ўлкасини кўлга киритганини билгач, жуда катта тезлик билан Хоқоннинг хузурига борди. Хоқон ижобий хатти-ҳаракатлари учун меҳр ва эътибор кўрсатиб, уни отасининг ўрнига Кирмон ўлкаси бошқарувчиси қилиб тайинлади ва унга "Қутлуғ Султон" лақаби билан ёрлик берди. Чин Қояни эса унинг мураббийси ва маслаҳатчиси қилиб тайинлади. Ундан қисқа вақт ўтгач, Қутбиддин ҳам хузурига келиб хизматига кириши ҳақида фармон чиқарди. Рукниддин қайтиб кетмоқчи бўлган пайтда Қутбиддин Хоқоннинг амирига бўйсуниб, Кирмондан кетди. Ховис<sup>348</sup> йўлида Завзанга, у ердан эса Хоқоннинг саройига борди. У ерда бир муддат қолгач, Қутбиддинга Хитойга бориб, Маҳмуд Ялавочнинг хизматига киришни буюрди. Фармонга кўра, у Маҳмуд Ялавочнинг ёнига бориб узоқ муддат ўша ерда қолди. Маҳмуд Ялавоч унга ўз ўғлидек муносабатда бўлди. У ернинг халқи ҳам унга меҳр ва ҳурмат кўрсатди.

<sup>347</sup> 632/1235.

<sup>348</sup> Ёки Ҳобис, Кирмоннинг шаркида Лут чўлининг киргоғида бугунги Шохдох.

Куюкхоннинг курултойига Кутбиддин Султон ҳам келди. Кирмоннинг бошқарувини қайтадан қўлга киритишни истаган бўлса ҳам Рукниддиннинг мураббийси Чин Қоянинг қарши туриши туфайли унинг бу истаги рад қилинди. Хоқоннинг амри билан уни қайтадан Соҳиб Маҳмуд Ялавочнинг хизматига берди. Кутлуг Султон Рукниддинни ҳам аввалги хизматида қолдирдилар.

Рукниддин Куюкхон қарорига кўра, Кирмон ўлкасини бошқаришга ва олдинок белгиланганидек солиқни олтин ва туя ҳисобига мўғулларнинг ўша ердаги маъмурларига тўлай бошлади. Мўғул давлатининг тожи Мангу хоқоннинг боши устида порлагач, Кутбиддин Маҳмуд Ялавочдан рухсат олиб, у билан бирга Мангу хоқоннинг ҳузурига борди. Мангу хоқон унга яхши муомалада бўлиб, ҳурмат-эътибор кўрсатиб ўша тараф<sup>349</sup> бошқарувини унга ишониб топширди ва ёнига бир мўғул босқоқни (босқоқ – мўғулларичидан белгиланган ҳоким) ҳам вазифалантирди. Кутбиддин у ердан чиқиб, Ҳиротга боргач, у ердан Рукниддинга бир элчи юбориб, жаҳон подшоҳи амрларини билдириб, унга бўйин эгишни хохлади.

Вазиятнинг ўзи томонга ўзгарганини кўрган Султон Рукниддин Кутбиддин элчиларини ҳайдаб юбориб, 650 йилнинг рамазон ойида (1252, декабр – 1253, январ) ёнига кўп сонли юк ва Кутбиддиндан қолган одамларни олиб Лурга борди. У ерда жияни Алоуддавла<sup>350</sup> ҳам онаси билан бирга Язддан келиб унга қўшилди. Ўша орада халқ орасида Рукниддин ва одамлари мўъминлар амири<sup>351</sup> ҳузурига жон сақлаш учун Бағдодга кетмоқчилиги ҳақида гап-сўзлар чиқди. Ҳамманинг оғзида мана шу гаплар эди. Агар Халифа уни қабул қилса, у ҳолда Хоқоннинг ғазабини ўзига қаратади, деган тарзда фикр юритдилар. Шундан сўнгра Рукниддин юқларини ўша ерда қолдириб, Хоқоннинг ҳузурига бориш учун йўлга чиқди. Гирдкўхнинг этагига боргач, ҳайвонларни ўтлатиш учун бир кун ўша ерда тунади. Ўша орада мулҳидларнинг баъзилари уларни ўша уйқусида ҳайвонларнинг ҳам эркин айланиб юрганини кўргач, ҳаммасига ўлим шарбатини ичиришни истади. Лекин ўша пайтда Рукниддин уйғоқ эди. Ўша қароқчилар ҳужумга ўтгач, отлари эгарли турган беш-олти киши билан бирга отига сакраб миниб, уларга қарши

<sup>349</sup> Кирмоннинг.

<sup>350</sup> Кейинчалик Язид отабеги ( 670-685/1271-1286). Қаранг: Замбаур, ўша асар. Б.231.

<sup>351</sup> Мустаъсим Биллох.

оғир жангга кирди. Ўша пайтда ухлаб ётганлар ҳам уйғониб уларга қўшилгач, мулҳидларга яхшигина бир сабоқ бериб, кўпчилигини ўлдирдилар. У ўша ердан жилиб йўлида давом қилди. Йўлда Бўку ё келиб мулҳидларга қарши қўлга киритган зафари билан уни кутлаб, катта ҳурмат кўрсатди. У ердан Жаҳон подшоҳи Мангу хоқонга ўзининг қуллигини билдириш учун йўлга чиқди. 651 йилнинг рамазон ойида (1253, октябр-ноябр) Олмаликда катта жанггоҳдан қайтиб келаётган Мангу хоқон билан суҳбатлашиш фурсатини топган пайтда Рукниддинда кўрқув ва тортиниш, ҳижолат бўлиш хисси ҳоким бўлди. Шу туфайли давлат ва иқбол нурларининг ўзидан узоклашганини сизди. Мангу хоқон ҳузурига эканлигида Кутбиддин элчиси келиб, Рукниддиннинг Бағдодга нисбатан бўлган мойиллигини билдирди. Кетидан Кутбиддин ҳам келгач, ҳар иккисини ҳам сўроққа тутганидан кейин Рукниддинни Кутбиддинга топширди. Кутбиддин қазо ва тақдир аввалданок Рукниддин пешонасига ёзганига мувофиқ уни ўлим қиличига ем қилди. Кутбиддин буни қилаётганида Кирмон ўлкаси гийбатларидан тозаланажагини ўйлади. Фалак ўзининг одатларини бузиб, ўзига вафо қилади дея умид қилди. Ўз мамлакатига қайтгач, хавфсизлик чораларини кўрди. Бир неча марта Ҳулағунинг саройига бориб, ундан эътибор ва меҳр кўрди. Охирида ажалнинг замон, давр тузоғидан қутулиб, унга ҳужум қилгани туфайли 656/1258 йилда бу дунёни тарк этди. *Шеър:*

[Бутун умринг бўйича кўнглинг хоҳлаганидек яшаган ва дунёнинг барча лаззатини тотган бўлсанг ҳам охирида кўчиш амри эшигингни тақиллатади. Ўша пайтда бутун умр бўйи кўрган гўзал нарсаларинг хаёл бўлур]

## XXVI. ЧИН ТЕМУР ВА УНИНГ ХУРОСОН ВА МОЗАНДОРОННИ БОШҚАРИШИ

Хуросон ва Мозандорон бошқарувчилигига тайинланган илк мўғул амири Чин Темур эди. У асли қарахитойлик бўлиб, Жўжи томонидан Хоразм фатҳидан сўнг ўша ерга босқоққилиб тайинланди. Жаҳон подшоҳи Мангу Хоқон Журмагунни тўрт иқлим<sup>352</sup>

<sup>352</sup> Тўрт иқлим: Шарқда Тибетдан бошланиб, Хуросон Мовароуннахр, Ироқ ва Дайлам, Сурия ва Онадўлунинг бир қисми, Қибрис ва Родос ороллари, шимолий Африка мамла-



фатҳига вазифалантиргач, мамлакатнинг ҳамма тарафидаги қумондон ва босқоқларнинг унга қўшилиши ва унга ёрдамчи бўлиши ҳақида фармон чиқаргани туфайли Чин Темур Хоразмдан Шаҳрстонга ҳаракат қилди. Чакирилганлар ҳаммаси Журмагуннинг ҳузурига боргач, Журмагун подшоҳ ва шахзодалар юборган вакилларининг ҳаммасини Чин Темурнинг ихтиёрига топширди. Унинг ихтиёрига берилган амирлардан баъзиларининг исмлари: Хоконнинг вакили Қул Бўлот, Чиғатой, Яка, Сунғур Бегимнинг вакили Нусол, Боту, Кизил Бўка, кейинчалик ҳожиблик мақомига кўтарилган Кўргуз.

Чин Темур у ердан Хуросонга кетаётганида йўлининг устида бўлган Ёзир, Насо, Кўкрух<sup>353</sup> ва Жористонни<sup>354</sup> яхшилик билан ёки зўравонлик билан ўз амри остига олди.

Ўша вақтда Хуросондан кетган Журмагун у ерни тартибсиз ҳолатда ташлаб кетган эди. У ернинг қўлга киритилган баъзи ўлкаларига босқоқларни жойлаштирган, баъзи ўлкалари эса ҳали итоат тасмасини бўйинларига тақмагандилар. Исёнкорлар ва турклар кун ўтган сари оёқларини итоат ҳалқасидан ташқарига чиқаришга урунар, халқ орасида тартибсизликлар чиқишига сабабчи бўлаётгандайдилар ва тўполончилар хоҳлаганларича от ўйнатардилар. Султон Жалолоддинга қарашли Қоратой ва Ёгон Сўнғур каби амирлар тез-тез Нишопурга ва унга боғлиқ қасаба ва қишлоқларга ҳужумлар қилиб турардилар. Султон Жалолоддин ҳақидаги ҳар хил хабарлар туфайли халқ ким томонда туришини билмай, бирор қарорга келаолмаганди. Шундай қилиб, бу тарзда ўша ўлканинг ишлари бир тартибга келмаётган эди. Тез-тез ўртага чиқувчи кишилар ўзларини амир деб эълон қилар ва ҳар тепалиқда бир қалъа қад ростлай бошлаётганди. У бунга ҳужум қилар ва буниси эса уни ушлаб олиб ўлдираётганди. Аммо Қоража ва турк аскарлари мўғуллар қўйиб кетган босқоқларини ўлдирар, мўғулларга бўйин эгганларни жазолантираётган эдилар.

Шу туфайли Чин Темур, Қул Бўлотни бир қўшин билан Қоражани йўқ қилиш учун Нишопурга юборди. Ўша пайтда Нишопурда бўлган отам ва Нишопурнинг таниқли одамлари у ерни тарк этиб, Тусга келдилар. Тус қалъасида Тожиддин Фаризоний исми

катлари каби жойларни ўз ичига олади. Юнон жуғрофиячиларидан кейин мусулмон жуғрофиячилари ҳам дунёни шундай иқлимга ажратдилар.

<sup>353</sup> Ёки Кўкурух: Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги Кўрух.

<sup>354</sup> 120/783 йилда Арабларнинг Турк ҳоконини енгган жойи бўлган Ғузғон.

биттаси кофирлар қила олиши мумкин бўлган бирор нарсаларни излаб, зулм ва газийқ билан Туснинг бошқарувини қўлга олганди. Отам ёнидагилар билан у ерга боргач: “Денгизга тушган илонга ўралади (тутилади)” деганидек, ўзи ишонган бир одамини унга юбориб, жон сақлаш учун бошпана истади. Тожиддин Фаризоний ҳам ёлғон ваъдалар бериб, уларни жасоратлантирди. Отам ва ёнидагилар унинг самимий бўлмаган гапларига ишониб, ўша қалъага бордилар. *Шеър* (арабча):

[Қийин кунда амирдан ёрдам кутиш, ёнғинга қарши вулкандан ёрдам сўраш демакдир]

Қул Бўлот, Қоражани енгиб орқага қайтаётганида Нишопурдан қочган отамнинг ва бошқа катталарнинг аҳволини ўрганди. Тусга боргач, Фаризонийга бир одам юбориб, уларни орқага қайтаришга ҳаракат қилди. Фаризоний ҳам Қул Бўлот уларни ўлдиражагини ўйлаб ҳеч иккиланмасдан уларни бериб юборди. Қул Бўлот отамга ва ёнидагиларга катта меҳр ва эътибор кўрсатди. Ўша пайтда ёзилган мана бу қитъа отамга оиддир. *Шеър* (арабча):

[Хатти-ҳаракатлари фикрларининг заифлигини кўрсатувчи Фаризонийга элчи бўлиб келдим. Унинг суҳбати куфр ва жирканч сўзларга тўла. Зотан, суҳбат ҳам аслзодалиқнинг бир белгисидир]

Хуросонда ҳукм сурган тартибсизликлар Хокон қулоғига етиб боргач, ғазабдан дағ-дағ титрай бошлади. Тойир Баҳодурга бир одам юбориб, қўшинни Бодғисдан Хуросонга юборишни, ўша диёрда бирор исёнчини қолдирмаслиги, уларнинг ҳаёт томирини кесишни буюрди. “Сен чарм мешни тикишни ўргатасан, у эса фақат йиртишни биледи” деган мақолда айтилганидек, мўғул қўшини яғмо ва китол (қатл қилиш) учун Бодғисдан катта тезлик билан Хуросонга қараб юрди.

Тойир Баҳодур йўлда Қул Бўлотнинг Қоражани енгани ва уни Хуросондан қувлаганини эшитгач, Сейстонга кетди. У ерда Арк қалъасини камал қилиш ҳақидаги буйрукни олгач, Аркка борди. У ерни камал қилди. Фатҳ этиш иши билан машғул бўлиб, икки йилга яқин вақт сарфлаганидан сўнг Тойир баҳодир Хуросонда турган Чин Темурга элчи юбориб, “Хокон Хуросоннинг бошқарувини менга топширди. Сен эса қўлингни у ер ишларидан торт” – деди. Унга жавобан Чин Темур “Хуросон халқининг исён кўтаргани ҳақиқатга тесқаридир. Уларнинг бундай тарзда маълумот бериши Қоражага айб юклаш учундир. Бунчалик катта ўлкада яшаётган

одамларга фано шарбатини ичириш мумкинми? Бирон бир сабаб йўқ эканки, кўп йиллардан бери тартибсизликлар туфайли энди-гина ҳузур-ҳаловат кўрган бу ўлка одамларини нима сабабдан яна қайтадан тартибсизликлар ичига ташлашни хоҳлаяпсан? Ҳақиқатни билдириш учун мен ҳам Ҳоқон ҳузурига элчи юбормокчиман. Саройдан келадиган фармон ҳақида ҳаракат қилинажак. Энди бу диёр халқининг устига ҳужум қилишга ҳеч кимга руҳсат бермайман” – деди. Мана шу тарзда Тойирнинг элчилари қўли бўш ҳолда орқасига қайтдилар.

Ўша орада Журмағун ҳам Чин Темурга элчилар юбориб, Хуросон ва Мозандарон ўлкалари бошқарувини Тойир Баҳодурга топшириб, аскарлари билан бирга унинг ҳарбий қисмига қўшилишини истади. Чин Темур унинг бу таклифидан ғазабланиб, “Бирор кимса ҳатто бир кун бўлса ҳам амирлик қилса, унга паст ишлар қандай қилиб буюрилиши мумкин? Мухим ишларни бажарган одам ўзини қандай қилиб майда юмушларга кўникиши мумкин? Ҳоким қандай қилиб маҳкумнинг ўрнига ўтиши мумкин?” - деб Журмағуннинг бу адолатсиз буйруғидан қандай қилиб қутила оламан, деб ўнгу сўл томонидагилар билан маслаҳатлашди. Охири жаҳон подшоҳининг яхши кўрган одамларидан ҳисобланган Қул Бўлотни Ўқтойхоқонга боришига ва унга бўйин эккан Хуросон ва Мозандарон амирларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетишига қарор қилди. Ўша пайтда Малик Саид Баҳоуддин Сулук укаси билан “Агар мени Ҳоқоннинг ҳузурига чақирсангиз, сизга итоат қиламан”, – деб хабар юборди. Чин Темур бу таклифни қабул қилди. Чин Темур Мозандароннинг ички томонларига қилган сафардан орқага қайтгач, Сулук ва одамларининг бўйин экканлигини эшитган Хуросон амирларининг кўпчилиги келиб, ўзларининг тобеликларини билдирдилар. Ажали етиб, бўйин эгмаганлар эса мўғуллар томонидан йўқ қилиндилар. Малик Низомиддин, Малик Боҳоуддин Сулукнинг турган қалъасига боргач, Сулук у ердан кетиб, Чин Темурнинг ёнига борди. Чин Темур унга иззат-икром кўрсатди. Ҳоқоннинг ҳузурига юбориш учун Мозандарон ўлкасидан Кабуджома исфаҳбуди Нусратиддинни сайладилар. 630/1232-33 йилда Сулук ва Нусратиддин, Қул Бўлотнинг ёнида Мангу Ҳоқоннинг ҳузурига бориш учун йўлга чиқди. Ҳоқон Мовароуннаҳр ғарбий ўлкаларидан келиб, ўзининг тобелигини билдирган илк амирлар бўлгани учун уларга меҳр ва эътибор кўрсатди. Унинг амрига

кўра тантаналар ташкил қилиниб, зиёфатлар берилди. Ҳоқон, Чин Темур ва Қул Бўлотга бир қанча эҳсонлар қилиб, мурувватлар кўрсатиб: “Журмағун бу ердан кетгандан бери қанча мамлакатларни фатҳ этган бўлишига қарамасдан ҳеч бир ўлканинг ҳукмдорини ёнимизга юбормади. Чин Темур кичик бир туманни бошқариши ва имкониятлари униқидан анча кам бўлишига қарамасдан бизни бу тарзда севинтирди. Шу хатти-ҳаракатлари туфайли уни тақдирладим ва Хуросон ҳамда Мозандарон ўлкалари бошқарувига шахсан ўз хоҳишим билан тайинладим” – деди. Журмағун ва бошқа амирлар унга аралашмаслигини буюриб, Қул Бўлотни ҳам унга бошқарувда шерик қилди. Исфаҳбудга ҳам ҳукмдор унвонини бериб, Кабуджомадан Астрободгача бўлган туманлар бошқарувини унга топширди. Исфаройин, Жувайн, Жожарм, Журбад<sup>355</sup> ва Арғиён<sup>356</sup> шаҳарлари бошқаруви билан Хуросон ҳукмдорлигини Малик Боҳоуддинга берди. Ўша пайтда юқорида эслатилган шаҳарлар Хуросонни ташкил қиларди. Ҳоқон кейинчалик ҳар иккаласига ҳам пайза (пайза мўғул хонининг исми ёзилган кичкина юпка металл бўлиб, у мансабдор шахсларнинг ҳукумат аъзоси эканлигини кўрсатиб турадиган белги ҳисобланган – *тарж.*) ва кизгиш тамғали барот (имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги ёрлик – *тарж.*) бериб, Хуросон халқига салом ва севгиларини йўллаб уларнинг тирик қолганларини афв этганини билдирди. Шундай қилиб, Хуросон халқи Аллоҳнинг изни билан Чин Темурнинг ёрдами ва марҳум Малик Баҳоуддин итоаткорлиги билан давр ёмонликларидан омон қолди. Минг хил ёмон воқеалар орасида жонини зўрға қутқариб қолган, кам сонли кишилар келажагидан умидвор бўлиб, бошини тик кўтариб яшай бошлади.

Чин Темур ёрлик билан ўз мақомини мустаҳкамлаб олгач, Боту каби иш кўриб, вазирлик вазифасига Шарафиддинни, соҳибдеволик вазифасига эса отамни тайинлади. Шаҳзодаларнинг ҳаммаси вакил сифатида унинг девонига юборилди. Кейинроқ эса Чин Темур девонда қилинган ишларнинг ҳисоботини топшириш учун отам билан бирга Кўргузни Ҳоқоннинг ҳузурига юборди. Низомиддинни ҳам ўзига ёрдамчи қилиб тайинлади. Отам Ҳоқоннинг ҳузурига боргач, Ҳоқон барча бошқарувчилар аҳволини бирма-бир сўраб чиқди. Кўргуздан ҳам вилоятлар аҳволи қандай экан-

<sup>355</sup> Ёқутнинг фикрича, Исфаройин ноҳияси.  
<sup>356</sup> Жожарм ноҳияси.

лигини билишни истади. Отам подшоҳ истагани шаклида жавоб берди. Хокон отамнинг услубини ва тушунтириш тарзини ёктириб қолиб, унга эътибор кўрсатиб пайза ва қизил тамғали барот берди. Мамлакат соҳибдеворлиги вазифасини унга омонат қилиб топширди. Кўп сонли ҳадя ва эҳсонлар билан уни шарафлантирди.

Отам пойтахтдан қайтиб кетган пайтда Чин Темурнинг вафот этганини билди. Мана шу тарзда унинг мулкдан ҳам, маликликдан ҳам насибаси кесилган бўлди. Чин Темурнинг вафот этган санаси 633/1235-36 йилдир.

## XXVII. НУСОЛ ҲАҚИДА

Чин Темур ўлгач, жаҳон подшоҳи Хоконнинг ҳузурига элчи юбордилар. Хокон томонидан Чин Темурнинг ўрнига Нусолнинг ўтириши ҳақида фармон чиқди. Нусол ёши юзга яқинлашган бир мўғул эди. Фармон келгач, амирлар, девон котиблари ва вазирлар, Чин Темур қароргоҳидан Нусолни кўриб, девон ишларини ўша ерда юрита бошладилар. Бу орада Шарафиддин Ботунинг ёнига кетди. Кўргуз эса ҳар доимгидек турли жойларда хизмат қилаётган эди.

Ўша пайтда Байҳакнинг бошқаруви ҳақида Малик Баҳоуддин билан Сабзавор шоҳи Маҳмуд орасида келишмовчилик келиб чиқди. Шунинг учун Баҳоуддин йўл тайёргарлигини тугатиб, иккинчи марта Хоконнинг ҳузурига чиқди ва аҳволни тушунтирди. Хокон унга “Қарши томоннинг бу ерда бўлмагани учун бу мавзуда қарор қилиш тўғри бўлмайди. Бу сафар кетгин-да бориб, рақибларингизни олиб кел ва шунга кўра даъво устидан қарор чиқарайлик” – деб жавоб берди. У ерда отамнинг худди шу вазифада ишини давом қилиши ҳақида бир буйруқ тайёрлаб, Малик Баҳоуддин орқали бериб юборди.

Нихоят, Баҳоуддин қайтиб келгач, фармонни очиб ўқидилар. Фармондаги Кўргуз ҳақидаги ҳукмлар Нусол ва Қул Бўлотнинг кўнглига хуш келмади. Кўргуз пойтахтга бориб келгунга қадар Нусол ўз хизмат вазифасида қолди. Кўргуз қайтиб келгач, фармонга кўра барча ваколатларни ўз қўлига олди. Нусол эса фақат қўшинда амирлик вазифасида қолди. Сўнгида Нусол ҳам 637/1239-40 йилда кўп дўстлари кетган, лекин қайтиб келмайдиган жойига кетди.

## XXVIII. КЎРГУЗНИНГ ҲАЁТИ

Кўргуз Бешбалиқдан тўрт фарсах узоқликда уйғур ўлкасининг ғарб томонидаги сайёхларнинг ўтиш жойи бўлган Борлиғ<sup>357</sup> номли бир кичкина қишлоқда дунёга келди. 651/1252-53-йилда жаҳон подшоҳи Мангу хокон пойтахтга қайтиб кетаётганида тушлик уйқуси пайтида ётиб дам олиш учун бир соатча ўша қишлоқда қолди. Мангу хоконнинг ўша қишлоқдан ўтиши ҳақида марҳум Низомиддин ас-Садидийнинг айтган байтини мана шу ерда келтирамиз. *Шеър* (арабча):

[Эрталаб Борлиғ ибодатхонасида тўхтаган пайтимизда одамлар қишлоқлардан тўда-тўда ҳолда келганини билдирдилар]

Юқоридаги ажойиб бўлмаса ҳам ақлимга келган ушбу байтларни ҳам кўйдим.

[Мева бериш вақти келган ёш бир ниҳол кўчат каби гўзаллашиб етишган пайт, орзу қилганига эриша олмагач, тақдир одамларга қанчалик зулм қилганини англади.]

Даласини яхшилаб чиройли қилиб эккан ва экиннинг етишиши учун қўлидан келганини қилган бир дехқон ёмғир ёлмагани учун пишмай қолган экинга жавобгар ҳисобланмайди.

Худди шундай тарзда жанг майдонида отининг оёғи қайрилиб кетган жангчи ҳам афв этилади.

Яратгучи Аллоҳ аввалданок нима бўлажagini қарорлаштирган бўлса ҳам сен янада керакли чора тадбирларни кўришда қусур қилма]

Мангу хокон ўша қишлоққа борганида мен (Ато Малик) ҳам унинг ёнида эдим. Ўша вақтда қишлоқ одамларидан Кўргузнинг наслини сўраганимда мана шундай жавобни олдим: “Отаси шу қишлоқнинг кўзга кўринган одамларидан эди. У Кўргуз ҳали ёш эканлигидаёқ вафот этган, Кўргузнинг ўғай онасидан бошқа ҳеч кими қолмаганди. Ўғай онаси ҳам кичик ва назорат қилиши қийин бўлгани учун унга етарли бўлганидек, эътибор қила олмади. Орадан бир муддат ўтгач бир бегона киши келиб, унинг ўғай онасидан сотиб олишни истади. Ўғай онаси уни энди сотиб юбормоқчи бўлганида Кўргуз қочиб, Идикутнинг ёнига кетди ва аҳволни унга тушунтирди. Ўша пайтда мўғул ва уйғурларнинг одатларига кўра, ота ўлгандан кейин ўғил агар хоҳласа, ўғай онасининг хўжайини

<sup>357</sup> Бешбалиқнинг шарқида жойлашган бир қишлоқ. Қаранг: Худул. Б. 94.

бўла олар ва унга уйлана оларди. Бундай вазият каршисида Идикут унга ўгай онасига уйланишини маслаҳат берди. Лекин Кўргуз унинг бу таклифини қабул қилмади ва онасининг бошқа бировга турмушга чиқишига розилик берди. Кейинчалик уйғур ёзувини қисқа муддат ичида ўрганиб, бу борада энг мохир хаттот бўлди. Қалбида катта мансаб, мавкелар орзуси борлиги туфайли ўз кишлоғи унга энди тор бўлиб қолди ва бир оз муддат у ердан узоклашишни жон-тани билан жуда каттиқ хоҳлаётганди. Лекин йўл ҳаражатларини кўтарадиган, на моли, на яқин одами, на қарз Берадиган бирор одами бор эди. Оиласи унинг хатто бир кунлик йўл озиғини ҳам кўтара олмасди. *Шеър* (арабча):

[Хаёлимда кечганларни бажаришимга золимлар ғов бўлдилар]

Охирида Бешқулоч исмли амакисининг ўғли унинг бундай аянчли аҳволига ачиниб, кафил бўлиб дехконларнинг биридан Кўргуз учун от сотиб олди. Отга эга бўлган Кўргуз дарҳол отга миниб, Ботунинг қароргоҳига борди ва унинг амирларидан бирининг хизматида кирди. Унга қўмондон топшириқларини бажарувчи вазифасини бердилар. Қисқа вақт ичида ўз қобилиятини намоён қилгач, амир уни ўз ёнига маъмур қилиб олди. Кўргуз хизмат қилиб юрган амири Жўжи бошчилигида ташкил қилинган овга кетаётганида Кўргузни ҳам олиб кетди. Ов жойида Чингизхондан ичида муҳим нарсалар бўлган бир ёрлик келди. Ўша пайтда фармонни ўқий оладиган котиблардан бирортаси ҳам у ерда бўлмагани учун ўша ерда иштирок этаётганларнинг қайси бири бу ишни қила олиши сўралган пайтда Кўргузни таърифладилар. Дарҳол уни Жўжининг ёнига олиб бордилар. Кўргуз эса унинг ҳузурида қўмондон топшириқларини бажарувчи аскардан кутиб бўлмас даражада қондаларга рия қилган ҳолда ўқиди. Унинг яхшигина етишганлардан бири эканлигини англаган Жўжи амрига кўра, унга котиблик вазифасини топширдилар. У хизмат пиллапоясида кундан-кунга илгарилаб, барча амирларнинг меҳри ва қўллаб-қувватлашига эришди. Қисқа вақт ичида шон-шуҳратга эришганидан сўнг уни мўғул шахзоларини тарбиялаш, ўқитиш учун хизмат вазифасига тайинладилар. Чин Темурни Урганч босқоқи қилиб тайинлаганида Кўргуз ўша вазифада эди. У ўзига топширилган барча вазифаларни билими ва уқуви билан яхши бажараётганди. Орадан бир муддат ўтгач, уни Чин Темурнинг ҳожиблик ва ноиблигига тайинладилар. Чин Темур уни махфий хабар етказувчи қилиб, Хоқонга юборганида Хоқон

ундан саволлар сўради. Берилган саволларга қайтарилган жавоблар Хоқон ва ўша ердагиларга жуда маъқул бўлди. Хуросон ҳақида гап очилгач, Хоқон у ернинг тўрт мавсумдаги ҳолати ҳақида сўради. Кўргуз унга “Подшоҳқуллари у ерда неъмат ва роҳат ичида яшайптилар. Уларнинг қалб куши ҳафвсизлик ичида учмоқдалар. Қиш фаслида уйлари гуё баҳордагидек, наргис ранги ва ҳиди билан тўлади. Ёзда эса тоғлари жаннат боғлари билан мусобақалашади. Ҳамма ёқни ранг-баранг гуллар қоплайди. Қушлар хонишлари одамга ҳузур бағишлайди” деб жавоб берганидан сўнгра Хоқонни мадҳ этувчи гаплар айтди. Уни диққат билан тинглаган Хоқоннинг унинг ақлига ва қобилиятига бўлган ишончи ортди. Ўша вақтда Хоқон ҳузурида бўлган ва Кўргуз каби уйғур наслидан бўлган ва Кўргуз саройга келган вақтда илк марта хизматида кирган Чин Қоя ҳам Кўргузни мадҳ этувчи гаплар айтгач, Хоқон уни бир қанча ҳада ва нишонлар билан қайтариб юборди.

Кўргузнинг Мозандаронга илк марта келиши Чин Темурнинг вафоти вақтига тўғри келади. Чин Темурнинг ўлими туфайли унинг ўрнига Нусолни тайинлагандилар, Малик Баҳоуддин Хоқоннинг фармонини келтиргунча Кўргуз Нусолнинг хизматида бўлганди. Малик Баҳоуддиннинг олиб келган фармонига кўра Кўргузнинг саройга бориб, Хуросоннинг аҳволини Хоқонга билдириш талаб қилинганди. Лекин Нусол ва Кул Бўлот, агар Кўргуз у ерга борадиган бўлса, у ҳолда ўзлари қилган ноқонуний ишларни Хоқонга хабар қилади, деб ўйлаб унинг саройга боришига арзимаган баҳоналар билан тўсқинлик қилишга ҳаракат қилаётганди. Бунга қарши Кўргуз ҳам саройга бориш йўлларини излаётган эди. Ўша пайтда отамни чақириб, унга “Давлат қушга ўхшайди. Ҳеч ким унинг қайси шохга қўнишини билолмайди. Бу борада мен яна қўлимдан келганини қилмоқчиман, кўрайлик-чи, фалак нима кўрсатар экан”, – деди.

Охирида иложсиз қолиб, унинг саройга боришига руҳсат бердилар. Бу сафарда унга Малик Баҳоуддин, Маҳмудшоҳ ва Хуросон катталаридан баъзилари ҳамроҳлик қилдилар. Хоқон ҳузурига борган вақтида Хуросон ва Мозандарон ўлкалари солиғидан қанча тўпланиши кераклиги, халқнинг қарзларидан ва у ўлкалар аҳолисидан сўз очилди. Ўша мавзуда қилинган хато ва эътиборсизликлар тилга олинди. Чин Қоя Кўргузнинг Чин Темурнинг ўрнига ўтиришни хоҳлаганига қарамасдан Донишманд ҳожиб ва бир неча киши



бошқарувни Чин Темурнинг ўглига топширишни хоҳладилар. Бир куни Хуросон катталари иштирокида Хоқоннинг ҳузурида Чин Қоя “Хуросон катталари Кўргузни истаяптилар”, – дегач, Хоқон “Давлат хиссасига тушган ҳосил ва солиқни тўплаш ўлка аҳолисини ҳисоблаб чиқиб, рўйхатга олиш учун тўлиқ ваколатли қилиб Кўргузни вақтинча шу вазифага тайинлайман, у топширилган вазифани адолатли бажара олса, ўша пайтда керагини қиламиз”, шаклида бир фармон ёзишни буюрди.

Кўргыз бу фармонни олгач, пойтахтдан чиқиб ҳавода шўнғиб учган савсан қуш каби тезликда Хуросон ва Мозандарон ўлкаларига борди. Подшоҳ фармонини ҳаммага билдириб, котибларни яшаш жойига чақириб, бошқарув ишларини ўз қўлларига олди. Нўсолга келадиган бўлсак, у қари бўлгани сабабли эслаш қобилияти заифлашган ва ақлий мувозанатини бузилган оддий бир киши эди. Лекин Қул Бўлот эса унинг аксича, билимли ва тажрибали бир одам эди. Улар бошқарув ишларида Кўргызга халақит бермоқчи бўлсалар Кўргыз подшоҳ фармонини уларга эслатиб, ўз ишларига ҳеч кимнинг аралашмаслигини истарди. Унинг ён бермайдиган хатти-ҳаракатларини кўрган пайтда Қул Бўлот билан Нўсол ўзларининг фикрларига катъият билан оёқ тираб туриб олмасдилар. Нўсол подшоҳ фармонига кўра, ҳамма вазифаларидан маҳрум қилинган бўлишига қарамасдан яна ишларга бурнини тикаверарди.

Кўргыз қисқа вақт ичида Хуросон ва Мозандарондаги ишларни йўлга қўйди. Хазинада подшоҳга муносиб ҳадялар тўплади. Аҳоли ва мол-мулк ҳисобини қилдирди. Қўл дастгоҳлари, устахоналар қурилишига раҳбарлик қилди. Адолат ва инсофни ўз қўли остида бўлган ҳамма жойга ёйди. Унинг даврида бирор киши бошқанинг мол-мулкига қўз олайтиролмади ва ноҳақ тарзда бошқа бировнинг ишига халақит беролмади. Қобилиятли ва моҳир одамлар ақлсиз ва жоҳил одамлардан кўра, янада ахшироқ бир турмуш тарзига эришдилар. Мамлакатва халқнинг қайтадан обод бўлиши ҳақида умид қилдилар.

Ўша вақтда Ботунинг ёнидан қайтган Шарафиддин билан Кўргыз тарафдан ўз хизмат вазифаларидан узоқлаштирилган Чин Темурнинг яқинлари бир жойга йиғилиб, Чин Темурнинг ўрнини ўғли Эдгу Темурнинг шахсан ўз хоҳишига кўра тайинланиши ҳақида бир фикрга бориб: “Агар ҳозир бошқарувчи тайинлаш ҳақида индамай қолинса, у ҳолда Кўргыз бу вазифага шахсан ўзи тайин-

ланади ва ўша вақтда биз уни ўз ўрнидан қимирлата олмаймиз. У ўзи шахсан тайинланмасдан олдин унинг қилган хатоларини Хоқонга тушунтиришимиз керак”, – дедилар. Бунинг учун Эдгу Темур билан Тўнғузни вазифалантириб, Кўргызга қилажак тўхматлари ҳақида ўқитдилар. Улар саройга боргач, Чин Қояга душман бўлган Хоқоняқинларидан баъзилари Чин Қоянинг ўша жойда эмаслигини ғанимат билиб, уларни Хоқон билан учраштирдилар. Шунга кўра Хоқон ўша ишни тафтиш қилиш вазифасини амир Арғун, Курбўка ва Шамсиддин Камаргарга топширди.

Кўргыз баъзи одамларнинг ўзи устидан шикоят қилиш учун саройга келганини эшитгач, дарҳол тайёргарлик ишларини бошлаб ёнига ТемурЭлчинни олиб йўлга чиқаётганида ўзининг вакили қилиб, Соҳибдегонни қолдирди. Фанокатга борганида ўзининг устидан шикоят қилганлар ва тергов қилишга келаётганлар билан учрашди. Улар Кўргузни зўрлаб орқага қайтаришни истаганларида Кўргыз билан Тўнғузнинг уруши натижасида Кўргызнинг тиши синди. Оқшом пайти бўлгач, қонга бўялган кўйлагини ТемурЭлчин билан саройга юборган Кўргыз ҳам улар билан бирга қайтишга мажбур бўлди. Уйга боргач, Қул Бўлот, Адгу Темур Нўсол ва бошқа мўғул амирлари агрофига одам тўплаб, Кўргызнинг уйида бўлган давлат маъмурларини у ердан чиқариб, яшаш жойига олиб бориб, у ерда сўроқ қилдилар. Ўша ҳолатда Кўргыз, Темур Элчиннинг келишини кутиб, терговни кечиктириш учун ишни секинлаштираётган, ўзига берилган саволларга чалғитувчи жавоблар бераётганди. Лекин масъулиятсиз одамлардан ташкил топган гуруҳ сўроқ баҳонасида одамларга азоб бераётганди. Сўроқнинг иккинчи кунида қирқ беш кунлик сафардан сўнг Темур Элчиннинг Қорақурумдан қайтиб, Астробод яқинидаги Султон Дувинга<sup>358</sup> келди. У ердан хабарчиларни юбориб, Кўргыз терговининг тўхтатилиши ва ўша ердаги барча малик ва амирларнинг пойтахтга келиши ҳақидаги Хоқоннинг фармонини маълум қилди.

Бу фармонга кўра, давлат маъмурлари Эдгу Темурнинг уйидан кетиб, Кўргызнинг уйига боришни хоҳлагани учун Эдгу Темурнинг одамлари отларига миниб, уларни таёқлар билан уриб, Кўргызнинг уйига олиб бордилар. Қисқаси, ўша пайтда давлат маъмурлари қарорсиз бир ҳолатга тушиб қолдилар. Улар агар Кўргызнинг ёнини олсалар, қарши томон ҳам уларга ҳужум қилдилар, агар қарши

<sup>358</sup> Гургон (Журжон) – дарёси билан Қорасув орасидаги бир тепалик.

томоннинг ёнини олса, Кўргуздан балога қоладилар. Шу тарзда улар кундузи Кўргузнинг, кечаси эса Шарафиддин билан Эдгу Темурнинг томонларини ёнларини олаётгандилар.

Кўргуз Темур Элчиннинг олиб келгани Хоқоннинг фармонини ҳаммага элон қилганидан сўнг ишонганбир нечта кишилари билан бирга отга миниб, пойтахтга қараб йўл олди. Кўргузнинг пойтахтга бориш учун йўлга чиққанидан хабар тонган Кул Бўлот ва Эдгу Темур бўхтон ва ғийбат қилишни ўзларига касб қилиб олган бир қанча одамларни ёнларига олиб, Бухорога кетдилар. Бухоро ҳукмдори Маликшоҳ уларга меҳр ва эътибор кўрсатиб, зиёфат берди. Зиёфат охирида Кул Бўлот ҳожат учун ташқарига чиққач, аввалдан уни пойлаб турган ёлланма қотиллар гуруҳи томонидан пичоқлаб ўлдирилди.

Кул Бўлотни қўллаб-қувватлаганлар унинг бошига тушган воқеани эшитиб, паришон бўлиб ўйинчоғини йўқотган болага ўхшаб қолдилар. Эдгу Темур пойтахтга боргач, саройга яқин бир жойга чодирни курдирди. Хоқон унинг чодирига бориб, зиёрат қилишга келгач, кўнгилхушлик ва айш-ишрат мажлисини ташкил қилди. Шу орада Хоқон ташқарига чиқишни истаганида оёғи чодирнинг тиргагига тегиб кетди. Ўша онда келган шиддатли бир шамол чодирни ағдариб ташлади ва у ердаги бир жориянинг яраланишига сабабчи бўлди. Ўша воқеа Эдгу Темур бахтининг қайтишига сабабчи бўлди. Сўнгра Хоқоннинг амри билан ўша чодирни парчалаб, туячи ва чодир тикувчиларга тарқатдилар. Эртаси куни Кўргуз янги чодирни безатиб, Хоқонни таклиф қилди. Хуросондан келтирилган қимматли ҳадяларни унга тақдим қилди. Кўргузнинг иши яхши, душманлариники эса ёмон томонга кета бошлади. Кўргузнинг Хоқонга қилган совғалари орасида Кўргузнинг шахсан ўзи ясаган, “ёркон” деб ҳам аталган қимматбаҳо тош билан ишланган бир камар берди. Хоқон қаттиқ ҳайрат билан уни олиб белига таққач, белининг оғриғи таққа тўхтади. Хоқон буни яхшилик аломати деб ҳисоблаб, худди шундай камардан яна битта ясашни Кўргуздан сўради. Кейинроқ эса Эдгу Темурга юзланиб: “На сен ва на отанг менга бундай гўзал бир нарса ҳадя қилмадингизлар”,—деди. Шундай қилиб, очиқчасига ерга уриб, танқид қилинган бўлишига қарамасдан Эдгу Темур ва дўстлари тўғри йўлни танлаб, юрмаётгандилар. *Шеър* (арабча):

[Жоҳил ақлли қилган ишни жуда камдан-кам ҳолатдагина қилади. Лекин уни ҳам масҳара бўлганидан кейин]

Кўргуз ва Эдгу Темур Қорақурумда бир муддат қолганларидан сўнг Хоқоннинг буйруғига кўра, уларнинг орасидаги даъво ишини кўриб чиқиш учун Чин Қоя, Тойнол ва бошқа ҳакамларни вазифалантирдилар. Улар вақт ўтмасдан дарҳол тўпланиб, даъво ишини дарҳол қўлга олдилар. Кўргузнинг ёнига Малик Низомиддин Исфаройин, Ихтиёриддин (Абивард), амир Шарафиддин (Бистом) каби ҳукмдорлар билан Низомиддин Шоҳ каби ақлли ва билимдон қотиблар бор эди. Лекин Кўргузнинг ақли, тажрибаси ҳамманикидан устун эди. *Шеър* (арабча):

[Унинг душмани ўзига яқин кўрган одамлар орасидадир]

Кўргуз юкорида тез-тез исмлари санаб ўтилган кишилар фикрларига мурожаат қилар ва нима дейиш кераклигига ундан сўнг қарор қиларди.

Эдгу Темур ва ёнидагиларга келсак, у ҳали жуда ёш эди. Кул Бўлотнинг болалари ҳам бола деб атайдиган даражадаги ёшда эдилар. Уларнинг орасида эси жойида бўлган кишилар ҳам ҳаракат қилиш учун маъқул пайтни кутаётган эдилар, орқага қайтмайдиган бир йўлга қадам ташлашни истамаётган эдилар. Уларнинг орасида Мозандаронликлар ҳам бор эдики, улар на бирон маъқул сўз айттарди ва на айтилганларни англай оларди. Ниҳоят, ҳамма жойида тўпландилар. Хоқон ва амирлар Кўргузнинг ёнини олиши туфайли Эдгу Темурнинг одамлари ҳақ бўлса-да, аҳвол уларнинг зарарига ўзгармоқда эди. Чунки “ҳоқимнинг нияти икки одил шохдан ҳам янада яхшироқдур”, дегандилар. Мана бу гапни айтган ҳам тўғри гапирган эди: “Эркаклар бўлмасдан мол-мулк бўлмас. Мол-мулк бўлмасдан эса эркаклар бўлмас”.

Муҳокама иши бир неча ой давом этди. Тортишувлар охири кўринмасди. Шунинг учун қози, амирлар даъво ишидан безиб кетгандилар. Хоқон Кўргуз билан Эдгу Темурнинг бир муддат бирга овқатланиб, бир хонани бирга пойлагани, ҳар иккаласи ҳам худди шу тарзда битта чодирда қолиб, бир идишдан овқат ейишни буюрди. Уларнинг пичоқва темирдан ясалган қуроолларини олиб қўйдилар. Хоқон бундай қилишдан мақсади улар кеча-кундуз бир жойда қолиб, дўст-биродар бўлиб кетадилар деб ўйлаганди. Лекин унинг ҳам фойдаси бўлмагач, Чин Қоя аҳволни Хоқонга тушунтириб арз қилди. Шу туфайли Хоқон шахсан ўзи муҳокамада қатнашиб, уларга саволлар берди. Бу орада Темур укалари Эдгу Темурнинг ёнида тиз чўкиб кутаётганларида Хоқон уларга бакириб: “Сизларнинг

ўрнингиз у ерда эмас, аскарлар орасидадир”, – деди. Кейин эса Эдгу Темурга қараб: “Сен Ботугатегишли бўлганинг учун сенинг жазоингни у беришини хоҳлайман”, – деди. Шундан сўнг Эдгу Темур сўз олиб: “Эдгу Темурнинг ҳам, Ботунинг ҳам каттаси Хоқондир. Мен қандай итманки, Хоқон менинг жазоланишимни бошқа бировга ҳавола қилса”, – деган гапи Хоқонга ёқиб, унинг ҳаётини сақлаб қолди. Агар унинг жазоси ижросини Ботуга топширганда эди, у Ботунинг яхши кўрган одами бўлса-да, унинг жонини сақлаб қолмасди. Хоқон Эдгу Темурнинг ёнида бўлганларнинг баъзиларига таёқ жазоси, баъзиларига бўйинларига сиртмоқ тақиш жазосини берди. Кейин эса жазосини тортган Эдгу Темур ва унинг одамларига юзланиб: “Сизларни ҳозир Кўргузнинг ихтиёрига бераман. Чингизхон қонуларига кўра, қилган жиноятингиз жазоси ўлимдир. Лекин узоқ жойдан келганингиз ва бола-чақангиз сизларни уйда кутаётгани учун ҳам бу сафар жонингизни сақлаб қоламан”, – деганидан сўнг Кўргузга ҳам уларни кечириш кераклиги, агар уларга бирон нарса қилгудек бўлса, уни ҳаёти тугашини маълум қилди. Бу маҳкамадан сўнг Кўргуз роҳатланган ҳолда ўз ишини бошлаб, муҳим масалаларни ҳал қилди. Кейин Журмогун томонидан фатҳ этилган Жайхун дарёси ғарб томони бошқарувини ҳам ёрлик билан Кўргузга берди.

Маҳкама вақтида Хоқон Шарафиддин ҳақида “Ҳамма мана шу тартибсизликка сабабчи бўлган ўша тожикдир. Агар уни Кўргузни ёнида қолдирсам, уни ҳам йўлдан уради”, – деди ва уни Кўргуз билан бирга юришини истамади. Шундан сўнгра унга адоват ҳис қилишига қарамасдан Кўргуз билан Чин Қоя Хоқоннинг ҳузурига чиқиб бориб: “Хуросон ва Мозандарон ўлкаларининг барча солиқ ишларини у билади. Агар у мен билан бирга кетмаса, солиқ маъмурлари берадиган солиқнинг камомати унинг ҳисобига чиқади”, – деб унга ҳам қайтиб кетишга рухсат олди.

Кўргуз билан пойтахтга кетган Хуросон маликлари ва таникли одамлари, Кўргузнинг даъвода ютиб чиққани учун ҳар бири биттадан ёрлик олишни истади. Бунга жавобан Кўргуз: “Агар ҳаммага подшоҳ ёрлик бераверса, у ҳолда улардан менинг нима фарқим қолади” деб Чин Қоянинг ёрдами билан уларнинг ёрлик ва пайза олишига тўсқинлик қилди.

Кўргуз ва у билан борганлар орқага қайтиб кетиш учун тайёргарликлар кўраётган пайтда Кўргуз Хоқоннинг ўзига унга ишо-

ниши ва душманлари енгилганини хабар қилиш учун олдиндан Хуросонга хабарчилар юборди. Аввал Эдгу Темурнинг ёнини олган, лекин жазолантирилажак пайтда қочиб кетган баъзи кишиларни ушлаб олиб, бўйинларига ҳалқа кўйдирди. Тунгуз ва Туманни ҳам боғлаб пойтахтга олиб келдилар.

## XXIX. КЎРГУЗНИНГ ХУРОСОНГА ҚАЙТИШИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТИ

Кўргуз Хоқоннинг ишончини қозонган ва душманларининг қўлларини синдирган ҳолда пойтахтдан қайтиб келгач, Ботунинг укаси Тўнгутнинг ёнига борди. У ердан Хоразм йўли билан орқага қайтиб келаётганида отам унга йўл учун керак бўлган чодир, ошхона ашёлари, олтин ва кумуш юборганидан сўнгра Хуросоннинг таникли одамларининг ҳаммаси билан ўзи ҳам уни қарши олишга чиқди. Кўргуз Шаҳристон йўлидан келиб, 637 йилнинг жумадилаввал ойида (1239, ноябр-декабр) уйига тушди. Унинг келиши туфайли чақирилган Хуросон ўлкасининг бошлиқлари ва мўғул амирлари ўша ерда ҳозир бўлдилар. Сўнгра отам тайёрлаган санъатга арзигулик баланд бир чодирни ўша жойга қўйиб, ичини олтин ва кумушлар билан безатдилар. Ўша ишларни тамомлаганидан сўнгра бир неча кун кўнгилхушлик мажлислари ташкил қилди. Кўнгилхушлик мажлисларига Ироқнинг таникли одамлари ҳам қўшилдилар. Бу орада унинг ҳақида чиққан фармонни ўқидилар. Янги қонуларни халққа маълум қилдилар. Девонда кўп сонли котиб бўлишига қарамасдан Кўргуз барча мактубларни юксак даражада қобиляти ва билими бор бўлгани учун Низомиддиншоҳга ёздирди. У мактубларни ўғли ва бир неча котиблар билан Ироқ, Аррон ва Озарбойжонга юборди.

Кўргуз одамлари юқорида номлари зикр қилинган ўлкаларга боргач, Журмагун хизматчилари билан жанжал қилиб, ўша ўлкаларни унинг қўлидан қутқарди. Ҳар бир ўлка учун маълум бир миқдорда солиқ белгилади. Кўргузнинг амри билан ҳар ўлкада бир нўён қолдирилди. Тўплаган солиқларнинг кўпини ўзларига олиб қолган ва оз қисмини девонга берган солиқ хизматчиларини хизмат вазифаларидан олиб ташлаб, пул жазоси билан жазолантирдилар.

Бу ишлар қилинганидан сўнгра Кўргуз бошқарув маркази қилиб Тусни танлаб, у ернинг меъморий қурилиш ишлари билан машғул

бўлди. У Тусга жойлашаётганида у ернинг фақатгина номи бор эди. У ер атиги элликтагина хонадондан иборат бир жой бўлиб, унинг бозор ва кўчалари хароб ҳолатда эди. Шу даражада вайрона эдики, у ернинг кўчасидан иккита эшак ёнма-ён ўтса оёқлари бири-бирига тегиб, тикон ичида қоларди. Кўргуз у ерга келар-келмасиданоқ уй ва боғ-роғлар қурилишини тезлаштирди. Давлат катталари уйларни сотиб олдилар, уй тополмаганлар эса курдирдилар. Ҳар бири бозор қуришга, ариқлар қозишга, йиқилган мулкларини таъмирлашга жуда катта аҳамият берди. Ўша пайтда уйларнинг нархлари жуда кўтарилиб кетди. Аввал бир билан икки ярим рукнийга сотган уйни у ер бошқарув маркази қилиб танланганидан сўнг икки юз эллик динорга сота бошладилар. У ернинг меъморий қурилиш ишларини кенг кўламли тарзда йўлга қўйганидан сўнг Кўргуз бошқа ишларга ҳам қўл урди. Элчиларнинг йўлда халққа юк бўлиб, оғирлиги тушмаслиги учун почта манзиллари курдириб, ҳар бирига етарли миқдорда от-улов қўйдирди. Бундан аввал хоҳлаганидек ҳаракат қилган ва истаган ишини қилган амирлар энди хўжасининг розилигисиз бирор нарса ололмас ва ҳатто бир товукнинг калласини сўя олмайдиган бўлдилар. Агар мўғул қўшини бирор деҳқоннинг даласи ёки боғида тунаб қолса, ҳеч бир аскар на оти ва на ўзи учун эгасининг розилиги бўлмасдан у ердан бирон нарса ҳам ололмасди. Худди шу тарзда элчилар ва савдогарлар ҳам йўл устидаги дала ва боғларга киролмасдилар. Ишларни мана шундай тарзда йўлга қўйган Кўргуз кейинроқ яна эски душмани Шарафиддин билан машғул бўла бошлади. Кўргузнинг унга душманлигини билган яқинларидан Асил Ругадий<sup>359</sup> Шарафиддинни ушлаб олиб, бўйнига учи иккига айрилган ёғоч тақди. Унинг бу ҳаракати учун Кўргуз Асил Ругадийга вазирлик мақомини берди. Лекин у бу мақомга лойиқ бўлмагани учун ташкил қилинган расмий йиғилишларда номуносиб ҳаракатлар қилди.

Сўнгида Кўргуз Шарафиддиннинг аҳволини билдириб, ҳисобот топшириш учун саройга Темур Элчинни юборди. Орқасидан ўзи ҳам кетди. Йўлда қайтиб келаётган Темур Элчин билан дучлашди. Темур Элчин унга Хоконнинг ўлгани, давлат катталарини бири-бирлари билан жанжаллашганлиги сабабли ўрда тартибсиз ҳолда эканлигини хабар қилди. Кейин яна ўз йўлида давом қилган Кўргуз Чингизхон наслидан эканини рўкач қилган Чигатой амирларидан

<sup>359</sup> Тахминан Кабуджоманинг бир ноҳияси.

бири билан<sup>360</sup> жанжаллашди. У амир Кўргузга тепадан қараб, оғир гаплар айтди. *Шеър* (арабча):

[Аввал айтилганларга қўшажак ниманг бор]<sup>361</sup>

Кўргуз ўша амир саройида ўзига ёмонлик қила олишини ўйлаб орқага қайтди. Амир Кўргуздан Чигатой ўғилларига шикоят қилгани учун улар Аргун ва Кўрбукани Кўргузни олиб келишларини, агар келишни хоҳламаса, зўрлаб келтиришни буюрди.

Кўргуз Тусга қайтгач, Чигатой ўғлининг юборган элчилари келдилар. Аввало, Шарафиддинни излаб, ундан Кўргузни ушлаб жазолашда ёлғон ем сифатида фойдаланишни истадилар. Улар Тусга келишларидан олдин Кўргуз мўғул одатларига зид тарзда қалъада бир хазина биносини курдирган, ўзи яшаётган жойни ҳам ўша ерга кўчиртирганди. Элчилар, бир томондан, у ерга хабарчилар юбораркан, иккинчи томондан эса, Кўргузга тобе бўлган қўшин кўмондонларидан ёрдам сўрадилар. Кўргуздан хафа бўлган ва унга нисбатан адоватли бўлган гуруҳ ҳам элчиларга қўшилгач, Сабзаворда бўлган Шарафиддинни зўрлаб келтирдилар. Бошқа томондан Кўргуз элчилари хабарига яхши муносабатда бўлиб, улар билан бирга кетишни ният қилган бўлса ҳам, Асил Ругадийнинг уларга ишониб, ёлғиз боши билан улар билан бирга кетмасликни огоҳлантиргач, кетишдан воз кечди. Ўша орада Кўргуз фармонни ўрганиб, кўрка бошлади. Орадан бир муддат ўтгач, бир куни Чигатой ўғлининг элчилари юнгдан қилинган чакмонлари остига яшириб қўйган ханжар билан жуда синчковлик билан қаттиқ кўриқланаётган хазина биносининг дарвозаларига яқинлашиб қолдилар. Ундан сўнгра Кўргуз дарвозани ёпиб қўйишларини буюрди. Элчилар уйни ўқ ёмғирига тутгач, Кўргуз “Мен гунохкор эмасман” – деб дарвозани очдирди. Элчилар Кўргуз билан Асилни ушлаб олганларидан сўнгра қалъадаги мавжуд барча ҳукмдор ва бошқарувчиларни ушлаш учун аскар юбордилар. Шу орада Малик Ихтиёрдин уларнинг қўлидан қочиб, Абивардга кетди. Ўша воқеадан кейин Хуросон ва Мозандарон ўлкалари ишлари алғов-далғов бўлди ва халқи паришон бўлди. Шу шеър ўша даврнинг шоирларидан бири томонидан айтилган бўлиб, у аҳволни англатади. *Шеър* (арабча):

<sup>360</sup> Рашидиддинган кўра, (Хятагуров. Б.142) Ўғул Гоймишининг маъмурларидан Сортоқ Қужан.

<sup>361</sup> Нуъмон б. ал-Музирнинг Робиа б. Зиёдулобидга хитобан айтган шеъри. Қаранг: Ҳизонату-л-адаб. IV ж.



[Тўғри йўлдан адашган, гандираклаб мувозанатини йўқотиб илгарилаган оёқларни кўряпман]

Бир неча кундан сўнг элчилар қайтиб келаётганларида Кўргыз билан Асилни ҳам ушлаб бирга олиб келдилар. Йўл давомида Кўргыз улар билан гаплашмади ва уларнинг олдида букилмади. Улуғ уй<sup>362</sup> қароргоҳига борган вақтда дарҳол амирларни тўплаб, Кўргыз билан Асилни терговқила бошладилар. Бундан сўнг Кўргыз уларга юзланиб, “агар мени тергов қилишга ваколатингиз бор бўлсагина саволингизга жавоб бераман. Йўқ бўлса, бекорга иш қилган бўласиз ва мен билан гаплашишдан борор иш чикмайди” – деди. *Шеър:*

[Айтмаган сўзнинг эгаси сенсан. Агар гапирсанг, уни энди ортиқ яшира олмайман]

Унинг бу гапларидан кейин тергов қилишдан воз кечиби, ишни Тўрагана хотунхузурида давом эттиришга қарор қилдилар. У ерда тергов қилиниши исталган пайтда Кўргыз Шарафиддин билан тортишувга киришди ва унинг даъволарини рад қилди. Бу орада амирларидан бири Шарафиддинга юзланиб: “Дуо қилгинки, Кўргыз ушланган бўлсин. Агар маҳкамада афв қилинадиган бўлса, бошингга нималар келишини ўйлаясанми? Сенинг унинг ишончига киришинг, унга душманлик қилишингдан кўра хайрлироқ бўлади” – деди. Улуғ уйдан чиқиб кетиб, ўша пайтда бошқарувни ўз қўлида ушлаб турган Тўрагана хотуннинг саройига борган пайтда Чин Қоя, Тўраганадан кўрқиб қочиб кетган эди ва Қуюкхоннинг хизматида кирганди. Чин Қоянинг одамлари ҳисобланган Маҳмуд Ялавоч ва Кўргыз олдин саройига келганларида ҳеч бир иши бўлмаган ҳозирги хизматчиларга кўп ҳам эътибор бермаганди. Шунинг учун янги маъмурлар Кўргызга яхши кўз билан қарамадилар. Ўша вақтда ҳамма ишларда қўли бўлган Фотима хотун Шарафиддинни бир чеккага тортиб, унга амир Арғун хизматида Хуросон ва Мозандарон ўлкалари бошқарувини ваъда қилиб, тергов жараёнида гапиришни ўргатди.

Кўргызнинг Улуғ уйда айтган гапларини ҳам даъво мавзуси қилиб қайтадан терговга чақирдилар. Берилган саволларга кўркмасдан катъий жавоблар бергани учун уни оғзига тош тўлдириб ўлдирдилар. Кўргыз бутпарастликни<sup>363</sup> ташлаб, умрининг охирларида Мусулмон бўлган эди.

<sup>362</sup> Катта уй маъносини англатади.

<sup>363</sup> Буддавийлик.

Аслига келсак, уни Самарқандда ушлаб олиб бир муддат оч холда ташлаб қўйганидан кейин ейдиган овқатига захар солиб ҳаётига нукта қўйдилар.

Гапнинг қисқаси, дунёнинг ишлари яшинга ўхшайди. Унинг қақиши билан йўқ бўлиши бир хил бўлади. Ёки уни шиша идишга тўлдирилган ҳавога ўхшата оламиз. Қопқоғини очган онда учиб кетади. *Шеър:*

[Юз йил яшасанг ҳам, юз минг йил яшасанг ҳам ҳеч бир нарса ўзгармайди]

### XXX. АМИР АРГУННИНГ ҲАЁТИ

Арғун мўғуллар томонидан тан олинган қабила бўлиб, Ойрот қабиласидан Тайжу исмли бир мингбошининг ўғлидир. У қабилага мансуб бўлганлар кўпчилиги Чингизхоннинг онаси томонидан қариндошидир. Бундан ташқари у қабилага мансуб кишилар Чингизхоннинг илк даврларида ўртага чиққан пайтларидаёқ унинг хизматида чопганди ва унинг энг муҳим хизматларига жавобан Чингизхон ўғилларидан ҳар бирининг ўша қабила амирларининг қизларига уйланишини буюрганди. Исми Жажақан бакий бўлган қариндошларидан бирининг қизини ҳам ўша қабила бошлиғига берган эди. Шу туфайли Ойрот қабиласидан қиз олиш шараф хисобланарди.

Арғун кичик ёшидан бошлаб, уйғур ёзувини ўрганиб, бу борада катта илгарилашга эришди. Бахти кулиб боқиб, ҳали бола ёшидаёқ Хоконнинг хизматида кириб, унинг қотиблари орасидан жойини эгаллади. У кундан-кунга Хоконнинг эътиборига эришди. Хокон уни муҳим бир вазифа учун Қобон билан бирга Хитойга жўнатди. Қайтиб келгач, Хокон энг кўп ишонган одами сифатида уни Кўргыз билан Эдгу Темурнинг қелишмовчиликлар сабабини ўрганиб, сўроқ қилиш ишини топширди. Унга ёрдамчи Қурбўки билан Шамсиддин Камаргарни вазифалантирди, шунга мувофиқ Арғун Хуросонга кетиб, керакли тарзда синчиклаб ўрганилиб, сўнгра муҳомадада қатнашадиган бутун кишиларни тўплаб, саройга олиб келди. Хоконнинг ҳузурида кўриб чиқилган даъво ишида очикчасига Кўргызни ҳимоя қилди. Хуросон ва Ирок бошқарувини Кўргызнинг ихтиёрига топширгач, Арғунни ҳам унинг ёнига босқоқ

қилиб тайинладилар. Берилган амрга кўра, Кўргуз ҳамма қарорлар ва ишларда Арғун фикрларини қабул қилар, унинг хабари ва рухсати бўлмасдан ҳеч бир ишни қилмасди. Лекин бу амрга қарамасдан Кўргуз Хуросонга келгач, ўлкани ўзи билганича бошқара бошлагач, амир Арғун орқага қайтиб кетди. Кўргузни ушлаб Улуғ уй қароргоҳига олиб келинган вақтда амир Арғунга уни саройга олиб келиш вазифасини топширди. Амир Арғун ёнида Қурбўки ва бир ҳарбий бўлинма аскарлари билан Улуғ уйга келиб, Шарафиддинни ҳибсдан чиқариб озод қилиб, Кўргузни ушлаб саройга келтирдилар. Бундан олдинги бўлимда айтиб ўтганимиздек, ҳақоратга тўла сўзлари туфайли Кўргузни ўлдирдилар. Ундан сўнгра Тўрагана хотун Жайхундан Форс, Гуржистон, Онадўли ва Мўсулга қадар олдин Кўргузнинг бошқарувида бўлган барча ўлкаларни идора қилишни амир Арғунга топширди. Шарафиддинни эса унинг хизматига бош котиб қилиб тайинлади. Бўш деб ҳисобланган мақомларга ҳам янги одамларни қўйди.

641/1243-44 йилда Хуросонга борган Арғун буйруқларни билдириб, хабардор қилгандан сўнгра ҳали олдинданок бузилган ишларни йўлга қўйди. Орадан бир муддат ўтгач, қолган солиқларни тўплаш учун Тўрагананинг саройидан Чирокчи Элчи раҳбарлигида бир ҳайъат келди. Амир Арғун уларни Низомиддин шохга ҳавола қилиб, Хуросондан Озарбойжонга ҳаракат қилди. Деҳистонга боргач, Ботунинг саройидан бир ҳайъат келиб Арғуннинг ёнида бўлган Шарафиддинни олиб, Ботунинг саройига олиб кетди. Буорада Арғун амир Хусайн, Хожа Фахриддин ва котиблардан бир қисмини ўзига вакил қилиб қолдириб, ўзи эса Табризга қараб йўл олди. У Табризга боргач, аввалроқ Журмагун, Бойжу ва яна бошқа бошқарувчиларининг мантқиқсиз идора қилишлари туфайли ишлари бузилган ўша ҳудуд ўлкасининг ишларини йўлга қўйди. У халқининг мол-мулкани хафвсизлик ҳимоясига олиб, давлат хизматчиларининг қўлларини улардан торттирди. Халққа зулм қилганларни жазолаттирди. Ундан яқинлик ва яхшилиқкўрган каттаю-кичик ҳамма одамлар унинг хизматига кирдилар. Ҳамма унинг идорасини жону дилдан қўллаб-қувватлади. Онадўлу, Сурия ва Халаб султонлари элчилар юбориб, унинг эътиборига тушишга ҳаракат қилдилар. Кейин эса амир Арғун барча ўлкаларга солиқ хизматчиларини юборди.

Арғуннинг Табризда бўлган вақтида Шарафиддин ҳам Ботунинг саройидан чиқиб келди. Солиқларни орттириб, кўнайтириб халқдан

зўрлаб солиқ ундира бошлади. Амир Арғун унга тўсиқ бўлишга интилса ҳам гапини ўтказа олмади. Унинг бундай зolimлигини кўрган одамлар амир Арғунга янада кўпроқ боғландилар.

Пойтахтдан элчилар келиб ўша минтақадаги барча султонлар, маликлар, маҳаллий бошқарувчиларга саройга чақирилганлиги ҳақидаги амрини билдиргач,<sup>364</sup> амир Арғун йўлга чиқишдан олдин отам Соҳибдевоини Озарбойжон, Туркистон, Онадўли ўлкалари бошқарувчи вакили қилиб қолдириб, Букуни ҳам босқоқ қилиб қолдирганидан сўнгра йўлга чиқди. Тусга борган пайтида Шарафиддин ўлганлиги хабарини эшитди. Шундан сўнг у халққа юклаган огир солиқларни бекор қилди. Аввалданок ортиқча ундирилган солиқларини эгаларига қайтариб берганидан сўнг маликлар, котиблар ва юксак даражали хизматчилар билан бирга саройга йўл олди.

Саройга берганида Хоқон ўлган, шаҳзодалар ҳар бири бир ўлқани олиб, у ернинг бошқарувчилариконун ҳукмларига зид тарзда барот, ёрликлар ва пайзалар таркатганди. Амир Арғун қўл остида хизмат қилаётганларига берилган ёрлик ва пайзаларнинг ҳаммасини (қайта тақсимлаш учун) йиғиб олди.

Ҳузурига боргач, Куюкхон унга кўп кийматли ҳадялар берди. Шаҳзодаларнинг ҳар бирига мансаб ва мавқеига кўра, ҳадялар таркатди ва уларнинг меҳрини қозонди. Саройнинг каттаю кичигига худди ёмғир булути каби эҳсонлар қилди. Куюкхон ҳадя иши битганидан сўнгра Арғун билан ўлкалар масалалари бўйича қарашларини сўради. Арғун шаҳзодаларнинг қонунсиз тарзда таркатган пайза, ёрликларни тилга олди. Унинг гапларини ёқтирган Куюкхон аввал бошқарган ерлари бошқарувини унга бергандан сўнгра шер бошли пайза ва ёрлик билан уни шарафлади. Унинг ихтиёрига хизматчилар берди. Ундан бошқа ҳеч кимга пайза ва ёрлик бермади, Ғарб ўлкаларининг бошқарувчиси бўлган ундан ва Хитой ҳамда Мовароуннаҳрдан келган Соҳиб Ялавоч билан ўғлидан бошқа ҳеч кимни ҳузурига қабул қилмади.

Кейин Куюкхон шоир мана шу байтда айтганидек, *шеър* (арабча):

[Унинг қабиласида ўзимнинг исмимдан сўнгра менга тақилган ёмон исмлар билан чақириламан]<sup>365</sup>

<sup>364</sup> Куюкхон сайланажак бўлган қурултойга.

<sup>365</sup> Абу Муҳаммад ал-Ҳозиннинг вазир Соҳиб ибн Аббос мадҳи ҳақидаги машҳур қасидасидан. Қаранг: Йатимат ал-дахр, III жилд, 34 варақ.

Хоразмлик бўлишига қарамасдан Хуросонда ёмон от билан эсланган Шарафиддиннинг ўлиmidан кейин котиббоши бўлиб ҳамма томонидан севиб-хурматланган Хўжа Баҳриддин битикчи (котиб)ни тайинлади.

Амир Арғун пойтахтдан қайтиб кетаётганда хизматчи ва маъмурлар ҳар бирига қобилиятига кўра ишлар берди. Бу ҳақда уларнинг истакларини кўз ўнгида тутди. Барча маъмурлар ундан хурсанд бўлишиб, уни дуо қилиб ўзларининг хизмат жойларига қайтиб кетдилар.

Амир Арғун саройидан чиқиб, Хуросонга қайтаётганида йўлда худди апрел ойининг ёмғирига ўхшаган қўлларини очди. Ўтган йўллари устида бўлган Туркистон ва Мовароуннаҳр халқи унинг ҳадя ёмғиридан ўз улушларини олди. Унинг жўмардлигидан мамлакат ташқарисидагилар ҳам фойдаланиб унга боғландилар. Келатганлигини билдириш учун Хуросонга ва теварак атрофдаги ўлкаларга хабарчилар юборгач, бутун ўлка аҳолиси уни кутиб олиш учун Марвга келди. Амир Арғун ёнидаги маликлар, маъмурлар ва амирларни ҳам ... тарихида<sup>366</sup> бир муддат Арзанқобод<sup>367</sup> маҳалласида яшади. У ердаги байрам ўтказиладиган саройда вақтичоғлик қилдилар. Ўша орада амир Арғун боғчали ёзги сарой қуришни буюрди. Барча халқ унга бўйсуниб, кўшкни қура бошладилар. У ердан Тусга кетди. У ерда кўп йиллардан бери қаровсиз ва хароб ҳолда ётган Мансуриянинг қайтадан таъмирланиб, янги саройлар барпо қилинишига буйруқ бериб, ўша ишларнинг бошига Ихтиёриддин Абивардни қўйди. У ердан Родоконга борган амир Арғун у ерда хотини билан гўзал кунларни ўтказди. У ерда бўлган вақтда ишлари изга тушиб кетди. Теварак атрофдаги унга тобе бўлган бошқарувчилар келиб, турли мавзулар ҳақида унинг фикрларини олдилар.

Тунлар ёз кунларидан ажралганига чидамай совук нафас ола бошлагач, куз фасли одамларга худди душмандек муомалада бўла бошлагач, дарахтларнинг япроқлари совук ва шиддатли шамолнинг таъсиридан яшиллигини йўқотгач, амир Арғун Мозандарон йўлидан Табризга қараб юрди. Ўтган шаҳар ва кишлоқлар масаласини ҳал қилиб кетаётганлиги учун секин йўл босаётганди. Амулга борган вақтида отам Озарбойжондан бебаҳо ҳадялар билан уни кутиб

<sup>366</sup> 647/1249.

<sup>367</sup> Ёқутта кўра, Марв кишлоқларидан бири.

олишга чиқдилар. Арғун у ерда бир печа кун қолиб, завқ ва кўп-гилочарлик билан вақтини ўтказди.

Амир Арғун Озарбойжондан қайтаётганида Журмагун томонидан Табриз ҳунармандларига босқоққилиб тайинланган Мангу Бўлоднинг ўзи каби Наймон қабиласидан бўлган Қадокнўённинг ёрдами билан Куюкхондан босқоқ ва амир бўлганини тасдиқловчи бир ёрлик олгани ҳақида хабар келди. Ундан босқоқ Қадокнўён малик Садриддинни қарши қўйишига қарамасдан Куюкхондан отабек Хомушнинг ўғли отабек Нусратиддинни Табриз ва Озарбойжон ўлкаси кўмондонлигига тайинлангани учун кизил тамгали бир фармон чиқартиришга эришди.

Амир Арғун буларни эшитиб-билиб, душманларнинг саройда ўзига қарши макр-ҳийла ишлатилганликларини билгач, саройга кетиш учун йўл ҳозирликларини бошлади. Озарбойжонга тайинланган одамларнинг ўлкада юзага келтирган тартибсизликларни саройга билдириш учун Низомиддиншоҳни олдиндан юборди. Ундан бир ойдан кейин ўзи ҳам йўлга чиқди. Табризга Малик Садриддинга саройга бориш ҳақида хабар юборгач, у ҳам у ердан ҳаракат қилди.

Ўша сафарда Амир Арғуннинг ёнида Хожа Фаҳриддин битикчи, отам ва мана шу сағрларнинг ёзувчиси бор эди. Амир Арғун ва ёнидагилар тезликда йўл олиб, Тарозга борган вақтларида Куюкхоннинг вафот этгани ҳақида хабар топдилар. Ўша орада Элчиғатой ҳам Тарозга келгач, амир Арғун маликларни ва маҳаллий бошқарувчиларни Кенжақда<sup>368</sup> қолдириб, бир миқдор мўғул билан Элчиғатойни кутиб олишга кетди. У ердан Элчиғатой ёнида турган катта бир қўшиннинг баъзи эҳтиёжларини қондириш учун амир Арғунга орқага қайтиб кетишни айтди. У ҳам амир Хусайн орқага қайтишининг сабабини маълум қилиш учун ва баъзи мавзуларни арз қилиш учун саройга юбориб, орқага қайтди. Амир Хусайн билан Низомиддин амир Арғуннинг ўзларига топширган хизмат вазифаларини ўринлатиб бажардилар.

Амир Арғун Хуросонга қайтиб келгач, Элчиғатойга ҳурмат-иззат кўрсатиш учун керакли ишларни қилди. Ўша орада шахзодалар ҳамма томонга элчилар юбориб, бир неча йиллик солиқларни бирдан талаб қилиши, Элчиғатойнинг ва бошқа мўғулларнинг битмас-туганмас истак-хоҳишлари халқни ва бошқарувчиларни оғир

<sup>368</sup> Талас водийсидаги шаҳар.

аҳволга солиб қўйди. Саройга юборган элчиларининг қайтиб келганидан қисқа бир муддатдан кейин ўша пайтда Бодғисда бўлган Элчиғатойнинг ёнига кетган амир Арғун у ердан Сарахсга борди. Қиш орқасини ўгириб, баҳор юзини очган об-ҳаво исий бошлаб, кушлар жаннат боғларида сайрай бошлагач, амир Арғун ақлига кулоқ солиб бир қарорга келди. 647 йилнинг жумадилавал (1249, август-сентябр) ойида<sup>369</sup> пойтахтга кетиш учун йўлга чиқди. Ўша вақтда Табризда обрўсини жуда йўқотиб қўйган Мангу Бўлот ҳам Амир Арғуннинг хоҳиши билан йўлга чиқиб, пойтахтга борди. Мангу Хокон билан амир Арғуннинг даввоси бир икки суд мажлисидан сўнгра қарор қилинди. Амир Арғун Мангу Бўлотнинг барча давволарини рад қилиб, маҳкамадан ғолиб бўлиб чиқиб кетди. Бир неча кун пойтахтда қолганидан сўнгра ўз мақсадига эришган ҳолда қайтиб кетишга рухсат олди.

Ўша пайтда амир Арғун кечиккани сабабли ёнига боришга хижолатли бўлган Бўкихон билан Мангу Хоконнинг ҳузурига, маликларнинг катталаридан бўлган ва Бўкихон томонидан бошқарувда Арғунга шерик қилиб тайинланган малик Носириддин Али билан котиблардан Хожа Сирожиддин Шужойни қийматли ҳадялар билан юбориб, унинг воситачилигида узр сўради. Бир муддат сўнг Шарафиддиннинг ўрнига Ботунинг Кўшқуни<sup>370</sup> томонидан котиб қилиб тайинланган Низомиддиншоҳга йўлга чиқиш амрини берди. Лекин Низомиддин йўл тайёргарлигини кўраётганида пойтахтда вафот этди. Амир Арғун пойтахтда бир муддат яна қолганидан кейин Олбалиқ ўлкасида бўлиб турган Ясунинг қароргоҳига кетди. Унинг амирларидан биттасининг қизига уйлангани учун у ерда бир-икки ой қолди. У вақт Фахриддин билан Мангу Бўлот ҳам ўша ерга борди. Бу сатрларнинг муаллифи ҳам амир Арғуннинг ёнида эди.

У ўша ердан ҳаракат қилганида қиш фасли эди ва тоғутепаликлар бир хил ранга бурканган эди. Шиддатли совуқ давомли тарзда йўл олиш имконини бермаганидан ўн уч кунда Марвга борди. У ерга борганида ўз вакилини қолдирган Амир Хўсайн билан соҳибдевлонлар Ботунинг буйруғига кўра, унинг қароргоҳига келгандилар. Бир муддат сўнгра Хожа Нажмиддин Али Жилободий

<sup>369</sup> Кўриниб турганидек, бу ерда бир чалқашлик бор. Юқорида баҳордан баҳа қилингани ҳолда берилган тарих куз фаслини кўрсатмоқда.

<sup>370</sup> Кўшин қўмондони.

Ботунинг ёнидан қайтиб келди ва Кўшқуннинг катта котиб қилиб тайинлангани ҳақида буйруқ, фармон келтирди. Бу ҳолатни Хожа Нажмиддин Али Жилободий билан келган элчилар ҳам оғзаки тарзда билдирдилар. Ўша пайтда пойтахтдан амир Арғун ва давлат катталарини чақирган элчилар келгач, амир Арғун Ноку билан Хожа Нажмиддинни вакил қилиб қолдириб, қуйида тушунтирмақчи бўлганимиздек қурултойга кетди.

### XXXI. АМИР АРГУННИНГ КАТТА ҚУРУЛТОЙГА БОРИШИ

Амир Арғун фармонга кўра, 649 йил жумодилохир (1251, август-сентябр) ойида ўз қарамоғида бўлган ҳоким, амир ва котиблар билан қурултойга бориш учун пойтахт йўлини тутди. Тарозга боргач, Мангу Хоконнинг хонлик тахтига ўтиргани ҳақидаги хушхабарни эшитди. Шунинг учун у ерга бир оз эртароқ бориш учун ғайрат қилди. Шиддатли қор ёғишига қарамасдан йўлда давом қилди. Қулонбошга борган пайтда қор дараларни тепаликлар билан бир хил даражага келтирган, йўллар бекилган, ўтиш жойлари тўлиб қолган эди. Қорнинг қалинлиги отнинг бўйнидан ҳам ошиб кетмоқда эди. Амир Арғун ва ёнидагилар ўша кунни у ерда ўтказдилар. Эртаси куни амир Арғуннинг амрига кўра, ҳамма отларидан тушиб, уларнинг олдларида юриб йўл олдилар. Шу тарзда илгарилаб, дарё водийсини кечиб ўтиб, тепаликка етиб олдилар.

Кейин ўнталик (бўлинма) пиёда гуруҳ олд томондан кетиб чуқурларни тўлдирди Суворийлар эса улар очган йўлларида олдинга илгариландилар. Ўтиш қийин бўлган жойларда юклари енгиллатилган ҳайвонларни қўл билан тортиб ўтказдилар. Ўтадиган жойнинг энг қийинида улуғ Аллоҳнинг бир лутфи бўлиб, эрталабдан окшомгача қуёш ўзини кўрсатди. Бир кун бўйича факат бир фарсахчалик масофага илгарилай олган бўлишига қарамасдан тахликадан ўтиб олганди. Ундан сўнг дамолмасдан жуда катта қийинчиликларга кўксиларини қалқон қилиб Бешбалиқнинг йўлини тутдилар. Амир Арғун Мангу Хоконнинг ёнидан қайтиб келаётган Амир Масъудбек билан учрашиб қолибди. Бир неча кунни у билан зиёфатда вақтичоғлик билан ўтказгандан сўнг у пойтахтга келганини билдириш учун қимматли ҳадялар билан олдиндан элчи юборди.



Амир Арғун йўлда келаётганида юборган элчиси қайтиб келиб, Мангу Хоқон бир оз аввал уни кўришни истаганини маълум қилди. Шундан сўнг илоҳий ёрдамнинг ҳидини сезган ва подшоҳ лутфининг ўзи томонида эканини англаган Арғун тезда 649 йил сафар ойининг (1251, апрел) ўртасида Хоқон ҳузурига борди.

Эртаси куни Арғуннинг ёнида келганлар ҳам унинг ҳузурига чиқиб, ҳадяларини тақдим қилдилар. Хоқон ҳузурига амир Арғунга лойиқ бўлган жойкўрсатилди. Кейинги кун эса қор туфайли кечиккан Малик Садриддин, Хожа Фахриддин битикчи ва давлат катталаридан баъзилари хоқон ҳузурига қабул шарафига эришдилар. Ҳадя бериш иши тугагандан сўнг Амир Бўлга билан бошқа амирларни ҳам ҳузурига чақирган Хоқон мамлакат муаммолари ҳақида уларнинг фикрларини сўради. Бошқа амирлардан сўнг гап бошлаган амир Арғун солиқ ундиришдаги тартибсизликлар, қутилган солиқнинг йиғилиб олинмаганлиги сабаблари, солиқ йиғувчилар ўз ишларини яхши билмаганликлари эканлигини узоқ англаганидан сўнг оқсаб қолган бошқа ишларнинг ҳам сабаб ва чораларини гапирди. Унинг масалаларни яхши билиши ва уларни ечиш йўллари Хоқонга ёкиб қолди. Унинг авваллари ҳам қилган хизматларини кўз олдига келтирган Хоқон амир Арғуннинг юксак даражадаги қобилиятини ҳурмат қилиб, ҳамманинг орасида унга катта меҳр ва эътибор кўрсатди. Унинг ҳамроҳлигидаги одамларига ҳам кўплаб совға-саломлар бериб, уларни ҳам шарафлантирди. Эртаси куни Мангу Хоқон барча ваколатларни ҳузурига тўплаб, уларга халқ фароғати ва янги ўлкаларни фатҳ этиш йўллари, камбағалларнинг аҳволлари, шаҳарлар қуриш чораларини, адолат ва инсофнинг ҳамма жойда устивор бўлиши ва золимлар халқ устидан қилган жиноятлари учун жазога тортилиши учун нима қилиш кераклиги, улуғ Аллоҳнинг қуллари давлат қутланиши борасида хайрли дуолар қай йўсинда олиниши мумкинлиги, ҳар бир бошқарувчидан ўз ўлкасига хос бўлган масалаларнинг нималар эканлигини сўради ва уларга ечим йўллари езма тарзда билдиришни, ўша ҳисоботларнинг ўзи томонидан ўрганилганидан сўнг берадиган амрлари бўйича ҳаракат қилишни буюрди. Шу бир ҳақиқатки, уста бир табиб даволашни бошлашдан олдин касаллик аломатларини синчиклаб ўрганиб томир уришини ўлчайди. Ундан сўнг эса ташхис қўйиб, даволашни таклиф қилади. Подшоҳнинг адолати ҳам моҳир бир табибнинг ташхисига ўхшайди. У зулм ва адолатсизлик хас-

талиги, кўрқув ва жазо шифоси билан даволайди. Бундай тарзда ўлган адолатни Исонинг нафасига ўхшаган нафас билан қайтадан тирилтирадилар.

Эртаси куни фармонга кўра, ҳисобот ёзган амирларнинг ҳаммаси Мангу Хоқоннинг ҳузурига ҳозир бўлдилар. Мангу Хоқон уларга турли мавзулар ҳақида ўз фикрларини узундан-узоқ англади. Хоқон тушунтиришларининг муҳим қисми мана шулар: “Халқдан турли номлар билан солиқлар тўпланмоқда, бу эса тартибсизликларга сабабчи бўлмоқда. Бу тушунмовчиликни Соҳиб Ялавочнинг татбиқ қилган, номини кўпчир деб аталган тизимнинг ҳамма жойга ёйилиши орқали тузатиш мумкин. Бу тизимга кўра, ҳар бир кишининг алоҳида-алоҳида фойдаси ва мол-мулкдан қанча солиқ тўлаш кераклиги аниқланади. У киши ўша миқдорни тўлаган пайтда яна бир марта ундан талаб қилинмайди. Фақат бу солиқдан ташқари ёлланма аскарлар ва элчиларнинг маошларини қоплаш учун ҳар фақир кишидан бир, ҳар бойдан эса ўн динар олинади. Булардан ташқари ҳар қандай ном остида бўлса-да, ҳеч бир маъмур хизматчи халқдан пул талаб қила олмайди ва пора ҳам яжакми?” деб сўраб “йўқ” деган жавобини олгач, “Аллоҳ фақатриб, уларнинг диққат билан бажарилишини буюрди. Биз буларнинг баъзиларини Мангу Хоқоннинг тахтга чиқиши бўлимида ёзган эдик.

Янги қонунлар ҳаммага маълум қилинганидан сўнг Мангу Хоқон амир Арғуннинг бошқаруви остидаги ўлкаларни қайтадан унга топширди ва унга ёрлик, фармон ва шер бошли пайза берди. Наимтой билан Турумтойни унга бошқарувда шерик қилиб тайинлади. Укалари Хубилой, Хулогу, Арик Бўки ва Муқонни алоҳида ўлкалар раҳбари қилди. Халқнинг юкини енгиллатган қонунларни чиқарганидан сўнг хизматида бўлганларга фармон ва пайзалар тарқатди. Аввал бошқарувда амир Арғунга шерик қилиб тайинланган Носириддин Али Маликка ҳам Нишопур, Тус, Исфаҳон, Қум ва Кошон туманларининг қўмондонлигини берди. Аррон ва Озарбойжон ўлкаларининг ҳокими бўлган Малик Садриддинни қайтадан ўз вазифасига тайинлади. Ҳирот, Сейистон, Балх ва Ҳиндистоннинг мўғул мамлакатига қўшиб олинган ўлкаларини Малик Шамсиддин Муҳаммад Қартнинг<sup>371</sup> ихтиёрига топширди.

<sup>371</sup> Ҳиротда ҳукм сурган Қарт хонадони (1245-1389) ҳақида қаранг: Lane Poole. The Mohammadan Dynasties, s.252.

Амир Махмудга ҳам Кирмон ва Сонқуроннинг бошқарувини берганидан сўнгра юқорида номлари тилга олинганларга устига шернинг боши сурати туширилган пайза тарқатди. Бошқа хизматчиларга ҳам рутба ва мақомларига кўра, олтин ва кумиш пайзалар ва ёрликлар берди. Кейин эса буйруғига кўра, пойтахтга хизмат билан келган ҳаммага Хитой либосларини ҳада қилдилар. Эшак ва туя боқувчиларга қадар ҳаммасига совға-саломлар бердилар. Бу ишлар тугагач, у ерга борганларнинг ҳаммасига қайтиб кетишга рухсат берилди. Амир Арғун билан ёнидагилар у ердан кетгач, ушбу сатрларнинг муаллифи билан Сирожиддин Шужойи бир муддат у ерда қолдик. Мангу Хоқон ҳали аввал Бакий томонидан берилган (Битикчи вазифасини Бакининг ўлимидан сўнг яна Арик Бўкига берди) котиб қилиб тайинланган Сирожиддин билан отамнинг соҳибдеворлик гувоҳномасини тасдиқлади. Мангу хокондан фармон, буйруқ ва пайза олганимиздан сўнг 651 йилнинг ражаб (1253, август-сентябр) ойида у ердан кетдик.

Амир Арғун Хуросонга боргач, унга тобе бўлган барча хизматчи ва мансабдорлар унинг ҳузурда тўпландилар. Фармонларни ўқигандан сўнг Мангу Хоқоннинг солиқ ҳақидаги қонунлари солиқчи ва бошқа маъмурларга берилди. Қонунларнинг ижросига катъий риоя қилиниши кераклиги, қонунга бўйсунмаганлар халққа зулм қилганлар, деб ҳисобланиши ва жазо олиши ҳақида уларнинг ҳар биридан тилхат олинди. Кейин эса фармондан огоҳ қилинган, амир ва котибларни тайинлади. Кўпчурнинг тайинланганигача ваколатчилар билан кунларча ишлади. Қариндоши бўлган Нокун, бош мунший Хожа Фахриддин Биҳиштий, катта ваколатлар билан таъминланган ёрдамчи вазир Иззиддин Тоҳир ва шахзодалар томонидан вазифалантирилган мўғул амирларини Хуросон ва Мозандароннинг турли ўлкаларига юборди. Тақдир бармоғининг ёшини олтмиш деб боғлаганлиги, йилларнинг унинг куч-қувватини камайтирган, девон хизматларидан толиққан, идора ишларида матонатини йўқотган, қолган умрини бир бурчакда ўтказишга қарор қилган отам соҳибдевор билан Наимтойни Ирок ва Язд ўлкалари бошқарувчилигига тайинлади. Шу мавзуда ёзилган муламмаъ отамга оиддир. *Шеър:*

[Сен яна қачонгача ноҳақ ишларни қилмоқчисан? Қачонгача болалик кўйлагини ерда судрамоқчисан?

Жувайний, нимани излаб топдинг, Яна ниманинг кетидан ҳирс билан чопаяпсан?

Хурматга нолойиқ кишиларни хурмат қилганинг учун неча марта жазоланганингни унутиб, бошқаларини ҳали ҳам жоҳилларча хурмат қилисан.

Натижаси чиқмайдиган ҳисоблар учун нега ўзингни чарчатыпсан?

Агар сен ўй-фикрларинг тўғри эканлигига ишонсанг, кейинчалик ўша ишончинг туфайли ўзингни айблайсан ва пушаймон бўласан.

Ортик даражада кўрқоклигинг туфайли кундуз тушган қудуқда типирчилаб, тўлғониб турасан.

Энди фалак сенинг сочларингдаги оқларни кўпайтирди. Ёшлигинг эса худди бир булутдек ўтиб кетди.

Ёшлик учиб кетиб, қарилик келди. Сен эса ҳалиям бу йўқотишдан хабарсиз ҳолда ухламоқдасан.

Ёшлик кетди, қарилик келди; ёмон қисмат голиб келди. Бундан буёғига энди ғам-ғуссага кўникиб ол.

Қарилик сенинг дунё билан бўлган алоқангни заифлаштирди. У ҳолда нега орзу-ҳавас кемангни ета олмайдиган денгизларга ҳайдаяпсан?

У ашулани аёл томонидан алдатилмади. Чунки ширин ҳамдусанолар, ёқимли мақтовлар азоб берувчи тишлардан ҳам ёмондир.

Қаноат чимматини юзингга тақ. Чунки сенга Муқаннашинг<sup>372</sup> ойдан нур чиқмас. Агар шароб билан ишинг бўлмаса, қадаҳ кабинечун доимо шароб билан бирга турасан?

Сен муқаддас ҳазинага кираолмас экансан, булар (айёрлар) пулга тўла чарм халталарнинг атрофида тўпланиб, рухсатсиз фаолиятларда давом қилмоқдалар.

Фалакнинг ўқидек кеча-ю-кундуз ўз ўрнингда турмаганинг учун Кутруб<sup>373</sup> каби доимо изтироб ичидасан]

Отам ўзига берилган хизматга боришни истамаса ҳам амирларнинг қаттиқ талаб қилиши туфайли Ирокқа йўл олди. Исфахонга боргач, касаллиги қайталанди ва кўп вақт ўтмасдан жонини Аллоҳга таслим қилди ва фано манзилдан бақо оламига кетди.

Бу орада амир Арғун, Хожа Маждиддин Табризий билан аҳолини рўйхатга олиб, ўнталик, юзталик ва мингталик гуруҳларга ажра-

<sup>372</sup> Муқанна – Ёлгон пайғамбар. Нахшабдаги бир қудуқда ҳар кеча ой чиқишини тасдиқ этган одам.

<sup>373</sup> Кутруб – тўхташни билмайдиган ҳаракатчан бир пашша.

тиш ва кўпчурни тасдиқлаш вазифаси топширилган Турумтой, Сарик Бўка ва Малик Садриддинни йўлга чиқарганидан сўнг ўзи ҳам ёнига Хожа Нажмиддинни<sup>374</sup> олиб, Ботунинг қароргоҳига кетди. Мангу Хоқоннинг фармони ҳақида огоҳ қилинган, ўша ерда қилиниши лозим бўлган ишларни қилди. У ердан чиқиб кетиб Дарбанд томонидан Гуржистон, Аррон ва Озарбойжонга кетди. У ерларда аҳоли сони ва кўпчурни аниқлаш, мустаҳкамлаш вазифаларини ўринлатгандан сўнг Ироққа кетди. Амир Арғунга қарши Мангу Хоқон саройида фаолият кўрсатаётган баъзи кишилар Жамолиддин хос ҳожиб Хуросонни тафтиш қилиши ҳақида фармон чиқардилар. Жамолиддин хос ҳожиб Хуросонга келган, ўрталикни бўш билиб, теварак-атрофни эътиборсиз деб ҳисоблаб, ҳисоботларни синчиклаб ўрганиди ва халқдан пул тўплай бошлади.

Амир Арғун Ироқ ва Озарбойжондаги ишларидан қутулиб олган, ҳеч тўхтамасдан Ҳулогунни кутиб олишга чиқди. Кеш<sup>375</sup> деб аталган жойда унинг ҳузурига борди. Ҳулогу, Мангу Хоқон томонидан юксак даражада қадрланганлигини билиб, унга катта эътибор кўрсатди ва у ҳақда мактовли гаплар айтди. Сўнгра у ердан кетиб, Хобаронга келди. Амир Арғун Ҳулогунинг ҳузуридан кетганидан сўнг Жамолиддин хос ҳожиб Ҳулогуга бориб, унга бир исмлар рўйхатини узатиб: “Менинг булар ҳақида айтадиган кўп гапларим бор. Шунинг учун Мангу Хоқоннинг ёнига боришим керак”, – дегач, Ҳулогу: “Ўша ўлканинг ишлари Арғуннинг ихтиёрига топширилган. Унинг қилган ҳар иши Мангу Хоқон билан менинг розилигимиз йўналишидадир”, – деб жавоб берган, рўйхатни ўқий бошлади.

Навбат менинг исмига келган, Ҳулогу бошини кўтариб: “Агар у ҳақида гапирадиган гапинг бор бўлса, менга гапир, мен ўзим керакли ишни қиламан”, – деди. Бу гапдан кейин Жамолиддин қилган ишидан пушаймон бўлиб, ундан узр сўради. У ердан чиқиб, амир Арғуннинг турган жойи Марвга ҳаракат қилди.

Жамолиддин хос ҳожиб у ерда олдинданок Арғун билан муносабати ёмон бўлган Хожа Фахриддин билан бирга ҳамкорлик қилиб, у билан бирга 654 йил рабийулаввал (1256, март-апрел) ойида йўлга чиқди. Бу орада амир Арғун, ўгли Қора Малик, амир Аҳмад билан бу сатрларнинг ёзувчисини Ҳулогунинг хизматига жўнатди.

<sup>374</sup> Тулик исми Нажмиддин Али Жилободий.

<sup>375</sup> Амир Темурнинг тузилган жойи, кейинчалик эса Шаҳрисабз.

Ҳулогу ҳам Ироқ, Хуросон ва Мозандарон ўлкалари ишларини уларга ҳавола қилди.

Амир Арғун пойтахтга борганида у ерда ўзларини тияолмаган баъзи одамлар билан учрашди. Бу ғийбатчилар бир йўлини топиб, унинг Аллоҳ томонидан ҳимоя қилинган давлатига зарар беришни истаётгандилар. Жамолиддин хос ҳожиб ва яна бошқалар ҳам ўша гуруҳга қўшилдилар. Арғунга қарши тайёрланган ҳисоботи ўқилди. Хитой котиблари ўша ҳисоботни ўрганиш билан машғул бўлдилар. Кейин эса Азалий ҳоким амир Арғун томонида бўлгани учун унинг душманлари билан ҳисоб-китоб қилиш майдонида енгилиш ва уятдан бошқа ҳечнарсани қўлга кирита олмадилар. Муҳокамадан сўнг (хоқон) ўша ғийбатчи гуруҳнинг баъзиларини дарҳол ўша жойда ўлдиртирди. Баъзиларини эса амир Арғунга таслим қилди. Амир Арғун эса Жамолиддин хос ҳожибдан бошқаларини Тусда жазолатди. Жамолиддин хос ҳожибни эса ёнига бир отлик кўшиб, маҳбус сифатида зиндонга юборди.

Ўша пайтда Мангу Хоқон аҳолиси рўйхатга олинган ўлкалар бошқарувини укалари ва қариндошлари орасида тақсимлаб берди. Бу мавзунинг ўрни келганида ҳикоя қиламиз. Хитой мамлақати ўлкаси Мангу Хоқоннинг осмонни англаувчи соябони остига кирган, Мангу Хоқон амир Арғунни ўзига тобе бўлган ҳоким ва амирлари билан пойтахтга чақирди. Ҳали аввалроқ пайза, ёрлик ва фармон билан шарафлантирган ҳоким ва амирларга бу сафар ҳам айнан ўша нишонларни берди. Шу пайтда вафот этган Хожа Фахриддин Биҳиштий ўрнига ёш жиҳатидан кичик бўлган ўғли Ҳусомиддин амир Ҳусайнни тайинлади. Чунки Ҳусомиддин амир Ҳусайн мўғулчани уйғур ёзуви билан ёза оладиган ҳурматли кишилардан эди. Ўша даврда билимли ва қобилятли бўлишнинг энг муҳим ўлчови ҳам ўша эди. Бош муншийлик вазифаси Боту томонидан Хожа Нажмиддинга берилди. Бошқа хизматчилар эса ўз жойларида қолдилар. У ерда иши битган Нажмиддин Ботунинг саройига бориш учун йўлга чиқди.

Амир Арғун 656 йил рамазон (1258, сентябр) ойида Хуросонга қайтган, пойтахтда муҳим ишлар қандай ҳал қилинганини ўз кўзи билан кўриб, энг нозик жиҳатларигача уларга эътибор қилган, тергов ва судлаш усулларини ўргангани туфайли молиявий ишлар бўйича тергов бошлади. Айби борлиги ошкор бўлган баъзи солиқчиларни жазолади. Яхши бир ахлоққа ва шуҳратга эга бўлган,

билими ва иши ҳамма томонидан эътироф этилган ва дўстлигига ишонилган, иккиюзламачиликдан узоқ турган Хожа Иззиддинга хазина ишлари бошқарувини топширди. *Шеър* (арабча):

[Якинлик орамиздаги севгидан ўтди. Маълум масофада бўлган нарса бизга жуда якин бўлди]

Бу ҳақда гапни чўзишга эҳтиёж сезмадик. Буни шу ерда тўхта-тамиз.

Аҳоли рўйхати ва кўпчурни аниқлаш ишида ҳар доим навбат энг охирида Хуросонга келарди. Бу сафар ўша ишларни Хуросондан бошладилар.

Ўша пайтда амир Арғун Арронда турган Хулогунинг ёнига борди. Унга ўлка муаммолари ҳақидаги ҳисоботни тақдим қилди. Гуржистонга кетишдан олдин аҳолини рўйхатга ола бошлади ва халқни мингталик гуруҳларга ажрата бошлади. Ҳали аввалданоқ ўн кишига етмиш динор кўпчур қўйилган бўлишига қарамасдан бу миқдор аскарлар (ҳашар), почта манзиллари (ём) ва манзил отларининг (улов) ҳаражатлари ва давлатнинг бошқа чиқимларини қопламагани учун қўшимча солиқлар солди ва буларни тўлов муддатларида ундиришга қарор қилдилар. Бу тизим ижро қилинишидан олдин ер эгалари ва бойлардан бирининг, масалан, ўнта ердан фойдаси бор бўлса, бу фойдаларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида солиқ тўларди, шутарзда бир киши эллик динордан то минг диноргача турлича миқдорда солиқ тўларди. Лекин кўпчур тизими татбиқ қилина бошлагунча олдин минг динор тўлаганлар, энди ўн динор тўлайдиган бўлдилар. Фойдалари канчалик кўп бўлса ҳам лекин уларга қўшимча солиқлар белгиланмади. Бу ҳолат бойларнинг фойдасига, факирларнинг эса зарарига бўлган натижаларни келтириб чиқарди. Бунинг фарқини сезган Арғун вазиятни Хоконга арз қилгач, Хокон бойлардан беш юз динор олишган пайтда камбағаллардан бир динор олиниши ва ҳаражатларнинг шу тарзда қопланишини амр қилди. Амир Арғун солиқ ишларини мана шу асослар ичида олиб борди. У аҳоли рўйхати ишида катта ғайрат ва эътибор кўрсатди.

Амир Арғуннинг Гуржистонга борган пайтида Қиз Маликнинг ўғли Довуд Малик мамлакатнинг бир ўлкасида исён чиқарган эди, Хулогуэса мўғуллар ва Мусулмонлардан ташкил топган катта бир қўшинни унинг устига юборди. Амир Арғун ўзининг яқин одамлари ва Тифлистан бир канча одамларни олиб, у ерга қараб ҳаракат

қилди. Икки кўшин тўқнашгач, гуржилар қисқа вақт ичида парокандаликка учрадилар. Кўпчилиги қиличлар остида жон берди. Бир қисми эса асир тушди. У ердан ҳаракат қилган амир Арғун 657 йил рамазон ойи (1259, сентябр) охирида Сурия томонга сафарга чиққан Хулогу гуруҳига Табризда қўшилиб олди. Унга Гуржистоннинг аҳолини арз қилгач, Хулогу ўз қўшинини иккига ажратиб, бир қисмини амир Арғуннинг ихтиёрига бериб уни Гуржистонга жўнатди.

У Тифлисга борган вақтида йўқотган мулкларини қайтадан қўлга киритиш учун буюк Довуд Малик исён кўтарган ва бошини итоат халқасидан ташқарига чиқарган эди.

### XXXII. ШАРАФИДДИН ХОРАЗМИЙ

“Сабабсиз Рад этувчи ва яна сабабсиз Қабул қилувчи” маҳкаманинг ҳокими, одамларни яратаётганида улардан бир қисмининг руҳини бир ипга тизган, бошқа бир қисмини эса бахтсиз бир охурга занжирлаб қўйган эди.

“Бахтли азалдан бахтиёрдир, бахтсиз эса азалдан бахтсиздир”. Рухлар қалбларга боғланиб, одамларнинг қалблари хамир ҳолига келтирилгач, ҳар ким туғилиш йўли билан маълум бир даврда тақдирнинг амрига бўйсуниб, борлик осмонида ўзини кўрсатади. Юксак мақомдан бу ерга тушади. Тугилаётганда борлик либоси саодат шакли билан тикилган кишининг керак бўлса, ўй-фикридан, керак бўлса, хатти-ҳаракатларидан доимо хайрли натижалар чиқади. Бахтсизлик билан тамғаланган бир одамдан эса фақат бахтсиз ишлар ва гаплар чиқади. Бу ҳақдаги Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг жавоҳир каби ҳадисини шу ерда нақл қилайлик: “Баъзи инсонларнинг кўлига яхшилик, баъзиларининг кўлига эса ёмонлик калити берилди”. *Шеър* (арабча):

[Мен душманларимни қасидалар билан тамғалаган бир кишиман. Энг ёмон қасидалар эса муаллифи маълум бўлмаган қасидалардир]<sup>376</sup>

Бу қисқа киришдан сўнг энди Шарафиддин ҳаётидан баҳс этишга ўтайлик.

<sup>376</sup> Хамоса шоирларидан Бассом б. Ҳозин шеъри. Қаранг: Табризий, Шарҳу-л-Хамоса. Булоқ нашри, 1 ж. Б. 207.



Яратиш ва ижод қилиш корхонасининг Муҳандиси унинг кирли табиатини фасод, бузуқлик ва ахлоқсизлик билан қориштириб тайёрлаганидан кейин ва унинг миясига тўғри йўлдан адаштирувчи ўй-фикрларни жойлаганидан кейин унга қилган ишларига мос бўлган бир исм кўйдилар. “Яхши исмлар осмондан тушади” деган гап ростдир. Унинг лакабининг ҳарфлари “шин”(ш) ва “ре” (р)дан ташкил топган. Бу ҳолда унинг исмининг бошқа қисмини асосий лакабига илова қиладиган бўлсак, унинг асосий исми Шарафиддин<sup>377</sup> бўлади. Шаддаларни қисқартириш ва иллатли ҳарфларни тушириб қолдириш талаффузда эски ва кенг ёйилган бир қоида бўлгани учун унинг кетидаги “ре”нинг шаддасиз ўкилиши ва “йо”нинг олиб ташланиши маъқул кўрилган ва бу тарзда унга Шарафиддин дегандилар. Лекин бу лақаб унинг ёмон табиати, кирланган қалби ва исёнкор руҳини яшира олмайди. *Шеър* (арабча):

[Менинг қилганим уни ёмонлаш эмас. Лекин бунга қарамасдан итга тош отилганини билиб турибман]<sup>378</sup>

Пайгамбарнинг (с.а.в.) мана бу гапи ҳам мавзумизга мос тушмоқда: “Фарқни қиёсланган нарсалар билан бирга зикр қилинг” Бу гапда айтишни истагани хоин кишиларнинг ахлоқий қусурларини ўртага қўйиш фойдали нарса эмаслигини, акли жойида бўлган ҳар бир одам дарҳол тушуна оладиган ҳолатдир. Одамларни икки қисмга ажрата оламиз: уларнинг биринчи тоифаси йиғилиш ва яшашда бир ахлоқнинг номуносиб хатти-ҳаракатларидан ва мантиқсиз гапларидан сабоқ олиб, унинг каби ҳаракат қилмасликка эътиборини қаратади. Яхши ахлоқни ўзига намуна деб билади. Уларнинг кўнгли доимо эзгуликка очик бўлади. Мўъминлар амири Алидан “Одобни кимдан ўргандинг?” деб сўраган пайтда у “Одобсиздан ўргандим” деб жавоб берган эди. Иккинчи тоифа одамлар эса баъзи нуқсонларга эга бўлган инсон агар нури илоҳийни қабул қилишга қобилияти бор бўлса, ҳеч шубҳасиз, улар ёмон хатти-ҳаракатлардан тийиладилар ва танқидчиларнинг танқидига нишон бўлмайдилар. Бошқаларга қарши гапиришдан ўзини тияди. У баркамолликка эришишни ҳамма нарсадан устун қўяди. У ҳижолатга

<sup>377</sup> “Диндаги шараф” маъносини билдиради.

<sup>378</sup> Саолибий замондоши Абу Юсуф Яъқуб б. Ахмад шеър булиб, “Татимату-л-йатима” (Иқбол нашри, II ж., Б.2)да зикр қилинган.

соладиган нарсалардан ўзини қутқаради. Гўзал ахлоқ ва одатларининг ёрдами билан ўз нафсидаги мавжуд бўлган ёмонликларни суғуриб отиб юборади ва у ҳамма севган ва ҳурмат қиладиган бир инсонга айланади. Агар Аллоҳ сақласин, биродамнинг пешонасига бахтсизлик ёзуви ёзилган ва ожизлик сурати чизилган бўлса, у ҳолда ҳеч нарса уни ғафлат уйқусидан уйғотолмайди. У қилган ишларидан ҳеч қачон пушаймон бўлмайди. Аксинча, у кундан кунга қиляётган ёмонликларини тобора орттиради ва ёмонлик унинг вужудининг барча жойларини ўраб олади. *Шеър*(арабча):

[Ўжар одам ҳатто қабрда ҳам олдин ўрганганларидан воз кеча олмайди]<sup>379</sup>

*Шеър:*

[Уни пасткашликдан, разолатдан айри ҳолда ўйламаслик керакдир. Гўнгни қандай қилиб сассиқ ҳиддан айри тушуна оласан? У доимо нега менинг устимдан куласан, деб шикоят қилади. Лекин ўзининг кулгили ҳолатини тўғрилашга ҳаракат қилмайди]

Бундай ўзига хос хусусиятлари бўлган одамнинг узоқ- яқинда ҳеч ҳам эътиборликишиси бўлмайди. *Шеър*(арабча):

[Кибр на Абу Ялонинг шахсига ва на исломнинг асосий тамойилларига тўғри келади]<sup>380</sup>

У илон юзли, чаён хулқли, ёмон феълли, чиркин ҳийлали, хотин қиликли, эркакликдан узоқ, *шеър*(арабча):

[Абу Ризо ал-Орийнинг хотинларча хатти-ҳаракатлари бор эди. Унинг табиати ҳам аёлларга ўхшарди. Лекин аёллардаги гўзаллик ва жозиба унда йўқ эди]<sup>381</sup>

Иккиюзламачи, ғийбатчи ва одобсизликнинг дўсти, хизмат қилганларига бахтсизлик ёмонлик келтирган, гўзал, ажойиб хулқлардан маҳрум бўлгани учун танқид қилинган, зулм ва исканжаси билан фахрланувчи гуноҳкор, дунёдаги паст ерларни ўзига макон қилган, ёмон, сук кўзли, ғийбатчи, ёмон табиатли, ифлос ишларни уюштирган, дўстининг орқасидан урган, хўжайинининг очик то-

<sup>379</sup> Солих б. Абдул Қуддус аз-Зиндикийнинг шеъри. Қаранг: Китоб ул-Огоний. XIII жилд. Б.15.

<sup>380</sup> Шилқимлиги билан танилган Ибнул-Хожжонинг бир шеъри бўлиб, уни Иброҳим ал-Кутрубий, “Ғура ал-Хосойис ал-вадиё ва Урор ан-нокойис ал-фадия” (Париж, МС. Арабе, 1301, фолио 266) номли асарига зикр қилинган.

<sup>381</sup> Саолибийнинг “Татимату-л-йатима”сида зикр қилгани (Иқбол нашр. I жилд. Б.9. Абу Ҳайр ал-Муфассал б. Саййид б. Амир ал-Маарий шеъри.

монларини ҳаммага ёйган, беҳуда гапиришда ва бузукликда худди Намрудга ўхшаган, жоҳиллик ва золимликда Самудга тенг, даврининг фиръавни, душманликни ёйишни ўзига касб қилиб олган, шаҳар ва қишлоқларда тартибсизликлар келтириб чиқарган, исми Фойил, ўзи эса мафъул бўлган, дин ишларида билимсизлиги туфайли хор кўрилган, елкага олинганида бор йўғи бир тош, устига минилганида эса эшак бўлган, мазлумга орқасини ўгириб кетиб, золимга эса юз бурган, одамга ўхшамаган иблис, яхшилар томонидан лаънатланган, ёмонлар томонидан олқишланган, номус пардалари йиртилиши, қора киши каби ажабланарли, доимо ғазабли бўлган, ҳамма томонидан танқид қилинган ва ҳамманинг тилида лаънатланган эди, *шеър* (арабча):

[Гапларимни тинглаганлар омин демасидан мен уни бад дуо қилмадим]

Тўрт оёқли ҳайвон, одамга ўхшаган шайтон, туяларнинг қилган ёмонликларини қилган, инсон кийимини кийиб олган тўнғиз, ҳийлакор, иблис, тикан каби пасткаш, номард ва разил бўлган, одам қиёфасига кириб олиб инсонларни тўғри ҳидоят йўлидан адаштирган шайтон, *шеър*:

[Одам наслидан бўлмаса-да, унинг инсон суратида юриши буюк бир мўъжизадир]

Одамни йўлдан чиқарган бу дев ёмонликдан ва алдашдан ҳеч қачон воз кечмайди.

*Шеър*(арабча):

[Агар Одам отамиз уни авлод сифатида қабул қилган бўлса, ит Одам отамиздан яхшироқдир]<sup>382</sup>

Тилим аччиқлиги учун Аллоҳ мени кечирсин, жоҳиллик жиҳатидан бой, билим беағи жиҳатидан фақир, жўмардлик, сахийлик фазилатидан узок, фақат ҳаром ейишга ғайрат қилган, жуссаси кенг, лекин зеҳни паст, уялиш ва шуҳратдан беҳабар, фақат пул ишларидагина эътиборли, айб ишларни қилишда ақлли, закий, савоб ишларни қилишда калтафаҳм, жанжал изловчи, куфрбоз, шаккок, худобезори, ўликларнинг кафанларини ечиб олган, илоҳий амирлардан безган, тақиқланган нарсаларга мойил, ҳар қандай ёмонликка хоҳиш-истағи бор, хайрли ишларга эса оёқ-қўллари

<sup>382</sup> Сомонийлар даври шоири Абул Ҳасан ал-Лаҳҳокнинг: Хуросон халқидан нафратланган шеърининг бир байти. Саолибийнинг “Йатимат ад-Даҳр” асари, IV жилд. Б.42; Ёқутнинг “Муъжаму-л-булдон”ининг Хуросон бўлимида зикр қилинган.

боғланган, ҳар қандай жафони одамларга лойиқ кўрган, Аллоҳнинг раҳматидан узоклаштирилган, гуноҳ ишларни қилишга уста, Аллоҳнинг амрларини танимайдиган, дунё неъматлари олдида итдек айёрлик қиладиган, ўзини хўрлайдиган, охирни ҳеч ўйламайдиган нафсининг пешанасига “Аллоҳнинг раҳматидан умидини узган”, – деб ёзилган, қоронғулик кўксининг саҳифаларида ҳақиқат нурлари, шубҳа рўмоллари билан сақланган, аҳволи мана бу шеърда айтилгани каби бўлган, *шеър*:

[Агар иблис сенинг қасамёдингни кўрсайди, маслагида сени меросхўр қилиб тайинларди. Агар Одам ато сенинг туғилганингни кўрганида эди, уялганидан ернинг тубига кириб кетарди]

Қисқаси, унинг Хуросонга келиши Дажжолнинг келиши каби эди. Балки у ажалнинг илғорига ўхшарди. *Шеър* (арабча):

[Унинг кўзлари ёмонлик ва исённинг манбаидир]<sup>384</sup>

Бу санаб ўтганларимиздан ҳам янада кўпроқ маълум бўлмаган ёмон хислатлари бўлган, фазилат либосларини кийиб олган бу разил одам, Хуросон қишлоқларидаги бир юк ташувчининг ўғли эди. *Шеър* (арабча):

[Маййанинг разиллиги бир томонга қўйиб қўйилса, ал-Моло халқини яхши одамлардан иборат этгани айтилиши мумкин]<sup>383</sup>

Шарафиддин болалик давридан ўтиб, балоғат ёшига етгач, яшаган жойининг об-ҳавоси сўлим, сувининг унумли бўлгани учун чиройли бир ташки кўринишга эга бўлди. Сочлари белигача тушди ва юзи ойнанинг ёрқинлигини орқада қолдиради. Тишлари марвариддек, оғзи ғунча каби кичик, ҳамма эса унингсевгисидан инграмокда. *Шеър* (арабча):

[Маййанинг юзида гўзаллик излари, либосининг остида эса чиркинлик уяси бор]

Бир куни Хоразм ҳукмдори йўлдан ўтиб кетаётганида уни кўриб қолди. Унинг гўзал юзига ва келишган жуссасига қалбини топширди. Уни ўзининг яқин хизматига олиб, ҳаё пардасини йиртди. Қисқа бир вақт ичида Шарафиддин Хоразм ҳукмдорининг яқин хизматида ва расмий ҳужжат тузиш ишларида моҳирликка эришди. Шарафиддин унинг сиёҳдони бўлиб, дардига даво бўлди. Ҳукмдорнинг қаламини доимо ичида сақлаб, қора билан оқ орасидаги фарқни англаб олди. Бир оз вақтдан кейин Шарафиддиннинг гўзаллиги

<sup>383</sup> Зур-Румманинг жазмани Маййадан ҳазар қилгани ҳақидаги бу шеър ҳақида қаранг: Китобу-л-Оғани. XVI жилд. Б.119.

йўқола бошлади. Чунки хотинлашган эркаклар чиройи аёлларнинг вафосидек тургун эмасдир. *Шеър:*

[Бу қалбнинг ҳамма вақт қийинчилик, изтироб ва ҳасрат ичида қолмагани каби ҳаммиша ҳам сенинг ёноғингда гуллар очилмайди]

Инсонни йўлдан чиқарган шайтон жуда қисқа вақт ичида ақлининг кўзига тупроқ сочади. Лекин ундаги ҳаваснинг олови бир томчи сув билан ўчади ва шамол каби учиб кетади. *Шеър:*

[Ҳақиқий ошиқ ҳеч қачон қамаймайди. Унга бир марта тутилиб кўр-чи. Қайтиб ундан ёқангни кутқараолмайсан]

Ҳукмдорнинг ишқи ҳам шайтоний ишқ бўлгани учун унинг ҳавоси қисқа пайтда безиб қолишга айланди. *Шеър* (арабча):

[Қарий бошлагач, ўша сарвқоматнинг азиятларидан беза бошладим. Менинг оқарган сочларим мен кутганимдан кўра, кўпроқ эътиборсизлик уйғотди.

Уларнинг мендан юз ўгиришларидан кўрқардим. Лекин улардан юз ўгирган аслида мен бўлдим]

Ниҳоят, Чин Темурнинг Хоразм қўшини билан Хуросонга кетиши ва у ерни Журмағуннинг ёрдами билан фатх этиши учун фармон келгач, Чин Темур котиб олишни хоҳлади. Лекин таклиф қилганларидан ҳеч бири бу вазифани қабул қилмади. Котибларнинг бу ишни қабул қилмаслигининг икки сабаби бор эди: Биринчиси, ахлисис Мусулмон бўлган давлатнинг қулашини истамасдилар. Иккинчиси эса, бу ишнинг натижаси қандай бўлишини тахмин қилаолмаётгандилар. Шунинг учун Хоразм ҳукмдори бу ишни қабул қилиш учун Шарафиддинни мажбур қилди. *Шеър* (арабча):

[Соқоли чикмаган ўғлонларнинг юзлари ҳам, тишлари ҳам жуда жалб қилгувчидир. Улар ўта жозибалидир ва шахват уйғотадиган ҳаракатлар қиладилар. Уларнинг ялинишлари ҳам чидаб бўлмайдиган даражада бўлур. Лекин қачонки, порлоқ юзларидан киллар чиқа бошлагач, жалб этувчиларни батамом йўқотадилар]<sup>384</sup>

*Шеър:*

[Эй гулбоғига тикан эккан кимса, кел тиконинг етишди, мевасини йиғиб ол. Бир вақтлар мен сенга “кел, эй гўзал”, дер эдим. Энди эса “эй чиркин, мендан узоклаш” дейман]

Кейин эса Шарафиддинга бир кўзли эшак бердилар. Дажжол каби унга миниб: “Чаённи илоннинг инига ҳайдаб борган эшак араси каби” минг бир заҳмат ичида сафар қилди. *Шеър:*

<sup>384</sup>“Татиммату-л-йатима”да зикр қилинган (Иқбол нашри, I жилд. Б.23). Абу Мухаммад Тоҳир б. ал-Хусайн шеър.

[Ярим мол бир вазиятда оғир рўзгор остида уй-жой борми, йўқми номаълум бир томонга қараб йўл олди. На кетган шаҳарида бир таниши, на қолган уйида оиласи бор эди]

Шарафиддин бир муддат Чин Темурнинг ёнида қолгач, туркчани ўрганди ва энди таржимонга эҳтиёжи қолмади. *Шеър* (арабча):

[Ишлар қоришиб кетгач, бир ақлсиз шуҳратга эришди. Лекин унинг юксалиши билан шон-шуҳратга зарар етди. Сувни чайқатган вақтингда идишнинг тубидаги ифлосликлар сув юзига чиқса, чайқалиш тўхтаган пайтда ақлсизнинг асл башараси аён бўлар]<sup>385</sup>

Ўша пайтда Хуросон алғов-далғов бўлиб кетган эди. Ҳаммаёқда исён ва фитна олови кўтарилган эди. Халқининг кўпчилиги енгилган жанглarda ҳалок бўлди. Чунки мўғуллар жанг қилмасдан таслим бўлган ҳар қандай шаҳар халқидан бир миқдор ем, энг камида ўн, кўпи билан юз метр газлама олиб, уларнинг жонларини сақлаб қолардилар. Бунинг тесқариси бўлса, яъни бир шаҳарни жанг қилиб қўлга киритсалар, шаҳарда бўлган мавжуд ҳайвон ва ашёларни олардилар, ҳатто биронта ҳам ярадорни қолдирмасдан барча шаҳар халқини қиличдан ўтқазардилар. Мўғуллар авваллари олтин, кумуш каби қимматбаҳо маъданларга эътибор бермасдилар. Лекин Чин Темур иш бошига келгач, бу билимдон ва тажрибали Иблиснинг одамлари қалбига дунё севгисини солиб қўйгани ва уни барча балолар манбаи қилганидек, у ҳам мўғуллар қалбига мол-мулк орттириш хирсини уйғотди. Чин Темур ўтган жойларида бўйин эгган халқ молларини талон-тарож қилишга буюрарди, зулм билан бўйин эгдирган халқнинг эса нимаси бор бўлса ҳаммасини олиш учун уларни энг охиригача азоблар ва олганидан сўнг уларни ўлдириб юборардилар. Тирик қолдириш учун эса одамлардан фақат олтин ва кумуш олардилар. Ўша пайтда одамларнинг жони фақат олтин ҳисобига сотиб олинадиган бир ҳолга келганди. Бундай воқеалар ҳукм суриб турган Хуросон ва Мозандарон ўлкаларида яшаётган одамларнинг бўйинлари айланиб турган тегирмон бало тошининг остида эзилаётганида, ўша ўлканинг ҳар бир қарич тупроғи тақдир оёғи остида эзилаётганида Чин Темур мардоноварлиги билан у ерни шарафли қилгач, фитна ва исёнларнинг манбаи қурий бошлади. Фитна чиқарганлар мамлакатдан ҳайдалди. Эслатилган Шарафид-

<sup>385</sup> “Татиммату-л-йатима”да зикр қилинган (Иқбол нашри, I жилд. Б.25). Абул Қосим ал-Хусайн б. Али шеър.

дин аввал фақир эди, энди эркак ва урғочи туяларнинг эгаси бўлди. Етим-есирлар, тул хотинларнинг охлари ва кўз ёшларидан катта бойлик орттирди. Бу ҳақида улуғ Аллоҳ шундай буюради: “(Мазкур олтин-кумушлар) жаҳаннам ўтида қизитилиб, улар билан пешоналари, ёнлари, орқалари куйдирилган куни: “Бу ўзларингиз учун сақлаган хазинангиздир. Сақлаган хазинангиз (мазасини) тингиз!” дейилади”<sup>386</sup>. Чин Темур ёнида қобилиятли одамлар бўлмагани учун Шарафиддинни тажрибали бўлгани сабабли бош мунший қилиб тайинлади. Унинг бу вазифага ўтиши ҳақида билим ва буюклик кўзларидан конли ёшлар оқиза бошлаб, мана шу шеърни айтди. *Шеър* (арабча):

[Афсуслар бўлсинки, ҳамма нарса давримизда терс бўлди. Бўйин – юз, бош эса қуйруқ бўлди.

Эшакка қоплон терисидан эгар-жабдуқ ясатиб, бошига тож кийдирилди.

Зино маҳсули қанчалик ҳаромзода бўлса, насли тоза ота, деб қабул қилина бошланди.

Иймон уларга йўл кўрсатиб, бирор нарса бермайди.

Уларнинг ягона мақсади бой бўлиб, ўзларига ҳурмат кўрсатилишини исташидир]

Ўша пайтда ҳамма ўлкадан келган солиқларни баққоллар каби алоҳида қоғозга ёзардилар. Хуросоннинг таникли одамларидан бир гуруҳи келиб, уларни бир дафтарга кўчиргандан сўнг айна усулни амалга татбиқ қилдилар. Чин Темур ўлгач, ўрнига Нусол ўтирди, оддий одам (Шарафиддин) Ботуга бориб аввалги ишини давом қилдириши ҳақида буйруқ олди ва унинг даврида ҳам ўз ишини давом эттирди. Навбат Кўргузга келгач, яна ўша макomini химоя қилди, сақлаб қолди. Лекин Кўргуз яхши бир бошқарувчи бўлгани учун Шарафиддиннинг ўзича иш қилишига, ундан рухсатсиз гапирришга, одамларга зулм қилишга, ожизларга хужум қилишга йўл берди. Унинг ҳаракат қилиши жуда сиқиб қўйилгач, Чин Темурнинг ўғли Эдгу Темурни отасининг макomini қўлга киритиш учун Кўргузга қарши гижгижлай бошлади, яширин тарзда Кўргузга қарши ҳисоботлар тайёрлаб, пойтахтга уларни юбориш каби фитналарни тайёрлай бошлади. Ташқаридан у Кўргузга тобедек бўлиб кўринарди, лекин унга душманлик борасида Эдгу Темур билан бирлашаётган эди. “Аёл аёл, эркак эркак бўлиши керак”. Охири у

<sup>386</sup> Қуръони карим, 9:35.

Эдгу Темурнинг бошини айлантириб, унинг Кўргуздан шикоят қилиш учун пойтахтга хабарчиларни юборишига сабабчи бўлди. Шу сабабли жаҳон подшоҳи аҳволни ўрганиш учун Амир Арғун бошчилигида бир хайъатни Хуросонга юборди. Улар Хуросонга келгач, Шарафиддин ҳамма вақтдагидек иккиюзламачилик қилиб Кўргузнинг ёнидан жой олди. Пойтахтда жаҳон подшоҳининг Кўргуз томонида бўлганини фарқлаб, қўл остида ташвиққилган Эдгу Темурга қарши гувоҳлик берди. Шундан сўнгра Эдгу Темур одамларидан баъзиларини кундага солиб урганларида улардан бири ўша Шарафиддин деган иккиюзламачининг пашша изларига ўхшаган бир ёзув билан ёзган қоғозини Кўргузга узатди. Ўша вақт шу тартибсизликларнинг кўпи ўша малъуннинг таълими, ўша ваҳший одамнинг гаплари ва иккиюзламачининг ҳаракатлари билан пайдо бўлганлиги исботланди. Бу вазият Амир Чин Қоя воситасида адолатли подшоҳга эълон қилинган, у “Унинг юзи ҳам калби каби ёмонликдан қорайган ва хабар етказиб туришни ўзига касб қилиб олган. Агар у Кўргуз билан бирга кетса, унинг аклини ҳам ўғирлайди ва фитнаси туфайли Кўргузга ишониб топширилган ўлка ишлари ўз йўлидан чиқиб барбод бўлади. Шунинг учун Хуросоннинг ишлари бузилмасин деб уни бошқа томонга юбориш керак”, – деди.

Аҳволдан, вазиятдан хабар топган Шарафиддин Кўргуз интиқomini олишидан кўрқиб, подшоҳнинг ўзини Кўргуздан ажратиб, пойтахтда олиб қолиши ҳақидаги қарорини эшитиб, жуда севинди. Шундан сўнг баъзи кишилар Кўргузнинг ҳузурига бориб унга “Шарафиддин заиф бир душман. Буюк одамлар бундай вазиятда фурсатни бой бермасдан баъзи чораларни кўрадилар. Бундай ишларда бепарволик қилиш узоқни кўра олмасликдан бошқа нарса эмас. Олам бор бўлиш ёки йўқ бўлиш нималигини билмаганлар билан лиқ тўла эканлигини ҳамма билади. У агар пойтахтда қолса, у ҳолда сенинг тагинга сув қуйиш учун ҳамма чораларни кўради” – деди. Кўргуз уларга “У саватдан қочган бир илондир, кимнинг қўлига тушса, ўшаники бўлсин, ёмонликни ташла, қаерга кетса кетсин”, – деб жавоб берди. Лекин ўша одамлар ўз фикрларини қабул қилдиришга ортикча ҳаракат қилмадилар. Кўргуз охирида уларнинг айтган фикрини қабул қилди. Бунинг муҳим сабабларидан бири Хуросон ва Мозандарон ўлкаларининг солиқ ҳисоботлари ёпилмагани учун солиқ хизматчилари Шарафиддин йўқлигидан



фойдаланиб, барча камомадларни унга юклаши мумкинлиги ҳақидаги фикри эди. Кўргуз бу фикрини подшоҳга арз қилиб, Шарафиддиннинг ўзи билан бирга қайтиб кетишига рухсат сўради. Подшоҳ ҳам бу дунёда тенги ва ўхшаши бўлмаган ўша золимни буйруксиз улар билан бирга юборишни маъкул кўрди. Йўлда Кўргуз унга кўпол муомала қилиб, ҳар сафар унга ғазабини намоён қилди. Кўргузнинг гуруҳи Жайхундан ўтгач, Хуросон ва Ирок ўлкалари амир ва катталари Кўргузни кутиб олишга келдилар. Ҳеч бири Шарафиддин билан қизикмади. Шарафиддин кимнинг ёнига борса, ўша одам ундан кочар ва уни ёлғиз қолдирарди. *Шеър* (арабча):

[Ҳақиқий вазир макомидан бўшатилганида ҳам ўзининг вазирлигини ҳимоя қилади. У вилоятлардаги обрўсини йўқотса ҳам ўз обрўсини йўқотмайди]

Улар Тусга келган пайтда Кўргуз пойтахтга бир гуруҳ давлат катталари уни ҳибсга олиб жазога тортилиши кераклиги ҳақидаги қарорни амалга ошириш учун Шарафиддинни тутиб, бўйнига учи иккига ажралган ёғоч кийдирди. Ўша пайтда Шарафиддин ўзининг барча қилган ишларини бўйнига олди. Шундан сўнг Кўргуз унинг айтганларини ҳисобот ҳолида подшоҳга билдириш учун пойтахтга элчи юборди. Элчи эса ярим йўлда Хоконнинг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитиб, йўллар ёпик экани, фасод, парокандалик, тўполон эшиклари очик турганини билгач, орқага қайтиб Кўргузга вазиятни билдирди. Шарафиддин ҳибсда ушланиб турган пайтда Абу Лаҳаб каби алам ичида қийналаётган, ўзини кутқариш учун ҳамма ёққа хабарчилар юбораётган эди. Хотини ҳам уни кутқариш учун ғайрат қилаётган эди. Улар юборган кўпчилик хабарчиларини истаган жойларига етиб бормасидан олдин ушлаб олдилар. Лекин уларнинг биттаси Улуғ уй саройига боришга муваффақ бўлди. Хабарчи у ерга борганда Кўргуз ҳақидаги шикоятларнисўраб-суриштириш учун тузилган бир ҳайъатга учрашиб, уларга аҳволни тушунтирди. Элчилар Тусга келганларида Кўргуз Шарафиддинни йўқотиш ишини Маҳмудшоҳга топширди. Ақли кам, жоҳишлиги кўплиги, Аллоҳнинг буйрук ва тақиқларига амал қилмаслиги билан танилган Маҳмудшоҳ Мусулмонларнинг молини ва қонини ҳалол деб ҳисоблайдиган бир киши эди. Кўргуз унга Шарафиддинни йўқотиш вазифасини топшираётганида фурсатини топиб, ундан ҳам қутилиш ва шу тарзда бир топ билан икки қушни уришни ўйла-

ганди. Лекин Хуросон халқи тақдирида уларни яна ҳаётда кўриш бор эди. Бир муддат яна уларнинг азобларига чидаш ёзилган эди. Кўргуз ўша иккала хоинни йўқ қилишни амалга оширмасидан олдин тафтиш қилувчи элчилар саройдан келгани хабарини айтишди. Шундан сўнгра Кўргуз эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, Шарафиддинни ўлдиришни бир муддат кечиктириши учун Маҳмудшоҳга хабар юборди. Лекин “Кечиктиришда фалокат бор”.

Маҳмудшоҳ энди вақт бутунлай Кўргузга қарши, Шарафиддин фойдасига ишлаётганлигини сезгач, у Шарафиддинга эътибор кўрсата бошлади. Элчилар келиб, Кўргузни ҳибсга олдилар ва Шарафиддинни озод қилиш учун одам юбордилар. Шарафиддин ҳибсдан чиқиши биланок зулм ва азият етказа бошлади. Олдига чиққан ҳаммани ҳақоратлаб, халқнафратини ўзига қаратди ва ҳеч кимнинг унга нисбатан меҳру муҳаббати қолмади. У оғир аҳволда қолган пайтларида улуғ Аллоҳга берган ваъдаларини унутди. Бу ҳақда Жаноби Ҳақ шундай буюради: “Энди ким ўз қасамёдини бузса, бас, у фақат ўз зарарига бузар”<sup>387</sup>. Шарафиддин қулай фурсатни қўлга киритгач, уни ғанимат билиб, халқдан зўрлаб солиқ тўлаганидан сўнг элчилар билан бирга саройга йўл олди.

Улуғ уйга боргач, Шарафиддин суд жараёнида Кўргузга қарши гапириш ва унга қарши жанг қилишни истади. Лекин у ердаги хизматчи котиблар уни шундай урдиларки, аламдан тили калимага келмай, калби уят ва кўрқув пардаси билан қопланди. Амирлардан бири унга ўтирилиб: “Кўргузни бу аҳволга сенинг шикоятинг эмас, балки у ҳақда берилган хабарлар бўлди. Сенинг бу ишга аралашмаслигинг сенинг ўзинг учун янада хайрли бўлади. Агар у жазоланмасдан озод қилиб юборилса, у ҳолда сенинг ҳолингавой”, – деди.

Улуғ уйдан чиқиб, Тўрагана хотиннинг қароргоҳига бордилар. Тўрагана аввалданок Кўргузни ёқтирмаганлиги учун унинг қутилиши учун ҳеч қанақа ғайрат кўрсатмади. Тўрагананинг яқин одами амир Арғун эди. Амир Арғуннинг соясида Шарафиддиннинг ишлари ўнланди. Халқдан зўрлаб йиғиб олган тўрт минг ҳамён олтинни Тўраганага тақдим қилгач, Хуросон ва Мозандарон ўлкалари молиявий ишларининг раҳбарлигига қайтадан тайинланди ва амир Арғуннинг ёнига Хуросонга юборилди. У ерга боргач, барча солиқ ишларини қайтадан ўз қўлига олди. *Шеър* (арабча):

<sup>387</sup> Қуръони карим, 48:10.

[Азми ва иродаси билан дунёнинг қийинчиликларини енгиб кўтарилди, юксалди. Лекин охирида ўлим уни бу дунёдан олиб кетди]<sup>388</sup>.

Ўша пайтда амир Арғун ҳам унга муҳим ишларни топширди. Шарафиддин Деҳистонга боргач Ботунинг юборган элчилари келиб судлаш учун уни саройга олиб кетдилар. Лекин Амир Арғуннинг уни кутқариш учун қилган ҳаракатлари ва унинг солиқ тўплаш ишидаги муваффақиятлари ўзининг хибсдан қутқарилишига сабабчи бўлди. Кейинроқ ҳам қилинган бир неча маротабалик судда, терговда даъвогар бўлмаганлиги учун жазосиз қутилиб қолди. Шарафиддин судланишдан қайтиб келаётганида амир Арғуннинг Табризга кетганлигини эшитгач, у ҳам ўша ёққа кетди. Табризга боргач, ўша пайтда ҳаётдаги муҳим, бемалол ҳаракат қилиш қобилиятини йўқотган Кўргузнинг ўлганлиги ҳақидаги хабар келди. Бу хабар Шарафиддинни янада кўпроқ талтайтириб, бебош қилиб юборди. Ичидаги оловланган, алангаланган зулм оташи, олови билан халққа зулм ва азият етказа бошлади. Чунки “Ҳар нарса ўзининг ичидагини намоён қилади”.

Шарафиддин солиқ йиғиш учун ишга киришди. Халқ солиқнинг меъёрдагисининг юздан тўқсон фоизини тўлагани ҳолда қолган қисмини олиш учун халқнинг молларини мусодара қила бошлади. У билан ҳам чекланиб қолмасдан қўшимча солиқ белгилаб, солиқ йиғувчиларни барча ўлкаларга жўнатишдан олдин уларга олтиндан ва кумушдан қилинган нимаики нарсалар бор бўлса олишларини ва ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмасликларини буюрди. Солиқ йиғувчилар эса унинг айтганларидан ҳам ошириб халқдан зўрлаб нарсаларни ола бошладилар. Ўзи ҳам Табризда қолиб, шахсан солиқ йиғиш ишларини назорат қилди. Бойга, камбағалга, бошқарувчиларга, халққа, ёшга, қарига ҳаммага имкониятларидан ортик даражада қўшимча солиқ юклади. Динсизлардан баъзиларини Мусулмонларнинг устига тез-тез безовта қилувчи қилиб қўйди. Охирида аҳволи яхши бўлганлар ҳам қашшоқ ҳолга тушдилар. Динга бегона бўлган бошқарувчиларнинг ҳатто қўшимча солиқлардан озод қилинган ва ҳаммага меҳр кўзлари билан қаровчи Оллоҳнинг солиқ фарзандларидан баъзилари унга мурожаат қилиб бошқа ўлкалар халқи билан бирга табризликларга тадбиқ қилинган зулмлардан воз кечишини

<sup>388</sup> Хамоса шоири Абу Муҳаммад ал-Яздийнинг шеъри. Қаранг: Табризий. Шарху-л-Хамоса. Булок нашри, IV жилд. Б.57.

сўрадилар. Шарафиддин уларнинг гапларини эътиборга олмани ҳолда уларнинг хатти-ҳаракатларини хиёнат сифатида қабул қилди. Яхши гапларга онадан туғма қар, гаранг бўлган қулоқлари бу ҳақли гапларни ҳам эшитмади. *Шеър* (арабча):

[Гўёки дунёдаги барча очларни у ўзи тўйдирадиган бир тарзда уларнинг саломига алик олди]

Ундан сўнгра уларга белгиланган солиқни икки бараварига оширди ва уни йиғиш учун шиддат кўрсатди. Нуҳ пайғамбар умматлари ҳақида улуғ Аллоҳга шундай арз қилди: “Дарвоқе, ҳар гал мен уларни Сенинг мағфиратингга (дин йўлига) даъват этсам, улар (эшитмаслик учун) бармоқларини қулоқларига тикиб кийимларига ўралиб оладилар ва (ўз қуфрларида) каттиқ туриб оладилар ҳамда (менга итоат этишга) кибр қиладилар”<sup>389</sup>. Унинг солиқ тўлаган одамларининг кўпчилиги Улуғ Оллоҳнинг шариатида ва Чингизхоннинг қонунларида, солиқ олинини таъқиқланган тул хотинлар ва етим есирлар эди. Улар солиқ тўлашларини бекор қилинишини сўраш учун Шарафиддиннинг ёнига келганлари пайтда Шарафиддин уларни қуфр қилиб уларни озорлар эди, бутун марҳамат эшикларини ёпиб ташларди. Шу тарзда туллар ва етимлар бошлари эгик ҳолда орқаларига қайтиб кетардилар. Уларнинг аҳволларига ачинган амир Арғун улардан тўпланган солиқларни махсус хазинасидан уларга пул тарқатиб берарди. Шаҳарда аёлларнинг дод фарёди, етимларнинг йиғлаши, диндорларнинг дуоси, мазлумларнинг инграган овозлари ва фақирларнинг кин, душманлик ва нафрати кўкка, осмонларга юксалаётган эди. Ҳар бурчакда бир исканжага, ҳар уйда бир бегонага ва ҳар жойда бир солиқ хизматчисига дуч келинар эди. Улар на Аллоҳдан қўрқардилар ва на бандадан уялардилар. Ўша пайтда айтилган мана бу шеър Саййид Мужтабога тегишли. *Шеър*:

[Кўзингни очгин-да, яхши бир ном учун ишла, одам ҳар доим яхши бир ном учун ишлаши керак. Улар омонлик бермасалар ва ғов бўлсалар-да, сен янада барибир яхши ном учун меҳнат қил]

Шарафиддин табризликларнинг нимаики нарсалари бор бўлса, ҳаммасини олганидан кейин 642йил рамазон (1245, феврал) ойда исломнинг чегараси бўлган Қазвинга кетди. Малик Кўшкига тушгач, уларнинг таниқли одамларини ҳузурига чақиртирди. Ҳамма учун қўшимча солиқ белгилади. Ёнига чақирганларини кўшкнинг

<sup>389</sup> Қуръони карим, 71:7.

боғида тўплаб, уларни озик-овқатсиз қолдирди. Иккита нон учун юзта кишини ҳеч иккиланмасдан ўтга, оловга ташлаб юборадиган пасткаш, разилларни солиқ хизматчиси қилиб, шаҳарнинг ҳамма томонига юборди. Улар номусли одамларни талаб, терисини шилиб қашшоққолга туширдилар. Каттаю кичик ҳаммага тагидан чиқолмайдиган солиқларни солдилар ва зўравонлик билан ола бошладилар. Уларнинг қилаётган исканжа ва азиятларидан мискинларнинг оху нолалари осмону фалакларга етди. Кўз олдида оловга ташлаб юборсалар, ҳатто на ака-укага соҳиб чика оларди ва на ота-болага ёрдам бера оларди. Ҳатто ўлдирилса ҳам қариндош қариндошга ёрдам беролмасди. “Ўша куни киши ўз биродарларидан қочур. Яна онаси ва отасидан ҳам”<sup>390</sup>.

У Қазвинда бир неча кун давомида қолган пайтда солиқ йиғувчилар халқнинг кўзини очирмадилар. Ўша вақтда солиқ тўлашга мажбур бўлганларнинг баъзилари болаларини гаровга қўйдилар, баъзилари эса уларни сотишга мажбур бўлдилар. Солиқ хизматчилари бир уйга солиқ ундириш учун келдилар. Уй эгасини ўлган ва кафанга ўралган ҳолда кўргач, унинг кафанини олиб кетдилар. Жасадни яланғоч ҳолда ўша жойга ташлаб кетдилар. Бувазият олдида ожиз ва фақирлардан бир қисми тортган азоблардан қутилишнинг бошқа иложи қолмаганлигини ўйлаб, миллат ва диннинг буюги бўлган шайхулислом Жилийнинг (Аллоҳ унинг соясини Муслмонлар устида кам қилмасин) паноҳига сиғиниб, ундан ўша талончига насиҳат қилишни сўрадилар. Ал-Жилий бироз ўйлаганидан кейин муборак оғзини очиб, мана шу гапларни айтди: “Сўнгра шундан (мўъжизаларни кўргандан) кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, улар (баъзидиллар) тош кабидир, балки ундан ҳам қаттиқроқдир”<sup>391</sup> ояти каримасида кўрсатилганидек, зулм унинг қора қалбини пардалаган эди. Иймон ва садоқат нурлари у ерга кира олмайдиган бўлган. Ёмғир тошга ҳеч қандай таъсир қилмагани каби насиҳат ҳам унга таъсир қилмайди. Лекин қалбингизни тоза тутинг. Чунки сахар пайтида дуо ўқини отганлар ўқларини нишонлари бўлган унинг ҳаётига отиб санчдилар. Ундан пайдо бўлган яра кўз билан кўриладиган яра эмас. *Шеър* (арабча):

[Ўқ ёйдан чиққан пайтда қалқоннинг инсонни ҳимоя қилиши қийинлашади]

<sup>390</sup> Куръони карим, 80:34-35.

<sup>391</sup> Куръони карим, 2:74.

Лекин унинг бу зулми қаршисида, кичик ёрдам қилиш учун улугдевонга (Аллоҳ буюқлигини орттирсин)<sup>392</sup> ҳар йили юбориладиган пулдан қолган беш динорни сизларга бераман. “Бу дунё молидан ўша пулдан бошқа ҳеч нарса қолмади” амрига кўра, ўша пулни ҳам уларга бердилар. Топганини олган Шарафиддин Ройга боргач, у ерда ҳам ўзининг жирканч ишларини давом қилдирди. Муслмонларнинг молларига қўл узатди. Аёллар ва эркакларнинг зўрлаб уйларида чикариб, ҳамма нарсаларини олди. Ўша орада Исфаҳон, Қум, Кошон, Ҳамадон ва бошқа жойлардан солиқ йиғувчилар келиб тўплаган нарсаларини келтирдилар. Шарафиддиннинг буйруғига кўра, солиқнинг ўрнига тўпланган пуллар ва молларни жума масжидига қўйдилар.

Юкларни у ерга ташлаётиб ҳайвонларни ҳам ичкарига тикдилар. Уларни тўшайдиган жойларга топшираётганларида устларига киядиган ёпинчиқлар ҳам топилмаганлигидан масжиднинг гилам ва полосларини олдилар.

У ерда ҳаракат қилишдан олдин Домғонга одамларини юбориб, ҳар кимнинг тўлаш имкониятига кўра аниқланган солиқларни йиғишларини хоҳлади. Солиқ ундирувчилар у ерга боргач, солиқларини тўлай олмаган одамларни эркак-аёллигига қарамасдан оёқларидан осдилар. Иложсиз, чорасиз қолган халқ мулҳидларга мурожаат қилиб, шаҳарни уларга топширдилар. Шаҳарга келган мулҳидлар кўп одамларни ўлдириб, баъзиларини эса Гирдкўҳ қалъасига олиб кетдилар. Домғоннинг сувини тўхтатиб, баъзи уйларни йиқитдилар ва ўрнига бугдой эқдилар. У ернинг кишлоқларида ҳам худди шундай ишни қилдилар.

Мулҳидлар Амул, Астробод ва Кабуд Жома шаҳарларини ҳам Домғонга қайтарди.

Кейинчалик эса Шарафиддин Маҳмудшоҳни Исфаройин, Жувайн, Жожарм, Журбад ва ўша марказларга тобе бўлган жойлардаги солиқларни йиғиш учун юборди. Шиасунний айирмачилик қилиши туфайли Исфаройиннинг кўзга кўринган кишиларига нисбатан ғазабдан зулм оташини шу даражада ёқдики, бунчалик зулмни ҳатто Ҳажжож<sup>393</sup> ҳам қилмаганди. Халқнинг кўпчилигини моддий жиҳатдан ҳеч нарсани тўлай олмайдиган инкирозга учратиб, уларнинг шаъни ва ор-номуси билан ўйнашди. Ўша пайтда

<sup>392</sup> Аббосий халифлари давлати.

<sup>393</sup> Золимлиги билан ном чиқарган Умавийлар давлатининг Ироқдаги волииси.

Шарафиддин Абивардга бир одам юбориб, Малик Ихтиёрдинни ўлдиртирди. Унинг мол-мулкини талон-тарож қилдирди.

Шарафиддин Устувога келгач, макбара яқинида отидан тушди. Макбаранинг қоровули, аввал амир Арғунга бориб, ундан макбара деворларини таъмирлаш учун бир уста ва боғининг экин-тикин ишлари учун иккита ҳўкиз олганди. Ўша пайтда қоровул шаҳардан қайтиб келаётганди. Шарафиддин макбарага киргач, Шарафиддин унинг муомаласидан ғазабланди. Шарафиддиннинг буйруғига биноан қоровулга қаттиқ зарба бердилар. Бечора ўзидан кетиб, беҳуш ҳолда бир оз яшади. Наврўздан бир ой кейин вафот этди. У ўлганидан кейин Шарафиддин барча ҳайвонларни унинг экиб қўйган ерларига ҳайдаб, йўқ қилдирди.

Шарафиддин у ердаги ишларини тугатганидан кейин Тусга кетди. Табризда бошланган касаллиги кучайди ва қийналиб зўрға юра бошлади. *Шеър* (арабча):

[Ёмонликка қарши сабрим иймонимнинг шубҳаларини енгажанини кўрсатмоқда]

Ажал тилини билгувчи ўлим фариштаси тақдир тили билан шундай деяётганди, *шеър* (арабча):

[Ўлим панжаларини ургач, қутиладиган ҳеч бир жойни топаолмайсан]<sup>394</sup>

Охирида нафас олиш қобилиятини ҳам йўқотди. Ўлдирадиган касаллик уни йиқитиб, бошини ёстикқа қўйдирди. Энди ўнг кўзи ҳам кўрмаётган эди. *Шеър*:

[Қадаҳ каби маъсумларнинг қонини ўзинг ичдинг. Энди худди пиёла каби синадиган вақтинг келди]

Орқаси тўшакда, ўлим эса унинг устида кезиб юаркан, у ғафлат уйкусида давом этаяпти, тубсиз қудуққа ўхшаган қорни тўймасди. Доимо ўзига ўзи минғирлаб, “фалонга бунча тўлайди, фистончига мана бунга беражак” деб турарди. Ундан сўнгра солиқ ундириш навбати ўзининг яқин кишиларига келди. Энг охирида келинидан қўпол тарзда ўн минг динор солиқни дарҳол тўлашни талаб қилди. Касаллик уни яхшигина чулғаб олгач, табиблар ҳам ундан қўлини тортдилар. Ниҳоят, ўлим фариштасини кўриб, унга қарши тура олмаслигини тушуниб, яқинларини чақирди. Амир Арғунга ҳам “Ўлимнинг эшиги олдига келдим, энди дардимнинг даъвоси

<sup>394</sup> Ўғлининг вафотига бағишланган марсия ҳақида Абу Доиб ал-Худҳолийнинг машҳур бир қасидасидан. Қаранг: Хизонату-л-адаб. Булоқ нашри. 1 жилд. Б.202.

йўқ. Агар солиқ йиғиш борасида белгилаган қоидаларимдан бир донга соч толасичалик оғишилса, тизим бутунлай бузулади ва солиқ маъмурлари ҳам тўғри йўлдан адашадилар”, – деб хабар юборди.

Хабар амир Арғунга етиб бормасидан аввал Шарафиддин Аллоҳнинг дўзахига кетди. Амир Арғун у белгилаган барча солиқларни бекор қилиб, маҳбусларни ҳибодан озодликка чиқарди. Барча яралганлар унинг вафот этиши туфайли катта роҳат-фароғатга эришдилар. Балонинг кетишини ва амир Арғуннинг келишини фалакнинг бахт келтирадиган бир ҳаракати, деб билдилар. Бу борада улуг Аллоҳ шундай буюради: “Икки денгиз (суви) тенг бўлмас, буниси чучук-тотли ва ютумли, униси эса шўр-нордондир”<sup>395</sup>. Мана шундай қилиб, бир қўл номини эслаганимиз бундай бир яратилганни ўртага чиқаради ва шу тарзда бандаларига лаънатли бирининг қандай эканини кўрсатиб қўяди. Бошқа бир томондан эса, Маҳмуд Ялавоч каби яна бирини яратиб, унинг мақомини зўрликлар, қийинчиликларнинг кетказилиши ва инсонларнинг дардига чора топадиган бир ишни амалга оширади. Мана шундай тарзда бир қанча одамлар бало-қазо ичида бўғилади, баъзиларини эса Ўзининг неъматлари билан марҳаматига сазовор қилади. *Шеър* (арабча):

[Нарсалар ўзларига ўхшаганлардан жуда фарқлидирлар. Осмон мовийликда сувга ўхшаса ҳам у сув эмасдир]<sup>396</sup>

У шикоятчи Табриздалик пайтида душманларидан баъзилари унинг тагига сув қуйиш учун Ироқнинг кўзга кўринган кишиларидан Жамолиддин Али Тафришийни жосус қилиб, унинг ёнига жойлаштирдилар. Лекин у Шарафиддиндан кўрган яхшиликлари сабабли унга боғланиб қолди ва унинг ишларига ёрдамчи бўлди. “Баъзи золимлар бошқаларидан яхшироқдир” дейилганидек, Жамолиддин Али Шарафиддиндан яхшироқ инсон эди. Жамолиддин Али иш бошлаганидан бир муддат сўнгра Шарафиддин бу дунёни тарк этди. Ўз давр шоирларидан ҳар бири бу борада шеър ёзди. Мана бу шеър улардан биттасидир. *Шеър* (арабча):

[Ёмон одамларни қайтадан жонлантиришни истаган ва Аллоҳга қарши турган ўша одам ўлди]

Мана бу китъа ҳам Табризли Зужожий номли бир шоирга оиддир. *Шеър*:

<sup>395</sup> Қуръони карим, 35:12.

<sup>396</sup> Саолибийнинг “Татиммату-л-йатма” асарида (Иқбол нашри, 1 жилд. Б.27,73) Абу Дийо ал-Хумсий билан Абу-р-Румо ал-Фуссойсийга ишора қилинган шеър.



[Эй қадами хайрли бўлган Жамолиддин Али, дунё сенинг келишинг туфайли севинчга тўлди. Душманинг кетидан Тусгача кетдинг. У сенинг қўлингдан ўз жонини кутқара олмади. Эй афандим, сендан кўрққани учун замон подшоҳи сенинг гапингдан четга чиқолмас. Дунёнинг афандиси, сендан енгилган Табриздан узоқлашди. Агар осмонга чиққан бўлса-да ҳеч бир жонзот сенинг қўлингдан қочиб қутила олмас]

Яна ўша даврнинг шоирларига оид бир шеър (арабча):

[Унинг ўлими хабари ёнган юрагимизга сув сепди.

Эй афандилар, энди бахт-саодат ичида яшанглар. Бир-бирингизга хушxabар етказинг. Чунки “Хуросондан қақирган хабарчим кел-япти”<sup>397</sup>

Шарафиддинни таниган одамлар унинг қилмишларини янада яхшироқ биладилар. Бу ерда айтиб ўтганимиз фақат бир нечта мисоллар холос. Уни тафсилотидан бир жумла, узун бир ҳикоянинг хулосаси ва мингдан бири деб ҳисоблашингиз мумкин. Қилган ишларини кўрмаганлар бу ёзувларни ўқиб, Аллоҳ сақласин, унинг қилмишлари ортиқча муболаға қилинган, бир кишининг устига ортиқча гап-сўз ёғдирилганлиги ҳасад туфайли пайдо бўлган иғводир, деб ҳисоблаши мумкин. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганидек: “Иғво ёмон бир ҳаракатдир”. Агар бир киши гуноҳдан сақланишни хоҳласа, у ёмон ҳаракат ҳисобланган иғводан сақланиши керак. *Шеър:*

[Бизнинг мағлуб бўлишимиздан хурсанд бўлганларга эс-хушингизни йиғиштириб олинг, чунки сизларнинг бошингизга ҳам шундай кунлар тушажак, денг]<sup>398</sup>

Шунинг билан бирга ҳаётда омадли бўлган бир инсон ниманики кўрса, ундан фойдаланади ва тажриба ортиради. Тўғри ишларга юзланади. Дунё ва дин ишларида гуноҳга ва зарарга сабабчи бўладиган барча нарсалардан ўзини тийиб, ёмонликлардан ҳимояланишни ўзининг бурчи деб билади. Шу тарзда дунёда яхши ном қозонган инсон охиратда ҳам ўз мақсадига эришади, иншооллоҳ. *Шеър:*

[Шундай яшагинки, ўлгач ташвишлардан қутиласан. Шундай яшамагинки, сен ўлганингда қутилганлар севинса]

<sup>397</sup> Вазир ибн Аббоднинг Абу Бакр Хоразмийнинг ўлими ҳақида айтган шеъри.

<sup>398</sup> Фарасдакка аталган Хамоса шеъри.

## КЎРСАТКИЧЛАР

### ИСМЛАР ва ҚАВМЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абу Исҳоқ Ғозий 333  
Абул Ҳасан Али б. Муҳаммад  
Тихомавий 227  
Абу-с-Симт  
Раису-л-Айниддин 227  
Аббос 55  
Абдуллоҳ б. Фазлуллоҳ  
Шерозий 66  
Абдуллоҳ Қазвиний 13  
Абдулмалик (б. Абдуллоҳ) 18  
Абдурахмон 237  
Абду-т-тариқ 332  
Абока 9, 14, 17, 18, 33, 36, 37,  
38, 39, 42, 43, 45, 53, 62, 64, 73,  
75, 78  
Абу Али ал-Фозил б.  
Муҳаммад ат-Тарастий 218  
Абу Ало Абу Ризо ал-Орий 444  
Абу Аҳмад б. Абубакр б.  
Ҳамид 376  
Абу б. ал-Ҳасан  
ал-Кўҳистоний Ғазнавий 234  
Абу Бак 231  
Абу Бакр 365  
Абу Бакр Абдуллоҳ б.  
Муҳаммад б. Жаъфар  
ал-Аский  
Абу Бакр ал-Хоразмий 352  
Абу Доиб ал-Худҳолий 457  
Абу Жафар Муҳаммад б.  
Абдуллоҳ ал-Микоилий 325  
Абу Исҳоқ Иброҳим б.  
Муҳаммад ал-Ғозий 130  
Абу ишқ ал-Ғозий 240  
Абу Мансур Қосим б.  
Иброҳим ал-Коний 235  
Абу Муҳаммад ал-Ҳозин  
Соҳиб ибн Аббос 431  
Абу Муҳаммад ал-Яздий 452  
Абу Муҳаммад Тоҳир б.  
ал-Ҳусайн 447  
Абу Наср Муҳаммад б.  
Абдуллоҳ Жаббор Утбий 348  
Абу Ризо 310  
Абу Ризо Ҳусайн б.  
Муҳаммад ал-алавий 310  
Абу Саид 9, 14  
Абу Саид ар-Рустамий 153  
Абу Саид б. Армак 225  
Абу Солих б.  
Аҳмад нишобурий 225  
Абу Сулаймон Банокатий 6, 13  
Абу Таммом 207, 221  
Абу Убайда 357  
Абу Фарва 18, 20  
Абу Юсуф Яъқуб б. Аҳмад 443  
Абул Аъло ал-Мааррий 83  
Абул Қосим ал-Ҳусайн б.  
Али 448  
Абул Маолий 264  
Абул Фазл Аҳмад б.  
Муҳаммад ар-Рашидий 147  
Абул Фазл Эларслон 270  
Абул Фараж 67  
Абул Фараж б. Абул Ҳасан 258  
Абул Фида б  
Абул Фидо (Ибн ул-Касир) 54  
Абул Ҳасан Али б.

Муҳаммад ат-Тихомий 122  
Абул Ҳасан ал-Лаҳҳок 445  
Абул Ҳасан Тихоний 333  
Абул-ал-Маоуррий 367  
Абулфазл Байҳақий 290  
Абухафс 150  
Авфий 21  
Адиб собир 267  
Азиз Ялавоч 202  
Азизиддин 271  
Азновур 380  
Айёрбек 273  
Айну-з-замин 266  
Айюб (а.с.) 124  
Акош (малик) 358  
Ақсом 385  
Алоуддин Кайкубод (салжукли султон) 227, 242  
Алавий 224  
Алакамак 249, 253  
Ал-Жилий 455  
Али б. Аҳмад б. Абу бакр 61, 74  
Али б. Исо б. Мохон 230  
Али Кўхий Дурогоний 158  
Али Хожа 239, 240  
Али хўжа 135  
Алйажу ако 49  
Алоуддин Муҳаммад ал-Хутаний 121, 122  
Алоулмулк (саййид) 397  
Алоулмулк 397  
Алп (тегин) 264  
Алп Ғозий 296, 297  
Алп Дирак 287, 288  
Алп Эрхон 154  
Алфий 46, 47  
Амин Аҳмад 55  
Амин Малик 354, 356  
Аминиддин (малик) 356, 357, 358, 394  
Амир Алоуддин Оқсонгур 46  
Амир Ҳусайн 127  
Амир Ҳусайн 24  
Амир Ҳусанд 433  
Амир Чинкой 236, 248  
Амр б. Интоба ал-Ҳазратий 356  
Амр б. Хузайл ал-Абдий 83  
Анварий 8  
Ануширавон 81  
Арбил 366  
Аргун (амир) 4, 5, 13, 24, 25, 26, 27, 28, 38, 39, 53, 54, 67, 73, 75, 143, 238, 261, 429, 430, 431, 432, 434, 435, 436, 437, 441, 452, 457  
Ардахин 342  
Арзанқобод 432  
Арзинжон 387  
Арзирум 242  
Аризий 291  
Ариқ бўки 437  
Ариқ бўки 148  
Арман хотун 50  
Арслонхон 131, 269  
Арслонхон 155  
Арслонхон Маҳмуд ўғли  
Камолиддин 269  
Арслоншоҳ 285  
Асад б. Абдуллоҳ 385  
Асил Ругадий 426, 427  
Ас-Сорий ар-Раффо Мусилий 338  
Афросиёб 112  
Аҳмад 55  
Аҳмад ал-Гутий 18  
Аҳмад Бадилий 277  
Аҳмад Балхий 127, 128

Аҳмад битикчи (амир) 28  
Аҳмад Такудор (б. Ҳулогу) 9, 14, 33, 53, 64, 73, 75  
Аҳмад Хўжандий 127  
Ашраф (малик) 375, 382, 385, 387  
Аъзам (малик) 395, 397  
Бадиуззамон Ҳамадоний 154  
Бадиуззамон Ҳамадоний 86  
Бадриддин Луълу 400  
Бадриддин Чоғир 299  
Байдар 254  
Байтду 9  
Баки 245  
Бар Ибрай 67  
Барка 196, 252  
Барка 241  
Баркажар 196, 252  
Баркача 241  
Бароқ (хожиб) 400, 401, 403, 404, 407, 408  
Бароқ Хожиб 374  
Бартольд 179, 190, 258, 264, 274, 284, 346  
Бассом б. Ҳозин Табризий 442  
Баҳодир Ўркоту 37  
Баҳоуддин марғиноний 257, 258  
Баҳоуддин Муҳаммад (хожа) 23, 56, 57, 72  
Баҳоуддин Муҳаммад б. Али ал-Муаййад 21, 25, 36, 71  
Баҳоуддин ўғли 18  
Баҳоуиддин Муҳаммад  
Бағдодий 277  
Баҳоулмулк 175, 176  
Бегухон 272  
Бейбарс Зоҳир (малик) 37  
Белгуйтой (нўён) 196  
Березин И.Н. 37, 133, 148, 184, 190  
Бийжан 283  
Билга (тегин) 264  
Билга Кутий 109, 110, 111  
Бистом 275, 423  
Бисутун 380  
Блоше 15, 17, 64, 69, 71  
Боис б. Хураис 83  
Бойдор 241  
Бойл, Жон Андри 81  
Боласоғун 320  
Болиш 395  
Боло битикчи 108, 111  
Болокасун 200  
Боришмасхон 156  
Бормас 183  
Боту 111, 205, 249, 251, 252, 253, 412, 416, 420, 423, 424, 425, 430, 440  
Броун Э.Г. 9, 11, 16, 17, 22, 53, 55, 70, 71  
Бугрохон 346  
Бўғрохон 270  
Бўкихон 433  
Буку (тегин) 114, 115  
Буку 430  
Бўлмуш бука 109  
Бурий 241  
Бурий 254  
Бўрка (нўён) 190  
Бурҳониддин Абусаид 277  
Бусухон 112  
Бут Баки 111  
Валиён 355  
Валиён кўтоли 353  
Варовиний Саъиддин 21  
Вернадский 252

Волиштон 395  
Вомиқ 314  
Вуллерс 121, 133, 139, 144,  
155, 166, 194, 196, 239, 240,  
282, 283, 353, 354, 359, 391  
Гаржайи 264  
Гирон 387  
Гурбонд 355  
Гургон 421  
Гуржи 369, 370, 379  
Гуршатай 194  
Гуштасп 153  
Дабадо 372  
Дабуйа (дабуйи) 340  
Дабус 144  
Дастжирд 180, 182  
Денисон Р. 9  
Денисон Росс 9  
Деренбург 20  
Довуд 247  
Додбек 264  
Докук 367, 367  
Докукий 367  
Достон Сом ўғли  
Дувин 421  
Дўжи Усмон 312  
Ёгон Сўнғур 413  
Ёкуб (а.с.) 124  
Ёкут (Ҳамавий) 57, 415  
Ёсовур 154  
Жаба 171, 173, 179, 189, 190  
Жабола 357  
Жабола б. Айҳом 357  
Жажокан Боқий 429  
Жалолиддин (султон) 5, 23, 72,  
121, 164, 165, 166, 169, 179,  
189, 199, 301, 320, 332, 334,  
336, 337, 342, 349, 351, 353,

359, 364, 366, 369, 370, 371,  
376, 377, 380, 381, 382, 385,  
386, 388, 389, 391, 392, 393,  
394, 396, 397, 399, 408  
Жалолиддин Али б. ал-Ҳасан  
ал-Риндий 145  
Жалолиддин Али б.  
ал-Ҳусайн 272  
Жалолиддин Ҳасан 344, 345  
Жамолиддин (имом) 173, 181  
Жамолиддин 28  
Жамолиддин Аҳмад б.  
Али Алавий 35  
Жасур 153  
Жожарм 275  
Жувайний, Алоуддин 4, 5, 6, 7,  
9, 11, 17, 18, 21, 25, 29, 31, 37,  
41, 42, 48, 52, 61, 63, 65, 73, 76,  
77, 261, 438.  
Жувайний, Шамсиддин 5, 17,  
32, 34, 40, 53, 54, 57, 61, 73, 76  
Жувайниний 4  
Жувошир 400  
Жўжи 5, 121, 126, 158, 169, 252  
Жўрмагун 247  
Журмагун нўён 387, 389, 399,  
412, 414, 424, 430, 432, 447  
Завзаний 171, 189  
Завзаний 291  
Завзон 354  
Зайд ал-Ибодий Закариё 55  
Зардушт 153  
Зарқайи ямоний 143  
Заҳабий, Шамсиддин  
Муҳаммад 18, 36, 53, 57  
Заҳҳок 81  
Зиёиддин Али 182, 184  
Зиёулмулк 171, 189

Зубайда 55, 56  
Зужожий 458  
Зулқарнайн 315  
Ибн Асир 6, 41, 75, 76, 78  
Ибн ат-Тиктика 390  
Ибн Гутий 53, 74  
Ибн Дурайд 220  
Ибн Ибрий 67  
Ибн Ланқоқ ал-Басрий  
Ибн Муқла 57  
Ибн сайқал ал-жазарий 58  
Ибн Тиктика (Сафиъддин  
Муҳаммад б. Али) 19, 20, 21,  
34, 34, 35, 68  
Ибн ул-Ибрий 54  
Ибн Фундук ал-Байҳакий 264  
Ибн Халдун 262  
Ибн Холликон 18, 19, 53, 78  
Ибн Холликон 341  
Иброҳим ал-Кутрубий 443  
Иброҳим б. Усмон ал-Ғаззий 217  
Иване 370, 371, 372  
Иванс Мхаргидзели 379  
Иғрок (малик) 395, 396, 397  
Иғрок (султон) 355  
Иғрок 165  
Идикут 418  
Идқоч 109  
Идшкут 107, 108, 112  
Иззиддин Қазвиний 368, 369  
Иззиддин Ойбек 382  
Иззиддин Сўкмаз 365  
Илиг 346  
Илка 30  
Илко нўён 37  
Имодул мулк 335  
Имодулмулк Муҳаммад  
Хўтаний 237

Имрум Қайс (уаллака) 380  
Инолжук 128, 129  
Инонч Абубакр 280  
Ироқайн 286  
Исмоил Исфаҳоний 365  
Исмоилийлар 5, 11, 29  
Исо б. Муҳанно 46, 47  
Исфандиёр 153  
Исфандиёр 168  
Исфаройин 423  
Исҳоқ Армаий 33  
Исҳоқ б. Иброҳим Мўсулий 57  
Ихлот 375, 381, 382, 383, 384,  
386, 387  
Кабуд Жома 318  
Кадай Рангу 201  
Кадок (нўён) 154  
Кайморий 387  
Калар 205  
Калбўлот 23  
Калот Илиг (туркман) 272  
Калоти Нодирий 336  
Камаргар 421  
Карим аш-Шаркий 400  
Кватремер 18, 27, 30, 41, 50,  
54, 64, 72  
Кешлихон 145  
Кинда 277  
Кирмоний 169  
Ковус 333  
Кор 191  
Корбон 185  
Котиб Боло  
Котўша 237  
Кофий Рабий 171  
Кошғар 318  
Куатто 395  
Кубожа 361

Кудак нўён 239, 248  
Кужурон 395  
Кужурон 395  
Кўзли 306, 307, 309  
Куйукхон (б. Ўктой) 9, 24, 26,  
69, 106, 233, 238, 241, 243, 249,  
253, 257, 410, 430, 431  
Куйукхон 3, 9, 11, 205  
Кўкатой 199  
Кўкор Сангин (рожа) 361  
Кўкхон 145, 146  
Кўлган 254  
Кун Эрдирак 288, 289  
Кўрагон 190  
Кўргуз 415, 416, 417, 418, 419,  
420, 423, 424, 425, 426, 427, 428,  
429, 449, 450, 451, 452, 453  
Кўтен 237  
Кутруб 438  
Куфа ал-кинос 277  
Кўхи дино 400  
Куч (тегин) 175  
Кучлук 107, 117, 119, 122, 124  
Кучлук Султон 348  
Кўчлукхон 322, 329  
Кучтегин (пахлавон) 184  
Кўшку 434  
Лабид б. Робия ал-Амирий 83  
Лайло 314  
Лор (лўр) 241  
Лочин хитой 362  
Лочинбек 272  
Манзий мочин 224  
Маёнжук 289  
Мажлиддин 256  
Мажлиддин 6, 41, 75, 76, 78

Маждул мулк яздий 35, 36, 38,  
39, 40, 41, 43, 50, 51, 53, 64, 73,  
76, 78  
Мажнун 314  
Маййа 446  
Макас 252  
Малатйавий, Грегориус б.  
Ахрун 67  
Малик Кутбиддин Мухаммад  
282, 291, 292  
Малик муайяд 273  
Малик Низомиддин 415, 423  
Малик Нусратиддин 340  
Малик Садриддин 432, 439  
Малик Саид Бахоуддин Сулук  
414, 415, 416, 419, 450  
Малика 368, 369  
Маликулдинок 354  
Маликшоҳ 279, 285, 287, 451  
Мангу Бўлод 432  
Мангу хокон 9, 26, 27, 28, 70,  
71, 81, 108, 110, 111, 194, 205,  
257, 261, 410, 411, 412, 417,  
434, 435, 436, 437, 439, 440  
Мангу хокон 436, 437, 439, 440  
Манзи 202  
Мансур 19, 55  
Мансур Сайфиддин (коловун) 46  
Марвазий 266  
Масъуд 54  
Масъуд Хоразмий 291  
Масъудбек 140  
Махмудшоҳ 419  
Махдий 18  
Махмуд б. Мухаммад 270  
Махмуд б. Сабуктегин 342  
Махмуд Ялавоч 140, 147, 152,  
153, 165, 410, 428, 457

Махмудбек Мангли ўғли 237,  
238  
Махмудтой 322  
Менгли 310  
Менглибек 277  
Менглибек 279  
Минқули бука 229  
Мишкин 388, 389  
Мобижонобод 354  
Муайиддин ибн ал-Қассоб 283  
Мўга хотун 214, 219, 236  
Мўғул (хожиб) 179  
Муждулмулк 28, 171, 261  
Мужрулмулк 175, 175, 177,  
178, 179, 180, 181, 192, 337  
Музаффар Нажибуддин 175  
Музаффариддин (кўк бўри) 367  
Музаффариддин 366  
Музаффариддин  
Важҳ ас-Сабу 401  
Музаффариддин ўзбек 310  
Муздакон 286  
Муиззиддин  
Даштободий(хожа) 183  
Муиниддин Сулаймон б. Али 37  
Муканна 18  
Мукон 437  
Мулғор 355  
Мўлтон 169  
Мунажжим 375  
Мункар 379  
Мунтажибиддин 268  
Мунтажибиддин  
Бадиу-л-қотиб 21, 22, 269  
Мурсал Ўзгурк 9  
Мусаллам б.  
Рийол ал-муррий 133  
Мустаршид 345

Мустаъсим Биллоҳ 30, 55, 57,  
335, 381, 411  
Мутаваккил 390  
Мутанаббий 207, 398  
Мутанаббий 82  
Мухаммад ал-Шабанорий 6, 13  
Мухаммад Мустафо (с.а.в.) 60,  
82, 119, 140, 160, 206, 211, 223,  
236, 239, 248, 442, 459  
Мухаммад 292  
Мухаммад 292  
Мухаммад б.  
Аҳмад ан-Насавий 158  
Мухаммад Башир 319  
Мухаммад Мухйиддин 18  
Мўъмин оға 73  
Нажмиддин Али Жилободий  
434, 438, 440  
Нажмиддин Асфор 53  
Намгинг 202  
Насавий 6  
Насириддин менгли 310  
Насриддин 257  
Нахҳос Розий 264  
Низомиддин Фарид Жомий 317  
Низомий 59  
Низомулмулк Садриддин 287  
Ноку 250, 252  
Нокун 434, 437  
Носирдинуллоҳ Абул Аббос 343  
Носириддин Маликшоҳ 278,  
287  
Носириддиноллоҳ 278  
Носируддин ал-Байзовий 6  
Нўв кўдак 247  
Нукон 191  
Нур (тегин) 264  
Нур 143



Нуриддин 383  
Нуриддин Шуштарий 18  
Нусол 412, 416, 417, 419, 420, 449  
Нўсол 69  
Нусрат (малик) 401, 402  
Нусратиддин Муҳаммад  
(Хурмил) 401  
Нух 89  
Нух (жондор) 396, 397  
Нух (пахлавон) 352  
Нуъмон б. ал-Музир Робиа б.  
Зиёдулобид 426  
Од 89  
Ойабо 272  
Ойтегин 352  
Оқсултон 353  
Олачин Бўки 108  
Олтин Бўки 107  
Олтунтоғ 264  
Олтунхон 104, 201  
Отабек 368  
Отабек 54  
Отабек Зангий 327  
Отабек Юсуф 74, 75  
Отсиз (султон) 8, 22, 22, 265,  
266, 267, 269, 270, 321  
Охлат 342  
Панжшир 355  
Рабий б. Юнус 19  
РажоУмид 175  
Рашид Ватвот 7, 8, 22, 23, 266,  
270, 273, 314  
Рашидуддин Фазлуллоҳ 5, 6,  
12, 14  
Ризокулихон Ҳидоят 18  
Робиа 55  
Ровандий 289  
Розен 21

Розен, Виктор 66  
Розийулмулк 395  
Рукниддин 272  
Рукниддин Али б.  
Иброҳим Мугисий 191  
Рукниддин Карт 157  
Рукниддин Муғисий 308  
Рустам (Зол ўғли) 353  
Рустам (пахлавон) 8, 22  
Рустам 137, 166  
Саффорий 341  
Саъдиддин Воробий  
Сабуктегин 264  
Садриддин аш-Шофий(шайх)  
Садриддин Зинжоний 39  
Саид Садриддин 290  
Саййид Абу Туроб  
Саййид Ажал 176  
Саййид Алоуддин Алавий 308  
Сайфиддин Битинчи (амир) 30,  
31, 108  
Сайфиддин Иғрок 356, 357,  
394, 395, 397  
Сайфуддин Мардоншер 277  
Салоҳиддин Насоий 394, 395  
Саманий 287  
Самур 125  
Самур 89  
Сангбаст 184  
Санжар (малик) 150  
Санжар (султон) 8, 21, 22, 23,  
175, 215, 265, 266, 267, 269,  
270, 271  
Сариқ Бўка 439  
Сарсигхон 156  
Сафиуддин Абдулмўмин  
Юсуф б. Фахир ал-Урмавий  
57, 58

Сафиуддин Муҳаммад б.  
Али ад-дамашкий  
Саъб Нишобурий 334  
Саъд 327  
Саъдиддин 50  
Саъдиддин ал-Ажамий 75, 76, 78  
Саъдиддин Ҳалаж 295  
Севинчхон 145  
Сибожон 254, 255  
Сигнок тегин 127, 131  
Сирожиддин (саййид) 337  
Сирожиддин Шужоий (хожа)  
434, 437  
Соалибий 182  
Сокун 109, 111  
Солиндий  
Солих 124  
Солих Исмоил 400  
Солорий 362  
Соҳиб б. Аббод 153  
Соҳиби Аъзам 140  
Соҳибялавий 224, 236, 436  
Су Мўгул 203  
Субутой 144, 170, 171, 172, 173,  
176, 190, 199, 246, 254, 337, 399  
Сулаймон 48  
Сулаймоншоҳ 366  
Сулангай 199, 202  
Султон Арслон 289  
Султон Ахмад 48, 53, 54, 64,  
70, 73, 75, 261  
Султон Бадриддин Лулу 242  
Султон Баркёруқ 264  
Султон Ғиёсиддин 301, 400  
Султон Ғиёсиддин 339, 363,  
401, 402, 403, 404, 407  
Султон Махмуд Ғазнавий 235,  
264

Султон Махмуд 319, 320  
Султон Мужириддин 382  
Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ  
23, 67, 118, 121, 126, 127, 128,  
129, 131, 132, 134, 138, 141,  
146, 153, 170, 173, 175, 187,  
271, 282, 293, 298, 299, 301,  
302, 307, 312, 316, 322, 325,  
334, 335, 338, 344, 347, 348,  
349, 352, 399, 364, 398, 400,  
401, 402, 405  
Султон рукниддин 242  
Султон Рукниддин 339, 405,  
406, 411  
Султон Сулаймон 285  
Султон текиш (б. Эларслон б.  
Отсиз) 21, 22, 273, 274, 275,  
276, 278, 279, 280, 281, 282,  
285, 288, 291, 321, 344  
Султон Тўғрул 281  
Султон Усмон 324, 347, 348,  
349  
Султон Шаҳобиддин 291, 297,  
299, 300, 301, 319  
Султон шох 276, 279, 280  
Султония 38  
Сунғур Бегим 412  
Сунғур Ошкор Бахрий 46, 47  
Сунжак (ако) 32  
Сунқур (тегин) 113  
Сўрххўтон 242  
Сурх хўтоний 148, 245, 246, 249  
Сухроб 355  
Суштар 366  
Таббата Шарра 359  
Табризий Шарху-л-Хамоса 388  
Таёжу 429  
Тайонгу 125

Тайонфу 213  
Тайсий 170, 182  
Такажук 164, 165  
Таквур султоний 242  
Такмиш 108, 110  
Тақажук (мўлғор) 357  
Тамт 382  
Тароз (султон) 407  
Тарозли 298  
Татнаннўён 136  
Таянгу 298, 312, 313  
Темур (хокон) 43, 73, 78  
Темур малик 136, 137, 138, 139  
Темур Малик 352  
Темур Элчин 421  
Темучин 104  
Тирой (малик) 28  
Тоғажар 39  
Тоғажор 39, 44  
Тожиддин 400  
Тожиддин Али 299  
Тожиддин али б.  
Муҳаммад Алавий 34  
Тожиддин Алишоҳ 291  
Тожиддин Занги 299, 300  
Тожиддин Фаризоний 413  
Тожиддин Элтуз 319  
Тойй 345  
Тойир (баходир) 143, 144  
Тойир (баходур) 413, 414  
Тоймас (Ётмас) 376, 391  
Тойнал 376  
Торобий 149, 151, 152  
Тоҳир б. ал-Хусайн 230  
Тошхир 372  
Тўғажар 190  
Туғайхон 156  
Туғлу 287  
Тўғо темур 196  
Тўғон 287  
Туғон шох 276  
Тўғон Шунқор 23  
Тўғонхон 258  
Тўғоншоҳ 274  
Тўғрул (султон) 21, 281, 282, 283  
Тўғрул(султон) 368  
Тузбалиқ 320  
Тукел (тегин) 114  
Туку Тудон 37  
Тўк Тўғон 329, 331  
Тўко Темур 241  
Тўктўғон 117  
Тўктўғон 118, 121, 130  
Тўлан Чарбий  
Тули 54, 106, 145, 148, 164, 173, 175, 181, 191, 192  
Туман 424  
Тўнгуз 421  
Тунгуз 424  
Тўрабой 107  
Тўрагана хотун 235, 236, 237, 238, 243, 249, 430, 452,  
Тўрагана хотун 69, 428  
Тўрбой 168, 185  
Турбой Тачкиш 169  
Туркон хотун 128, 158, 273, 309, 316, 347, 352, 398, 399, 400  
Тўрт Або 318  
Турумтой 437, 439  
Туша (баскок) 147  
Узро 314  
Улан Батор  
Улокхон 156  
Улуғ (нўён) 174, 198, 200, 201  
Улуш Идий 133, 134, 136, 138

Умар ал-Кофий 337  
Умар б. Абу Робийон 346  
Умар ўғул 107  
Умар Ферузкўхий 275  
Умар Хайём 183  
Умдатулмулк 395  
Унсурий 290  
Урук 76  
Усмон б. Аффон 18, 20  
Устуво 190  
Ўтаган (нўён) 105  
Утбий 346  
Фазл б. ар-Рабий 18  
Фазл б. рабий 19, 20  
Фаражуллоҳ 54  
Фаридун 159  
Фаридун 81  
Фаризоний 23  
Фахриддин (хожа) 433, 434, 440  
Фахриддин 242  
Фахриддин 317  
Фахриддин 362  
Фахриддин абдулазиз 277  
Фахриддин Абдулазиз  
ал-Куфий 278  
Фахриддин Биҳиштиий (хожа) 437  
Фахриддин Розий 264  
Филип ле Бел 24  
Фирдавс Самаркандий 298  
Фирдавсий 163  
Фогима 237, 239  
Фўлод 125  
Фумо 273, 275  
Хабаш Амид 399  
Хадича 55  
Хайли Бузург 327  
Халифа Носир  
Музаффариддин Суюнғур 401

Хасан хожи 134, 135  
Хитойхон 271  
Ходий 19  
Хожа 250  
Хожа Жалолиддин Хутаний 61  
Хожа Маждиддин Табризий 438, 439  
Хожа Носириддин Тусий 57, 65, 77  
Хожа Носируддин Тусий 70  
Хожа Ҳумомиддин Табризий 59  
Хожа Ҳумомий Табризий 56  
Хожанфу 200  
Хоқоний 286  
Хомуш 174  
Хондамир, гиёсиддин мухаммад  
Хонийя 69  
Хорпўст Фурий 394  
Хорун 54, 73  
Хорун ар-Рашид 19  
Хотам Тойий 147  
Хубилой 437  
Хўжа Бахриддин 431  
Хузайфа б. ал-Яман Марвий 139  
Хўрду 245  
Хўрду 252  
Хусрав 94  
Хўтан 318  
Чагон 246  
Чекинан (амир Али) 75, 76, 78  
Чигатой 5, 107, 132, 158, 159, 161, 162, 165, 169, 194, 197, 200, 209, 255, 256, 399, 412, 426, 427  
Чин Қоя 419, 420, 423, 428  
Чин Темур 23, 69, 72, 135  
Чин Темур 412, 413, 414, 419, 447, 448, 449

Чингизхон 5, 9, 11, 23, 26, 69, 85, 89, 91, 93, 95, 100, 103, 106, 107, 121, 126, 127, 128, 131, 134, 141, 142, 143, 146, 155, 158, 162, 167, 168, 195, 199, 214, 329, 352, 358, 359, 388, 397, 399, 418, 426, 429  
Чироқчи Элчи 430  
Чўбон б. Малик б.  
Тудон (амир) 37  
Шайх Саъдий 7, 59, 61, 62, 370  
Шайххон 154  
Шалва 370, 371, 372  
Шамсиддин Аби Абдуллох  
Муҳаммад б. Аҳмад ал-Кутубий 32, 76  
Шамсиддин Маҳбубий 149  
Шамсиддин Муҳаммад б.  
Насруллох Ҳаририй 58  
Шамсиддин Хорун 55, 57  
Шамсиддин Ҳарисий 176  
Шамсул Маолий Вашмгир 350  
Шамсул Маолий Қобус 351  
Шамсул Маолий Қобус б.  
Вашмгир 312  
Шамсуллох Қадрий (сайид)  
Шарафиддин Али Тафриший 393  
Шарафиддин Хоразмий 442  
Шарафулмулк Али б. Абул Қосим Жандий 375  
Шаҳобиддин Масъуд 277  
Шаҳобиддин Муҳаммад Ғур 274  
Шаҳобиддин Сарахсий 394  
Шерозий, абдуллох б.  
Фазлуллох 5, 6, 12  
ШеферЧ. 18, 41, 63, 64  
Шибон 241  
Шиғий кутку 356  
Ширвон 242  
Широ Ҷрду 235  
Шобурхос 366  
Шодиях 189, 191, 274, 278, 285, 288, 293, 302, 306, 307, 353  
Шофийий(имом) 182  
Шоҳ Ғозий 310, 311  
Шужоиддин Абул Қосим  
Ховис 400, 407, 408  
Э.Ж. Гибб 9, 15, 16, 22, 284  
Эдгу Темур 420, 421, 423, 424, 429, 449, 450  
Экинчи 264  
Элбурзхон 287  
Элдениз 280  
Элхўжа 144  
Элхон 45, 47  
Элчигатой 433  
Элчитой (нўён) 196  
Эрбуқа (пахлавон) 158  
Эркату 30  
Эркина 257  
Югнак (Иғнок) 317  
Юнусхон 284, 285  
Юсуф (а.с.) 124  
Юсуф Фахрий 19  
Яка 412  
Як-лу то-ших 273  
Яку 196, 251  
Яқуб Лайс 341  
Ямин Малик 394, 395, 396  
Яминудавла 342  
Ясу 241, 245, 251, 256, 257  
Ясу б. Чиғатой 26  
Ясу бўки (туркон)36  
Ясулу 256

Ясун Тўко 241  
Ясунгой 196  
Яхъё 54  
Ўктой (хоқон) 9, 23, 24, 67, 69, 97, 106, 107, 108, 112, 132, 158, 159, 161, 162, 167, 169, 193, 195, 197, 198, 206, 214, 256, 387, 414  
Ўлжай хотун 39  
Ўлжайту 5, 12, 14  
Ўнхон 101, 102, 104, 117  
Ўр (тегин) 114  
Ўрду қоя 39  
Ўрхон 194  
Ўтеген 196, 197, 245  
Ўғил Гаймиш хотун 250, 251, 257  
Ўғилтоймиш хотун 26, 244  
Ўғул (хожиб) 352  
Ўғул Қаймиш 249  
Ўджайту 9  
Ўзар 125  
Ўзбек Тоий 361  
Ўзлук (султон) 352, 353  
Қадоқ нўён 432  
Қазвиний, Мирзо Муҳаммад 5, 7, 8, 9, 12  
Қазвиний, Ҳамдуллох  
Муставфий 6, 22, 55  
Қаймиш 109, 111  
Қайхату (б. Абока) 9, 55  
Қамар Накуда 201  
Қамариддин 169  
Қиз малик 247  
Қиздувон 135  
Қизил Бўка 412  
Қизмалик 373, 441  
Қиркўз 4, 23, 24, 69  
Қиркўз 4, 237, 238  
Қобон 429  
Қодир бўки 287, 289  
Қодирхон 317  
Қора бўки 33  
Қора ўғул 237, 245  
Қора Хожа 107  
Қоража 132  
Қоража 23, 184, 186  
Қоража 413  
Қоратой 30  
Қоратой 413  
Қорун 324  
Қорун 372  
Қоялиқ 105  
Қубилай (хоқон) 148  
Қул Бўлот 412, 413, 415, 417, 418, 420, 423  
Қур бўки 426, 429  
Қурбоға 237  
Қуталмиш қоя 107  
Қутбиддин Муҳаммад 264  
Қутлуғ иноне 282, 283, 286  
Қутуку (нўён) 167, 184, 186  
Қуш Темур 366  
Қўтур (тегин) 114  
Қўчкар ўғли 264  
Ғазон 5, 9, 12, 14, 25, 56  
Ғайир бўкихон 284  
Ғайирхон 128, 129, 131, 132, 133  
Ғайирхон 329  
Ғиёсиддин Муҳаммад 274  
Ғиёсиддин Муҳаммад Хожа 14  
Ғузғон 413  
Ғуржон 125  
Ғурий 159  
Ғурхон 117, 118  
Ҳабаш Амид 256, 257

Ҳабаший 264  
Ҳалаб 246  
Ҳамид Бур 145  
Ҳамид Бур 407  
Ҳамидиддин Аризий 291  
Ҳанафий, Имом Аъзам 182  
Ҳаранғ 296  
Ҳасан III 326  
Ҳасан каттон 266  
Ҳасан Муаммал б. Халил б.  
Аҳмад ал-Бустий 219  
Ҳасан Саббоҳ 30  
Ҳидоят 18  
Ҳиндушоҳ б. Санжар (б.  
Абдуллоҳ) 20  
Ҳиндушоҳ б. Санжар б.  
Абдуллоҳ 20  
Ҳодиса 46  
Ҳожиб 142, 363

### ГЕОГРАФИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Абаркўҳ 403  
Абаркўҳ 403  
Абивард 174, 179, 281, 423,  
427, 432, 456  
Абхаз 373, 377  
Абхаз 55  
Авар 377  
Авлиё (ота) 298  
Ажам Ироки 56  
Азадвор 21  
Айнулмулк 361  
Акор 362  
Алинжо 369, 370  
Алон 377  
Амид 342

Ҳожиб Али 375  
Ҳошимий 19  
Ҳужир 256  
Ҳузистон 400, 401  
Ҳулоку 4, 9, 13, 14, 25, 28, 31,  
32, 33, 48, 54, 57, 69, 70, 77,  
148, 261, 290, 400  
Ҳулокухон 5, 9, 11, 23, 25, 28, 29  
Ҳумоюн Сипоҳсолор 185  
Ҳурмул 304, 305, 306  
Ҳусайн 345  
Ҳусайн ал-Мухаййар ал-  
Асадий 232  
Ҳусомиддин 387  
Ҳусомиддин Али б. Мусулий  
375  
Ҳусомиддин ал-Кайморий ал-  
Ҳасаний б. Абул Фаворис 387

Амид 393  
Аму 136  
Амул 171, 320, 456  
Амуя 177, 270  
Апа 46  
Анхолворо 363  
Анхуд 299  
Араб ироки 14, 18, 25, 33, 52,  
87, 129, 140, 172, 189, 199, 226,  
242, 281, 288, 376  
Арбил 367  
Арбил 43  
Арзирум 242, 386  
Армания 49  
Арос 369

Арос 370  
Арофат 345  
Аррон 25, 38, 49, 54, 137, 375,  
425, 437, 441  
Арслон Кушой қалби 290, 291  
Ас (ос) 248, 252, 253  
Асадобод 47  
Астақор 167  
Астробод 422  
Африка 412  
Афросиёб 320  
Бағдод 4, 14, 31, 32, 33, 41, 42,  
43, 52, 55, 70, 73, 76, 187, 248,  
261, 284, 328, 340, 343, 370,  
381, 411  
Бадахшон 120  
Бадахшон 162  
Байрут 33, 46  
Байҳақ 174  
Балола ва никола тоғлари 360,  
362  
Балх 28, 153, 163, 170, 187,  
266, 302  
Бардашир 362  
Барчинлигкент 131  
Басра 12  
Бейрут 68  
Бешбалиқ 108, 109, 111, 117,  
249, 255, 349, 417  
Бистом 293  
Биҳор 362  
Бовард 178, 180  
Боғ 174  
Боги Ҳуррам 159  
Боғшур 174  
Бодғис 297  
Бодғос 413  
Болсоғум 115

Бомбай 15, 42, 53, 54, 55, 56,  
58, 65, 66, 71  
Бомийён 165, 168, 256, 300, 302,  
303, 396  
Босто 356  
Бохарз 222  
Бохарз 279  
Буё Катур 167  
Булгор 105, 211, 253, 254  
Булоқ 58  
Бумижкат 141  
Бундукдор 37  
Буршала 372  
Буст 395  
Бухоро 71, 106, 132, 133, 137,  
139, 140, 141, 142, 143, 152,  
272, 330  
Варкўҳ 403  
Варкўҳ 403  
Вахш 107, 154  
Гаржистон  
Гармсир 395  
Гармсир 167, 394  
Гачит 162  
Гилон 340  
Гирон 389  
Горний 370  
Готха 20  
Гужарот 363  
Гургин 389  
Гуржистон 13, 24, 24, 25, 184,  
320  
Гуржистон 25, 371, 376, 424,  
441  
Дабуйа 340  
Давол 363  
Давоманд 406  
Давусия 147, 430



Дажла 33  
Дарай Дирозий 120  
Дарбанд 31  
Дашти кипчок 12, 31  
Деренбург 35, 68  
Дехли 301  
Дехли 361  
Диёрбакр 246, 384, 389  
Дихистон 281, 398, 452  
Дойр Асир 43  
Домгон 456  
Домрила 363  
Дувин 371  
Дужайл 43  
Жаба 170  
Жайхун (Амударё) 40, 129, 137,  
140, 160, 162, 167, 269, 334,  
393, 398, 424, 450  
Жайхун 40, 54, 93, 297, 300,  
387, 393  
Жанд 131, 134, 136, 158, 175,  
269, 272, 289, 317, 330  
Жодак 107  
Жожарм 174, 415  
Жом 171, 279  
Жорисмон 412  
Жувайн 171, 174, 281, 415  
Жувайн 4, 21, 171  
Жувошир 405, 407, 409  
Жуд 362  
Жуд тоғлари 361, 362  
Журжон 293, 310  
Завзан 406, 410  
Зарипул 279  
Зарнуқ 141  
Зинжон 290  
Зинжон 340  
Зобул 184  
Зуробод 174  
Игломиш 345  
Иғнок 317  
Иғрок 396  
Идил 106, 252  
Иламиш 313  
Имил 106, 233  
Имил 117, 239  
Ингур 378  
Ирок 344, 376, 393, 400, 405,  
450  
Исмоилия 29  
Истанбул 33  
Исфаройин 338, 456  
Исфаройин 415  
Исфахбуд 308, 309, 318  
Исфахон 25, 36, 56, 286, 289,  
364, 374, 376, 377, 402, 406,  
437, 438, 455  
Исфижоб 348  
Ихлот 381, 382  
Йенисой (Енисей)  
Кабон 389  
Кадакон 139  
Калом 336  
Калот 179  
Канжақ 433  
Карс 371  
Карт 437  
Катвон 140  
Кенгавор  
Кент 136  
Кеш (Шахрисабз) 439  
Кирмон 167, 242, 308, 310, 311,  
357, 374, 403, 405, 406, 410,  
411, 437  
Кирмоншоҳ 30  
Кирч 67

Кобок 106  
Кобул 184, 395  
Кошан 437, 455  
Кўбок 106  
Кўбок 107  
Кўкрух 412  
Куноса 106  
Кура 371  
Кусдор 395  
Куфа 187  
Кушой 289  
Кэмбриж 16  
Лазги 378  
Лахўр 170  
Лейбциг 67  
Лейден 11, 22  
Ликен 37  
Лор 25, 74, 75, 76  
Лористон 20  
Лохур 301  
Лўғз 377  
Лўр 246, 339  
Лурий 372  
Мадинаво 141  
Макка 20, 60, 163, 245  
Макрит 111  
Маликпур 361  
Маранд 371  
Марв 136, 174, 175, 178, 180,  
181, 182, 184, 185, 187, 266, 275,  
276, 277, 282, 293, 297, 299  
Марварруд 185, 295, 299  
Марвжук 174, 176  
Марказий осие 5, 7, 12  
Маркоб 371, 372  
Мароға 40, 47, 173  
Машҳад 187  
Машҳад 295

Миндур 377  
Миср 12, 33, 37, 40, 45, 73, 384  
Миср 20, 40  
Малазгирд 386  
Мовароуннахр 5, 27, 69, 85, 87,  
106, 139, 149, 246, 255, 309, 310,  
311, 321, 329, 333, 405, 431  
Мовубалик 112, 165, 233  
Можаристон 12  
Мозандарон 171, 310, 333, 342,  
398, 399, 412, 414, 419, 420, 423,  
427, 428, 432, 438, 450, 452  
Мозандарон 23  
Мозандарон 23, 24, 25, 28, 49,  
72, 171, 288  
Мочин 5, 27, 85  
Муғон 53, 172, 389  
Мўгулистон 5, 23, 26  
Мўлтан 301  
Мўмин 222  
Мўсул 25  
Мўсул 43, 429  
Нав 179  
Нажаф 32, 74  
Нанлана 169  
Нандонахон 361  
Насо 174, 271, 353  
Насо 178, 186  
Насо 179, 353, 412  
Нахичивон 173, 368, 369  
Нахшаб 162  
Нишопур 23, 171, 174, 186,  
188, 189, 191, 192, 271, 274, 28,  
307, 336, 413, 437,  
Нусрат 402  
Обескун 176, 341, 351  
ОврўпаТехрон 20, 41  
Од 370

Озарбойжон 24, 25, 49, 54, 246,  
368, 425, 430, 432, 437, 438  
Озодвор 4  
Ойрот 429  
Оксвард 20  
Оламут 29, 66, 70, 289  
Олатоғ 52  
Олмалиқ 118  
Олмалиқ 97, 106, 125, 126, 127,  
255  
Омбор 32  
Онадўли 13, 37, 54, 581, 385,  
387, 412, 429, 430  
Осиё 15  
Ошнас 134  
Памба 372  
Панждаҳ 185  
Панжоб 362  
Парвон 356, 396  
Парвона 37  
Париж 15, 17, 35, 37, 41, 45, 48,  
58, 63, 67, 68, 75  
Польша 12  
Работ 39  
Равалпинди 361  
Родугон 25  
Рой 21, 172, 281, 283, 338, 341,  
455  
Рой 281, 455  
Рудбор 290  
Рудигон 279, 280  
Рум 247, 248, 252, 377  
Рус 248, 252, 253, 254  
Русия 12, 31  
Рутамдор 340  
Сайрам 348  
Сайхун 313  
Саланга 113

Салмос 371  
Самарқанд 71, 106, 133, 137,  
139, 147, 153, 157, 158, 168,  
249, 255, 272, 330, 332, 333,  
348, 349, 368  
Санкт-Петербурґ 21, 65, 66  
Санкурон 437  
Сарахс 174, 177, 178, 179, 275,  
276, 280, 281, 294, 306  
Сарик сўпон 120  
Сарир 377  
Сарой 252  
Селенгар 92  
Сигноқ 134  
Сиёлкут 362  
Сижистон 174  
Синд 165, 166, 169, 301, 357  
Синжон 174  
Сокиёт 101  
Соксин 105  
Суан 377  
Субутой 170  
Сулдуз 37  
Сўлўнгай 199  
Сўмнот 290  
Сурия 12, 33, 45, 46, 54, 73, 87,  
94, 206, 248, 252, 282, 377, 381,  
384, 385, 386, 387, 430, 442  
Суро 394  
Табас 308  
Табриз 36, 38, 41, 52, 75, 173,  
211, 368, 371, 387, 430, 432,  
433, 442, 453, 456, 458  
Такинобод 395  
Такрит 43  
Тангут 168, 194, 167, 203, 225,  
252  
Танура 159

Тароз 24, 433  
Тарун 290  
Термиз 162, 163, 170, 271, 303,  
376  
Техрон 9, 23, 56  
Тешавор 164, 167, 168, 395,  
396  
Тибет 92  
Тибет 92, 203  
Тирох 356  
Тифлис 372, 373, 374, 442  
Толикон 154, 164, 165, 175,  
185, 295, 357  
Торун 340  
Тоштдор 371  
Тўғрой 271  
Тузгубалиқ 215  
Тула 112  
Турбой 107  
Туркистон 5, 6, 27, 69, 85, 98,  
106, 115, 149, 246, 255, 289,  
333, 348, 430, 431  
Туркман 321, 347  
Турон 139  
Туршиз 291, 292, 308  
Тус 171, 179, 295, 308, 336, 413  
Тус 23, 187, 189, 191, 425, 427,  
430, 432, 437, 451, 456, 458  
Уйғур 27, 28, 92, 106, 112, 115,  
140, 141, 211  
Уммон 12  
Урмия 371, 389  
Устувон 271, 353, 456  
Устунованд 406  
Учо 361  
Ушну 371, 389  
Фанокот 118, 132, 136, 169, 349  
Фарғона 138, 258, 321, 348

Ферузкўх 319  
Фирузкўх 289, 306  
Форс 242, 339, 429  
Форс 52, 246  
Фосо 364  
Франция 20  
Фрот 46, 74, 384  
Фўлод 125  
Хаб Аррон 336  
Халаб 430  
Халаф 25  
Халаф 386  
Хилвон 30  
Хитой 5, 140, 168, 200, 201, 203,  
213, 231, 246, 248, 275, 410, 429  
Хобушон 29  
Хонақоҳ 369  
Хоразм 22, 24, 105, 134, 136,  
138, 157, 158, 159, 264, 266,  
269, 275, 276, 279, 282, 284,  
292, 303, 307, 309, 316, 321,  
333, 347, 398, 425, 446, 447  
Хостобсирд 386  
Хоф 174  
Хўжанд 132, 136, 137, 138  
Хуросон 5, 23, 24, 28, 49, 72,  
140, 174, 177, 199, 210, 226,  
238, 242, 269, 275, 281, 284,  
289, 296, 338, 395, 424, 425, 427,  
428, 429, 430, 431, 433, 438,  
441, 448, 448, 450, 452, 458  
Хўтан 118, 119, 122, 124, 140,  
237, 321, 349  
Хўтон 237  
Чалонне 20  
Чимкент 348  
Чин (хитой) 5, 12, 87, 97, 112  
Чотисор 363

Шахристон 138, 178, 270, 271,  
412, 425  
Шервиёз 38  
Шероз 15, 23, 364, 409  
Шимолий Чин (Хитой) 92  
Широнкӯх 339  
Шобирон 31  
Шоёкон 353  
Шом 75  
Шонат 377  
Шофурхон 28  
Шуман 162  
Эрон 5, 6, 11, 12, 13, 15, 17, 23,  
24, 25, 28, 31, 33, 54, 64, 67, 69,  
70, 75, 261, 286  
Язд 25, 411  
Язир 174  
Язир 186  
Язир 309  
Язир 412  
Ясовур 107  
Ўзкант 118, 127  
Ўрдубалик 112, 114, 233  
Ўрдубалик 28  
Ўрс 138  
Ўрта Осиё 5  
Ўрхун 114  
Ўтзор 107, 128, 131, 132, 137,  
154, 316, 324  
Қабилон 159  
Қазвин 36, 172, 289, 454  
Қаймиш 331  
Қалъаи мӯр 174  
Қамчиқ 121  
Қарши сурат 234  
Қашғар 118, 120, 122, 140, 318,  
321, 349  
Қиёт 101

Қипчоқ 169, 206, 252, 254  
Қирғиз 92  
Қифчоқ 252, 377, 379  
Қобон 389  
Қозон 106  
Қора муран 200  
Қоражадоғ 54  
Қорайит 101  
Қоракўл 169  
Қоракурум 4, 25, 27, 28, 71,  
112, 215, 219, 223, 233, 248,  
249, 399, 422  
Қорахитой 106, 107, 248, 299,  
312, 347  
Қоҳира 18  
Қоялик 125, 117, 131  
Қубоча 301  
Қўйли 331  
Қулонбоши 169  
Қум 437, 455  
Қўнғурт 162  
Қутлуғбалик 142  
Ғазна 165, 167, 301, 319, 354,  
355, 357, 394, 395  
Ғарбий Хуросон 4  
Ғазорасор 8, 22, 268, 298, 339  
Ғамадон 47, 48, 283, 286, 328  
Ғамадон 73, 76, 172, 226  
Ғинд 220  
Ғинд дарёси 360  
Ғиндистон 6, 54, 216, 246, 301,  
320, 375, 395, 401, 408  
Ғирог 167, 174, 175, 293, 294,  
296, 297, 301, 302, 303, 306,  
309, 320, 355, 394, 437  
Ғобушон 271  
Ғузистон 31, 101, 400, 403  
Ғурамобод 367

## ИЛОВАЛАР

### Хронологик жадвал


#### А) Буюк хонлар:

Чингизхон (603-624 / 1206-1227)  
Ўгетейхон (624-639 / 1227-1241)  
Тўрагана Хотун (639-644 / 1241-1246)  
Куйукхон (644-647 / 1246-1249)  
Мангу хоқон (647-658 / 1249-1260)

#### Б) Элхонлилар:

Хулогу (654-631 / 1261-1265)  
Абока (663-680 / 1265-1282)  
Аҳмад Такудор 680-683 / 1281-1284)  
Арғун (683-690 / 1284-1291)  
Гайхоту (690-694 / 1291-1295)  
Бойду (694 / 1295)  
Ғазон Маҳмуд (694-703 / 1295-1304)  
Ўлжайту (703-716 / 1304-1316)  
Абу Саид (716-736 / 1316-1336)

## Хоразмшоҳ султонлар шажараси



## МУНДАРИЖА

Ҳ.Болтабоев. Тарихий манбаларда акс этган ҳаёт.....	3
М.Ўзтурк. Сўз боши.....	11
М.Қазвиний. Махсус муқаддима.....	12

## ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО

### Биринчи жилд

I. Муқаддима.....	83
II. Чингизхон майдонга чиқишидан аввалги мўғуллар аҳволи.....	94
III. Чингизхоннинг давлат тепасига келганидан кейин чиқарган қонунлари.....	97
IV. Чингизхоннинг майдонга чиқиши, унинг фатҳлари ва ҳаёти...106	
V. Чингизхон ўғиллари.....	108
VI. Уйғур ўлкасининг фатҳи ва Идикутнинг тобеъ этилиши.....	110
VII. Мўғуллар ҳаёт ҳикояларининг давоми.....	112
VIII. Уйғур афсоналарига кўра Идикутнинг насл-насаби ва мамлақати.....	116
IX. Қучлуг ва Туктўғон ҳаёти.....	121
X. Зоҳид Аллоиддин Муҳаммад ал-Хутаний.....	126
XI. Олмалиқ, Қоялик ва Фўлод ўлкаларининг забт этилиши ва уларнинг амирлари.....	129
XII. Чингизхоннинг Султон (Хоразмшоҳ) мамлақатига юриш қилиши сабаблари.....	131
XIII. Жаҳон фотиҳининг Султонга қарши юриши ва Ўтрорнинг забт этилиши.....	135
XIV. Улуш Идий томонидан Жанд ўлкасини забт этилиши.....	138
XV. Фанокат ва Хўжанднинг забт этилиши ва Темур Маликнинг ҳаёти.....	141
XVI. Мовароуннаҳр фатҳининг қисқа натижаси.....	145
XVII. Бухоронинг фатҳ этилиши.....	146
XVIII. Торобийнинг майдонга чиқиши.....	154
XIX. Самарқанднинг фатҳ этилиши.....	159
XX. Хоразм воқеаси.....	163
XXI. Чингизхоннинг Наҳшаб ва Термизга юриши.....	168
XXII. Чингизхоннинг Термиз кечувидан ўтиши ва Балх фатҳи.....	169
XXIII. Чингизхоннинг султон Жалолиддинга қарши жангга кириши.....	172



XXIV. Чингизхоннинг қайтиши.....	174
XXV. Турбой тақишнинг Султон Жалолиддинни излашга кетиши.....	176
XXVI. Жаба ва Субутонинг Султон изига тушиши.....	176
XXVII. Тулунинг Хуросонни фатҳ этиши.....	180
XXVIII. Марвнинг аҳволи ва фатҳи.....	182
XXIX. Нишобур воқеаси.....	194
XXX. Ўқтой хоқоннинг ва жаҳон подшоҳи унвони билан тахтга ўтириши.....	201
XXXI. Жаҳон подшоҳи хоқоннинг Хитойга юриши ва фатҳ этиши.....	208
XXXII. Иккинчи қурултой.....	211
XXXIII. Ўқтой Хоқоннинг қилган ишлари.....	215
XXXIV. Хоқон яшаган ва саёҳат қилган жойлари.....	243
XXXV. Тўрагана хотун.....	246
XXXVI. Фотима хотун.....	249
XXXVII. Куйукхоннинг тахтга чиқиши.....	251
XXXVIII. Ўғил Гаймиш хотун ва ўғиллари.....	260
XXXIX. Жўжининг ўлими ва унинг ўрнига Ботунинг тахтга чиқиши.....	263
XL. Булгор, Ос (ас) ва Рус ўлкалари фатҳи.....	264
XLI. Келар ва бошқирд халқи.....	265
XLII. Чигатой ҳаёти.....	266

## ТАРИХИ ЖАҲОНГУШО

### Иккинчи жилд

<i>М.Ўзтурк.</i> 2-жилдга сўз боши.....	271
<i>М.Қазвиний.</i> Махсус муқаддима.....	272
I. Хоразмшоҳлар давлатининг келиб чиқиши.....	275
II. Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тахтга чиқиши.....	305
III. Ғур султонлари ўлкасининг Султон Муҳаммаднинг қўлига ўтиши.....	314
IV. Султон қайтиб келганидан кейин Хурмул қилган ишлар.....	318
V. Кўзлу ҳақида.....	320
VI. Мозандарон ва Кирмоннинг фатҳ этилиши.....	323
VII. Мовароуннаҳр фатҳи.....	324
VIII. Султоннинг иккинчи марта Ғурхонга қарши жанги.....	330

IX. Ферузқўх ва Ғазнанинг фатҳи.....	332
X. Қорохитой хонлари, уларнинг юзага чиқиши ва таназзули.....	334
XI. Султон Муҳаммаднинг кейинги ҳаёти ва таназзули.....	339
XII. Султон Муҳаммад билан мўминлар амири Носирдинуллох Абул Аббос орасидаги совуқчилик сабаблари.....	359
XIII. Султонлар султонининг таназзули сабаблари.....	360
XIV. Султон Жалолиддин ҳақида.....	364
XV. Султон Жалолиддин Ҳиндистонда.....	375
XVI. Султон Жалолиддиннинг Бағдодга юриши.....	382
XVII. Султоннинг гуржиларга устига юриши ва тор-мор қилиши.....	385
XVIII. Султоннинг қайтадан Гуржистонга бориши.....	394
XIX. Султоннинг Ихлотга ҳаракат қилиши ва у ерни фатҳ этиши.....	397
XX. Султоннинг Онадўли султони билан жанг қилиши.....	402
XXI. Ямин Малик, Сайфиддин Иғроқ ва уларнинг хотимаси.....	411
XXII. Султон Муҳаммаднинг онаси Туркон хотин.....	415
XXIII. Султон Ғийосиддин.....	417
XXIV. Султон Рукниддин.....	422
XXV. Барок ҳожиб ва Кирмон ўлкасининг фатҳи.....	424
XXVI. Чин Темур ва унинг Хуросон ва Мозандаронни бошқариши.....	429
XXVII. Нусол ҳақида.....	434
XXVIII. Кўргузнинг ҳаёти.....	435
XXIX. Кўргузнинг Хуросонга қайтиши ва ундан кейинги ҳаёти.....	443
XXX. Амир Арғуннинг ҳаёти.....	447
XXXI. Амир Арғуннинг қатта қурултойга бориши.....	453
XXXII. Шарафиддин Хоразмий.....	461
КЎРСАТКИЧЛАР.....	479
ИЛОВАЛАР.....	499

*Илмий нашр*

Нашриёт муҳаррири: Файзи Шоҳисмоил  
Мусахҳиҳа: Хилола Болтабоева  
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»  
масъулияти чекланган жамияти  
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АІ № 103. 15.07.2008  
Босишга рухсат этилди 01.10.2015  
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 30,0  
Шартли босма табоғи 31,5. Адади 300  
Баҳоси: ...

«MUMTOZ SO'Z»  
масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: 241-81-20